

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ
НАШРИЁТИ

1980

12

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ёзувчилар VIII съездига табриги	3
Ўзбекистон Ёзувчилари VIII съезди материаллари	5

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Ё. Исҳоқов. Дўмбирамда булбул навоси	8
Э. Самандар. Муҳаббат гуллари сўлмас	10
Ж. Сейтназаров. Дўстликни шарафлайман	13
Ё. Обидов. Сукунат сўзласин...	15
Ш. Файзулла. Бахт	17
О. Қўчқорбеков. Инқироз. Қисса	20
Назармат. Икки томчи қон. Достон	67
Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши. Тарихий-саҳна-эзашт роман. Охири	83
В. Зоҳидов. Оташқалб шоир	134
С. Лойиқ Сарой шоирлари билан суҳбат. Шеърлар	137
С. Ражабов. Оғрик. Ҳикоя	139

АСҚАД МУХТОР 60 ЁШДА

П. Қодиров. Зиёга йўғрилган ижод	145
Мирмуҳсин. Қирқ йиллик дўстим ҳақида сўз	147
В. Смирнова. Замондош васфи	149
Ш. Бурҳонов. Адибнинг иқболи	151
Л. Торокопян. Одамийлик мадҳияси	152
В. Абдуллаев, Н. Шукуров, Н. Нарзуллаев. Танқидчининг толеи	154

ОЧЕРКЛАР

Н. Ҳайитқулов. Дала дафтаридан	157
Н. Раҳимжонов. Олимнинг олами	197

ПУБЛИЦИСТИКА

Н. Раҳматов. Чорвачилик — зарбдор фронт	202
Н. Фозилов. Кони фойда гиёҳ	208

САНЪАТ

Р. Турсунов. Фольклор ва бадиий ҳаваскорлик ансамбллари	211
---	-----

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

А. Алимбеков. Теран туйғулар куйчиси	214
--------------------------------------	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Р. Иноғомов. Устоз сабоқлари	216
Ҳ. Қодирий. Абдулла Қодирий ижоди ҳақида баъзи қайдлар	220

ТАҚРИЗЛАР

Н. Жумаев. Мунис шеърларининг янги нашри	229
Н. Холлиев, У. Утаев. Танқидчининг далиллаш санъати	231
М. Азимова. Қувноқ қиссалар	233
А. Тошхўжаев. Самимий сатрлар	234
«Шарқ юлдузи» журналі 1980 йил сонларининг йиллик умумий мундарижаси	235
Маданий ҳаёт	239

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!
Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни, республика ёзувчилари саккизинчи съезди қатнашчиларини ва сизлар орқали Ўзбекистон ССРнинг барча адабиёт арбобларини астойдил табриклайди.

Сизларнинг съездингиз шонли даврда ўтмоқда. Совет халқи шонли Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, содиқ марксчи-ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, Ер юзидаги одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун тинимсиз, изчил курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси раҳбарлигида коммунизм қурилиши улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширмоқда, жонажон Ленин партияси XXVI съездини мислсиз меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазиятида, муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган ва партия билан халқнинг жамиятимиз иқтисодий ва социал ривожини, ҳозирги босқичидаги жанговар фаолият программаси баён этиб берилган чуқур мазмунли, ленинча доно нутқини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва яқдиллик билан маъқулламоқдалар.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистларнинг улуғ анжуманини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Республика пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 6 миллион 150 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топшириб, айниқса, буюк муваффақиятга эришдилар.

Жамиятни иқтисодий ва социал сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, совет кишининг илмий дунёқарашини, актив ҳаётий позициясини, унинг маънавий эътиқодлари ва юксак маданиятини вояга етказишда адабиётнинг роли буюкдир. Умидворлик ва ҳаётбахш коммунистик ғоялар руҳи билан суғорилган совет адабиёти миллион-миллион кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоғи, уларнинг хоҳиш-иродаси, ҳис-туйғулари ва фикрларини ифодалашини, уларни ғоявий бойитиш ва ахлоқий тарбиялаш вазифаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Еттинчи съезддан кейин ўтган давр ичида республика ёзувчилари ижодиётининг тематик доираси анча кенгайди, уларнинг бадиий маҳо-

рати ўсди. Ўзбекистон адаблари халққа манзур бўлган кўпгина яхши романлар, қиссалар, поэтик асарлар, драматургия ва адабиётшунослик асарлари яратдилар. Ёзувчиларнинг ижодида замонавийлик мавзуси бош мавзу бўлиб қолди. Адиблар ўз асарларида социалистик воқелигимизни, совет кишиларининг меҳнатдаги жасоратларини, бой маънавий дунёсини ва олижаноб муддаоларини, СССР халқларининг буюлмаг дўстлигини, уларнинг илҳомбахш ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмини теран ва ёрқин ифодалай бошладилар.

Анчагина иш қилинди, аммо қилинадиган ишлар ҳали кўп. Коммунистик партия сўз санъаткорларини улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратишга, совет адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини янада баланд кўтаришга даъват қилади.

Халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлаш, совет воқелигининг бойликлари ва хилма-хиллигини юксак бадиий воситалар орқали ҳаққоний ифодалаш, янги чинакам коммунистик фазилатларни илҳом билан мароқли тасвирлаш ва жамиятимизнинг олға ҳаракатига халақит бераётган ҳамма иллатларни фош қилиб ташлаш—республика ёзувчиларининг энг муҳим ва масъулиятли вазифаларидир.

Халқ адиблардан замонамизнинг қаҳрамонларини—коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бораётган азаматларни тасвирловчи йирик бадиий асарлар кутмоқда. Ёзувчиларимиз совет халқи ишларининг улуғворлиги, дили ва орзу-умидларининг олий ҳимматчилигини, унинг коммунистлар улуғ ленинчи партияси теварагида метиндек жипслашганлигини кўрсатиб беришлари лозим.

Ягона ва бўлинмас совет адабиёти аввал бошданок сержило ва кўп миллатли адабиёт сифатида дунёга келди. Унинг ривожига асос қилиб олинган халқлар дўстлиги ва қардошлиги, пролетар интернационализмининг улуғ ғоялари бундан буён ҳам Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларида жўшқин тараннум этилмоғи керак.

Совет адабиёти ўзининг ғоявийлиги ва ҳақгўйлиги туфайли коммунистик онглиликни шакллантириш ва ривожлантиришга жуда катта самарали таъсир ўтказмоқда. Республика ёзувчилари энг илғор ижодий метод бўлмиш социалистик реализм методини бундан буён ҳам ўзлаштира боришлари, унинг принципларини ижодий ривожлантиришлари, турли-туман буржуача хуружлардан авайлаб асрашлари лозим.

Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришда республика ёзувчилар союзининг роли катта. Союзнинг фаолияти юксак талабчанлик, принципиаллик ва халқ олдидаги гражданлик масъулият муҳити билан, яхши ният муҳити билан ажралиб туриши керак. Ёзувчиларнинг ғоявий-назарий ва профессионал маҳоратини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиши, ёш адибларни меҳрибонлик билан тарбиялаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг саккизинчи съезди самарали ишлашини тилайди ҳамда Ўзбекистон адиблари партия XXV съезди қарорларида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларида совет ёзувчилари олдида қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, жонажон Ленин партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, кўп миллатли совет социалистик маданиятининг улуғ хазинасига бундан буён ҳам кўпроқ ҳисса қўшаверадилар, деб ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КП
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ
VIII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ПРАВЛЕНИЕ АЪЗОЛАРИ

АБДУЛЛАЕВ Воҳид Абдуллаевич
АБДУЛЛАХОНОВ Жонрид
АБДУСАМАТОВ Ҳафиз
Шоаҳмедович
АЗИМОВ Сарвар Олимжонович
АҚБАРОВ Ҳамдам Иброҳимович
АЛЕКСАНДРОВ Вильям
Александрович
АЛЯДИНОВ Шомиль Сеитович
АМЕТОВ Черкез-Али
АНОРБОЕВ Суннатилла
БОБОЖОНОВ Рамз Носирович
БОЙҚОБИЛОВ Барот Тиллаевич
БЕКНИЁЗОВ Раҳим
БЕНДЕР Альфред Рудольфович
БУЛАНОВ Иван Иванович
ВАҲОБОВ Абдулазал
ВОҲИДОВ Эркин Воҳидович
ВЛАДИМИРОВ Георгий
Петрович
ВОЛКОВ Константин Петрович
ЖАББОРОВ Жуманийёз
ЖУМАМУРОТОВ Тилоберген
ЖҲРАЕВА Гулчеҳра Содиқовна
ЗОҲИДОВ Воҳид Йўлдошев
ИВАНОВ Андрей Митрофанович
ИСМОИЛИЙ Мирзакалон
ИСМОИЛОВ Бобош
ИСМОИЛОВ Умаржон
ИСРОИЛОВА Зулфия
ЁҚУБОВ Одил
ЁҚУБОВ Ҳомил
ҚАРОМАТОВ Саъдулла
Музаффарович
КОСТЫРЯ Вячеслав Афанасьевич
МАМАЖОНОВ Салоҳиддин
МАТЧОНОВ Омонбой
МАРЪЯНОВСКИЙ Григорий
Иосифович
МИРЗАМУҲАМЕДОВ
Муҳаммаджон Носирович
МИРЗАЕВ Сайдулла
МИРСАИДОВ Мирмуҳсин
МУҲАММАД АЛИ (Муҳаммад Али
Аҳмедов)

МУҲАМЕДОВ Мумтоз
Муҳамедович
МУҚИМОВ Йўлдош Муқимович
МУМИНОВ Пўлат
МУСЛИМОВ Илёс
МУҲАММАДИЕВ Қуддус
МУХТОРОВ Асқад
НАЗИРОВ Ҳаким Назирович
НАРЗУЛЛАЕВ Нормурод
НОСИРОВ Эркин Носирович
НИЁЗОВ Ҳайдарали
НОРМАТОВ Умарали
НҲЪМОНОВ Комил НҲъмонович
(Яшин)
НУРМУҲАМЕДОВ Марат
НУРУЛЛАЕВА Гулчеҳра
ОБИДОВ Зоҳиджон
ОЙМИРЗАЕВ Жўлмирза
ОЛИМОВ Фулом Олимжонович
(Шуҳрат)
ОРИПОВ Абдулла
ОТАҚҲЗИЕВ Уйғун
ОХУНОВА Ётибор
ОХУНДИЙ Насрулло
ПАРМУЗИН Борис Сергеевич
ПУЛАТОВ Темур Исҳоқович
РАШИДОВ Шароф Рашидович
РАҲИМОВ Иброҳим
Абдураҳимович
РАҲМАТОВ Адҳам
РҲЗИЕВ Қодир (Рўзи Қодирий)
РҲЗИМАТОВ Ваҳоб
САЪДУЛЛАЕВ Ҳабиб
САФАРОВ Назир Сафарович
СИДЕЛЬНИКОВ Олег Васильевич
СИРОЖИДДИНОВ Самариддин
СУЛТОНОВ Иззат Отахонович
ТҲЛАХҲЖАЕВ Туроб
(Туроб Тўла)
ТҲХТАБОЕВ Худойберди
ТҲРИКОВ Владимир Иванович
УДАЛОВ Александр Андреевич
УМАРБЕКОВ Улмас Раҳимбекович
УРАЗАЕВ Абдулла Иматович

УСМОНОВ Уктам Иброҳимович
 ФОЗИЛОВ Носир
 ФАЙЗИЕВ Раҳмат
 ФАЙЗИЕВ Душан
 ФАЙЗУЛЛАЕВ Сайёрпўлат
 (Сайёр)
 ФАРҲОДИЙ Раим
 ФАТХУЛЛИН Зиннат Равилович
 ХОЛБУТАЕВ Нурали
 (Нурали Қобул)
 ХОЛДОРОВ Олимжон
 ХАИМОВ Ёқуб
 ХОЛМИРЗАЕВ Шукр
 ҲАМДАМОВ Адҳам
 ҲАМИДОВ Тошпўлат
 ҲОШИМОВ Ўткир
 ҲОЖИЕВА Ойдин
 ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима
 ХУДОЙБЕРГАНОВ Норбой
 ҲУСАНХУЖАЕВ Саидахмад
 (Саид Аҳмад)

ШАМШАРОВ Йўлдош
 ШОМУҲАМЕДОВ Шоислом Маҳ-
 мудович
 ШАРОФИДДИНОВ Озод
 ШАРИПОВ Ҳусниддин
 ШЕВЕРДИН Михаил Иванович
 ШЕРМУҲАМЕДОВ Пирмат
 ШУКУРОВ Нуриддин
 ЭГАМНАЗАРОВ Назармат
 ЭДЕМОВА Урие
 ҒАФУРОВ Иброҳим Усмонович
 ҒУЛОМОВ Ҳамид Убайдуллаевич
 ҚОДИРОВ Пиримқул
 ҚОРИЕВ Мақсуд
 ҚАИПБЕРГЕНОВ Тўлепберген
 ҚАЮМОВ Лазиз Пўлатович
 ҚУШЖОНОВ Матёқуб
 ЮНУСОВ Маҳмудали
 ЮСУПОВ Иброҳим
 ЮСУПОВ Шукрулло
 ЯҲЕЕВ Ҳайдар

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ

АБДУҚАҲҲОРОВ Самн
 АБДУРАШИДОВ Раззоқ
 АКБАРОВ С. (Султон Акбарий)
 АМИНОВ Н.
 АҲМЕДОВ Т.
 БОКСЕР Б. Я.
 БОЛАТ Ю.
 БОНДАРЕНКО Н. А.
 ГРЕБЕНЮК М. К.
 ИМОМХУЖАЕВ Т. (Тўлқин)
 ЙЎЛДОШЕВ С. Й.
 КОВАЛЁВ Ю. А.
 КРЮК Г. Н.
 ЛЕОНТИЧЕВ Ю. А.

МИРЗАЕВА М.
 НАХАНОВ О. (Отаёр)
 ОБИДОВ Едгор
 РЫБАК З. Ф.
 САМАНДАРОВ Эркин
 САФАРОВ М.
 СЕЙТЖОНОВ Т.
 УБАЙДУЛЛАЕВ Ш. А.
 ХАЙРУЛЛАЕВ М.
 ҲАКИМОВ О.
 ХУЖАНАЗАРОВ У.
 ШАРИПОВ Жуманнёз
 ҲУСАНОВ О.
 ЎТКИР Рашид.

СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VII СЪЕЗДИГА САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

АЗИМОВ Сарвар
 АЛЯДИНОВ Шомил
 БОБОЖОНОВ Рамз
 БОЙҚОБИЛОВ Бароғ
 ВОҲИДОВ Эркин
 ВЛАДИМИРОВ Г. П.
 ИСРОИЛОВА Зулфия
 ЁҚУБОВ Одил
 МИРСАИДОВ Мирмуҳсин

МУХТОРОВ Асқад
 НАРЗУЛЛАЕВ Нормурод
 НУЪМАНОВ К. Н. (Яшин)
 ОРИПОВ Абдулла
 ОТАҚУЗИЕВ Уйғун
 ПАРМУЗИН Б. С.
 ПУЛАТОВ Т. И.
 САФАРОВ Назир
 ТУЛАХУЖАЕВ Т. (Туроб Тўла)

ФАЙЗИЕВ Раҳмат (Раҳмат
Файзий)
ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима
ШЕВЕРДИН М. И.
ШЕРМУҲАМЕДОВ Пирмат
ЮСУПОВ Иброҳим

ЮСУПОВ Шукрулло
ГУЛОМОВ Ҳ. У. (Ҳамид Гулом)
ҚАИПБЕРГЕНОВ Тўлепберген
ҚАЮМОВ Лазиз
ҚОДИРОВ Пиримқул
ҚУШЖОНОВ Матёқуб

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ
СЕКРЕТАРИАТИ

АБДУСАМАТОВ Ҳафиз
Шоаҳмедович
АЗИМОВ Сарвар Олимжонович
АЛЯДИНОВ Шомиль Сеитович
БОБОЖОНОВ Рамз Носирович
ВОҲИДОВ Эркин
ВЛАДИМИРОВ Георгий Петрович
ЗОҲИДОВ Воҳид Йўлдошев
ИСРОИЛОВА Зулфия
ОРИПОВ Абдулла Орипович
ОТАҚУЗИЕВ Уйғун
МИРСАИДОВ Мирмуҳсин
МУХТОРОВ Асқад Мухторович
ОХУНОВА Эътибор
НАРЗУЛЛАЕВ Нормурод
Нарзуллаевич

НУЪМОНОВ Комил Нўъмонович
(Яшин)
ПАРМУЗИН Борис Сергеевич
РАҲИМОВ Иброҳим
Абдураҳимович
САФАРОВ Назир Сафарович
СУЛТОНОВ Иззат Отахонович
УДАЛОВ Александр Андреевич
УМАРБЕКОВ Улмас Раҳимбекович
ФАЙЗИЕВ Раҳмат Файзиевич
ҚОДИРОВ Пиримқул Қодирович
ҚАИПБЕРГЕНОВ Тўлепберген
ҚОРИЕВ Мақсуд Қориевич
ҚАЮМОВ Лазиз Пўлатович
ҚУШЖОНОВ Матёқуб
ҲУСАНХУЖАЕВ Саид Аҳмад
ШЕВЕРДИН Михаил Иванович
ЁҚУБОВ Одил

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ
П Л Е Н У М И

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи ноябрь куни бўлиб ўтган пленумида Сарвар АЗИМОВ правлениенинг биринчи секретари қилиб сайланди. Рамз БОБОЖОН, Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ, Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Борис ПАРМУЗИН Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретарлари қилиб сайландилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органлари «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори қилиб МИРМУҲСИН, «Звезда Востока» журналининг бош редактори қилиб Георгий ВЛАДИМИРОВ, «Йылдыз» журналининг бош редактори қилиб Шомиль АЛЯДИН, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори қилиб Лазиз ҚАЮМОВ тасдиқланди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съездида сайланган янги ревизия комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Утқир РАШИД Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Ёдгор бахши Исҳоқов

 *Дўлдуралда
бўлбўл
набоса*

* * *

Сен — менинг яшнаган гулу гулбоғим,
Сен — менинг пурвиқор суянган тоғим,
Сен — менинг ёлқинли илиқ қучоғим,
Эй менинг тупроғим, аъло тупроғим.

Сен — менинг руҳимсан, сен — менинг жоним,
Сен — менинг жўш урган томримда қоним,
Сен — менинг бисотим, ризқ-рўзим, ноним,
Эй менинг тупроғим, тилло тупроғим.

Туғилиб улғайдим, уйимсан ўзинг,
Ҳидласам муаттар бўйлимсан ўзинг,
Идроким, хаёлим, ўйимсан ўзинг,
Эй менинг тупроғим, зебо тупроғим.

Фуруру ифтихор, ойдин юзимсан,
Азиз, муқаддасим, дахлсизимсан,
Сўзимсан, жисмимсан, демак ўзимсан,
Эй менинг тупроғим, она тупроғим!

Тасанно

Ильич бобом қўли билан қурилган
Улуғ Совет маконига тасанно.
Коммунизм нури билан йўғрилган
Бу ажойиб замонамга тасанно!

Фан дошида қайнаб, чунон пишганман,
Халқ қалбига юрагимни қўшганман.
Эл ишида дарё бўлиб жўшганман.
Шонли меҳнат майдонимга тасанно!

Коммунизм таронаси созимда,
Тинч, фаровон ҳаёт мадҳи назимда,
Ёдгор бахши юртга доим таъзимда,
Партия бош маконимга тасанно!

Терма

Эр деманг, дарёни шартта тўсганни,
Чин юракдан халқин севолган — эрдир.
Эр деманг, аждарнинг бошин кесганни,
Ҳаётда рост қадам қўёлган — эрдир.

Боқмай ҳеч ўзганинг нони оқиға,
Сабр айлаб ўз топган нони қоқиға,
Бўлиб султон ўзин ҳалол ҳаққиға
Қаноат тожини киёлган — эрдир.

Жаҳл — тан мулкига тушган ўт-олов,
Ёхуд тан мулкни яксон этар ёв.
Ақлни жаҳлга айлаб мудом гов
Ўзни жаҳолатдан тиёлган — эрдир.

Бахллик дарахтин қирқиб илдин,
Лоладек яшнатиб саховат юзин,
Қарам дарёсида наҳангдек ўзин —
Тутиб мардонавор сузолган — эрдир.

Рустам каби азим тоғларни Ёдгор
Юрсангда орқалаб, зўрлигинг бекор.
Ечмагил камтарлик либосин зинҳор,
Манманлик кўзини ўёлган — эрдир.

□

Даврада минг товланиб ой юзли жонон рақс этар,
Эргашиб жононага жисмим аро жон рақс этар.

Кенг уфқларни санам қучган каби ёйса қулоч,
Сарвинозим рақсига пайваста жаҳон рақс этар.

Қоялардин шарқираб тушган мисоли шаршара
Коқили тўлғанганида шўх Зарафшон рақс этар.

Севгилим рақси қуюндек авжнга чиққан маҳал
Бегумон ою қуёш, ер бирла осмон рақс этар.

Тебранар ёр рақсига гулшанда гунча юз очиб,
Жўр бўлиб булбуллари бирла гулистон рақс этар.

Рақс этар жонона бирла бахши Ёдгор байтлари,
Қўшилиб анга қўшиқ, шеър бирла дoston рақс этар.

Назм гулзорида

Замон менга бериб оташли илҳом
Назм гулзорида кездирди қўйди;
Назм гулзорида турфа очилган
Муаттар гулларин уздирди қўйди;
Наволар қилдириб монанди булбул,
Ватан гулзорида кездирди қўйди;
Менга қудрат ато айлаб наҳангдек
Фикр уммонда суздирди қўйди;
Фикр гавҳарларин мисраларимга
Ноёб маржон каби тиздирди қўйди;
Жаҳон айвонида бу бахши Ёдгор
Борлигин оламга сездирди қўйди.

Эркин Самандар

*Муҳаббат гуллари
сўйилмас*

Ёр сурати

Юрарман ул паривашга етишмоқни тилак айлаб,
Боролмасман ва лекин ёнига асло юрак айлаб.

Хаёлимда яратдим суратин шайдо мусаввирдек,
Шамол йиртди хаёлим суратини чархпалак айлаб.

Куну тун саждалар қилдим чизиб гулзорга тасвирин,
Ясаб гулхайридан камзул, гунафшодан зирак айлаб.

Қаноат этмагач кўнглим қуёшдан ранг олиб турфа,
Самога чиздим аксин зулфини нур чамбарак айлаб.

Сайрга чорламанг еллар, менниг ҳолим шу янглиғким,
Унинг тасвири пойини кетолмам асло тарк айлаб.

Чизиб ёр суратни кўнглим осойиш пстади, лекин
Кўзим куйдирди сурат изтиробим лак-лак айлаб.

Сабо дилдорага айтгил, келиб тасвирини кўрсин.
Шу тахлит бир ўзини кўрсат, Самандарга кўмак айлаб.

Кафтимга туш қуёш

Кўнгил қўлимга бир нафас, кафтимга туш, қуёш,
Ўйнат ёқут қанотларинг мисоли қуш, қуёш.

Кирма булутлар осўнга, берма булутга эрк,
Сен кўк узра хомуш эсанг ер ҳам хомуш, қуёш.

Дилим тўкиб губорини сархуш қўшиқ тўқур,
Шуълангни бир шароб каби қилганда нўш, қуёш.

Тунлар сенинг ёдинг билан саргаштадир кўнгил,
Еруғ бўлар тун ҳам сени кўрганда туш, қуёш.

Таъбир қилиб туннинг тушин эзгу хаёлда ой
Чопгай изингдан харж этиб сочиб кумуш, қуёш.

Дилдор сенга илҳақ бўлиб, келтир қуёшни деб,
Амр айлади, зиммамга ортди зўр юмуш, қуёш.

Раҳм эт Самандарга ўзинг, эй шоҳи коинот.
Кўнгил қўлимга бир нафас, кафтимга туш, қуёш.

Мантиқ

Севмадим дерсан, дилоро, сўзларинг нозингга зид,
Кўнгироқдек шўх, жарангдор. эрка овозингга зид.

Сен муқимлик ихтиёр этдим дея алдамагил,
Тилдаги соқир муқимлик асли парвозингга зид.

Тингламасман нола этса боғда булбуллар дема,
Бул сўзингким бог аро ошуфта овозингга зид.

Субҳидам қувноқ сабога сирларинг этдинг баён,
Кундуз айтган барча сўзинг тонгги ул розингга зид.

Мен ҳақимда сен деган ёлғон-яшиқ қайдан чиқар,
Шунча кўп сўз мисли ўймоқдек кичик оғзингга зид.

Не эрур ёлғон, не чиндир, сўзлагил мантиқ билан,
Бўлмагай асло Самандар сўзларинг созингга зид.

Хаёл содиқ

Эрур ёлғон деса юлдуз, ҳилол содиқ,
Ҳисоб этмаски ўн беш кун висол содиқ.

Севар қош ўсмани содиқ билиб кўркин,
Ва лекин қошга уч кун зилол содиқ.

Қўйиб дунёга ҳирс, мол деб кечиб жондан,
Харидор ганж йиғиб ўйларки мол содиқ.

Замин солди кўнгилларга меҳр шавқин,
Бериб севги деди эркак, аёл содиқ.

Қўйиб қалби гоҳи соҳир хиёнатдан,
Деди Инсон, азал ишқингга қол содиқ.

Замин сўзин хаёлингга қанот этгил,
Самандар, ҳар қачон сенга хаёл содиқ.

Тасалли

Қўрқма кўзлардан санам, бир гап бўлар,
Тик бошингни қилма хам, бир гап бўлар.

Шилдираб барглар қуруқ ғийбат қилар,
Дош беришга топ чидам, бир гап бўлар.

Дайди еллар таънасига чап бериб,
Мен сари қўйгил қадам, бир гап бўлар.

Қўйлагинг силкинса шарпа сизди деб,
Бўлмагил, кўп ложарам, бир гап бўлар.

Сир очилмас, тушмас ҳеч шаънингга доғ,
Босмасин қалбингни ғам, бир гап бўлар.

Қил фикр, кутса қоғоз шарҳи қалам,
Оқ қоғозга дер қалам, бир гап бўлар.

Бу не гап деб Самандарга берма савол,
Улмасак, ахир, санам, бир гап бўлар.

Ёмғир билан

Келдингу оқшом маҳал ёмғир билан,
Ойнани чертдинг, гўзал, ёмғир билан.

Мен эшик очганда кулди лабларинг,
Порлади кулбамда лаъл ёмғир билан.

Шодлиги, дерлар, сира бўлмас тамом,
Ишқ олиб келса хамал ёмғир билан.

Энди дилбар кулбадан бўлмас чиқиб,
Копнот қилди қамал ёмғир билан.

Бу қамал кўп хуш қамалдир биз учун,
Шодумон бир нағма чал ёмғир билан.

Қўйлагингдан томса ёмғир ғам сма,
Кўл бўларми кулба сал ёмғир билан.

Тур Самандар, тез самога раҳмат айт,
Солди кўнглингга ғазал ёмғир билан.

Куз кунлари

Бўлса ниқ бошингга тож куз кунлари,
Омадинг топгай ривож куз кунлари.

Бир меҳр истаб заминдек дил уйи
Нурга сезгай эҳтиёж куз кунлари.

Нур каби кулсанг жамолинг мулкидан
Истамас ким ҳам хирож куз кунлари.

Асра ҳуснинг шуъласин, кўклам эмас,
Этмагин талон-торож куз кунлари.

Васл учун келди Самандар қошинга,
Лекин унга топ илож куз кунлари.

Жўлдас Сейтназаров

Шарафлайман

Октябрь шарофати

Юрагимда қат-қат сўзлар
маржон,
Ёзарман ҳеч тинмай кўшиқ,
достоини.

Олга томон қулоч отдим ҳаётда,
Умр кўрдим билмай қайғу-армонни.

Юзим ёруғ, кўнглим эса доим хуш,
Орзуларим мисли кўкда учар қуш.
Тиниқ кўкнинг кўз илғамас бағридан
Гўё бахтим борлиқ узра урар тўш.

Менга ғовлар писанд эмас ҳеч қачон,
Иқбол ваъда этаётир ҳур замон.
Боболарим орзу қилган давр бу,
Сайргоҳим бўлди еру кенг осмон.

Она юртим бағри кенгдир, биламан,
Тинмай кезиб, меҳр билан тўламан.
Кўрдим бахтга бешик бўлган Питерни,
Сенга, Ленин устоз, таъзим қиламан.

Сени кўрган тилагига етади,
 Ҳаяжондан қалблар қалқиб кетади.
 Топгандайин ҳаётда энг керагин,
 Кунларимга шодлик насиб этади.

Кўрганларим яхшиликка йўман,
 Адашганни йўлга солиб қўяман.
 Кронштадт матросидай постдаман,
 Ёв даф қилса кўзларини ўяман.

Қондош-элдош битта сафда турганмиз,
 Ғанимларни аямасдан урганмиз.
 Тарихларда битилган бу жасорат,
 Ғолибликнинг гаштини ҳам сурганмиз.

Санар бўлсак ғалабалар мўлу кўл,
 Изнимиздан обод бўлди ўнгу сўл.
 Туташтирди ер билан кўк орасин
 Қаҳрамон Гагарин очган ойдин йўл.

Олам узра Ватаним нур таратди,
 Унга борлиқ ҳавас билан қарайди.
 Октябрдан бахтин топган бу элат
 Дунёни лол қолдирмоққа ярайди.

Биз ҳар йили Октябрни тўйлаймиз,
 Меҳримизни куйга солиб куйлаймиз.
 Ҳаётимиз барқ урсин деб кундан-кун
 Режа тузиб, эртамизни ўйлаймиз.

Юртимизда кунда байрам, кунда тўй,
 Қувончлардан очиқ чеҳра, рангу рўй,
 Манзилимиз олис, ёрқин истиқбол,
 Унга томон бошлар эзгу умид-ўй.

Бу салтанат Октябрдан туғилган,
 Ватан отлиқ бир туйғудан туғ олган.
 Унга олам тонг қолгандай қарайди,
 Чунки бағри меҳримизла йўғрилган.

Онам босган ер

Баҳор келиб, олам нурга тўлган чоғ,
 Яшил кийиб, гул очганда боғу роғ.
 Соғинч билан қалқиб кетди юрагим,
 Йўлга тушдим, она қишлоқ, оч қучоғ!

Олмазорлар оппоқ нурга чўмилган,
 Гуллар кўзи тонгда ноз-ла ювилган.
 Кўзларимга ўтдай гафтли кўринар —
 Онам босган ер, меҳрга кўмилган.

Тенгдошларим даврасида юраман,
 Очиқ чеҳра билан суҳбат қураман.
 Яшнаётган онам юрти — она ер —
 Хизматида белим боғлиқ тураман.

Онам бағри — бағри чексиз даладай,
 Еки тонгда шабнам эмган лоладай.
 Онадаини меҳрибон йўқ оламда,
 Танам яйраб, қувонаман боладай.

Бу қишлоғим гул, боғларга тўладир.
 Яқин кунда шаҳарга тенг бўладир.
 Онагинам изи тушган қутлуғ ер
 Онам бўлиб қалб тўрида қоладир.

Қорақалпоқ тилидан
 М. ЕҚУБОВА таржимаси

Ёдгор Обидов



Сукунат сўзласин,
 Кўзлар сўзласин,
 Сўзласин дилларда тош қотган армон.
 Хаёл сесканмасин,
 Хаёл тўзмасин,
 Тинглайин энтикиб.
 Тингласин осмон.

Тақдирлар эртагин тингласин шамол,
 Тингласин юлдузлар кибриги титраб.
 Тингласин уфққа бош қўйиб ҳилол
 Сенинг кўзларингга интизор қараб.

Кўзларинг сўзласин, орзули олам —
 Армонга айланган йиллар аксини.
 Уруш юҳо бўлиб ютганини, ҳам
 Ўн олти ёшли қиз рақсини.

Бунга сўз ифода бўлмоғи мушкул,
 Дардини айтолмай титрайди замин.
 Кўзларинг сўйласин, майли, сукут қил,
 Ойбек сукутидай оғир ва вазмин.

Ўша кибрикларда қотган ҳаяжон,
 Умидли кўзларда ёнган эҳтирос,
 Ватан туйғусидан тўлғонган тугён
 Фақат ўт нигоҳдан изласин қиёс.

Сўзласин, қўйиб бер, не бўлса армон,
 Рақс учун яралган қўллар титроғи.
 Қаршингда бош эгиб тингласин замон
 Сен, ўзбек қизининг ўтли нигоҳин!

Тонг каби оқарган толедан шод
 Хаёл сесканмасин,
 Хаёл тўзмасин.
 Бу кун ўз қадрини тингласин ҳаёт,
 Сукунат сўзласин,
 Кўзлар сўзласин...

Хотира

Тонгда қуёш келди таъзимга,
 Остонагда бош эгиб турди.
 Кўзи тушиб дилкаш назмга
 Шодлигидан кўкка югурди.

Қўшиқларга тўлди самовот,
 Тонг куйига эрк берди хаёл.
 Ҳазал битмиш сени қилиб ёд
 Оғушингда бахт топган аёл.

Меҳр билан куйланди Ватан,
 Меҳр билан сўйланди иқбол.
 Меҳр — қуёш қанотидек шан —
 Ёнаётган юракка тимсол.

Қиприklarин куйдирди армон
 Тонгга қадар ёнган чироғда
 Ғолиб келди куй билан инсон
 Ҳижронларни қолдириб доғда.

Тонгда бедор ўтган қаламга
 Тонгда қуёш сингил тутинди.
 Уфқ ортига бош қўяр дамда
 — Мени кутгил, — дея ўттиди.

Тонгда яна келар таъзимга,
 Остонагда бош эгиб турар.
 Кўзи тушиб дилкаш назмга
 Шодлигидан кўкка югурар.

□

Сен билан бўлсам, дилимга
 Яшнаган бўстон қиёс.
 Бандма-банд ишқ васфи-ю,
 Мазмун тўла дoston қиёс.

Не эди дoston, бағирда
 Бўлмаса ошифта дил.
 Ошифта дилда тўлғониб
 Кетган бежо туғён қиёс.

Канча қилдим илтижолар,
 Очмадинг бир бор кўнгил,
 Шул сабабдин менга Мажнун,
 Кўзлари гирён қиёс.

Севги истарман ахир
 Мен ҳам умрдан боумид,
 Севгисиз ўтган умрга
 Кўздан оққан қон қиёс.

Покиза виждон биланким
 Мен битурман васфи ишқ,
 Гарчи ишқим рад этурсан —
 Ишқима армон қиёс.

Сен дедим — юз очди олам —
 турфа рангу сержило,
 Шу сабабдан кўнглима
 Юлдузли кенг осмон қиёс.

□

Бу оқшом сеники,
 Сенга армугон.
 Уни мен яратдим қалбим чўғидан.
 Сонсиз юлдузларин — хаёл ва армон.
 Рангларин — кўзларим қорачиғидан.

Юксак иштиёқдан бунёддир ҳилол,
 Оғушинг уфқини излар беором.
 Менга орзу бўлиб қолгандай висол —
 Сенга ёдгор бўлиб қолсин шу оқшом.

□

Дарё сокин,
 Кўкда ой сокин...
 Сокин-сокин боқишлар,
 Дилларга ўт ёқишлар

сокин-сокин.
 Кўзларга нур бўлгайман,
 Сўнг аста таралгайман,
 Оламни қамраб.
 Йўлларга тўшалгайман,
 Орзуман... ушалгайман.
 Борлиқни жамлаб...

Мен — сурурман,

Мен — гурурман,
 Мен — хаёлман
 Ва ёшлиқнинг ўзиман,
 Истиқболга элтувчи

Сокин қанот,
 Иқбол ҳадя этувчи
 Сабот —
 Мен ўзимман —
 сокин-сокин
 Борлиқингга қуйилган,
 Дарё бўлиб,
 Ва ой бўлиб туюлган...

Шукрулла Файзулла



Ишдан қайтиб,
 Дам оламан тинч;
 Туғилади миямда савол:
 — Сололдингми қалбларга
 севинч,

Бу кунинг ҳам ўтдими ҳалол?
 — Ҳалол!— дейман мамнун
 ўзимдан,
 Кичик уйим гўё кенг жаҳон...
 Зарра нуқсон бўлса ишимда,

Қийналаман,
азоб чекар жон.
Тонгда
Яна эзгу ҳис билан
Ҳар кунгидай жўнайман ишга.
Одамларнинг тақдири, бахти

Мени яна солар ташвишга.
Бахт дегани мана шу, дўстим,
Ҳалол меҳнат умрингга мезон.
Сўз бераман:
Бугун ҳам ҳеч ким
Хизматимдан тополмас нуқсон!

Эътироф

Иқболнинг бор, эл сенга ҳамдам,
Яшай олмас ҳеч кимса якка.
Сиз туфайли ҳаётман мен ҳам,
Борлигингиз қувонч юракка.

Сиз қучган бахт, ё чеккан ғамлар
Гўё менда юз берган каби,

Мен деб ташвиш тўртган одамлар
Шодлигимнинг сизсиз сабаби!

Камол топдим хизматингизда,
Орангизда яшамоқ ҳузур.
О, одамлар, сиз бўлмасангиз,
Кўпдир менга бир кунлик умр.

□

Сеннинг қора зулфларингга
Қайдан босдим юзимни.
Соч эмас у, тузоқ экан,
Бандда кўрдим ўзимни.

Ҳар дақиқа сиртмоқ солиб,
Тортади у сен томон.

Борай десам иложим йўқ,
Қолмоққа ҳам йўқ имкон.

Борганда ҳам икки оғиз
Гаплашолмай қайтаман.
Дардларимни, ҳасратимни
Фақат шеърда айтаман...

Кўзойнак

(Қизлар ҳазилига жавоб)

Қизиқ, ёшим ўттизга ҳам етмаган, бироқ
Кўзларимга мен кўзойнак тақиб олганман.
Баъзи гапдон, шўх қизларнинг айтишларича
«Бинойидек профессор» бўлиб қолганман.

Профессор --- ўз касбининг моҳир устаси,
Мен --- агроном, лекин ҳали иш тажрибам кам.
Гап шундаки эҳтиёжи бўлмаса агар,
Кўзойнакни ирғитарди профессор ҳам.

Йўқ, қизларга айтадиган гапим бу эмас,
Ҳазиллари қаттиқ ботмас, кўнглимга, рост гап.
Биламанки, ёқтиришар, аммо сездирмас,
Кўзойнак-чи гап ташлашга шунчаки сабаб

Ёр бўлажак қизга, келинг, сиримни очай,
Бу кўзойнак узоқроқни кўриш-чун керак.
Жоним, менга бўлажаксан шунчалик яқин,
Сенга боқсам кўзларимда бўлмас кўзойнак...

Ёшимни сўраманг, яхшилар

Ёшимни сўраманг, яхшилар,
 Муҳиммас нечага кирганим.
 Сўранг не эзгу иш қилганим,
 Ёшимни сўраманг, яхшилар.
 Яшаган йилларнинг ҳисоби
 Бўлолмас тарози узра тош.
 Ҳақиқий инсоннинг қимматин
 Ўлчамас, ўлчолмас асло ёш.
 Еб-ичиб, қуп-қуруқ гердайиб,
 Бир аср яшашдан не фойда?
 Бировнинг юз йиллик «зўр» ишини
 Бировлар дўндираб бир ойда.
 Умрингдан узилган ҳар нафас
 Неларга сарф бўлди — ўйлаб боқ!
 Ҳаётинг қуёшдай порлоқми,

Ё ожиз ёнувчи шамчиноқ?
 Эзгулик йўлида жон тикиб,
 Элим деб турдингни мардона?
 Қим қандай яшади, ҳакам бор —
 Ҳукмини ўқийди замона.
 Қошқийди инсонга умрни
 Чин хизмат ҳаққи-чун берсалар.
 Элбезор, юртбузар кимсани
 Ҳаётдан эртаноқ юлсалар!
 Жамият бўйнига юк бўлган
 Юз йилни қилмайман ҳеч ҳавас.
 Одамлар жонига жон бўлиб,
 Бир нафас яшашнинг ўзи бас.
 Ёшимни сўраманг, яхшилар...

Олим Қўчқорбеков



ҲИССА*

Гумон

Бу йилги қиш унчалик бўлмади. Ҳаво қаттиқ совумаганиданми дераза ойналари ҳам музламади. Бугун ҳам ҳаво илиқ, осмон сербулут. Гоҳо булутлар пардасини йиртиб, ой мўралаб қўярди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Мусаали турадиган ҳужра ойнасини кимдир чертди.

— Дада! Ҳой, дада!

Мусаали қаттиқ чарчаган эди, чала уйғонди-ю, тескари қараб, бошини кўрпага буркади. Бўстон уни қаттиқроқ туртди:

— Ҳой, дада! Туринг, деяпман!

— Ҳа, нима? Нима бўлди, қизим, тинчликми?

— Кимдир ойнакни чертяпти, туринг!

— Ойнакни!? Ҳозир!— Мусаали одатдагидек ёлгондакамига бир йўталиб олди-да, туйнук ёнига келди. Тўрт бурчак девор тешигига ромсиз, шундоқ лойлаб ўрнатилган ойнадан ташқарига қараб, бир қора шарпани кўрди.

— Ким?

— Бу мен,— ташқаридан аёл кишининг товуни эшитилди,— Мас-тонман, эшикни очинг!

— Ие, ая, тинчликми ўзи?

— Бунча вақтлик ётмасаларинг, тинчлик, очинг эшикни!

— Епирай, бу шайтоннисога ярим кечада нима бор экан?— ўзича гудранди Мусаали чопонини шошилиб елкага иларкан. Бўстон шамни ёқди-да, туйнук ёнига келиб, уни ташқарига тутди. Масстонбу икки кўзини уккиникидек очиб, Бўстонга тикиларди.

* Журнал варианты.

Мусаали қизнинг қўлидан шамни олди, кейин бир қўллаб эшик тамбасини кўтарди. Енгил кийинганидан дийдираб турган Мاستонбу ичкарига отилиб кирди.

— Келинг, ая?— сўради Мусаали эшикни бир қўли билан ёпаркан.

— Дарров кавуш-маҳсини кийинг, жаноби олийлари сизни йўқлаб қолдилар.

— Жаноби олийлари?

— Ҳа, жаноби олийлари мени атайлаб юбордилар.

— Шу вақтда-я? Кайфиятлари чатоқмасмикин?

— Қўрқманг, амирим бугун жуда хушчақчақ, яхшиликка йўқлаган бўлсалар керак.

— Ассалому алайкум, ая!— Бўстон унга салом берди. Мусаали ушлаб турган шам ёруғида Мастонбу шафтоли қоқидек буришган юзларини унга буриб, алик олди:

— Ваалайкум ассалом, омон бўлинг, қизим, сиз безовта бўлманг, ётаверинг.

Аянинг сизсираши Бўстонни ҳадиксиратиб қўйди. Унинг шу туриши Бўстонга афсонавий шум кампирларни эслатди. Бўстоннинг эти увишиб бадани қалтирай бошлади.

Мусаали маҳсини кийиб, пойгакдаги кавушини тўғрилар экан:

— Эшикни ичидан маҳкам тамбалаб ол, шамни мен келгунча ўчирма,— дея қизига тайинлади.

— Мусаали,— деди Мастонбу пастроқ товушда,— қизимни уйқудан қўйманг, бемалол ухлайверсин.

— Мен дарров қайтаманми?

— Жаноби олийларининг маслаҳатли ишлари бордек, билолмадим.

— Маслаҳатли иш? Унда анча ушланиб қолсам керак. Қизим, унда,— Мусаали бир қадам орқага тисарилди,— мени кутмай, бемалол ухлайвер, ичкаридан маҳкам тамбалашни унутма!

Мастонбу билан Мусаали ташқарига чиқишди. Бўстон қўлидаги шамни олиб туйнук олдига келди-да, ташқарига тикилди. Кўзига на отаси, на ая кўринар, ҳаммаёқ жим-жит эди.

— Э худойим-эй, ишқилиб тинчлик бўлсин-да! Ё дадам ёмон бир иш қилиб қўйдимикан-а?— унинг хаёли қочиб турганида шамнинг эриб тушган томчиси қўлини куйдирди, томчи томган ерини пуфлади. Шамни токчага қўйиб ўчирди-ю, жойига ётиб, туйнукдан кўз узмай деди:

— Илоҳим, яхшилик бўлсин-да!

МУАЛЛИФДАН

Мен золим амир Олимхоннинг муҳожирликдаги сўнги кунларини тасвирлашга уриниб кўрдим.

Бугунги минбардан фойдаланиб, «Инқироз»нинг ёзилишида менга яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон ССР Беришнинг номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, марҳум Баҳром Иброҳимовнинг номини тилга олмаган, шунингдек филология фанлари кандидати Абдусодиқ Ирисов, тарих фанлари кандидати Ҳамдам Содиқов, шоир Жамол Камол, журналист Шоди Мардиев ва бошқа ўртоқларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Кутилмаган суҳбат

Хонан хос эшиги олдида амир қалъасининг иш юритувчиси Абдулфаттоҳбек турарди. У Мусаалини кўриши билан икки қўлини кўксига қўйиб саломлашди-да, эшикни очди. Кутилмаган бу мулозаматдан Мусаалининг юраги шувиллаб кетди. Ахир ҳар куни Абдулфаттоҳбек Мусаалига иш буюриб, дағдаға қиларди, ўшқирарди. Мусаали ичкарига кириши билан Абдулфаттоҳбек унга янги тўн кийдирди ва амир ҳузурига бошлади. Амир ҳашаматли эрон гилами устига солинган тўрт қабатли кўрпачада ёнбошлаб ётганди. У сал мизғиб қолган шекилли, Абдулфаттоҳбекнинг томоқ қириб йўталишидан кўзини очиб, ўрнидан турди. Мусаали югуриб бориб унинг оёғига йиқилди.

— Нимаки хизматингиз бўлса тайёрман, амирим!

— Майли, тулинг Мусаали!— Амир умрида биринчи марта Мусаалини сизсиради.— Ярим кечада қандай хизмат бўларди, қани, хонтахта ёнига ўтиринг!

— Бажони дил, бажони дил!— Мусаали қўрқиб кетди, у хонтахта ёнига омонатгина ўтираркан, ўй суриб, охирига етолмасди. «Наҳотки, мендай бир хизматкори билан суҳбат қурса, э, товба, ишқилиб охири бахайр бўлсин-да! Ё бу дунёдан насибам узилганмикин-а?»

Мусаалининг хаёлини Абдулфаттоҳбек бўлиб юборди:

— Мусаали, юқорига бемалол ўтиринг,— у аста амирга қаради.— Амирим, бўлмаса сизлар бемалол гаплашинглар, биз Мاستонбу иккимиз ҳалал бермайлик,— деб остонага яқинлашган эди, амир унга:

— Ишбоши, тўхтаг!— деди.— Эртадан бошлаб Мусаалини хизматкорлар сарқори этиб тайинланг!

— Хўп бўлади, амирим, амрингизни бажо келтираман!— деди у икки букилиб.

— Майли, сизларга жавоб. Бизни холи қўйинглар.

Мусаали ҳеч нарсага тушунмасди: нега тўн кийди, нега унвони ошди, умрида саломига алик олмаган амир нега у билан суҳбат қуради... У хаёл ботқоғига ботиб, ичида ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирарди. Ишбоши ва Мастонбу чиқиб кетгандан кейин амир ёнбошлаб ётган жойидан туриб, хонтахта ёнига келиб ўтирди. Чойнақдан бир пиёла чой қўйиб Мусаалига узатди.

— Раҳмат, амирим,— деб Мусаали ўнғайсизлик билан чойни олди.— Агар рози бўлсангиз, чойни мен қуйсам?..

— Йўқ, бугун сиз менинг меҳмонимсиз. Мезбон меҳмонга хизмат қилиши ҳам қарз, ҳам фарз.

— Майли, хоҳишингиз,— деди Мусаали ўнг қўлини кўксига қўйиб.— Мен ўтириб, сиз хизматда бўлишингиз мени хижолатга қўйяпти.

— Ҳеч безовта бўлманг, Мусаали. Бугун худди меҳмон сингари оёқ-қўлингизни ёзиб ўтиринг. Мен бугун жуда хурсандман. Бойшо-войлар мамлакатига финлар уруш очибди. Ҳадемай гермонлар ҳам ўт очишади. Худо хоҳласа, Бухорога бориб салтанатни қайта давом эттириш насиб этай деб турибди.

— Илоё айтганингиз келсин, амирим, ўзга юртда жуда қийналиб кетдик. Ҳар куни намози бомдоддан кейин, эй худо, қайта Бухорода яшашни насиб эт, деган нолани қилганим қилган. Донолар, она юртинг— олтин бешигинг, деб бекорга айтишмаган экан,— Мусаали кўзига ёш олди.

— Хафа бўлманг, Мусаали,— амир унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди,— оининг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Ҳозир қоронғи кўнларда яшайпмиз, ёруғ кўнлар ҳам ҳар қалай яқин,— амир бир ҳўр-

синиб қўйди-да, пиёладаги чойдан ҳўплаб, гапида давом этди.— Финлар ё гермонлар тезроқ босиб олса бўлди, биз ҳам бу ёқдан йўлга чиқамиз, қарабсизки, яна Бухородамиз.

— Тилингизга бол, амирим, илоё айтганингиз келсин!— Мусаали икки кафтини очиб дуо қилди.— Илоҳо омин, олло таоло муродингизга етказсин, ҳаммамизга ҳам Бухорои шарифда яшаш насиб этсин, омин, оллоҳу акбар!

— Илоё олло тилагингизни берсин, омин оллоҳу акбар!— амир ҳам юзига фотиҳа тортди. Шундан кейин у камзулининг кўкрак чўнтагидан соатини олиб кўрди-да, Мусаалига юзланди.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолибди, Мусаали, энди сизга гапнинг индаллосини айтиб қўя қолай.

— Айтинг, амирим, айтинг,— Мусаали диққат билан амирга тикилди.

— Бўлмаса, гап бундай. Кексайган сари соғлиғимнинг мазаси қочяпти. Табибу уламоларга соғлиғимдан шикоят қилгандим, улар қандай бўлмасин бир ёш қизга уйланинг, деган маслаҳатни беришди. Афғон қизларига уйланишим зоти-насибамизга ҳам, ҳозирги аҳволимизга ҳам тўғри келмайди. Қалъада қизлар йўқ, фақатгина сизда қиз бор экан. Шу боис ўзингиз билан юзма-юз гаплашиб қўя қолай, дедим. Бугунги азиз меҳмоним бунга нима дейдилар?

— Бале, дуруст...— деди-ю, Мусаалининг аъзон баданини совуқ тер босиб кетгандай бўлди. У агар шу топда амирга йўқ, бўлмайди, деса охири вой бўлиши аниқ эди. У ер остидан амирга қаради.— Майли, амирим, қизим билан бирга гаплашиб кўрай.

— Йўқ!— деди амир жиддий оҳангда.— Қиз билан гаплашиб ўтирманг, қиз ота ҳукмида бўлади. Ўзингиз ҳал этинг, заифа билан маслаҳат қилиш ярашмайди эркак кишига!

— Менга қолса розиман, амирим!— Мусаали қўрқа-писа жавоб берди.

— Мана бу бошқа гап, энди қайнотам бўлдингиз, келинг, мен билан бир пиёладан шароб ичинг!— амир қўл чўзиб хонтахта устидаги чинни кўзачадан икки пиёлага қуйди, кейин қуйилган пиёладагини Мусаалига узатди.

— Амирим, умримда оғизга олмаганман, қандай бўларкин?— ичмасликка уринди Мусаали. Амир эса мақсади амалга ошгани учун севинди.

— Парво қилманг, қани аввал сиз олинг!— деди.

Мусаали кўзларини чирт юмиб пиёладаги шаробни симириб юборди. Амир бўшаган пиёлани Мусаалининг қўлидан олиб, хонтахтага қўйди-да, ўзи ҳам шаробни сипқарди. Кейин «Ҳой, ким бор?» деб ҳайқирганди, тунги хизматкорлардан бири кўринди.

— Ишбошини чақир!— буйруқни эшитган хизматкор тисарилиб чиқиб кетди. Ишбоши кириб келди.

— Хизматингиздаман, амирим,— ишбоши рўбарўда қўлларини қовуштириб турарди. Амир унга маъноли бир қаради-да, буюрди:

— Мусаалини ҳужрасига ўзингиз элтиб қўйинг, эртага у дам ола қолсин. Қалъа атрофидаги соқчилардан хабар олинг, бош соқчига айтинг, ҳушёрликни кучайтирсин!

— Хўл бўлади, амирим,— ишбоши Мусаалини қўлтиқлаб олди.

— Яхши тушлар кўринг, Мусаали!— дея амир хайрлашган бўлди.

Ишбоши Мусаалини олиб чиқиб кетди. Мусаали кўзлари жимирлашиб, қаёққа кетаётганини ўзи ҳам сезмасди. Қоронғида юриб боришаркан, у қаттиқ қоқилди, шундагина ишбоши қўлтиқлаб кетаётганини пайқади.

Нохушлик

Қоронғи уйда Бўстоннинг ёлғиз ўзи ётибди. У қўрққанидан сира ухлолмади. Икки кўзини туйнукдан узмай, хаёл сураб, назарида, амир отасини жазолаётгандай эди. Алламаҳалда эшик тақиллади:

— Қизим, оч! Келдим!

Бўстон ирғиб туриб эшикни очди, шамни ёқди. Отасини етаклаб келган ишбоши, негадир, унга узоқ тикилиб турди-да, кейин:

— Яхши ётинг, Мусаали, хайр!— деб жўнаб қолди. Бўстон отасини авайлаб жойига ўтқазди, кейин маҳсисини тортиди.

— Қизим, амирим меҳмон қилиб, сал...

— Тушундим, дада, тушундим!— Бўстон отасининг кийиб келган янги тўнини ечаркан, ўзича ажабланди.— Энди ётинг, дада!

— Бахтим чопяпти, қизим. Мен, мен... хизматкорлар саркори бўлдим!..

— Янги чопонни ўшанга кийгизишдими?

— Ҳа, ўшанга!— Мусаали ўрнига ёнбошлаб, оғир бир хўрсиниб қўйди.

— Дада, хурсанд бўлсангиз, нега хўрсинасиз?

— Э, қизим, ичкилик ёқмаганидан хўрсиняпман... Майли, ётайлик, шамни ўчир.

Бўстон шамни ўчириб, ўрнига ётди, аммо яна уйқуси келмади. Отаси хир-хирлаб хуррак отар, гоҳо «амирим, амирим», деб уйқусираб валдирарди. Бўстон оғир хаёлга ботди. «Амир нега бемаҳалда чақириб, отамни меҳмон қилди, нега тўн кийгазди, нега хизматкорларга саркор этиб тайинлади? Бу мукофотлар ниманинг эвазига?..» Уйлай-уйлай, ўйининг охирига етолмади, кейин ухлаб қолди.

□

Бомдод намозидан қайтиб келган Мусаали қизи тайёрлаб қўйган дастурхон ёнига келиб ўтирди. Бўстон қора қумғондан чой қўйиб отасига узатди. Кейин ҳозиргина товада пиширилган иссиқ арпа нонни ушатди. Отаси хаёл суриб ўтирар, гоҳо ингичка мўйлабининг учини бураб қўярди. Ҳар куни нонуштани апил-тапил қиладиган отасининг бемалол ўтиришидан ташвишланган Бўстон:

— Дада, хизматингиздан кечга қолиб, гап эшитиб юрманг,— деб қўйди ич-ичига тушиб кетган чарос кўзларини пириллатиб.

— Эй қизим, нимасини айтасан, кеча амиримиз эриб кетиб менга бугун дам олишни буюрганлар,— деб мақтангандай бўлди Мусаали.

— Уҳ-ҳў, дада, сизни жуда сийлаб юборибдилар-ку! Амиримга қайси бир хизматингиз ёқиб қолибди?

— Узим ҳам билмайман, қизим,— гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди Мусаали.— Фурсатдан фойдаланиб, ота-бола бир шаҳарни айланиб келайлик,— қизига маъюс тикилди Мусаали.— Тушдан кейин мен сув иситиб бериб турай, сен кир-чирларингни ювиб ол, маъқулми?

— Бўпти, дада. Тезроқ бўлинг, борсак, салқинда бориб келайлик.

Дастурхонни йиғиштириб олганидан кейин ота-бола ташқарига кийиниб чиқишди. Улар қалъа эшигидан чиқиб кетишаётганда соқчи йўлни тўсди.

— Ишбошининг буйруғи, бугундан бошлаб қалъадан ҳеч бир аёл ташқарига чиқарилмайди. Ёлғиз ўзингизга мумкин, Мусаали.

Мусаали ҳайрон бўлиб қолди. Ҳатто ишбошидан рухсат олмоқчи ҳам бўлди. Уйлаб кўриб, фикридан қайтди.

— Агар қизим бормаса, менга шаҳарда нима бор, юр, қизим, уйга кетдик.

Ота-бола ҳужрага қайтиб келишди. Мусаали маҳсини ечиб, чопон ва салласини қозиққа илди. Бўстон челақ кўтариб қудуққа кетди. Мусаали кўрпачага узала тушиб, ёнбошлаганча ўй сураб, ўйининг охирига етмасди. «Тушунарли, бу — ишбошининг иши эмас, амирнинг буйруғи бўлса керак. Қизини яна гумдон қилмасин, деб бу буйруқни ўйлаб топган-да. Э, товба! Худо нимани хоҳласа, ўша бўлади-да»...

Бўстон қудуқдан сув олиб келгач, отасига юзланди:

— Дада, энди мен кир ювишнинг ҳаракатини қилаверай, сиз бир оз дам олинг, сувни ўзим иситаман.

— Баракалла, она қизим! Менинг чарчаганимни билганингга балли!

Бўстон сувни қозонга ағдариб, ўт ёқди-да, яна челақ кўтариб сувга кетди. Мусаали ёнбошлаб ётган жойида тунда бўлиб ўтган воқеаларни эслаб, хаёлга гарқ бўлди...

...Уни Қизилтепа даҳасидан Мукаррам исмли қиз билан бирга амирга тортиқ қилиб олиб келишганда эндигина ўн тўрт ёшга қадам қўйган эди. У Ситораи моҳи хоссага келтирилганидан сўнг амир кўригидан ўтди. Кейин уни ҳарамбеги Мухторхон ихтиёрига топширишди. Мукаррамни эса амир бир лашкарбошисига узатди.

Мухторхоннинг қўлида Мусаали бир ойча хизмат қилди. Сўнг амирнинг буйруғи билан уни ишбошининг ихтиёрига ўтказишди. Ишбоши махсус кишиларга буюртириб, Мусаалини бичтирди. Сўнг эшонни судур ҳузурида қуръонни олдига қўйиб, канизакларга қарамасликка, бу ердаги сир-асрорни ҳеч бир кимсага айтмасликка, буюрилган ишдан бўйин товламасликка қасам ичдирди... Мақсуд исмли хизматкор мрамар ҳовузда чўмилаётган канизакларга дарахт орқасидан беркиниб қараганида, уни Мухторхон кўриб қолиб, ишбошига айтганди. Ушанда у бечоранинг икки кўзига нил тортириб (отнинг ёли билан кўз қорачиғини кесиб) ҳайдаб юборишган эди. Шу-шу ҳеч бир хизматкор канизакларга қарамасди, аксинча, уларни кўришса, терс қараб ўтишарди.

Орадан бир неча йил кечди. Моҳи хоссада хизмат қилиб юрган Мусаали бир куни ўзига ўзи савол берди: «Хўш, амир хизматини қилиб қарисам, кексайганимда менга ким қарайди?» Бола-чақа йўқ. Қариганимдан кейин бу даргоҳдан четлаштирилишим аниқ...

Ўша пайтда у йигирма олти ёшда эди. Тавакқал қилиб ишбошининг ҳузурига борди.

— Агар бир қошиқ қонимдан кечсангиз, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Кечдим, айтавер!

— Амиримдан рухсат олиб берсангиз, мен ўз ҳужрамда бир етимни асраб вояга етказсам, мўйсафид бўлганимда менга қараб турар.

— Бўлди, бас, тушунарли. Бир мавриди келганида сўраб қўярман,— деди ишбоши жиддий оҳангда.— Менимча, рухсат бўлмаса керак.

Орадан икки ой ўтди. Бир куни Мусаали тўкилган хазонларни супуриб юрганида, югурдакларидан бири келиб, «Сизни олий ҳазрат чақиряптилар» деб қолди. Мусаалининг бутун вужуди зириллаб кетди. Юз-қўлларини ювиб, чангларини қоқиб, амир ҳузурига борди. Қараса ишбоши ҳам амир ҳузурида қўл қовуштириб турибди. Воқеани тушуниб, дарров амирга таъзим қилиб, оёғига йиқилди.

— Менга содиқ хизмат қилаётганинг учун илтимосингни қабул қилдим,— деди амир унга.— Сен асрайдиган болани ишбоши топиб беради!

— Умрингиздан барака топинг, амирим, худоё худовандо мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин, омин оллоҳу акбар!— дея Мусаали дуо қилди-да, орқаси билан тисарилиб, таъзим қила-қила амир даргоҳидан чиқиб кетди.

Эртасига чошгоҳда ҳарам бекаси Мусаалининг хужрасига уч яшар қизчани олиб келди. У икки дона хўрозқандни қизчадан яшириб Мусаалига узатиб, ўзингиз беринг, дегандай имо қилди. Кейин ҳарам бекаси «Билиб олинг, бу ердан бир қадам ҳам ташқарига олиб чиқмас экансиз», деб шивирлади. Бека кетганидан сўнг Мусаали қизчага муомала қила бошлади, хўрозқанд берди, эски латталардан қўғирчоқ ясади. Шу йўсин қизча Мусаалига кўника бошлади. Ҳарам бекаси ҳар куни бўғирсоқ, кулча нонлар келтириб турарди. Баъзи кунлари қизча тун бўйи «ойи, дада!» деб йиғларди. Ҳаммадан даҳшатлиси шу бўлдики, Мусаали Моҳи хосса дарвозаси олдини супураётганда, бир аёл йиглаб келиб соқчидан сўради:

— Уч яшар кулча юзли, жингалак сочли қиз болани кўрмадингизми, беш кундан бери қидираман. Эрим бечора Бухородаги ҳамма жуҳудларнинг уйига бирма-бир кириб чиқди. Энди чекка томонларни қараяпмиз, кўзимнинг оқу-қораси — ёлғизим эди.

— Иеми нима эди?— сўради соқчи.

— Ҳалила, кўрдингизми, топсангиз суюнчисига уйимдаги қайси нарсани ёқтирсангиз, ўшани олардингиз, айланай.

— Кўрганим йўқ, кўрсам хабар қиламан!

Воқеани эшитиб, Мусаали дарров тушунди. Ҳатто, қизни олиб чиқиб, аёлни севинтирмоқчи ҳам бўлди, аммо унинг кўзи олдида амирнинг даҳшатли башараси пайдо бўлиб, баданини титроқ босди. Нима ҳам қилсин...

Мана ўша воқеага ўн беш йил бўлди. Не-не машаққатлар билан боққан қизига бугун амир уйланмоқчи. Қандай бадбахтлик. Ўн саккиз яшар қизимга эллик беш яшар амир уйланса?!

Мусаалининг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Унинг мўлжали бошқа ёқда — агар қизининг тенги топилса ичкўёв қилмоқчи. Ахир, ёши ҳам элликка қараб кетяпти. Бунинг устига бегона мамлакатда. Бир кўнгли қизини олиб Қалъан Фатъудан қочмоқчи ҳам бўлди, аммо бари бир амир соқчилари ушлаб олади. Қочган билан бу бегона юртда амир айгоқчилари изгиб юрибди, дарров тутишади...

Бўстон хужрага кириб, Мусаалининг хаёлини бўлди:

— Сал бўлмаса пайтавангиз қолиб кетай дебди, эсимга тушиб қолди,— у бир чеккада турган маҳсидан пайтавани олди. Мусаали кўзини қизига кўрсатмасликка уриниб, гўё тирноқларини тозалаётган киши бўлиб ўтирди. Қизи ташқарига чиққанидан кейин эса худога нола қила кетди: «Эй худо, қандай ташвишларни бошимга соляпсан, ўзинг мушкулимни осон қил!»

Янги ҳовли

Қалъан Фатъў шаҳардан етти чақиримча нарида эди. Бу қалъа жуда қадимий бўлиб, машҳур хон — Фогъухон даврида қурилганди. Қалъа Омонулла шоҳнинг ёзлик қароргоҳи Чил стун (Қирқ устун) боғи билан Бобир боғининг ўртасига жойлашган. Кираверишда пишқ гингидан қурилган уйлар, омборлар бор. Қалъанинг қолган қисми турли хил мевали дарахтлар билан қопланган, майин ел ҳаминша эсиб туради. Қалъа Бобир боғи ва Чил стунга нисбатан анча баландликда — тепалик устида.

Шоҳ тиллолар ва қимматбаҳо совгалар эвазига бу қалъани амир-

га тортиқ этганди. Амир қалъани батамом қайта қурдирди: атрофидаги деворларни янгиледи, янги дарбоза ва эшиклар ўрнатди, ўзига мослаб уйлар, омборлар, отхоналар, соқчихоналар барпо қилди. Ун беш йилча бу қалъада яшади, аммо унинг шаҳардан узоқлиги амир-га ёқмасди. Шунинг учун амир нима бўлса ҳам Кобул шаҳрининг ўзидан қароргоҳ топишга ҳаракат қилди. Шоҳга нома юбориб, ўзи билан учрашишни илтимос қилганди, шоҳ рози бўлмади. Кейин яна нома ёзиб, турли совғалар билан вакил йўллади. Мактубда шу сўзлар ёзилган эди: «Азиз ва мўътабар шоҳим! Сизни бутун қўл остимдаги кишилар билан бирга ҳар куни бомдод намозида дуо қилиб, оллоҳдан умрингизга умр қўшишни тилаганимиз тилаган. Агар Сиздек буюк зот бўлмаганида, бизни ўша динсиз бошавойлар йўқ қилиб юборган бўлур эди. Паноҳингизда жон сақлаб қолдик. Худога минг қатла шукурким, насибамизни териб юрибмиз. Энди Қобулдек шаҳри азимда ҳам бир қароргоҳимиз бўлса деган умидда эдик. Шул боис бизга бирор ердан жой кўрсатсангиз. Сизнинг марҳаматли жавобингизни кутувчи: амир Олимхон Аҳад ўғли».

Шоҳ мактубни ўқиб, амир вакилига «Мен ўз ҳисобимдан жой беролмайман, кучи етган ҳовли-жойни сотиб олишга рухсат бераман», деган жавобни айтди. Бу жавоб амирни андак ўйлантириб қўйди. У хазинабони Мирза гурганжини ҳузурига чақиртирди. Унинг ёнида эшони Судур — Шамсixon эшон ҳам ўтирарди.

— Қани айтчи, хазинада қанча олтин қолди?

— Амирим, Бухородан келтирилган жамики олтинимиз йигирма уч гиштин эди, ҳозир шундан ўн уч гиштани бор холос. Тежаб-терга-масак аҳволимиз чатоқ, амирим.

— Тежашнинг нима кераги бор, олтин кетса ҳам Бухорога бо-ришни ўйланг, Мирза,— эшони Судур луқма ташлади.

— Эшоним, бўладиган гапни қилайлик,— деб амир унинг гапини бўлди.— Бўлмаса бир гишт олтинни ажратинг, Мирза гурганжи, мен ҳозир уч кишидан иборат вакил сайлайман, вакилбоши ўзингиз бўласиз, шаҳардан энг яхши, мана мен деган ҳовлини сотиб оласизлар, шохдан рухсат бўлди. Ана энди маҳоратингизни кўрсатасиз, кам олтин сарф этиб, менинг кўнглимдаги ҳовлини оласиз.

— Амирим, топширигингизни бажону дил бажо келтираман,— хазиначи тисарилиб чиқиб кетди. Эшони Судур ҳам пешин намози пайти бўлганини баҳона қилиб ўрнидан турди. Елғиз ўзи қолган амир энг ишонарли кишиси ҳисобланган ишбоши Абдулфаттоҳбекни чақиртириб, унга юрагини очди:

— Ишбоши, сен менинг ўғлимдан ҳам афзалсан. Отанг менинг суянган тоғим — доно қушбегим эди. Раҳматлик ҳам худди сендек менга содиқ хизмат қиларди. Тақдир экан...— амир кўзига ёш олди.

— Амирим, менга юксак ишончингиз учун жонимни фидо қилсам ҳам, хизматингизни бажо келтираман.

— Балли, ўғлим, шу маҳалгача ишончимни оқлаяпсан, бундан кейин ҳам оқлайсан, бунга имоним комил. Энди гап ўртаимизда қолсин, менинг мўлжалимни эшит. Хабаринг бор, финлар Россияга уруш очди, гермонлар ҳам қимирлаб қолишди. Худо, ол қулим, деб қолса, бас, Бухорога учиб борамиз.

— Илоҳим айтганингиз келсин, амирим!— деб Абдулфаттоҳбек огир хўрсиниб қўйди,— муҳожирлик суяк-суягимдан ўтиб кетди.

— Худо ҳам: сендан ҳаракат, мендан баракат, дейди. Шунинг учун биз ҳам тинч турмайлик. Айғоқчиларимиз ва элчихоналар билан алоқа боғлаб туришимиз учун шаҳарнинг марказий қисмидан бир ҳовлини ўзингиз сотиб оласиз, бир гишт тилло кетса ҳам майли.

— Бажонудил, амирим!

— Биласиз, ҳозир шаҳарга боришга менга рухсат йўқ, ҳовли сотиб олсак, унда ўз-ўзидан рухсат тегур.

— Амирим, ўйлайманки, менга ёққан ҳовли сизга ҳам ёқур. Ё бундайроқ саҳни кенг ҳовли олиб, ўзимизга мослаб қайта қурайликми?

Ишбошининг бу фикри амирга жуда ёқди, шекилли, унинг кифтига қоқди.

— Ҳа, балли, бу фикрингиз маъқул. Ҳар қандай ҳовли-жой ҳам бизга тўғри келмайди. Яхшиси арзонроқ, кенг ҳовли топинг. Кейин уни ўзимизга мослаб, қайта қурамиз.

— Бўлмаса, менга ижозат беринг?

— Ижозат, ёнингизга хазинабон Мирзо гурганжини, Мусаалини олинг!

— Мусаали нима қилиб бераркин?

— Гап бор, ҳозирчалик олиб, ҳовли тўғрисида ундан ҳам йўлига маслаҳат сўранг.

— Амрингизни бажо келтираман, амирим!

— Илоҳи омин, худо омадингизни берсин, омин, оллоҳу акбар!— деб амир фотиҳа берди.

Ишбоши амир ҳузуридан тисарилиб чиқиб, буйруқни бажаришга киришди. У ёнига Мусаали билан Мирзони олиб, шаҳарга жўнади. Бозор ёнидаги чойхонага боришиб, сотиладиган ҳовлининг бор-йўқлигини суриштиришди. Утирганлар билганларини айтишди. Ишбоши қогозга ёзиб олиб, кейин бирин-сирин ўша жойларни кўриш учун маҳаллама-маҳалла дайдишди. Муродхон маҳалласида Ҳафиз Форсо деганнинг ички-ташқи ҳовлиси бор эди. Бой ўлиб кетганидан кейин ҳовли ёлғиз ўғлига қолганди. У маишатга берилиб кетиб, ота мерос бойликни совурган, охир-оқибатда ҳовлини сотиш учун харидор изларди. Ишбоши уй эгаси билан келишди. Амирга хабар қилди.

Ҳовли сотиб олингандан кейин амир шоҳга вакил йўллади. Ҳовлидаги эскирган уйларни бузиб, янгилашга рухсат олинди. Шундан кейин амирнинг ўзи режа тузиб берди. Ана шу режа асосида Муродхон маҳалласида амирнинг шаҳар ҳовлиси зудлик билан қурила бошланди.

Хушхабар

Амир отдан тушса ҳам эгардан тушмади. У ўзини худди Бухородагидек ҳис этиб, қалъа ичкарасида маишатни давом этдирарди. Бухородан ўзи билан бирга олиб келган икки хотинини икки хонага жойлаштириб, навбати билан мулоқотда бўлди. Энди у ўн гулидан бир гули очилмаган Бўстонни кўз остига олиб, тўйни шаҳар ҳовлининг битишига мўлжаллаб қўйди. Бўстонни шаҳар ҳовлига жойлаштиришни мўлжаллади. Аммо амирнинг ўгли Саид Орифхон ҳам Бўстонга ошиқу беқарор бўлиб қолибди. У бу тўғрида аммаси Мاستонбуга оғиз очиб, дадасига айтишини илтимос қилибди.

— Мастон, тушунтирдингми унга?— сўради амир,— қизнинг ёши катта-ку!

— Йўқ, ўйлашиб кўрармиз,— деб қўяқолдим.— Аввал қиздан уни совутай, кейин тушунтирсам бўлади.

— Ҳа, бунақа ишга суягинг йўқ. Бола нодон-да! Фаҳму фаросат ҳам йўқ унда!— Амирнинг асаби бузилгандай бўлди. Мастонбу акасини босиш учун гапни бошқа ёққа бурди:

— Ака, анави Мусаали сўтакка айтайми, қизининг этини ўлдириб, тўйгача кўниктириб берсин.

— Тўғри айтасан, гапир! Ҳа, айтгандай, қизга кийим-кечаклар қилиб, қизиқтир, ўзинг шугуллан. Нега деганинда бу ер сенга Бухоромас, кўнса-кўнмаса уйланаверадиған. Қизи чакки эмас экан, энди ўн саккиздан ўн тўққизга ўтяпти. Уни топиб келтиришганида тўрт яшармиди?!

— Ҳа, уч ё тўрт яшар эди, ҳозир энг тўлишган пайти-да, уни кўндиришининг ўзи бўлмайди, ака,— Мاستонбу тамаъ йўлига ўтди.

— У ёғидан хотиржам бўл, истаган матойингдан бош-оёқ сарпо киясан.

Уларнинг гапни амирнинг шахсий хизматкори кириб бўлди:

— Ширин суҳбатингизни бўлганим учун узр, ҳалиги, шаҳарда ўқиётган ўглингиз Умархон бир дўстидан шошилинич мактуб йўллабди, ўзи кечга яқин келаркан!

Амир мактубни олиб ўқий бошлади. У мактубни ўқиб туриб, суюнгандан «Қойил!» деб юборди. Хизматчи эса секин чиқиб кетди.

— Тинчликми, ака?— сўради Мастонбу.

— Тинчлик, бу иш — сен аралашмайдиган иш, чик, юмушингни қилавер!

Хонада ҳеч ким қолмади. Амир хатга қайтадан кўз югуртириб чиқди. «Дада, ҳозир аниқ кишилардан эшитдим. Немислар Польша билан Венгрияни босиб олишди. Россия чегарасида куч тўплаётганмиш. Ҳозирча эшитганим шу, яна кечгача бошқа маълумотларни билишга ҳаракат қиламан. Ўглингиз Саид Умар».

Мактубни қаламдон тагига бостирди-да, хизматкорни чақирди:

— Ишбошига айт, мактубни келтирган йигитни киритсин!

Бир оздан сўнг ишбоши мактубни келтирган афгон йигитини бошлаб кирди.

— Амирим, Умарнинг дўсти Раббим!

— Келинг, Раббимжон! Утиринг. Умар билан бирга ўқийсизми?

— Йўқ, бирга ўқимаймиз, дўстимиз. Бизникида туради.

— Дуруст, дуруст. Қалин дўст акадан яхши, деган гап бор. Ўглимининг сиздек дўсти борлигидан хурсандман. Раҳмат, ўглим.— Амир унга чой узатди.— Иш жойлари қаерда?

— Мен газета редакциясида ишлайман.

— Бу ишингиз менга жуда ёқади. Халқаро воқеаларни кузатиб борсангиз керак, албатта.

— Албатта, кузатиб бораман. Ўзим шу халқаро ахборот бўлимида ишлайман. Ишга кирганимга ўн беш кун бўлди.

— Мен ҳам халқаро аҳволга қизиқаман, бошимда бир муаммо айланиб юрибди.

— Қандай муаммо экан?

— Немислар Русияга уруш эълон қилармикан ё?..

— Билолмадим, бугун эрталаб олган хабаримизга кўра, улар Совет чегарасида куч тўплашяпти. Демак, уруш деган гап.

— Мен ҳам шунақа бўлса керак деб ўйловдим. Фикримиз бир экан.

— Энди менга ижозат берсангиз. Ишхонага боришим керак.

— Майли, ука. Ҳа, айтгандек,..— амир чўнтагини кавлаб, беш тилло танга олиб берди. Раббим унга миннатдорчилик билдирди-да, ўрнидан турди.

Ишбоши, буюққа юр, дегандек Раббимга имлади. Раббим унга эргашиб, ташқарига чиқди. Уни кузатиб, ишбоши дарвозагача олиб бориб қўйди-да, амирнинг ёнига дарров қайтди.

— Амирим, ҳалиги йигитни танидингизми?

— Йўқ, Умарнинг дўсти эканини билдим, холос.

- Шамсияни излаб келган у кунги афгон йигити шу эди.
 — Э, шумиди, нега аввалроқ айтмадинг?
 — Айтишга фурсат бўлмади-да! Буларнинг танишувида Умарнинг қўли бўлса кераг-ов!
 — Ҳа, майли! Туя кўрдингми, йўқ. Гўё ҳеч нарса билмагандек юравер. Шунингдек, унинг мактуб келтирганини ҳам оғзингдан гуллама!
 — Хўп бўлади, амирим! Фақат сиз биласизу мен биламан.
 — Бале, энди ҳушёрлик билан ишни бошқаравер, шаҳар ҳовли қурилишини тезлатинглар!
 — Амирим, кўнглингизни тўқ қилинг.
 — Ҳа, айтгандек, Мусаалининг қизига ҳам бу ердан бир иш топиб бер, бўлмаса зеркиб, қалъадан чиқишга уринаверади.
 — Хўп бўлади, амирим.
 Ишбоши таъзим қилганича орқаси билан тисариллиб чиқиб кетди. Амир дераза ёнига келиб, ташқарига қараганича хаёл суриб қолди.

Даҳшатли кунлар

Мусаали бугун эрта билан қизи Бўстонни бошлаб тўнша-тўғри Масонбунинг олдига келди.

— Ая, қизим ҳам ўзимга ўхшаб амиримга содиқ хизмат қилади бундан буёқ.

— Жуда кўнгилдагидек бўлибди. Амирга содиқ бўлиш учун ният қилиб келган экан, уни тақдирлашим керак.

Масонбу югуриб кириб, атлас кўйлак, бахмал нимча, амиркон кавуш олиб чиқиб, Бўстоннинг қўлига тутқазди.

— Раҳмат, ая, миннатдорман, қизимни шунчалар сийладингиз, сизни худо сийласин,— Мусаали фотиҳа қилди. Аммо, бу кутилмаган сарпо Бўстонни ўйлантириб қўйди. У дадасининг ишораси билан аяга таъзим қилиб, миннатдорчилик билдирди.

— Энди, ая, қизим Бўстонга хизматингиз бўлса, тортинмай буюраверинг,— деди Мусаали.

— Нима хизмат бўларди, супуриш-сидириш, деразаларга парда тутиш. Энди, қизим, отанг билан бирга келиб, бирга кетаверасан.

— Менга бир оз олдин жавоб берсангиз,— деб қўққисдан сўраб қолди Бўстон.

— Нимага, ахир отанг билан... ♦

— Йўқ, ая, тушунмадингиз. Ахир дадам боргунларича, қумгонни қайнатиб туришим керак.

— Э товба-ей, амирим Бухородан келганларнинг ҳаммасини кийинтириш, боқиш кафилини олганлар. Уйда қора қумгонга нима бор?

— Ая, кулбага боргандан кейин оёқни узатиб, ота-бола бир пиёладан чой ичишга ўрганганмиз. Бўстон шунини айтмоқчи,— тушунтирмақчи бўлди.

— Ҳа, майли! Қани, қизим, анави хонага кир. Шукрия сочини тараётганди, майдалаб ўриб қўй.

— Хўп бўлади, ая,— деб Бўстон Шукриянинг хонасига кириб кетди. Ая эса Мусаалини бошлаб амирнинг олдига кирди.

— Ассалому алайкум, амирим,— Мусаали таъзим қилиб саломлашди.

— Ваалайкум ассалом. Кел, Мусаали, кел!

— Ака,— деди Масонбу,— бугундан бошлаб Мусаалининг қизи хизматингизга келди.

— Дуруст, дуруст,— деди амир илжайиб.— Раҳмат, Мусаали, бу ерда хизматбоши ўзинг, қизингни ҳам у-бу ишга буюриб турсанг, зерикмайди. Хў, қизларни қалъадан чиқармаслик лозим. Афгонлар билан тил топишиб қолса, зотимизга иснод келтиради.

— Амирим, шунинг учун ҳам хизматингизга олиб келдим, амрингиз биз учун вожиб!

— Баракалла, бош хизматкор танлашда янглишмабман-а, Мастон?

— Янглишмагансиз,— деб қўшиб қўйди Мастонбу,— Мусаали ўзимизнинг қариндошимиздан ҳам афзал.

— Э, нимасини айтасан, Мастон, бегона юртда яшаймиз, шунанганги иноқ бўлмасак, бу ерларда йўқ бўлиб кетишимиз турган гап. Ҳатто, ўз ўғилларимдан иккитасини олиб келолмадим, Бухорода қолиб кетишди. Аммо, Мусаалини авайлаб олиб келдим. У ҳам йўқ демади. Шунинг учун қариндош эмас, ўғлимдан ҳам Мусаалини афзал кўраман.

— Раҳмат, амирим, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, илоё бахтимизга соғ бўлинг, ниятингизни олло берсин, омин оллоҳу акбар!

Мусаали фотиҳа ўқигандан кейин ўрнидан турди. У чиқиб кетгач, Мастон акасининг ёнига келиб деди:

— Қалай? Гаҳ десангиз, қўнишга тайёр бўляптими, ака? Сарпони тайёрлайверинг. Энди буёғи секин-аста...

— Балосан, Мастон, балосан! Майли, борақол.

Ўз хонасида ёлғиз қолган амир чаккасини қашлаб, чуқур хаёлга толди. Бухорони, фалокатли кунларни, юртни қандай азоб билан тарк этгани, бойликлари, ўз одамлари — ҳамма-ҳаммасини эслади. Кўзларига ёш келди. Кейин ёшини артиб, ёстиқ тагидан тасбеҳни олиб, ўзини овутмоқчи бўлаётганида, Мастонбу Бўстонни ясантриб бошлаб кириб қолди. У гўё амирга таништирган киши бўлди:

— Амирим, мана кўринг, Мусаалининг қизи. Исми Бўстон. Хизматингизга сидқидилдан келди.



— Баракалла, баракалла! Бўстон қизим, мени қалъадагилар ота ҳисоблайди, энди сенга ҳам ота сифатида иш буюравераман, йўқ демайсан, хўпми, қизим?

— Жоним билан, амирим, қўлимдан келганича хизмат қиламан,— деди паст товушда Бўстон, афтидан бу гапларни Мастонбу ўргатганга ўхшайди. У елкасига Мастонбу тушириб қўйган чодрани бошига ёпди.

— Баракалла қизим, таълим берган отанг Мусаалига ҳам балли! Кўринишингдан одобли, ақллига ўхшайсан, баракалла!

— Амирим, бундан буён қизингизга хизматингиз бўлса айтаверинг,— деб қўшиб қўйди Мастонбу,— агар бошқа гапингиз бўлмаса, Бўстон ҳозир Шукриянинг олдига кирақолсин, унга қарайди.

— Майли, майли!— Мастонбу билан Бўстон чиқиб кетишди. Хонада ёлғиз қолган амир ўрнидан туриб, эшик тирқишидан уларни кузатаркан, «Бир томчи сув билан ютиб юборадиган бўлибди ўзиям. Яхшиям Мусаали бола асрайман, деганида рухсат берганим, бахтни қаранг! Шаҳар ҳовлини тезлатиш керак. Бу офатижон эс-ҳушимни ўзига ром этди-қўйди. Энди қолган умримни шу билан ўтказаман. Лаънати ўғлим Саид Ориф ҳам бекорга ошиқу беқарор бўлмаган экан-да...» дея кўнглидан ўтказиб қўйди.

— Ҳой, ким бор!

— Лаббай, амирим!— деди хизматкорлардан бири.

— Қалъамизнинг муфтиси — эшони Судурни чақир!

— Хўп бўлади, амирим!— хизматкор югуриб чиқиб кетди.

— Ассалому алайкум зоти олий амирим!— эшони Судур амир ёнидаги курсига келиб ўтирди.— Йўқлатган эканлар?!

— Ҳа. Бир масала бошни қотиряпти. Агар биз афгонлардан қиз олсак, эсти-авлодимиз айнийдими, ё қиз берсакми?

— Авваламбор, иккиси ҳам номақбул. Агар қиз олсак мумкин, илло-билло қиз бермайлик!

— Ана холос, тўғри келмас экан-да!

— Нима эди, амирим, тушунолмадим?

— Эй эшоним, қизимиз Шукрияни бир афгон йигити сўратиб қўймапти. Лекин, бу йигит бизга жуда керакли. Ташқи олам билан алоқаларимиз ўша йигит орқали. Шунга бошим қотиб қолди.

— Агар жуда зарур бўлса, у йигитни афгон эмас, шу ерлик ўзбеклардан, ота-онаси илгари Самарқанддан келиб қолган экан, деб овоза қилса ҳам бўлаверади.

Эшоннинг гапи амирга маъқул бўлди шекилли, у жиддийликдан жилмайишга ўтди.

— Яшанг, бир калла — бир калла, икки калла — икки калла, деганлари рост экан, бу маслаҳатингиз менга маъқул тушди.

— Муҳтарам амирим, куни кеча намози жума пайтида Теҳрондан келган Талъатзода исмли бир киши менга шивирлаб, амирингизга айтинг, мен билан бир гаплашсин, гап бор, деди. Кейин ундан қаерда бўлишини сўрадим, у Жода вилоятидаги Бакс сози қишлоғида бўлишини айтди. Афтидан, у қишлоқ имомининг уйида бўлса керак.

— Талъатзода денг, бу исм менга таниш. Эртага унга одам юборинг, қош қорайиши билан ҳузуримга келсин, соқчилар олдида уни ўзингиз кутиб олинг!

— Бош устига, амирим. Энди менга ижозат берсалар!

— Ижозат, қани бир фотиҳа ўқиб юборинг?

— Омин, илоҳим Бухорога қайта бош бўлинг, динсизлар ер билан яксон бўлсин, мартабангиз ошсин, умрингиз боқий бўлсин, омин, оллоҳу акбар!..

Азада тўй

Тўсатдан амирнинг иккинчи хотини Тухфа биби вафот этди. Амир кишилар кўзига аза тутиб, йиғлаган бўлди. Аммо у бу ўлимни аллақачоноқ кутарди. Унинг назарида ҳамма иш айни муддао бўляпти. У шундай тобут ясаттирдик, асти қўяберасиз. Тобут устига қимматбаҳо матолардан ёпқичлар ёптирди. Ўзи кўз ёши тўкиб йиғлади. Одамлар, амир бу хотинини жуда яхши кўраркан, деган хулосага бордилар.

Тухфанинг жасади Шўҳадон Солиҳи мазорига қўйилди. Дафнга амир бормади, шоҳ унга ташқарига чиқиши учун рухсат бермаганди. Амирнинг кўнглини сўраб шоҳ вакиллари ҳам келишди. Амир ўғиллари бел боғлаб туришди. Эшони Судур Тухфа турадиган уйдан уч кун кўчага чиқмай, тиловоти қуръон қиларди.

Янгасининг азаси туфайли қора кийим кийиб олган Мастонбу бел боғлаб ўтирган акасининг ёнига келиб, унинг қулогига шивирлади:

— Ака, ҳамма иш мўлжалдагидай кетяпти. Қирқидан кейин нари-бери тўй қилиб қўяқолайлик. Ановини кўндиролмаяпман. Аммо, анча этини ўлдириб қўйдим.

— Исмини айтма, тушунарли, этини ўлдиришни тезлатавер,— деди амир Мастонбунинг қулогига шивирлаб. — бошқа гапинг бўлмаса, боравер, одамлар ҳар хил шубҳага боришмасин. Айтгандек, Шукриядан бохабар бўл, қалъа ташқарисига чиқмасин!

— Хўп, албатта,— Мастонбу бедана юриш қилиб, ичкарига кириб кетди. Одамлар орасида Мусаали ҳам ўтирарди. У ака-синглининг шивирлашини кўриб, жуда аччиғи келди, бу ердаги барча найранг-бозликлар унга ойнадек равшан эди. Аммо у сир бой бермаслик учун ўзини қўлга олиб, бошқа ишлар билан чалғиниб кетди. Ҳозиргина Мусаалининг кўз ўнгида таниш бир одам фотиҳага келди. Уни қаерда кўрган эканман-а, деб узоқ ўйлади.

У одамни кўриши билан амир ўрнидан турди, қўл бериб сўрашиб, ичкарига, эшони Судур ўтирган уйга олиб кирди. Хонадагиларни амир имлаб чиқариб юборди. Ишбошига эса «Бундан буён фотиҳага келганларни нариги уйга олиб киринглар», деб тайинлади. Ўзи домланинг ёнига ўтириб олди. Мусаали иссиқ чой келтириб қўйдида, тисарилиб, хонадан чиқди. Қуръон тиловотдан сўнг меҳмон амирга қаради:

— Саид Олимхон, бандалик экан, жуфти ҳалолингизнинг худо жойини жаннатдан қилсин. Марҳума неча ёшда эдилар?

— Қирқ олтида!

— Э. бечора, ҳали навниҳол экан-а! Ҳа, майли, қолганлар омон бўлсин.

— Муҳтарам Талъатзода.— деди эшон гап бошлаб, — аввал кўни гапимиз чала қолди. Менимча, Шакар бозоргача бўлган ҳамма қишлоқларга ўзингиз хон бўлишингизга амирим розилар.

— Айтинг-чи, амир,— деди Талъатзода.— мабодо урушда немислар голиб чиқса-ю, сизга Бухорога қайтиш учун рухсат беришмаса, унда нима бўлади?

— Ҳамма гап шунда. Инглизлар ҳозир менинг тарафимда. Вакилимиз Исмонил девонбегининг бир оёғи Лондонда. Аммо немислар билан ҳали аниқ хулосага келганимиз йўқ. Борди-ю, сиз бу иш билан шугулланганингизда эди, гоят миннатдор бўлур эдим.

— Техронда орамиздан қил ўтмайдиган ошнама бор, у бундай ишларни жойига қўяди, аммо, ўзи жуда тамаъгир.

— У ёгидан гам еманг, рози қиламиз, бемалол гаплашаверинг.

— Ахир, мени яхши танийсиз, менга ишонаверинг, у нақдини ях-

ши кўради, Талъатзода амирга ялингандай қаради.— Ҳозир унча-мунча сарф қилсангиз, худо хоҳласа, Бухорога қайтишингиз билан ўрни тўлиб кетади.

— Тўғри айтдилар, — эшонн Судур ганга аралашди, — амирим, нима бўлса ҳам Бухорога қайтишни ўйлайверинг. Талъатзода жаноблари ўзимизнинг қариндош-уруғимиздан ҳам афзал одам.

Амир ерга тикилиб ўй суриб қолди. Шу пайт эшик қия очилиб, чертлади:

— Амирим, иссиқ чойдан келтирайми?

Шу тобда амирнинг кўзига Мусаали жуда ёмон кўриниб кетди, худди у айгоқчидек туюлди.

— Чой бўлса, ўзим чақираман, эшикни сиртидан ёп! — кейин амир меҳмонларга қараб, айёрона илжайди:

— Муҳтарам Талъатзода, ўша ошнангизга айтинг, немислар билан мени келиштириб қўйса, мен унинг етти пуштига етадиган олтин бераман.

— Жаноби Талъатзода, биласиз, амиримиз бир сўзликлар, айтдиларми, ўшани, албатта, бўлдирадидилар, — эшонн Судур меҳмонга тушунтира кетди. — Нима қилсангиз ҳам дўстингизга тушунтиринг, фурсат қўлдан кетмасин.

— Унда менга ижозат, ҳозироқ Техронга қайтаман, — меҳмон фотиҳа ўқинг, деб эшонга ишора қилди.

— Сабр қилинг, — деди амир ўрнидан туриб бориб қўшни хонадаги пўлат қутисини очди, бир ҳовуч тиллони олиб чиқиб, меҳмоннинг олдига қўйди.

— Раҳмат, амирим, илоҳим ишингиз авжидан келсин, сизга худди таоло Бухорони насиб этсин, омин оллоҳу акбар, — деб меҳмон дуо қилди. Кейин эшон фотиҳа ўқиб, ўринларидан туришди. Меҳмонни амир билан эшон қалъа дарбозасигача кузатиб қўйишди. Икковлари меҳмонни кузатиб, аза бўлаётган жойга худди тўйга келаётган кишилардек, хушчақчақ қайтишди.

Хиргойи

Қоронғи тушганидан кейин Мусаали қизи Бўстон билан ҳужрасига кетар экан, ўзича гингиллаб, хиргойи қилди:

Шотини қўйдим шотутга,
Вой дод-е, эй дўст,
Мусофирмиз бу юртга,
Шунисига доғман-э!

Муҳожирилик асир этди,
Вой дод е, эй дўст,
Кетолмаймиз эл-юртга,
Шунисига доғман-э!

— Қалай қизим, мендан ҳофиз чиқарканми? — сўради у хомуш ўй суриб келаётган Бўстондан. Бўстон дадасининг оғир ташвишда эканлигини биларди-ю, унинг ичидаги сирдан хабарсиз эди. Шу бондан у савол берди:

— Дада, мен Бухорони яхши эслолмайману, аммо негадир бу ер ҳам зерикарли. Бухоро яхши жойми?!

— Э, қизим, Бухоро шундай жойки, ундай жойни етти иккимни ахтариб топиш қийин. Мен тугилган Зармитан қишлоғи жаҳондаги энг гўзал қишлоқ бўлса керак. Оҳ, у ердаги қатик, сут, қаймоқ, сариёғлар! Болалигим эркин қуш эди, мени тутишиб, қафасга солишди, кейин амирга тақдим этишди. Мана ҳозир ҳам амир қафасида яшайман. Худо ана шундай пешонамизни шўр қилиб яратган экан.

— Дада, онам ҳам менга ўхшармиди?

Қизининг бу саволи Мусаалини чўчитиб юборди. У аввалига ай-тиб қўймаганмикин, деб Мастонбудан ҳадикспиради, кейин суриштириб кўриш учун қизига қаради:

Нега суриштириб қолдинг, биров бир нарса дедими?

— Йўқ, кеча Шукрия сен даданга сира ўхшамайсан, онамга ўхшасанг керак, деб қолганди, шунинг учун сўраяпман-да!

— Тўғри, қизим, онамга ўхшайсан. Онанг ўлмаганида...— қизига воқеани билдирмаслик учун Мусаали кўзига ёш олди.

— Қўйинг, дада! Нима ҳам қилардик, тақдир экан. Агар Бухородан кофирлар ҳайдалса, қайтиб борарканмиз, шу ростми?

— Рост, қизим, рост! Худодан эртаю кеч шуни илтижо қилиб сўрайман. Мусофирлик жонга тегди. Ёшлигим қафасда ўтди, энди кексалигим ҳам қафасда ўтяпти,— Мусаали яна кўзига ёш олди. Улар ҳужра эшигини очиб, ичкарига киришди, шамни ёқишди. Бўстон қора қумгонга ўт ёқди. Кейин хаёл суриб ўтирган отасининг маҳсисини тортиб, ечди-да, унинг рўбарўсига ўтирди.

— Сен хизматга аралашганингдан бери иссиқ овқатни ота-бола шу ердан ейсизлар, деб, ишбоши уйга масаллиғ бердирмай қўйди. Энди, қизим, қуруқ чой ичиб ётаберамиз.

Менга икки-уч кўйлак кийдиришди, балким, шунга масаллиғ бермай қўйишгандир,— деди Бўстон отасига тикилиб,— сиз хизматкорлар сардори бўлдингиз, энди нега ишонишмайди?

Қизининг гапига Мусаали елкасини қисиб, билмадим, деган ишорани қилди. Кейин у ўрнидан туриб кавушини кийди-да, обдастан қўлини ювиб, жойига келиб ўтирди.

— Кун бўйи оёқда тикка туриш жонга тегди,— деб қўйди у қизига эшиттириб,— бирпас ёнбошлаб ўтирай, болишдан ол, қизим.

— Мана, дада, бемалол ёнбошлаб олинг, ҳозир чой ҳам қайнаб қолади,— Бўстон ёстиқни қўйди-да, ташқарига чиқиб, қумгондан хабар олиб келди

— Ҳали қайнашига бир оз бор экан.

— Унда ўтир, қизим, кун бўйи сен ҳам тинмадинг.

— Ўтирсам ўтирай,— деди Бўстон Мусаалининг рўбарўсига тиз чўкиб,— дада, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

— Майли, нимади?

— Бозорда тухумни ҳар доим бир йиғитдан олардим, ўшандан икки дона тухум қарздор эдим. Қалъадан чиқаришса, пулини бериб келардим.

— Нега қарз олгандинг?

— Қарз олмадим, ўзи қўярда-қўймай ортиқча берганди-да!

— Тушундим, қизим.— Мусаали оғир хўрсиниб қўйди,— сени қалъадан чиқаришмайди, бозор кунни ўзим бориб, рози қиларман, исмини биласанми?

— Биладан, унинг исми Гулом форси.

— Унда қалъадан бир амаллаб чиқиб иккимиз борайлик, мен уни таниб олай.

Отасининг бу маслаҳатидан Бўстон хурсанд бўлиб жилмайиб қўйди.

Тутқинга зўрлик

Эрта билан ҳамма ёққа дув-дув гап тарқалди: «Мусаали қалъа деворидан қизини қочирмоқчи бўлган экан, соқчилар ушлаб олишибди», «Амир қизини ҳам, ўзини ҳам қаматдириб қўйибди»...

Бу миш-мишларни эшитган Шукрия югуриб аммасининг олдига кирди.

— Аммажон, Бўстонга нима қилибди, бир шум хабар эшитдим!

— Уша Бўстоннинг балогинага учрасин, отаси Мусаали қўй оғзидан чўи олмаган ювош эди, мингирлайвериш бошини айлантириб юборганда шўрликни шум қиз, бечора охири бор-э, қочсанг қочавер, деган.

— Энди қаерда экан?

— Уни киши топмас жойга қамаб қўйдим. Отасини даданг бир хужрага қаматтирди, ҳали гапиришганимиз йўқ.

— Аммажон, қўлингиздан келганича ёрдам беринг, у жуда яхши қиз.

— Яхши қиз эмиш.— Мастонбу лабини бурди,— яхши бўлса, қалъадан қочаман дейдими. Егани олдида, емагани кетида эди.

— Нима бўлса ҳам, жон амма, уни қийнатдирманг.— Шукрия Мастонбунинг елкасини ёлвориб силади.

— Хўш, қийнамайман, хурсанд қиламан, бўлдимми?!

— Яшанг, омон бўлинг, амма! Ҳозир олиб келсангиз, бир оз ишимиз бор эди.

— Йўқ, сабр қил, мен олдин, бу қилиқни иккинчи қилмасликка олт ичирай, кейин,— деди-ю, Мастонбу амир ҳузурига кириб кетди. Шукрия, нима қилишини билмай, ойнага қараб сочини тараганича қолаверди.

— Қел, Мастон! Нима қилдинг уни?

— Ички ҳарамга қамаб қўйдим. Ҳозир меннинг олдимда отасини чақиртирсангиз, уни мақтаб, сиздан афв этишингизни сўрай. Кейин қизини...

— Тўғри айтасан,— амир қарсак билан хизматчилардан бирини чақирди,— айт, соқчи ҳузуримга Мусаалини олиб кирсин!

Кўп ўтмай соқчи Мусаалини олдига солиб, амир ҳузурига олиб келди. Мусаали амирнинг оёғига йиқилди:

— Амирим, кечиринг, бир хаёл билан шу номаъқулчиликни қилдим, шайтон йўлдан урди.

— Шайтон эмас, қизинг йўлдан урган, ўзинг амиримга содиқ йиғитсан. Ана шу томонини ҳисобга олиб, гуноҳидан кечинг, амирим!— деди Мастонбу.

— Бошингни кўтар!— деди амир газаб билан.— Хўш, қани айтчи, қочини деган фикр сендан чиқдимми ё қизингданми?

— Иккимиздан, амирим, шайтон йўлдан урмоқчи бўлди-да!

— Қани, соқчи, чиқиб туринг, Мастон, сен ҳам, биз яккама-якка гаплашиб олайлик!

Хонадан соқчи билан Мастон чиқиб кетгандан кейин амир ўрнидан туриб, Мусаали тиз чўккан ерга келди.

— Хўш, менга қайнота бўлишга ор қилдингми?

— Йўқ, амирим, қизим зерикиб кетдим, қалъадан ташқарини ҳам кўрайлик, деб қўймади, шундоқ чиқишга соқчилар йўл беришмади.

— Унда нега менга айтмадинг?

— Сизга айтсам, бари бир, рухсат бермасдингиз.

— Унда тўй қилишга розимисан, ё шу баҳонада...

— Амирим, ростини айтсам, айтақолай. Эгилган бошни қилич кесмайди, дейишади.

— Қани, рости нима экан, гапир!?

— Рости шуки, мен қариб қолдим, ниятим бирор етим-есир йиғитни ичкуёв қилиш эди, кексайганимда менга қараб турар деган ўйда эдим.

— Ҳа, хомкалла, кимсан хизматкорлар сардори бўлгин-да, ичкуёв

излайсанми, керак бўлса хизматкорлар сенга тувак тутишади, истайсанми шуни! Мени куёв қилсанг, бахтинг кулгани эмасми?!

-- Майли, амирим, мен рози!

— Иккинчи такрорланса, мендан яхшилик кўрма! Ҳозирчалик чиқармайман, ётиб тур. Ҳой, ким бор? Соқчини чақир!

Соқчи Мусаалини олиб чиқиб кетди. Яна ҳужрага қамади. Қўрқанидан Мусаалининг ранги ўчиб кетганди. У умрида бир гуноҳ иш қилди қизини қочирмоқчи бўлди, амир шуни писанда қилиб, тавбаи тазарру қилдирди. Амирнинг ўзи эса ҳар куни ўнлаб гуноҳ қилади, уни биров айтмайди ҳам, қайтага баъзилар мақташади.

Соқчи Мусаалини олиб чиқиб кетгандан кейин Мастонбу югуриб кирди. У акасининг қулоғига шивирлади:

— Бўстоннинг олдига ўзингиз кирақолинг, ҳозир айти пайти, мен устингиздан қулфлаб қўяман.

-- Балосан, балол!— кулди амир. Эғнидаги хизматга кийган либосини алмаштириб, Бўстон қамаб қўйилган ҳужрага кирди. Улар устидан қулфлаб, эшик орқасидан Мастонбу қулоқ осиб турди.

Амир хонага кириши билан Бўстон жуда қўрқиб кетди. У бир бурчакка бориб ўтириб олди.

— Қўрқма, қани ўрнингдан тур!— деди амир дағал овоз билан,— Хўш, нега қочмоқчи бўлдинг?

— Қалъада зерикиб кетдим!

— Бу гапинг бошқа. Майли, гуноҳингдан кечдим. Яна бир йилдан кейин Бухорога қайтиб борамиз, ана ундан кейин хоҳлаган жойингга файтунда бориб, томоша қиласан. Атрофингда сенга канизаклар хизмат қилиб туради. Хабаринг бор, катта аянг оламдан ўтди. Унинг ўрнига энди сен ая бўласан.— амир унинг яқинига бориб, қучоқламоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ! Яқинимга келманг. Тишлаб ташлайман. Мен, Саид Орифингизга айтмоқчимисиз, десам, ўзингизни рўбарў қиялмасиз. Йўқ, Йўқ!

— Бўлмаса бекорга нобуд бўласан!

— Нобуд бўлсам бўлай, нари туринг!

Хона эшиги даб-дурустдан очилиб, Мастонбу кўринди, гўё акасининг бу ишдан жаҳл чиққандек, уни койган бўлди:

-- Ака, бу ёққа чиқинг, кани-катта одамга бу иш ярашмайди. Қиз бечоранинг юрагини ёрай дебсиз-а!

— Янганнинг ўрнига янга бўладими девдим, Мастон, бунинг ёввойилик қиялпти.

— Майли, чиқинг, аёллар ишига аралашманг.

— Ҳа, майли чиқсам, чиқай!

Амир ҳужра эшигидан чиқини билан Мастонбу Бўстонга совуқ сув ҳўплатди.

— Вой сен-эй, жуда қўрқиб кетибсан, бу тўғрида Мастон аям билан гаплашаман, сиз аралашманг, деб қўяқолмабсан-да!

Бўстон индамай бурчакда ўтираверди. Мастонбу унинг қўлтигидан кўтариб ўрндан тургазди, кейин гап ўргатишга тушди.

— Минг қилса ҳам амир, унга ёмон муомалада бўлмай, бу ишни аям ҳал қилади, десанг-ку, олам гулистон. Мана энди, ҳозир, газаб устида отангни ўлимга буюриб юбормаса, деб қўрқаман. Ахир амир, амир-да!

— Жон аяжон, чиқинг, отамни ўлдиришмасин!

— Сен бемалол ўтиравер, ташвишланма. Мен нима бўлса ҳам Мусаалини қутқарай!— Мастонбу шошиб чиқиб кетди. Бўстон бир ўзи ҳужра бурчагидан туриб эшик олдига келди, қочмоқчи бўлди.

Аммо, эшик маҳкам қулф эди. У қафасга янги тушган қушдек, пиртирлади, зулфини бузмоқчи бўлди, аммо, чиқиб кетиш учун бирор бир тешик ҳам топмади.

Мажбурий қайнота

Орадан бир кун ўтгач, амир Мусаалини яна ҳузурига чақиртирди. Соқчи уни катта жиноят қилиб қўлга тушган маҳбусдай милтиқ ўқталиб олиб кирди. Бу гал Мусаали амир оёғига йиқилиб, аввалгидай йиғламади. Тик турди, соқчи уни таъзим қилишга ундади. Мусаали амир қаршисида унга кўзларини олайтириб тураверди.

— Бугун бошқача кўринасан, сенга жин-пин тегдими?— амир жиддий сўради.

— Э, амир, шунча оёгинга йиқилганим етар, лоақал умримда бир марта бўлса ҳам тик турай дедим-да!

— Эсинг оғдими ёки бирор маслаҳатчи топилдими?— соқчига савол назари билан қаради амир.

— Амрим, мен соқчилик қилганимда унинг олдига ҳеч ким кирмади.

— Майли, чиқиб тур,— деди амир соқчига,— у чиққанидан сўнг,— хўш, Мусаали, қайси юртда яшаётганингни биласанми, мабодо биз кетсак, сен шу ерда қолмоқчимсан?

— Насибам шу ерга сочилган бўлса қолавераман, мен ўн тўрт ёшимдан бери хизматингизни қиламан. Бирор марта рўшнолик кўрмадим. Сизни деб шу ерларга келдим ўз юртимни ташлаб. У ерда менга ўхшаганларнинг егани олдида, емагани кетида, яхши яшаётганими.

— Қаердан эшитдинг?

— Эшитдим, бориб-келиб турган айгоқчиларингиз айтди.

— Айт-чи, тилинг қаёқдан бурро бўлиб қолди?

— Уч кундан буён қамоқда ётишим суяк-суягимдан ўтиб кетди, не ҳасратда боққан қизимни ҳам не куйларга солиб қўйдингиз, ахир шу инсофданми?

— Мусаали, менинг фармонимга рноя қилмаганинг учун шу ишлар бўлди. Ҳали ҳам бўлса тавба қил, гуноҳингдан кечай, ўзимиз бегона юртдамиз, сени ўглимдан ҳам афзал кўрардим, сирларимни айтгандим, агар нон тепкилик қиладиган бўлсанг, ўзингдан кўр.

Амирнинг кейинги гапи Мусаалини ўйлантириб қўйди, у бу дартоҳда бегуноҳ кишиларнинг бекорга нобуд бўлиб кетганига ўзи гувоҳ, шунинг учун ҳам мен ўшалар қаторига ўтиб кетмай, деб жони ширин кўринди шекилли, амирга ялингансимон қаради.

— Мен шундай ётавераманми, ё одамлардай юраманми?

Бу гапинг бошқа, — деди амир.— Бухорода, қанчадан-қанча иш-бошилар, беклар, ҳатто икки ўғлим, хотиним қолиб, сени олиб келганман. Бунинг мағзини чақ. Ўзимга яқин олганимдан сени қайнота қилмоқчиман, қизинг ҳам розилик берди.

— Қизим рози?— Мусаали ажабланди.

— Нима у? Бошқа ёш йигитни мўлжаллаганмиди?! Йўқ, у бу фикридан айнади. Ҳозир у бошқача!

— Бошқача бўлса яхши, мен шу қизимни деб фармонингизни бузгандим...— Мусаалининг кўнгли сал ёришди.— Амрим, узр!

— Бугундан бошлаб аввалгидек юраверасан, гуноҳингни кечдим! Энди қизинг тўйгача шу ерда гуради, агар мавриди келса, эшони Сударни чақириб, никоҳ ўқиттирамиз, ўшанда ўзинг келасан. Қани, хизматингни бажаравер!

Хизматингизга тайёрман, амирим! Соқчи кирди.

Ҳой соқчи! Мусаалининг гуноҳини кечдим, ишбошига айттиг, аввалгидек вазифасига қўйсин!

Соқчи чиқиб кетиши билан аллақерда воқеани яширишиб кузагиб турган Мاستонбу пайдо бўлди. У акасининг олдига келиб, чўнқайиб ўтирди.

— Уб-ба Мастон-ей, шу ердамидинг. Қалай, Мусаалига қилган муомалам?!

— Бошладингиз, ака, энди қизини кўндириб керак. Ҳеч кўнмайнти.

Унда нима қилдик, Мастон, Мусаалига кўнди, деб юбордим-ку!

— Эй ака, ташвиш тортманг, бундан ҳам асовларининг иложини қилганман, бу қиз менинг қўлимда қўғирчоқдек ўйнайди ҳали. Бир йўлни тотиб қўйдим...

Фириб

Кечга яқин Мастонбу янги тикилган саккиз тепкили атлас кўйлакни олиб кирди. Бўстон ҳали ҳам бурчакда хаёл суриб ўтирарди. У Мастонбуга қайрилиб ҳам қарамади.

— Энди хаёл суришни бас қил, манави кўйлакни кийиб ол, эрта билан отанг кўргани келмоқчи.

— Дадам келадими? У қамоқда эди-ку?

— Йўқ, ҳозир уйда. Кундузи ўз ишини қияпти.

— Нега мени чиқармадинглар унда?

— Қондан биласанми, сени эрта билан даданг олиб кетиши керак, бу аҳволда сени бермаймиз, сочларингни тара, эгинингдагини ечиб, манави кўйлакни кий, даданга гард юқмагандек бўлиб кўрин.

Лянинг бу гапларига Бўстон лаққа ишонди, сочларини таради, эгинидаги хонатласни ечиб, саккиз тепкили атлас кийди. Унинг ўзига яхши қарашни учун Мастонбу ҳам ўзининг лампа билан кўзгу келтириб берди. Бўстон кўзгуга қарар экан, севган йигити Ғулумни эслади.

— Намунча хаёл сурасан!— Мастонбунинг шангилагани Бўстонни чўчитиб юборди.— Қўрқма, бугун ёнингда ўзим ётаман, ҳа, отанга эсон-омон топшираман. Ма, ол, овқатингни е. Мен чой келтирай.

— Намунча меҳрибон бўлиб қолдингиз?— сўради Бўстон Мастонбудан.— Ё бошқа бир ишингиз борми?!

— Ҳой қиз, нега меҳрибон бўлмай, сени ўзим катта қилдим, икки кун ҳужрага қамаб, озор бердим, бу ёмонлигимни нима қилсам эсингдан чиқариб юбораркинсан, деб шу кўйларга тушяпман, аянг ўргилсин! Бошқа ҳар хил шубҳаларга борма, ол, қорнингни тўйгаз, кейин сочингни ўзим ўриб қўяман.

— Йўқ, овора бўлманг, ўзим ўраман!— Бўстон тараган сочинни ўрам қилиб, рўмоли билан боғлади, олдидаги кўзгунини бир чеккага олиб қўйиб, обрез олдидаги обдастадан қўлни ювиб келиб, овқатланишга ўтирди. Мастонбу эса гулли чойнакка чой дамлаб келиб, унинг ёнига тиз чўкди. Чойнакдаги чойни икки марта қайтарди. Кейин ўзига ва Бўстонга қуйди.

— Узингга менга ўхшайсан, Бўстон, исминг ҳам. Билмаганлар қизин бўлса керак, деб ўйлар-а, агар иккимиз бирга кўчага чиқсак.

— Қанийди кўчага чиқсак, — деб қўйди Бўстон,— жуда зеркиб кетдим. Қалъа ҳам кўзимга қамоққа ўхшаб кўриняпти. Негадир юрагим ҳаприқиб кетяпти-я!

— Ҳар хил хаёл сурганингдан, ҳеч нарсани ўйлама,— деб тасал-

ли берган бўлди Мастонбу иёладаги чойдан ҳўплаб туриб, — қани, тезроқ еяқол, сочингни ўрай. Чарчадим, ётаман.

Мастонбунинг шоширишидан кейин Бўстон сопол товоқдаги суюқ ошни апил-тапил ичиб, товоқ-қошиқни чеккага олиб қўйди, кейин чойни ичди. Мастон чўнтагидан бир шишача чиқариб ёнига қўйдиди:

Кел, сочингни ўриб қўяй, кейин чироқни ўчираман, — деб Бўстоннинг ёнига ўтди.

Шишачадаги нима, ая? — сўради Бўстон.

— Атир. Шукриянинг хонасидан олиб чиқдим, — у шишани Бўстонга берди. — Ма, ҳидлаб кўр ишонмасанг?

Бўстон шишанинг оғзини очиб ҳидлади-ю, ҳушидан кетди. Уни ёстиққа ётқизиб, ташқарига югуриб чиқди-да, амирга деди:

— Ака, тезроқ кириб, беҳуш қилиб қўйдим. Фурсатни қўлдан бой берманг!

Амир ҳарам беги Мухторхонни огоҳлантириб, хонага шошилганича кириб кетди. У ўша кеча Бўстоннинг ёнидан чиқмади. Мухторхон эса тун бўйи эшик пойлаб чиқди. У аҳён-аҳёнда бориб, эшикнинг тирқишидан хонага мўралаб кўярди. Алламаҳалда Бўстоннинг йиғи аралаш овози эшитилди. Мухторхон шипиллаб келиб Мастонбуни уйготди. Икковлари хонага қулоқ осиди:

— Вой нима қилиб қўйдиларинг, шарманда бўлдим, шарманда!

— Ўзингни бос, ҳеч гап бўлгани йўқ! — тасаалли берган бўлди амир. — сен бундан буён жуфти ҳалолим бўласан!

— Шарманда бўлдим! — Бўстон кўз ёши тўкиб, гўзиган сочига, эгиндаги гижим қўйлагига қаради, қўйлагининг кўкрак чоки сўкилиб кетганди. Бундоқ очиб қараса, ҳаммаёғи кўм-кўк мўматалоқ. Шундан кейин у сочи билан ўзини-ўзи бўғмоқчи бўлди.

— Қўй, бундан буён бутун бойлигим, салтанатим сеники, отанг ўнг қўлим бўлади. Эрта-индин Бухорога кўчай деб турибмиз, ана унда сен кимсан — Бухоро амири Саид Олимхоннинг эрка маликаси бўласан! — Амир унинг қўлидаги бир тутам сочни чангалидан олиб, орқасига ташлаб қўйди. Бўстон пажмурда гавдасини қаёққа қўйишни билмай, ёстиққа юзини босиб ётди, йиғлади. Йиғлай-йиғлай ҳушидан кетди. Амир югуриб чиқиб, Мастонбуни киритиб юборди. Мастонбу қизга сув сепди, сочларини қўли билан текислади. Бўстон ҳушига келиб, кўзини очиши билан тепасида турган Мастонбуни кўрди. У шу тобда худди эртақлардаги жодугар кампирнинг ўзгинаси бўлиб кўринди. Қўзларини унга шундай олайтирдик, Мастонбу қўрқиб, ўрнидан қандай турганини билмай қолди.

— Ҳой, Бўстон, сенга нима бўлди?

— Икки кўзингни ўйиб олардим у мажолим йўқ! — Бўстон бир амаллаб ўрнидан турди, у эгнига қараб яна қаргай кетди, — кўзларинг кўр бўлгурлар, айбингни яширибсанлар-да, қани ҳалиги кийимларим. Нима қилиб қўйдиларинг!

— Қўй, хафа бўлма, кел сочингни майдалаб ўриб қўяй!

— Бўлди, яхшилаб ўриб қўйдинг!..

— Ҳой, неварам тенги бўлиб сенсирама, ёшмассан, ўн тўққизга кетяпсан! Кимсан амирнинг эркатой хотини бўлсанг, ёмонми? Бас қил, кел энди ярашайлик.

— Мен сиз билан уришганим йўқ, нега ярашаман. Қилгилкини қилиб қўйиб, ярашайлик дейсиз-а?

— Тегсанг амирга тегсан, бўлмаса чўри бўлиб қолаверсан, тушундингми?

— Бас! — Бўстон ҳолдан тойиб, яна ёстиққа бош қўйди. Мастонбу

эшикни очиб, хизматкорлардан бирини имлаб чақирди-да, овқат пишириб келишни буюрди.

Бўстон қоронғи ҳужрага нур тарқатиб турган парилардек унсиз, ҳолсиз ётар эди.

«Муаллақ» пул

Бухородан қочмасидан икки ой илгари амир энг катта бой. Ҳожи Тўрақулбойни йнгирма беш туя қоракўл тери билан Ҳиндистон орқали Англияга юборган эди. Тўрақулбойни Амударёгача амир соқчилари, Иброҳим лақай кишилари ва инглиз айгоқчилари кузатиб келинганди. Қарвон Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтиб, у ёғига кема билан Англияга етиб борди. Ҳожи қоракўл териларини пуллади. Кейин юз эллик миллион долларга яқин пулни Лондон банкига қўйди. Инглиз разведкаси орқали банкка қўйилаётган пул варақасига амир ҳам имзо чекди. Қисқаси пул икки киши номидан қўйилди. Шундан кейин Тўрақулбой банк чекини белбоғига тугиб, тўппа-тўғри Кобулга — қалъан Фатъўга келди. Амир уни яхши кутиб олди. Бухородан қувилганини айтиб, кўз ёши ҳам қилиб қўйди.

— Энди мен нима қилдим, амирим?— деди Тўрақулбой ташвиш тортиб,— ички, ташқи ҳовли-жойим, мол-дунёларим, хотин-болаларим қолиб кетибди, уларни ҳам олакелмабсиз?

— Э, қизиқ гапларни айтасиз, шошганда лаббай топилмай қоларкан, кўзга кўринган кишиларни, қўлга илинган нарсаларни олиб келавердик-да!

— Энди хотин-болаларимни кўролмас эканман-да!

— Қани айтинг-чи,— деди амир жиддий тусда.— нега пулни фақат менинг номидан банкка қўймай, ўзингизни ҳам тиркадингиз?

— Ахир, қоракўл терини мен олиб бордим, савдони мен қилдим!

— Кетаётганингда нима дегандим, галварс!— амир бу гал ўшқиршига ўтди.— Фақат менинг номимга қўйгин, демабмидим!

— Э, амир, инглиз газеталарида «Бухоро амираи қулади» деган хабарлар босилди, кейин, мен...

— Нима, мен? Мени ўлди, деб эшитдингми? Банк бланкасига имзо чекканман-ку!

— Мана чек,— у чўнтагидан чекни олиб, амир олдига қўйди,— менга сариқ чақангизнинг ҳам кераги йўқ. Бу пулни олиш учун фақат икковимиз Лондонга боришимиз керак, ё биттамыз ўлган бўлишимиз керак.

— Нафасингни шамол учирсин, аблаҳ! Ҳали сен мени ўлди деганмидинг! Жўнаб қол, ифлос!

Амирнинг дағдағасидан кейин Тўрақулбой шартта ўрнидан туриб, жўнаб қолди. У шу кетганча Балхга борди, ҳовли-жой сотиб олди, уйланди. Савдогарчилик қилди, бойиди. Ўз номига масжид қурдирди.

Бир неча марта одам юбориб, таклиф этса-да, Тўрақулбой, амир ҳузурига келмади. Ҳатто, узр сўраб мактуб ҳам йўллади: «Тўрақул ҳожи, ўша кун жаҳл устида сизни қаттиқ койибман, бунинг учун сиздан узр сўрайман. Бир илож қилинг, келинг, иккимиз Лондонга бориб, пулни олайлик. Менинг бор тиллоларим тугади, аҳволим оғир. Илтимос, келинг».

Амирнинг бу мактубини олиб, Тўрақулбой йиртиб ташлади. Уни олиб борган кишига деди:

— Бориб айтинг, Тўрақулбойга пулнинг кераги йўқ, у ҳеч қаёққа боролмас экан. Пул керак бўлса, амирнинг ўзи бориб олаверсин!

Бу жавобдан сўнг амир ўгли Санд Умар номига ишонч қоғози

ёзиб уни Лондонга юборди. Банк эгаси «Пул икки киши номига қўйилган, буни олиш учун иккови бирга келиши керак», деган жавобни қилди. Ўгли икки қўлини бурнига тиқиб қайтиб келганидан кейин амир пулдан умидини узди. У фақат Афғонистон ҳукумати тайин қилган ойлик нафақага қараб қолди. Лекин, амирнинг хаёлидан Лондон банкидаги пул нарига кетмасди. У охири: «Кел, бўлмаса пулни олмас эканман. Шунини «Анжумани муҳожирони саодати Бухоро ва Туркистон» («Бухоро ва Туркистон муҳожирлари саодати учун курашувчи жамият»)га ҳадя этай, улар олиб, советларга қарши ишлатсин, бир фойдаси тегиб қолар», деган фикрга келди.

Шундан кейин ўгли Умархон орқали Истамбулга телеграмма юборди. Бир ҳафтадан кейин жамият раиси мавлоно Абдул Қодир ва унинг ўринбосари Умаржон Муҳсинбек ўгли етиб келишди.

Мавлоно Абдул Қодир асли қўқонлик бўлиб, инглиз разведкасида хизмат қиларди. У Қўқонда ҳокимият советлар қўлига ўтгандан кейин қочиб қолганди.

Умаржон эса Қарши ҳокими Муҳсинбекнинг ўгли. У ҳам инглиз разведкаси учун жонини фидо қиладиганлардан чиқиб қолганди. Ўрта Осиёда тўнтарилиш юз берса, буларнинг иккови ҳам ҳукмрон бўлиш илинжида эди.

Амир меҳмонларни кутиб олди. Зиёфат қуюқ бўлди. Охири уларнинг қўлига чекни тутқазди. Ҳатто, чекни жамиятга топширгани тўғрисида тилхат ҳам ёзди. Бундан боши кўкка етган раис билан муовин оёқларини қўлларига олишиб, қушдек учиб кетишди. Инглиз разведкаси орқали Лондонга хабар қилишди. Аммо, Лондондан «Жамиятингиз кўзга кўринарли иш қилса, Амударёнинг нариги қирғогидаги кишиларни ўзига оғдирса, у ерда ўзларингиз ҳукмрон бўлсангиз, пулни мукофот тариқасида топширамиз», деган мазмунда жавоб олинди. Мавлоно Абдул Қодир билан Умаржон Муҳсин ўгли Мозори Шариф, Маймана, Қатагон, Балхга бориб, бу шаҳарларга келиб қолган ўзбекларга варақа тарқатишди, аммо ишлари ўнгидан келмай, оломон жанжалида ўзлари ҳам ўлиб кетишди.

Шундай қилиб, Лондон банкидаги пул ҳеч кимга буюрмади, муаллақ қолиб кетди.

Кутилмаган тўй

Шаҳарда сотиб олинган ҳовли қайта қурилиб, битгандан сўнг, амир шоҳга нома юборди, ҳовлини кўриш учун ижозат олди. Қалъан Фатъудан Кобилдаги Муродбек маҳалласигача амир лашкарлари фойтунни қўриқлаб бордилар. Янги ҳовли дарвозаси олдига ва ички ҳовлининг у ер-бу ерига соқчилар тайинланди. Файтундан тушиши билан эшони Судур амирга ҳовлига киришига фотиҳа берди. Ички ва ташқи ҳовли кўздан кечирилди. Ишбоши Абдулфаттоҳ ҳар бир тўйга яраша палос ва анжомлар олиб, амир кўнглидагидек қилиб безатдирганди. Амир ишбошидан мамнун бўлди. Унга зартўн кийгазди, эшони Судур билан бош соқчига, шунингдек, Мостонбунинг эри бўлган лашкарбоши куёвига ҳам тўнлар кийдирди. Ўша кунн зўр зиёфат бўлди. Фақат ҳовлини қўриқловчи ва йўлда амирни ўраб юривчи соқчилар билан хизматчилар май ичишмади, лекин хурсандчиликдан эшони Судур бир коса майни симириб юборди.

Янги ҳовлига икки соқчи билан Саид Орифни, уларга таом тайёрловчи бир ошпаз ва икки хизматкорни қолдириб, кечга яқин қайтишди. Амир хурсандчилигидан ва майнинг кайфидан бўлса керак, ўша кунн Бўстоннинг ёнига кирмоқчи бўлди. Бўстон ичида пайдо бўлган

тиканақдан қандай қутулишнинг иложини тополмай, ич-ичидан куйниб ўтирганди, Мاستонбу кириб, унга луқма ташлади.

— Ҳа, эркатой янга, сизга нима бўлди?

— Энди нима қиламан, отамдан қарига бешинчи хотин бўламанми?

— Энди бўлар иш бўлди, қорнингизга тугиб олдингиз, тақдирга тан беринг, бугун домламни чақириб, никоҳ ўқитайлик, ҳаром иш гуноҳ! Акам кекса бўлгани билан ҳали унда ўнта ёшнинг кучи бор. Никоҳни ўқитиб олайлик, кейин биласиз. Отанг ҳам никоҳсиз юрмасин деярли. Сени соғинган шекилли, тўйни тезроқ қилинглар, деб қистагани қистаган. Агар хўп десанг, ҳозирнинг ўзида никоҳлаб қўяйлик!

— Йўқ, тегмайман!

— Э, товба, ҳомиладорсан, ҳаммага шарманда бўлма! Тўнгишни тушириб бўлмайди, никоҳдан ўт, тугиб ол! Мана, шаҳар ҳовли ҳам битибди. Кейин ўша ерда турасизлар!— Мاستонбунинг шангиллаганидан Бўстоннинг қулоғи битиб, ўзини ёмон сезиб ётиб қолди. Шунда ҳам Мастонбунинг жағи ёпилмади.— Чўриликни қўй, энди маллика бўл, кўплар сенинг буйруғингни кутсин! Ҳой, сенга нима бўлди?! Ҳой, ким бор, иссиқ чой билан, бир чақмоқ қанд олиб келинглар!

Мастонбу Бўстоннинг бошини ўнг қўли билан кўтариб туриб, чап қўлида чой ичирди, кейин орқасига иккита ёстиқ ташлаб, суяб ўтқазиб қўйди.

— Ўзингни қўлга ол! Тумасан, бош қоронгисан. Ҳаммаси шунинки. Ҳеч қўрқма, эсон-омон тугиб олсанг, бахт қуши бошимга қўнди, деявер!

— Кўп гапирманг, қулоғимни шангиллатиб!— Бўстон жеркиб берди.— Айтинг, домлаңи чақириб, никоҳ ўқитсин, нима қилдим, эй худо, пешонамга шунини ёзган экансан-да!

— Ана энди ўзингга келдинг, мен ҳозир келаман! Мастонбу югуриб ташқарига чиқди-да, тезда қайтиб кирди. Хизматчилардан бири эшикни чертди. Мастонбу ташқарига чиқиб, бир тугунни олиб кирди. Бўстоннинг кўзи олдида счиб, ундан турли-туман тақинчоқлар, тилло узук, билакузук, зирақларни олиб, Бўстонга берди. Зардўзи гуллик кўйлак, ипак гижим рўмолини ёнига қўйди.

— Тезроқ кийина қол, бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши, мен ташқарига чиқиб келай.— деб Мастонбу акаси томон ошиқди. Сени қараса, эшони Судур, Мусаали, ишбоши ўтиришибди. Мастонбу қайтиб Бўстоннинг ёнига кирди-да, унинг тақинчоқларини тақди, юзига оқ ипак тўрпни ёпиб, етаклаб амир олдига олиб чиқди. Мусаали қизини кўриб, севинчдан кўзларига ёш келди. Бўстон ҳам отасини ипак тўр ортидан кўриб, унсиз йиғлади, аммо унинг йиғлаганини ҳеч ким сезмади. Мастонбу уни етаклаб бориб амирнинг қаршисидаги курсига ўтқазди. Амирнинг ўнг томонида Мусаали, чап томонида эшони Судур ўтирарди. Уртада турган косадаги сувга қараб туриб, эшон никоҳ хутбасини ўқий бошлади.

Никоҳ фотиҳасидан кейин амир Бўстоннинг чап қўлидаги ўрта бармоғига олтин узук, икки билагига эса тилло билакузук тақиб қўйди. Эшик ёнида хизматга шай бўлиб, икки қўлини қовуштириб турган ишбоши амирнинг имосидан кейин эшон билан Мусаалига зарбоф тўн кийгазди. Атрофдагилар эса, тўн кийганларни муборакбод этишди. Шундан кейин суюк, қуюқ овқат тортилди. Машиқ ва ҳофизлар ишга тушиб кетишди. Ҳофизнинг ашуласи ўпкаси тўлиб-тошиб ўтирган Бўстоннинг диққатини жалб қилди.

Не тонг, узорим агар сарғайиб қизарди ёшим,
Ки юз қоролуғу исён билга оқарди бошим.

Қуёш юнби көз ила тоғдек гамни нетайин,
 Менинги, тоғ бошига етибдур қуёшим.
 Замон эли гар урушеуну гар ярашеунлар,
 Ки не урушим алар бирла бору не ярошим.
 Ясасалар не ажаб дайр узра мозоримни.
 Менинги, муғбачалардир ҳариф журъакошим.
 Навоёе, агар идбор гардини юздин,
 Ювгай ладомату ҳасрат била тўкулса ёшим....

Бўстоннинг кўзларига беихтиёр ёш келди. У ҳеч кимга билдирмай, рўмолчаси билан юз-кўзларини артди.

Зиёфатга фотиҳа ўқилгач, Мастонбу югуриб келиб, келиннинг қўлтигидан олди, безатилган катта уйга етаклади. Уйда келин-қуёв учун алоҳида жой солинган бўлиб, лампанинг пилиги пасайтириб қўйилганди. Мастонбу лампа пилигини кўтариб, Бўстоннинг ёнига тиз чўкди.

— Боя уялиб, ҳеч тамадди қилмадингиз, бир коса шўрва олиб келай, қорнингиз ҳам очгандир.

Унинг гапига Бўстон жавоб бермади. Мастонбу шитоб билан чиқиб кетиб, бир коса шўрва билан иссиқ патир нон келтириб келиннинг олдига қўйди.

— Олинг, уялманг. Тагин нега сизсираяпти, деб ажабланманг, энди янгамсиз, ҳурматингиз учун сизсираяпман.

«Қайнбека»нинг гапига Бўстон яна индамади. Шундан кейин у уяляпти, деб ўйлади шекилли, «уялсангиз мен чиқиб турай, овқатланиб олинг», деб ташқарига чиқиб, эшик тирқишидан қараб турди. Бўстон овқатдан ичмади. У икки қўли билан қорнини ушлаб, ўзича чўчиб қўярди. Мўралаб турган Мастонбу эса «Нима бало, боласини ўлдириб қўйганми», деган хаёлга бориб ажабланарди. У акасининг эшик олдига келганини сезмай қолди.

— Ҳа, Мастон, янгангни томоша қиляпсанми?

— Секинроқ, қорнини ушлаб, ранги оқариб ўтирибди, олдига қўйган овқатни ҳам ичмади.

— Бўлмаса мен кирай, сен бохабар бўлиб тур!— деди-да, амир ичкарига кириб, унинг ёнига ўтирди, овқатдан аввал ўзи икки қошиқ ичиб, кейин унга ичишни буюрди. Бўстон аранг уч-тўрт қошиқ ичди-да, кейин ўрнидан туриб нон билан қолган шўрвани тоқчага олиб қўйди. Амир чироқ шлигини пасайтирди.

Эрта билан келин салом бўлди. Мастонбу қайнбека бўлишига қарамай, ёши катта бўлгани учун янгалик қилди. У салом айтиб, совга-салом, кўрманаларни йигаверди. Биринчи бўлиб икки кундоши пайдо бўлди. Улар «ойимтилланинг афти-ангорини кўрайлик» дейиши билан Мастонбу кўзларини олайтириб, лабини бурди, шундан кейин кундошлар «дим-дим» бўлишиб, совгаларини келиннинг бошига қўйишиб, чиқиб кетишди. Санд Орифхон кечқурунги гўйдан бехабар эди. У янги ҳовлидан азонлаб йўлга чиқиб, қалъага эндигина келганди. Шу сабабдан «кичик ойн» пайдо бўлганини эрталаб эшитди-да, келин саломга икки қўлини бурчига тиқиб келиб, луқма отди:

— Уҳ-ҳў! Яна бир меросхўр пайдо бўлибди-да!

Мастонбу Саиф Орифга шундай қирғий қараш қилдики, у қолган гапларини ичига ютганича жўнаб қолди. Акаси Саид Умар катта кафтгирли девор соати олиб келиб, кичик онани муборакбод этди. Булардан кейин қалъадаги ишбоши, бош соқчи, хазиначи, маслаҳатчи ва бошқалар тонган-тутганларини келин саломга олиб келишди.

Ким нима олиб келганини, нима деганини Мастонбу синчиктаб кузатиб турди. Келин саломдан сўнг эса ҳаммасини акасига оқизмай-гомизмай етказди.

Биби Сафир

Тўйдан кейин икки кун ўтгач амир қалъа ҳовлисига чиқди. Бир пайт амирнинг катта қизи Сурайё югуриб уйга кирди-да, «Биби Сафир келяптилар!» деди. Ҳамма қизлар Биби Сафирни кўриш учун ҳовлига ошиқди. Мاستонбу «Шу шанғининг келишига кўзим учиб турганмиди», деб мингирлаб қўйди. Биби Сафир олдин келиб Мاستонбу билан кўришди-да, овозининг борича унга деди:

— Аканг уйланишни шу ерда ҳам қўймабди-да! Эрта-индин жон бераётганда ҳам биттасини тўпинглар!

— Эй товба-ей!— деди Мاستонбу аччиқланиб.— Аввал муборакбод этинг, кимлигини билинг, кўрмана беринг! Эшикдан келмасингиздан сасийсиз-а!

— Сасимаганимда нима бўлдиларинг. Аканг яхши бўлганида бу ерларда чақирилмаган меҳмондай юрармиди?

— Биби Сафир хола,— деди Сурайё.— омонмисиз, мени жуда соғинтириб юбордингиз. Сиз эркин қушсиз. Қайси шаҳарга борсангиз бораверасиз, биз қалъадан чиқолмай қолдик!

— Нега? Отанг ҳали ҳам осмондан тушгиси келмаётгандир-да!

— Фармон чиқардилар! Қалъадан аёллар ташқарига чиқмасин, деб — Шукрия қўшиб қўйди Биби Сафир билан кўриша туриб.

Қани янги келин?— сўради Биби Сафир.

— Кўрманасини беринг, кейин кўрсатамиз,— деди Мастонбу лабини буриб.

— Ҳой, Мастон, тамаъгирлигинг шу ерда ҳам қолмабди, маилгари Московдан олган тилло балдоғим,— у балдоғини ечиб узатди. Шундан кейин Мастонбу Бўстоннинг юзига парда ёпиб чиқиб, Биби Сафирга салом бердирди. Биби Сафир Бўстонни кўрди-ю, бармоғи билан юзини босиб деди:

Эҳ, аттанг, бечора! Аканг қурсин. Мастон! Олтиншга яқинлашганда ҳам қилигини қўймабди!

Бўстон бу аёл ҳақида эшитган эди-ю, аммо ўзини кўрмаганди. У юрагида бор гапни дангал айтадиган, ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ дейдиган аёл. Биби Сафир ўн йилча Петербург, Москвада яшаган. Рус тилини ўрганган. У аслида Бухоро амирининг Петербургдаги элчисининг хотини бўлиб, илқилобдан кейин улар тўппа-тўғри аввал Бухорога, кейин Афғонистонга қочиб келишди. Эри охири ўлди. Ўзи қолди. Рус тилини яхши билгани учун у анчадан бери ташқи ишлар назирлигида таржимон бўлиб ишлар, чодир ёпинмай, катта рўмол ўраб юрарди.

— Қизим, ўн саккиз-ўн тўққизларда бўлсанг керак-а?— сўради келиндан Биби Сафир.

— Топдингиз, ўн саккизга тўлдим,— деди Бўстон майин товушда.

Бухорода бўлганингда мана мен деган йиғитга тегардинг, ўзга юртда нима деса хўп дегансан. Ҳозир Бухоро аёллари ўқишяпти, ишлашяпти. Дунёнинг нималигини тушунишяпти. Мен бунга газетадан ўқиб билиман. Суратларини кўриб, бирам ҳавасим келади, қанийди, мен ҳам ўша ерда бўлсам, деб.

— Ҳой, Биби Сафир, бас, жаврайверибу ердагиларнинг юз-кўзларини очиб юборманг,— луқма ташлади Мастонбу.

— Тўғри гап гуққанингга ёқмайди, Мастон! Ичкарига кирайми ё, кўришиб бўлдим, энди хайрлашаверайми?

Ичкарига киринг, Биби Сафир хола,— деди Сурайё,— анчадан

бери келмайсиз, соғиндик. Гапларингиз аммамизга ёқмаса ҳам, бизга сариёгдек хуш келади.

— Кирсам кирақолай, қани, бошланглар, қайси уйга кирсам бўлади?— деб Биби Сафир Сурайёга қаради. Шукрия аммасининг олди-га бориб келин тушган уйга олиб киришини илтимос қилди. Мастонбу унинг ёнига бориб:

— Мен акамга учрай, балким ўша ерга кирарсиз,— деди.

— Сенларга келган меҳмон ҳам хор бўлади,— деб Биби Сафир эшик олдида жавраб турганда, ичкаридан амирнинг ўзи кўриниб қолди.

— Э, кел, Биби Сафир!

— Янги келин муборак бўлсин, амир!

— Қуллуқ, қуллуқ!

— Ўзга юртда бўлсангиз ҳам онаси ўпмаганини топибсиз-а?

— Э, Биби Сафир, одамлар билиб сенга ном қўйишган, ҳақиқатан сурнай аянинг ўзисан-а?¹ Қани хонаи хосга кир. Қизлар, келинларнинг бошини айлантирма!

Биби Сафир амирнинг кетидан хонаи хосга кириб кетди. Бўстон унинг ортидан анграйганича қолди. Мастонбу югуриб келиб, «у шангининг гапига эътибор қилма, қани, юр», деб уйга олиб кириб қўйди.

— Энди, хўш кимсан — амирнинг эркатой хотинисан, хизматкорларни чақир, у-бу ишингни буюр. Сочингни ҳам ўшаларга тарат, ўшаларга ўрдир. Ҳатто, ковшингни ҳам ўшаларга артдир,— Мастонбу насихат қилиб, чиқиб кетди ва хонаи хос эшиги олдига бориб, амир суҳбатига қулоқ осди:

— Бечора навниҳолнинг бахтига зомин бўлибсиз-да, амир,— деб қўйди Биби Сафир,— хотинингизнинг биттаси оламдан ўтса, қолган иккитаси етиб ортарди.

— Эй, Биби Сафир, мазам йўқ, табиблар шу маслаҳатни беришди, ёшга уйлан, дейишди.

— Қўйинг-э, амир бўлибсизки, табиблар сизга шундай маслаҳат беришади. Бухорода юзлаб ёш қизлар бахтига зомин бўлганингиз етмасмиди?!

— Қаёқданам Петроградда яшадинг, ўша ердан шақ-шақ бўлиб қайтдинг, эринг раҳматли ҳам қулогини ушлаб у дунёга кетди.

— Эрим сизни деб қулогини ушлаб кетди, менинг гапимга кирганида, Петроградда яшайверардик. Мана ҳозир ўз юртимизда яйраб юрардик.

— Жуда сизларни яйратиб қўярди-да! Шу маҳалгача сочингиздан осиб, огзингизга иссиқ сув қуярди. Майли, маҳмаданаликни қўйинг, нима янгиллик бор оламда?

— Бухорода жуда катта ўзгаришлар бўляпти. Шаҳарда артель ва фабрикалар ташкил этилган, қишлоқларда колхозлар тузилган. Ҳамма ўз ҳақини ўзи олиб, вақтида ишга келади, вақтида кетади. Ҳамма бир хил, бой-камбағал деган гап йўқ.

— Сен жуда бўрттириб юбординг, қаёқдан билипсан шунча гапни, ўзи ростми?

— Рост, ҳар кунги газета келиб туради, ўшандан ўқиб биламан.

— Э, Биби Сафир, ҳали сен газетага ишониб юрибсанми? Газета йўқни бор қилиб ёзаверади.

— Йўқ, қозонда бўлса чўмичга чиқади, қаёқдан йўқни бор қилиб бўларди.

Биби Сафир, эшитмаган бўлсанг эшит. Немислар яқинда бу-

¹ Тожикчада сафир сўзи сурнай деган маънони ҳам билдиради.

тун совет ерини босиб олади. Биз яна Бухорога қайтамиз. Ушанда сен Германияга элчи бўласан, шунинг учун немисчани ҳам ўрган.

— Товба, нималар деяпсиз, амир?

— Рост гап, ишонавер.

— Бу ерда мен қандай қилиб немисчани ўрганаман, Петроград-да бўлгандай бошқа гап эди.

— Йўқ, шу ерда ҳам мумкин, бўлмаса Лондонга юборамиз, ўша ерда ўрганасан.

— Бўлмайди, ёшларни юборинг, ўрганиши осонроқ бўлади. Мен Совет элчихонасига ариза бериб, Бухорога бориб яшамоқчиман...

— Бухорога?! Биласанми, сен Бухоро амирининг Николай пошшо олдидаги элчисининг рафиқасисан. Сени улар қийма-қийма қилиб ташлашади.

— Қиймалашса ҳам ўз киндик қоним тўкилган туироққа кўмишадиду!— деди Биби Сафир кўзларига ёш олиб.— Қачонгача дарбадар юрамиз, ўзга юртда хор бўлиб!..

— Мен нима деяпман!— амир жон-жаҳди билан куйиниб гапира бошлади— Ахир немислар галаба қилса, бас. Советларнинг кунни бигтай деб турибди.

— Менимча,— деди Биби Сафир ўйланқираб.— советларга немисларнинг кучи етмайди, у ердаги ҳаёт мустаҳкам.

— Ҳой, Биби!— амирнинг кўзлари олайди.— Сенга Сталиннинг одамлари пора-мора бермадими?

— Э, мен уларнинг порасига муҳтожмасман, ҳақ гапни айтяпман! Қўйинг, бошимни айлантирманг, мен аёллар олдига кирай!

Биби Сафир фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди. Уни эшик олдида турган Мастонбу Бўстоннинг олдига олиб кирди, кейин тушгичка дамланган ошдан бир лаган келтириб қўйишди. Бўстоннинг ўзи туриб чой дамлади, меҳмонга чой қўйиб берди. Унинг назарида дунёдаги энг хушчақчақ, энг софдил аёл Биби Сафир эди.

— Келиннинг исми нима?— Биби сафир Мастонбудан сўради.

Бўстон.

— Эҳ, бечора, исми жисмига монанд экану, гулни тиканга қўшибсизлар!

— Ҳадеб саннайверманг!— Мастонбу башарасини буриштирди.— Бўлмаса, ҳали кетингиздан қилиқ чиқаради.

— Войбў, ўз юртларингдан қувилсаларинг ҳам катондимоглигингиз қолмайди-я, бу бечорала нима айб, ўз тенги билан яйраганда, яхши бўларди-да!

Бўстон меҳмоннинг ковушини артиб, энди келиб ўтирган эди, бу гапларни эшитиб, яраси яна тирналди, яна махзун бўлиб қолди.

Биби Сафиринг таъби тирриқ бўлиб, бу ерда ўтириш ортиқчалигини сизди ва фотиҳа ўқиди.

— Энди мен борай.

— Ўтирибсиз-да.— деб қўйди Мастонбу тил учнда.

— Раҳмат. Яхши қолинглар,— дея Биби Сафир аста чиқиб кетди.

Шошилич ёзилган китоб

Бир кун қаршилик Юсуфбой Муқимбой ўгли амир ҳузурига Натанни бошлаб келиб қолди. Амир улар билан қуюқ сўрашиб, хонан хосга таклиф қилди.

Маҳаллий жухудлар орасида ўзига яраша тилгоси бор, ёзувчизувдан хабардор киши Натан Мошей эди. Амир уни ўзидан бир ой илгари Афғонистонга қочириб юборганди. Натан Мошейнинг қалъан

Фатъўда яшашига эшони Судур йўл қўймади. Шундан кейин истаган ҳовлингни сотиб олиб яшайвер, деб амир унга рухсат берганди.

— Амир,— деди Юсуфбой жиддий тусда,— хабарингиз бўлса керак, Гермониё Советга уруш очай деб турибди. Шунинг учун ҳузурингизга келдик. Натан Мошей сизнинг номингиздан «Ҳузунил миллати Бухоро»¹ деган китобни ёзса, уни «Жамияти аҳбом»²га юборсак, нима дейсиз?

Бунинг биз учун қандай нафи бор?

Нафи катта, деди Натан, Бухоронинг ҳақиқий эгаси эканлигингиз ер юзига тасдиқ бўлиб туради.

— Унда майли, ёзинглар. Аммо, китобни чиқаришга мендан бирон нарса кутманглар, ўзларинг амалланглар, худо хоҳласа, Бухорога қайтсак, суришиб кетамиз.

Амир рози бўлганидан кейин Натан Мошей қоғоз-қалам олиб, ундан китобга нималарни киритиш кераклигини сўради.

— Биринчидан,— деди амир унга уқтириб,— Бухорони оламга танитган мен эканлигимни ёз. Кейин унинг сарҳадларини кўрсат. Иккинчидан, у ерга қурилган иншоотларни, ҳунармандчилик қорхоналарини бунёд қилганимизни батафсил баён қил. Учинчидан, шундай, ҳавас қилса арзийдиган Бухорони бошқарувчилар қонунсиз эгаллаб олганини, одамлар очликдан қирилиб кетаётганини, дин улоқтириб ташланганини шундай ачинарли тасвирлагинки, ўқиганларнинг кўзидан ёш оқсин.

— Менимча, охирида Бухорони қайтиб бериш кераклигини айтиб «Жамияти аҳбом»га мурожаат тариқасида ҳам икки-уч жумла киритиш керак.— луқма ташлади Юсуфбой.

— Майли, нима бўлса ҳам тезлаштиринглар, жуда пул тополмасанглар, қалъаи Фатъўнинг ярмига харидор топинглар...

Бир ярим ой деганда Натан Мошей китобни ёзиб тугатди. Унга Юсуфбой ўзининг фикрларини қўшди. Аммо, китобни нашр этишга уларнинг сармоялари етмай қолди. Охири қалъаи Фатъўнинг ярмига харидор топишди. Шундан кейингина китоб форс ва инглиз тилларида босилиб чиқди. Унинг биринчи варағида амирнинг расми бор эди.

Китоб чиққан кун амир шундай севиниб кетдики, у Натан Мошей билан Юсуфбойни чақириб, ош дамлаб меҳмон қилди, уларга тўн кийгазди. Китоб «Жамияти аҳбом»га юборилди. Бироқ, ўша пайтда бутун Европани немис фашизми босиб олаётганди. Шу сабабдан бу масала кўрилмай қолиб кетди.

□

Амирнинг ёлғиз ўзи хонаи хосда қолиб, китобни варақларкан, унинг кўз ўнги жимирлашиб кетди, хаёли қочди. «Қанчадан-қанча гуноҳ қилдим, эл-юрт қарғишига қолдим. Эй, худо, гуноҳимни ўзинг кечир... Нима бўлса ҳам эшони Судурни чақирайчи, бу гуноҳни нима қилсам ювиш мумкин экан...

— Эшоним, мана оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўрасиз...— деди амир икки тиллони бериб.

— Амирим, нега садақан радди балойингиз борган сари камайиб кетяпти? — сўради эшон икки тиллони кафтига ола туриб.

¹ Бухоро миллатининг ачинарли аҳволи.

² Женевада ташкил топган «Халқлар жамияти».

— Эй, эшоним! Билиб туриб сўрайсиз-а! Ҳозир афгонлар бераётган нафақага чидашга тўғри келяпти, хазина тугади, хазинабонга жавоб бердим, энди ўз тирикчилигининг ўзинг қил, менга ишонма, дедим.

— Ахир, бизларни олиб келаётганингизда, етти пуштингизни боқишга қурбим етади, деган эдингиз-ку!

— Ўз юртингдаги мўлжал бегона жойга тўғри келмас экан, майли бу ёгини қўяверинг, мен Бухоро халқининг қарғишига қолдим, тоғ-тоғ гуноҳ қилдим, айтинг-чи, бу гуноҳларни нима қилсам худо кечираркин?

— Тўғри, гуноҳларингиз кўп, шунинг учун ҳам қуръонни қўлда кўчириб чиқилишигиз керак.

— Қуръонни кўчириш бўлса осон экан, аммо икки кўзим борган сари хиралашиб кетяпти.

— Қуръонни кўчирсангиз, кўзингиз ҳам равшан тортади, мол жигаридан сиёҳ ясатдингиз, қамиш қалам ясангиз. Шундай қилинг, бундан буён хайрни кўпроқ қилинг,— деб қўйди эшони Судур қўлидаги икки тиллони ўйнаб туриб. Амир яна ҳамёнидан бир тилло олиб, узатди. Эшони Судур фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

— Айтгандек, китобингиз чиққанмиш,— сўради эшон чиқиб кета туриб.

— Сабр қилинг,— деди амир уни тўхтатиб. Жавонидан бир дона китобни олиб, эшонни Судурга бериб,— дуо қилаверинг, илоҳим шу китобдаги ниятимизни олло берсин!— деди.

— Қандай ният экан?

— Бухорога қайтиб бориш-да, бундан бошқа ният бўлармиди?!

— Илоҳим, ниятингизга етинг,— дея эшон китобни олиб чиқиб кетди.

Амир эшикдан бошини чиқариб, хизматкорлардан бирига, «Бўстонни айтиб юбор», деди. Амир энг кенжа хотини бўлгани учунми ҳаммадан кўра унинг Бўстонга меҳри бўлакча эди. Аммо, Бўстон иложсиз тақдирга тан бериб юрар, аслида амирни сира-сира ёқтирмасди. У қорнини қовоқдек қилиб, амир ёнига келди.

— Утир,— деди амир ёнидан жой кўрсатиб,— аввалги кундошларинг пайтида жуда кўп гуноҳ орттирдим, энди сенинг даврингда савоб орттирмоқчиман.

— Нучук, савобни қидириб қолибсиз?— деб юборганини Бўстоннинг ўзи ҳам билмади.

— Кексаликни бўйинга оляман,— кулди амир,— энди бу савоб ишда ўзинг ёрдам берасан.

— Савоб иш бўлса, қўлимдан келганича ёрдам берай.

— Балли, хотин, чеҳранг очилиб гапирганингни энди кўришим, шунинг ўзи мени хурсанд этди. Хизматчиларга айт, золдирдек мол жигари топишсин, бир қалин дафтар келтиришсин, қалам яшаш учун қамиш топишсин. Жигардан сиёҳ яшашсин. Ҳаммаси тайёр бўлганда менинг олдимга ўзинг олиб кир, бундан буён нима қилиб бўлса ҳам қуръонни кўчираман.

— Қимга айтай?

— Яхшиси ишбошига айт.

Бўстон чиқиб, ишбошини топиб, буюрилган нарсаларни айтди, тайёр бўлгандан кейин ўзига келтириб беришини ҳам уқтирди. Бундан хабардор бўлган Мاستонбу билан амирнинг бошқа хотинлари лабларини буришиб, муқатишиб қолишди.

— Намунча қулваччанинг қизига амирнинг меҳри тушиб қолди.

— Яқинда туғиб беради,— деди Мастонбу,— тушундиларингми?!

— Амирнинг тамом бўлган меросига меросхўр етишмай турганди.

Бу аччиқ, нордон гаплардан Бўстоннинг кўзлари ёшланди, бир нима деб жавоб қайтарай деса, улар кўнчилик. Бунинг устига, ўлганининг устига тепган дегандай, Саид Ориф келиб қолди. У воқсани она-сидан битиб олиб, қайнай боштади:

— Дадамнинг болалари кам эди, шунинг учун тугадиغان бўлибдида! Ҳзимиз қил устида яшаймиз.

— Бас!— йнглаб туриб бақирди Бўстон. — Мен амирга орзу-манда эмасдим, ҳамма ишини мана шу амманг қилди. Мени зўрлади! Кой-дод! Дод!

Унинг дол-воғйтан қўрқиб Мастонбу дарров буқаламун сингари ўзгарди-қўйди. Гўё у Бўстоннинг энг меҳрибон кишисидек, пайпаслай кетди:

— Бас энди, кўнчилик бўлиб талайверасанларми! Бунда нима гуноҳ. Хамманг бунинг синчалоғига ҳам арзитайсанлар!

Шовқин-суронни эшитиб, ичкаридан амир чиқди. У бир чеккада аралаша олмай турган хизматкоридан сўраган эди, у нима дейишини билмай, елка қисди. Шундан кейин Мастонбунинг ёнига келди. Амирни кўришлари билан икки хотини жўнаб қолди. Фақат Саид Ориф кетмади.

— Хўш, нима гап ўзи?

— Бечорани юматалашяпти, Сиз ҳадеб, напалаганингизга гайрлик қилишяпти,— деб қўйди Мастонбу.

— Дада, шунга бекор ўйландингиз, ўзимиз-ку, сичқон сичмас пинга, гатвир боллар думига бўлиб турибмиз,— деб қолди Саид Ориф.

— Ҳэр сўра!— деди Мастонбу амирдан бурун. — Отага тик қараб бўлмайди!

— Уғлим, кейинги пайтларда менга ақл ўргатадиган бўлиб кетясан-а, аканг Саид Умар, укаларинг— Саид Мурод, Ибройимлонлар нега бундай қилишмайди? Бунақанги дилиснёҳлик қилма!

Отасининг насихатидан кейин Саид Ориф, тилини тишлаганича орасининг ёнига кириб кетди.

Амир захрини Мастонбуга сочди:

— Амир сен бор жойда, шунақанги жанжал бўлса, қойил қолмадим, сизглим— кейин амир бир чеккада турган хизматкорига буюрди:

— Ишбошини чақир!

— Ака, мендан хафа бўлма, янгаларим...

— Янгаларинг бўлса, дарров тинчит, қулоқ солмаганини ур!— деди амир Мастонбуга қараб. Шу пайт ишбоши келиб амирга таъзим қилди.

— Қани мен буюрган нарсалар?

— Мана, олиб келдим, амирим!— амирга узатди ишбоши.

— Бўстонга беринг, мен унга сен олиб кир, деганман. Ишбоши қўлидагини Бўстонга олиб бориб узатди. Амир эса хонаи хосга кириб кетди. Унинг кетидан Бўстон довод, қамш қалам ва дафтар олиб кирди. Хонтахта ёнида ўтирган амир Бўстоннинг қўлидагиларни олди-да, унга буюрди:

— Хув, жавоннинг тепасида қуръон бор, олиб бер.

Бўстон қуръонни олиб берди. Амир уни кўчиришга киришди. Бўстон оёқ учида юриб, ташқарига чиқди.

Мухторхоннинг ташвиши

Нонуштадан олдин кундаги одат бўйича болалари амир ҳузурига саломлашгани киришди. Кичикларини, йўрғакдагиларни оналари ва

хизматкорлар кўтариб киришганди.

— Ассалому алайкум, ота!— деди Ибодхон исмли ўғли.

— Ваалайкум ассалом, бу қайси ожизамиздан,— сўради амир.

— Менинг ўғлим,— деди Ризвонбегим.— Олти яшар бўлса ҳам танимайсиз-а?

— Ризвон, хафа бўлма, кўзим кундан-кунга хиралашиб боряпти. Бунинг устига фарзандларим кўп. Бугун Мастон кўрнимди?

— Тоби йўқ, бир оз иситмаси бор.— деди Мастонбунинг ўрнига келиб турган Мухторхон.

— Унда, Мухторхон, салом берганинг исмини, қайси ожизамиздан эканини айтиб тур.

— Хўп бўлади, амирим, ижозатингиз билан таништириб тураман!

Шундан кейин ҳарам беги Мухторхон салом берган амир фарзандларининг исмини, онасининг исмини айтиб турди. Саломлашиш тугади. Ҳамма бирин-бирин чиқиб кетди. Энг охирида Мухторхон ҳам қўзғалган эди, амир унга:

— Сен қол!— деди. Мухторхон остона олдида қайтиб келиб, амир қаршисига ўтирди. Бир оз пучуқроқ бурнини дастрўмолига артди-да, қисқ кўзларини амирга тикди. Амир ерга қараб туриб, паст товушда гап бошлади:

— Мухторхон, ўзингдан қолар гап йўқ. Мени деб, бола-чақаларининг Бухорога ташлаб, бу ерларга келдинг. Бунинг учун катта раҳмат. Аммо, кўриб турибсан, кундан-кунга аҳволим оғирлашяпти, куним шоҳ берадиган нафақага қоляпти. Шунинг учун уволингга қолмай, деб олдингдан ўтяпман. Агар сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шу, де-



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

санг, марҳамат, юравер. Еки, ўз кунимни ўзим кўраман, десанг, унда сенга фотиҳа берай, уйлан, уйли-жойли бўл.

— Зоти олий,— деди Мухторхон пешонасини тириштириб ўй сураркан,— шу, бир нарсага ўйланиб қолдим. Агар сизнинг хонадонингиздан кетсам, бу бегона юртда оч-ялангоч ўлиб кетаман. Қўлимда бирор ҳунарим, билгимда кучим бўлмаса, қаерга ҳам борардим. Шоҳ менга ҳарамини берармиди?!

— Тўғри айтасан, унда қол, ош есак — ош ейсан, атала ичсак — атала ичасан!

— Майли, пешонамдан кўрдим,— деди охири Мухторхон,— сиз нима бўлсангиз, мен ҳам шу!

— Унда узр, майли, менга Бўстонни айтиб юбор, кўзимга кеча табиб берган доридан томизсин.

Одатланиб қолганидан бўлса керак, Мухторхон икки қўлини кўксига қўйиб, энгашганича тисарилиб амир ҳузуридан чиқди. Эшикдан чиқishi билан Биби Сафирга дуч келди.

— Ассалому алайкум, Мухторхон бегим, энди амир ҳарамини иш қолмагандир?

— Бас қил, амир эшитиб турибдилар,— деди Мухторхоннинг раиғруйи оқариб,— бир оз кайфиятлари чатоқ.

— Кайфият чатоқ бўлса, ўн беш яшаридан биттасини топинг-да, ҳарамга қамаб қўйинг!

— Унақа қиладиган Бухоро жойида қолиб кетди,— деди Мухторхон Биби Сафирнинг кесатигини тўғри тушуниб.— Майли, киринг.

Биби Сафир амир ҳузурига кирди. Хомуш ўтирган амир дарров илжайган киши бўлиб уни кутиб олди.

— Кел, Биби! Балосан, Мухторхонни бир чўқишда нафасини ичига тушириб юбординг!

— Эй амир, чўқиса-чўқимаса Мухторхоннинг кунни битди, ҳарамда иш қолмади, унинг бошқа касби-кори йўқ.

— Қаридим, Биби, қаридим, Шунинг учун қилган гуноҳларимдан пок бўлай, деб қуръонни қўлда кўчиряман.

— Қўйсангиз-чи,— деди Биби Сафир амирга норози бўлгандай қараб,— сиз ўн минг марта қуръонни кўчирсангиз ҳам гуноҳдан пок бўлмайсиз. Бухорода қилган гуноҳларингизни бандаси у ёқда турсин, худо ҳам кечирмайди.

— Майли, бу гапларни қўй,— деди амир гапни бўлиб, менинг китобимни қачон русчага ағдариб берасан?

— Уша турган-битгани ёлгон, алкаш-чалкаш китобингизга руслар зорми? Эсингизда борми, ҳу, совет элчихонасига берган аризангиз Бойсун ҳокимлигини берсангиз бўлди. Бухородан кечдим, деб ёзган эдингиз-ку! Сталин аризангизни ўқиб, индамади, жавобсиз қолди. Бу помаъқул бузоқнинг гўштини ебсиз, дегани.

— Бўлди, шу гапингни Бухорода айтганингизда жаллод деб юборардим, бўлди энди. Ариза бошқа, китоб бошқа.

— Меҳнатим бекор кетади.— Биби Сафир бошини «бўлмайди» дегандай қимирлатди.

— Нега ундай дейсан, Саид Умар инглизчага ағдарган эди, Англияда ҳам чиқадиган бўлибди.

— Ҳа, у китоб инглизларга керак, русларга эса кераги йўқ.

Уларнинг айтшуви Мухторхоннинг йўталиб кириши билан бўлинди. У секин келиб, амирнинг қулоғига деди:

— Бўстоннинг дарди бор экан, суюнчини тайёрлайверинг, амирим!

— Унда ҳушёр бўлинглар, яна кундошлари бир нима қилиб қўймасин, Мастон ҳам касал,— деди амир ҳовлиқиб.

— Мен ҳам шу бугунни чамалаб келгандим,— деди Биби Сафир гапни эшитиб туриб.— Бечора навниҳолни ялмоғизларнинг эвини қилиб қўймасни, деб келдим.

— Унда, Биби, ўзинг доя бўл, кир олдига!

Амирнинг гапидан кейин Биби Сафир лин этиб ўрнидан турди-ю, Бўстон турган уйга борди. Қараса, эшик ичидан занжирланган.

— Ким бор ичкарида?— деб эшик олдида турган Ризвондан сўради.

— Ҳеч ким. Киритмаяпти бу қулвачча!— деди Ризвон. Биби Сафир эшик тирқишидан чақирди.

— Бўстон, мен Биби Сафир холангман, оч, қизим, оч!

Шундан кейин эшик очилди. Бири Сафир ичкарига кирди-да, бу ерда турманглар, боринглар, деб эшикни ичидан занжирлаб олди. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Мухторхон югуриб хонаи хосга кирди:

— Амирим, суюнчи!

— Нима тугибди?

— Нималигини билмадим, аммо, ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди.

— Биби Сафир чиқмадими?

— Йўқ, болани ўраб-чирмаб чиқса керак.

— Қиз бўлса, ўн биринчи қизим бўлади, ўгил бўлса, ўн учинчи!

— Ташвиш тортманг, амирим, ҳаммаси ўз ризқу насибаси билан тугилади.

Мухторхоннинг бу гапи амирга сал бошқачароқ туюлди шекилли, у катта-катта кўзларини олайтирди.

— Сенингча мен ташвиш тортяпманми-а? Йўқ, бу менинг энг севимли фарзандим бўлади. Ахир уни сўнгги жуфти ҳалолим тугяпти! Агар ўгил бўлса, исми Абдуғаффор, қиз бўлса, Саида!— дея амир жавондан дафтар олиб, ҳар икки исми ёзди. Мухторхон икки қўлини кўксига қўйиб, хонадан чиқишга ижозат сўрай деб турганида, эшик чертилди. Мухторхон югуриб бориб эшикни очди, Бири Сафир отилиб кирди.

— Амир, суюнчи! Бўстон алпомишдай ўгил кўрди!

— Ҳозир,— деди амир шошиб ҳамёнини ахтараркан,— агар шу пайтда Бухорода бўлганингда, устингдан тилло сочқи сочдирардим, афсуски... Мана, биби, оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўр.— у ҳамёндан бир тилло олиб, Бибига узатди.

— Адойи тамом бўлибсиз, амирим,— деди Биби Сафир.— Бухорода биринчи ўгил кўрганингизда дояга ўн қўй, уч сидрадан бош-оёқ сарупо бергандингиз. Иккинчи ўглингиз учун доя момога янги уй қурдиргандингиз. Тақдир экан, ўша икки ўглингиз ҳам қолиб кетди. Бу ерда, мана ўн учинчи ўгил тугилди. Яна кимдан, денг, бир бечора, бахти сўнган навниҳолдан.

— Ҳой, Биби, хафа бўлдинг, чоғи!

— Йўқ, хафа эмасман.

Биби Сафир чиқиб кетди. Амир гамгин, забун бир ҳолатда хонада ёлғиз қолди.

Сўқирлик

Бўстон ўглини кўрпача чеккасига ётқизиб, индамай ташқарига чиқиб кетди. Амир ўз қўли билан кўчирган қуръонни олиб, мутолаага киришди. Кўзлари ҳарфларни илғайвермагач, кўзойнак тақди, де-раза ёругига тутиб аранг-аранг ўқий бошлади. Бир сурасини ўқиб

чиқиб, ўзинчалик худога илтижо қилди: «Эй худованди карим, мен осий бандангни жаминки гуноҳларидан ўт! Қилган гуноҳларим учун товба қилдим».

Амирнинг илтижоси устига Биби Сафир келиб қолди. У дабдурустан амирга деди:

— Эй, амир, гуноҳларингизни худо кечирса ҳам, бухороликлар кечирмайди!

— Тўхта, биби! Нима бало большевойга айланиб қолдингми ўзи!

— Э, амир, мен қаёқда-ю, большевойлар қаёқда. Бор гапни айтаман-да. Халқ кўпчилик, нима истаса қила олади. Мана, сизни ҳам Бухородан ҳайдаб юборди, қўлингиздан ҳеч нш келмади.

— Мени халқ эмас, большевойлар ҳайдади!

Амир бақиригидан ёнида ухлаб ётган гўдак чўчиб тушиб, йиглаб юборди. Биби Сафир ўрнидач туриб уни қўлига олди.

— Секкироқ, чўчитиб юбордингиз, амир.

Боласининг йиғисини ошхонада туриб эшитган Бўстон югуриб хонага кирди. Биби Сафир билан қучоқлашиб кўришди-да, қўлидан гўдакни олди.

— Жуда яхши келибсиз, Биби Сафир хола,— деди Бўстон боласини эмиза туриб,— ҳеч ким йўқ бу ҳовлида, жуда зеркиб кетдим.

— Ҳа, сенга огир.— хўрсинди Биби Сафир,— пенсиянг шўр экан. Лоақал амирнинг биринчи хотини бўлганинга ҳам майли эди, келиб-келиб, мана, амир муҳожир бўлганида сенга уйланди.

— Ҳой, биби,— деди амир,— қўй энди, унинг қўйинга қурт солма, бугун сал чехраси ёришиб турганида.

Амирнинг гапи тугамай Мухторхон билан Мусаали кириб келишди. Бўстон дадаси билан қучоқлашиб кўришди, кўзларига ёш олди.

— Бўлмаса бизлар шу ерда ўтирайлик, сизлар нариги уйга чиқинглар,— деди амир Биби Сафир билан Бўстонга. Икки аёл хонадан чиқишди. Бўстон қўлидаги боласини Биби Сафирга бериб, ошхонага кетди, маставани сузиб, бир косадан аввал эркакларга, кейин ўзларига тарқатди.

Биби Сафир чақалоқ уйқуга кетганини кўриб, ўзи ўтирган кўрнача устига ётқизди, кейин дастурхондаги маставали косани олдига яқинроқ суриб, қошиқ билан ковлаб, қағиғини аралаштирди-да, ҳўп-лаб кўрди.

— Жуда ширин бўлибди мастава, қизим,— деди у. Бўстонга қараб,— умрингдан барака топ, қўлинг дард кўрмасин.

— Хола, бизнигина тез-тез келиб туринг, бўлмаса юрагим ёрилиб, бир кунмас-бир кун ўлиб қоламан!

— Келиб тураману, амир мени ёқтирмайди-да. Одатим қурсин, шартакиман. Дуч келган одамнинг хатосини юзига айтаман-қўяман. Шунинг учун раҳматли эрим мени «тўппонча» деб чақирарди. Нега бундай дейсиз, деб сўрасам, оғзингга келган сўзни аямай отаверасан, худди тўппончанинг ўзисан, дерди. Бечора шу амирни деб бекорга ўлиб кетди,— кўзига ёш олди Биби Сафир.— Илми эди, инглиз, рус тилини биларди. Петроградда етти йил, Москвада бир йил яшадик. Элчи эдик, Уша ерда юравериб, русчани ўргандим. Кўп нарсани билдим. Ленин мақолаларини ҳам ўқидим. Ленинни биласанми, қизим?

— Йўқ,— деди Бўстон,— аммо Сталинни эшитганман, ҳозирги Совет подноси дейишадди.

— Э, қаёқда подшо, Ленин ўлганидан кейин халқ Сталинни сайлади. У ёқда энди подшо, амир деганлар йўқ. Бой, камбағал деган гап ҳам йўқ. Ҳамма баб-баробар.

— Дадам, жуда ёмон. ҳамма бир кўрпада ётиб, бир қозондан ош ичади, дегандилар.

— Ёлгон, бу амирнинг гапи, даданг амирдан эшитиб, кейин сенга айтган. У ёқда ҳозир аёллар ҳам эркаклар билан баробар колхозда, завод ва фабрикада ишляпти. Ғам, алам, зерикиш деган гап йўқ.

— Колхоз, завод ва фабрика нима ўзи?

— Э, қизим, қишлоқда ҳамма баб-баробар далада ишлайди. Бойнинг ери деган нарса тугатилган, колхоз ери дейишади. Одамлар ўйнаб, қувнаб ишлашади, ҳосилни кейин баб-баробар бўлиб олишади. Шаҳардаги одамлар эса завод, фабрикада ишлашади. Ҳар хил буюмлар тайёрлашади, уларга ҳукумат маош тўлайди.

— Буларни сиз қаёқдан биласиз, хола?

— Э, холанг ўргилсин! Ҳозир ишлаётган жойимда ўша ёқда чиқадиган газеталарни менга бериб ўқитишади, ўқиб, мазмунини айтиб бераман, кераклигини таржима қилиб кўчираман. Бу ерда амирга ўхшаб қочиб келганлар, пайт пойлаб, имкон тугилди дегунча Совет давлатини йўқ қилиб ташлашмоқчи. Аммо бу иш қўлларидан келмайди. Улар — совет халқи йиғирма йил ичида жуда бойиб кетди. Саводсизлар йўқ. Ҳамма ёзишни, китоб ўқишни билади. Кеча мен билан бирга ўсган Мастура деган дугонамнинг сурати газетада чиқибди. Ўқисам, у Бухородаги зардўзлик фабрикасида ишларкан. Ўзбекистон Олий Советига депутат қилиб сайлашибди. Яхши ишлагани учун Ленин нишонни олибди. Қандай, бахтли. Ҳавасим келади. Мен уларга нисбатан саводли эдим. Русчани яхши билардим, бу ёққа келмаганимда, балким, институтда дарс берардим, бу ёққа келмаганимда!

— Унда нега келдингиз? — қизиқиб сўради Бўстон.

— Келмасдим, амирга ўхшаганлар элчининг хотинисан, қочиб қол, бўлмаса большевойлар отиб ташлашади, деб ваҳима қилишди. Бу ерда яшагандан ўша ерда отилганим яхши эди.

— Биби Сафир хола, хафа бўлманг, майли. Овқат совиб қолмасин, ичинг! Менинг дардим нўхот бўлса, сизники тоғ экан! — деди Бўстон.

— Ҳаммасига амир айбдор. Шундан унинг кўзи кўрмай, сўқир бўляпти. Кўрасан, кейинчалик сира кўрмайдиган бўлиб, сен уни етаклаб юрасан.

Хорлик

Деразанинг синган кўзларига газета ёпиштириб қўйилган уйда амир зерикиб ўтирарди. Унинг иккала кўзи батамом кўрмайдиган бўлиб қолганди. Аъзойи баданига қандайдир тошма тошиб кўн азобланди. Ҳозир ҳам ўзича табиблик қилиб, алланималарни суртиб, бир қўли билан дуч келган ерини қашлаб ўтирарди. Бўстондан бўлган ўгли Абдуғаффор уй тўрида нималарнидир ўйнаш билан банд. Амирнинг қулогига ҳовлида келаётган бегона одам қадамнинг товунини эшитилди. Ҳовли супуриб юрган Бўстон у билан саломлашиб, уйга таклиф этди.

— Раббин поччам келдилар! — деди Абдуғаффор деразадан қараб. — Шукрия олам ҳам!

— Онангни чақир, ўғлим, у ёқ-бу ёққа қарасин!

Абдуғаффор югуриб ташқарига чиқди-да, онасини чақирди. Амир пайпасланиб, қўл ва оёқларининг очилиб турган жойларини чойшаб билан беркитди. Ёнидаги дориларни палос тагига яширди. Бўстон югуриб уйга кирди, хонтахта атрофига кўрпачалар тўшади, дастур-

хон ёзди. Кейин ижирганиб амирга қаради-да, унга эски бир дока рўмолни отди:

— Манавини елкангизга ёпиб ўтиринг.

Амир дока рўмолни елкасига ташлаётганида Шукрия кириб, отаси билан қучоқлашиб кўришди. Димогига урилган қўланса ҳиддан башараси бужмайди.

— Дада, баданингизга нима сургансиз?

— Э, нима бўларди, қизим, ўзинга-ўзим табиблик қилмасам, мендан ҳеч ким хабар олмай қўйди. Мухторхонга буюриб, сассиқ алаф топтириб келтириб, ўшанинг ёғини олдирдим, суртдим.

— Жуда ҳиди чиқиб кетибди,— дея Шукрия деразани очди. Раббим амирнинг ёнига келиб, баланд товушда «Салом, дада» деди ва у билан кўришди.

— Кел, болам Раббим, тинчмисан, соғ-саломатмисан?

— Ўзингизнинг соғлигингиз қалай?— сўради Раббим.

— Болам, энди соғлигим унчаликмас, худо шифосини берса, тузалиб кетарман. Ҳаммадан кўзим кўрмай қолгани чакки бўлди. Бутун олам қоронғидай. Ҳа, майли, ўзингдан сўрасак, оламда нима гап?

— Оламда гап кўп,— ҳўрсинди Раббим;— немислар Россияга уруш бошлабди.

— Уруш бошлабди?— тетикланиб, қаддини ростлади амир.— Демак, худо уларга кўрсатаркан, тилингга бол, ўғлим, божьшавойларнинг кули кўкка совурилмаса, асло розимасман!

— Дада,— деди Шукрия Бўстонга кўзини қисиб қўйиб,— тезроқ соғайинг, Бухорога амир керакмиш.

— Нима деяпсан, қизим, эр кишига уч марта бахт қуши қўнармиш. Аввал иккиси қўнган. Ажабмас, учинчиси ҳам қўнса.

— Дадаиғизнинг бошига бахт қуши қўнса, яна қўпларни бахтсиз қилсалар керак,— деб Бўстон кесатди.

— Бас қил, Шукрия икковларинг ҳовлига чиқинглар, биз Раббимжон иккимиз чой ичиб, гаплашиб ўтирайлик,— деди амир, ўзида йўқ, севинчини ичига сиғдиrolмай. Аёллар ўринларидан турниши билан қайнотасидан ижирганиб ўтирган Раббим дарров чойнакни олди, ўзига ва амирга чой қўйиб турди.

— Умарни кўриб турасизми?— сўради амир куёвидан.

— Ўтган куни кўргандим, шошилиб турган экан.

— Бугун кечқурун қандай бўлмасин уни топиб, олдимга юборинг. Уруш бошланган бўлса биз ҳам тинч турмаслигимиз керак. Энди менинг аҳволим чатоқ, бундан буён ишни Саид Умар олиб бурсин, сиз унга ёрдам беринг. Худо ол қулим деб Бухорони қайтариб берса, амир Саид Умар бўлади, келса шуни ҳужжатлаштириб, Женевага, «Жамияти аҳбом»га юборишимиз лозим.

— Саид Умар, Бухоро амири деб ёзиладими?— тушунмади Раббим.

— Тушунмадингиз, мен амирликка ярамайман. Валиаҳд қилиб Саид Умарни тайинлайман. Борди-ю, немислар босиб олса, Бухорога кимни амир қиламиз, деб юршмайди. Саид Умар Бухоро амири ҳисобланади, тушундингизми?

— Сал-пал тушундим,— деди Раббим амирнинг ниёласига чой қуяркан.— Бироқ СССРга немисларнинг кучи етармикан?

— Илоҳим кучи етсин!— деди амир.— Ахир бу хўрликлар жонга тегди, беш юзга яқин одамни олиб ўтгандим, бирортаси келиб ҳолимдан хабар олмайди. Мен уларни шунча йил боқдим, бутун тиллоларимни сарф қилдим. Ҳатто туғишган синглим ҳам унутиб юборди. Болаларимни қўяберинг. Саид Ориф кўнгила учун ота деб келмайди. Мабодо,

амирлигимиз тикланса, ким дўст, ким душманлигини билиб олдим, Саид Умарга тайинлайман, кимлигига қараб муомала қил, дейман.

— Хизматчиларингизнинг ҳаммасига ўзингиз жавоб бергансиз, деб эшитгандим, ёлгон экан-да!

— Йўқ, рост! Ахир қийналганимдан кейин жавоб бердим-да! Аммо, улар ўша кетишганича келишмайди. Одамлар бор бўлсанг, атрофингга чақирмасанг ҳам ўзини сенга уравераркан, йўқ бўлсанг, унутаркан-қўяркан.

— Молу дунёга ҳирс қўйганлар кўпинча шунақа бўлади. Яхши одамлар қийналганингизда сизга эш бўлади,— деб Раббим қайнотасинга учирлиқ қилди.

— Тўғри айтасиз, ўғлим. Менинг ёнимда фақат Мухторхонгина қолди, ахир у тиланчилик қилиб, бизга нон топиб келган кунни ҳам бўлди. Бечоранинг бошқа ҳунари ҳам йўқ-да! Келинг, бу гапларни йиғиштирайлик. Қани айтинг-чи, немислар ҳужумни қайси томондан бошлади?

— Украина чегарасидан. Анча қишлоқларни босиб олишпти. Советларга кучи етмаса кераг-ов.

— Бе, советингизда қандай куч бўлсин, немисларда куч кўп! Мен бунни яхши биламан. Кўзим бемаҳал кўрмайдиган бўлиб қолди-да! Бунинг устига, ҳамён ҳам қуриди, қани илгариги олтинларим бўлса, немислар билан алоқа боғлардим. Раббимжон, сизнинг чет эллик танишларингиз йўқми?

— Йўқ, фақат биз газета иши билан шуғулланамиз!

— Иложини топсангиз, ўша немислар билан гаплаша оладиган таниш топинг, бизга жуда керак.

Амир елкасига ёниб олган дока рўмолни олиб ташлаб, хаёл билан беихтиёр баданини қаший бошлади. Унинг баданидаги тошмаларига кўзи тушган Раббимнинг аъзои бадани жимирашиб кетди. Қайнотасини худди боши янчиб ташланган илоннинг қимирлаб турган гавдасига ўхшатди. У бирданига, дастурхонга фотиҳа ўқиб юборинг, деб қолди.

— Утирибсиз-да, ўғлим. — амир ҳайрон бўлди.

— Оёғимнинг чигалини ёзиб келай.

— Унда майли. Илойим бахтимиз чолиб, большевойларнинг кунни битсин, омин оллоҳу акбар! Майли, ўғлим, кетиб қолманг, Шукрияни айтиб юборинг, кирсин.

Шукрия отасининг ёнига келди. Раббим эса эшик олдида турарди. Амир кўзи кўрмагани учун гўё уйда қизимдан бўлак ҳеч ким йўқ, деб ўйлади шекилли, бир йўталиб олиб, докани тимирскилаб устига ёпди-да, гап бошлади:

— Қизим, шу ерда туғилдинг. Бухорони билмайсан, у — жаҳондаги энг чиройли жой. Мен қандай бўлмасин ўша ерда жон таслим қилишим, ўша ерга кўмилишим керак. Куёв болам хушxabар топиб келибди, немислар советга бостириб кирганмиш, илоҳим большевойларни йўқ қилсин, бизга Бухоро насиб этсин. Энди сен, эрингни ишга солиб, немис айғоқчиларидан бирини топиб, Бухорони гаплашинглар. Гитлер бунга қўнади, нимаики шарт қўйса хўп дейман. Китобимнинг инглизчасидан совга қилинглар, қанийди тиллам бўлганида, ўша китобни немисчага ағдарттирдим. Саид Умарни тезда топ, у менга учрашсин, энди Бухоро амири аканг бўлади. Пайт қўлдан кетмасин.

— Хўп бўлади, яна нима гапингиз бор?— сўради Шукрия эрига кўзини қисиб.— Айтаверинг!

— Куёв ташқаридалигида айтиб қўяй, унга менинг гапларим эришроқ туюлди, уни ишга сол, Бухорога борсак, энг камида бир вилоятнинг ҳокими бўлади-ку, ахир!

— Дада, куёвингизнинг бунақа ишларга уқуви йўқ, яхшидан акам қилаверсин, яна куёвингиз бир балога йўлиқмасин!

— Ҳой, қизим, ҳеч бало бўлмайди, худо кўзимни кўрмайдиган қилиб қўйди, бўлмаса ҳаммасини ўзим эплардим. Шоҳ бераётган нафақа уйимизга урвоқ ҳам бўлмаяпти. Кўриб турибсан, кийим-бошларни ҳам сотиб едик, бисотимда фақат Николай пошна совға қилган олтин соат қолди, холос. Жон қизим, куёвга айт, акангга бу ишда қарашсин, Мен бир-икки кундан кейин Афғонистондаги бухоролик казо-казоларни йиғдириб, акангни ўрнимга валнаҳдликка қолдириб, фотиҳа бераман. Ҳа, ўша куни ҳамманг келасанлар!..

Раббим гўё ҳеч нарса билмагандек бўлиб, қисқа йўталди-да, хонтахта атрофига ўтирди. Жавраб турган амир «келинг, Раббимжон» деб, жим бўлиб қолди. Шу орада Бўстон бир косадан суюқ овқат олиб кирди. Улар овқатдан бир қошиқдан ҳўплашган эди ҳамки, Мухторхон эшикдан кириб келиб, Раббим билан сўрашди:

Бўстон ошхонага бориб, Мухторхонга ҳам бир коса овқат келтириб қўйди. Амир ҳаммадан аввал косани бўшатди. Мухторхон эса унинг нимадан хурсандлигини билишга қизиқиб, гап орасида сўради:

— Бўстон, амирим овқатнинг ширин бўлганидан хурсандмилар, дуторни йўқлаб қолдилар?

— Йўқ, Мухторхон, Бухорога қайтиш фурсати яқинлашиб қолганини, немислар советлар ерларини босиб олаётганмиш.

— Қўйинг-э, келганингиздан бери ўттиз йилча ўтди, ҳар куни Бухорога қайтиш фурсати яқин, дейсиз. Узингиз ранг кўр, ҳол сўр, бўлсангиз, бу аҳволда қандай амирлик қиласиз. Ундан кўра, Бухородан умидни узиб, тоат-ибодатга зўр беринг, тўримиздан гўримиз яқин бўлиб қолди.

— Тушунмайсан, Мухторхон! Ошингни ич-да, дуторни олиб чиқ!

Мухторхон индамай қолди. У хўриллатиб ошини тез-тез ичди-да, дуторни олиб чиқишга ошиқди.

Валиаҳд тайинлаш

Ҳовлида гўё катта тўйга тайёргарлик кетаётгандек эди. Саид Умар билан Мухторхон бозор-ўчар қилиб келишди. Қозонларга ўт қаланган. Ҳамма ясаниб-тусаниб олган. Ҳатто Мухторхон ҳам илгариги ҳарамбеги пайтидаги кийимларини кийган. Амир ҳам бурунгидай амирлик тўлини кийиб, ялтироқ курсида кўзойнак тақиб ўтирибди. Унга Бухородан эргашиб келган барча кишилар ҳовлига йиғилишган. Фақат Мусаалигина кўринмасди. Бундан Бўстоннинг юраги алағда бўлиб, Мухторхондан сўради:

— Дадамнинг қаердалигини билдингизми?

— Билдим, Тошқўрғон вилоятидаги Раҳимбой деган бойнинг гўза чопингни баҳолаб олган экан, келиб қолади.

— Кечикканларига хавотир оляпман!

— Хавотир олманг, маликам, отангиз келади!

Мухторхоннинг таскинидан хотиржам бўлган Бўстон ҳовлига жой солишни давом эттирди. Полослар устига якандозлар тўшади. Кейин яна Мухторхон олдига югуриб келиб сўради:

— Биб Сафир ҳам келадиларми?

— Айтиш эсимдан чиқибди, амир унинг номини ёздирмаганлар!

— Айтинг, ҳар ҳолда қариндошимиздай аёл, бунинг устига, қўшини маҳаллада турадилар, ё ўзим чақириб келайми?

— Йўқ, маликам, ҳозир бориб келаман, бир оғиз амирнинг олди-дан ўтай.

— Тўхтагн, ўзим айтаман,— деди-ю, Бўстон амир ёнига кирди.

— Қўй, ўша бибини, — деди амир юзини буриштириб, — шангиллай-вериб қулоқ-мияни ейди.

— Яқинда туради-ку! Мен зерикиб қолмай, айтдириб юборинг!

— Ҳа, майли, Мухторхонга айт!— Амир Бўстонни хафа қилгиси келмади.

Мухторхон кўча эшикдан чиқиб кетаётганда қўлида иккита катта тугун кўтариб келаётган Мусаалини кўриб қолди. У дарров бориб, унинг қўлидаги тугуннинг бирини олди-да, орқасига, Бўстоннинг ёнига қайтиб келди. Бўстон тугунга ҳам қарамай, отаси томон югурди. Қучоқлашиб кўришди.

— Сал кеч қолдим, бойдан бир оз пул олиб, бозор қилиб келаяман, қийналганингни биламан, қизим,— деди Мусаали Бўстонга кўз ёши қилиб, — майли, омон бўл!

Ҳовлида хизмат қилиб юрганлар бирин-кетин келиб Мусаали билан сўрашдилар. Кейин Мусаали амир ўтирган жойга борди.

— Амирим, соғинсиз?

Мусаалини овозидан таниган амир ўрнидан туриб, у билан қучоқлашиб кўришди.

— Мусаали, суюнчи бер, немислар боляшавойларнинг Украинасини, Белорусияни босиб олибди. Худо уларга кўрсатяпти.

— Айтганингиз келсин, амир. Бугунги маъраканинг босси нима?

— Боссини сал туриб биласан. Саройимда хизматкорлар сардори эдинг, ҳозир ўша лавозимингни бажар!

Жумбоқни ечолмаган кишидек Мусаали ташқарига чиқди. Бир оз ўйлаб туриб, нариги хонага, қизининг олдига кирди. Бўстон отаси келтирган тугунларни ечиб кўраётган эди.

— Нима қилардингиз, дада, амир сиздан миннатдор бўлармиди?

— Амиргамас, сенга олиб келдим, қизим, оч-наҳор юрма, ўзинг еб юр, иложи бўлса, бирор ерга беркитиб, бу неъматлар билан ўзингни парвартиш қил.

— Бойдан анча қарз-қурз бўлгандирсиз?

— У ёгини қўявер, кузгача узиб, яна оламан, ишингни қилавер, мен ҳам қарашиб юборай,— деб Мусаали ташқарига юзланди. Тўхтади-да, яна қизидан сўради:

— Нима гап ўзи, тинчликми?

— Тинчлик, амир ўрнига валнаҳд қилиб Саид Умарни тайинлармиш.

— Товба, эчки ўламан деса, думи куламан деркан. Бу ер Бухоро бўлмаса...

— Қўяверинг, индаманг. Ҳозир Сафир хола ҳам келиб қолади-лар.

Ҳа майли,— деб Мусаали ҳовлига чиқди. Кейин ошпазлар, самоварчилардан хабар олди. Шу орада эшонни Судур келди, тўппа-тўғри амир ўтирган хонага кирди. Нигилшга фақат Тўрақулбойгина келмаслигини айтибди.

— Қаёқларда юрибсиз, Мусаали?— сўради ишбоши Абдулфаттоҳ.

— Сочилган насибамизни териб юрибмиз.

— Ҳа, кўргилик, бўлмаса амир ҳузуридан кетармидингиз. Қайси томонда эдингиз?

— Тошқўрсенда, Раҳимбой деганнинг пахтасини чопиқ қилаётгандим. Хабар бориб қолиб, зўрга ишни ташлаб келдим.

— Келганингиз яхши бўлди, энди қарашиб юборинг.

Мусаали ишга киришиб кетди. Ошпаз ва самоварчига сув ташиб

турди. Челақларга сувни тўлдириб қўйиб, энди бир пиёла чой ичай деб турганида, Мухторхон Биби Сафирни бошлаб келиб қолди. Биби Сафир, ҳар галгидек, ҳовлидагилар билан қўлини кўксига қўйиб саломлашди. Мусаали уни кўрган заҳоти қўлидаги чойнакни ерга қўйиб, ўрнидан турди.

— Ҳа, Муса,— деди Биби Сафир,— қаёқларга кетиб қолдингиз?

— Апа, шу тўкилган насибамизни териб юрибмиз.

— Насибангизни амир Бухородан чўнтагига солиб олиб келганди-ку, яна тўкилгани ҳам бор эканми?

— Апа, жуда гапни маржондай терасиз-да, офарин,— деди Мусаали, икки қўлини кўксига қўйиб. Уйдан Биби Сафирнинг овозини эшитиб, Бўстон ҳовлига рўмолини юзига ярим ёпиб чиқди-да, у билан қучоқлашиб кўришди. Кейин уни ичкарига бошлаб олиб кириб кетди.

Жамоат жам бўлди. Ҳовлига икки юзга яқин киши йиғилгандан кейин амирни Саид Умар етаклаб ҳовлига олиб чиқди. Эшони Судур, ишбоши ҳам уларнинг ёнига келди. Ҳамма жим бўлди. Амир, кўр бўлиб қолган шилпиқ кўзларини рўмолча билан артиб, ҳассасига суянганча гап бошлади:

— Огалар, инилар, дўстлар! Кўриб турибсиз, менинг аҳволим мушкул. Шунинг учун бугундан бошлаб ўғлим Саид Умарни валиаҳд қилиб тайинламоқчиман!

Амирнинг бу гапига баъзилар масҳара қилгандай кулишиб, бир-бирини туртишди. «Ўзи нима аҳволда-ю, валиаҳдга бало борми», дейишар эди.

— Жим бўлинглар!— ҳассасини кўтариб бақирди эшони Судур.— гапнинг қолганини диққат билан эшитинглар!

— Сизлар, амир жинними, деб ўйламанглар,— гапини давом эттирди у — йўқ, биродарлар! Большевойларнинг куни битай деяпти. Герман лашкарлари Украина, Белоруссияни босиб олди. Улар тобора Московга яқинлашишмоқда. Ҳадемай Бухоро яна ўзимизники бўлади. Аммо, энди менинг аввалги кучим йўқ. Шунинг учун амирликни Саид Умарга топширдим!

Шундан кейин эшони Судур овозининг борича Саид Умар номига хутба ўқиб, кейин уни муборакбод этди. Йиғилганлар бирин-кетин валиаҳдни қутлашди. Амирлик курсисин ўртага қўйилди. Унга амирлик кийимидаги Саид Умар ўтирди. Ош-чой тортилади. Мухторхон дутор чалди, бир-икки киши ўйинга тушди. Тахтга ўтирган Саид Умар эса нимагадир уҳ тортиб қўйди. Балким, унинг эсига бугунги маросим учун ҳавола қилган қарзини қандай узиш тушгандир, ким билсин.

Кечга яқин ҳамма тарқалди. Амир эшони Судурни, Абдулфаттоҳни, Мусаалини олиб қолди. Улар уй ичкарисига киришди. Бўстон дастурхон ёзиб, чой келтириб, отасининг ёнига чойнакни қўйди.

— Дўстлар, кенгашли тўй тарқамас, деганлар. Сизлар билан бир нарсани келишиб олмоқчиман. Гап бундай, биз немислар қачон Бухорога келади, деб кутиб ўтирмаслигимиз керак. Менимча, айгоқчилар юбориб, лақайларни иснё кўтаришга ундайлик. Улар Бухорони босиб олишсин. Ҳозир айни пайти, тўғрими, эшоним?

— Жуда тўғри, пайтни қўлдан бермайлик.

— Хўш, унда кимни юборамиз?— амир ўртага савол ташлади.

— Саид Умар бориб, ўша ишга бошчилик қилсин,— деди Абдулфаттоҳ.

— Йўқ, Саид у ёқни кўрмаган. Кобулда туғилган. Борганидан кейин қопқонга тушади-қўяди.

— Абдулфаттоҳнинг ўзи борсин,— таклиф киритди эшони Судур,— кўпчиликни танийди, обрўси бор.

— Бўлмайди,— деди Абдулфаттоҳ,— менгача бошқа бир одам

бориб, аввал шарт-шароитни тайёрласин, кейин хабар берсин, сўгин мен берай.

Абдулфаттоҳнинг гапидан кейин эшон Мусаалига қаради. Мусаали нима дейишини билмай, оқариб кетди, баҳона қила бошлади.

— Тошқўрғонлик Раҳимбойнинг пахта чонини баҳолаб олганиман, ҳали ярми турибди.

— Йўқ, ишламайман дейсан. Бой бошқа мардикор тонади. Шу маҳалгача қилган ишинини ҳисоб-китобини қиласан.

Мусаали нима дейишини билмай, яна индамай қолди. Кейинига «хўн» дегандай бўшини қимирлатиб, амирга қаради. Эшонни Судур уни яна мақтай кетди.

— Амирим, Мусаалидек содиқ хизматкорингиздан яна беш-ўн киши бўлганида қани энди?

— Ҳа, Мусаали ишончимни оқлаб келган, бир ёғи қайнотам.

— Қўрқманг Мусаали, сизни беҳавотир Амудан ўтказиб қўядиган одамларимиз бор,— гапга аралашди Абдулфаттоҳ.— Ҳаммаси тўғри бўлиб кетади.

— Энди маслаҳатимиз битди. Қани, фотиҳа ўқийлик. — эшони Судур икки қўлини фотиҳага тайёрлади. — Омин, илҳим болашувчинини кули кўкка совурилсин. Бухорога қайтиш ҳаммамизга насиб этсин, бу кўрган қийинчиликларимизнинг, — эшон кўзига ёш олди, — роҳатини кўрайлик, Мусаалининг ҳам сафарини беҳатар бўлсин, олсин, олдирмасин, омин облоҳу акбар!

Ҳамма ўрнидан турди. Эшонни Судурни кузатиш учун Мухторлон, Саид Умар, Абдулфаттоҳ, Мусаали ўринларидан туришди. Амир эса ўтирган жойидан қўзғалмоқчи эди, эшон унга юзланди:

— Амирим, сиз овора бўлманг, хайр, илоҳим ниятингизга етинг, деб у билан хайрлашди. Эшонни кўча эшиккача кузатиб қўйишди.

Умидли дунё

Орадан бир неча йил ўтди. Бўстоннинг кичик ўғли Абдурауф икки ёшга тўлди. У ўз фарзандларининг келажакни ҳақида ўйлар, ўзининг бадбахтлигидан нолдир эди. Энди у аввалги Бўстон эмас, юзида ажинлар пайдо бўлган, ташвишдан сўлиққан.

У «энди ўғилларим ким бўларкин? Е булар ҳам илм-ҳунардан бе-хабар менга ўхшаган бадбахт бўлармикин-а?» деб ўйланиб ўтирган эди, ҳаёлини ўғли Абдугаффор бўлди. Бўстоннинг олдига кўчадан югуриб келиб, овозининг борича:

— Ойи, суюнчи беринг, уруш тўхтабди! — деди.

— Тилингда бол, ўғлим, ростданми?

— Ростдан. Кўчада ҳамма гапиряпти.

Она-боланинг гапини ичкарида ириб-чириб ётган амирнинг қулоғи эшитди шеклини, дераза тақиллади.

— Қир-чи, ўғлим, нима дейди отанг!

— Ўзинг кел,— ичкаридан амирнинг бўғиқ овози келди. Бўстон бурнини жийириб, жирканган ҳоюда уйга кирди.

— Ўғлинг нима деяпти?

— Уруш тугабди, суюнчи беринг, деяпти.

— Ие, ким енгилди, чақир, анигини билай!— Амир пажмурда гавдасини аранг кўтариб ўрнидан турди, ундан тарқалаётган бадбўй ҳидга одам зоти чидаши қийин эди. Бўстон эшикни қия очди-да, катта ўғлини чақирди.

— Қим енгитти, ўғлим? — сўради амир.

— Қим енганини билмайман, уруш тугабди. Гитлер деган қочибди.

— Гитлер қочибдимн, ё Сталин?

— Гитлер қочибди...

— Гитлер дегин...— амир ўтирган жойида ёстигига гуре этиб ўзини ташлади. Бўстон лом-мим демай, пичида ўзига ўзи шивирларди: «Кўпнинг қаргишига қолгансан, шунинг учун ҳам ўлишинг қийин, худо сенга кўрсатяпти». У секин ўглининг қўлидан ушлаб, ташқарига тортди ёмон ҳид ҳовлига чиқмасин деб, уй эшигини маҳкам ёпиб қўйди. Бўстон ҳовлидаги ўтин ёрадиган тўнка устига ўтирди-да, капалак қувилаб юрган кичик ўгли Абдурауфни чақирди, унинг пешонасидан ўпди, кейин ёнида турган катта ўглига матюс қараб, бир хўрсиниб қўйиб, деди.

— Болаларим, сира-сира бировларнинг дилини огритманглар, агар иложи бўлса, бева-бечораларнинг кўнглини кўтаринглар. Катта акаларнинг йўлидан борманглар, уларнинг йўли қалтис, ноҳақ йўл. Отанг нега чириб ётибди? У ноҳақ йўлдан юриб, бева-бечораларнинг товогини синдирди, қанчадан-қанча бегуноҳларни жувонмарг қилди. Биби Сафир холангнинг айтишича, у Бухорода амир бўлган пайтларда бировларнинг бошини ноҳақ олган. Ўғилларим, бир бурда нонни ҳам ҳунар, меҳнат билан топиб, ҳалоллаб енглар.

Онасининг гапларига Абдурауф кичкина бўлгани учун эътибор бермасди, аммо Абдуғаффорнинг ақли кириб қолганди, у онасининг кўзларига тикилиб туриб, киприklarини пирчлатиб, ёш тўкарди.

— Умидли дунё, ўғлим. Балким биз томонларда ҳам бахт кулиб боқар, илм-ҳунарга ўзингни ур, бунинг иложи бўлмаса, ҳалол меҳнат қил,— деди Бўстон Абдуғаффорнинг бошини снлаб туриб, ўша сен айтган қочоқ Гитлер ҳам худди отангдек одамларнинг ёстигини қури-тиб, мол-дунёсини талаган экан. Мана, охири нима бўлди, кўпнинг қаргишига қолди. Кўпнинг қаргини ҳар қандай замбарак ўқидан ҳам ёмон.

— Биби Сафир хола мени ўқишга киритиб қўярмикин?

— Киритади, ўқи, ўғлим, кўйлагимни сотсам ҳам майли, ўқитаман.

Дераза роми урилди. Бўстон ўтирган жойидан ижирганиб турди-да, «ҳозир!» деб қўйди. У ҳовлида тутаб турган самоварни пуфлаб ёндирди, кейин уйга кирди.

— Чой бер, томогим қақраб кетди,— деди амир ёстиқдан бошини кўтармай.

— Қайнасин, қуруқ ўтин қолмабди, ҳўли тутаяпти,— деб қўйди Бўстон зарда билан. У уйдан ижирганиб ҳовлига чиқishi билан кўча эшикдан кириб келаётган Саид Умарни кўрди. Унинг қовоғидан қор ёғар, аввалги илдам юришлари йўқ, мадори қуриган туядек шалпайиб келарди.

— Келинг, тинчликми? Кўринишингиз бўлакча?— деди Бўстон унинг нима учун бундай аҳволга тушганини, гарчанд билиб турса ҳам, билмасликка олди.— Ё тобингиз қочдим?

— Йўқ, ўзим шундай,— деди-ю, Саид Умар отасининг ёнига кирди. Бўстон ҳам унга эргашиди. Фотиҳа ўқинди. Саид Умар отасининг ҳол-аҳволини сўраётганда Бўстон чойга чиқди. Хона эшиги ёпилиши билан Саид Умар отасига наст товушда деди:

— Ҳамма ишимиз бир пул бўлди. Немислар енгилди. Гитлер Германияни ташлаб қочганмиш. Ҳозир Берлин учун сўнгги жанг кетяпти. Бу шум хабарни эшитиб, эшонни Судурнинг юраги ёрилиб, оламдан ўтди. Яқинда мирзаси Муҳаммад Наби келиб, жанозага хабар қилди. Энди нима қилдик?

— Бўлди, бас! Мендан сўраманг!— амир ҳушидан кетди шекил-

ли, ёстиққа бошини ташлади, унинг бу аҳволини кўриб, Саид Умар эшикни очиб, ташқарига бақирди:

— Совуқ сув олиб келинг, тезроқ, совуқ сув!

Бўстон пиёлада совуқ сув келтирди, Саид Умар сувни шоша-пиша олиб, отасининг юзига сепди, амир бир санчиб тушди, сал ўнгла-ниб, кейин қўлини бўлди дегандай силкиди.

— Нима бўлди, тинчликми?— сўради Бўстон.

— Эшонни Судур оламдан ўтибди, шу хабарни айтсам, отам ҳушдан кетдилар.

— Намунча ўлимдан қўрқмасалар, куни битган-да!

Амирга Бўстонниг бу гани ёқмади шекилли, ётган жойида қўлини кўтариб, ташқарига чиқ, деган ишорани қилди.

— Ота, сизни жуда қўрқитиб юбордим, ҳозир Гитлернинг ишини Геббельс олиб борапти. Балки, у бошқача йўл тутар, ўшандан умидимиз.

— Бўлмайди, тамом! Энди, шу ерда бир амаллаб кунларингни кўраверасанлар, ҳа, сен орзу қилган кунлар энди келмайди!— амир қўли билан пешонасига бир урди.— Энди бўлмайди!..

Тоғ қулади

Бир кун илгари Москвада Буюк ғалабанинг бир йиллиги нишонланганди. Бу хабарни амир эшитиб роса безовта бўлганди...

Эртаси куни Мусаали тушлик қилиб, кўчада тирикчилигига аста кетаётганди, орқасидан катта невараси югуриб келиб, қичқирди:

— Ҳой, бува, тўхтанг!

Мусаали қайрилиб қараса, невараси. У келгунича тик туриб кутди. Неварасининг югуришини кўриб, унинг вужуди зириллаб кетди:

— Ҳа, нима гап?

— Отам, отам ўлиб қолибди, онам айтдилар...

Мусаали орқага қайтди. Ҳовлига кирди. Бўстон йиглаб турарди.

— Ҳа, нега йиғлаяпсан?— Мусаали қизининг нега йиғлаётганини билса ҳам, кўнгил учун сўради.

— Амир оламдан ўтганга ўхшайди, кириб кўринг-чи?

— Йиғлама,— деди Мусаали қизига,— нимасига йиғлайсан?

Қайта хурсанд бўл, бошимиздан гурбат тоғи қулади, энди енгил тортамиз, қани, мен бир кўрай-чи,— у ичкарига кирди. Амирнинг бир қўли осилганга ўхшаб ётарди. Мусаали унинг томирини ушлаб кўрди.

— Дока рўмолинг бўлса олиб кел, қизим, айтганинг тўғри, оламдан ўтибди.

Бўстон кир тоқчасидан тутилмаган дока рўмолини олиб берди. Отаси уни амирнинг юзига ёлди, кўрпа билан очиқ қолган оёқларини беркитиб, ташқарига чиқди.

— Қизим, қўрқсанг ичкарига кирмай, болаларингни олиб ҳовлида юр, самоварга ўт ташла, мен Саид Умарга хабар берай.— деди-да, Мусаали шошилиб, жўнади. У кўчада ҳовлиқиб кетатуриб Сурайёни кўрди. Сурайё эса гўё Мусаалини танимаган бўлиб терс қарарди. Мусаали ҳам индамай ўтиб кетди-да, эллик қадамча юриб, орқасига қайтди.

— Сурайёхон,— деди терс қараб турган амирнинг қизига,— кечирасиз, хаёлингизни буздим, отангиз ҳам ҳозир оламдан ўтдилар. Нодалидаги ака-ука, опа-сингилларингизга тезда хабар берсангиз.

— Суянган тоғим отам, ишонган боғим, отам! Бизни ташлаб кетган отам, энди нима қилдим, отам! Жоним отам, гамхўрим отам!

— Ҳозир йиғининг кераги йўқ. Нодалидагиларни қандай бўлмагани, чақириб келинг, мен Саид Умарнинг олдига кетяпман, шу гаплар-

ни айтди-ю, Мусаали орқасига қарамай жўнаб кетди. Унинг кетидан Сурайё бир оз тикилиб туриб, Қандоҳорга борадиган катта йўл чеккасига қараб юрди...

Амирни кўмиш маросими анча дабдабали бўлди. Сабаби, у тиллоларни кўп вақтида шоҳга ўз ўлимлигини бериб, «Бандамиз, мабодо убу бўлсак, ҳурматимизни жойига қўясиз», деб илтимос қилган, шоҳ ҳам унинг илтимосини қабул қилган экан. Амирнинг ўғил-қизлари тобутни эрталабки намозга тўғрилашган эди, шоҳдан вакил келиб, маросим тушдан кейинга қолдирилди. Келган вакил Саид Умарга, амирнинг барча лашкарбоши — саркардаларига айтинг, аввалги кийимларини кийиб олишсин, ўзингиз ҳам амирлик либосини кийиб олинг. Бухоро туғидан тўрттасини топиб қўйинг, деб буюриб кетди. Жанозага шоҳнинг ўзи ташриф буюрди, аммо қабристонга бормай қайтди. Амир саркардалари ўзларининг илгариги саруполарини кийиб, бош эгиб, қора боғланган туғни кўтаришиб, тобут кетидан юришди. Тобут замбарак устига, замбарак эса арава шотиларига ўрнатилган. Амир тобути шаҳарнинг катта кўчаларидан айлантирилиб, Болон Хисорнинг орқа томонидан Жобири Ансор мазорига олиб келинди. Мазорга жасад қўйилишидан олдин шоҳ юборган вакил амир тўғрисида гапирди, кейин эшонни Судурнинг мирзоси Муҳаммад Наби кўз ёши қилиб, юрагини ёзди. Жасад мазорга қўйилгандан кейин замбараклардан беш марта ўқ узилди. Бу амир билан сўнгги видолашув белгиси эди. Саид Умарнинг буйруғи билан Мусаали жанозага қатнашмади. Уйда қолиб, фотиҳага келувчилар учун ҳовлига жой тайёрлади. Мусаали ҳовлига шолча ёзиб, кўрпачалар тўшаётганда Биби Сафир унга ёрдамлашиб турди.

Мозоратга кетганлар қайтишди. Ҳамма тайёрлаб қўйилган жойларга ўтирди. Эшонни Судурнинг мирзоси тиловат қилди. Тиловат пайтида Абдулфаттоҳ узоқдан Мусаалига тикилиб ўтирганда, Мусаали ҳам унга икки-уч қараб қўйди. Уларнинг бундай қирғий қарашларини ҳужранинг бир кўзли деразасидан Биби Сафир кузатиб турарди...

Эртасига фотиҳага шоҳ ўзи билан бирга сарой эшонни Саидмибшир Торозийни бошлаб келди. Шоҳ Бўстонни чақириб, ундан кўнгли сўради, кейин нафақани кичик ўгли Абдурауф ўн тўрт ёшга киргунича бериб туришни ваъда қилди. Бўстон миннатдорчилик билдирди.

Бу воқеадан хабардор бўлган Бўстоннинг кундоши, болалари галва кўтаришди. Улар кечқурун валиаҳдни ёлғиз ўтказиб олиб, шикоят қилишди:

— Нега нафақа бизга тегмайди?

— Нафақа ҳаммамизга бўлиб берилсин.

Нима дейишини билмай, валиаҳд ҳайрон эди.

— Бу шоҳнинг иши, менга алоқаси йўқ. — деб қутуямоқчи бўлди. Аммо унинг кичик онаси:

— Қерак бўлса, шоҳ ҳузурига ҳам борамиз. — деб қатъий туриб олди. Бўстонни валиаҳд олдига чақирди. Саид Умар уларнинг шикоятини айтганда, Бўстоннинг энаси қотди:

— Улмасдан бурун қаёқда эдингиз? Лоақал унга бир кун ҳам тувак тутмадингиз-ку! Ҳатто, ўғил-қизларингиз, ота тузукмисиз, деб келишга ярамади. Энди нафақага жанжал қиляпсиларми, уят-э!

— Нега уят бўларкан, унинг никоҳидаман, шунинг учун нафақа бизларга ҳам бўлиниши керак. — деб қўйди кундоши.

Буларнинг ичкарида жанжаллашиб ўтирганидан фойдаланиб, Биби Сафир самовар оловини ўчираётган Мусаалининг ёнига борди, чой дамлаётган киши бўлиб, Мусаалига наст товушда деди:

— Бир киши билан гаплашдим. Абдулфаттоҳ сизни гумдон қил-

моқчи эмиш, шунинг учун бугун кечасиёқ яширининг. Мисгарлик маҳалласига боринг. Қизингизга воқеани ўзим тушунтираман,— дея Биби Сафир чойнакни кўтариб аёллар ўтирган уйга кириб кетди.

Бир маҳал жаҳл билан эшикни ёпиб кундошлари ёнидан Бўстон чиққан эди, Мусаали уни имлаб четга чақирди.

— Қизим, мен энди кетяпман. Агар ҳозир кетмасам, эртага Абдулфаттоҳ мени бир ёқлик қиларкан.

— Ким айтди?

— Биби Сафир.

— Биби Сафир айтса, ишониш керак. Қайси томонга?

— Билмадим, менинг қаердалигимни кейин сенга Биби айтади. Бу одамхўрлар жаҳл устида нима қилса қилаверади.

— Унда мен сизга нон, туршаклардан тугиб берай, сиз уни гўё Шукрияга олиб бормоқчи бўласизу Биби Сафир айтган жойга кетаверасиз. Эҳтиёт бўлинг, яна орқангиздан кузатишиб, борган ерингизни билиб қолишмасин.

— Майли, қизим, тезроқ бўл, ёруғ пайтида топиб олай ўша жойни. Мусаали қизи берган тугунни олиб, ҳадиксираб чиқиб кетди.

Тўрт йил деганда «Тараққиётчи»лар ва «Байроқ»чилар қамоқдан озод қилинди. Саид Умар билан Саид Ориф ўз сингиллари Шукрияниқидан қадамларини узишди. Сабаби, шоҳ одамлари кузатиб юрган бўлса, бизни ҳам Раббимнинг шериги деб ўйлашмасин, деган фикрда эдилар.

Шунинг учун ҳам Шукрия ўз акаларини ёқтирмасди.

Эндилликда «Байроқ»чилар Шукриялар уйига тўпланадиган бўлишди. Абдуғаффор ва Абдурауф ҳам Шукрияникига тез-тез келиб туришар, уюшма мажлисларига қатнашар эдилар.

Бўстоннинг назарида осойишта давр бошлангандек эди. Нега деганда, амир одамлари аввалгидай Бухорога қайтиш режаларини тузиб, галва қилишмай қўйишди. Саид Умар таржимонлигини қилаверди, Саид Ориф билан Абдулфаттоҳ эса охириги тиллоларини сарфлаб, америкаликлар ўзлаштириб берган Қалаи Бўстон ва Лашкаргоҳ чўлларини сотиб олишди. Деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзларини тиклаб олишмоқчи бўлишди. Аммо, бу ерлар унча яхши ўзлаштирилмагани туфайли, уч йилда ҳаммаёқни шўр босиб кетди. Канал йўли ўпирилиб, сув келмай қолди.

Мусаали эса Абдуғаффор уйлангандан кейин қизи Бўстонни ёнига олиб, Жалолободнинг Нангарҳар вилоятига борди. Бу жойда у Совет ирригаторлари ёрдами билан ўзлаштирилган ерда ташкил топган цитрус ўсимликлари кооперациясига аъзо бўлиб кирди. Бўстон ҳам апельсинзор, лимонзорда ишлай бошлади.

Бир куни эрта билан у хомуш келиб, нонуштага ўтирди.

— Ҳа, қизим, нега бугун бошқачасан?

— Уйимиздан туш кўрдим, бир хабар олиб келсак, яхши бўларди.

— Ташвиш тортма, бориб келамиз. Мана, худога минг қатла шукур, ўзимизга тўқ, тинч яшаймиз. Иложини топсак, ҳовлини сотиб, невараларни ҳам шу ерга кўчириб келайлик.

— Болаларим кўнармикин?

— Бу ерга бир олиб келиб кўрсатамиз, ёқса, кўнмай қаёққа борарди. Нангарҳар энг чиройли вилоят бўлганини ўз кўзлари билан кўришади. Ҳа айтгандек, қандай туш кўрдинг?

— Абдурауфни етаклаб келаятиб, оломонга дуч келдим. Нима гап экан, деб бундоқ қарасам, беш-олти киши Абдуғаффорни қўл-оёғини боғлаб, олиб кетишяпти. Шундай додладимки, ўз овозимдан уйғониб кетдим.

— Тушнинг акси бўлади дейишади. Балким, Абдугаффор яйраб юргандир.

— Орадан икки кун ўтгач, кооператив бошлиқларидан уч кунга жавоб олиб, ота-бола Қобулга жўнашди. Мусаали бу ердаги аҳволни эшитиб, фарзанди тўғрисидаги гаплар онага аён бўлишини биринчи марта ўз кўзи билан кўрди. Қобулда «Тараққиётчи»лар ҳамда «Хези порча» («Байроқчилар») уюшмасидан ташқари «Жавонони бедор» («Бедор ёшлар») уюшмаси ҳам ташкил топган экан. Бу уюшма шоҳ тузумини ағдариш, янги демократик тузум ўрнатиш учун ёшлар ўртасида иш олиб боришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйганди. Абдугаффор ана шу уюшманинг жонкуярларидан бири экан. Бўстон туш кўрган кун ичкеси бу уюшма шоҳ одамлари томонидан қўлга олиниб, ҳаммаси кишанланган экан.

Воқеадан хабардор бўлган Бўстон тушдагидек дод солмай, дарду аламини ичига ютди. Биби Сафирни ахтариб топиб, ундан маслаҳат сўради:

— Энди нима қилай?

— Бир томони ўғлингдан хурсанд бўл. У эзилган халқ озодлиги йўлида курашяпти. Сенинг, отангнинг орзуларини рўёбга чиқармоқда. Мен сени уюшма бошлиғи Нурмуҳаммаднинг олдига олиб бораман. У сени кўрмоқчи, ажойиб фарзанд тарбиялаган қайси она экан, деб юрганди.

— Майли, бораман! Керак бўлсам, мен ҳам ўғлимга ёрдам берай.

— Энди осойишта умр кечираётгандик,— деб қўйди Мусаали Биби Сафирга қараб,— яна қама-қама бошланиб қолди.

— Бу ҳали ҳолва,— деди Биби Сафир,— ҳозир ҳам гўё осойишта-ю, аммо, бундан буён шоҳ ва шаҳзодалар учун галвали кунлар бошланади.

— Ростданми?— сўради Бўстон.

— Ростдан. Аммо, у кунни мен кўролмасам ҳам, сен кўрасан.

— Дада,— деди Бўстон Мусаалига қараб,— мен Биби билан бориб келай, сиз уйга кетаверинг.

— Майли, қизим,— деб Мусаали орқага қайтди.

Биби Сафир билан Бўстон эса Шукрия яшайдиган жойга — янги шаҳарга кетишди. Йўлда улар мўйловли бир йигитни учратишди, Биби Сафир унга Бўстонни таништирди:

— Мана, танишинг, сизни ажаблантирган сўнгги канизак — Бўстон шу бўлади!

— Сиздек онага уюшмамиз номидан минг-минг раҳмат,— деди ҳалиги киши,— ўғлингиз ёшлар уюшмасида яловбардорлик қиляпти. Шоҳ уни минг қамамасин, қийнамасин, барибир курашаверади. Кураш энди аланга оляпти.

— Мен нима иш қилай, нима қилсам ўғлим хурсанд бўлади?— деди Бўстон унга.

— Сиз Биби Сафир, Нурбиби, Нуройим, Шукриялар билан бирга оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боринг. Мамлакатимиздаги барча оналар фарзандларига янги тузум учун курашда мадад бериб туришсин! Кўришгунча хайр, мен шошиб тургандим.

— Шошманг! Мен ўғлимни кўраманми?— Бўстон ҳаяжонланиб, ундан илтижо билан сўради.

— Ҳа, албатта. Йиғилиш бошланишига яқин қолди. Хўш, мен кетдим.

Киши жадал юриб кетди. Бўстон билан Биби Сафир унинг ордидан хурсанд, очиқ юз билан қараб қолишди.



Назармат

Икки Толти Қон

ДОСТОН

Муқаддима

Достонга дил бериб қолдим соҳилда,
Мен-ла хайрлашиб, қўзғолди чўпон.
Икки от ўйноқлаб кўринди йўлда,
Қир ошиб, сўнг кўздан бўлишди пинҳон.
Қўшчинор остида қолдим бир ўзим,
Тепамда шовуллар яшил япроқлар.
Дил куйлаб, ирмоққа жўр бўлди сўзим,
Бутамон¹ тарихин аста варақлар.
Дил майлин қўшиққа берган чоғида
Ногаҳон эшитдим булбул сайрашин.
Ирмоқдан нарида, қир қучоғида
Кузатдим оҳулар яйраб ўтлашин.
Тўлганиб ётибди мовий бир чаман,
Дилларни қитиқлар баҳор ҳавоси.
Шу ерда унади беморлар кутган
Антиқа гулларнинг дорн-давоси.
Ана шу заминда тугилган инсон
Минг икки юз йил бурун Бутамонда
Дурдона қиз билан, Утаган ўғлон
Она эл фарзанди, қўш хонадонда.
Уларнинг қисматини сўзлайди тоғлар.
Хайқирсам чўққидан келар акс-садо.
Ирмоқни шопирсам, йиғлар қирғоқлар:
Биз учун иккисини бўлган дер адо.
Шу азиз тупроқда яккаш сайр этиб,
Ватан урушини эсладим дилда.
Ёв даҳшат солганин Волгага етиб,
Сўнг тор-мор бўлганин ўша соҳилда.
Ғалаба онтининг байроғи — мардлик,
Шу байроқ ҳилпирар қадим замондан.

¹ Қадимий Зарафшон воҳаси.

Севгига садоқат, элга фарзандлик
 Табаррук жой олган мангу жаҳондан.
 Асрлар зинасидан оҳиста ўтиб,
 Ошиқлар юртига мен қўйдим қадам.
 Икки дил васфига ишқнома битиб,
 Ватаним ҳақида тебратдим қалам.

I

Учта ўт ловулла яшил соҳилда,
 «Инга»лар тўшакда учта чақалоқ.
 Тантана, завқ кечар ҳар учта уйда,
 Гулханлар ёнади яна кучлироқ.
 Даврага йнғилар дўсту ёронлар,
 Қутлашар туғилган янги инсонни.
 Ўртага қўйишиб тортиқ, эҳсонлар,
 Аёллар безатишар дастурхонни.
 Гулханда тобланар барра кабоблар,
 Чўғ узра чирсиллаб эрийди ёғи.
 Ёғоч карсонларда қалқир шароблар,
 Чехралар чўғланур — хурсандлик чоғи.
 Бириси — сўғди тил, бири — турк забон,
 Сўзлашар азалий қариндош, авом.
 Тантана авж олган шодлик кечада
 Кексалар қўйишар чақалоққа ном:
 Бирини — Ўтаган, бирин — Дурдона,
 Бирини Марвон, деб қўйишаркан от,
 Гулшанда улғайиб учта ёш ғунча,
 Ота-онасига бўлсин, дер қанот.
 Зероки, Марвон бу — асранди ўғил,
 Тутиб олгандилар уни дарёдан.
 Ота беҳад хурсанд, гупиради дил,
 Ўғил кўзларида ёнган зиёдан...

□

...Дурдона отаси эл суйган чўпон,
 Унга қарашлидир минг-минглаб қўйлар.
 Юрт аҳли отадан миннатдор ҳар он,
 Усиз ўтмас элда маърака, тўйлар.
 Тоғга ҳайдар тонгда отарни чўпон,
 Ҳозирлик кўради йўлга Дурдона.
 Ундан хабар топган Ўтаган ўғлон,
 Дилида яширин ишқ ўти ёнар...
 Ҳа, бу қиз шўх, олов, тошқин ва шаддод,
 Қомати сарвдек гўзал ва кўркам.
 Отаси Чор чўпон асраб эҳтиёт,
 Қизига оғир иш қилдирмас ҳеч ҳам.
 Қиз дер: «Ота, ишлаб ҳеч кам бўлмасман,
 Ўйламанг ожиза қиз деб ҳеч қачон!
 Эҳ нега ўғил бўп туғилмаганман?
 Мен сизга ҳар ишда бўлардим дармон!»
 Жилмайиб чол силар қизнинг бошини:
 «Ўғилдан аълосан, Дурдона қизим!
 Кўтариб бу уйнинг оғир тошини,
 Қараниб юрибсан, шу бахт, юлдузим!..»



Эрталаб тоғ йўлин салқин бағридан,
 Саломга чиқади ёввойи гуллар.
 Паст-баланд қирларнинг бахмал сағридан
 Юғуриб елади фарахбахш еллар.
 Дурдона оқ отнинг буриб жиловин.
 Қўйларни айланиб ҳайдайди йўлга.
 Бир ёлғиз чағалай ахтариб овин,
 Қанотин ёзади жарликка, кўлга.
 Чор чўпон боради эшак ортида,
 Яйлов анжомлари унга ортилган.
 Оғаси яшайди тоғлар юртида,
 У ёқда ўсади ҳар хил ўт-ўлан.
 Дурдона бамисли қизил кўйлақда,
 Баҳорда очилган лолага ўхшар.
 Орзулар мавж уриб унинг қалбида,
 Чўққидан отилган шоввадек жўшар.
 Ва лекин хаёли — Утаган ёқда,
 Чор ўйи — оғаси уйда бўлмоқ.
 Қариндош эсланар қариган чоғда,
 Ёмондир улардан олисда ўлмоқ.
 Шу ўйга ғарқ бўлиб қалқиб борар Чор,
 Оғасин асранди ўғли бор... Марвон.
 У агар қизига қилса эътибор,
 Қуёв бўлса, зоти бўлмайди ёмон.
 Шу умид, ўй билан етди яйловга,
 Оғаси инисин қарши олди шод.
 Сўнгра бошлаб кирди уни ўтовга,
 «Сен билан шу кулбам бўлди, деб обод!».
 Жияндан кўзини узолмас амак,
 Етилиб, улғайиб бўлибди барно.
 Энди уни келин қилмоқлик керак,
 Вақт етган... билдирмоқ айни муддао!
 Мана келиб қолди ўғли — Марвони,
 Қучоқлаб кўришар унинг билан Чор.
 Улғайиб, бўлибди ота ўғлони,
 Паҳлавон келбатли, шердай чўнг виқор.
 Дурдона ийманиб, турар жойидан,
 Ортидан жилмайиб қўзғалар Марвон.
 Икки чол икки ёш бахт, чиройидан
 Сўз очар, дилларда ниятлар аён...

Қиз бўлса тоғлардан узмайди кўзин,
 Чўққилар қад ростлаб келгандай яқин.
 Шамоллар дарадан кўтарар тўзғин,
 Қайдадир оташин ёққандай чақин.
 Қулоғин динг қилиб кишнар оқ оти,
 Кетамиз, дегандай ёнига келар.
 У — қизнинг тоғларда учар қаноти,
 Ёлини тароқлаб, ўйнайди еллар.
 «Зўр от-ку...» — минмоқчи бўлади Марвон,
 От бирдан тепмоқчи бўлиб пишқирар.
 Марвон чап бериб, сўнг сапчийди чаққон,
 От бориб дарахтга сағринин урар.
 Ўзини эгардан отади Марвон.
 «Бу отни қаердан топдинг?» — дер нолиб.



Дурдона от бошин силаб дер шу он:
 «От минмоқ яхшидир от майлин олиб!..»
 Бу сўздан хаёлга ботади Марвон,
 Дурдонада хоҳиш йўқлигин пайқар.
 Марвоннинг қалбида ғазоби пинҳон:
 «Бировга дил берган бу моҳипайкар!..
 Кўраман... топганинг қандай зот экан,
 Дуч келса беллашиб белин узаман.
 Қариндош айниса наслга доғ экан,
 Тиклаган уйини бориб бузаман!..»
 Марвоннинг дилидан шу сўзлар ўтар,
 Ёмон дил тубинда кўкарар индов.
 Файирлик дўстликка от солиб кетар,
 Кечаги қариндош бугун бўлар ёв.

□

Адрда бўлмоқда лолазор хазон,
 Қишлоққа қайтишга ҳозирланар Чор.
 Хатарга йўлиқиб ногоҳ Бутамон
 Элда ёмон хабар тарқалди бадкор.
 Юриши ўзгача... бепарво Марвон
 Дастурхон ёзибди хайрлашиш-чун.
 Тоғда данғиллама уй, баланд қўрғон,
 Яйловда қўйлари, рўзғори бутун.
 Зиёфат пировард бўлганида Чор
 Хонадон аҳлига айтади раҳмат.
 Оғаси дер унга: «Сенга ҳадям бор,
 Отимни совға деб олгин, марҳамат!»
 ...Отни етаклар Чор, қўзғолур сурув,
 Уларнинг изидан борар икки от.
 Кекса чол қалбида нотинчлик, гулув,
 Марвонга қилмади қизи илтифот.
 Дурдона қайтганин эшитиб қизлар,
 Уйига тўпланиб, сўрар ҳолини.
 У эса хаёлда кимнидир излар,
 Ва ундан кўрмоқчи истиқболини.

II

Қиш ўтиб, гуркираб келганда баҳор,
 Утаган Дурдона измини сўрар:
 «Ё ҳа де, ё йўқ де, сенда ихтиёр,
 Хўп десанг, уйимиз тараддуд кўрар!»
 Йигитнинг кўксига бош қўяр дилдор,
 Ахир у гўзалнинг суянган тоғи...
 Тўйга ҳозирланар бўлиб хабардор,
 Қадрдон дарёнинг яшил қирғоғи.
 Фақат Чор хаёлга ботади гоҳи,
 Марвонга қанақа ботар бу хабар.
 У ахир тоғларнинг қудрат, паноҳи,
 Не бўлар тўнини терс кийса агар.
 Хабар ҳам етдию, тўй ҳам бошланди,
 Қутловга йиғилди яқину йироқ.
 Зиёфат сўнгида улоқ ташланди,
 От миниб кўринди Марвон ҳам шу чоқ,
 Куёвни чақирди кўпқари томон,
 Жонланиш бошланди даврада шу он.

Майдонга тушганда икки паҳлавон,
Улар куч синаши ҳаммага аён.
Чавандоз қаради сеvimли ёрға,
Рухсатга бош эгиб жилмайди сағам,
Омад тилаб чайир, учқур тулпорга,
Улоққа ташланди Ўтаган илдам.
Икки мард от суриб, сўнг икки ёндан
Улоқни кўтариб олишди ердан.
Кўринмай қолишди чангу тўзондан,
Тортишиб борарди силтаб эгардан.
Майдонда қийқириқ янграр бир маҳал,
Улоқни ташлайди куёв паҳлавон.
Оти йўқ, ер узра судралиб ўсал,
Улоқни тутганча ётарди Марвон.
Ўтаган отидан тушдию дарҳол,



Марвоннинг қаддини ердан кўтарди:
«Қаерда отингиз, бу қандай аҳвол?...»
Шошилиб улоқни унга тутарди.
Ўтаган қўлини итариб Марвон,
Этагин қоқдию, югурди отга.
Қариндош жаҳлидан Ўтаган ҳайрон,
«Мен уни қолдирдим, дерди, уятга...»

□

Истиқбол инсоннинг азмига боғлиқ,
Ўтаган хизматин сўрабди замон.
Замона тинч бўлса бахтдир нечоғлик,
Замин уҳ тортаркан тўкилганда қон.
Ўтаган фармондор Тархун подшоҳга,
Вилоят ишида доно, тадбиркор.
Қадами етади ҳар бир даргоҳга,
Сўзига элу юрт айлар эътибор.
Диёрни кезганда гоҳо қулоққа
Чалинар ғанимлар тарқатган иғво:
«Фармондор Тархундан юрсин нарироқ,
Элга у ҳокимлик қилмасин даъво!»
Бир куни дуч келди қирғоқда Марвон,
«Кўзингга қараб юр» дедию кетди.
Ғалати огоҳдан Ўтаган ҳайрон,
Бу сўзни на шоҳга, на ёрга айтди.

□

...Сарҳадда, улкан Вахш соҳилида жанг,
Дарёдан ўтибди араб лашкари.
Оҳ уриб тебранар тоғларда харсанг,
Хазонрез бўлибди Бутамон ери.
Лолазор бағрида кўпайгандай доғ,
Тоғларнинг ҳавоси нега салқинмас?
Уйларда кўринмас гулхан ва чироқ,
Жонсарақ чопмоқдан Зарафшон тинмас.
Подалар кўринмас тоғлар йўлида,
Олтиндай товланмас нега бугдойзор?
Нега най кўринмас чўпон қўлида,
Нега уй олдида жим онаизор?
Сарҳадга шошилар қурол тутганлар,
Қулоққа чалинар олис ҳайқириқ.
Нега ёш тўкади ёрин кутганлар,

Нега ҳар эшикда йўқлаш, чақириқ?
 Бургутдай Бутамон ўгли Утаган,
 Кун ботиш томонга қарайди тоғдан.
 Бошида хаёлу қалби ўт олган,
 Қон ҳиди келмасин дейди тупроқдан.
 Тархун шоҳ чопари тез етиб келди,
 Қасрга йўл олур жангчи фармондор.
 Жам бўлиб сардорлар, мардлар йиғилди,
 Ҳар киши ўз фикрин айлади изҳор.
 Утаган кўзига қарайди Тархун,
 Уйчан ва ташвишли унинг нигоҳи.
 Режасин сўрайди, кўнглида тугун,
 Ишонган тоғи у, жангда паноҳи.
 «Бутун эл оёққа турмоғи даркор!
 Бундай ёв кўрмаган ҳали Бутамон.
 Ҳамма жам бўлишиб, бўлса қуролдор,
 Ушанда биз ёвни этурмиз бадном!..»
 «Бу ишга ўзингиз бўласиз сардор!
 Душман топтамоқчи бугун ўлкани!
 Эл сизни билади, Сизга ишонар,
 Бошлайсиз душманни яксон этгани!»
 Мардларга бош бўлиб тонг билан Тархун,
 Ёв йўлин тўсиш-чун аста қўзғолар.
 Утаган янги куч йиғмоқлик учун
 Олис манзилларга қараб йўл олар.

III

Биринчи жангдаёқ йиқилди Тархун.
 Унинг ўрнини олди Деваштич — подшоҳ.
 Утаган куч тўплаб қайтаётган кун
 Бу ғамли хабардан бўлганди огоҳ...
 Утаган уйига қайтди тонг чоғи,
 Ғамдийда дилдори жим кутиб олди.
 Бир оз шишган эди унинг қовоғи,
 Ерига тикилиб ўйланиб қолди
 Ва бошин қўйганча ёрин кўксига
 Дер: «Отам сарҳадда бўлибди қурбон!»..
 Мард қасам ичади ёвнинг қасдига,
 Лабларин қимтийдди, дилда жўшар қон.
 «Қани тур, жонгинам, — дейди паҳлавон, —
 Она юрт бизларни чорлар майдонга!
 Биз ёвни этурмиз ер билан яксон!
 Қайтиб қадам босмас ҳеч Бутамонга!»
 Тонг билан эр-хотин қўзғалар йўлга,
 Деваштич шоҳ кутар уни майдонда.
 Совутлар кийишган, ёй, қилич қўлда,
 Эркдан улуғ нарса борми жаҳонда!
 Дурдона оқ отда мисли оқ каптар,
 Тақдирнинг дастидан йўқдир хабари.
 Отасин қасосин олмоқни истар,
 Шу ният элтмоқда уни жанг сари.
 Икки ёр боради мардлар ичида,
 Эл истар: ёв тезроқ бўлсин тору мор!
 Эл кўзи йўл босган катта-кичикда,
 Муқаддас зафарни айлар ихтиёр,
 Сарҳадга йўл олур жанговар қўшин,

Ботирлар шиддатли ҳамлага тайёр.
Улар ичра кутиб жанг бошланишин,
Дурдонадек ўнлаб аёллар борар.
Қишлоқда қарилар, гўдаклар қолган,
Гулханлар ёнмайди, кўринмас тутун.
Юртда о, бутунлай тинчлик йўқолган,
Эл жангга отланган бўлмай, деб тутқун.

□

Ҳар йили яйловга борар эди Чор,
Ҳамроҳи бўларди Дурдона қизи.
Оламини гулларга буркарди баҳор,
Яйраб ўтлар эди унда қўй-қўзи.
Ўйноқлаб оқарди тоғдан келган сув,
Таъми ҳам бошқача, салқин, мусаффо.
Бир ичган сўнг яна қиларди орзу,
Беморлар сипқорса топарди даво.
Энди бу яйловга ёв оёқ босган,
Бу ерда йиқилган қўй ҳайдаган Чор.
Молини талашиб, ўзини осган,
Яшил майсаларда қонли излар бор.
Майдонга чўқади баҳор салқини,
Жанггоҳда ёқилар оқшомги гулхан.
Дилларда сўнмаган жанглар ёлқини,
Сўзлашар соҳилга ёв келганидан.
Фақат жим ўтирар Ўтаган четда,
Дурдона куйманар кечки таомга.
Ёғ эрир оловга тобланган этдан,
Жизиллаб гўшт-кабоб келар қиёмга.
Соҳилда тикланар енгил чодирлар,
Барра майсаларда дам олар сипоҳ.
Бу ерда посбонлар, мард баҳодирлар,
Олиса қолгандир қадрдон даргоҳ.
Булутлар бағридан мўралайди ой,
Хомуш чехраларда йилтирайди нур.
Аёллар ухлаш-чун тайёрлайди жой,
Сардорлар тўпланиб маслаҳат қурур.
Ўтаган ўртада, дўстлар фикрини
Ўлчайди бирма-бир кўнгил тошида.
«Унутманг!— дейди у,— душман макрини!
Ёв қамти турибди дарё қошида!
Бир режа кўнглимда маъқул турибди,
Душманга ортидан зарб бермоқ даркор.
Ёв бизни бу ерда кутиб юрибди,
Шуниинг-чун ўтишга қилмас ихтиёр.
Биз бундан ўтмаймиз ёв томонига,
Ўн тошлик қуйидан кечиб ўтамиз.
Ортдан босиб борсак жанг майдонига,
Ғафлатда қолдириб тутдек тўкамиз.»
«Бу ерда ким қолар?»— сўрайди сипоҳ.
«Дурдона қолади ва кичик гуруҳ.
Туриглар, аёллар бўлинглар огоҳ,
Гулханлар сўнмасин, олмос бўлсин руҳ!..»
Ботирлар қуйига силжийди аста,
Уларни беркитар зулмат пардаси.
Шовуллар шўх дарё пишқириб пастда,

Димоққа хуш урар салқин нафаси.
 Бир гуруҳ сипоҳу жангчи аёллар
 Қолишар соҳилда гулхан ёнида.
 Дурдона қалбини чулғар хаёллар,
 Бир туйғу гупира бошлар қонида.

IV

Адрнинг ортида панада турган
 Утаган тутунни кўриб ҳайқирар:
 «Ботирлар ортимдан!»— дейди ва тездан
 Айланиб душманнинг ортидан чиқар.
 Осмонга ўрлайди жанггоҳ тўзони,
 Заминни титратар наъра, қию чув.
 Унг қўлда қиличу, чапда қалқони,
 Утаган отига дейди: «жонивор, чу!»
 От кишнар, Утаган фикрин билгандай
 Айланиб, душманга чап бериб чопар.
 Қиличин ўйнатиб, баҳодир тинмай
 Босқинчи бошини ҳамакдек чопар.
 Бамисли шамолдай отнинг тезлиги,
 Қиличлар дамидан сачрайди олов.
 Бошланиб душманнинг мадорсизлиги,
 Қўлидан тушади кўтарган ялов.

□

Зафар оқшомида кун ботиш ёқдан
 Келиб қолди олти сипоҳ-ла Марвон.
 Утагани кучиб, қўймас қучоқдан,
 Дейди: «Сен-ла фахрланар Бутамон!»
 «Хўш, ўзинг қайларда юрибсан, дўстим?»
 «Мен ҳам сендек жангда тўкаяпман қон.
 Вахш бўйи жанглари зиммамга тушган,
 Деваштич юборган мени у томон.»
 «Бу ерга нимага келдинг, биродар?»—
 Утаган синчиклаб қарар Марвонга.
 «Қам қолди сипоҳим, жанг кутар одам,
 Янги куч элтаман яна майдонга!»
 Дурдона юзига кўз ташлар Марвон,
 У эса юзини ўгирар четга.
 Қалбида кучаяр шубҳа ва гумон.
 «Нега у суқланиб қарайди бетга?
 Бир нима кўрдими менинг юзимда,
 Негача у келди ёв юрган олисдан?
 Кўнглида сир кўпу боши таъзимда,
 Сўрамас амакдан, жангу улусдан?
 Хушомад қилмоқда Утаганга у,
 Еқмасдан турибди менга бу қилиқ.
 Кўнглида ётган сир менимча оғу,
 Келтирмаса дейман, ёмон кўргилик?..»
 Дурдона қўзғолиб, ёрига қарар,
 Қўявер, дегандай жилмаяр ботир.
 Бегона одамлар кўринса агар,
 Аёллар баттарроқ бўлар хавотир.
 «Бу ерда кучинг кўп, ҳам қучдинг зафар,
 Ердам бер!»— илтижо қиларди Марвон.
 Утаган ўй сураб, хўп деса агар,

Бунда куч камайиб бўлмасми ёмон?!
 Дурдона қўлтиқлаб Утаган ёрин,
 Четга олиб чиқар, кўнманг, дер асло.
 «Кеткизманг қўшиннинг кучу мадорин,
 Бўлмайлик биз ёмон кунга мўбтало!»
 Жилмаяр Утаган, ташвиш тортма, деб:
 «Марвон ҳам қариндош, элнинг посбони.
 Унга куч бермасак, қуввати кетиб,
 Бўлмасми майдонда уруш қурбони?»

Баҳодир мардлар кўп, бераман бир оз,
 Вахшда ҳам келгинди ёв бўлсин яксон!
 Бу ерда турибмиз бизлар маҳкам, рост,
 Бу қиргоқ ёв олмас темирдек қўрғон!»

Утаган Марвонга сипоҳлар берди,
 Йўлда кўтарилди қўшиндан тўзон.
 Дурдона негадир ўйланар эди,
 Шубҳага тўлганча қийналарди жон.

□

О, севги қудратинг нақадар буюк!
 Сени деб харсангни қўпорган Фарҳод
 О, севги сен дилга нақадар суюк!
 Ошиқлар бекорга кўтармас фарёд.
 Мард дардли қарайди термилиб ёрга,
 У эса сўз очар кетган қўшиндан.
 «Бу ишдан бирор наф борми диёрга?
 Айирди у мени ақлу ҳушимдан!»
 Чодирга қайтади оқшом икки ёр,
 Барвақт туриш керак ахир эрталаб.
 Чекинган ёв яна қўзғалиши бор,
 Атрофда гулханлар ёнар ловуллаб.
 Соҳилга йўллайди шоҳ нохуш хабар,
 Ташвишли ёзиқ бор сўғди хатида.
 Утаган ташвишли, кўнгли ғаш тортар,
 Беқиёс дард ётар юрак қатида.
 Ёв қуюн сингари босиб келмоқда!
 Диёрнинг кўп ери қўлдан кетибди.
 Шабада ўрнига ажал елмоқда,
 Еқага душманнинг қўли етибди.

V

Утаган ўйлайди: Марвон-ла кетган,
 Мардларнинг ҳолини, қаердалигин.
 Уларнинг ичида бир Бектош деган
 Ҳамқишлоқ, ёш жангчи дўсти борлигин.
 Уринчоқ, олов-у, қоплондай чаққон,
 Хизматга қуш каби учади тезкор.
 Бекорчи хаёлни кўради ёмон,
 Яхшилик йўлида содиқ дўст, дастёр.
 Энди у сарҳадда баҳодир сипоҳ,
 Бош бўлди Марвон-ла кетган гуруҳга.
 У марднинг ҳолидан бўлолмай огоҳ,
 Утаган дардини айтар гулруҳга.
 Дурдона, хавотир олманг, дер вазмин,

Бектошнинг мардлиги ҳаммага аён
Уни хор этмайди бу она замин,
Шикаст топмас асло Бектош паҳлавон...

□

Бир соқчи ёнида кўринди гадой,
Елкада осифлиқ урён тўрваси.
Тўрвадан кўринар синиқ кўҳна ёй,
Бектошда бор эди унинг нусхаси.
Соқчини жўнатиб ўтаган, кейин
Гадойни ёнига чақирар хушҳол.
Бекорга келмаган, дардин билайин,
Балки у ёв ичра бўлган эҳтимол?
Ўтаган кўрсатиб ҳурмат, эътибор,
Гадойни ўтқазиб, олар ёйини.
Қарайди, учида чочи — белги бор,
Сўрайди эгасин, олган жойини.
«Айт, қайда қўлингга тушиб қолди у?»
Ўтаган кутади тиланчидан сўз.
«О, ботир, келтирманг кўнглимга қайғу,
Кирди ер бағрига у ёруғ юлдуз...»
«Айт, ўзинг кўрдингми, бу ёй эгасин?
Қандай қилиб тушди сенинг тўрвангга?
Батафсил айтгин сен ёй воқеасин,
Ҳақ гапни айтгину ўтма найрангга!
«Жангоҳдан ёдгор у, мен айтсам сизга!
Ундай ур-йиқитни ҳеч ким кўрмаган.
Ёлғонни гапириш нораво бизга,
Умримда бунақа қайгурмаганман.»
«Айт тезроқ, Бектошнинг ўзи қаерда?»
«Мен уни кўрганман, Вахшда, у ерда
Соҳилда ётардим ҳолдан тойиб, оч,
Бир сипоҳ ўшқирди: қани, кўзни оч!
Сесканиб уйгондим, босди қалтироқ,
Тепамда газабли кўзларни кўрдим.
Қўрқувдан кўзимни чирт юмиб шу чоқ,
Гадойман, дейишга сўнг тил ўгирдим.
Қани, тўрвангни оч, деди сардори,
Елкамдан олдим у сурдим ёнига.
Ағдарилди ерга тўрвада бори,
Сўнг шерик бўлишди гадой нонига.
«Ёвни қувиб келдик деди, сардори.—
Қарасак бу ерга келиб қолибмиз.
Олисда сипоҳнинг озиқ-омбори,
Биз йўлга на гўшту на нон олибмиз».
«Марҳамат, ош бўлсин!»— дедим мен мардга.
«Қиёмат қарз»,— дея олди бурдани.
Худди чалингандай паҳлавон дардга,
Бор-йўғи бурда нон бўлди егани...
«Сиз Вахшда бўлганда учради кимлар?»
«Отлиқлар... Тилларин тушунолмадим.
Чуқурда ётардим, улар — ғанимлар...
Юзларин бари бир кўра олмадим.
Уларни эрталаб учратдим қирда,
Мени тутиб олиб, сўроқ қилишди.
Дўппосланиш ҳам бор экан тақдирда,

«Сен айғоқ-махфий» деб қамаб қўйинди.
 Унгирда ётардим, қўлимда кишан,
 Бир маҳал бошланди яна тўполон.
 Қичқириб, ҳовлиқиб, қўзғалиб бирдан,
 Эътибор қилмади менга ҳеч кимса.
 Ажралди шунда ёв кўп одамидан,
 Орқага чекинди, тишчиди майдон.
 Сўнг таниш у сардор йигит ногаҳон
 Мени кўриб қолиб, юрди мен томон.
 Сипоҳи кишандан бўшатди мени,
 Отдан тушиб, ерда ўлтирди сардор.
 Деди: «Билмаяпсиз танишлигимни,
 Юзимга бир қаранг, сиздан қарзим бор...»
 Бу сўздан сардорни тез таниб олдим,
 Раҳмат, дедим аста ўрнимдан туриб.
 Хайрлашиб сўнгра мен жўнаб қолдим,
 Ортимдан сипоҳи келди югуриб.
 Олинг дер: қўш кўзи тўла бир хуржун.
 Буни сизга юборди сардоримиз.»
 «Исми ким у марднинг?»— сўрадим мамшун,
 «Бектош,— деди сипоҳ,— ифтихоримиз!..»
 Ортига тез қайтди от қўйиб сойдан,
 Мен дуо айладим Бектош сардорни.
 Иккинчи куни мен бошқа бир жойда,
 Яна кўрдим даҳшат, қирғин бозорни.
 Бир маҳал оз қолди Бектош одами,
 Ёв томон от қўйди у ботир сардор.
 Қуёшдай ялтираб қиличин дами,
 Бошидан ажралди қанча ёв ғаддор.
 Лекин ёв кўп эди кўтарди тўзон,
 Энди куч барабар эмас эди ҳеч.
 Инқилди мард Бектош — сўнгги паҳлавон
 Кўкни булут қоплаб, чўкканида кеч.
 Ҳайқирӣқ, тўполон тинди майдонда,
 Мен яна тунадим панада ётиб.
 Тонг саҳар турдим у (Бу даҳшат, даҳшат...)
 Жанггоҳга йўл олдим хаёлга ботиб.
 Кўринмас эди ёв қораси энди.
 Қумга беланганча ётарди Бектош.
 Кўриб паҳлавоннинг бошини қумда,
 Йиғлар эди кўкда қизариб қуёш.
 Енида ётарди синган камони,
 Қиёмат қарз, дедим, олдим қўлимга.
 Қолганди камонда унинг армони,
 Уни тумор этдим умрим — йўлимга...»
 Утаган гадойни ўтказар ёнга,
 Дастурхон ёзилар, чўзилар суҳбат:
 «Бекорга келмагансан бу томонга,
 Очиқ айт, эй дарвиш, дилда не ният?
 Бектош эди менга ини, қадрдон,
 Ёнимда у бўлса қучардим зафар.
 Бу элда кам бўлар ундай паҳлавон.
 Қалбимни тилди бу аянчли хабар».
 Гадой нон бурдасин оғзига элтиб,
 Қулоқ тутган каби еллар сасига,
 Қайнаган обжўшни қулт этиб ютиб.

Кўз қирин ташлайди уй бекасига.
 Утаган жилмайиб нмо қилади,
 Ичкари хонага йўл олар ёри.
 Гадойдан сўз кутиб, мард тикилади,
 Ёмондир кўнглида шубҳанинг бори.
 «Келиннинг бўлганми амакваччаси?...»
 «Бор! Марвон... билсанг гар сўзлагин тезроқ!»
 «Вахшда юрганамда бир кун кечаси
 Жанггоҳга айланди сокин қум қиргоқ.
 Бир маҳал мен каби бир урэн киши
 Ёнимга келдию, ерга йиқилди.
 Сўниб борар эди унинг қараши,
 «Сўғдимисан?... дея аста тикилди.
 «Ҳа» дедим бошимни кўтариб унга.
 «Огоҳ бўлсин, деди, аҳли Бутамон,—
 Бекорга оқмаган Марвон Жайхунга...
 Улғайиб, ўтибди энди у томон...
 Асли този экан, Таҳористондан...»
 Шу сўзни айтдию, юмилди кўзи.
 У элга фарзандлик бурчин бажарган...
 Хануз қулогимда шаҳиднинг сўзи».
 Дарвиш нимагадир яна жим қолди,
 Йироқларга боқиб оғир хўрсинди.
 Утаган қўлидан камонни олди,
 Уни ўпиб, кўзга суртиб, ўксинди.
 «Шу ерлик бахшиман, жаҳонгаштаман,
 Дарвишлар юртма-юрт юришар азал.
 Эл дардин куйлашга дил бахшидаман,
 Қорним очу дилда жўш урар ғазал.
 Мен махфий эмасман, қўшиқ айтаман,
 Ҳар кунни йўлдаман, ризқим — бурда ноғ.
 Энди эса сардор, элга қайтаман,
 Дунёда кўп экан яхшию, ёмон!..»
 Сўнг гадой тўрвага солди ёйини,
 Дурдона келтирди йўл учун тугун.
 Тугундан ажратиб битта ширмойни,
 Деди: «Шу биттаси етар мен учун.»
 Кетди у ...Оҳ, ундан қолди нохуш ўй,
 Асли, ким сипоҳми, ёки девона?
 Гарчи айтмаса-да, аниқ бир калом,
 Лек ўзин тутмади бедил, бегона.
 Қайғуриб сўзлади Бектош сардордан,
 Дилида дарди кўп, оҳу фиғонлик.
 «Эҳтиёт бўл!— деди,— Марвон айёрдан,
 Қалбида бижғиган элга ёмонлик!..»

VI

Тоғ устидан кўринади кун нури,
 Найзаларнинг пўлат учи ялтирар.
 Кучаяди бирдан отлар дупури,
 Жангни сезиб, кишнаб олға интилар.
 Эшитилар ёв томондан ҳайқириқ,
 Хужумга, деб буйруқ берар Утаган.
 Карнайларнинг бонги — жангга чақириқ!
 Ёв устига от суради Утаган.
 Тўрт тарафи қирлар билан ўралган

Кенг сойликда кўтарилар чанг-тўзон.
 Тўзон билан гўё ерга тўкилган
 Булут бўлиб кўтарилар қизил қон.
 Ёнбошида ёрин олиб Ўтаган,
 Чақмоқ бўлиб ёриб ўтар тўзонни.
 Ёв сардори унга найза ўқталган,
 Ҳайқириққа тўлдирганди майдонни.
 Душман жангда нима қўлласа унга,
 Уша қурол билан борар Ўтаган.
 Мана ҳозир камон тутган малъунга
 Камон билан қарши чиқди у бирдан.
 Икки ёқдан шиддат билан учди ўқ,
 Кўтарилди Ўтаганнинг қалқони.
 Жангда зарбга зарба керак, шафқат йўқ,
 Ботир солди ишга чочи камонни.
 Ёв совутин чокидан ўқ зиҳ очди,
 Сўнг томоғин ушладию жим қолди.
 Оти эса ортга силкиниб қочди,
 Эгасини ташлаб кўздан йўқолди.
 Камон жанги авжга чиқди майдонда:
 Ўтаганга елка қўйиб Дурдона,
 Қарши туриб ёвга орқа томондан
 Қайтарарди ҳамласини мардона.
 Бутамонлик баҳодирлар елкадош,
 Уқ учарди ёвга яқин-йироқдан.
 Чопқир отлар туёғидан учар тош,
 Гўёки сув тошган каби қирғоқдан.
 Сардор този Дурдонага от қўяр,
 Қилич билан олмоқ бўлар бошини.
 У бўлса-чи, ёв бошини мўлжаллар,
 Ёстик айлар унга сойнинг тошини.
 От қўяди ботир қизга бошқа ёв,
 Найза санчиб парчалашни ўйлар у.
 Лекин унинг дили беролмайди дов,
 Отдан учар бўлганида рўбарў.
 Вазмин туриб Ўтаганнинг ёнида,
 Ёвни бошлаб қирар эди сўғди қиз.
 Қанча ўлик қолди жанг майдонида,
 Шон кўкида Зухро бўлди бу юлдуз:
 Жанггоҳдаги қирғинлардан толгандай
 Гўё қондек қизарганча ботди кун.
 Шафақларин сой тошлари олгандай
 Қип-қизариб, кўпчиб ётарди бутун.
 Ҳайқириқлар тиниб қолди майдонда,
 Толган эди жангдан ҳар икки томон.
 Бундай уруш бўлмаганди жаҳонда,
 Сувсиз сойдан сув ўрнига оқди қон.
 Аста-секин ортга қайтди тириклар,
 Ёв ҳам қочди йўқотганча ҳушини.
 Сой тошидай тўп-тўп ётар ўликлар,
 Қузғунларга ем этганча гўштини...
 Қир ортига чодир қурди Ўтаган,
 Дурдонани отдан кўтариб олди.
 Азиз ёри жангда қаттиқ чарчаган,
 Ерга тушиб мардга суяниб қолди.

VII

Бир ўлим бор ҳар йигитнинг бошида,
 Бир ўлим бор элсевар қиз йўлида.
 Мардлар турар кучли ёвнинг қошида,
 Қўзғалади — қуроллари қўлида.
 Адирларга кўз ташлайди Ўтаган,
 Чумолидай уймалашар унда ёв.
 Ёнбошида Дурдонаси термулган,
 Нигоҳи дер: «Жанг бўлади беаёв!»
 Дурдонанинг елкасига қўл қўяр,
 Видолашар қулочини кенг ёзиб.
 Бир нимани сезган каби дил куяр,
 Жавоб бергин, дейди ёв бошин узиб!
 Урилади ногоҳ қонли жангга бонг,
 Қўтарилар туёқлардан чанг, тўзон.
 Рўшноликка ўрин бериб кумуш тонг,
 Ярқирарди порлоқ қуёшдан осмон.
 Борар қўшин олдида мард Ўтаган,
 Ёнбошида Дурдонаси — жаҳони.
 Икки ён ҳам шиддатли жангга ўтган,
 Бундай жангни кўрмаган жанг майдони.
 Тўда билан тўда ўтди ҳамлага,
 Авжга минди қийқириғу, қию чув.
 Ўтмоқ бўлар орқа ёндан зарбага,
 Жангни кўрган този¹ эди айёр, қув.
 Ўз ерида жангга кирган ҳар посбон,
 Эл меҳридан сезар танда жасорат.
 Унда мадад берган каби ер, осмон,
 Юрагида сезар шаҳду чўнг қудрат.

□

Ёв сардори ёлғиз ўзи югурди,
 Ким зўр бўлса ёвин юлқир эгардан.
 Бир нима деб този бирдан ўкирди,
 Ўтагани тутмоқ бўлди елкадан.
 Лекин марднинг қора оти чап берди,
 Оёғини кўтардию ташланди.
 Ўтаган ҳам анойимас, чайирдир,
 Паҳлавонлар олишуви бошланди.
 Сўнгги кучин йиғиб бирдан Ўтаган,
 Ёв сардорин ушлаб олди қўлидан.
 Кейин қисиб, айириб мадоридан,
 Ғазаб билан маҳкам тутди белидан.
 Ёв сардори от устидан йиқилди,
 Улоқ каби ердан олди Ўтаган.
 Ўлжасини қўшин ичра келтирди,
 Кўтаролмас Марвон бошин ҳеч ердан...
 Жангчиларни жангга бошлар паҳлавон,
 Яна қонли ур-сур бирдан авж олар.
 Кўтарилар кўкка қараб чанг-тўзон,
 Порлаб турган қуёш кўздан йўқолар.
 Тин олмади оқшомгача ботирлар,
 Бу тарихда энг даҳшатли жанг бўлди.

¹ Този — босқинчи араблар маъносида.

Кучдан қолиб, ҳатто чополмас отлар,
 Ёв кўпайиб, мардлар ҳоли танг бўлди.
 Ерда ётар қанча-қанча эр йигит,
 Жонин берди ватан, деб не аёллар.
 Ҳатто чоллар ёвга бўлди бетма-бет,
 Сўнгги ўқин отиб бўлди камонлар.
 Аҳвол оғир... қуёш ботиб бормоқда.
 Ёрга айтар сўнгги сўзин Утаган:
 «Бир кун келар, душман кетар, эл қолар,
 Унутмайди бизни азиз бу ватан!
 Сен билан мен қолдик фақат жанггоҳда,
 Мана бугун биз тўкамиз қутлуғ қон.
 Ватанимиз — онамиздир, диёримиз — жонимиз!
 То сўнгги дам бўлгаймиз унга посбон.
 Келгиндига даҳшат солиб ўлайлик,
 Овозимиз бўлсин момақалдироқ.
 Кел, гулханга энди меҳмон бўлайлик,
 Ҳокимизни олсин шу қутлуғ тупроқ...»

□

Елка қўйди Дурдонажон ёрига,
 Сўнгги ўқни отиб бўлди қўш камон.
 Содик қолиб мангу вафодорига,
 Ёнбошида қонли жангда берди жон.
 Кўриб ёрин ҳалокатин Утаган,
 Гурзи билан қиличини кўтарди.
 Қора оти учиб кетди жойидан,
 Ёв ичидан чақмоқ бўлиб ўтарди.
 Мард қаҳрини билган каби қора от,
 Айланарди тозиларга чап бериб.
 Гурзи уриб, қилич солиб мард бот-бот,
 Учар эди манфур ёвга зарб бериб.
 Ерда ётган дилдорига куюниб
 Яқинлашган ёвга даҳшат соларди.
 Душман эса орқасидан беркиниб,
 Тириклайин қўлга олмоқ бўларди.
 Ёв нияти пучга чиқиб охири
 Тўдалашиб, четдан узишди камон.
 Йиқилди от ва Утаган суворий,
 Ажралди мард фарзандидан Бутамон.
 Йиқилган от аста қалқиб қўзғалди,
 Давра қурган ёв жим қараб турарди.
 От Утаган камарин тишлаб олди,
 Қалқиб-қалқиб қиз томонга судралди.
 Қиз ёнига олиб боргач соҳибин,
 Сўнг ўзи ҳам чўкди унинг ёнига.
 Утаганнинг юрагида жўш урган
 Қутлуғ қони қўшилди ёр қонига...
 Душман қонли қўлин артиб қўзғалди,
 Мағлуб бўлган элда ўрлади фиғон.
 Икки марддан мангу афсона қолди,
 Давраларда тилдан тушмас у ҳамон...

ХОТИМА

Улмас экан халқ дилида қаҳрамон,
 Яшар экан эли билан умрбод.

Мен яйловда кўрган мўйсафид чўпон,
Элни севган ботирларни этди ёд.
Дурдонадан сўзлаб менга ҳикоя,
Ўтагани мадҳ этиб сўнг қўзғалди.
Юрагимда Ўтаган ва Дурдона —
Афсонаси азиз куй бўлиб қолди.
Хаёлимда жонланади икки от,
Уйнаб, кишнаб кўринади кўзимга.
Эслатгандай қадим эртакни бот-бот.
Тилсиз еллар урилади юзимга.
Силкинади елдан олтин бошоқлар,
Моторларнинг гуриллаши тинмайди.
Туташ гулшан бўлиб яқин-йироқлар,
Юрган билан охири кўринмайди.
Бир замонлар жанггоҳ бўлган тақирлар,
Мардлар қўли билан бўлибди бўстон.
Яйдоқ турқин ўзгартириб тоғ, қирлар,
Ширин-шакар меваларга бўлмиш кон.
Адирларни ошиб ўтсам, кўнглимга
Боғу роғлар сўзлар ажойиб дoston.
Мен ҳам жангчи бир фарзандман элимга,
Измидадир танимдаги томчи қон.
Мен уларни эсладиму кўнглимда
Туғён қилди бу қадимий ишқ — дoston.
Қўшиқ этдим уни бахтли элимда,
Сарлавҳасин қўйдим «Икки томчи қон».

1977—79 йиллар
Тошкент.

Худойберди Тўхтабоев

Қасоскорнинг ойини боши



ТАРИХИЙ-САРГУЗАШТ РОМАН

ҚАСОС АЛАНГАСИ

ИККИНЧИ ҚИСМ

I боб

Ҳамдамбойнинг васвас касалига
дучор бўлгани

Қишлоқ оқсоқоли чиқиши билан осма қозончада шўрва кў-
тариб Сергей табиб кирди. Қозончани стол устидаги темир
гардишга қўйиб, сопол товоқларга қуя бошлади.

— Хўш, қалай одам экан?

Намоз ишни бунчалик тез ва осонгина битганидан ўзида йўқ севи-
ниб ўтирган эди:

— Бебаҳо одам экан!— деб қўйди.

— Ҳали сенга унинг кўп ёрдами тегеди. Қани, берироқ кел. Бора-
бора сенга қўшилиб кетиши ҳам мумкин, лекин ўта эҳтиёткор одам.
Бунинг устига, пулга ўчилиги ҳам бор. Мулк сотиб олмоқчи... энди гап-
нинг навбатдагиси шуки, сен Иванбойникида юрганингда Назар Мат-
веевични танирмидинг?

— Печкачими? Болаликдаги ўртоғим-ку!

— Ҳа, ўша Сурен Дадаян деган арманини-чи?

— «Паноҳи сағирон»дан Иванбойникига уни мен олиб борганман.

— Шу икки йигит сенинг отрядингга қўшилмоқчи.

— Рост айтаяпсизми?

Охири. Боши ўтган сонда.

— Иккови ҳам ҳозир сени Шокирбойваччанинг обжувозхонасида кутяпти. Хўжайинларининг шолисини оқлатгани келишган экан. Рози бўлсанг, бугуноқ от-араваси, шоли-полиси билан сенга қўшилиб олишмоқчи улар.

— Мен кетдим, Сергей амаки!— Намоз ўрнидан сакраб турди.

— Утир,— бегоқат йигитнинг елкасидан босди Сергей табиб,— етим укаларинг билан сўзлашишни истамайсанми, шунақа тошбағир бўлиб кетдингми?

— Юрагим эзилиб турибдию,— иккиланиб деди Намоз,— лекин менинг бу ерга келганимни пайқамаганлари маъқулмиди?

— Пайқамаганлари маъқул эмиш... сени Самарқанду Ургут билан мана шу етимчалар боғлаб турибди ҳозир.

— Йўғ-е!

— Нима, Сергей табибнинг алоҳида чопари бор, деб ўйлабмидинг. Хўш, нега энди сенда алоқачи бўлганда, менда бўлмас экан! Лекин, полвон, икковидан ҳам яхши доктор чиқади. Аввал яхшилаб саводини чиқариб олай, ўлмасам, Петербургга жўнатаман бу етимчаларни... Ҳайит, Тўхташ, бу ёққа келинглари!..

* * *

Қуролланган насоскор йигитлар сони олтмишдан ошиб кетди.

Намоз уларни олти тўдага ажратиб, ҳар бир тўдага ўн-боши тайинлаб, олти томонга жўнатиб юборди. Тўда йўлга чиқиши олдидан Намоз ҳар бир йигит бўйнига ўз қўли билан тумор тақиб:

— Хўш, дўстим, туморга нима деб битилган?— деб сўради.

— Ҳазрат Навоийнинг сўзлари битилган.

— Такрорла ўша сўзларни!

«Илгимдан келгунча золим тигин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом малҳамин кўйдим».

— Бу сўздан қайтсанг не бўлар?

— Қатлимга розиман!

Шу йўсин Намоз Пиримқул ўғлидан оқ фотиҳа олган қасоскорлар учқур отларга миниб олиб, гоҳ Қаттақўрғон, Хатирчи, Зиёвуддин бекликларида, гоҳ Ургут, Китоб тарафларда, гоҳ Жом тоғлари этакларида пайдо бўлиб қолишар, бундай пайтларда йиллар давомида гердаийб ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб келган бою амалдорларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қоларди. Бойлигини беркитиш учун жой ахтариб юрган бойлар орасида ҳаммасидан кўпроқ ваҳимага тушаётгани Ҳамдамбой эди.

Намоз Ҳамдамбойдан туҳмат қилиб, ноҳақ қаматгани учун ўч олармиш, бола-чақасидан тортиб ҳаммасини оёғидан осмоқчи эмиш, бир танга ҳам қўймасдан бойлигини тортиб олмоқчи эмиш, деган мишмишлар, хунук овозалар тарқалиб кетган эди.

Қатта интиқом куни яқинлашиб келаётганини бойбуванинг ўзи ҳам сезиб турарди. Намозга ноҳақ туҳмат қилганидан кўнглининг қареридадир бир хижиллик, қора бир тугун пайдо бўлган, ҳатто кечирим сўраб олдиға борсам қандай бўларкин, деган ўй ҳам тугилган эди унинг кўнглида.

Бойбуванинг ташвиши кун сайин ортар, бу ташвиш ваҳимага айланиб, ўзини қўйрга жой тополмай, тузоққа илинган беданадек тинирчилаб юрарди. Аввалиға пойлоқчини кучайтирди; бўлмади. Пойлоқда турган йигитлар худди Намознинг қасоскорларидек кўриниб кетаверди кўзига.

Тиллаларини сандиққа солиб, чўлга яшириб келди; яна бўлмади. Назарида, ҳамма бойлигидан бир йўла маҳрум бўлиб қолаётгандек туюлаверди. Бора-бора бойбува кўчага ҳам чиқолмай қолди. Гоҳ

уйқусидан: «Қоч, Намоз келяпти!» деб бақириб уйғонадиган одат чиқариб, ухлашга ётгани қўрқадиган ҳам бўлиб қолди. Бойбува тилла тўла сандиқчани бағрига босиб, гоҳ ҳовлига югуриб чиқар, гоҳ ертўлага тушиб кетар, гоҳ молхонага кириб олиб, қўлини милтиқ қилиб: «Пах-пах-пах!!!» деб кимлар биландир ўзича отишма бошлаб юборарди.

Бойбуванинг васвас касалига чалиниб қолгани аниқ эди. Уғилқизлари ташвишга тушиб валинеъматларини ўқитиш, дам солдириш учун бугун галахатм буюришган. Чиллаёсин билан хатми қуръонни қўшиб ўтказмоқда эдилар.

Авжи саратон палласи эмасми, гарчи бойбуванинг ичкари-ташқарили ҳовлиси дов-дарахтга кўмилган, майдончаларга анвойи гуллар экилган бўлса ҳам, бари бир, атроф дим, меҳмонлар бирови райҳон дастаси билан, бошқаси оппоқ рўмолча билан юзи, кўксини елпиб ўтиришибди. Ичкарида икки катта сўри ёнма-ён қўйилган, ўн беш чоғли ориқ-семиз муллалар чўкка тушиб: «Ё Саттор! Ё Ғаффор!» дейишиб, бир-бирларига гал бермай, бошларини ғалати-ғалати силкитишиб дуо ўқишмоқда. Пар ёстиқларга беҳол ёнбошлаб олган Ҳамдамбойнинг кўзлари чирт юмуқ, карахт қулоқлари остида ҳар сўзи сеҳрлидек жаранглаётган дуои афсунларга кўнам ларво қилмаётгандек, аммо, ўн беш мулло бир оғиздан: «Куф! Суф!» деганда пайдо бўладиган енгилгина нафасдан мисдек қизиб турган тани хийла роҳатланаётганга ўхшарди. Лекин, бари бир, шу пайтда бойбуванинг руҳи инжиқ, ўзи бетоқат. Намоз кўзидан нари кетмаяпти. «Йўқ, у мени ўлдиради, албатта ўлдиради,— хаёл сурарди бойбува,— бўғиб ўлдирса ҳам ажаб эмас. Ўлдиради-ю, тилла тўла сандиғимни олиб қочади...»

— Сандиқ қани?— сакраб ўрнидан туриб кетди Ҳамдамбой.

— Бойбува, марҳамат қилиб ўтирсинлар, худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади,— бир овоздан дейишди ориқ-семиз муллалар.

Бой ўтирганларга шубҳа билан бир-бир қараб чиқди-ю, ўрнига ёнбошлаб яна кўзларини юмди. «Муллалар орасида ҳам унинг одамлари бор... ҳа-ҳа, сезиб турибман...» фикридан ўта бошлади унинг.

Ташқари ҳовлида ҳам икки сўри бир-бирига бирлаштирилиб, катта жой ҳозирланган. Бу ерда Даҳбетнинг йиғирма гузаридан, узоқ-яқин қишлоқларидан ташриф буюрган бою бойваччалар, бойнинг дастурхонидан тортинмай таом ейишга ҳадди сиққан ҳамдард улфатлар ўтиришибди.

Суҳбат, табиийки, Намоз Пиримқул ўгли ҳақида боряпти. Меҳмонлар «Туркистон ўлкаси» газетасида босилган Намоз ҳақидаги хабарларни ўқиб, эшитишяпти. Оқ саллалани, сўрпдан яқтак кийган чуваккина бир муллавачча газета ўқир, бошқалари елпинишиб, жим қулоқ солишар эди.

«Намоз тўдалари важдан,— ўқий бошлади муллавачча,— Даҳбет пристави, Даҳбет волостной управители Мирзаҳамид Ҳасанбой ўгли. Замонбек Ҳамдамбой ўгли ўз йигитларини қуроллантириб, яхши тараддуд кўриб турибди...»

— Тараддуд кўриб турган эмиш!— гижиниб қўйди ҳаво димлигидан катта қорни темирчининг дамидек кўтарилиб тушаётган ўрта ёшли хўппа семиз бир киши,— олдига тушиб қочиб юришган бўлишса-чи!

— Гап қўшмасинлар!— деди чан қулоғи йўқ, қулоқ ўрнида ёш боланинг киндигидек бир нарса бўртиб турган кўк саллалани бошқа бир киши.

«Намоз, Абдуқодирхўжа, Эшбўри,— дона-дона қилиб ўқий бошладим муллавачча,— каби босмачи ўғриллар кўп нафар надимлари билан

ҳеч кимдан қўрқмай, Каттақўрғон уезида баҳузур юрган эмишлар. Аларнинг юрган йўллари ва ётган жойлари жами фуқароларга гарчи маълум бўлса ҳам, аммо, ул босмачилардан қўрққанларидан сўраган амалдорларга, қўрганим йўқ, деб жавоб берар эмишлар. Мундоқ бўлганда, мазкур ёмон босмачи ўғрилари ҳеч ким тута олмаса керак...»

— Тугиб ҳам бўпти,— тўнғиллади хўппа семиз меҳмон.

— Ҳой мусулмон, жим бўлинг деяпман!— овозини хиёл кўтариб деди бир қулоғи йўқ бойвачча.

Муллавачча бошқа бир газетани олиб, мен сендан камми деб бир-бирини писанд қилмай ўтирган меҳмонларга кўз ташлаб олгач, худди хатми қуръонда ўтиргандек тиловат оҳангида яна ўқий бошлади: «Ўтмиш жума куни Намоз ўз надимлари билан Самарқанд шаҳрига кириб, бир бойнинг ҳовлисини босибдур...»

— Ҳозир Каттақўрғонда юрган эди-ку!— сўради бойвачча.

— Ҳамма бало шунда-да,— уҳ тортиб деди бошқаси,— бугун Каттақўрғонда, эртага Самарқандда... эҳтимол, биз ўтирган сўрининг остида ҳам тўртгаси беркиниб тургандир.

— Ҳой, нафасингизни сал иссиқроқ қилинг,— кўкрагига бир туфлаб олди серсоқол меҳмон,— саратонда ҳаммаёқни музлатиб юбордингиз-ку!

«Намоз Хатирчига бориб, бир бойнинг олтиш минг сўм пулини олиб, андин Мир деган қишлоққа ўтиб, анда бир ҳиндининг етмиш минг тангасини олиб кетибдур. Намоз Хатирчида катта бир базмнинг устидан чиқиб, ўшал базмга жам бўлган мўътабар зотларга ҳаммаларинг дуру ҳамёнларингни ўртага ташланглар, деб амр қилиб, ҳаммаларининг ҳамёнларини йиғиб олиб кетиб қолибдур».

— Бас қилинг, мулло!— тоқати тоқ бўлиб деди хўппа семиз бой,— Ҳадеб бой-бой деяверасизми!.. Ўндан кўра бирор қарорга келсак бўлмайди! Ким бўпти ўша ялангоёқ. Менга дуч келмаяпти-да, келганда, қулоғининг тагига икки тарсаки тушириб, далага олиб чиқиб, ҳўкизнинг ўрнига қўшиб, ер ҳайдатар эдим.

— Намозни-я?!— қўрқиб у ёқ-бу ёғига бир қараб олди бир қулоғи йўқ бойвачча.

— Ким бўпти у, ҳаммаларинг ваҳима қилаверасанлар. Ваҳима қилаверибу, бойбувамни расво қилдиларинг... Худо хаққи, ҳозир шу ерда бўлганда, ўша Намоз билан бир муштлашган бўлардим.

Гарчи хўппа семиз бой ўзини ҳеч нарсадан қўрқмайдиган қаҳрамон қилиб кўрсатаётган бўлса-да, аслида, дуёнинг барча ваҳимаси унинг ичига қамалиб олган, азбаройи қўрққанидан шундай деяётган эди.

Суҳбат бора-бора кучайиб, энди Намоз уёқда қолиб, меҳмонлар Самарқанд ҳокими полковник Чертов жанобларини, юртнинг мингбошисини гадаблай кетдилар, юртнинг осойишталигини ўйламай қўйишди, деб улардан норози эканликларини айта бошладилар.

Хўппа семиз бойвачча суҳбатни қаёққа бурмасин, бари бир, охири бориб Намозга тақалаверди. Модомики, ҳоким жанобларининг шунча аскар, мингбошининг тўқсон навқари ўша баттол Намознинг йигитларига бас жела олмаётган экан, демак, энди Самарқанд ҳарбий губернатори ишга аралашмоғи даркордир, деган хулосага келдилар. Шу депаранинг ороми бузилган жаъмики пулдуру савдогарлари бирлашиб Намоз устидан арз битиб, генерал губернаторга вакил юборсак қалай бўларкин, деган таклифлар ҳам ўртага ташланди... ахир тоқайгача бир ялангоёқ йигит туфайли юрак ўйноғи билан яшаймиз, йўқ, етар энди, пичоқ бориб суякка етди. Эртадан қолмай арзнома битганимиз бўлсин, деган қарорга келишди охири бойваччалар.

— Ҳой, азизлар, манти совиб қолди,— таомга таклиф қилди бир қулоғи йўқ бойвачча.

— Бай-бай-бай, манти эмас, қуйруқнинг ўзи-ку бу!— деди бошқаси лабларини чапиллатиб.

— Ҳожи бувамнинг ажойиб пазандалари бор-да!

— Қани-қани, марҳамат қилсинлар.

— Йўқ-йўқ, ўзларидан бўлсин!

Меҳмонлар бир-бирларига таклифу навозишлар қилиб, хонадон эгаси шаънига ширин лутфлар айтишиб таърифлаб бўлмас даражада ажойиб иштаҳа билан мантиларни тушираётган эдилар, шу пайт катта дарвоза ёнидаги кичик эшикча шарақлаб очилди-ю, елкасида милтиқ, қўлида тўппонча тўрт азамат жадал кириб келиб сўрини қуршовга ола бошлашди.

— Қасоскор Намоз номидан буюраман,— кескин бир оҳангда деди тўда бошлиғи,— ҳамёнингни чиқариб ўртага ташла ҳамманг!

Ҳалиги Намоз билан учрашиб куч синашмоқчи бўлган хўнна семиз бойвачча бошқалардан қаттиқроқ қўрқиб, совуқ урган тарракдек қотиб қолди. Оғзи тўла манти, ютишини ҳам, чиқариб ташлашини ҳам билмай, лунжини шишириб бир оз серрайиб тургач:

— Ме...се...ннн...— дея қулдурай бошлади.

II боб

«Император олий ҳазратлари номидан буюраман»

Аслида европача дворянлар уйи услубида қурилиб, ичига Зарафшоннинг қўли гул меъморлари томонидан нақшлар ўйилган, ганчдан ранго-ранг гуллар солинган бу хона, синчиклаб қарасангиз, бамисоли бир чаманзорни эслатади. Хона беҳад кенг, кўзни қамаштиргудек ёп-ёруғ, безаклар устига суртилган олтин ҳаллар қуёш нурида ял-ял ёниб, сарғиш жилолар бериб турибди. Хонанинг тўрига қўйилган хушбўй ҳид таратиб турувчи сандал дарахтидан махсус ишланган гулдор креслода ҳарбий губернатор Гескет жаноблари ўтирибди. Стол устида даста-даста қоғозлар, ўқилмаган номалар... буларнинг барчаси Намоз Пиримқул ўғли устидан битилган арзномалар, шикоятлар.

«Нималар бўляпти ўзи-а?!— тепакал бошига кафтини босиб, кўзларини чирт юмган кўйи ўй сурарди генерал жаноблари.— Тавба, қаёқдаги битта ялангоёқ бошимизга шунча ғалва орттириб ўтирса-я!.. Бу ёқда Самарқанд отилишга тайёр вулқондек биқирлаб турибди. Қўшинлар норозилиги, ишчилар ўртасидаги тартибсизлик... Йўқ-йўқ!» столни муштлаб ўрнидан туриб кетди губернатор жаноблари.

Бир минг тўққиз юз бешинчи йилнинг ёзи Гескет жанобларининг ҳаётидаги энг бемаъни, ташвишлару дилсиёҳликларга тўлиб-тошган ёзи бўлди. Худонинг бир куни йўқки, бирон шум хабар келмаса. Бирон соат йўқки, хотиржамлик билан кечган бўлса... Э, тавба, нималар бўляпти ўзи...

«Тавба,— қўлларини белига қўйиб, хона ўртасида тик турганча ўй сурарди генерал жаноблари,— ҳаммасига социал-демократлар бошчилик қилишяпти. Аллақачон таг-томири билан қуритишим керак эди уларни. Ўзим бўшман, латтаман, ҳаммасига Михаил Морозов бош-қош. Юрагим сезиб турибди. Аммо, қўлимда асосим йўқ. Худо хоҳласа, асосим ҳам бўлади. Шунақанги таъзирингни берайки сен нотикнинг!.. Лекин Намоз... онгсиз, ёввойи бир махлуқ менинг губерниямга таҳ-

дид солиб ўтирса-я! Қароқчи мен билан губернаторлик талашиб ўтирса-я!

Гескет жаноблари нозик жаранг берувчи қумуш қўнғироқни оҳиста силкитиб ўрнига ўтирди. Залворли гулдор эшик овозсиз очилиб, остонада ҳарбийча кийинган, елкасидаги заррин погонларида майда юлдузчалар ял-ял ёниб турган хушбичим йигитча кўринди.

— Эшитаман жаноби олийлари!

— Қенгашга таклиф қилинганлар келдимиз?

— Буйругингизни кутишяпти, жаноби олийлари.

— Чақиринг, ўша қартабозларни бу ёққа!

Хонага бирин-кетин Каттақўргон уездининг ҳоқими полковник Чертов жаноблари, Самарқанд уезд ҳоқими полковник Уманский жаноблари, ёрдамчиси подполковник Сокольский, область полиция департаментининг полицместери полковник Гусаков жаноблари, Гескет жанобларининг барча ишлар бўйича ўринбосари полковник Сусанинлар кириб, ҳар бири ўз мавқеи, даражасига яраша жой танлаб узун стол атрофига ўтира бошладилар.

Губернатор жанобларининг феъли айнигани шундоққина кўриниб турибди. Табиатан тажанг, сиркаси сув кўтармайдиган, ҳар бир сўзини пичингу кесатишлар билан айтадиган бу кекса ҳоқимга қувноқликдан кўра кўпроқ тажанглик ярашар, қулиб сўзлагандан кўра, қовоғини уюб сўзлаганда, у хийла ёқимли кўринарди.

Генерал жаноблари ўз хонасига ташриф буюраётганларни мутлақо кўрмаётгандек баланд деразалар орқали ҳовлига кўз ташлаб ўтирарди. «Қиморбозлар,— деб ўйларди у,— бир-бирининг чўнтагини қоқлашга, хотинларини йўлдан уришга устаси фарангсанлар... пора олишда сенларга тенг келадигани йўқ. Аммо, қаёқдаги бир қароқчини бир йилдан буён тутолмай, рапорт устига рапорт ёзасанлар. Ҳозир сўз берсам, ҳар биринг ўзинини донишманд қилиб кўрсатасан, тадбиркорликда Суворовдан ошиб тушаман дейсанлар...»

— Жаноблар,— секин гап бошлади генерал Гескет,— аҳволларингни сўраб ўтирмайман, яхши бўлса керак. Меникини ҳам сўраб ўтирманглар, худога шукур, ёмон эмас. Биз бугун Намоз Пиримқул ўғли ҳақида узил-кесил гаплашиб олгани тўпландик. Билмадим, бу қароқчи қачонгача жазосиз юрар экан. Полковник Сусанин, сўз сизга!

Бундан икки ой муқаддам худди шундай кенгаш бўлганда Намоз ҳаракатини тугатиш бўйича махсус тўп тузилиб, полковник Сусанин унга бошлиқ этиб тайинланган, Самарқанддан то Каттақўргонгача бўлган бўлисларидаги аскарлар унинг ихтиёрига берилган эди. Полковник ёшига ярашмайдиган бир чаққонлик билан дик этиб ўрнидан туриб, катта чарм портфелидан қоғоз оларкан:

— Жаноби олийлари, рухсатингиз билан,— дея негадир шошилиб гапира бошлади.— Пайшанба бўлиси пристави капитан Голов рапортга қараганда...

— Қўйинг ўша рапортларни!— жеркиб берди генерал,— менга рапорт эмас, Намоз керак!

— Жаноби олийлари, уни тутиш осон бўлмапти. Ўттиз приставининг ҳаммаси сафарбар этилган... лекин...

— Нима лекин?

— Лекин, жаноби олийлари, қароқчиларнинг отлари бизларникига қараганда учқурроқ...

— Топган баҳонангизни қаранг-а,— кекса генералнинг афти галати буришиб кетди,— ундан кўра, биз ландовурроқмиз, десангиз яхши бўларди, полковник!

— Эҳтимол...

— Намознинг шайкасида қанча одам бор, аниқладингизми?

- Тахминан икки юзга яқин.
- Аниқ айтолмайсизми?
- Аниқ маълумот йўқ, жаноби олийлари.
- Ҳаммаси қуролланганми?
- Бир нарса деёлмайман.
- Намоз ҳозир қаерда ҳаракат қиляпти?

— Кечаги маълумотга кўра, — папкасидан бир қоғоз олди полковник Сусанин, — бирам номлари қийинки, ҳа, мана, Жўйидевона атрофларида ҳаракат қиляпти.

Дарғазаб генерал билан довдираб қолган полковник ўртасида бўлаётган асабий савол-жавоб Қаттақўрғон уезд ҳокимининг бир луқмаси билан тўсатдан тўхтади.

— Кечирадилар, — деди у ўрнидан ярим туриб, — Намоз ҳозир Метан бўлисида, қўлимда аниқ маълумот бор.

— Менимча, — гапга аралашиб эътироз билдирди Самарқанд уезд ҳокими, — Намознинг отряди шу кеча-кундузда Нурота томонларда юрибди.

— Намознинг ўзи қаерда, деяпман?! — генералнинг бу саволи мунозара бошлашга тайёр турган жанобларнинг ҳаммасига қаратилган эди. Тик турган Сусанин савол менга берилди деб ўйлаб «турли жойларда мустақил ҳаракат қилаётган отрядларнинг барчаси Намоз номи билан иш юритади, шунинг учун унинг ўзи шахсан қайси отряд ичида эканлигини аниқлаш жуда мушкул...» деб суҳбатга аниқлик киритмоқчи бўлган эди, кекса генерал энди росмана тутақиб кетди. Тутақиб кетганда, губернатор жанобларининг овози жуда майин, худди эркалаётгандек бўлиб эшитиларди:

— Азизим, ҳозиргина Намоз Пайшанбада деб қасам ичаётган эдингизку, — аччиқ киноя билан сўради генерал, — ёки мен янглиш эшитдиммикан?

— Мен жаноби олийлари...

— Хўш? — тўсатдан оқ оралаган сийрак қошлари ғалати чимирилиб кетди генералнинг. — Уни тутмоқ учун қандай чоралар кўряпсиз?

— Аввало, отряд аъзоларини аниқлаяпмиз.

— Яхши.

— Намоздан пул олган, наф кўрган кишиларга жарима соляпмиз, шундай қилиб уни яккалаб қўймоқчимиз.

— Чакки эмас.

— Намозни беркитган кишиларни қамоққа олиш ҳақида буйруқ бердик.

— Жуда соз.

— Дин пешволари номидан, Намоз Пиримқул ўғли диндан қайтган, деб эълон қилдирдик.

— Хўш, яна?

— Қозилар суди Намозни отиб ўлдиришга ҳукм чиқариб бердилар.

— Азизим, буларнинг ҳаммаси яхши, — деб қўйди генерал жаноблари, — лекин, у босқинчини отиб ўлдириш учун аввал қўлга тушириш керак-ку! Чиройли тадбирлар белгилаяпмизу аммо, натижа чиқмаяпти. Библи қўйинг, Туркистон генерал губернатори Градетов жаноби олийлари қаттиқ ташвишдалар. Ҳар куни, ҳар соатда ахборот бериб туришимни талаб қиляптилар.

Гескет жаноблари кенгашга иштирок этаётганларнинг барчасидан Намоз ҳаракати хусусидаги фикру мулоҳазалари, бу юқумли касалликнинг олдини олмоқ учун қандай чораи тадбирлар белгилаётганларини алоҳида-алоҳида сўраб чиқди. Рус офицерида қаттиққўллик,

тадбиркорлик етишмаётганлиги, шунинг учун ҳам бевош авом қарши-сида ожиз бўлиб қолаётганликлари ҳақида алам билан, узоқ гапирди.

— Жаноб Гусаков, сўз сизга!— деди генерал сўзлашдан чарчади шекилли, юмшоқ ўриндиққа аста чўкиб.

Полицмейстер Гусаков унинг ахборотини биринчи бўлиб тингламагани ва кунаро етказиб турган рапортларини лоақал гап орасида бўлса ҳам эслатиб ўтмагани иззат нафсига тегиб, Гескет жанобларидан хафа бўлиб, «Генерал бўлсанг ўзингга, вайсақи хотинга ўхшаб ҳадеб жоврайверасанми», деган сўзларни фикридан ўтказиб ўтирганди. Шошмасдан ўрнидан турди:

— Жаноби олийлари, умуман биз ҳам бир талай тадбирлар белгилаб қўйдик.

— Масалан?

— Масалан, ҳар бир қишлоқда агентларимиз бор. Улар бизни керакли маълумотлар билан таъминлаб туришибди. Тўғри, маълумотлар кечикиб келяпти, қишлоқлар ўртасидаги алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Сусанин жанобларининг фикрига қўшиламан. Қароқчилар бағоят учқур отларга миниб олганлар. Кўпинча биз уларни қувиб етолмаяпмиз. Буниг устига, авом халқнинг кўпчилиги Намоз тарафида. Буни ҳам унутмаслигимиз керак. Айтишларича, у йўқсилларга пул билан, озиқ-овқат билан ёрдам бераётган эмиш. Лекин, шундай бўлса ҳам, Намоз номи билан ҳаракат қилаётган баъзи бир отрядларга ўз одамларимизни киритишга муваффақ бўлдик..

— Мана бу тадбирингиз зўр бўлибди, жаноби полковник!— хурсанд бўлиб кетди шекилли, генерал кафтларини бир-бирига ишқаб қўйди.— Евнинг ташида бўлгунча, ичида бўл деган гап бор. Гарчи бу эски гап бўлса ҳам, ҳеч қачон эскирмайдиган ҳикматдир. Буни унутмаслигингизни сўрайман, жаноблар. Қўрғонни ташидан ололмасақ, ичидан нуратишимиз керак. Хўш, давом этинг.

— Намозни тирик тутиб келган ёки бошини кесиб келган кишига катта пул ваъда қилдик,— ахборотини давом эттирди полицмейстер жаноблари.

— Бу энди эски гап. Лекин, менга қаранг, полковник, сиз ўша катта пулни қаердан оласиз? Битта каллакесарни деб пошшолик хазинасидаги пулни исроф қилишга қандай журъат этдингиз?

— Жаноби олийлари, рухсатингиз билан айтсам, бу маблағ хазинадан олинмайди. Намоздан жабр кўрган, ундан кўрқиб юрагини ҳовучлаб юрган пулдорлар, ҳокиму мингбошилар Намозга қарши ишлатингиз деб жуда катта маблағ жамғариб бердилар... биз мукофот пулни ана шу жамғармадан берурмиз.

— Офарин, мана бу тадбирингиз ҳаммасидан зўр бўлибди!— Гескет жаноблари оҳиста қарсак чалиб қўйди.— Лекин, жаноб полковник, менга айтинг-чи, қароқчи Намознинг боши сиз айтган юз минг тангага арзирмикан?

— Арзийди,— бир дақиқа тўхтаб, сўнг мийигида кулганча давом этди полицмейстер,— агар ўзимизнинг бошимизни эҳтиёт қилишни истасак, арзийди!

— Нима, Намоз бизга ҳам таҳдид солади деб ўйлайсизми?— мийигида кулиб, истеҳзоли бир оҳангда сўради губернатор.

— Намоз ҳозир Самарқандда!!

— Нима?!

— Бугун кечаси Еқубхон бойнинг уйини босди!

— Менинг қандолатчимни-я!— икки кафтини столнинг қирғоғига босиб секин ўрнидан тура бошлади кекса генерал.— Еқубхон бойни-я?

— Ҳа, ўшани!

— Император олий ҳазратлари номидан буюраман,— худди катта

қўшинни ҳужумга олиб кираётгандек бир важоҳат билан деди генерал.— Қароқчи Намоз отрядини бир ҳафтага қолмай тугатасиз! Тугатмасангиз, ҳаммангизни ишдан олиб ташлайман!

III боб

Мулла Садафнинг номаси

Намоз йигитлари билан амирликнинг Зиёвуддин беклигига қилган юришидан катта зафар билан қайтди. Бекликка қарашли бир юз йигирма қишлоқнинг деярли ҳаммасида Намознинг таъсири кучли эди шу пайтда. Қорачи тоғ этакларидagi Тошқудуқ, Энкичик, Учбулоқ мавзеларидagi катта-кичик қишлоқлар амирликка солиқ ҳам тўламай қўйишди. Бекнинг ўлпон йиғувчи одамларини калтаклаб жўнатишди. Зиёвуддин қалъасининг беги амир Султон ўзининг яхши қуролланган етмиш навқари билан Намоз олдида ожизу нотавон бўлиб қолди...

Эр-хотин бир пиёладан муздек-муздек сув ичиб улгурмаслариданоқ эшик ёнида Қенжа қоранинг тер қуйилиб кетган қоп-қора юзи кўринди. У шундай чаққон бир ҳаракат билан ўзини Намознинг оёғи остига ташладики, Насибанинг назарида худди оғир бир нарса уйнинг шифтидан узилиб тушгандек бўлди.

— Бек ака!— йиглаб юборди Қенжа қора.

— Нима гап?— асаблари таранг тортилди Намознинг.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг!

— Нима гап ўзи?

— Кела-келгунча йиглаб келдим.

— Тезроқ гапирсанг-чи!

— Юрак-бағрим адо бўлди, бек ака!.. Айтсам тилим куяди.

— Итвачча!— Намоз шундай бир ўқирдики, Қенжа қоранинг капалаги учиб, бир дақиқада ҳалиги руҳий тутқаноғидан асар ҳам қолмади, оғир-босиқ, мўмингина бир йигит бўлиб қолди.

— Сизга шум хабар келтирдим, бек ака!

Қенжа қора чўнтагидан хат чиқариб Намозга узатди. Узатди-ю, орқасига тисарилиб, қўлларини қовуштирган кўйи бошини солинтириб, жим тураверди... Нома сариқ шилдироқ қоғозга битилган бўлиб, тумор шаклида тахланган эди. Намоз шошилиб очиб, овоз чиқармай ўқий бошлади: «Бисмиллоҳу раҳмонур раҳим.

Етим-есирларнинг, фақир ҳақирларнинг, беваю бечораларнинг пушти паноҳи бўлмиш Гўрўғли сифат паҳлавон Намозбекка етиб маълум бўлсинким, ушбу номаи арзномани битувчи Жарқишлоқ масжиди мутаваллиси камина Мулла Садафдурман. Жарқишлоқ аҳли бошига тушган бир фалокатдан сизни огоҳ этмоқни олло таоло кўнглимга солибдур. Ва жаъмики авлиёлар қўлимга қувват, кўзимга нур берибдурлар.

Бўлис ҳокими Мирзаҳамид қишлоққа босқин қилиб, сизнинг қайсинглингизни — ҳусни **ма**лоҳатда якка-ягона Одинабибини ўғирлаб келмишдур.

Бул кўргилик шундай содир бўлмишдир. Пешин намози палласида, аҳли мусулмон масжидга жамулжам бўлган бир аснода, беш суворий Жавлонқулнинг (худо унга сабру қаноат ато қилгай) кўча эшиги олдида отдан тушиб, ичкари кирадурлар ва: «Мен юрт ҳокими Мирзаҳамид бўлурмен, оталаринг қани?» деб савол қилгайлар. «Отамиз намозга кетган», деб жавоб берурлар. Сўнг суворийлар ичкари кириб, бемор ётган хаста қайнонangиз (худо бул кишининг дар-

дига тезроқ шифо бергай!) ва ҳамда икки қизалоқнинг қўл-оёғини боғлаб, устиларига кўрпа тортадурлар. Хамир қориб ўлтирган Одинабибини чакмонга ўраб олиб қочадурлар.

Ҳамияти топталган Жавлонқул масжиддан чиқиб, уч-тўрт жувонбаччани ёнига олиб маҳкамага югурибдир. Ва лекин юрт ҳокими «Минбаъд бу иш менинг томонимдан содир бўлмаган», деб қасам ичиб, тонибдур.

Бир ҳафтадирким, бокира Одинабидан ному нишон йўқдур.

Илоё омин, қиз ўғирлаган бадкирдорларнинг юзи дўзах ўтида куйгай

Илоё омин, бадном бўлган Жавлонқулнинг хонадонини худои таоло қувончли дамларга етказгай.

Илоё омин, фуқаропарвар Намозбойнинг жони ҳамиша омон бўлгай, оллоҳу акбар!

Бармоқ босдим — Мулла Садаф».

Намоз хатни ўқиб бўлиб, яна тумор шаклида тахлаб, чўнтагига соларкан, секин ўрнидан турди. Ҳалидан буён қўл қовуштириб, таъзим бажо қилиб турган Кенжа қорадан:

— Қишлоқда қачон бўлдинг?— деб сўради.

— Кеча оқшом ўша ерда эдим.

— Бу ҳақда ҳозирча йигитлар ҳеч нарса билмасин, уқдингми?

— Уқдим.

— Бор, энди дамнингни ол.

Насибанинг юраги нохуш бир хабарни сезгандек безовта бўла бошлади. Онаизори бетоб эди, ё ўшанга бир нарса бўлдимикан. Намоз акаси нега жим, нега ўй суриб кетди? Ё, сўрасаммикан?? Йўқ, бундай пайтда унга гап қўшиб бўлмайди. Жеркиб беради.

Насиба, бари бир, тоқат қилолмади...

— Тинчликмикан?

Намоз Насибага ўгирилиб, базўр жилмайди:

— Тинчлик, жоним.

— Онамдан ташвишдаман.

— Худо хоҳласа... ҳаммаси жойида бўлади.

«Нега ўша куниёқ хабар беришмади экан,— ўйларини тўхтата олмасди Намоз,— нега бу ишга мулла Садаф аралашиб юрибди. Бу номани Бибиқиз холамнинг ўзи ёзиши мумкин эди-ку? Ёки қизининг дардида куйиб, оғирлашиб қолдимикан... тавба, наҳотки Мирзаҳамид шундай қилган бўлса, наҳотки, у шунчалик пасткашлашиб кетган бўлса? Ё бойбуванинг гапига кириб қилдимикан бу ишни? Йўғ-е, Ҳамдамбой хотинбозликни ёқтирмас эди шекилли-ку... эҳтимол, мени қўлга тушириш учун шундай қилишгандир. Ҳа-ҳа, худди шу ниятда қилишган бу ишни. Бу гапни эшитиб Намоз дарҳол етиб келади, қуршаб оламиз-у, қўлга туширамиз, деб хаёл қилишган. Йўқ, чучварани хом санабсан... бечора Одинабиби, эндигина ўн олти баҳорни кўрган навниҳол эдинг-а, сингилгинам. Боғдаги атиргул гунчасидайдинг, эндигина очилиб келаётган эдинг. Наҳотки, Намоз поччангни деб сени жувонмарг қилган бўлсалар. Йўқ, мен бунга тоқат қилолмайман! Лаънатилар, ахир сенларни деб Даҳбетни ташлаб чиқиб кетдим-ку, тўрт ойдан буён ҳеч бирингни оромингни бузмадим-ку. Сенлар тинчисанг тинчиб қўя қол деб чўлу биёбонларда дайди итдай санқиб юрибман-ку. Бокира қизда нима гуноҳ, яримжон қайнотам, касалманд қайнона-бувимда нима гуноҳ! У бечоралар элу юртнинг кўзига қандай қарашади энди!.. Йўқ, тузоқ қўйган бўлсанг, ўзингни тушираман энди ўша тузоққа...»

IV боб

Кенжа қоранинг пичоғи мой ўстида

Нуриддин, Лолавоё даштлари орқали қарчиғайдек учиб келаётган ўн етти отлиқ Дарғом дарёсидан ўтиб, Чархим қишлоғига кираверишда тўхташди. Намоз хотини Насибани, борадиган жойи, бош суқиб кирадиган эшиги бўлмаган Назарни, тадбиркор жўраси Қобилни ўзи билан олиб қолиб, бошқа йигитларига уй-уйига тарқаш учун рухсат берди.

— Хабар беришим билан мен айтган жойга етиб келасизлар,— деди улар билан хайрлашаркан.

Кўз очиб юмгунча отлиқлар тун қаърига сингиб кетишди. Улар орасида Кенжа қора ҳам бор эди. Намознинг энг ишончли йигити, кўнгилга яқин сирдоши бўлиб қолган у. Намоз суюкли хотини Насибадан яширадиган сирини ҳам унга рўйи-рост айтади, маслаҳат сўрайди. Кўпинча маслаҳатига юради ҳам. Чунки, Кенжа қоранинг маслаҳати билан отряд бир неча бор фалокатдан қутулиб чиқиб кетди. Намозни қўлга тушишидан кўп марта сақлаб қолди. Намоз Қоравойни ўзига хабарчи қилиб олган. Бирор юртга жўнашдан ёки бирор қишлоққа қўнишдан олдин ахбор олиб келиш учун Кенжавойни жўнатади.

Кенжа қора Михаил тўранинг ҳам хизматларини қойиллатиб юрибди. Бир неча бор муҳим хабарлар келтириб берди унга. Турли мавзеларда ҳаракат қилаётган Намоз йигитларининг сони, кўпларининг исми фақат мана шу Кенжавойгагина маълум. Лозим топганни, ҳозирча билганим шу, деб тўра жанобларига ошкор қилади. Михаил тўра уни аллақачон, сиртдан бўлса ҳам, миршаблик лавозимига ўтқазиб қўйган, яхшигина маош тўлаб келяпти. Намоз ҳам Кенжа қорага ўнбошилари қатори ҳақ тўлайди. Ҳам ҳўрдани, ҳам бурдани деганларидек ҳозир унинг ошиғи олчи, пичоғи мой ўстида. Ҳурмат-эътибори ҳам жойида.

— Сизни мен ҳар куни кутган,— деб қўйди Михаил тўра,— кўп кутган.

Кенжа қора пилдираб уй эгасининг олдига тушаркан, шу иссиқда уйга қамалиб олганингизни қаранг-а, демоқчи эди, зарур бўлган русча сўзларни тополмай:

— Уй дим, сиз кирманг,— деб қўя қолди.

— Мен пашшадан қочган,— қийналиб тушунтирди уй эгаси. Сўнг, Қоравой бу гал мен билан дадилроқ гаплашяпти. Жуда муҳим хабар келтирганга ўхшайди, деб ўйлади.

— Сиз пашшадан қочган?— овозини бир нарда баландлатиб сўради Кенжа қора.

— Ҳа, пашшадан қочган.

— Йўқ, сиз Намоздан қочган. Ҳа-ҳа-ҳа!

«Уҳў, мен билан худди ўртоғи билан гаплашгандек гаплашяпти-ку, бу қора қўнғиз. Ҳаддидан ошиб кетибди», деб ўйлади-ю, Михаил тўра бармогини лабига босди:

— Астароқ, болалар ухлайди. Уйгонса ёмон.

— Узр, жаноблари.

Михаил тўра тунги келгиндини катта уй билан бақамти тушган торгина қабулхонасига олиб кириб, шоша-пиша шам ёқди, дераза пардасини тушира бошлади:

— Янги гап келтирди?

— Зўр гап келтирди.

- Айтсин, мен ёзай.
 — Намоз келди.
 — А?— шошилиб ўрнидан туриб кетди Михаил тўра.— Намоз келди?
 — Ҳа, келди.
 — Сиз олиб келди?
 — Йўқ, ўзи келди.
 — Биз тадбир қўллаган. У келган. Яхши. Айтсин, Намоз қаерда?
 — Отрядни тарқатди.
 — Отрядни тарқатди? Нега тарқатган? Айтсин.
 — Билмайман. Ўзи Чархимда қолди.
 — Қанча отлиқ келган?
 — Ун етти отлиқ.
 — Бу оз. Қолгани йўқолди.
 — Қолганларини ўнликларга бўлган. Қишлоқларга тарқатган.
 — Ўнлик кўп? Айтсин.
 — Амирлик тарафдагиларни айтайми?
 — Айтсин. Бизга керак. Самарқандга керак. Тошкентга керак. Петербургга керак. Тушунди?
 — Тушунди. Икки юз эллик йигити бор унинг.
 — Икки юз эллик? Ўҳ-ҳў, бу зўр. Жуда зўр.
 — Намоз қўзғолон кўтармоқчи. Тушунди, исён?
 — Исён? Яна айтсин, қанақа исён?
 — Ҳа, кузга бориб у қўзғолон кўтаради. Бойларни йўқ қилмоқчи. Ҳокиму амалдорларни осади.
 — Дорга осади?
 — Йўқ, дарахтга осади.
 — Қоровой қўрқмасин. Пошшо зўр. Менга айтсин, отрядда Намозни ёмон кўрган йигит бор?
 — Бор, жаноблари. Арслонқул уни ёмон кўради.
 — Арслонқул Сибирдан қочган? Одам сўйган? Биз уни биллади.
 — Худди ўша, жаноби олийлари. Арслонқул пулга ўч. Кўзи бўриникига ўхшайди. Тушунди? Намоздан ўч олмоқчи, тушунди? Пайт кутиб юрибди, тушунди?
 — Яна айтсин, кўп айтсин.
 — Арслонқул Намозни сўймоқчи. Мана бундай сўймоқчи,— қўлларини томоғига олиб бориб сўйиш ҳаракатини кўрсатди Кенжа қора.— Энди тушунди?
 — Ҳа, энди тушунди. Бу гап зўр. Бу гап бизга керак. Жуда керак.
 Михаил тўра ахтарган нарсасини топган кишидек мамнун жилмайиб, кафтларини бир-бирига ишқаганча торгина хонада у ён-бу ёнга юра бошлади:
 — Кенжа яхши! Мукофот кўп бўлади!

V боб

Одинабибини ким ўғирлади

Намоз бир хаёли Одинабибининг ўғирланганини хотини, Қобил, Назарларга очиқ айтиб, маслаҳатлашиб ҳам олмоқчи бўлди-ю, лекин бу фикрдан тезгина қайтди. Йўқ, бу гапни ҳозирча Насиба билмай тургани маъқул. Сезиб қолса, йиғлашга тушади, Жарқишлоққа, онамининг ёнига тезроқ бораин деб хархаша қилади. Жарқишлоқ атрофи-

га эса, ҳойнаҳой пистирма қўйишган. У атрофларга ҳозирча йўлаб бўлмайди.

— Қобил ака,— секин чақирди Намоз,— сиз Насибани олиб Арабхона қишлоғига борасиз. Келинингизни сиздан бошқага ишонмайман. Қимникига беркинишни биласизми?

— Биламан. Лекин Намозбой, юрагингда бир дард бор. Қобил акангга айтмай турибсан.

— Бугун айтолмайман. Насибани эҳтиёт қилинг.

— Эҳтиёт қилишга-ку, эҳтиёт қиламан-а, лекин, укам, сен ҳам ўзингга ҳушёр бўл. Бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Унг кўзинг чап кўзингга панд беради-я. У оёғим бу оёғимни чаламан деб пайт пойлайди-я!.. Намозбой, хуржун тўла арзномалар бор. Бир танишиб олсанг бўлармиди?

— Арзномаларни ҳозирча қўйиб турамиз,— деди Намоз. Сўнг Насибага юзланиб давом этди.— Сени яна ташлаб кетаётганим учун кечир мени. Бошқа иложим йўқ. Хўп, хайр энди. Демак, Қобил ака, буйруғимни Арабхонада кутасиз.

— Энди яна бир маслаҳат, Намозбой.

— Хўш?— ҳушёр тортди Намоз.

— Борди-ю, ёрдам сўраганларга ўз йигитларимни жўнатаверсамчи?

Намоз ўнбошиларга ҳар хил вазифалар тақсимлаб қўйган. Қобилнинг чекига турли музофотлардан келган ёзма, оғзаки арзномаларни жамлаш тушган. Кишилар Намознинг жойлардаги йигитлари ёки юрт оралаб юрган хабарчилари орқали ҳар хил илтимослар йўллашади, шикоятлар жўнатишади. Қасоскор йигитлар тезроқ келиб ҳадидан ошиб кетган ҳокимнинг попугини пасайтириб қўйишларини ёки ота мерос сувини миробдан ундириб беришларини сўрашади. Арзномалар баъзан шунақа кўпайиб кетадики, бундай пайтларда Намоз ҳафталаб от устидан тушмай юрт оралаб кетади.

Намоз бир оз ўйланиб тургач, бош чайқади:

— Йўқ, йигитларни жўнатмай туринг, керак бўлиб қолншлари мумкин.

Ҳалидан буён пичирлаб ичида аллақандай дуони ўқиётган Насиба юзига фотиҳа тортди.

— Сизни худойим ўз паноҳида асрасин!

Намоз икки отлиқ кўздан йўқ бўлиб кетгунча ортларидан тикилиб турди. Хўрсиниб бош чайқаркан: «Сенга ҳам осон эмас, Насибам!» деб қўйди. Сўнг жуда қувноқ, гантанавор бир оҳангда деди:

— Назар Матвеевич, қани, азизим, отга мин-чи.

— Бедовларга бир оз дам берсак бўлармиди?— русчалаб гапирди Назар.

— Секин кетамиз,— русча жавоб қайтарди Намоз ҳам,— маслаҳатли гап бор, азизим.

— Илгари русчани яхши гапирардинг,— узангига оёғини қўя туриб деди Назар.

— Гаплашмаганингдан кейин эсдан ҳам чиқиб кетар экан,— деб қўйди Намоз.— Чух, жонивор.

— Хўш, қанақа маслаҳат?

Намоз Жарқишлоқдан келган номанинг мазмунини сўзлаб берди. Номани негадир жиянлари эмас, масжиднинг мутаваллиси битганини ҳам айтиб ўтди. Назар дарров жавоб қайтармади. Ғалати бир ҳолатга тушиб қолган эди у шу пайтда. Ҳамиша беташвиш, қувноқ кайфиятда юрадиган бу йигитни ҳозир қарама-қарши ҳис-туйғулар элита бошлаган, вужудида бошланган қўзғолиш ҳақоратданми, хўрликданми — билмасди... Намоз гап орасида, модомики иккимиз қиёматли ака-ука

тутинган эканмиз, энди бундан ҳам яқинроқ бўлиб олишимиз учун Одинабибини сенга олиб бераман, божа бўламиз, деб бир-икки бор айтган, ҳазилмиди, чинмиди, ҳар қалай, бу гапни у қасоскор жўралари даврасида ҳам такрорлаганди. Оққўнғил Назар бу гапга чиппа-чин ишониб отряднинг энг кекса жангчиси, донишманди Абдуқодирхўжадан маслаҳат сўраган бўлди. Абдуқодирхўжа бу танти Намознинг қатъий қарори бўлса керак деб ўйлаб: «Мумкин, фақат аввал сени суннатга ётқизиб, қўлингни ҳалоллашимиз керак. Ана ундан кейин мусулмон қизига уйланишга ҳақлисан», деб маслаҳат берди. Соддадил Назар бу гапга чиппа-чин ишониб, жўраларидан қўлимни ҳалоллаб қўйинглар, дея илтимос қила бошлади. Намознинг эрмак талаб йиғитлари: «Йўқ, оғайни, аввал каттакан тўй қилиб берасан, сўнг суннатга ётқизамиз», деб талаб қилишди.

Назар Ҳаргуш қишлоғида бир кунлик тўй қилиб берди.

Намозга яқин бўлиш, унинг ҳар бир истагини бажо келтириш, керак бўлса жонини ҳам фидо қилишга аҳд қилиб қўйган эди бу рус йигити... Марҳаматли Иванбойникида юрган пайтлари Намоз, Сурен учовлари бойнинг дастурхонига Оқ дарёдан балиқ тутиб келишарди; ҳар куни боришарди... Ўша куни ов бароридан келди. Қармоқ ташлаб, нақ уч сават сўлқилдоқ балиқ тутишди. Нарироқда бир тўда ўзбек болалар молу қўйларини ўтлоққа ҳайдаб қўйиб, ўзлари дарёнинг саёз жойида ҳузур қилиб чўмилишар, бир-бирларига ҳовучлаб сув сочишар, қийқиришар эди. Буларнинг ҳам яйраб олгилари келди-ю, кўз очиб юмгунча яланғоч болаларга қўшилиб жетишди. Қулоч отиб, дарёнинг анча ичкарисига сузиб боришар, орқаларига қайтиб, қайноқ қумга думалашиб ҳузур қилишар эди... Бир маҳал Назар орқага қайтмади, тўсатдан йўқ бўлиб қолди. Намоз ўзи атайлаб шўнғиган бўлса керак деб ўйлаб, Назар йўқ бўлиб қолган жойга кўз тикиб турган эди, у нарироқда, дарё шитоб билан оқаётган, сув тўлқин ураётган жойда бир кўринди-ю, яна йўқ бўлиб кетди.

— Сув олиб кетди уни!— беш-ўн бола баробар бақириб юборди.

Намоз қирғоқ ёқалаб югуриб қовун палласидек бир кўриниб, бир йўқ бўлиб бораётган Назарнинг олд томонига ўтди-ю, ўзини сувга отди. Хайрият, унга етиб олиш унча қийин бўлмади. Аммо, оғзи-бурнидан сув кириб, эси оға бошлаган нимжонгина ўсмирни қучоғига олгач, ҳеч сузолмай қолди. Чўкиб кетмасликлари учун икки оёғини сув остида баробар силкитиб, ўнг қўли билан тўлқинларни чалоплатиб урар, аммо, асов тойчоқдек ирғишлаб-ирғишлаб бораётган совуқ тўлқинлар хасдек туюлган бу икки карахт вужудни гоҳ пастга босар, гоҳ юқорига иргитар эди.

— Тамом!

— Икковиниям олиб кетди!!— деб қичқиришарди қирғоқ бўйлаб югуриб бораётган яланғоч болалар.

Дарё ёйилиброқ оқадиган жой бор экан. Худди ўша ерга етганди Намознинг кўзлари чарақлаб очилиб кетгандек бўлди-ю, бор кучини тўплаб, сув енгил лойқа ташлаб ўтган бир жойга чиқиб олди.

— Отни, отни ҳайданглар бу ёққа!— деб қичқирди сўнг.

Қирғоқ ёқалаб додлашиб чопаётган болалардан бири, керак бўлиб қолар деб ўйлаган бўлса керак, отлиқ келаётган экан. Дарёни кесиб ўтишга ўрганган бедов тушмуғини сувдан баланд кўтариб, калта қулоқларини галати чимириб, Намоз томонга сузиб кела бошлади.

— Эй, худойим!

— Хайрият, хайрият!— дейишиб ирғишлашиб, чапак чала бошлашди болалар.

Қишлоқда ўсган ўсмирлар сувга чўккан кимсага қандай ёрдам бериш даркор эканлигини яхши билишаркан. Отдан олибоқ Назарнинг

оёғини осмонга қилишди. Беҳуш ўсмирнинг оғзидан худди қумгондан тушгандек қулқуллаб сув тўкила бошлади.

— Энди ўлмайсан, малла бола,— деб қўйди отини сувга туширган ўспирин.

Шу сабаб бўлди-ю, Назар Намозга қаттиқ боғланиб қолди. Унга нимадир қилгиси, ҳеч кимнинг эсига келмаган бир яхшилик билан дилини хушлагиси келади. Ўйлай-ўйлай ўша яхшилик нимадан иборатлигини тополмайди... Намоз бош кўтариб чиққанини эшитиб, унинг отрядига қўшилиб олди. Ушандан буён уни ўт балосидан, сув балосидан эҳтиёт қилиб юрибди...

Одинабибининг ўғирланиши уни ҳам ўйлантириб қўйди. Қизиқ, нега бундай қилишди экан? Еки мусулмон қизининг гайри динга эрга тегишини хошламаганлари учун шундай қилишдимикан? Йўғ-е, ҳали бу гап унчалик овоза бўлгани йўқ-ку, қаёқдан ҳам дарров эшита қоларди? Эҳтимол, Намозни қўлга тушириш учун шунчаки бир тузоқдир бу? Ҳа, худди шундай, тузоқ бу!.. Лекин, нима бўлганда ҳам, Намоз бу тарафларга келмаслиги керак эди. Одинабибинни ахтариб топишни, ўғрини ушлаб жазолашни Назаргами, Қобилгами топширгани маъқул эди. Қизиқ, нега ҳамма нарсага ақли етадиган ҳушёр Намоз бу қўмма тузоқни пайқамади экан.

— Назар, нега индамайсан?— сўради Намоз.— Ухлаб қолдингми?

Назарнинг боши эгилиб, нақ эгарнинг қошига тегай деб бораётган эди, бир сесканиб тушди:

— Ўйлаяпман.

— Нимани ўйлаяпсан?

— Уни ахтариб топишни ўнбошиларингдан бирига буюрсанг, яхши бўларди. Ахир сени тузоққа яқинроқ келтириш учун дон сепаетганлари аниқ, равшан-ку? Агар, худо кўрсатмасин, қўлга тушиб қолгудек бўлсанг, бутун ишимиз расво бўлади-я! Икки юз йигитни отлантириш, қуроллантириш ўзи бўлмади, буни яхши биласан. Кузга бориб қўзғолон кўтармоқчи эдик. Тўхта, йўқ, юравер, қизиқ, бир фикр келди бошимга. Қўзғолон кўтармоқчи бўлганимиздан губерния полицияси хабар топиб, сени катта ишдан чалғитиш учун шундай қилишган бўлмасин?

— Бу ишда полициянинг қўли бор деб ўйлайсанми?

— Бу бир тахмин холос.

— Тахминингда жон бор, дўстим. Лекин, нима бўлса ҳам, орқага қайтиш йўқ энди. Биласанми, бу ерда менинг оиламининг, қариндош-уруғларимнинг шаъни, нафсонияти ҳал бўляпти. Ўз қайнсинглимни қутқара олмасам нима деган одам бўлдим мен. Кишилар Намоз кўрқоқ экан, ўзи келгани кўрқиб, уялмай-нетмай ўнбошисини юборибди дейишмайдими? Йўқ, мен ўз шаъним учун ўзим курашишим керак! Ундан кейин, борди-ю, мен юборган ўнбоши қўлга тушиб қолса, йигитларим Намоз ўз бошига тушган фалокатдан қутулиш учун бошқаларни қурбон қилди дейишмайдими? Дейишади! Ана ундан кейин мен нима деган одам бўламан. Номим кўрқоққа чиқади. Кўрқоқнинг ортидан ҳеч ким эргашмайди, буни унутма.

— Намоз, ўлардек қизиққонсан-да.

— Ундай дема.

— Сенга ҳеч тушуниб бўлмайди ўзи. Бир пайт жуда ақлли, тадбиркор бўлиб қоласан. Бир пайт қарабсанки, худди ёш боладек ўзингни ўтга-чўққа ураверасан. Ахир ўйлаб кўргин!

— Ўйлайдиган жойим йўқ!— қарорим қатъий дегандек кескин бир оҳангда деди Намоз.— Улар мени яккама-якка жангга чақиришяпти. Қочган номард!

Назар бош чайқаб, ўзича бир кулиб қўйди:

— Биласанми, бундай пайтда ўзбеклар нима дейди?
 — Билмайман.
 — Ҳўкиздеқ қайсар экансан, дейишади.
 Намоз ҳам енгилгина кулиб олди:
 — Биласанми, ўзбекда бошқа бир гап ҳам бор?
 — Айт.
 — Беобрў яшагандан ўлганинг яхши дейишади. Шундай, Назар-мат, ҳозир тўппа-тўғри Даҳбетга борамиз.
 Назар шошилиб отнинг бошини тортиб, ҳамсуҳбатига ўғирилди:
 — Даҳбетга?!
 — Ҳа, Даҳбетга кетяпмиз. Биламан, Жарқишлоқда ҳам, Даҳбетда ҳам ҳозир аскар бор. Пистирмада ётиб бизни сабрсизлик билан кутишяпти. Лекин биз Даҳбетга бамдод намози пайтида кириб борамиз. Мен бир режани пухталаб келяпман. Айтайми?
 Даҳбетдаги масжидга юртнинг қоқ ўртасидаги қадамжо бўлгани учун баъзан олис-олислардан ҳам отлиқ намозхонлар келиб туришди. Демак, тонг пайтида бу атрофларда якка-ёлғиз отлиқларнинг пайдо бўлиши кўпам шубҳа туғдирмайди. Фақат отлиқлар бошларига оқ салла, эгниларига малла чопон кийиб кам деганда қишлоқ масжидининг мутаваллиси даражасида бўлишлари шарт. Токи, кўрган одам уларни Қарши қишлоқ тарафдан намози бамдодни ўқишга келаётган муллолар деб ўйласин. Бу пайтда капитан Олейниковнинг отлиқ аскарлари донг қотиб ухлаб ётган, юрт ҳокими Мирзаҳамиднинг навкарлари хизматга кетмаган бўлади. Мутавалли либосидаги икки отлиқ ҳокимнинг дарвозаси олдида кимнингдир намозга чиқишини кутиб, у ён-бу ёнга юриб турган бўлади. Ҳоким дарвозанинг бир қанотини қия очиб, «бисмилло», дея кўчага қадам босиши билан иккови тенгдан тўппонча ўқталиб, «овозингни чиқарма, тил тортмай ўласан», дейди...

Намоз гапини тугатиб, жўрасига юзланди:

— Ҳўш, бу режа қалай?

— Худо ўзи сени режалар тузишга яратган экан,— завқ билан деди Назар,— демак, биз ҳам Мирзаҳамидни ўғирлаб кетарканмиз-да?

— Уни уйда сўроқ қилиб бўлмайди,— тушунтирди Намоз,— шовқин кўтариб, бошимизни бир балога гиқиши мумкин. Уни сўроқ қилмагунча қаллиғининг тақдирини аниқлаб бўлмайди. Отдан туш, кийимларимизни алмаштириб олайлик, соқолинг ҳам хуржундами?..

VI боб

Юрт ҳокими қасам ичади

Эрталаб Михаил тўра жаноблари тунда олинган жуда муҳим хабарни айтиб, бўлис ҳокимини хурсанд қилиб ва худо хоҳласа, Намознинг бугун-эрта қўлга тушажаклигини башорат қилиш учун келиб, Мирзаҳамидни уйдан топмади. Тонг палласида юз берган воқеанинг сал-пал гувоҳи бўлган намозхон қўшнилар: «саҳару мардонда икки эшонбачча келиб ҳоким жанобларини отга миндириб кетишди,— дея ахборот бердилар.— Эҳтимолким, улжанобни қовун сайлига олиб кетган бўлсалар. Кеча оқшом шу хусусда маслаҳат қилаётган эдилар...»

— Тавба,— деди миршабхона нозири ҳайрон бўлиб.— Қовун сайлига ҳам шунақа барвақт боришармикин? Кечаси ҳам сайил, кундузи ҳам сайил, тонг отардаям сайил! Намозни қувиш менга-ю, маишати сенларга экан-да, ўргилдим ўша сендақа маишатпарастлардан!

Михаил тұра тавба деб ёқа ушлаб турган бир пайтда, бўлис ҳокими ҳам Намознинг отига мингашиб тавба устига тавба айтиб бормоқда эди... Бешафқат тақдирнинг қалтис ўйинларидан бу гал у жуда хафа бўлиб кетди. Наҳотки, ўзини эҳтиёт қилиш учун ҳамма чораларни кўриб, туну кун ҳушёр бўлиб турган пайтда ҳам Намоз уни мана шундай аҳмоқ қилиб кета берса! Бу қароқчининг дастидан дод деб энди қаёққа борса бўларкин? Шунча шону шуҳрати билан губернатор жаноблари эплай олмаса, қанчадан-қанча мингбошилар навкарлари билан олдиға тушиб қочиб юрса, бу Намозми ёки худонинг ўзи юборган балои-офатми? «Эҳ, парвардигори олам,— йиғлагудек бир аҳволда ўйлаб борарди Мирзаҳамид,— бир бандаи мўминга ўзинг ҳокимлик мансабини ато қилиб, яна фуқаро олдида шармандасини чиқарсанми...»

Мирзаҳамид яратганга тавалло қилиб унсиз, кўз ёшсиз йиғлаб борарди. Унинг ҳақоратланган қалби жанубишга келган, вужуди ўт бўлиб ёнар, алам-изтироб томоғини хиппа бўғиб олган эди. «Нега уни ўша от ўғриси деб қўлини орқасига боғлаган куним, отиб ташламадим! Ахир каззобликда айбланиб турувди-ку! Қудратли Ҳамдамбой унга даъвогар эди-ку, қозию миршаб менинг тарафимда эди-ку!— ўйларди Мирзаҳамид.— Нега энди бугун эрталаб дод солмадим, додласам отиб ташларди, эй худо, бемаҳал ўлимдан ўзинг сақла. Ҳазрати Баҳовуддин пиримга етти танга атадим. Бу гал ҳам жоним омон қолса, Исмоил Бухорийнинг қабрларига бориб зиёрат қилурмен, қўй сўйдириб, ул ҳазратларнинг арвоқларини хушнуд этурмен...»

Намоз отнинг бошини тортиб:

— Туш!— деб буюрди, орқасида мўмин-қобил бўлиб бораётган ҳокимга.

«Наҳотки мени шу ерда отишса!— ўйлади Мирзаҳамид.— Чала жон қилиб дарёга ташлаб юборишса-я... э худойим!..»

— Намозбек!

— Бек дема мени!

— Йўқ! Йўқ! Сиз бексиз, худо хоҳласа, сизни бек қилиб кўтарамиз!

— Мени-я?

— Ҳа-ҳа. Сиз одилу адолатлисиз. Камина бир умр хизматингизда бўлурмен. Отингизни боқай, кўчангизни супурай. Намозбек, мени отманг! Сизни, иншоолло, бек қилиб кўтарурмиз.

— Тур ўрнингдан, мен қотил эмасман!

— Ҳа-ҳа, худо хоҳласа, сиз қотил эмассиз, сиз халоскорсиз! Буюринг, Намозбек! Нима буюрсангиз, бажо қилурмен.

Мирзаҳамид шошилиб ўрнидан турди. Беҳад қўрқиб кетганидан чиройли, сергўшт юзидан қон қочиб, оппоқ оқариб кетган. Ҳаяжоннинг зўридан кўкси темирчининг дамидек кўтарилиб-тушиб турибди.

— Одинабиби қаерда?— сўради Намоз.

— Ўзим ҳам шундай бўлар деб ўйлагандим.

— Нимани ўйлагандинг? Элу улусни пашшача билмайман, хоҳласам, тухмат қилиб, ҳибсга оламан, хоҳласам, қизини ўғирлаб, шаънини булғайман деб ўйлаганмидинг? Хоҳласам, солиқни кўпайтириб, одамларнинг терисини шилиб олавераман, деб ўйлаганмидинг?— Намоз кечадан буён газабини ичига ютиб келаётган эди. Вужудида бошланган кучли қўзғолишни тиёлмай шу пайтда тани ловуллаб ёниб кетгандай бўлди. Юзлари қизғиш бўртиб, кўзларига қон қуйилиб кела бошлади. Қалтираб турган Мирзаҳамидни ёқаси аралаш бўғиб олди.— Гапир!

— Нафас... нафасим чиқмаяпти,— энтикиб деди юрт ҳокими.

— Бўғиб ташлайман ҳозир.

— Бек!

— Айт, қаерга беркитдинг бечора қизни? Мана, бўшатдим, гапир энди.

— Бари бир ишонмайсиз, бек.

— Сен ҳеч қачон рост гапирганмисан ўзи?

— Намозбой, рухсат этинг, нафасимни ростлаб олай,— Мирзаҳамид кўзларини чирт юмиб, оғзини катта очганча, чуқур-чуқур энтика бошлади.— Беайб парвардигор, дейдилар. Тўғри, сизга бир марта от ўғирлади деб тухмат қилганман, ноҳақ қамчилаганман, бозорга олиб чиқиб сазойи қилдирганман... Ноҳақ эдим, кўнглимнинг бир чеккаси қоронғи эди. Лекин жоним ҳиқилдоғимга келиб турган шу пайтда яратганни ўртага қўйиб айтаманки, бокира қизни мен ўғирлаган эмасман. Менинг навкарларим ҳам борган эмас. Утган чоршанба куни эди шекилли, ҳа, худо хоҳласа, чоршанба эди, қайнотангиз Жавлонқул амаки уч нафар йигит билан ҳузуримга келиб, қизимни нега ўғирладинг, деб шовқин кўтарди... Йўқ, мен қилмадим бу ишни. Азиз авлиёлар ҳаққи қасам ичаман, бошқа бировлар қилган бу бадкирдорликни!

«Яна қутулиб кетмоқчи, оббо доғули-эй,— фикридан ўта бошлади Намознинг.— Қўрқоқ, амалдан тушиб қолишдан чўчиб Ҳамдамбойнинг олдида жилпангловди. Энди менга тилёғламалик қиляпти. Э, худойим, наҳотки, бу пасткаш маҳлуқни ўзинг яратиб, яна уни юртга ҳоким қилиб кўтарган бўлсанг. Йўқ, бари бир ўлдираман бу пасткашни, ер юзини шунча булғатгани ҳам етар...»

— Ҳоким!— Намоз тўппончасини ғилофидан суғура бошлади.— Мусулмонмисан?

— Алҳамдуллило!

— Тиз чўк!

— Мана, бек, нима десангиз, мен учун вожибдур.

— Калима ўғир, руҳингни поклаб ол!

— Йўқ, йўқ!!— Мирзаҳамид силкиниб ўрнидан туриб кетди. Қўллари билан аллақандай ҳаракатлар қилиб орқасига тисарила бошлади.— Худо шохид, қизни мен ўғирлаган эмасман! Беш фарзандим. онам ҳаққи, қасам ичаман, бек, тухмат азобини ўзингиз бир марта тортган эдингиз, тухмат билан ўлдирманг мени. Болаларим қаргайди сизни, қиёматда даъвогар бўламан сизга!

— Демак, сен ўғирламаганмидинг?

Мирзаҳамид икки қўлини осмонга кўтариб қичқириб юборди:

— Теппада худо бор!

Қичқириқ унинг кўксидан шундай бир куч билан отилиб чиқдики, баланд ўсган қамишзорлар орасидаги қушларнинг чирқиллаши бир нафас тиниб қолди. Икки бедовнинг жиловидан тутиб турган Назар сесканиб тушди. Отлар бошларини илкис кўтариб, қулоқларини галати чимириб, қисқа-қисқа кишнаб олишди. «Тезроқ тугатиб қўяқолмай-дими,— бетоқат ўйлай бошлади Назар,— бари бир бўйнига олмайди-ку. Олиб ҳам бўлти. Бўйнининг йўғонлашиб кетганини қаранг, тўнгиздек семирибди ўзиям».

— Қим ўғирлади бўлмаса?

— Билмайман. Худо ҳаққи, билмайман,— шошилиб гапира бошлади Мирзаҳамид,— қайнотангиз келиб кетгандан буён менинг ҳам жоним халакда. Намозбой, иккимизни баттарроқ ёвлаштириш мақсадида ганимлар қилган бу ишни.

— Ҳамдамбойми?

— Ҳа дейишга асосим йўқ.

— Миршабларми?

— Бу ҳам менга қоронғи.

Намознинг газаби бир хуруж қилиб ўтгандек бўлди. Рухиятидаги

ҳалиги бешафқат қатъият, кескинлик ўрнини иккиланиш эгаллай бошлади. Миясининг қаеридадир милтиллаб турган «Уни ноҳақ ўлдираётган бўлмаётган?» деган уйловуллаб ёниб, бутун фикрига ҳукмрон бўлиб олди. «Эҳтимол, бу ўғирламагандир,—ўйлай бошлади Намоз,—ўғирлиққа бу борганда, исмини очик айтмасди. Демак, кимдир Мирзаҳамиднинг номини ўзига ниқоб қилган. Ким бўлди экан? Йўқ, аввал бу ишнинг поёнига етиш керак, ўлдириш қочмас. Аввал исботлайман, сўнг жазолайман. Ўзимки ноҳақликка қарши курашмоққа бел боғлаган эканман, ўзгаларга ноҳақлик қилишга ҳаққим йўқ. Ноҳақлик билан лиммо-лим тўлган бу дунёда, ҳеч бўлмаса, мен ноҳақ бўлмаслигим керак. Ноҳақ кишини у дунёю бу дунё юзи қора бўлмай...»



— Намоз!— тўсатдан ер тепиниб қолди Назар.— Тезроқ бир ёқли қилсанг-чи! Чўпчак айтишиб кунни кеч қиласан шекилли.

Намоз тўппончасини қайтиб ғилофига солди-да, қил устида турган тақидири қай тарзда ҳал бўлишини кутиб, бегоҳат кўзларини жавдиратиб, вужуди тошдек қотиб турган Мирзаҳамидга яқинлашди:

— Одинабибини ўғирламаганингни нима билан исботлайсан?

— Бошимни гаровга қўяман.

— Назар, менинг хуржунимда қоғоз билан қалам бор, келтир бу ёққа,— буюрди Намоз. Сўраган нарсаси муҳайё бўлгач, ҳокимга ўғирлиб, давом этди:— Ёз. «Мен Даҳбет бўлиси ҳокими Мирзаҳамид, Жарқишлоқ фуқароси Одинабиби Жавлонқул қизини ўғирлашга иштирок этган эмасман. Иштирок этганим исботланса, қатлимга розиман». Бўлдингми?

— Худо хоҳласа, бўлдим.

— Бармогингни бос.

— Худо хоҳласа, мана, босдим.

— Авахтада неча киши бор?

— Сизнинг ишингизга алоқадор деб ҳибсга олинганлар саккиз нафар.

— Ёз. «Мен Даҳбет бўлиси ҳокими Мирзаҳамид, сўз бериб айтадурменким, тассаруфимда бўлмиш авахтаоналардаги маҳбусларни бугундан қолдирмай озод этурмен. Сўзим бажарилмаса — қатлимга розиман». Бўлдингми?

— Тўхтаи, бармогимни босай. Худо хоҳласа, Намозбек, ҳаммаси озод бўлур.

— Ёз. «Мен Даҳбет бўлиси ҳокими Мирзаҳамид, ўз тобе фуқаромни бир йиллик олиқ-солиқдан озод этурман. Ушбу ваъдамни ўринлатмасам, бошимни кесишларига розиман...»

— Лекин, бек, худо хоҳласа, бошимни кесмасиз.

— Бўлдингми?

— Худо хоҳласа...

— Бармоғингни бос!

— Баракалло, Намозбек, баракалло! Ўзим ҳам сизнинг халоскор эканлигингизга ишонар эдим. Худо хоҳласа, мана мени ҳам халос этдингиз. Сўзим-сўз, қиз ўғрисини ахтармоққа сиздан олдинроқ киришурмен. Токи, сизнинг олдингизда юзим ёруғ бўлгай. Намозбек, охирида сиздан бир илтимосим бор.

— Хўш?

— Бугун-эрта Даҳбету Жарқишлоққа қадам ранжида қилмай турсалар. Сабабким, ҳаммаёқни қозоқ аскарлар қуршов қилиб олганлар.

— Капитан Олейниковнинг аскарларими?

— Йўқ, Самарқанддан катта қўшин чақиртирилган. Худо хоҳласа, энди мен озодми?

— Жўнанг, тезроқ менинг топшириғимни бажаришга киришинг!..

VII боб

Қўшқўрғонда отишма

Уша куни Мирзаҳамид беҳад қўрқиб кетган эди. Қўрқиб юриб Намозга берган вадаларининг ҳаммасини бажарди. Бажарди-ю, аммо, шу билан бирга, ҳокимлик лавозимидан ҳам маҳрум бўлди. Уни Намозга ён босганликда айблаб, Самарқанд уездининг ҳокими полковник Чертов жаноблари ҳатто бир кеча қаматиб ҳам қўйди.

Намоз қасоскор йигитларининг кўпчилигига экин-тикинларни йиғиштириб олишга рухсат бериб, ўзи қиз ўғриларини ахтариш пайига тушди. Кундузи очиқ юриб бўлмайди. Кечаси бир-икки кишини чалачулпа сўроқ қилгани билан муаммонинг поёнига етиш мушкул. Воқеанинг гувоҳи бўлган бетоб қайнонаси қўрқув ичида ўғриларнинг қиёфасини эслаб қолмаган экан. «Навкар эди, навкар либосида эди», дейди, бошқасини ҳеч хотирлай олмайди. «Йўқ,— алам билан бошини чайқайди Намоз,— мен уларни албатта топишим керак. Бўлмаса, Бибиқиз холам қизининг дардида куйиб, ажалидан бурун оламдан ўтади. Армон билан кетади. Кейин ўз оилам бошига тушган фалокатни даф этолмасам, ўзгаларга қандай ёрдам бераман. Тилим қасиқ, қўлим калта бўлиб қолмайдами? Фурури йўқ, қўрқоқ дейишмайдами? Эл оғзига элак тутиб бўладими. Ўз ор-номусини ҳимоя қила олмаган йигитдан ҳамма нафратланади. Ортимдан ҳеч ким эргашмай қўяди. Йўқ, Одинабиби топилмагунча Даҳбетни тарк этиш йўқ энди. Бу ишга ўзгани аралаштириш ҳам номардлик бўлади, ўзим поёнига етман, ўзим!..»

Аммо, Самарқанд уезди бўлисларида Намоз ва унинг қасоскор йигитлари учун пана бўладиган жой қолмагандек эди. Қайси қишлоққа бориб тушмасин, бирор соат ўтар-ўтмас отишма бошланиб кетар, қайси киши билан гаплашмасин, эртасига уни ҳибсга олганлари ҳақида шум хабар эшитар эди. Ерли халқ ўртасида ўқиладиган газеталарда эса қасоскорларни қароқчи деб қоралашар, шу йўл билан уларнинг обрўсини тўкмоқчи бўлишар эди. «Туркистон ўлкаси» газетасида мана бундай хабарлар ҳам босилиб турар эди: «Ўтган душанба куни,— деб ёзган эди газета ўз сонларидан бирида,— Жўйидевона бўлисидаги Келачи даҳасининг оқсоқоли Мўминбек жаноб Самарқанд уездининг ҳокими полковник Чертовга хабар қилибдирким, ушбу кун Намозбой Пиримқул ўғли деган машҳур қароқчи ҳозирда Арс-

лонобод қишлоғида Муҳаммади элликбошининг ҳовлисида ўтирибдур. деб. Уезд ҳокими ўнта қозоқ, ўруслар, яъни, солдатларни олиб, бир офицер тўрани — участковой пристав Олейников тўрани буюрубдилар. Мазкур тўралар ва солдатлар тўғри Даҳбет қишлоғига келиб, Даҳбет волостной управители Бўлаж Олломурод ўғли ва Мирзаусмон Абдурахмон ўғли ва Мирзасайдмурод Мирзақобил ўғли, Мирзаҳамид Ҳасанбой ўғилларини ўзлари билан бирга олиб, Арслонобод қишлоғида мазкур сибирчи Намозни тополмай, изларини олиб Даҳбет волости Қўшқўрғон қишлоғига бориб, Ҳамроқул деган одамнинг ҳовлисига қарайдиларки, Намоз, Шерниёз, Қаршибой, Авазқўр ва уч жувонбаччалари, Очилди, Ҳолбой ва яна бир ҳамроҳлари билан — бари ўн бир нафар ўғрилар ўтирубдурлар. Улар пристав волостной ва қозоқ солдатлар келганидан хабардор бўлиб, ўринларидан туриб приставга қараб икки марта милтиқ отибдурлар. Тўхтовсиз солдатлар ва волостной ва мирзолар ва старшиналар ташқаридан туриб, мазкур ўғрилар билан отишиб, ўғрилардан Жуманбойни ўлдириб, Авазқўр ва икки ҳамроҳини ярадор қилибдурлар. Мазкур ўғрилар отларини ташлаб, ҳўкизлар турган уйга кирганда, икки ҳўкиз милтиқ ўқи билан ўлиб, Намозбой Пиримқул ўғли миниб юрган беш минг тангалик от ва Жуманнинг уч минг тангалик оти ва ҳовли эгасининг бир оти солдатлар ва ўғрилар ўқидан ўлибдур. Ўғрилардан саккиз нафарини ушлаб олубдурлар. Булардан тўрт нафари ярадор бўлган эканлар: Ҳолбой, Авазқўр, Очилди ва яна бири. Мазкур ўғрилардан ўлгани Жуманбой ўғридир. Намозбой, Шерниёз ва бир жувон бола қочиб, Уста Фаффор деган одамнинг уйига кириб қўлларида винтовка-милтиқ, борган солдатлар билан кўп отишдиларким, тахминан беш юз ўқи отилганлиқ. Ҳеч ким олдига боролмай, солдатлар уйнинг ичига кириб ушлаймиз деганда, Намоз бир солдатни отиб ўлдирди. Андин кейин пристав тўра ҳовли эгасига айтдиларки, бориб Намозни уйингдан чиқариб бергин, деб. Ҳовли эгаси бориб уйнинг эшигини очаман деганда, Намоз ҳовли эгасини отиб ўлдиради. Шул вақтда мазкур ҳовлилар атрофини қоровул қўйиб, жаноб пристав тўра уезд ҳокимига хабар берадиларки, яна эллик солдат билан ўн адат бомба юборсинлар деб. Мазкур куни соат учта эллик солдат билан ўн бомба ва мушак олиб келиб, атрофни қоровул қилиб олдилар. Шул вақтда Даҳбет волости управители Муллобўлак Очилди деган ўғрини уйнинг ичидан ёлғиз ўзи ёқасидан ушлаб чиқариб, пристав тўрага топширди. Андин кейин Намоз ва Шерниёз турган уйни тўрт тарафдан ўт қўйиб, куйдирмоққа бошладилар. Мазкур уйлар куйиб турганда Намоз ва Шерниёз бошқа уйга тешиб ўтиб, бир катта омбор остига бориб кирди; шул вақтда соат тўққиз кечаси эди: солдатлар ҳўракка машғул бўлдилар. Сўнг ҳовли эгаси ўғриларни чиқариб юборибдур, деб айтдилар. Эртасига сешанба куни жаъми солдатлар бир неча бомбалар ташлаб, бир неча уйларни ағдариб юриб, уч ҳовли бутун куйиб соф бўлди, куйган уйларнинг остидан Намознинг икки солдати, беш ўқлиқ милтиғи, тўрт адат тўппончаси, тахминан, беш юзтача милтиқ ўқларини топиб олдилар. Мазкур Намоз якка ўзи жаъми асбобларини ташлаб чиқиб қочиб кетибдур. Шерниёз ярадор ҳолда ушлаб олинди.

Намознинг ўртоқлари ичидан ушланиб, Самарқанд турмахонасида қамалган ўғрилар; Очил Муллажон ўғли, Худойберди Ўташ ўғли, Қурбон Отаниёз ўғли, Қаршибой Султонбой ўғли, Шоҳамин Тўхтамиш ўғли, Авазқўр Оқмирза ўғли, Шерниёз Худойназар ўғиллари жаноб Туркистон генерал губернатори фармойишига мувофиқ окружной судга топширилдилар...»

Ҳа, ўша куни Шерниёзнинг ота авлодидан бўлмиш Ҳамроқулнинг уйига Шерниёзнинг тўйини ўтказиш маслаҳатига тўпланган эдилар.

Йигитларнинг кўли ҳали етиб келмаган, уларни хабарлаш учун Эшимоқсоқ, Челлак бўлисларига томон от қўйиб кетган Кенжа қора ҳам қайтмаганди.

Кенжавой бугун Қўшқўрғонда йигилажакларини миршабхонага маълум қилиб, миршаблару, Намозга қарши ташланган аскарлар жамулжам бўлгунча хавфдан Намозни огоҳ қилишга бемалол улгураман деган умид билан қишлоқдан-қишлоққа от қўйиб юрган эди.

— Отлиқлар келяпти!— ҳовлиқиб томдан туша бошлади пойлоқда турган Жуманбой.— Беҳисоб, бегона отлиқлар келяпти!

— Қай тарафдан?— шошилиб ўрнидан турди Намоз.

— Қатта йўлдан, Даҳбет тарафдан!

— Демак, йўл тўсилган, жарга от соламиз!— йўл-йўлакай елкасига милтигини осиб деди Намоз.— Отланинглари!

Йўқ, кеч қолишган экан. Отхонага кириб улгурмаслариданоқ ҳовлини боғ томондан ҳам, кўча томондан ҳам қуршаб олишди. Қуршовга гоят тажрибали офицер тўра раҳбарлик қилаётган бўлса керак, солдатлар ва навкарларнинг қўлларини нечтаки қурол бўлса, ҳаммасидан бир йўла ўт очиб, Намоз йигитларига бош кўтаришга имкон бермай қўйдилар.

«Деворни тешиб, қўшни уйга ўтиш керак,— фикридан ўтди Намознинг,— уч ҳовли нарида Қишчоқ ариғи бор, ариқда сув катта. Оқиб чиқиб кетсак бўлади».

Намоз йигитларининг ярмини девор остини тешишга буюриб, қолган жўраларини ёнига олиб, ҳимояга ўтди.

— Намоз Пиримқул ўғли, таслим бўл!— том орқасидан бақирди кимдир.— Таслим бўлсанг, жонинг омон қолади, капитан Олейников тўра ўз ҳимояларига олади сени.

— Мана сенга таслим бўлиш, хоин!— Томда ётиб олиб, отишаётган Жуманбой бақирган кишини мўлжалга олиб ўқ узди.— Мана сенга, бўлисинг кўппаги!

Худди шу пайтда Ҳамроқулнинг қатор солинган уйларига кетмакет бомба тушиб, еру кўкни ларзага келтириб гүмбурлаб портлаб, кўз очиб юмгунча ҳаммаёқ ловуллаб ёниб кетди. Томлар кетмакет қулаб, девор остини ковлаётганларнинг ярми тупроқ остида қолишди, уйлардан кўтарилган аланга эшилиб-буралиб отхонага ўта бошлади.

— Тезроқ, тезроқ кавла!— кетмакет буйруқ берарди Намоз.— Шерниёз, ўзинг ўт, мен ёнаётганларни тортиб олай. Авáz, сен ўқ узиб тур, ўқни аяма!

Уста Ғаффорнинг паҳса деворли уйига аранг саккиз киши ўтиб олишди. Демак, қолган уч киши ё ўлди, ё яраланиб отхонанинг бурчагидами, ёнаётган уйлар обрезага беркинибми жон сақлаяпти. Яна кетмакет бомба ташлаб, ҳаммаёқни ағдариб, куйдира бошладилар. Қўшимча кучлар келди шекилли, энди Қишчоқ ариғи тарафдан ҳам ўқ овозлари эшитила бошлади. Демак, у томон ҳам қуршалади. Нажотнинг бирдан бир йўли бор эди, у ҳам беркилди.

— Мен қоламан,— деди Намоз маст кишидек гандираклаб ўридан базўр тураркан,— сизлар чиқиб таслим бўлинглар! Беҳуда ўлимнинг нима кераги бор.

— Чиқмаймиз, бир бошга бир ўлим!— бир оғиздан дейишди йигитлар.— Пешонада борини кўраимиз.

— Чиқиб таслим бўласизлар,— Намознинг овози қалтираб кетди.— менинг буйруғим шу! Сизларни нари борса уч-тўрт йилга қамашади. Қайтиб чиққач, бугун ҳалок бўлган дўстларимиз учун қасос оласизлар.

— Намоз ака, мени яхшиси отиб ташланг,— деди Шерниёз ўрни-

дан туриб.— Лекин, бугун сиз менинг меҳмонимсиз. Сизни ташлаб чиқиб кетмайман.

— Майли, сен мен билан қол бўлмаса. Қолганлар дарҳол таслим бўлинг. Омон қолишнинг бирдан-бир йўли шу!

— Намозбой!

— Буйруғимни бажаринг!

— Мен ҳам қоламан.

— Гап битта!— қўлидаги тўппончадан кетма-кет ерга ўқ узди Намоз. Буйруғимни бажаринг!

Намозга йигит бўлиб милтиқ кўтариб чиққандан буён унинг сўзини қуръон оятидан ҳам муқаддасроқ билиб, ҳеч икки қилмаган йигитлар ноилож бош эгдилар.

Аваз кўйлагини ечиб, милтиқ учига илди-да, дарчадан чиқарди:

— Ўқ отманглар, таслим бўламиз!

Эҳтимол, бу охириги кўришишимиздир, деган ўй бағрини эзган йигитлар Намоз билан қучоқлашиб, бир нафасгина бўлса ҳам иссиқ юзига юзларини босиб унсиз йиғлаб олдилар.

— Намозбой, паҳлавоним...— тўсатдан худди ёш боладек ҳўнграб юборди кекса Шоҳамин.— Жоним омон қолса, худо хоҳласа, ўчларингни оламан. Ўзим ололмасам, болаларимга васият қилиб кетаман. Худога топширдим икковингни!

Қамал қилаётганлар Намознинг таслим бўлишини бетоқат кутишаётганди. Қўлларини боши узра кўтариб, чала ёниб турган уй ичидан қоқина-суқина чиқиб келаётганлар орасида уни учратмаган Олейников тўра ғазаби ошиб, туюқиб, уста Ғаффорнинг пахса девор уйини бомба ташлаб қулатишга буюрди. Кўз очиб-юмгунча уйнинг теппаси ёниб, васса, бўйралар куйиб туша бошлади. Уйнинг ичини шундай бир қуюқ тутун қопладика, Намоз билан Шерниёз бир-бирларини кўролмай қолдилар.

— Учоқнинг орқасини тешамиз,— маслаҳат солди Намоз.— Девори юпқа, ур! Қўндоқ билан ур! Омборхонага ўтиб оламиз.

— Милтиқ синади, Намоз ака!

— Ур деяпман!

Шерниёз бир-икки қўндоқ урар-урмас гурсиллаб ерга йиқилди. Боши томдан ўпирилиб тушиб, ёнаётган тўсинга бориб тегди. «Ўқ тегди!» яшин тезлигида фикридан ўтди Намознинг. Ўрнидан туриб, ўчоқнинг ичкарасига, уй билан омборхонани ажратиб турган юпқа деворга шундай бир куч билан тепдики, девор ўпирилиб, Намознинг ўнг оёғи нариги ёққа ўтиб кетди. Икки-уч бор тепиб, тўйнуқча очди-ю. оёғидан ўқ еб беҳол ётган Шерниёзни омборхонага ўтказиб, қон оқаётган жойларини боғлашга тушди.

Орадан бир чой дамламча фурсат ўтгач, Шерниёз кўзини ярим очиб:

— Мен тутун элитди шекилли,— деб шивирлади,— бошим айланиб кетяпти.

— Оёғингдан ўқ единг, қимирлама!— юрак-бағри эзилиб деди Намоз.

Ташқарида тўсатдан ўқ овозлари тиниб қолди. Нарироқдаги оғилхонадан яраланган бузоқчанинг аламли бўкиргани, отнинг безовта кишнагани эшитилди. Бог томонда аёл киши додлаб йиғлаяпти... Ким бўлди экан? Қуёш ботди шекилли, омборхонанинг ичи зимистондай қоронғи бўлиб қолди.

— Намоз ака, оёғимдан оқаётган қон тиндимми?— яна ўзига келиб кўзини очди Шерниёз.

— Тинди, ука, фақат қимирлама. Қоронғи тушди, худо хоҳласа, бир иложини қиламиз.

— Намоз ака, мен сизни шундай яхши кўрардимки, одамларни шундай севардимки, ҳар бирини хизматини қилиб, кўнглини хушла-сам дердим... Не учун дунёга келдик, яхшилик қилмасак биз...

— Гапирма деяпман,— энгашиб шивирлади Намоз,— толиқиб қоласан.

— Намоз ака, агар менга бир гап бўлгудек бўлса... Анорхонга ўзингиз оталик қилинг... Мени деб дунёдан тоқ ўтмасин. Тўйимиз бўлмади-я...

— Тўйинг, худо хоҳласа, бўлади! Бардам бўл! Чиқиб кетамиз.

— Агар... Намоз ака!

— Йиғлама, укам, толиқиб қоласан.

— Мана буни Анорхонга бериб қўйинг... Узук, гўшангада қўлига тақмоқчи эдим. Бечора, ёлғиз қолади энди, ҳеч кими йўқ у етимча-нинг. Мен рози. Тенгини топинг, оталик қилинг... Тўйимиз бўлмади-я...

Шерниёзнинг боши шилқ этиб ерга тушди. У яна ўзидан кетди. Нима қилиш керак? Э, худо, йўл кўрсат Намозга, нима қилсин у? Нима қилса, у қуршовдан ярадор дўстини олиб чиқиб кетади?! Йўқ, Намоз ўлмаслиги керак, ўлса, асирга тушган дўстларининг ҳоли не кечади! Йўқ-йўқ, у омон қолмоғи даркор! Ўзинг ҳар нарсага қодир-сан, худо, уни омон сақлашинг керак...

Намоз вужудда қўзғалиб келаётган аллақандай бир тўлқин таъсирида энгикиб, хўрсина-хўрсина эмаклаб бориб, эшик тирқишидан ҳовлига кўз ташлади. Йўқ, ҳали ташқарига унча қоронғи тушмабди. Ҳовлида кимдир ғимирсиб юрибди. Зокир бува бўлса керак, ҳа, ўша! Қучоғи тўла беда, ташқарига чиқиб кетяпти. Отларга хўрак ташиётган бўлса керак. Демак, қамал қилаётганлар кетмабди, отларини хашакка қўйишибди... Шу чоқ Намознинг бошига ғалати бир режа келди-ю, қувончдан вужудига қудратли бир куч қуйилгандек бўлди. Эшикни қия очиб, секин овоз берди:

— Зокир бува!

Чол, афтидан Намознинг қайси уйга беркинганини аввалроқ сезган бўлса керак, овоз чиққан эшикка жадал яқинлашди.

— Тирикмисан, полвон?

— Ичкари киринг,— илтижо қилди Намоз.— Раҳмат, отахон, бедани қаёққа олиб боряпсиз?

— Отларини хашакка қўйишди, босқинчилар.

— Ўзлари-чи?

— Кечки таомга ўтиришди.

— Ечининг, тез ечинг кийимларингизни!

Зокир бува гап нимадалигини дарров фаҳмлаб, шоша-пиша ечина бошлади. Намоз чолнинг минг ямоқ эски чориғини, қасмоқ боғлаб кетган катта, гулли чопонини кийиб, бошига қуён терисидан тикилган тумоғини ҳам бостирди. Бир қучоқ бедани бағрига олди.

— Шерниёз жиянингизни сизга қолдирсам бўладими?

— Худо сенга ёр бўлсин, полвон,— нурсиз кўзларида ғилқиллаб ёш кўринди Зокир буванинг.— Шерниёздан кўнглинг тинч бўлсин.

Намоз худди Зокир бободек белини букиб, қучоғидаги беда билан юзини тўсганча битти-битта босиб ташқарига чиқди. Ҳеч кимнинг чол билан иши йўқдек, солдатлар-у, навкарлар ерга тўшалган палослар устида учтадан, тўрттадан бўлиб овқат емоқдалар. Нарироқда Мирзаҳамид ўз тенглари билан давра қурган, оти шундоққина ёнида, қари тутга боғлоқлик турибди. Олдига хашак солинмаган. Фақат шу отни минсагина қуршовдан чиқа олиши мумкин, бошқаси яхши чополмайди, етиб олишади.

— Ҳоким ўғлим, отингизни суғориб келсам майлими?— сўради «чол бува».

Мирзаҳамид бошини кўтарди-ю, чайнаб турган оши оғзида, қотиб қолди. Таниди, Намозни таниди у! Кўзлар учрашди. Беда ортидан унга Намознинг кўзлари эмас, отишга шай турган тўппончанинг оғзи қадалиб тургандек бўлди... Нега «Намозни ушланглар!» деб бақирмаяпти. Бақириси керак эди-ку! Ўч олишнинг пайти келганди-ку, ахир! Нега олмаяпти энди... Ахир, шу Намоз туфайли унинг обрўйи бир пул бўлди, лавозимдан олиб ташлашди. Уни тириклайин бўғиб ўлдирмасам, алашимдан чиқмайман, деб бир неча бор қасам ичган эди-ку!

Нега жим турибди энди?

«Нега бақирмаяпман?»— фикридан ўтди собиқ ҳокимнинг.

— Майли, отахон,— оғзидаги луқмани ютиб деди Мирзаҳамид,— майли, сугориб кела қолинг...

«Чол» Қипчоқ ариғи ёнига етгунча юзини беда билан беркитиб, энгашганча солдатлар орасидан ўтиб борганини, отни ариққа эҳтиётлаб тушириб, устига сакраб минганини ҳам кўрди Мирзаҳамид. Аммо, у қарахт эди. Миясида «Нега?!» деган сўздан бошқа ҳаммаси қотиб қолгандек. Худди кўзи очиқ ҳолда ухлаб қолгандек эди у...

VIII боб

«Яқинимга келма, хотиним кўз ёраяпти!..»

Намоз Қипчоқ ариқдан ўтиб олгач, орқасига яна бир кўз ташлади. Йўқ, қувишмаяпти. Қизиқ, нега энди улар ҳалигача ўринларидан кўзгалмади экан? Ахир Мирзаҳамид уни кўрди-ку, таниди-ку, қизиқ! Наҳотки, собиқ ҳоким унинг қутулиб кетишига кўмаклашмоқчи бўлса, ўз ўлжасини қўлдан чиқарадиганлардан эмас эди-ку у? Танимади, вассалом.

Намоз остидаги учқур бедовга устма-уст қамчи босиб, ҳосили йиғиб олинган экинзорлар орасидан ўзига, фақат ўзигагина маълум бўлган сўқмоқдан от қўйиб борар эди. Марғилонтепага бориб, Акрамқул аравақашнинг уйида беркиниб ётган суюкли хотини Насибани кўриб ўтмоқчи, иложи бўлса, ўзи билан олиб қочади уни. Насиба ҳомилдор, бугун-эрта кўз ёрай деб турибди. Ҳавфсизроқ жойга олиб бориб, беркитиш керак уни. Бўлмаса, изини толиб ҳибсга олишлари ҳеч гап эмас. Бугунги воқеаларни эшитган бўлса, юрак ҳовучлаб ўтиргандир у бечора.

Намоз икки ҳуфтон маҳалида отини далага қолдириб, Акрамқулнинг ҳовлисига боғ томондан кириб борди. Ҳовлида чироқ йўқ, ётиб қолганга ўхшайди. Ит вовуллади, томдан, беда гарамлари орасидан кимдир овоз берди:

— Қайт, олапар!

Акрамқул экан, қўлида милтиқ, секин тушиб кела бошлади. Афтидан, боғ томондан кириб келаётган Намозни таниб турган экан.

— Хайрият, хайрият!— деб ўзини Намознинг бағрига отди.

— Эшиттиларингми?

— Эшитмай-чи, бутун юрт аза тутиб ўтирибмиз.

— Насиба қани?

— Омборхонада. Келинингиз икковини киритиб, устидан қулфлаб қўйдим. Жуда хавfli ҳозир. Опамни тезроқ бошқа жойга беркитишимиз керак.

— Қалитни бер менга.

— Сиз кириб, мен томда пойлаб тураман... Лекин, жойларини ўзгартиришимиз керак.

Насиба эшикка яқин келиб ташқаридаги говурга қулоқ солиб, кимлигини билолмай юрак ҳовучлаб турган эди. Эшик очилаётганда қўрқиб кетди у. «Наҳотки, мени ҳам ҳибсга олишса!» кўнглидан ўтди унинг.

— Насибам, бу менман.

— Намоз ака, қуршовдан омон чиқдингизми?

Ҳар гал Намоз олис сафардан қайтганда, хавфу хатардан омон чиқиб келганда Насиба унинг бўйнига осилар, кўксига бошини қўйиб, гоҳ эркаланар, гоҳо йиглаб-йиглаб олар эди. Ой-кунни яқинлашиб, отга миниши қийин бўлиб қолгандан буён уйма-уй беркиниб юрибди у. Бир жойда узоқ қололмайди, изига тушиб қолишларидан қўрқади.

Насиба эрининг кўксига бошини қўйиб бир нафас жим қолди. Йиглаптимми, хўрсиняптимми, билиб бўлмасди. Тани шамолда қолган япроқдек дир-дир қалтираб турибди. Шундоққина кўксининг остида гумонаси типирчилагандек бўлди. Буни Намоз аниқ сезди. Сезде-ю, ширин энтикиб, ўзи ҳам англаб етмаган аллақандай бегона бир ҳис, кишини элитувчи, маст қилувчи қайноқ бир туйғу таъсирида этлари жимирлаб кетди:

— Отга мина оласанми?

— Мин десангиз, минавераман.

— Йигиштир нарсаларингни, тез бўл.

Акрамқул қасоскорларга қўшилгандан буён, гарчи ўзи Турсун тўдасида ҳаракат қилса ҳам, ҳамиша Намоз акасига ачиниб, уни дуо қилиб келади. Шу пайтда уни ёлғиз юборгиси келмади. Қоратеригача эру хотин икковларини кузатиб борди.

Намоз Турсун аравасоз билан, албатта, учрашиши керак эди. Навбатдаги ишлар ҳақида келишиб олишлари зарур. Кеча асирга тушган йигитларни қутқариш йўлини ахтаришлари, шаҳид бўлганларни дафн этишни уюштиришлари, навбатдаги йигин қаерда бўлади, буни ҳам келишиб олишлари керак.

Намоз аравасоз билан унинг сомонхонасида узоқ суҳбатлашиб қолди. Акрамқул Хотам, Қарим деган йигитлари билан ташқарида пойлоқда туриб, чорраҳадаги уч кўчани кузатаётганди. Аллақандай шарпа Хотамга яқинлашиб, бир нафас қотиб турди-ю, яна узоқлашгандек бўлди. Акрамқул Хотамга сездирмасдан Намознинг олдига чопди:

— Гапирсам майлими?

— Тез айт!— деди Намоз юраги хунук бир нарсани сезиб.

— Хотамнинг ёнига Лутфулла ҳокимнинг уйи тарафдан бир шарпа келиб-кетгандек бўлди.

— Қачон?

— Ҳозиргина.

— Турсун, Насибага берадиган отингни эгарла!— ўрнидан туриб кетди Намоз.

Кўз очиб юмгунча эру хотин икковлари елкаларига милтиқ осиб, дарвозахонадан ташқари чиқдилар.

— Намозвой, бу ердаги ишлардан кўнглинг тўқ бўлсин,— шивирлади аравасоз.— Хабар берган кунинг қишлоқ аҳлини оёққа тургазаман.

— Хотамни текшириб кўр!

— Яхши!

— Хиёнатини аниқласанг — отиб ташла!

— Яхши,— шивирлади аравасоз.— Кумушкент орқали кетинглар. Мен ҳокимнинг йигитларини чалғитиб тураман... Бахтимизга ҳеч бўлмаса сен омон бўлгин.

Намоз дўстининг маслаҳати билан Насибани Кумушкент йўлига

бошладн. Аммо, қишлоққа кирмади. Шолиси ўриб олинган пайкаллар орқали бориб, қишлоқни камардек ўраб тушган катта анҳордан ўтгач, юлғунлар қоплаган серқум тўқайзорга кириб олди. Бу тарафлардан аввал ҳеч юрмаганди, сўқмоқ борлигини ҳам билмасди. Аммо, тик кетилса, Жом даштларига чиқиб олиш мумкин деб ўйлаб борарди Намоз.

Тун яримдан оққан; олачалпак ойднн бир кеча. Ой гоҳ қопқора булутлар ортига шўнғиб, атроф тўсатдан қоронғилашар, гоҳ булутлар орасидан ёриб чиқиб, еру кўкни бир хилда ёритиб, оромли уйқуга кетган тўқайзорни икки отлиққа кўз-кўзлаб қўяр эди. Намознинг қалбида қувонч билан ғусса, севинч билан ғам тез-тез алмашилиб бормоқда. Гоҳ қуршовдан омон чиққанига, севикли хотини билан ёнма-ён кетаётганига шукроналар айтиб севинач, чўлни бошига кўтариб ҳайқиргиси келар, гоҳ изтироб тўла юраги чайқалиб вужуди ловуллаб ёнаётганини туяр, бақувват тишлари ғижирлаб, лабларини қонатгудек тишлаб, бошини алам билан чайқаб қўяр эди.

Насиба Қоратеридан чиққанларидан буён гоҳ йўртиб, гоҳ чопиб бораётган от устида жим кетаяпти. Акрамқулнинг уйидаёқ, Намозни кўриши билан, ҳалигача ўзига бегона бўлган ғалати бир қалтироқ турган эди. Худди безгакдек тутиб келаётган бу қалтироқ бора-бора оғриққа айланиб, бутун борлигига буров солиб, қийнай бошлади... Бели куйиб ачишар, нафаси қисилар, баъзида қўл-оёқлари жингалакдек тиришиб қолар, бундай пайтларда узангига етиб-етмай бораётган оёқлари эгар томон тортилиб, қўлидан юган чиқиб кетар, ўзига келгач, от устидан учиб кетмаганига ҳайрон бўлиб, яна юганга ёпишар эди. Қизнинг гоҳ оғриқ зўридан, гоҳ оғриқдан сўнг карахт бўлиб бораётган вужудида дард билан Намоз акамга халақит бермайманми, деган хаёл олишмоқда эди. Иккови ҳам унинг ихтиёридан ташқари, вужудининг қаеридадир туғилиб, бир-бирлари билан тўқнашиб, гоҳ униси, гоҳ буниси устун келиб бормоқда эди. «Йиқилмасам бўлди, йиқилмасам бўлгани...» шивирлайди қизнинг қонталаш бўлиб кетган лаблари.

Гумонаси шундоққина томоғининг тагида ўйноқлаб, нафасини бутунлай қисиб қўйди. Қизиқ, вужудида ҳеч қандай оғриқ сезилмади бу гал. Томирларидан аллақандай илиқ, шилимшиқ нарса оқиб келиб, юрагига шув этиб қўйилди-ю, худди аллалагандек элита бошлади. Кўз олдини кўк, сарғиш халқачалар қоплаб, уйқуга ўхшаш бир хаёлот қамради.

— Намоз ака,— чинқириб юборди Насиба.— Мен ҳушимдан кетяпман!

Анча олдинда бораётган Намоз отнинг бошини тортиб, орқасига ўгирилди:

— Нима дединг!

Насиба эгарнинг бошини маҳкам чангаллаб, безгак тутгандек, дағ-дағ қалтираб турарди. Намоз хотинининг ёнига қайтди.

— Нима бўлди?

Насиба энтикди:

— Тўлғоқ тутяпти.

— Тўлғоқ?!— ҳам қувонч, ҳам қўрқув бор эди йигитнинг овозида.

Насиба калта-калта нафас оларди:

— Мени отдан олинг.

Намоз Насибани эгардан олиб, қўлида кўтарганча юзини кўксига босиб, анча маҳал унсиз қотиб турди. Миясидан аллақандай ланж, мужмал фикрлар чарх уриб ўта бошлади.

— Намоз ака!— беихтиёр эрининг кўксини қаттиқ тишлаб олди Насиба.

— Ұзингни бос, жоним!— нима дейишини билмасди Намоз.— Ҳозир ҳаммаси жойида бўлади, мана ҳозир...

Йигит бир нафаслик довдирашдан сўнг ўзига келиб, тўнини қумга ташлади. Хотинининг аллақандай совуқ, ёпишқоқ тер ичида қолган ҳолсиз бошини тиззасига олди...

Янги одам дунёга келишини у илгари кўрмаганди. Эҳтимол, қора булутлар қуршовида гоҳ тубсиз осмоннинг қаеригадир чўкиб, гоҳ сув юзага сузиб чиққан қовундек балқиб, ажиб ўйинлар кўрсатаётган, миллионларнинг дарди изтиробига миллион бор гувоҳ бўлган тўлин ой ҳам бугунгидек оғир дардни, оғир изтиробни кўрмагандир. Эҳтимол, сокин тун қўйнида оромли уйқуга кетган поёнсиз тўқайзор ҳам тўқайзор бўлгандан буён одам боласининг дард билан бунақанги қаттиқ олишганига гувоҳ бўлмагандир.

— Онажон, онажоним!— Насиба ўрнидан туриб, оёқларини жуфтлаб гир айлана бошлади.

— Жоним, бирон қишлоққа қайтайлик, хўп дегин?— йиғлагандек бир аҳволда ёлборди Намоз.

— Йўқ,— бош чайқади Насиба,— қўлга тушиб қоламиз. Йўўўқ! Доя олиб келайми?

— Қўлга тушиб қоласиз. Йўўқ!

— Тушмайман! Мана милтиғинг, мана тўппонча! Кумушкент яқин, кўз очиб юмгунча қайтаман, Насибам, ўзингни қўлга ол, мен кетдим! Намоз бирон фикрни тўғри деб билса, ҳеч қандай хавфни писанд қилмас, ҳеч қандай куч уни тўхтата олмас эди. Буни Насиба яхши билади. Шунинг учун ҳам бошини чайқаб, «иммм» деди-ю, аммо йўқ деёлмади. Дейишнинг ҳожати ҳам қолмаган эди. Чунки, Намоз аллақачон отга миниб, қамчи ураётган эди.

Кумушкентга кираверишда паст девор билан ўралган қўрғон олдида Намоз отдан сакраб тушди. Омонат ўрнатилган четан эшикни қамчининг дастаси билан қоқа бошлади. Ит вовуллади. Анчадан кейин ичкаридан уйқусираган овоз эшитилди:

-- Ким у?

Намоз ёлбориб гапира бошлади:

— Мен йўловчиман. Хотинимни чўлда тўлғоқ тутиб қолди. Туғолмаяпти. Худо ёрлақасин сизни...

— Ердам керакми?

— Ёлвориб сўрайман.

Уй эгаси қўрқа-писа келиб, эшикни қия очди. Паканагина, серсоқол бир чол экан.

— Мана бу суюнчиси,— Намоз танга тўла ҳамённи қўярда-қўймай чолга тутқазди,— хотиним эсон-омон қутулиб олса, сизга от совға қиламан.

— Кампирим бирга борсинми?

— Худо хайрингизни берсин, тез бўлинг, буважон.

Чол орқасига қайтиб, анча маҳал йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят, ўзига ўхшаган ушоққина бир аёлни паранжи-чачвонга ўраб, қўлидан етаклаб чиқди. Бошқа қўлида катта қумғон бор эди.

— Мана буни ола кет, ўғлим, ўт ёқиб сув иситасан,— деди чол аёлни Намознинг орқасига мингаштираётиб.— Лекин, йигит, кампиримни келтириб қўясан-а?

— Гап битта, бобожон.

— Худоё хотининг эсон-омон қутулиб олсин.

Намоз қайтаётганда тонг ёришиб қолган эди. Шунинг учун аввалги изидан бориш унча қийин бўлмади. Ёлғиз қолган от ҳуркибдими, нарироққа бориб, янтоқларнинг учини чимдиб юрибди. Насиба остига тўшалган тўндан сурғалиб тушиб, ёнидаги қум тепага бошини қўй-

ганича лоладек қизариб, аста-аста кўтарилиб келаётган қуёшга тикилиб ётарди.

— Ҳушинг жойидами?— хотинининг бошини қўлига олди Намоз.

— Намоз ака,— беҳол шивирлади Насиба.— бу сизми?

— Мана, доя олиб келдим, жоним.

— Кетинг, жон Намоз ака, юрагимда гашлик бор, қўлга тушиб қоласиз... Тез кетинг!

— Худо хоҳласа, бирга кетамиз. Қўлга ҳам тушмаймиз... Ўғилчамиз, сен, мен — ҳаммамиз биргалашиб кетамиз...

Пакана кампир Намозга ўт ёқиб, сув илитишни буюрди. Ўзи Насибага жой ҳозирлаб, ечинтиришга машғул бўлди. «Қўрқма, қизим, худо йўл берса, ҳеч гап эмас», деяётгани Намозга эшитилиб турибди. Намоз ўт ёқишга улгурмади. Шундоққина ёнида турган от оёғи билан қум таталаб, эчкининг маърашидек қисқа-қисқа кишнаб қўйди. Йигит, юрагига ғулув тушиб, ҳали Насибаси бошини қўйиб ётган қум тепага чиқди-ю, қўл-оёғи бўшашиб кетди. Унинг изини олиб келаётган отлиқлар яқинга, жуда ҳам яқинга келиб қолишибди.

Намоз жон ҳолатда нарида турган милтиқни қўлига олди-ю, ammo отмади. «Отишма бўлса, аввал Насибани мўлжалга олишди, чақалоқ ҳам нобуд бўлади,— фикридан ўтди унинг,— кампирга ҳам жабр бўлади...» Оч бўрилар галаси қўй подасига ҳужум қилганда, аввал гир айланиб, чор атрофни қуршаб олади, дейдилар. Қим билади, ўлжага ташланишнинг бу усулини йиртқичлар одам боласидан ўрганганми ёки одамлар йиртқичдан намуна олганми, ҳар қалай, эллик чоғли отлиқ аскар Намоз шамдек қотиб турган қум тепани қуршаб, сиқиб кела бошлашди. Намоз уларнинг кўпини таниди; баъзиларини кўрган, бир хиллари билан отишган. Пайшанба бўлисининг пристави капитан Голов аскарлари, Жўжаариқ бўлисининг ҳокими Лутфуллахўжанинг навкарлари булар. Яқингинада Намоз пайдо бўлибди деса, қочгани жой тополмай, тутқаноғи тутиб қоладиган Лутфуллахўжа ҳозир гердайиб, виқор билан от ўйнатиб келяпти.

Капитан Голов тўдадан ажралиб чиқди.

— Намоз Пиримқул ўғли, милтиқни ташла!

Намоз шердек ўкириб юборди:

— Хотиним кўз ёрапти, яқин келма, отиб ташлайман!

Йигит соф рус тилида сўзлагани учунми ёки хотиним кўз ёрапти дегани таъсир қилдими, капитан ўйноқлаб турган отининг бошини тортди.

— Милтиқни ташла!

— Аввал хотинимга тегмайман, деб сўз бер.

— Сўз бераман. Рус офицерининг сўзи, хотинингга ҳеч ким тегмайди.

— Ол, милтиқ керак бўлса.

— Ханжарни ҳам ташла!

— Буни ўзинг совга қилгансан, келиб ўз қўлинг билан ол.

Бир неча йиллар олдин Намоз марҳаматли Иванбойнинг хизматини адо қилиб юрган чоғларида бойнинг меҳмонларига қашқалдоқ, тустовуқ отиб юриб, ўша пайтда Пойариқ бўлиси ҳарбий пристави лавозимида хизмат қилаётган капитан Головни нақ ўлимдан сақлаб қолган эди. Овга берилиб кетиб, тўсатдан ёввойи тўнғизлар қуршовига тушиб қолган капитан «Ёрдам беринглар!» дея қичқириб юборганда, на милтиқ, на таёқдан қўрқадиган бу маҳлуқларнинг феълени яхши билган Намоз бир қучоқ янтоқни ёндириб келиб, ўзини қутурган тўнғизлар подасига уради-ю, капитанни қуршовдан олиб чиқиб кетди. Ханжар ана ўша қуни совга қилинган эди.

— Хотинингга қолдир ханжарни!— буюрди капитан,— ўзинг бери кел. Намоз, сен асирга олиндинг!

— Капитан, мен сени ўлимдан қутқарган эдим.

— Сен ўшанда мард йигит сифатида ўз бурчингни адо қилган эдинг. Мен ҳам ҳозир рус офицери сифатида ўз бурчимни адо қилаётирман... Боғланглар қўлини!— юзини тескари ўгирди капитан Голов. Сўнг ҳокимнинг йигитларига ўшқирди:— урма, асирни уриб бўлади-ми, итвачча!

МОХОВХОНА МАҲБУСЛАРИ

УЧИНЧИ ҚИСМ

І боб

Сергей табиб Намозни қутқармоқчи

Инқилобчи Михаил Морозов Самарқанд шаҳрига келгач, нурли манзилларга чорловчи тарғибот кучайиб кетди. Ҳақсизликка қарши исён кўтарган жасур, тадбиркор рус йигити ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмай тез кун ичида шаҳардаги инқилобчиларнинг бошини бошига қўшиб, режаси аниқ бўлган тўғарак атрофига уюштириб олди.

Илғор фикрли рус зиёлиларининг кўмаги билан «Самарқанд» номли газета ташкил этди. Бу газета саҳифаларида адашганларга зулмат қоронғисидан чиқиб олишларига кўмаклашадиган, аниқ йўлни кўрсатиб берувчи машъалдек ёрқин мақолалар эълон қилина бошланди.

Тўғаракнинг асосини Демуров босмахонасининг ишчилари ташкил этарди. Зиёлилар, катта-кичик амалдорлар ҳам кўп эди бу тўғаракда. Инқилоб хусусида қарашлари хилма-хил, аммо, қандай бўлса ҳам, чириб қолган тахтни ағдариш тарафдори бўлганлар; «Самарқанд» газетасига редакторлик қилган Паренков, Россиядан кўчириб келтириляётган аҳолини жойлаштириш билан шугулланувчи чиновник Позняков, гимназия муаллими Андреонов, округ суди оқловчиси, машҳур ҳуқуқшунос Болотин, Мужик кишлоғида истиқомат қилувчи Сергей Рябовлар ҳам аъзо бўлиб киришганди бу тўғаракка. Ерли аҳоли вакилларидан бўлмиш Акрамжон Комилжон ўғли, Исмоил Шоҳжаҳон ўғли, Отамурод Шермуҳаммад ўғли сингариларнинг аъзо бўлиб кириши тўғарак қатнашчилари олға сураётган ғояларнинг мазлумлар ўртасида ёйилишини тезлаштириб юборган эди.

Ўтин ўз-ўзидан ёнмайди, уни кимдир қалаштириб қўйиши, гугурт чақиши зарур. Гугуртни Михаил Морозов чақиб юборди. Аланганинг ёрқин шуълалари гоҳ Жиззах, гоҳ Нурота, гоҳ Каттақўрғону Хатирчи атрофларини кундуздек ёритиб юборарди. Бу аланга Гескет жаноблари бошлиқ катта-кичик маъмурларнинг юзини гоҳо Жиззханақ қилиб куйдирмоқда эди. Гескет жаноблари оловни ким ёқаётганлигини аниқлай олмай жиғи-бийрони чиқиб, назарида қартабозликдан бошқа ҳеч нарсага ярамай қолган маъмурларнинг сиқиб сувини ичар, ўзи ҳам қўрс, бетоқат, асабий бўлиб борар эди. Ниҳоят, олов ёққандан кўра ҳам уни боши узра кўтариб юртдан-юртга от қўйиб юрган кимса ханфлироқ деб билган арбоблар бирлашиб, чўқмордек оғир

бир муштга тугилдилар-у, зарб билан Намоз Пиримқул ўғлининг бошига урдилар.

Намоз тўдасининг бир қисми катта-кичик отишмаларда нобуд бўлиб кетди, бир қисми сотқинлар кўмагида ҳибса олиниб, оёқларига кишан урилди. Омон қолганлари жон ҳовучлаб тоғларга чиқиб кетди. Қаттиқ калтакланган, суяклари синиб, боши эзилган Намозни Самарқанддаги сиёсий маҳбуслар сақланадиган «Моховҳона» қамоқхонасига қамадилар.

«Ўлдириб қўйишади энди уни!— худди оёгини чаён чақиб олган кишидек уй ичида айлана бошлади Сергей табиб.— Ўлдиришади уни!.. Йўқ, калтакдан ўладиганлардан эмас у. бадани темирдан ҳам қаттиқ... Полвон катта иш бошлаб юборган эди-я, эсиэ! Уни эҳтиёт қилмадик. Осишади энди! Шафқат қилишмайди, эҳтимол, қутқаришнинг бирон йўли топилиб қолар. Ҳа, ноумид шайтон, ҳозироқ Самарқандга жўнайман...»

— Ҳайитбой!— деб чақирди Сергей табиб хона ичида югуришдан тўхтаб.

Учоқ бошида пўстак устига чордана қуриб аллақандай русча китобни ҳижжалаб ўқиб ўтирган Ҳайит бир сапчиб тушди:

— Нима дейсиз?

— Қармисан?

— Энди бир марта чақирдингиз-ку.

Сергей табиб болани ноҳақ уришгани учун ўзини койинган бўлди-да, базўр жилмайди:

— Нима қиялпсан?

— Ўзингиз кийик ўтти қозонга солиб қайнат дегандингиз-ку.

— Қиёми ажралдими?

— Суп-суюқ ҳали.

— Тўхташ қаерда?

— Ўзингиз чинорнинг томиридан кавлаб келишга жўнатдингиз-ку.

— Тез бориб, топиб кел, болам, ишлар чатоқ!

— Нима бўлди?

— Самарқандга жўнаймиз...

Сергей табиб қандай бўлганда ҳам ўзининг маънавий раҳбари, маслакдошлари ичида кўнглига энг яқини Михаил Морозовни излаб топмоқчи эди. Ингитчаларни «Паноҳи сағирон» чойхонасида қолдириб, сўроқлай-сўроқлай намозгар пайтида дўстининг изини аранг топди. Босмахонада, газетанинг эртага чиқадиган сонини ўқиб ўтирган пайтида учратди уни.

— Худо ҳаққи, сени кеча кутган эдим.— хурсанд бир кайфиятда ўрнидан турди Сергей Морозов.— Хўш, қария, аҳволлар қалай? Биламан, ҳозир Намоз ҳақида гап очасан, уни қамоқдан чиқариб берасан, бўлмаса газетхонанга ўт қўяман, деб дағдага ҳам қиласан, шундайми?

— Авлиёсан-да, Михаил Васильевич.

— Ишимиз бир, дилимиз бир, демак ташвишимиз ҳам бир хил-да,— тез-тез гапира бошлади Михаил Морозов.— Сен, қария, бир оз ўтириб тур. Мана бу саҳифаларни ўқиб берай. Кейин батафсил гаплашамиз. Лекин, мана бу мақолада эсер амакиларингни бошлаб пўстагини қоқдим-да. Эртага ўқийсан.

— Аллақачон шундай қилишинг керак эди.

— Қара-я, бизнинг инқилобимизни читфурушу чойфурушларнинг манфаати йўлига буриб юборишмоқчи, бу оқ ёқали олифталар.

— Либераллар ҳақида ҳам бир чиқиш қилишинг керак, Михаил Васильевич. Улар ҳам кўпчиликнинг бошини қотирапти.

— Тўғри айтасан, Сергей Константинович, подшони илтимос би-

лан тахтдан тушириб бўлмайди. Либераллар эса мана шу ғояга қаттиқ ёпишиб олишди ҳозир,— қогоз устидаги майда ҳарфлардан кўзини олмай сўзларди Михаил Морозов,— хўп, бу ҳақда ҳам кейин гаплашамиз. Мана бу газетани ўқиб тур. Ҳозиргина Петербургдан келтиришди. Ҳали ўзим ўқиб чиқолганим йўқ. Ўзбеклар айтганидек бош қашлашга ҳам қўл тегмайди, иш кўп...

Чириган тахталардан омонат қурилган, киши аранг сиғадиган бу хона дарчалари очиқ бўлишига қарамай, хийла қоронғи эди. Сергей табибнинг кўзи газета харфларини яхши илғамди. Газетани нари суриб жим ўтира берди. Қаршисидаги кишига ҳаваси келди унинг. Ёши қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, худди ўн саккиз ёшли йигитчадек ҳамиша куч-ғайратга тўлиб-тошиб юради у. Унинг тасаввурида бирон ноаниқ тушунча йўқ. Ҳаммаси кафтда тургандек аниқ. Инқилобнинг бирдан-бир йўли сиёсий зўрлик, инқилобнинг асосий таянч кучи ишчилар, қуролсиз инқилоб йўқ — унинг мулоҳазалари ана шундай лўнда, ўзига ўхшаган содда-ю, аммо кескин бўлади.

Михаил Морозов ишни бажариб бўлиб, косибнинг курсисидек маъишиб, устини мой босган курсисини меҳмонга яқинроқ сурди.

— Хўш, Сергей Константинович,— дея меҳмонга негадир кулиб боқиб қўйди.— Қишлоқларда нима гап, деҳқонларнинг аҳволи қалай?

— Қишлоқларда... Намоздан каттароқ гап йўқ ҳозир. Бу деҳқон йиғити ҳозир афсонавий қаҳрамонга айланган.

— Демак, орқасидан деҳқонларни эргаштиряпти дегин? — қошла-рини чимириб сўради Михаил Морозов.— Курашимизнинг ҳозирги палласида, майли баъзи бир зарарли томонлари бўлса ҳам, биз бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашимиз керак. Бу йигит ҳақидаги баъзи бир гапларни сўраб билдим. Чакки эмас! Менга унинг қамалганини кеча айтишди. Шунинг учун ҳам сени кеча кутувдим. Ташвишланма, уни қутқарамиз. Баъзи бир чораларни кўра бошладик ҳам. Қамоқхонага дўхтир юбордик. Айтишларича, ҳибсга олинаётганларнинг кўпи ярадор эмиш... Муҳими, бу ҳаракат парокандаликка учрамаслиги керак. Умидсизлик ёмон нарса. Хабаринг бор, кўп жойларни кездим, лекин, Самарқанд бошқача ўлка. Одамлари мағрур, ҳамияти баланд бу юртининг... худди уйқуда ётган паҳлавонга ўхшайди. Уйғотиб юборсанг, шердек ўкириб, кишанларни парчалаб ташлашга қодир бу ўлка. Маданий бойликлари, маънавий хазиналари кўплигини айтмайсанми? Болалигимдаёқ бу ўлкани севиб қолганман. Муаллимдан Самарқанд ҳақида гапириб беринг деганимда, Самарқанд ҳақида гапириб бўлмайди, уни бориб кўриш керак дегани ҳали-ҳали эсимда. Унинг дурдоналари фақат обидаларигина эмас, азизим Константинович, одамларнинг маънавий дунёси бой экан. Дид баланд, таъб нозик, худди балчиқда қолган гавҳарга ўхшайди-я. Биз ана шу жаҳолат балчигини қуритишимиз керак... Лекин ўзбек тилини ўрганишга киришиб, яхши иш қилдинг-да. Ё тўхтатиб қўйдингми?

— Тўхтатганим йўқ.

— Яхши қиласан, тўхтатма. Катта хазинанинг калити бу тил. Афсуски, менинг вақтим йўқ, бўлмаса, мен ҳам ўрганиб, ҳазрат Навоийнинг шеърларини ўз тилида ўқиб чиққан бўлардим... Ҳа, майли, ҳозирча афсусларни қўйиб турайлик, менинг қарорим шу: Намоз Пиримқул ўглини қутқариш керак. Бўлмаса, маъмурият оч бўридек қонсираб турибди ҳозир, уни қатл қилишади. Водийдаги деҳқонларнинг озодлик ҳаракатига оғир зарба бўлади бу. Мен сенга Отамурод Шермуҳаммад ўгли деган бир йиғитни кўшиб бераман. Уни кўргансан, тўғаракка қатнашиб юради. Ақлли, тадбиркор йигит. Намознинг қамалганини эшитиб бағри эзилиб кетибди... Кимникига тушдинг?

— «Паноҳи сағирон»га тўхтадик.

— Чойхоначи ишонарли одамми?
 — Намознинг тутинган отаси у.
 — Ҳозирча хайрлашамиз,— бир нарса тўсатдан ёдига тушиб қол-
 гандек сакраб ўрнидан турди Михаил Морозов,— эртага кечқурун ку-
 тубхонага кел. Эсер амакиларинг, либерал тўралар билан мунозара
 бор. Деҳқонларнинг кайфияти ҳақида сўзлаб берасан... Отамурод чой-
 хонага кечқурун боради. Хўп, хайр!

II боб

Миршаб Заглада йўл ўргатади

«Паноҳи сағирон» чойхонаси бир вақтлар маҳалланинг қари-қар-
 танглари-ю, етим-есирлардан бошқа ҳеч ким қадам босмайдиган харо-
 бадек бир хилватгоҳ эди. Намоз Девона бобони бир-икки бор кўргани
 келиб, ҳадялар қолдириб кетгандан сўнг хилватгоҳга сон кирди. Чой-
 хонанинг нурай деб турган томи қайтадан ёпилди. «Оғайникулол» дў-
 конидан чойнак-пиёлалар келтирилди, палослар янгиланди. Девона
 бобо ётиб юрган кулба ҳам тор, ҳам сувоқлари тўкилиб, нураб қолган
 эди. Ўрнига ғарибу ғураболарни ҳашарга чорлаб, жуда ҳашаматли
 бўлмаса ҳам, бир йўла йигирма-ўттиз киши тунаса бўлаверадиган даҳ-
 лизли уй қуриб олди.

Бу манзилгоҳда энди ҳафтанинг жума, якшанба кунлари етим-
 есирларга худойи оши улашилади, баъзиларига гоҳо янги кийим-бош-
 лар ҳадя қилинади.

Уч кундан буён Сергей табиб шу ерда турибди. Кундузлари алла-
 қаерларга йўқ бўлиб кетади. Кечқурун Демуров босмахонасининг ҳарф
 терувчиси Отамурод билан узоқ суҳбатлар қуради.

...Намоз йигитлари устидан тергов аллақачон бошланиб кетган.
 Тошкент округ суди палатасидан махсус терговчилар чақирилибди.
 Намоз бетоблиги сабабли унинг устидан ҳали тергов бошланмабди.
 Энг ёмони, тергов қамоқхонанинг ўзида олиб бориляпти. Оқловчи Бо-
 лотин ҳазир бир нарса дейишга ожизман, дебди...

Аммо, Отамурод Қоргар бугун калаванинг учини топгандек бўл-
 ди. Миршабхона нозирларидан бири, Заглада деган мўйловдор йи-
 гит, Қоргарга қўшни, уч ҳовли нарида яшайди. Хотини сут-қатиққа
 чиқиб туради. Заглада ҳозир қамоқхонадаги қоровуллар тўдасидан
 бирига бошлиқ. Узи пошшолик тузумини унча ёқтирмайди. Сиеб бў-
 йида маёвка бўлганда ишчиларни хавфдан огоҳлантириб қўйган. Бу-
 гун эрталаб Қоргарга ўзи дил ёриб қолди. «Моховхона» атрофини
 айланиб қолдинг, қўшни, бирон илинжинг борми, айт, ёрдам бера-
 ман...» деб ўз оғзи билан айтди. Қоргар босмахонада Михаил Моро-
 зовни учратиб, Заглада ёрдам бераман деяпти, деган эди. Михаил Мо-
 розов: «Миршаблар орасида бизнинг ишимизга ҳайрихоҳ бўлгани шу.
 Лекин, ҳар қалай, эҳтиёт бўл», деб маслаҳат берди.

Ҳозир шу одамнинг келишини кутишяпти.

— Борди-ю, бу Заглада деганинг бизни алдаб қўйса-чи?— ишон-
 қирамай сўради Сергей табиб.— Тузоқ қўйиш учун шундай деган бўл-
 сачи?

— Эҳтимол,— унинг гапига қўшилди Қоргар.— Лекин, ўрис ош-
 но, биз бунга дарров қулфи дилимизни очмаймиз, синаб кўраимиз.

— Аслини олганда-ку, таваккал қилишдан бошқа иложимиз ҳам
 қолмади-я!— деб қўйди Сергей табиб.

Девона бобо ранги-қути ўчган бир аҳволда чой олиб кирди. Чой-

накни қўяётиб, Қоргарнинг қулоғига: «Миршаб келди, кўзи бежо», деб шивирлади.

— Чақиринг бу ёққа,— деди Қоргар Девона бобони ҳайрон қолдириб,— биз уни кутиб ўтирибмиз.

Пётр Заглада кўзида меҳригиёси бор йигитлардан экан. Сергей табиб бир қарашдаёқ: «Йўқ, бундан ёмонлик чиқмайди», деб ўйлади ва:

— Асли қаерлик бўласиз?— деб сўради омонлашиб бўлгач.

— Москваликман,— тушунтирди Заглада қайноқ-қайноқ чой ҳўплаб.— Менга қаранглар, жаноблар, мендан унақа тортиниб, хавфсираб ўтирманглар. Қаерликсан, отанг киму онанг ким, деб суриштиришларини ҳам ёқтирмайман... Гарчи вазифам шуни тақозо қилса ҳам, лекин мен сотқин эмасман. Сотқинни кўрсам, жойида бўғиб, устига тўн ёпиб кетавераман. Гап шу. Мен сизларни яхши танимайман. Эҳтимол, ўзларинг сотқиндирсизлар... Лекин, сизларнинг Михаил Морозов тўпидан эканликларингни юрагим сезиб турибди. Худога шукурки, ҳозирча уларнинг орасида сотқин йўқ. Биз миршаблар бўлсак, император олий ҳазратларининг қопагон итимиз. Лекин, итлар ҳам ҳар хил бўлади. Бир хили сийлаганни билади, бир хили сийлаган-сийламаганни аралаш қопаверади. Худога шукур, виждонимни шайтонга сотганимча йўқ ҳали... Намоз Пиримқул ўғли қамалган кундан буён, ҳурматли кўшни, сиз ўша атрофда пайдо бўлиб қолдингиз, тўғрими?

— Тўғри,— очиқ иқрор бўлди Қоргар.

— Агар менга ишонсанглар, сизларга ёрдамим тегиши мумкин. Бўлмаса, уни отишади... Шунақанги ажойиб йигит эканки, рус тилини сувдек ичади... Ярасини икки марта ўзим боғлаб қўйдим! Очиқда бўлганимда, сенга от совға қилардим, дейди. Кўнгли кенг йигит экан, худди Пугачёвнинг ўзи дейсиз. Унинг овозасини илгарни эшитиб юрдим-у, ўлай агар, бунақанги очиқ кўнгил йигитлигини тасаввур қилмаган эканман. Намоз, нега сени сўроқлаб орқангдан ҳеч ким келмайди, десам, ҳозирча сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, дейди. Ачиниб кетдим. Овқатига ўзим қараб турибман. Хўш, жаноблар, ўзлари унга ким бўладилар?

— Биз ҳам сенга ўхшаб унинг тақдирига ачиниб келдик,— деди Сергей табиб ҳамон Заглададан кўзини узолмай.

— Яхши одамга ҳамма ачинади. Хўш, мендан қандай ёрдам керак, тортинмай айтаверинглар.

— Уни қочириш керак!— таваккал қилиб фикрини очиқ айтди Қоргар.

Пётр Заглада анчагача жавоб қайтармади, афтидан, у анча нарсаларни ўйлаб, чамалаб кўрмоқда эди. Буралиб-буралиб бориб, қулоғининг ортига ўтиб кетган мўйловини тез-тез силар экан:

— Мумкин!— деди ниҳоят ўзига келиб.— Лекин, бу ишдан қамоқхона бошлиғи Панков жанобларини хабардор қилиб қўйиш керак.

— Йўғ-э!— баробарига дейишди ҳамсуҳбатлар.

— Қўрқманглар. Улардек пулга ўч одам у. Қўйиб берсанг, маҳбусларнинг ҳаммасини Сиеб бозорига олиб чиқиб, пуллашдан ҳам гоймайди. Ҳозир аҳволи жуда танг, қиморга бой бериб қўйди. Уйи-жойи ким ошарга сотилиш арафасида турибди... Пул таклиф қилиш керак унга...

— Эҳтимол, ўзингни ҳам ул-булга муҳтожлигинг бордир,— ўсмоқчилаб сўради Қоргар.

— Тўғри, пул ҳаммага ҳам керак. Кўп нарсага муҳтож ҳамманг. Лекин мен одамфуруш аблаҳлардан эмасман, буни эсингдан чиқарма, кўшни! Хуллас, жаноблар, Панков тўрани бу ишга тортиш керак. Қоровулларни ўша алмаштиради. Зиндонларнинг калити ҳам ўша қи-

морбознинг қўлида. Маҳбуслар билан бемалол гаплашиш ҳуқуқи берилган унга... Лекин, ташқаридан ҳужум қилиб, қутқариб бўлмайдими уни. Буни Намознинг йигитларига етказиб қўйинглар. Тепада ҳарбий горнизон турибди — қириб ташлашади. Деворлардан ҳам ошиб ўтиш қийин. Немис мутахассислари девор орасига кўмма қўнғироқ қўйган, сал қўлинг тегиши билан жиринглаб, бутун Самарқандни оёққа турғизади. Бирдан-бир йўл зиндоннинг остини тешиб чиқиш...

— Бу жуда мушкул бўлса керак?— сўради Сергей табиб.

— Сергей Константинович, кўринишингиздан зиёли одамга ўхшайсиз, демак, ақлни бировдан қарзга оладиган жойингиз йўқ. Уйлаб кўринг, осон йўлни танласак, иш барбод бўлади... Лекин, менинг бу режаларим ҳозирча хомхаёл. Аниқ режани Панков жаноблари пулни жарақлатиб санаб олганларидан кейин тузамиз. Қамоқхона билан боғланиб олишларинг, яъни айтмоқчиманки, ўша ерга ўз одамларингни киритиб олишларинг учун ҳозир яхши имконият бор.

— Қанақа имконият экан?— сўради Коргар.

— Қамоқхонанинг чиқинди-ю, ахлатларини чиқариб ташлаш, ташқаридан сув-ўтин ташиш учун одам ахтаришяпти.

— Кўтариб ташиладими?— сўради Сергей табиб.

— Йўқ, эшак аравалари бор.

— Ёш йигитча бўлса ҳам бўлаверадими?

— Мен тавсия қилсам бўлаверади.

— Менинг асраб олган ўғилларим бор.

— Ўзбекми? Ишқилиб, рус бўлмасин, қора ишларга уларни олишмайди.

— Ўзбек, лекин иккови ҳам рус тилини яхши билади.

— Айни муддао,— хурсанд бўлиб кетди Пётр Заглада,— рус тилини билишларини ҳозирча ҳеч кимга сездиришмасин.

— Тайинлаб қўяман,— иш тўсатдан яхши томонга юришиб бораётгани учун ўзида йўқ севишиб кетди Сергей табиб,— энди сўраганинг айби йўқ, Панков жанобларига қанча пул келтирсак бўларкин?

— Ҳар қалай оз-оздан бериб борган маъқул деб ўйлайман,— маслаҳат берди Пётр Заглада,— ароқхўр бир одам у. Пулни олгандан кейин тониб юбориши ҳам ҳеч гап эмас...

— Раҳмат сизга, сиз чинакам олижаноб йигит экансиз,— бугунги учрашувдан мамнун эди Сергей табиб. Суҳбатдошининг кўнглини нима биландир овлагиси келиб қолди унинг шу пайтда.— Лекин, хафа бўлмайсиз, сизга ҳам кичикроқ бир совға қилиш ниятим бор. Йўқ, десангиз, астойдил хафа бўламан!

— Оббо сиз-эй, ҳеч қўймадингиз-да,— негадир дарров кўна қолди Пётр Заглада.— Майли, бўлмаса, лекин пул берманг — ичиб қўяман. Хотинимга битта тикув машинаси олиб бера оласизми?

— «Зингер»данми?

— Ҳа, ишқилиб, ўша оёқ билан тикадиганидан бўлсин. Хотиним ёлғиз, ўзим уйда зерикаман, машина олиб берасан деб ғиншигани-ғиншиган. Пулни қаердан оламан десам, ҳамма қаердан олса, сен ҳам ўша ердан олсан, дейди. Лекин, ҳозир эмас, кейинроқ. Иш юришмай қолса, виждоним азобда қолади... Негадир ўзингизни таништирмаяпсиз, губернатор жанобларининг канцелярасида ишлайсизми дейман, жуда сипо ўтирибсиз. Исми-шарифингиз ҳақиқийми ёки инқилобчиларга ўхшаб сиз ҳам ўзгартириб олганмисиз?

— Йўғ-э,— ҳижолат бўлганнамо деди Сергей табиб,— аслида ҳам Сергей Константиновичман.

— Фамилиянгиз-чи?

— Рябов.

— Касбингиз?

— Докторман.

— Терговни бошлаб юбординг-ку, қўшни!— хандон отиб кулди Коргар,— бас қил, меҳмонни хижолат қилма.

— Докторман денг?— хурсанд бўлиб кетди Пётр Заглада.— Нега ҳалидан буён индамайсиз? Илтимос қиламан, менинг хотинимни кўриб қўйсангиз, касалманд бечора. Хомиласи турмайди. Уч ой бўлар-бўлмас тушади-қолади... Эрталаб келиб олиб кетаман сизни. Нонуштани, худо хоҳласа, бизникида қиламиз. Украинча пирогни ҳеч еган-мисиз?

— Украин қизини опқочиб келганман, денг?

— Ҳазир ҳам украинман, Сергей Константинович. Тўғрироғи, у мени опқочиб келган. Москванинг ҳавоси нам, Туркистонга кетамиз, деб туриб олди.

— Хотинингнинг йўтали борми?

— Кўпроқ қишда йўталади... Хўп, энди мен турай. Навбат алмашадиган вақт ҳам бўлиб қолди. Демак, келишдик. Эрталаб сизни олиб кетаман.

III боб

Аравалар Самарқандга бораяпти

Назар Намознинг топшириғини бажариб, Ургут тарафлардаги рус қишлоқларини оралаб кузда бўладиган катта қўзғолонга ўзича тайёргарлик кўраётган эди, унинг чекига кўплаб милтиқ, ўқ-дори жамғариш тушганди. Намоз қўлга олинганлиги ҳақидаги шум хабарни ўша ерда эшитди. Туни билан от қўйиб, тонг отарга яқин Жарқишлоқ атрофидаги қамишзорга келиб қўнди-ю, қувғинлардан омон қолган қозоқ жўраси Эшбўри, ҳар эҳтимолга қарши қурулганиб, ўзларини панага олган Жавлонқул, Холбек ва Омонлар билан топишиб олди.

Намозни қўтқариш учун ишни нимадан бошлашни билмай, ўйлай-ўйлай охири «Моховхона»га ҳужум уюштиришга қарор қилиб, Самарқандга яширинча жўнаш тайёргарлигини кўриб ўтиришган эди. Худди шу пайтда чўлга Жавлонқулни сўроқлаб Тўхташ келиб қолди. Уни пул келтириш учун Сергей табиб юборган эди.

— Яхши, яхши йўл топишибди,— севиниб кетди паҳлавон Жавлонқул.— Лекин, ўрус амакинг қанча пул олиб боришимиз кераклигини аниқ айтмапти-да?

— Қанча кўп бўлса, шунча яхши,— деб қўйди гапга чечан Тўхташ,— шуни ҳам билмайсизми?

— Пулни кимга олиб бериб берамиз?

— Девона бобога дедим-ку! Вой-бўй, соқолингиз бунча ўсиб кетибди, олдирсангиз бўлмайдими?— болаларча соддадиллик билан танбеҳ берган бўлди Тўхташ.

— Девона бобонг Намознинг тутинган отасимиди?

— Ҳа, ўша,— Тўхташнинг чинакамнига жаҳли чиқди.— Тезроқ қўзғолсангиз-чи, у ёқда Намоз акам қийналиб ётибди. Сиз бўлсангиз ҳадеб суриштирасиз. Бир хуржун пул керак, билдингизми?

Икки арава тонг саҳарда Самарқандга йўл олди. Атайлаб бозор тонготарини пойладилар. Чунки, якшанба тонготарида Даҳбет-Самарқанд йўли гоьтда гавжум бўлади. Ярим кечаданоқ ҳаракат бошланиб кетади бу ерда. Отлиқлар, аравакашлар, пиёдалар... Бирови қоп-қоп буғдой юклаб олади аравасига, бирови эшагига гуруч ортади, паранжи-чачвон ёпинган аёллар, қоп орқалаган йигитлар, хуржун кўтарган

чоллар, қўй ҳайдаган чўпон-чўлиқлар, ўтин олиб бораётган туякашлар... Барчаси Сиёб бозорига ошиқади. Бозорим бароридан келсин, деб худога ёлбориб боришади.

Кечаси юлқа қор ёғиб ўтган. Ҳаво совуқ, енгил изгирин эсиб турибди. Олдинги аравани Тўхташ миниб бораяпти. Аравада Улуғой билан Насиба ёнма-ён ўтириб, сомон тиқилган катта қанор қопга (қанор ичига беш милтиқ, бир халта тилло танга беркитилган) суяниб кетишяпти. Совқотиб қолмасликлари учун бир-бирларининг пинжиги тиқилиб олишган. Маҳмадона Тўхташ бўлса тўхташ нималигини билмай, тинмай жавраб бораяпти.

Сергей табибнинг уйда кўрган-кечирганлари, Мужик қишлоқ болалари қанақа ўйин ўйнаши, ишқилиб, эсига нима келса, шуни гапириб бораяпти.

Тўхташ тўсатдан орқасига ўгирилиб, секин шивирлади:

— Тунов кун Намоз акамни ҳам кўрдим!

— Вой, тилиннга новот, акангни кўрдингми,— юзидаги чачвонни хиёл кўтариб, олдинга энгашди Улуғой,— қани, бир бошдан гапир-чи, қандай қилиб кўрдинг?

— Кўрдим, холажон,— завқ-шавқ билан гапира бошлади Тўхташ,— худо урсин, мана шу кўзларим билан кўрдим. Сергей амакиннинг маслаҳати билан Ҳайит иккаламиз аввалгидек гадой болаларга ўхшаб эски-туски кийиниб олдик-да, «Моховхона» ёнига тиланчиликка бордик. У ерда гадойлар кўп, кун бўйи қўлларини чўзиб, худо йўлига садақа сўраб ўтирадилар. Болали хотинлар ҳам бор, худо урсин, рост айтаялман. Аввалги йили-чи, холажон, битта хотин боласини эмизиб ётиб ўлиб қолди ўша ерда. Қаранг, ўзи ўлиб қолибди-ю, боласи бўлса уни чўл-чўлп эмиб ётибди... ўлгандан кейин ҳам эмчагидан сут келаверадимми?

— Қайдам?— деб қўйди Улуғой.

— Ўша ерда тиланчилик қилиб ўтирувдик, бир маҳал усти берк саккиз гилдиракли фйитун аравада маҳбусларни олиб келиб қолишди. Югуриб борсам, Намоз акам ҳам тушиб келяпти. Мен унга қарандим, у менга қаради, кейин икковимиз ҳам йиғлаб юбордик.

— Вой худойим, Намоз аканг йиғладими?— юрак-бағри эзилиб сўради Улуғой.

— Ўша Намоз акаммиди, бошқамиди, ишқилиб жуда ўхшадиди-да.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Кейин «Моховхона» маҳалласидаги тепаликка қараб югурдим. Намоз ака, бу менман, укангиз Тўхташ полвон бўламан, ҳеч нарсадан камчилигингиз йўқми, деб бақирдим. Намоз акам қўл силкитиб, Насиба опанг билан Улуғой холангга салом айт, деди.

— Вой, худо, шундай дедими, а?

— Эҳтимол, шундай дегандир, эҳтимол, шундай демагандир. Ишқилиб, менинг қулоғимга шунга ўхшашроқ бир гап эшитилгандек бўлди-да...

Шу йўсин Тўхташ тинмай сўзлаб бораяпти: тўғри, уч кун аввал у «Моховхона» қамоқхонаси олдида бирон хабар топиб келиш умидида тиланчилик қилиб ўтирганди. Аммо, Намоз акасини кўролмади. Кўрсам, шундай гаплашардим деб орзу қилганди. Орзуларини ҳақиқатга айлантириб сўзлаб, Улуғой холасини овунтириб бораяпти у.

— Ашула айтиб берайми?— тўсатдан жонланиб сўради Тўхташ.

— Айтсанг, айта қол,— истамайгина деди Улуғой. Унинг изтироб тўла қалбига Намоздан ўзга ҳеч нарса сиғмайди ҳозир. Ғалати экан ўзи бу дунё! Шу укаси туғилибдики, боши бахтсизликдан чиқмайди. Бировлар эшигида сарғайиб катта бўлгани каммикин унга! Эндигина оғзи ошга етганда бурни қонаб ўтирса-я, етимчани бунча қийнамасанг,

э, парвардигори олам! Нима қилибдики, у ҳам эл қатори уйли-жойли бўлиб, опагинасининг бағрида гуми-гурсдек бўлиб юрса! Ишқилиб, кўришинга рухсат беришсин-да. «Беришмаса, ўша ҳокимнинг олдига ҳам кираман,— алам билан ўйлаб бораяпти Улуғой,— эшикларининг тағига ётиб оламан, худо хоҳласа, кўраман укагинамни, бағримга бо-сиб бошларини силайман...»

Насиба ўз ўйларига гарқ бўлиб суҳбатга аралашмай бораяпти. ...Ойи-кунни етмасдан дунё юзини кўрган қизчаси бор-йўғи ярим кун-гина яшади холос. Чақалоқ жони узилишидан олдин тамшаниб, лаб-лари билан ниманидир ахтаргандек бўлди, қўл-оёқларини бетоқат силкитиб, қаттиқ ингалади... Қизиқ, нега ингалади экан, нима демоқ-чи бўлди экан ўшанда?.. Худо хайрингни бергур Пакана бува инсоф-ли одам экан, чақалоқни ювиб-тараб кўмди. Арава топиб, Насибани Жарқишлоққа элтиб ҳам қўйди.

Ўша кундан буён Насиба ғалати бўлиб қолган. Биров билан гап-лашмайди. Гап сўрашса, жавоб ҳам қайтармайди. Худди кўзи очиқ ҳолда ухлаб қолгандек. Очиқ кўзларида Намоз акасининг қўлларини орқасига боғлаётганлари, чақалоқнинг ниманидир ахтариб тамшанганни шундайлигича қотиб қолгандай. Ёруғ дунё фақат шу икки аянчли манзарадангина иборат, бошқасини кўрмайди у. Қулоқлари остида Намоз акасининг хайрлашаётганида «Насибам!» дея қичқиргани жаранглайди, бошқасини эшитмайди у. Гоҳо, негандир. Намоз акаси чақалоқдек бўлиб кўриниб кетади кўзига. Гоҳ чақалоғи кап-катта қиз бўлиб олдига чопқиллаб келади... Нега чинқирди экан ўшанда, нега? Тамшаниб, лаблари ниманидир ахтарди-ку ўшанда... Нимани ахтарди экан?

«Бораман-у, мени ҳам ҳибсага олинглар, мен ҳам босқинларга борганман, ўқ отиб ҳокимларингизни ўлдирганман, дейман,— деб ўйларди Насиба.— Фақат Намоз акам билан бирга қўйсалар, бас. Мени деб у киши шу аҳволга тушди. Агар мен бўлмаганимда, қўлга тушмасди. Ҳаммасига мен бахти қаро сабабчи бўлдим. Энди ёнларида бўламан, осишса — бир дорга осишсин, отишса — бир ўқ билан отишсин!..»

— Холажон, қизиқ-қизиқ афандиларим бор, айтиб берайми?— аравада чайқалиб бораётган аёлларнинг хаёлини бўлди Тўхташ.

— Тойлоғим, онанг жавраб туққанми дейман,— деди Улуғой,— айтсанг, айта қол.

Орқадаги аравани Баротали миниб олган. Аравада Эшбўри, Назар, Жавлонқул, Холбеклар боришяпти. Бошларига паранжи ёпиниб олишган, худди мазор бошига ис чиқаришга бораётган кампир буви-ларга ўхшаб кетишяпти. Маслаҳат тўхтагани йўқ. Бирининг гапи иккинчисига маъқул тушмайди. Ҳозир пухталаб олган режалари бир нафасдан сўнг ҳеч нарсага яроқсиздек туюлади.

— Кўпам гапни чўзиб ўтирмаймиз,— деб шивирлайди бир сўзли Жавлонқул,— пул билан иш битмаса, у ёқ-буёғини синчиклаб кўра-миз-у, шартта ўша қамоқхонасига ҳужум қилиб қўя қоламиз.

— Бундан ҳеч фойда йўқ,— бош чайқайди оқкўнгил Эшбўри,— ундан кўра губернатор жаноблари олдига кириб Намознинг гуноҳини сўраганимиз маъқул. Ахир у шўринг қурғур одамларга яхшилик қи-ламан, деб шу куйга тушиб ўтирибди-ку! Яхшилик қилмоқчи бўлган одамни қамаш инсофдан эмас, деймиз.

— Қўйсанг-чи, Эшбўри,— эътироз билдиради Холбек,— яхшиси тўлов берамиз. Қанча сўрашса, шунча берамиз. Бунга кўнмаса, ўзимиз-ни гаровга қўямиз. Майли, бизни қама-ю, Намозбойни қўйиб юбор, деймиз.

— Сен билан мандақадан тўрт юзтаси гаровга турганда ҳам Намозбойни қўйиб юборишмайди энди,— дейди яна бири.

— Нега қўйиб юборишмас экан?— хафа бўлади бошқаси.

— Николай подшо Намозбойнинг бошини кесиб келмагунларнинг ча ётиб ухлай олмайман деб турибди-ю, гапингни қара-я!

— Тўғри, у бечорани қатл қилишлари ҳам мумкин.

— Бизни деб у ўлиб кетаверар экан-да! Мени шунга чидаб туради деб ўйлайсанми?

— Астароқ, Холбек,— шивирлади Жавлонқул,— бошингда чачвонинг бор, овозингни дўриллатаверма.

— Яхшиси, менинг режам — режа,— яна қайтадан фикрини баён қила бошлади Назар Матвеевич,— уч-тўрт кун шароитни яхшилаб ўрганамиз. Шаҳардаги дўстларимиз билан алоқа боғлаймиз. Кейин, шароит кўтарса, йигитларни тўплаб туриб, Жавлонқул амаким айтгандек, тўсатдан ҳужум қиламиз. Борди-ю, ҳужум қилишнинг иложи бўлмаса, тўрттовимиз ҳам таслим бўлиб, Намознинг олдига кириб оламиз-у, ўзимиз қолсак ҳам, уни қочириш пайида бўламиз. Нима дедингиз, Жавлонқул амаки?

— Режангда жон бор, ўрис бола.

— Борди-ю, қочира олмасак-чи?— иккиланиб сўради Эшбўри.

— Унда,— давом этди Назар,— сургунга бирга кетамиз. Намозни эҳтиёт қилиб юрамиз.

— Ҳаммамизни қатл қилиб юборсалар-чи?

— Қатл қилсалар, унда яна соз. Виждон азобидан қутуламиз...

Девона бобо жарқишлоқлик меҳмонларни яхши кутиб олди. Улуғ-ой билан Холбекни илгари ҳам икки-уч бор кўрганди.

— Худога шукур, яратганга минг қатла шукур,— дерди Девона бобо ўзини қўярга жой тополмай,— мен фақирни ҳам йўқлаб келадиган кишиларим бор экан... Қани-қани, ичкарига! Шукур, меҳмонхонани кенгайтириб олганман, баракалло! Мана энди, худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади. Ҳой бола, бери кел, амакинингнинг орқасидаги қопни тушириб юбор... Мана шу уй, худо хоҳласа, сизларники. Қираверинг, қизим, тортинманг... мен ҳозир қой келтираман. Кетидан ош ҳам дамлаймиз. Қани, ўтиринглар-чи. Илоё омин, қадам етди бало етмасин, полвонимнинг мушкулени яратганинг ўзи осон қилсин.

— Оллоҳу акбар!— юзларига фотиҳа тортишди меҳмонлар ҳам.

IV боб

«Йўк, мен ўлмаслигим керак!»

«Моховхона» қамоқхонаси чуқур жарлик бўйига жойлашган. Жарликнинг тубидан шариллаб бир анҳор сув ўтади. Унинг кун юриш томонида моховлар маҳалласи бор, кун ботар томонига ҳарбий горнизон жойлашган. Император олий ҳазратларининг икки таянчи — қамоқхона билан қўшин бақамти туриб фуқаро қалбига даҳшат солади. Қамоқхона қачон қурилганини ҳеч ким эслай олмайди, кексалар қайси бир подшолик замонидан қолган деб юришади. Ерни ўйиб, ярим зиндон услубида қурилган, хоналари тор, қоронги. Ҳаммасининг эшиги ўртадаги катта тимга очилади. Тимнинг гир атрофини говуқ катагидек кичкина, гўристондек хунук хоналар ўраб келган. Зиндонлар мана шу хоналар остида.

Намоз ёлғиз ётибди. Кун юриш томондаги туйнукдан чарақлаб чиққан қуёшнинг ёрқин нурлари гира-шира оқиб киряпти. Зиндон

туби ним қоронғи. Шўр қотган, деворлари аранг кўзга ташланади. Намознинг оёғида кишан бор. Кишан ҳам подшолик замонидан қолган бўлса керак, зил-замбилдек оғир. Увадаси чиққан намхуш тўшакда ёнбошлаб ётибди. Унг бети, пешонасида қамчи зарбидан қолган яралар бор. Юзи тарвуздек шишиб кетган, кўзлари аранг очилади. Елкаси, қўллари, бутун танаси лўқиллаб оғриб турибди ҳозир — калтак зарби кетганича йўқ ҳали.

Бу ерга келганига тўрт кун бўлдими-беш кун бўлдими, билмайди. Келган куни беҳуш эди.

Кимдир отини айтиб чақиргандек бўлди.

— Орқамдан юринг!— деди яна ҳалиги овоз.

Намоз зинадан қийналиб чиқди. Айвондаги ёруғдан боши айлангандек бўлди. Хайрият, йиқилмади. Қамақхонани ўраб турган, қатор тушган хоналардан бирига киришди. Ўрта бўй, қотма, чўққи соқоли чиройли таралган, тўралардек башанг кийинган бир киши билан мўйловлари буралиб-буралиб бориб қулоғининг ортига ўтиб кетган миршаб ўтирибди.

— Намоз Пиримқул ўғли, шундайми?— нўғайчалаб сўради чўққи соқолли,— мен докторман, яраларингизга дори қўйгани келдим.

— Худо хайрингизни берсин,— хўрсинди Намоз,— ўтирсам майлими.

Намозга ёғоч курси қўйиб бердилар.

— Ечининг, баданларингизни кўрмоқчиман,— чўққи соқолли киши гарчи Намозга ечинишга буйруқ берган бўлса ҳам, қўлларини кўтара олмаслигини сизди шекилли, авайлаб ўзи ечинтира бошлади.— Вой-бўй, ёмон тепкилашибди-ку!

— Шоли туйгандек туйдилар!— деб қўйди Намоз.

— Хайрият, суякларингиз бутун экан. Қоровул, илиқ сув келтиринг!

Қоровул Намозга бет-қўлларини ювишига кўмаклашиб юборди. Чўққи соқол яраларига ачитадиган, куйдирадиган дорилар қўйган бўлди. Яраларини оппоқ латта билан бойларкан:

— Бақувват экансиз, яраларингиз тез битади!— деб қўйди.

Намозни зиндон тубига ҳалиги ўзбек қоровули эмас, мўйловли миршаб кузатиб борди. Ичкари киритаётиб:

— Русча гапирсам тушунасизми?— деб сўради секингина.

— Тушунаман,— елкаси оша миршабга қаради Намоз. Аммо, унинг нигоҳини учрата олмади.

— Ўртоқларингиз ҳам шу ерда,— чўнтагидан қоғоз чиқарди миршаб.— Исми шарифларини ўқиб берайми?

— Кераги йўқ,— негадир миршаб билан боғлангиси келмасди Намознинг. Аммо, шундай бўлса ҳам, унинг нигоҳини ахтара бошлади — кўзларига бир боқиб олмоқчи эди.

— Қулоқ солинг: Шерниёз Худойназар ўғли...

Қизиқ, миршаб Намознинг йигитларини бирма-бир санай бошлади. Нега бундай қияптийкин, нега? Ёки миршаб уни чалғитмоқчими, ўзини яқин олиб, сирларини билиб олмоқчими? Умуман, бу миршаб нега бундай қилди? Мақсади нима экан бунинг? Нега у тўсатдан Намозга меҳрибон бўлиб қолди? Айғоқчи бўлса-я!.. Эсергеп, Холбой, Қаршибой, Аваз... наҳотки ҳаммалари шу ерда бўлса! Лекин, Жуманбойнинг номини айтмади-ку. Ё қочиб қутулдимикан? Том остида қолиб нобуд бўлган бўлса-я! Насиба-чи, Насиба нима бўлди экан? «Бечора Насибам,— алам билан бошини чайқади Намоз,— қаерларда қолиб кетдинг! Мени деб не қўйларга тушмадинг сен бечора ҳам. Эсон-омон кўз ёриб олдингмикан? Ишқилиб, сени қамашмаган бўлсин-да! Лутфулла ҳокимнинг йигитлари калтаклаган бўлса-я! Доя

кампира қаерларда қолди экан? Чолига олиб келиб қўяман, деб ваъда қилувдим, унинг олдида ҳам ёлғончи бўлдим энди...»

Намоз доктор келиб-кетган куни илон чаққандек тўлғониб ётди. Танидаги оғриқлар гоҳ дардга айланиб дилини ўртар, гоҳ қалбидаги дарду аламлар оғриқ бўлиб вужудига буров солар эди... Тан оғриғига бардошли эди у. Иванбойникида катта полвонлар билан муштлашиб юрган чоғларида гоҳ олишув пайтида у ер-бу ери майиб бўлар, аммо, олишув тугамагунча оғриқни сезмасди у. Унинг бардошига рақиблари ҳам тан бериб, шу фазилатинг билан ҳамма полвонлардан устунсан, деб қўйишарди.

Намоз ҳозир руҳан қийналмоқда эди. Вужудини алам, хўрлик алангаси ёндирарди. Лутфулла ҳоким қўли орқасига боғланган Намознинг белидан арқон тортиб, арқонни эгарнинг қошига боғлаб худди якка ўзи шер билан олишиб, уни енгган паҳлавондек ғурур ва ифтихор тўла кўзларини чақчайтириб, от устида гердайиб бораяпти. Капитан жаноблари Намозни атайлаб қишлоқлардан, гузарлардан, масжидлар олдидан олиб ўтиш ҳақида фармон берган. Мақсади «Ҳой, одамлар кўриб қўйинглар. Мана, Намоз қай аҳволга тушди. Яна битта-яримтанг бош кўтарсанг, тақдиринг ана шундай аянчли бўлади!» деган фикрни сўзсиз баён қилиш эди. Намознинг йигитларими, қишлоқ деҳқонларими асирни қутқариш учун ногихон ҳужум қилиб қолишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди. Капитан буни ҳисобга олган. Қоровулни кучайтириб бораяпти. Олдинда Лутфулла ҳокимнинг йигирма навқари, орқада капитаннинг ўттиз отлиқ аскарари. Эшиклар тирқишидан, деворлар ортидан мўралаган ҳар бир кишини диққат билан кузатиб боришяпти.

Капитан тўра билан Лутфулла ҳоким маслаҳатлашиб, бир томони катта суюнчи олиш, мақтаниш, яна бир томони туни билан от қўйган навқару аскарларга дам бериш учун Марғилонтепага — Ҳамдамбойнинг янги қўрғонига қўниб ўтишга қарор қилдилар. Фолибларнинг бу даргоҳга қадам ранжида қилишлари бойбува хонадони учун чинакам байрамга айланиб кетди. Ҳамдамбой севинганидан энтикиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

Қаторлаштирилиб қўйлар сўя бошладилар. Катта қозонлар осиб, ошу шўрвага уннаб кетдилар. Нонвойлар келтирилди...

Маҳбусни, ҳамманинг кўз ўнгида турсин деб, ҳовли ўртасидаги чинор дарахтига боғлаб қўйишган. Намоз ҳовлидаги тантаналардан, гоҳ қувонч билан, гоҳ ачиниш билан боқаётган нигоҳлардан юз ўгириб, нам ерга чордона қуриб ўтирганди, бойбува унинг ёнига келиб, қамчининг дастаси билан иягини кўтарди:

— Қўлга тушиб қолибдилар-ку, полвон!

Намоз бир ҳўмрайиб боқди-ю, бошини эгиб олди.

— Қоринлари ҳам очгандир?

Намоз сакраб ўрнидан туриб кетди, ютиниб қўйди.

— Ит ялоқни келтиринг! — орқасига хиёл тисарилиб буюрди Ҳамдамбой. Олим Мирзо ит ялоқни тўлдириб ювинди олиб келди.

— Оғзига тут! — буюрди бой. — Ич, итвачча!

Ғазаби қўзғалиб келаётган Намознинг тиши-тишига ботиб, нафас олиши оғирлашиб қолди.

— Ич, ичсанг қўйиб юбораман, — негандир юмшоққина бир оҳангда деди Ҳамдамбой.

— Узинг итсан! — ер тепиниб деди Намоз.

— Ётқизиб, оғзига қўйинглар!

Ҳар қанча уринсалар ҳам, асирни ерга босолмадилар; иприқдай нимжон Замонбек ўзини бу атрофнинг енгилмас шери деб юрарди, Намозни ерга боса олмаганлари ҳаммадан ҳам ана шу «полвон»га

алам қилди. Ғазаби ошиб, ювинди тўла ялоқни Намознинг бошига урди.

— Нарӣ тур,— деди бой ўғлини итариб,— аввал мен алаимдан чиқиб олай. Бу ит туфайли хонавайрон бўлишимга бир баҳя қолди. Сен, тўнгиз, мени ваҳима касалига гирифтор қилдинг, ўғил-қизларимнинг оромини ўғирладинг! Мана сенга итвачча, мана! Хонумонимни куйдирдинг-ку, номард, мана!

Замонбек узоқ дард тортиб, яқингинада оёққа турган отасининг ортиқча уринишини истамади, қамчини унинг қўлидан олиб, ўзи савалашга тушди. Намоз икки оёғини керганча ғазаб тўла кўзларини унга тикиб, пишқириб тура берди. Замонбекнинг назарида, у Намозни эмас, қиличдек ўткир нигоҳи билан Намоз уни қалтаклаётгандек бўлиб кетди. Намоз бамисоли унга: «Ҳей, хотинчалиш, ожизу нота-вон экансан-ку!» деяётгандек эди.

Замонбек баттар тутақиб кетди.

— Таёқ келтиринг, таёқ беринг менга!

Намоз йиқилгандан кейин ҳушидан кетдими ёки аввал ҳушидан кетдими — англай олмади. Бир маҳал кўзини очиб тепасида қалтираб турган Замонбекни кўрди. Замонбек Намознинг ўнг жағига оёғини босиб, унинг оғзини очишга уринар, Олим мирзо оғзига ювинди қуяр эди.

— Йўқ!!— Намоз бор кучини тўплаб турмоқ учун бир интилди-ю, яна ҳушидан кетди...

Ҳозир туйнукчадан оқиб кираётган гира-шира нур ўйинларига беҳол тикилиб, Намоз ана шуларни ўйлаб кетди. Ўйлари тўхтамас, негадир ўзининг ҳам тинмай ўйлагиси, бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказгиси келарди унинг...

Кечаси Шерниёзнинг ашуласини эшитиб қолди. Намоз маст уйқуда эди. Туш кўриб ётганди. Насиба икковлари қапа тикиб қовун полизга кўчиб чиққан эмишлар. Кўр ойдин эмиш. Насиба бешик тебратиб, тундек сокин, ой нурларидек майин овоз билан алла айтармиш... қапа ортидан от дупури эшитилиб қолди. Намоз ташқарига югуриб чиқмоқчи бўлди-ю, уйғониб кетди... туши экан. Йўқ, ўнги — зиндоннинг туйнугидан алладек ғамгин овоз қуйилиб келяпти... «Шерниёз укамнинг овози-ку бу». Намоз пайпасланиб туйнук олдига борди. Муздек деворга суюниб, қотиб қолди. Шерниёз паст овоз билан оғир, ғамгин қўшиқ айтар эди. Қўшиқ қанотида кенг яйловларнинг нафаси, гиёҳларнинг шитир-шитир овози, майсаларнинг хушбўй ҳиди, сувларнинг шилдираши оқиб кираётгандек. Сўзларнинг оҳангида учқур отларнинг дупури, шўх йигитларнинг шодон қийқириқлари эшитилаётгандек, севгилисига етиша олмаган ожиза қизнинг нолаи афғонлари оқиб кираётгандек. Аламлар билан лиммо-лим бўлган хаста дилларнинг, орзуларига етиша олмай лахта-лахта қон бўлган кўнгилларнинг армонлари тун қўйнида учиб юргандек...

V боб

Терговдаги олишув

Намоз ва унинг қўлга тушган йигитлари, шу ҳаракатга алоқадор деб гумон қилинган кишилар билан губернияда қанча қамоқхона бўлса, ҳаммаси тўлди. Бўлис ва уездлардаги қирқ олти қозихонада Намозга алоқадор деб топилган кишилар устидан тергов, суд ишлари бошланиб кетди.

Самарқанд округ суди судьялари, округ прокуратураси назоратчилари ва терговчилари ҳам сафарбар этилди бу ишга. Аммо, Самарқанд шаҳридаги маҳбуслар устидан олиб борилаётган терговни тезлаштириш учун булар озлик қилаётгандек эди. Гескет жанобларининг сўрови, Туркистон генерал губернаторининг Николай Гредетов жанобларининг рухсати билан Тошкент суд палатасидан қўшимча судьялар, терговчилар, прокуратура назоратчилари келтирилди.

Бутун губернияда ҳақ билан ҳақсизлик ўртасида, қонун билан бу қонунларни тан олмаётганлар ўртасида чинакам олишув бошланганди. Узини ҳақ ва ҳуқуқини яхши англаб етмаган, англаб етган тақдирда ҳам уни ҳимоя қилишдан ожиз бўлиб, нажот сўраб, яратганга илтижо қилиб кўз ёши тўкаётганлар; худодан ҳам, бандасидан ҳам қўлини ювиб қўлтиғига артиб умидсиз бир кайфиятда ўлимини кутиб ётганлар; исёнкор қалбида қасос ўти ўчмаган, сўнгги нафасигача олишишга энг шимарган азаматлар бир тараф; буюк Россиянинг қонунларини дунёдаги энг адолатли қонунлар билиб, уни бузган, тан олмаганларни қаттиқ жазолашга аҳд қилганлар бир тараф; хуллас, чинакам ҳаёт-мамонт жанги бормоқда.

Намоз Пиримқул ўғлини тергов қилиш Владимировтўра жанобларига топширилди. Бу жаноб Тошкент округ суд палатасининг сиёсий айбдорлар устидан тергов олиб боровчи махсус кишиси бўлиб, хавфли деб топилган жиноятчилар тергови шу кишига топширилар эди. Унинг терговидан ўтган аксарият айбдорлар суддан сўнг албатта қатл қилинар эди.

Владимиров жаноблари Намоз Пиримқул ўғли ишини қабул қилиб олганига бир ҳафта бўлган бўлса-да, уни дарров терговга чақирмади. Аввал қасоскор йигит устидан ёзилган даста-даста шикоятлар, маъмурлар берган маълумотлар, миршабхона нозирларининг ахборотномалари билан обдан танишиб чиқди. Фикран Намознинг жиноятларини чамалаб кўрди. Уни босқинчилик, талончилик, қотиллик, маҳаллий маъмуриятга бўйсунмаслик, подшолик тузумига қарши қуролли бош кўтариш сингари жиноятларда айблаш мумкин эди. «Ўлимга маҳкум у!..» Кескин қарорга келди терговчи ва стол устидаги қоғозларни нари суриб:

— Намоз Пиримқул сизми?— деб сўради қаршисида оёғида кишан, қўли орқасига боғланган ҳолда тик турган йигитдан.

— Ҳа, мен Намоз Пиримқул ўғлиман.

— Менга сизни рус тилини яхши билади дейишди, шундайми?

— Ҳар қалай, фикримни тушунтира оламан.

— Демак, тилмочсиз сўзлашсак бўлади.

— Ўзим тилмоч бўлиб хизмат қилганман.

— Буюк Россия империяси номидан буюраман, ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни сўзлашга ваъда беринг!

— Аввал оёғимдаги кишанни олиб қўйишларига буйруқ беринг,— истехзоли кулиб қўйди Намоз. Чунки, империя суд тартиботларига кўра, маҳбусни қўл-оёғи боғланган ҳолда сўроқ қилиш тақиқланганлигини у яхши биларди.

— Оёғидаги кишанни ечиб олинг!— эшик олдида турган миршабларга буюрди Владимиров жаноблари. Кишаннинг калити қамоқхона бошлиғида экан, топиб келтиргунларича орадан бир чой дамлам фурсат ўтди. Ечиб олганларидан сўнг терговчи жаноблари яна буюрди:

— Ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни сўзлашга ваъда беринг!

— Қўли орқасига боғланган одам қандай қилиб ҳақиқатни сўзлай олиши мумкин?— деди яна Намоз.

Терговчи жаноблари бу йигит ҳақидаги ҳужжатларни ўқиган са-

ри ундан кўрқа бошлаган эди, қаршисида уни қўл-оёғи ечилган ҳолда кўришни ҳеч истамасди. Лекин, на чора, тартиб унинг хоҳишидан юқори-ку, ахир. Истар-истамас яна буюрди:

— Қўлини ҳам ечинг!

— Раҳмат сизга, терговчи жаноблари!

— Ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни айтаман деб онт ичинг!

— Фақат ҳақиқатни сўзлашга онт ичаман.

— Энди ҳув нарига бориб чўкка тушиб, қўлингизни орқангизга қилиб ўтиринг.

— Мен биров олдида тиз чўккан эмасман!

— Намоз Пиримқул ўғли, буйруғимни бажаринг!

— Рус маъмурияти қозилар судининг маҳбусни тиз чўктириб сўроқ қилиш тартибини бекор қилган!

— У, маълумотли экансиз-ку!

— Ҳар қалай, аҳмоқ эмасман!

— Буюк Россия империяси номидан буюраман: тиз чўкинг!

— Овора бўласиз, тиз чўкмайман.

— Бўлмаса қўлингизни яна бойлатиб қўяман.

— Унда мендан бир оғиз ҳам сўз эшита олмайсиз.

Владимир жаноблари маҳбусларни тергов қилишда кўпроқ уларнинг руҳиятига мос усулни танлар, ўрни билан юмшоқ муомала қилар, ўрни келганда илтимосга ўтар, дўқни кўтармайдиганларга ўзини яқин олиб, дўстона суҳбатлашар, то маҳбусни ўз таъсирига олмагунча савол-жавобни бошламасди.

— Маҳбусга курси қўйиб беринг!— деди у юмшоқ бир оҳангда.— Ундан кейин, миршаб жаноблари, қамоқхона бошлиғига менинг номимдан айтиб қўйинг! Маҳбуснинг жиноятлари исботланиб, жиноятчи деб ҳисобланмагунча оёғига кишан уриб қўйишларига император олий ҳазратлари номидан эътироз билдираман!.. Намоз Пиримқул ўғли, озгина сув ичиб оласизми?

— Агар мумкин бўлса.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа.

— Болаларингиз борми?

— Йўқ.

— Ота-онангиз қаерда туради?

— Чақалоқлигимдаёқ ўлиб кетишган.

— Самарқанд социал-демократлари билан алоқа боғлаганингизга анча бўлдимми?

— Мен уларни танимайман.

— Қўйсангиз-чи.

— Социал-демократ деганингизга ҳам ҳозир тушунмай турибман.

— Елғон сўзлаяпсиз.

— Рост айтаяпман.

— Демак, қароқчилик йўлига мустақил киргансиз, шундайми?

— Жаноби терговчи, мен қароқчи эмасман.

— Қўйсангиз-чи!

— Мен, жаноби терговчи, даъвогарман! Мазлумлар номидан даъвогар бўлиб чиққанман. Демак, мен қароқчи эмасман.

— Ҳамдамбой Акрамбой ўғлининг беш юз минг тангасини босиб олгансиз.

— Елғон! Юз минг тангасини тортиб олганман.

— Демак, босқинчилик қилганингизни қисман бўлса ҳам тан оляпсиз, шундайми?

— Тан олаётганим йўқ. Тортиб олдим деяпман. Жаноб терговчи

тортиб олмоқ билан, босиб олмоқ ўртасида фарқ бордирким, буни сиз яхши билурсиз.

— Ҳа, ана тортиб олдингиз ҳам дейлик. Лекин, бу ақчалар сизнинг ҳақингизмиди?

— Йўқ, мазлумларники эди!

— Мазлумлар ҳақини сиз нега даъво қилиб чиқдингиз? Ким ҳуқуқ берди бунга?

— Ўзлари ваколат беришган.

— Қани ўша ваколат қоғози?

— Оғзаки бўлган эди бу гаплар.

— Ёлғон!

— Рост айтаяпман.

— Кимлар ваколат берган эди сизга?

— Ҳамдамбойга даъвогар бўлганларнинг ҳаммаси.

— Маҳбус, қўйинг бу латифанамо гапларингизни: қўлингизда на далил, на исбот бор.

— Судда ҳаммаси аён бўлар.

— Нега сиз ўзингиз тўқиб чиқараётган мазлумлар ҳақини кундузи эмас, кечаси даъво қилдингиз?

— Кундузи уддасидан чиқа олмадик.

— Нега маъмурият орқали эмас, ўзбошимча ҳаракат қилдингиз?

— Даҳбет маъмуриятининг ҳаммаси муттаҳам эди, жаноби терговчи.

— Сиз, Намоз Пиримқул ўғли, подшолик маъмуриятига туҳмат қиляпсиз.

— Мен ҳақ гапни айтаяпман.

— Ҳа, майли буни ҳозирча очиқ қолдирамиз... демак, ўша кечаси ёнингизда шерикларингиз ҳам бўлган, шундайми?

— Шундай.

— Номларини айтиб юборинг.

— Афсуски, айтолмайман.

— Сабаб?

— Мен сотқин эмасман.

— Ҳа, майли, бу маслага кейинроқ қайтармиз... лекин, нима бўлганда ҳам, биргаликда амалга оширган мана шу фаолиятингиз қароқчилик деб аталади. Инкор қиламан деб овора бўлманг!

— Инкор қиламан,— бош чайқади Намоз. Бир нафаслик руҳий сокинликдан сўнг унга яна бетоқатлик қайта бошлаган эди.— Ўз ҳақини тортиб олиш билан қароқчилик ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Қароқчи деб бизда бировнинг ҳақиға тажовуз қилган одамни айтишади. Даҳбетдаги энг катта қароқчи Ҳамдамбойнинг ўзи! Бир миллион сўмлик бойлиги бор унинг. Кетмон чопмаса, ўроқ ўрмаса, қўш ҳайдамаса, бу бойликни қаердан олади у? Йўқсулларни талаб тўплаган. Демак, қароқчи мен эмас, унинг ўзи. Нега уни тергов қилмаяпсиз? Мени у билан юзлаштиришингизни талаб қиламан.

— Қизишманг,— огоҳлантириб қўйди терговчи жаноблари,— сув ичасизми?

— Ичмайман!— энтикиб деди Намоз.

— Ҳа, майли, буни ҳам ҳозирча очиқ қолдирамиз,— стол устидаги бошқа папкани очди Владимиров тўра.— Агар сизнинг устингиздан тушган шикоятларни бир бошдан тартиби билан кўриб чиқадиган бўлсақ, сиз, Намоз Пиримқул ўғли, қотилликда ҳам айбланасиз.

— Мен қотил эмасман.

— Қотил эмаслигингизни исботлаб берсангиз, мен фақат хурсанд бўлардим. Пайшанба бўлиси ҳокими, миршабхона нозири ва ҳарбий пристав тўралар берган мана бу ахборотномада сиз, Намоз Пиримқул

ўгли, пайшанбалик Хидирбой Муродбой ўглини бўғиб ўлдирганликда айбланасиз.

- Бўғиб ўлдирганим йўқ, ўзи бўғилиб ўлган у муттахам!
- Қандай қилиб бўғиб ўлдирганингизни гапириб беринг менга!
- Бўғиб ўлдирганим йўқ деяпман!
- Ўлдирмаганингизни исботлаб беринг, бўлмаса.
- У итвачча...
- Итвачча деманг!
- У тўнғиз...
- Сўкинманг деяпман!!

— Уша Хидирбой деган мараз Пайшанба музофотидаги энг кўҳна бисот бойлардан ҳисобланади. Тунаш учун бир танишимни кига кўнгандим...

— Танишингизни отини айтинг!

— Оти эсимда йўқ, бўлганда ҳам айтмасдим... Ҳуфтон маҳали чачвон ёпинган бир аёл келиб йиғлади. Хидирбой қари эрим билан икки ўғлимни ҳўкиз ўрнига жувозга қўшиб мой олаяпти, деди. Авваллига ишонмадим. Йигитларим ҳам ишонишмади. Сиз ҳам ишонмас эдингиз, шундайми, терговчи жаноблари?

— Давом этинг!— қовоғини уюб олди Владимирова тўра.

— Аммо, бошқа қўни-қўшнилари ҳам Хидирбой қарзини ўз вақтида тўламаган қарздорларни азал-азалдан шундай қилиб келади дейиншиди. Тўрт йигитимни олиб, бойникига бордим. Отхонасининг этак томонида эски жувозхона бор экан, кирсам ўн уч-ўн беш ёшлардаги икки ўспирин билан чўкиртақдек қуриб қолган кекса бир одам бўйнига бўйинтириқ осиб, жувознинг ўқини аранг айлантиришяпти... вужудларидан шаррос тер қуйилиб турибди. Суриштирсам, уч кундан буён кечаю-кундуз жувоз ҳайдашаётган экан... юракларим эзилиб кетди-ю, кўзимга қон қуйилди. Ичкари ҳовлига ўтиб атлас кўрпаларда бўрсиқдек думалаб ётган Хидирбойни жекирдагидан сиқиб олиб чиқдим, додлаб орқасидан югуриб чиққан икки ўгли билан уччовларини ҳалиги шўринг қургуларнинг ўрнига жувозга қўшиб: «Қани, ўзинг ҳам бир тортиб кўр-чи!» дедим. Жувоз кўрмаган ҳўкиздек қайсарлик қилган эди, беҳи гаврон билан роса саваладим.

— Ким сизга ҳуқуқ берди бундай безориликка?!— сўради терговчи жаноблари.

— Бойга ким ҳуқуқ берибди бундай шафқатсизлик қилишга?

— Шафқатсизликка қарши чора кўрадиган маъмурият бор.

— Қамбағални ҳўкиз ўрнига жувозга қўшиб, зиғир мойига палов еб ётган тўраларни айтаянсизми?

— Сиз Хидирбойни ўлдиргансиз ўша кечаси!

— У ўзи бўғилиб ўлди.

— Сиз жувозга қўшмаганингизда, у ўлмаган бўларди.

— Қамбағални ҳўкиз ўрнида ишлабмаганда, мен ҳам унга тегмаган бўлардим... қарзи бор бошқа йўқсиллардан ҳам тилхат олган экан, ана шу тилхатларни куйдираётганимда, Хидирбой илондек тўлғониб, бўйинтуруқнинг ипи бўйнига ўралиб, ўзи ўлди.

— Сиз қотилсиз!

— Мен қасоскорман!

— Хидирбой ўз ҳақини ундириш учун шундай қилишга мажбур бўлган,— «мажбур бўлган» деган иборани таъкидлаб деди терговчи жаноблари,— бундай қилишга у қисман ҳақли эди.

— Одам боласини ҳўкиз ўрнига жувозга қўшишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, худо ҳам кечирмайди бундайларни!

— Худди шу ҳақиқатни исботлаш учун одам ўлдиришга сизнинг ҳам ҳақингиз йўқ эди. Намоз Пирижўл ўгли, сиз қотилсиз!

— Мен халоскорман!
 — Ҳеч нарса тушунмаяпсиз, маҳбус!
 — Сиз, жаноби терговчи ҳеч нарса тушунишни истамаяпсиз!
 — Бу аҳволда мен терговни давом эттира олмайман!
 — Тергов менга эмас, сизга керак,— ўрнига ўтираётиб деди Намоз,— менинг ҳақимдаги ҳукми аллақачон тайёрлаб қўйгансизлар. Бойларнинг ёғли паловларини еб ўтириб, битлиқи камбағалнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишларига ҳеч ишонмайман.
 — Ўйлайманки, бу гаплар менга қаратилмагандир?— нафсонияти олиниб, аста-секин жаҳли чиқа бошлади терговчи жанобларининг,— шундай эмасми?

— Гап ўз эгасини топиб олаверади.
 — Намозбой, қизишманг, суд ҳукми кўп жиҳатдан тергов материалларига ҳам боғлиқ бўлади,— ўзини қўлга олиб, оғир, босиқ бир оҳангда давом этди Владимиров тўра,— менинг хулосаларим судларнинг ҳукмига асос бўлишини унутманг. Шунинг учун мен билан очиқ-часига гаплашиб, мени ўзинингнинг бир ҳимоячингиздек билишингизни истардим. Мен сизга қўйилаётган кўп айбларни йўққа чиқаришим мумкин. Жиноят қайси шароитда қайси сабабларга кўра содир бўлганини аниқлаш ҳам сизга, ҳам менга фойдали бўлади. Сизнинг гуноҳингиз енгиллашади, мен эса, худога шукур, ноҳақликка йўл қўймадим, деб кўнглимга тасалли бераман...

— Нега бўлмаса, менинг нима сабабдан бош кўтариб чиққанлигимни сўрамадингиз? Ахир мен онамнинг қорнидан қилич яланғочлаб тушганим йўқ-ку!

— Навбати билан ҳаммасини сўраймиз,— худди бебош ўғлини тартибга қақираётган отадек меҳрибон бир оҳангда деди терговчи жаноблари.— Ўйлайманки суҳбатларимиз мана шундай самимий ўтади. Тайинлаб қўяман, сизга тушликка яхши таом беришади. Ротмистр, олиб чиқинг маҳбусни!

VI боб

Юзма-юз

Намоз Пиримқул ўғлининг боши учун талашаётган ҳар икки томон ҳам бир хилда ошиқар эди. Бири унинг бошини тезда танидан жудо қилиб кўплаб ғалаёнларга сабаб бўлган бу одамдан тезроқ қутулиш учун шошилар, бошқа бири эса қалби халқ меҳру муҳаббатига лиммо-лим тўлган бу деҳқон йигитининг олтин бошини омон сақлаб қолишга, уни қочиришга интилар эди.

Терговни чўзишнинг ҳеч иложи бўлмади. Тўғрироғи, Владимиров жаноблари, гарчи ўзини терговчиларнинг энг адолатлиси деб ҳисоблаб, айбланувчини ҳам, айбловчини ҳам обдан сўроқ қилиб, бир-бири билан юзлаштириб, айбдорнинг айбига ўзи ишонч ҳосил қилмагунча хулоса ёзмайдиган қайсар бир киши бўлса-да, у ҳам, бари бир, терговни охирига еткази олмади.

Ишни судга ошириб юбордилар. Суд мажлислари ҳам шундай шошилинич ўта бошладики, дастлабки кунлари Намоз Пиримқул ўғли ловдираб қолди. Афтидан маъмурлар уни суд қилмоқчи эмас, мазлумлар ўртасида палончи судланди, деган овоза тарқатишмоқчи эдилар, холос. Унинг ҳақидаги ҳукм у қўлга тушмасдан олдинроқ ёзиб қўйилган. Бунга Намоз яхши биларди. Лекин, қизиқ, билатуриб, кўнглининг қаеридадир умид учқунлари кул босган чўғдек милтиллаб тўрарди. Қозилар судида адолат йўқ, аммо тўралар судида, ҳар қалай, ҳақиқат

бор деб ўйлар, бунга қаттиқ ишонарди. Терговда айтолмаган жуда кўп гапларни судда айтмоқчи эди.

Шу кунларда Намоз озиб-тўзиб кетган, аввалги Намознинг ярми ҳам қолмаган — юзи иккита чўғдек ёниб турган кўз-у, жағ суякларидангина иборат бўлиб қолган. Туни билан ухламай, дўстларининг ёрдами билан олган эгов тешача билан лаҳм очади. Кундузи кун бўйи тик оёқда туриб, судьялар, даъвогарлар билан олишади. Йўлда усти ёпиқ файтун аравада суд маҳкамасига кетаётганидагина гоҳо озгина мизғиб олади. Кечаси ухлашга ҳаққи йўқ унинг, бутун иш асфаласофилинга кетиши мумкин.

...Суд мажлислари тўсатдан тўхтаб қолди. Нима сабабдан тўхта-тилганлигига Намоз тушунолмасди. Уч кундан буён қоронғи зиндону ундан ҳам қоронғироқ лаҳмдан бошқасини кўрмаган йигит ташқарида нималар бўлаётганидан мутлақо хабарсиз эди. Округ суди Намоз бошлиқ ўн етти исёнкорни қатл этишга, ўн беш кишини умрбод сургунга жўнатишга ҳукм чиқариб, тасдиқлатиш учун Туркистон генерал губернатори Николай Гредетовга юборганини ҳали Намоз ҳам, унинг зиндонлар тубида сарғайиб ётган жўралари ҳам билишмасди.

Намоз қоронғи тушиши билан лаҳмга кириб тупроқ кавлашга киришади. Қуввати кетиб қолган унинг. Тешани аранг кўтаради. Бунинг устига лаҳмда ҳаво йўқ ҳисоби, бир нафас ўтар-ўтмас вужудини тер босиб, боши айланади. Икки-уч бор ўзидан кетиб қолади. Лаҳм зиндондан узоқлашган сари кириб-чиқиш ҳам мушкуллашиб бораяпти. Эмаклаб киради-ю, қорнини ерга бериб сургалиб чиқади. Қоп тўла тупроқни тортиб чиқишга энди дармони ҳам етмай қолган. Лекин, бошқа иложи йўқ: сочининг бирон толасидами, тирноқларининг учидами, қаеридадир, ҳали озгина бўлса ҳам қуввати бор экан, лаҳмни тешиб чиқиши керак. Дўстларини қутқармоғи даркор. Насибаси, суюклиси интизор кутаяпти уни. Опажони Улуғой, жиянлари билан кўришиши керак!.. Тупроқни олиб кетиш учун Тўхташвой тушди. Палапартиш қадам ташлаб, андак бўлмаса зинадан қулаб кета ёзди. «Шуям зиндон бўлди-ю, ҳеч бўлмаса зинасини тузатиб қўйишмаса», деб қўйди.

— Намоз ака, сизга зўр совға бор. Мана, қопга ўраб жуда эҳтиётлаб олиб тушдим. Манг.

— Ҳанжар-ку бу! — шивирлади Намоз. Сўнг қўлларига таяниб секин ўрнидан тура бошлади.

— Уруглик бир пичоқчи жўрангиз ясабди. Бетида «Элгимдин келгунча золим тигин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин қўйдим» деган ёзув ҳам бор. Эртага ўқирсиз. Назар акам билан Жавлонқул амаким ўша ерларга боришган эди, ўшалар олиб келишди... секин қулоғингизга айтиб қўяй, бошқа ишларни ҳам қойиллатиб келишибди.

— Қанақа ишлар?

— Унта от олиб келишди. Ҳар отлар-ки, чу десанг қанот боғлаб учади. Келинг энди, елкангизни ҳам уқалаб қўяй, сал эгилинг. Девона бобом одамнинг жони елкасида бўлади, иккита сиқиб қўйсанг, қушдек енгил тортади, дейдилар. Чойхонага қадам босган одам борки, елкасини уқаламасдан чиқармайдилар.

— Насиба опангга мендан салом айт.

— Айтаман...

Намоз қопни олиб яна лаҳм этагига эмаклаб борди. Туйнук жар бўйига очилишига оз қолган. Бир аршин, эҳтимол, икки аршин қолгандир. Тупроқ ҳам бўшаб қолган. Лоппа-лоппа кўчиб тушаяпти. Худо кўрсатмасин, босиб қолиши ҳам мумкин... бир маҳал теша тупроққа юмшоққина тегди-ю, лаҳм ичига гуркираб муздек шаббода ургандек

бўлди. Наҳотки, ёруғ дунёдан эсаётган шаббода бўлса бу! Наҳотки. Намоз салкам икки ойдан буён тирнаб, ялаб-юлқаб очаётган лаҳм охирига етган бўлса!

Пастликда шалдираб оқаётган сувнинг овози эшитилди. «Мохов-хона» маҳалласи томонда хўроз қичқирди. Демак, иш битибди! Ёруғ дунё бир қадам энди! Шу пайтда Намоз таърифлаб бўлмайдиган бир руҳий ҳолатни бошидан кечирмоқда эди: йиғлаяптими-кулаяптими, билиб бўлмасди. Қизиқ, танидаги оғриқ ҳам худди қўл билан сидиргандек йўқ бўлди, вужудига аллақердан кир куч-қувват оқиб келаётгандек... кўзадаги охириги сувини тўкиб лой қорди-да, тешик оғзини беркитиб, орқасига қайтди.

Пётр Заглада тупроқни олгани келди.

— Бери кел, дўстим!— деди Намоз энтикиб.

— Тинчликми?

— Ниҳоят, дўстларим олдида юзим ёруғ бўладиган кун ҳам келди!

— Нима бўлди, айт!

— Лаҳмни тешиб чиқдим.

— Туйнук очилдими?!

— Очилди!

— Кўзга ташланиб қолмасин тагин?

— Ичидан бекитиб қўйдим, кел дўстим, мени бағрингга ол. Ўзим ўрнимдан тура олмаяпман.

— Худо ҳаққи, ўлиб қолсан деб жуда қўрқувдим!

— Бир неча марта ўлиб қолгандек бўлдим.

— Лекин, офарин, филдек кучинг бор экан, иродангга ҳам балли,

Намоз!

— Сен бўлмасанг қаёқда эди бу ишлар.

Лекин ишнинг энг қийини ҳали олдинда. Намоз бир ўзи қочмоқчи эмас. Дўстларини олиб чиқиб кетмоқчи бу ердан. Шу дўстларини деб бир неча бор ўлиб-тирилди у. Лекин қандай қилиб? Бир-биридан ажратилиб, бошқа-бошқа зиндонларга ташланган жўраларини қандай қилиб бу ерга олиб келса бўларкин?

— Борди-ю, бошқа зиндонларнинг ҳам остини қазиб, шу лаҳмга бирлаштираман-чи?— ўз мулоҳазасини баён қилди Намоз.

Пётр Заглада бош чайқади:

— Улгурмайсан.

— Нега?

— Ҳукм тайёр.

— Суд тугагани йўқ-ку, ҳали?

— Ҳукмни тасдиқлатиш учун Тошкентга юборишган.

— Бизга ўқиб эшиттирмасдан олдин-а?— гижиниб қўйди Намоз,— ҳа, майли, шундай бўлиши турган гап эди.

Кўпчилик бўлиб қочишнинг турли йўлларини муҳокама қилиб кўра бошлашди. Кундузи чиқиб кетиб бўлмайди, албатта. Бу ишни фақат тунда бажармоқ керак. Тунда бажариш учун маҳбусларнинг ҳаммасини бир жойга жамлаб бўлмайди. Иккитадан, учтадан бўлиб ётадиганлари ҳам бор, лекин, қолганлари-чи? Эшикларига оғир қулфлар осилган, калитлар қамоқхона ноziрида туради. Қулфларни бузиш ҳам осон эмас, тирқ этган овоз ташқаридаги қоровулларни оёққа тургазади, ҳарбий гарнизон кўзгалади!

— Менда бир режа туғилди,— тўсатдан жонланиб кетди Намоз.

— Ҳўш?

— Қўрбон ҳайитига уч кун қолди. Якшанбада ҳайит намози ўқилади. Биз, маҳбуслар, эртадан бошлаб қатл этилишимиз олдидан, ҳайит намозини мадрасада ўқиймиз, деб галаён кўтарамиз. Табиийки,

маъмурлар бунга кўнмайди. Шунда орамиздан биттаси, бўлмаса ўзимизнинг қамоқхонамизда, катта тимнинг остида ўқишга рухсат беринглар, деб талаб қилади. Менимча, маъмурлар бунга йўқ дейишмас. Чунки, ҳар куни ўзимиз чиқиб юрган жой-да. Уйлайманки, астойдил бўлсак, маъмурларни кўндирамиз...

□

Тиловату илтижолар оҳанги бир-бирлари билан қўшилиб, тимнинг ости гувиллай бошлади. Катта-катта одимлар ташлаб даврани айланиб юрган Намоз жўраларининг елкасига туртиб: «Қаттиқроқ, қаттиқроқ ўқинг!» деб тайинлар эди. Бир маҳал у қоратерилик ўнбоши Турсун аравасознинг қўлтигидан олиб ўз хонаси яқинига келтирди-да: «Вақт зиқ,— дея шивирлади қулоғига,— саволимга қисқа жавоб беринг. Орамизда хоин борми?»

Турсун аравасоз атрофига қўрқиброқ назар ташлаб олди:

— Бу гапни нега менадан сўраяпсиз, бек?

— Чунки Хотамни текшириб кўришни сизга тайинлаган эдим, эсингиздами?

— Эсимда, бек.

— Текширдингизми?

— Текширдим.

— Ҳўш?

— Сизни ушлаб берган ўша. Орқангиздан Лутфулло ҳоким билан капитан Голохнинг аскарларини бошлаб борган ҳам ўша.

— Янглишаётган бўлманг?

— Улим олдида турибман, бек! Менинг ўн икки йигитимни ҳам ўша сотди.

— Жойингизга боринг, тиловот қилишга тушинг, қаттиқроқ ўқинг.

Тимнинг тўрт бурчагига тош фонус қўйилган эди. Намоз хира ёниб турган чироқлардан бирини олиб Шерниёз билан Қурбонбойни ўзи ётган зиндон тубига эргаштириб тушиб кетди-ю, хиёл ўтмай ўзи ёлғиз қайтиб чиқди.

Берилиб тиловот қилаётган, худони, авлиёю анбиёларнинг номини айтиб чақираётган бандиларнинг кўпи Намознинг бу кескин ҳаракатларида қандайдир ўзгача бир мақсад борлигини ҳис қилиша бошлаганди. Тарвуздек дум-думалоқ юзли, бели беҳад узун, қўл-оёқлари аксинча, беҳад калта, кўзлари жовдираб турадиган Хотам калта ҳали Намоз аравасоз билан шивирлашаётгандаёқ юрагига гулу тушиб бетоқат бўла бошлаганди. Чироқ кўтарган уч йигит зиндон тубига тушиб кетганда, демак, нимадир бўлаяпти, нималигини биламан-у, ташқарига югураман, деб кўнглига тугиб, бошқалар қатори:

— Ё Баҳоваддин пирим!— дея илтижо қилиб қўйди.

— Хотам,— деб шивирлади ёнида ўтирган йигитча,— шерингизга айт, у ҳам шеригизга айтсин, қочиб чиқиб кетишимиз учун лаҳм тайёр экан. Бизни ташқарида отлар кутаётган эмиш!

— Нима?!— Хотам бир сапчиб тушди. Ўрнидан тураётиб Намоз тикилиб турганини кўрди. Худди янглишиб шер олдига бориб қолган қуёндек бир нафас довдираб қолди. Нима қилиш керак? Нима қилганда ҳам тезроқ қилиши керак! Хотам калта эмаклашни ҳали ўрганмаган чақалоқдек орқаси билан сурилиб дарвозага яқинлаша бошлади. Дарвозага бир қулоч чамаси масофа қолган эди, мушукдек чаққон бир ҳаракат билан санчиб ўрнидан турди-ю, икки қўллаб гумбурлатиб ура бошлади. Намоз худди шуни кутиб турган эди. Орқасидан келиб Хотамни маҳкам қучоқлаб олди.

— Қўйиб юбор, ёзилмоқчиман!— типирчиланиб деди Хотам.

— Шу ерга ёзиласан.

— Додлайман бўлмаса!

— Додласанг, бўгаман!

Намоз Хотамни даст кўтариб тимнинг ўртасига олиб борди. Ҳамма гурр этиб ўрнидан туриб кетди, давра сиқилиб кела бошлади. Муаззинлар ҳам қулоқларини чўзганча ўртага бир-икки кўз ташлаб олишди.

— Ё, ҳаётан наби!

— Ё, гавсил Аъзам пирим!!

— Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар!— деган нидолар яна ҳам баландроқ жаранглай бошлади.

— Мени қўйиб юбор!— кўзлари косасидан чиққудек олайиб кетди Хотамнинг.— Намоз, сенга яхшилик қиламан. Қайсинглигини ким ўғирлаганини айтаман.

— Сотқин, қутулиб кетмоқчимисан?

— Ҳамдамбойнинг катта ўғли Замонбек ўғирлаган уни! Лутфулла ҳокимнинг навкарлари ёрдамлашиб юборган. Ҳар бирига юз тиллодан ҳада берган... қўйиб юбор энди.

— Одинабиби қаерда?

— Билмайман, қўйиб юбор деяшман!

— Мени сен ушлаб берганмидинг?

— Йўқ!

— Очиқ айт, бўлмаса ўлдираман!

— Мен анави кўк кўз, кўзинг гўрда чиригур аравасозни ушлаб берганман. Уни ёмон кўраман, акамни урган, тоғамни калтаклаган. Қўлингни ол энди!

— Турсуннинг йигитларини ҳам сен ушлаб берганмидинг?

— Ҳа-ҳа, қўйиб юбор энди. Мен даҳлсизман, билиб қўй!

— Сотқин, сен ўлишинг керак!

— Ё худо!

— Аё, азиз авлиёлар!

— Сотқинга ўлим!

— Менга қўйиб бер уни!

— Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар!— бандилар бир-бирига қулоқ солмай ҳамон ҳайқиришар эди.

Намозбой Хотам калтанинг томоғидан икки қўллаб маҳкам сиққанча қайириб ерга ётқиза бошлади. Хоин боши ерга етгач, калта оёқларини бир-икки силкитди-ю, негадир кулимсираганча жим бўлиб қолди.

— Муҳаммадин Расулилло...


— Муҳаммадин Расулилло!— бор кучларини томоқларига тўплаб бақириб азон айтишарди муаззинлар...

Бир соатлардан сўнг катта тим ости худди сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Олтмиш иккинчи маҳбус зиндон тубига югуриб тушиб етгач, ёлғиз қолган Намозбой ўртада чўзилиб ётган мурданинг устига қайсидир маҳбус ташлаб кетган эски чопонни ёпаркан:

— Жанозасиз кетадиган бўлдинг,— деб қўйди.

Тамом.

Ҳайрият, 7-сентябр
Ушбу кўчма нусха
Муҳаммад
1971



Оташқалб шоир

Оташқалб шоир ва улкан арбоб Сулаймон Лоиқ жанубдаги яқин ҳамсоямиз ва ардоқли биродаримиз — Афғонистон Халқ Демократик Жумҳуриятидаги пешқадам инқилобий шоирлардан биридир, мана шу ажойиб мамлакатнинг дўст халқи фарзандидир, шу халқ ва мамлакатнинг фикр ифодачиси ва муборизидир.

С. Лоиқ сўнги йилларда Афғонистондаги қайноқ адабий жараёнда ўсган қудратли инқилобий шоирлардан. У иккинчи жаҳон урушидан сўнг Афғонистонда бошланган миллий-демократик ҳаракатлар, антифеодал ва антиимпериалистик инқилобий муборизалар оловида тобланиб, энг илғор мафкура билан қуролланган халқпарвар ва ватанпарвар адиблардандир.

Унинг биринчи шеърлар тўплами «Чунгар» номи остида тахминан 20—22 йил аввал Кобулда нашр этилган. Бу мажмуада шоирнинг, асосан, илк шеърларидан намуналар берилган. Бу шеърларда биз С. Лоиқни аввало инқилобий романтик шоир сифатида кўрамиз.

Лоиқнинг иккинчи тўплами «Кегдей» деб аталган бўлиб, 1969 йилда Ҳиндистонда Ҳиндистон Коммунистик партияси томонидан чоп этилди. Тўпلامга шоирнинг 25 та шеъри киритилган.

Лоиқнинг халқпарвар, инқилобий шоир эканлиги мана шу «Кегдей» мажмуасида жуда аниқ ва равшан, кўринади. У ўша тўпلامга кирган бир шеърда ҳозир Осиё қитъасида ажойиб мўъжизалар кўрсатаётган, региондаги қора иртижоъга ва халқаро реакция кучларга қарши мардона курашаётган қаҳрамон Афғонистон халқини содиқ фарзандларга хос ҳиссиёт билан улуғлайди. Лоиқ ўзининг она халқини қўйидагидек илиқ ва самимий сатрларда эъозлайди!

Менинг афғон халқим,

Кимсан сен ўзинг?

Сен — бемисл қувват, сен —

қудратли куч!

Озодлик сен ўзинг, саодат — сўзинг!

Адолат, бахт сари парвоз этгил, уч!

Шеърлардан парчалар шоир Муҳаммад Алининг таржимасида берилди.

Сулаймон Лоиқ ҳозирги замон афғон адабиётида совет темасини биринчи бўлиб қаламга олган шоирлардан. У Зоҳир шоир Муҳаммад Довудлар ҳукмронлик қилган қора даврларда ҳам Афғонистонда Совет Иттифоқини, унинг азамат ва пуққудра халқини баланд пардаларда тараннум этди. Лоиқ ўзининг ўткир публицистик мақолаларида ва оташин шеърларида Афғонистонда СССР иқтисодий-техникавий ёрдами билан қурилган улкан иншоотларни улуғлади, афғон-совет дўстлигининг келажақда улкан самаралар беришини 10—20 йил бурун тўлқинланиб, алоҳида жўшқинлик билан ёзди. Лоиқ 60-70 йилларда Совет Иттифоқи бўйлаб бир неча бор саёҳат қилди ва бу сафарлари асносида бир неча ажойиб шеърлар яратди. Ушандай совет темасида ёзилган шеърлардан бири «Девево пь гора» (Нева соҳилида) деб аталган. Улуғ Октябрь инқилоби бешиги, бутун дунё халқларининг орзу ва умид булоғи бўлмиш улуғ ва азамат Ленинград шахрини Лоиқ мана бундай улуғлади:

Бу шаҳар — инқилоб бешиги ахир,
Ўткир кўз лочинлар маскани шунда
Энди бу шаҳарда ўзгача тақдир,
Ноумидлар умид топади унда.

С. Лоиқнинг «Кегдей» тўпламига кирган «Васиятлик» деган шеър ҳам катта эътиборга сазовор. Бу шеър украин халқининг буюк инқилобий демократи, оташзабон шоири Тарас Шевченконинг «Васиятнома» сининг пушту тилига қилинган озод таржимасидир. С. Лоиқ ҳаммаша: «Мана шу шеъримни (таржимани) қаҳрамон Киевда ёзганман, улуғ Шевченконинг ҳайкали остида турганимда менга илҳом келган» деб мағрурланиб айтиб юради.

Мазкур тўпلامдаги «Сарой шоири билан суҳбат» шеъри ҳам С. Лоиқнинг ижодий позициясини белгилашда характерли асар. Бу шеър муаллифнинг 60-нчи йиллардаёқ тўғри йўл танланганлигини кўрсатади.

Сулаймон Лоиқ энг оғир вақтларда ўзининг ҳамсангар, қаламқаш дўсти Ажмалхон Хатакка ёзилган «Шоирга» шеърини Ажмалхон кўнглига умид бағишлаб ва келажакка катта ишонч ифодалаб ёзди:

ОТАШҚАЛЬ ШОИР

Ажмал, балки, ҳозир зулмат,
Зулматда йўл топа ол!
Келур қора тундан кейин
Порлоқ тонги истиқбол!

Сулаймон Лоиқнинг яна бир шеърӣй тўплами «Едуна ав дармандуна» («Ҳаёт хотиралари») 1978 йилда Кобулда, Апрель (Савр) инқилоби ғалабага эришгандан сўнг чоп этилди.

Нур Муҳаммад Таракий бу тўпламга сўз боши ёзган ва шоирга юксак баҳо берган, чуқур ҳурмат ва муҳаббат изҳор этган эди. Тўпламга навбатма-навбат машҳур илғор афғон ёзувчи ва журналистлари Бориқ Шафөий ва Амир Афғонпурлар ҳам муқаддима ёзганлар. Муаллифни баланд тақдирлаганлар. Бу шахсларнинг урчовлари ҳам шoir Лоиқни янги афғон шеърӣятидаги энг йирик инқилобий, халқпарвар ва ватанпараст шoir эканлигини қайта-қайта таъкидлаганлар.

«Ҳаёт хотиралари» мажмуасидаги шеърлар Сулаймон Лоиқнинг ҳақиқий халқ шоири, қаҳрамон ишчилар, заҳматкаш деҳқонлар, оташқалб ёшлар, хуллас, бутун Афғонистондаги мубориз заҳматкаш, сулҳдўст ва инқилобий халқнинг — ҳозир Осие қитъасида ёвуз империализмга қарши баҳодирона кураш олиб бораётган инқилобий афғон халқининг сеvimли ва ардоқли шоири эканлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан қаралганда, Лоиқнинг айниқса «Келажакка» шеърӣи чўнг характериlidir. Шеърда Лоиқ ўз ўқувчиларига қарата дейди:

«Мен кўза юмсам бу оламдан,
Кўп одамлар эсга олур,
Ўқиб обдан маътайдурулар,
Шеърларимни такрор-такрор.
Лекин шундай ҳақиқатни
Афғон жуда камлар билур.
Ки оғзимга муҳр босди
Не-не золим маккор-маккор.
Менга қанча зулм этмасин,
Зулм этмасин фалак золим.
Она халқим овозини
Олиб чиқдим баландларга!..»

Сулаймон Лоиқ ўз шеърларида Афғонистондаги барча миллатларни ва қавмларни ўзарo бириктиришга уринади, уларни дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришга чақиради: «Агар сизлар ўзарo бириксаларингиз, жуда катта қудратни ташкил этасизлар, сизларни ҳеч ким мағлуб қила олмайди. Сизлар фақат ва фақат бирлашиб Ватанини озод ва мустақил сақлашларингиз мумкин. Ушандагина шахар обод ва шугуфон бўлади». «Ҳаёт хотиралари» тўпламидан жой олган, «Эй, янги аср шамоли!» шеърӣида ҳам Лоиқ юқоридаги мавзунни кўтаради:

Қулоқ беринг, эй паштун, ўзбек,
Баланд тоғлиқ ҳазоралар ҳам!
Туркман, тожик энди келди эрк,
Келди энди ҳурлик чинакам!
Аҳли афғон, жам бўлингиз жам!
Янги аср шамоли, эй,

Кенгликларга багир оч!
Янги ҳаёт кўеши, эй,
Порлоқ нурларингни соч!

«Ҳаёт хотиралари» мажмуасини арақлар эканмиз, совет темасига бағишланган шеърларга қайта-қайта кўзимиз тушади. «Дь шахбоз суруд» шеърӣи алоҳида қизиқиш билан ўқилади. Бу шеър, асосан, Алексей Максимович Горькийнинг машҳур «Лочин қўшиғи» бўлиб, уни Лоиқ ажойиб шаклда пашту тилида шеърға солганки, мазкур фольклорик қисса пашту тилида жуда равон ва ҳаяжон билан ўқилади. «Бўса саволи», «Маяковский», «Эй, вайрона Ватаним» шеърлари ҳам совет темасига бағишланган бўлиб, уларда шoir ўзининг суюкли ватани Афғонистонни эслайди, ўз тупроғи ва халқининг ғамини ейди. Узига хос дoston деса бўладиган «Тонг қўшиғи» номли катта шеърини Сулаймон Лоиқ Апрель (Савр) инқилоби рўй берган 1978 йилдан бир йил олдин ёзган ва уни Улуғ Октябрь Озодлик инқилобининг 60 йиллигига бағишлаган. Шoir ўз ватанига ҳам гўзал тонг тезроқ келишини интизорлик билан кутади ва Апрель (Савр) инқилобининг афғонлар юртида бошланишини олдиндан башорат қилиб айта олади, ўша озодлик тонги — инқилоб тонгини жуда зўр самимият ва қувонч билан куйлайди.

Сулаймон Лоиқ ажойиб лирик шеърлар ижодкори ҳамдир. Буни шоирнинг, чунончи, «Ҳаёт хотиралари» тўпламига киритилган чўнг чиройли ва мазмундор рубойларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумки, Сулаймон Лоиқ Афғонистон Демократик Жумҳурияти Миллий суруди (гимни)нинг авторидир. 1978 йил апрель ойида ғалабага эришган Савр инқилобининг биринчи кунларидаёқ Сулаймон Лоиқ томонидан ёзилган шу Гимн, мана икки йилдан бери Афғонистон Демократик Жумҳурияти осмонида мағрур янграб келмоқда. Хоин, қонхўр ва жосус Ҳафизулла Амин ҳукмронлик қилган ўша даҳшатли алғовдалғов кунларда ҳам бу Гимн мағрур янграб тураверди.

Ҳа, ана шу кескин курашларни, ғалаба, қатъият ва орзу-умидларни катта маҳоратла Давлат Гимни шаклига солган ва ана шу улугвоб ҳужжатни, том маънода тарихий асарни яратган шoir Сулаймон Лоиқдир. Гимн билан биргаликда унинг ўз овози ва нидоси ҳам ҳар кунни тонгда Ватан осмонида ва халқи қалбида балқиб садо бермоқда, халқона тантаналарда муқаддас зафарнома бўлиб янграмоқда, шундай бўлаверади ҳам. Бунда буюк ҳақиқат ва музаффар халқ иродаси бор, шу халқ ва ҳақиқат қудрати ифодаси бор, шу халқ ва ҳақиқат ҳукми бор!

Воҳид ЗОҲИДОВ,

ЎзССР ФА академиги,

Ориф УСМОНОВ,

ЎзССР ФА Шарқшунослик
институту илмий ходими.

Сулаймон Лоиқ,

афгон шоири

САРОЙ ШОИРИ БИЛАН СУҲБАТ

Сен — чиройли қизларнинг,
Гул-булбулнинг маддоҳи,
Ноз-карашма уйқуда
Ётганларни куйлайсан.
Фахшу базм,
Айш-ишрат,
Май,
Майкада,
Суроҳий,
Табиати енгиллар
Аҳволидан сўйлайсан.

Меҳрибонлик кўргизиб,
Менинг ҳолимга гўё,
Кибр билан сўрадинг,
Шоирмисан сен ҳам, деб.
Нафосат нима ўзи?
Чиройда қандай маъно?..
Сўрадинг кўшиб яна,
Ҳаётимга нима зеб?

Саволларинг кўп эди,
Билмай қолдим саноғин:
«...Кўрдингми ҳеч гулларнинг
Замзама-ю нозини?
Эшитдингми парилар
Сурудининг титроғин,
Рангин, ранг-баранг, гўзал,
Ипакдай овозини?
Сен биллур қадаҳларда
Шароб ичганинг борми?

Юпқа лабли қизларнинг
Хандасин кўрдингми ҳеч?
Қўлларидан тутганча
Бирор пари рухсорни,
Боғ-роғларда роҳатда
Айшу нўш сурдингми ҳеч?

Офатижон қизларни
Кўрмаган эсанг наҳот?
Наҳот улар меҳридан
Бебаҳра қолган бўлсанг?
Урён, маст нозанинлар
Айлаганда илтифот
Дунё гўзал кўринур,
О, кошки эди билсанг!

Латофатли жононнинг
Қарашмали нигоҳин
Бирор марта кўрдингми
Шароб лим-лим қадаҳда?
Уларнинг шўх қалбидан
Чиққан ишвали оҳин
Тингладингми дил кетиб
Роҳатда-ю фараҳда?

Қора, беҳолу ҳарир
Ичкўйлақлар остида
Тирсалиб турган
Момиқ баданни
Қачон кўрдинг?
Ўз ҳусн жамолига

Маҳлиё бўлиб жуда,
Уғринча боққан
Сулув суманни
Қачон кўрдинг?

Агар сен шоир бўлсанг,
Фақат ишқ шоири бўл.
Майиноб,
Парирўлар
Куйчиси бўлгин фақат.
Базму айш-ишратларнинг
Ярашиқ шоири бўл.
Ушандан ҳаёт ширин,
Ушандан файзу роҳат.

Сен мақта боғлардаги
Ранг-баранг гулларни ҳам,
Гулларнинг ажиб зебо
Муаттар бўйин мадҳ эт.
Заррин либослар ичра
Балқиган сиймин бадан,
Ул нозик адоларнинг
Ранг ила рўйин мадҳ эт!

Агар сен шоир бўлсанг,
Ғамларни бир четга от!
Дардлилар, юпунларга
Кўй боқма, бир сўз дема.
Инсонлар азоб тортса,
Насиба — бўлса фарёд,
Дунёни ғам чулғаса,
Чулғасин!
Сенга нима?!

Халқ ранжу алам чекса,
Парво қилмагин зинҳор
Қанчалик ишинг сенинг
Оч, гадо деҳқон билан?
Кўчаларда бепарво,
Бир тишлам нон дебон хор,
Бекас, бечора, бесар,
Сарсон, саргардон билан?..»

Мен дедим: «Мухтарам зот,
Гапни қўйдинг дўндириб,
Билгинки, ҳавасларинг
Мен учун мутлақо ёт.
Боқ, сенинг хаёлингда,
Елғиз фитна-ю фириб,
Юрагингда бижғийди
Фасод, фасоду фасод.

Сен —
Султону хонларнинг
Дарборида бир шоир,
Мен —
Эзилган халқ ўғли,
Шуни шартта айтай ман.

Сен —
Ёзасан май тўла
Хум ила жомга доир,
Мен —
Мозийда озодлик
Жангларини мақтайман.

Сен —
Амирлар ғурурин
Кўз-кўз қилгунг жаҳонга,
Мен —
Алқайман
Фуломлар фарёдин, дилга жойлаб.

Сен —
Шериксан ҳамиша
Шаҳона дастурхонга,
Мен —
Деҳқоннинг қоқ нонин
Ейман қаноат айлаб.

Сен —
Серҳашам қасрлар,
Саройларга маҳлиё,
Мен —
Кўчманчи ўтовин
Кўриб қиламан ҳузур.
Сен —
Базмда
Нозлардан кўзингга олгунг зиё,
Мен —
Зиндонда дард чеккан
Қалбдан оламан шуур.

Сен —
Бахтлилар баҳорин
Кўкидаги чақмоқсан.
Мен —
Бадбахт,
Бечоралар кўз ёшида бир шуъла.

Сен —
Тунлари базмда
Уйналган рақс сиёқсан,
Мен —
Тонгда жаранг солган
Эрк куйланган. Ашула!

Мен —
Мазлумлар азобин
Кўрдим, гувоҳлигим бор,
(Золимлар асли ноҳақ)
Ғурури тоғча бироқ.
Деҳқонни қақшатиб зор
Инсофи йўқ заминдор
Гўштин шилиб,
Ўзларин устихон этди, оҳ-оҳ!

Мен —
Бева-бечоралар

Ғариблар овозиман,
Аср-аср эзилган
Мазлум ноласиман мен.
Меҳр улашгум халқларга,
Мен меҳр эъзозиман,
Қиличман,
Зулм йиқмоққа
Эл ҳаволасиман мен!

Мен —
Базму
Айш-ишратни куйламадим ҳеч
маҳал,

Қўзимдан йироқ кетсин
Худфуруш¹ ишқибозлар!
Гулдан кўра тиконни
Еқтираман мен азал,
Сен кўрсатган жаннатдан
Жаҳаннам менга соз-да!

Мен —
Азобу уқубат,
Изтироб деб туғилдим,
Мен —
Тўфонлар шаҳдига
Излайман имтиҳонлар.
Қонли тўфон мавжида —
Сен шуни яхши билгин,—
Қулочимни кенг ёзиб
Урсам дейман жавлонлар.

Мен —
Муборак Ватаннинг
Ғарибларидан бири,
Зулматли кечаларда
Зорланганлар ўғли — мен.
Ноумидлар, шўрликлар,
Фақирларнинг фақири,
Ўз юрти тупроғида
Хорланганлар ўғли — мен!

Мен —
Заҳматкаш деҳқоннинг
Ор-номусин куйлайман,
Мадҳ этаман
Қудратли ишчи муборизасин.
Молу дунё, лавозим —
Барига ўт қўйгайман,
Сўйлагайман эрк учун
Бўлган жанглр қиссасин!

Мен —
Шундақа эдим-да!
Ҳали ҳануз шундайман,
Халқим овози эдим,
Бу овоз баланд бўлур.
Мен —
Байроқман,
Эй Ватан, эрк деб жангларга
шайман,

Эркини куйлаган юрак,
Ҳамиша нурга тўлур!

1975 йил.
Кобул.

Эртанги умид

Зулмат аро тангу тор
Тунлар бедорман, бедор,
Қўнглимда зору озор,
Бир дунё мусибат бор,
Янги умид барг ёзмоқда қалбимда
энди,

Эртанги кун — умид тонги алвон
кўринди.

Тоғлар ҳам яшнар бугун,
Гуллар очилур гулгун
Шодлик таратар сас, ун,
Қайғу ухлайди бутун.
Оҳ, умидлар муждасидан потрар
юрагим,
Қувончидан ўзин ҳар ён отар
юрагим.

¹ Ўзини сотувчи маъносига. (Тарж.)

Шафақ қизарар ол-ол,
Тонглр отади хушҳол!
Зулмат, эй, йўқол, йўқол!
Нур, эй, кўрсатгил жамол!
Димоғимга гўзал насим ҳиди
келмоқда,
Гўзал гуллар ҳушбўй ила сармаст
қилмоқда.

Шиддатли бўл, эй фарзанд,
Ватан меҳри сен-ла банд.
Ўкинма ўксиз монанд,
Бошингни кўтар баланд!
Ғайрат кўргиз! Ватан, элинг аён
билажак:
Тонг сеники, сеникидир порлоқ
келажак.

Афгон тилидан Мухаммад АЛИ таржимаси

Сотволди Ражабов

ОЗРИК

ҲИКОЯ

Дўсрат ака шийпонга етаверишдаги катта ариққа ювинмоқ учун энгашди, аввал оёғини, кейин юз-қўлини чайиб, елкасидаги сурп қийигига артинди. Бирдан вужудда нимадир «чирт» узилгандек оёқ-қўлининг мадори кетиб, ўтириб қолди. Тўпиқлари увишди. У қўрқиб кетди, товуш бериш учун интилган эди, томогида шўртанг бир нимани туйди, овози ҳирқиради.

— Бува!

Ҳайтовур одам овози чолнинг ақлини пешлади. Босинқираб уйғонгандек қалтираб ортига ўгирилди. Рўпарасида тушлик келтириш учун кетган шериги Назар илжайиб турарди.

— Нима бўлди, бува?— деди йигит велосипед рулига осиглиқ чит рўмолдаги нарсани аста оларкан.

— Э, сўрама, ишим чатоқ. Мени кўтариб шийпонга обор. Кейин кампиримга хабар қил. Розилигимни берай.

— Ни-ма!— Назарнинг кўзи чақчайиб кетди, кутилмаганда шарақлаб кулиб юборди.— И-йи, розилик... Ҳеҳ. Бу розилик берадиган тузукроқ жой қуриб кетувдими-а? Бундай уйга боре-е-еб, оёқди узате-е-еб, розилик бериш керак-да, бува!

— Атайлаб ётибди, деб ўйлаясанми.— чолнинг кўзига ёш келди.— Айланиб кетай, ўғлим, бир савоблик иш қил. Мени кўтариб салқинроққа обориб қўй!

Бу сафар йигит чолнинг тер босган аянчли юзига, илтижоли жавдиреган кўзига тикилиб туриб, қўрқиб кетди.

— М-м,— ингради чол.— шу ерда тугайман.

— Қўйсангиз-чи!— йигит ортига тисланди.

— Рост гапиряпман, валади!— Дўсрат ака бор овози билан қичқирган эди, бўйин томири бўртиб кетди.— Мусулмонни боласимнан, раҳм-шафқатнинг борми ўзи?!

Назар итоткорона энгашиб уни опичлади. Дўсрат аканинг икка-

ла оёғи қайрилмас, тиззаси йигитнинг белига қадалиб турар, у бўлса тайтанглаб қадам босганча нуқул куларди.

— Оёғингизди мунча тирайсиз, иҳий-ҳи. Тираманг-да.

Шийпонча супасига етганда Дўснат ака унинг елкасидан сирғалиб тушди. Оёқлари ёзилмай, ўтириб қолди.

— Одам ўлай деяптию сен нуқул хиринглайсан-а!

— Қитиғим бор-да, бува.

— Э, қитиғинг билан ҳам...

— Менга қаранг, худди ёш боланинг гапини қиласиз-а, бува. Улармиш. Бекор гап. Ахир урушдан соғ-омон қайтган одам тинчлик маҳалда... Э, қўйинг, васвасачи бўп қопсиз.

Бу гапдан чол ҳийла юмшади, хўрсиниб йигитга қаради.

— Улишдаям ўлиш бор, тавба деб гапир,— чол инқиллаб тўпигини уқалади.— Бу ерда ўлиш жуда хунук.

Иккови жим қолишди. Дўснат ака йигитга боқди, унинг бўй-бас-тига ҳавас билан тикилиб, ўксинди.

— Ўттиз йилдан бери пахтазорда сув кечаман. Оёқди совуқ олган. Кўргин бунди,— чол йигитга тўпигидаги шапалоқдек чуқурчани кўрсатди.— Эти йўқ. Суяклари синган, аранг илашиб туради. Оёқди баҳона қилиб ишламай десам, бўлмайди...

— Дўхтирга кўрсатиш керак.

— Э, дўхтирни қўй, боравериш ҳам чарчадим. Бир куни бориб, шундай-шундай, оёғим оғрияпти, десам, ҳап дори бериб ўтирибди-ю. Э, дўхтир шу бўлса, деб паққос бормай қўйдим. Оёғим оғригудай бўлса, пўстдумба қўяман, мўмниё ичаман, тиккайиб кетавераман. Аммо бу сафаргиси жуда бошқача бўлди. Қаттиқ ушлаб қолди.

— Дўхтир бир нимани билмаса ишламайди, билдингизми? Сиз арақни кўп ичгансиз. Тоғамнинг гапига қараганда, пианисталарнинг оёғи кўпроқ оғрирмиш.

— Э, ўша тоғангниям...— Дўснат аканинг оёғи ҳуруж қилди, афтини буриштирди,— тоғангнинг ёнини олиб нима қиласан. Ростакан жигаринг бўлганда эди, сендек ёлғиз жиянини қўлтиги орасига оларди. Унақанги қорин солиб, қишлоғидан, жигарларидан юз ўгириб юрмасди.

Назар маъюсланди. Чурқ этиб оғиз очмади. Чолнинг меҳри тов-лаб, унинг елкасига қўл ташлади.

— Хафа бўлма. Мабодо ўлиб-нетиб қолсам, йиғлармидинг, Назарбек?— деди хирилдоқ овозда йигитга муғомбирона кўз тикиб.— А? Йигит елка қисди, Дўснат ака тумтайиб қолди.

— Қийин, бировни бировга куйиши қийин масала...

Назар қумғонга сув тўлдириб, тошўчоққа илди. Бурган дастасини синдириб, ўчоққа тикди, олов ёнди. Гармсел туриб, чолнинг яккам-дуккам соқолини қайирди. Йигит чолни зимдан кузатар, ўз отасида ҳам шу дамгача учратмаган тўпори, аммо ёниқ бир мурувватни кўриб турарди. Боёқишга қийин. Ўғли армияга кетмасидан аввал ҳийла тетик эди...

— Бува,— йигит кўнглидаги гапни унга айтишга чоғланди. Чол унга қаради.— Урушда бўлгансиз, инвалидсиз. Ҳозир уруш иштирокчилари учун катта ёрдам кўрсатилляпти. Яқинда газетадаям ўқидим, радиодан ҳам эшитдим...

— Нима деди?— Чол йигитга қизиқсиниб қаради.— Хўш, нима деди, айтсанг-чи?

— Жуда кўп нарсаларни айтди. Масалан, томорқа солиғи, газ, электр, яна...

— Шуми?— Чол кўзидаги ифода бирдан сўнди.— Бунди ҳар доим эшитяпмиз. Аммо пенсия-чи, пенсия ошмаяпти-ку. Одамнинг чўнтаги-

да пули бўлсагина руҳи тетик бўлади-да. Инвалидман деб жамоага чиқиб, ўнта шипр сўрасанг, бермайдию...

— Бизда шунақа холос.

— Бизда деганинг қаер? Биз қаердамиз?

— Ҳукумат қарорини айрим колхозларда, қишлоқларда нотўғри бажарилаётгани ҳақида газетада танқид чиқди.

— Ҳо-о...

— Қонун барча учун бир хил. Гап уни тўғри қўллашда. Тоғамнинг айтишига қараганда, бир одам сизга ўхшаб дўхтирга бормай юраркан. Бир кунни нима бўлибдию дўхтирга учрабди. Уни қарангки, ўша одамнинг пенсияси ҳам ошибди, бепул машиналик ҳам бўлибди.

— Ҳох,— чолнинг кўз соққаси думалоқлашди,— рост гапиряпсанми?

Йигит ҳафсаласиз қўл силтаб, тишининг орасидан «чирт» этиб тупурди. Чол юмшади.

— Мен ҳам бир ров учраб кўрсаммикин-а, таваккал-да. Нима дейсан, Назарбек?

Чолнинг қалбида дафъатан умид уйғонди.

— Менга қара, ўғлим, у одамниям оёғи чатоқ эканми? Менинг оёғимга ўхшаб-а? Гапирсанг-чи!

— Худди.

«Бу бола ёлгон гапирмайди», ўйлади чол.

— Қачон борсаммикин?

Йигит унга ўгирилиб, кулди, афтидан хафақонлик тарқалган эди.

— Ихтиёрингиз, қанча тез бўлса, шунча яхши. Иложи бўлса, эртагаёқ борганингиз маъқул.

— Ишим ўнгидан келармикин, болам?

— Тоғамгайм айтаман, ёрдам беради...

Дўсмаат ака эртаси кунни сандиқдаги орден ва медалларини, ёрлик қоғозларини қийиғига тугди. Чолнинг тараддуди кампирни тааж-жубга солди.

— Тинчликми?

— Узимни дўхтирга кўрсатаман. Пенсамни ошириб машина оламан.

— Вей, савил. Нима, туш кўрдингизми?..

Район марказигача йигирма чақирим. У саҳармардонда йўлга тушгани учун бахтига ўткинчи машина чиқиб, марказга олиб келиб ташлади. Сўраб-суриштириб, поликлиниканинг терапевт бўлими эшиги олдига келиб навбат кутди. Бу ердаги стулларда ҳар хил ёшдаги эркак ва аёллар ўтиришар, чеккадаги стулда ўтирган йигитчанинг бир оёғи дока билан чирмаб боғланган эди. Чол унга ачинди.

Ниҳоят, унинг навбати келди. Ичкарида сочига оқ оралаган доктор унга тўнғиллади:

— Қаерингиз оғрийди?

— Ҳеч ерим.

— Бўлмаса нега кирдингиз?

— Мени...— чолнинг тили тутилди.— Мен бошқа масалада келувдим олдингизга. Билсангиз, ука, оёғим ишга яроқсиз бўп қолди. Ахир, одамни оёқ кўтариб юради-да, билсангиз. Энди бир нима бўп қолсам, жовдираб қолмайин, деб, сизга учраган жойим. Ҳар ҳолда, пенсам ошиб қолар шу баҳонада...

Доктор кўзойнагини қўлига олиб, дастасини тишига «тиқ-тиқ» этказиб урди.

— Ота, бу ер райсабес эмас. Назаримда, ўзингизни комиссияга кўрсатмоқчи бўлсангиз керак. Шундайми?

— Улманг.

— Бунинг учун энг аввало рентгенга учрайсиз, ундан кейин қон топширасиз, ундан кейин... Хўш, комисснияга, ундан...

Рентген хонаси олдида тумонат одам, аксарияти ҳарбий хизматга кетаётган йигитчалар. Дўсрат аканинг ёдига йигитлик даври тушди. Шу ердан тўппа-тўғри жангга йўл олган.

Ичкарига кирган эди, оқ халатли мудир бобиллаб берди:

— Бугун ҳеч кимни қабул қилмайман. Бизларгаям жон керак. Чарчаб, ўлар бўлсак ўлиб бўлдик.

— Олисдан келувдим-да, ўғлим.

— Менга деса бошқа мамлакатдан келмайсизми, бари бир. Қани, кимнинг навбати? Ҳай бола, нега анграясан, сенга айтаянман...

Шу тариқа уч кун қатнади. Ниҳоят, ҳамма нарса тайёр бўлди. ВТЭК ка йўлланма олиб, комисснияга кирди. Ҳужжатларни қайд этаётган аёл унинг қоғозларини кўздан кечиргач, бош чайқади.

— Мача анализи йўқ-ку?

— Нима, нимани?!

Аёл ёнидаги эркакка шивирлаб ниманидир тушунтирди. Эркак қисқа йўталиб олди.

— Сийдик топширмабсиз-ку, деб сўрайти-ку,— деди томдан тараша тушгандек.

— Қимга?

— Уша, қон топширган жойга-да.

Бунинг учун ҳам бир кун овора бўлди, ниҳоят, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлиб, таниш аёлга учради.

ВТЭК комисснияси хонасида тўрт киши ва бир аёл. Уртадаги комиссия ранси — семиз, қўнғироқ сочли одам.

— Қиринг,— деди у эшик олдида ийманиб турган Дўсрат акага қараб.— Фамилиянгиз ...Жабборов! Ҳозир, Жабборов... Мм. Тяжело ранен, перелом костей левой ноги... Хўш, оёқни очинг-чи,— у кўзойнагини тақди.— Бўлинг, тез-тез. Уялманг унақа. Қани, шимни ечинг.

Дўсрат ака бақрайиб ўтирган аёлга ер остидан қараб олди.

— Шу ерда-я?

— Нима бўпти бу ерга. Ечинавсеринг.

Ўтирганлар кулишди, чол қизаринди.

— Э, бува, сиздақаларни кўравериб Раисахоннинг кўзи пишиб кетган.

— Ўлинг, уятсиз,— деди аёл гап ташлаган жиккак йигитга, ёлғондакам қовоқ уйди.

Дўсрат ака иштонининг почасини қайириб, ярадор оёгини кўрсатди.

— М-да. Синган кўринади.

— Синган, ука, синган. Суягини битта-битталаб териб қўйган.

— Шунақа денг? Ундай бўлса, қандай юрибсиз?

— Энди, ука, тирикчилик-да, юрмай илож қанча...— чол унинг кўзига тик қараёлмади.

— Касаллик тарихида ёзилишича, суяги пачоқлангани тўғри. Аммо рентген суратида бошқача. Назаримда, янги суяк ўсиб чиққан. Мана, суратни кўряпсизми?

Дўсрат ака герлаб кетди. Дастрўмоли шимининг чўнтагида бўлгани учун терни ени билан сидириб артди.

— Қани, ерга тепинг-чи!

— Лаббай?..

— Тепининг, деяпман!

Чол тепинди.

— Огрняпчими?

Ия, огримаса келармидим бу ерга.

- Хўш, неча сўм пенсия оласиз?
- Қирқ тўрт сўм...
- Болалардан борми?
- Биттаю битта бор. Ҳозир армияда. Эшикда чол-камбир икковимиз, холос. Биласиз, ука, ўттиз йилдан бери сув кечаман. Бу оёққа совуқ ўтган кўринади. Авваллари бунақа оғримасди. Ўтган куни кўзимга дунё қоронги бўп кетди. Улиб қоларканман, деб роса қўрқдим.
- Яраланган жойингизда группа белгиланганми?
- Э, ука, жон олиб, жон бераётганда ҳужжат эсга келармиди.
- Бизда қонда шундай. Оёқ-қўли йўқ ёки ишга яроқсиз одамларга группа берилиб, пенсия тайинланади. Сиз эса соппа-соғсиз, илож қанча.
- Оёқди кўриб турибсиз-ку, ука!
- Кўряпман, хўш нима бўпти!
- Энди, бу...— Чолнинг ёдига Назарнинг гапи тушди.— Газетаям ўқиб турасизми, ука?
- Ҳа, нимаиди?
- Ўқиган бўлсангиз, уруш қатнашчиларига... хўш, томорқа, газ, иликтир, яна нималар ҳам девди-я...
- Нима, менга қонун-қоида ўргатгани келдингизми,— раиснинг важоҳати ўзгарди.
- Ундай демоқчимасман.
- Хўп қизиқ одамлар бор-да дунёда!— тутоқди раис.— Бу оёгингизни мен ярадор қилгандек баланд келасиз-а!
- Хўп, қўйинг, ука,— чол қўл силтади.— Асти бу ерга келиб учраб, дард тўккан мен аҳмоқ. Тўрт мучалим соппа-соғ бўлса эди, бош уриб овора бўлиб бу ерга келмасдим.
- Чорраҳага етганда ошқозони жизиллаб ачишаётганини, тиқилинчда тушлик ҳам қилиб олмаганини сездди. Ошхона томон бурилаётганида қуролдош дўсти Нурматни учратиб қолди. Қучоқлашиб кўришишди.
- Вой, ҳалиям тирик экансан-ку, қорангни кўрсатмайсан-а, ошна? Бунча қовоқларинг солиқ?
- Э, ташвишларминан юрибмиз-да?
- Камбир дамликми?
- Шукур.
- Ичкари киришди. Нурмат шошиб овқат чақирди, ўзи эса буфет томон йўл олди.
- Нима қилмоқчисан?— Дўсрат ака бўйинини чўзиб унинг орқасидан қаради. Нурмат ошхона тамғаси босилган бир шиша ароқ келтириб стол устига қўйди.
- Соғ-саломат кўришганимиз учун.
- Э, бўлмаган иш-да. Нима кераги бор шуни. Мен шу вақтга қадар оғзимга олганим йўқ.
- Сен ичмасанг, мана ўзим ичаман. Э, ошна, дунёда бундан бошқа нима эрмак қолди биздайларга.
- Бу гапинг хато,— чол бош чайқади.
- Хато бўлса хатодир. Хўш, болалар нечта бўлди? Шундан гапир.
- Аввалгисидан бўлмади. Кейингисидан битта ўғил, холос. Уям... Дўсрат аканинг томоғига бир нима қадалиб, овози ҳирқиради. Соғинч ва интизорлик, бугунги овора-сарсонликдан хўрлиги келиб кетди. Ўзини аранг тутди.— Армияда. Камбир икковимиз сўппайиб қолдик.
- Ҳа, ошна, битта бўлсаям умрини берсин. Ошна, худо бизни бир марта қайтиб берган. Ҳм. Ке, энди жиндак-жиндак. Ўлмаган қулга... Хўп, де.
- Менга тўғри келмайди.

— Қўй-э, бунақа гапни. Ке, хўп де, ошна.

...Дўсмаг аканинг ошқозони қайнаб кетди. Қўзлари бир зумда тиниб, боши айлана бошлади. Боядан бери юрагини ғаш қилган турмушнинг олам-олам ташвишлари унут бўлди-қолди. Нурматга қараб, уни бағрига босгиси келди.

— Учраб, кўнглимни тоғдек жўтардинг. Бўлмаса ҳолим хароб эди.

— Нима гап ўзи?

— Туриб-туриб таъсирланяпман, билсанг. Ҳайронман. Устимдан кулиб, мени калақа қилишди-я... Сен ҳам бундай йўқлаб келай демайсан. Менга мол-дунё эмас, одам керак, билсанг.


— Аҳволингни тушунтирмасанг сен ҳам...

— Кўнглимни кўтарганинг учун... Бу, ҳалиги... Ишқилиб, кўзим тириклигида ўғлим кела қолса. Бу, менга қара, ўғлингнинг кичиги неча ёшда?

— Йигирмада. Бу йил уйлаб қўймоқчи эдим. Кўнмаяпти, валади. Уқийман дейди. Ундай бўлса, хотинниям ўзинг оласан топиб, дедим.

— Улмасак, ҳм... икковини дўст қил қўямиз...

Иккови ошхонадан чиққанларида қуёш қайтиб қолган, дарахтлар япроғида кечки шафақ ўйнади. Нурмат ака уни қолишга қистади. Аммо Дўсмаг ака кампирининг ёлғиз қолганини айтиб, шошилди. Иккови анчагача бир-бирини қучоқлаб турди. Кейин хайрлашишди.



Пиримқул Қодиров

ЗИЁГА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

ИНТЕЛЛЕКТ деб аталган зиё ёзувчи истеъдоди учун қанча кенг уфқлар очиши ва унга қанчалик куч бериши Асқад Мухторнинг қирқ йиллик ижодида ибратли бир тарзда намоён бўлади.

Албатта, зиёлилик фақат билим, маданият ва маърифатдангина иборат эмас. Ҳақиқий зиёлиликнинг таркибида давр ва аср муаммоларини чуқур ҳис этиб, уларни мустақил таҳлил эта билиш ва ҳаётнинг мураккаб тарихий воқеаларига мутафаккирона муносабатда бўла олиш салоҳияти ҳам киради.

Бу салоҳият энг аввал Асқад Мухторнинг шеърий ижодида уйғонди. Ун тўққиз ёшлик ҳаваскор шоир урушдан олдинги даврда «Бизнинг авлод» деб номланган илк дoston ёзди. Орадан саккиз йил ўтгандан сўнг матбуотда эълон қилинган «Пўлат қуювчи» достони Асқад Мухторнинг шеърий ижоди жуда тез камол топаётганини кўрсатди. Ишчи оиласида туғилган ва ишчилар муҳитини болалиқдан яхши биладиган шоир пўлат қуювчи Шомурод образида жамиятимизнинг етакчи кучи бўлган меҳнаткаш инсоннинг қалбини, ғурурини, унинг ўзига хос фалсафасини жозибали қилиб акс эттирди.

Тилга олинган дostonлар Асқад Мухторнинг истеъдодида катта қамровли эпик жанрларга мойиллик зўр эканидан далолат берди. Бу мойиллик табиий равишда уни насрнависликка олиб келди. «Дарёлар туташган жойда» деб аталган илк қиссасидаёқ унинг интеллектуал проза деб аталадиган, фикр-мулоҳазаларга бой, айни вақтда, дарёлардай катта ҳаётий жараёнларнинг бадий тасвирига бағишланган асарлар ёзишга қодирлигини кўрсатди. Замирида мунозарали фикрлар кўп бўлган бу қисса Москвада 1951 йилда бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида Иттифоқ ёзувчиларининг эътиборини ўзига тортди. Москвалик таниқли ёзувчи



А. Пантйеев «Дружба народов» журна-ли саҳифаларидан Асқад Мухторга очик хат билан мурожаат қилиб, унинг ижодий изланишларига дўстларча илиқ муносабат билдирди. Яхши тилакларини ишонарли ва таъсирли қилиб айтди. Бу ҳаммаси ёзувчининг навбатдаги йирик насрий асари—«Опа-сингиллар»нинг ёзилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатди.

Албатта, ҳар бир дарахт аввало ўзи ўсган заминидан озиқ олиб, ўз ички кучларини ишга солиб ўсади ва ҳосил беради. «Опа-сингиллар»да Асқад Мухтор ўзи туғилиб ўсган Фарғонанинг ҳаётига, у ерда инқилобдан кейин қурилган дастлабки тўқимачилик фабрикасининг кишилари ҳаётида, айниқса, илгариги маълума аёллар тақдирида қандай катта бурилиш яса-

ганини ўз кўзи билан кўрганига асосланди. Шундай бир фабрикада адабнинг ўз онаси ҳам ишлагани унинг «Онам хотирасига» деган бағишлов билан чиққан «Фабриканинг йўллари» шеърда илиқ ва маънос оҳанг билан айтилган.

«Опа-сингиллар» романи фақат Асқад Мухтор ижодигагина эмас, бутун ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Бу роман мамлакатимизнинг кўпгина қардош тилларига таржима этилди, уни хорижий мамлакатларда, Ҳиндистонда, Вьетнамда, ҳатто узоқ Америка қитъасида қизиқиб ўқиган ва юқори баҳолаган адабиётимиз ҳайрихоҳлари оз эмас.

«Тўғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» романлари ва улар билан бир даврда ёзилган «Тўқсон тўққиз миниатюра» каби шеърин китоблар Асқад Мухтор ижодида назм билан наср ажиб бир уйғунликда ривожланиб борганини кўрсатади. «Давр менинг тақдиримда» романи «уч фасл достони» деб аталиши бежиз эмас. Бу роман, айниқса, унинг биринчи қисми, шеърга йўғрилган насрий дostonдек ўқилади. «Чинор» романининг «ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар» деб аталишида ҳам авторнинг жанр соҳасидаги яхши изланишлари кўзга яққол ташланиб туради. Адабиётшунос олимларимиз Асқад Мухторнинг янги шеърин ва насрий шакллари излашдаги дадиллиги ҳақида, унинг бу йўлдаги муваффақиятлари тўғрисида асосли фикрлар айтмоқдалар. Бу фикрларга қўшилган ҳолда, Асқад аканинг шоирлик талантига оид бир қанча таассуротларимни махсус айтгим келади.

«Четдан яхшироқ кўринади» деганларидек, мен каби насрнавигга балки шеърин услуб аниқроқ сезилар. «Пўлат қуювчи» дан бошлаб, «99 миниатюра» ва энг кейинги «Сизга айтар сўзим» тўпلامигача Асқад Мухтор поэзиясининг кучга тўлиб бораётгани, такрори йўқ бир услубий ўзгачалик қуюқлашиб, тиниқлашгани менга яхши майнобнинг йиллар ўтган сари фазилати ошиб боришини эслатади. Адабнинг романларида ҳам мен унинг шоирлик овозини эшитиб тураман, шунинг учун Асқад ака романчиликка ҳам шоир бўлиб кириб келган, аср, давр муаммоларини, аввало, эпик бир шоирнинг кўзи билан кўради, деб ўйлайман. «Опа-сингиллар», «Чинор» — ёзувчи ижодининг жуда юксак босқичлари экани шубҳасиз. Адиб бу юксакликларга ҳам, аввало ўзидаги шоирлик қанотлари билан кўтарилгандек туюлади.

Ўз услуби ва ижодий овозидаги шоирлик жарангини қатор-қатор романлар ёзгандан кейин ҳам йўқотмайдиган ёзувчилар кам бўлади. Асқад ака ана шундай нодир ёзувчилардан эканини унинг сўнги ўн йилликда ёзган шеърлари исбот қилиб турибди.

Ҳаётини беҳуда ўтказиб, доим осон йўл танлаб яшаган одам умрининг охирида ўлими яқинлашганда ўзини қандай сезаркин? Умр бўйи лаззат излаган, уни осон топган киши энди азобга қандай чидааркин? Бу тўғрида роман ёзиш ҳам мумкин.

Мазмуни шунга яқин яхши романлар ҳам бор. Асқад ака буни «Тонглар изсиз ўтади» деган, биргина саҳифага сиғадиган қуюқ шеърда ажойиб қилиб ифодалайди. Ҳалиги одам «Ўлими нима, ўзи, одамзод?! Наҳотки у ёғи тубсиз зулмат бўлса?!» деб даҳшатга тушган пайтда шоир унга мурожаат қилади:

Ҳой, ўлим нима деб бош

қотиргандан,

Ҳаёт нима, дея қилсайдинг ташвиш.

Ҳаёт ахир нечоғлик саёз,

майда бўлса,

Ўлимнинг шу қадар совуқ ва мудҳиш.

Бу ердаги қўйма, фалсафий образ адабнинг ҳаётни жуда кўп кузатиб орттирган инсоний тажрибасига катта романлар ёзиб ортдирган ижодий тажрибаси ҳам қўшилиши ва шоир энди мана шу икки зўр қанотлар ёрдамида ҳар бир шеърин байтнин жуда катта юксакликка кўтара олиши тўғайли майдонга келади.

Бошда айтилган ёзувчилик зиёси фақат кўп китоб ўқишдангина келиб чиқадиган ёки одамзод ҳаётини экран ва саҳна орқали кузатишгагина асосланган жўн бир ҳосият эмас. Ёзувчи ижодига куч ва барака берадиган ҳақиқий зиё энг аввало унинг ўз қалбидан ва халқ ҳаётига отган илдиэларидан келиб чиқади.

Асқад Мухтор «Мен дунёга келиб дунё ортдирдим» дер экан, бу сўзларда қанча катта маъно борлигини англаш учун унинг бутун ҳаёти ва ижодини бир бутун ҳолда тасаввур этиш керак. Комсомол ёшида муҳбир бўлиб, қирқ йилдан ортиқ матбуот билан ҳамкорлик қилаётган адиб республиканинг барча шаҳару вилоятларини ўнлаб марта кезиб чиққан. Совет мамлакатини Болтиқ бўйидан Узоқ Шарқдаги Амургача, Шимолий муз океанидан Қорақумгача ўз кўзи билан кўрган, хорижий мамлакатларда Япониядан тортиб АҚШгача, Англиядан тортиб Индонезиягача саёҳатда бўлган, океан пароҳотида Тинч ва Ҳинд океанларини сузиб ўтган. Бу ҳаммаси унинг асарларида, жумладан, «Дунё болалари» деб аталган воқеий ҳикояларида акс этган. Адабнинг «Саҳро тор», «Қорақалпоқ қиссаси», «Буҳоронинг жин кўчалари» деб аталган қиссаларида гарчи халқаро мавзулар йўқдек туюлса ҳам, лекин уларни дунё кўрган, одамзод нималигини яхши тасаввур этадиган, ўз ватани, ўз халқига бўлган меҳрини ифодалаётган пайтда бутун дунёни кўз олдига келтириб ижод қиладиган ёзувчи яратганини сезиб тураемиз.

Асқад ака олтмиш ёшга кираётган кунда биз унинг дунёга келиб ортдирган улкан ижодий бойлигига ва адабиётимиз хазинасига қўшган ажойиб ҳиссасига чин дилдан таҳсин айтаемиз. Асқад Мухторнинг бундан кейинги ўн йилликларда забт этадиган ижодий чўққилари янада юксак бўлишига ишониб, унга узоқ умр тилаймиз.

Асқад Мухторнинг поэзияси қувончли ҳодисадир. Унинг илк поэмасидаёқ ўзбек адабиёти учун янги бўлган индустриал мавзу кўтарилди, биринчи марта мартен оловида тобланган ўзбек йигитининг образи ярағилди. Бу шубҳасиз катта талант эгаси, бу шоирнинг келажакига янада катта умид бағишлайди.

Николай ТИХОПОВ.

Мирмуҳсин

Қирқ йиллик дўст ҳақида сўз

БАЛАНДПАРВОЗ гумбур гапларга ружу қилаётганим йўқ, тутилмаган иборалар ҳам қидираётганим йўқ. Чунки мен қирқ йиллик қаламкаш дўстим, аслида ундан ҳам кўпроқ вақтдан бери ошнам, қадрдоним Асқад ҳақида сўз айтмоқчиман. Шеър тугул, биз танчанинг чегида ўтириб пьеса ҳам ёзганмиз. Йигирма ёшимизда бизнинг шеърларимиз матбуотда потиллаб чиқиб турарди. 1941 йил, 22 июнь куни ҳам «Қизил Ўзбекистон»да иккимиз бирга имзо чеккан «Қонга қон, жонга жон!» шеъримиз ҳаммадан илгари чиқди. 1939 йили Каттақўрғон сув омбори қурилишида газета чиқардик. Биз, ҳозирги беш-олти Олтмишвойлар ўша вақтда ҳам қадрдон дўст эдик. Уттинчи йиллар ўрталаридаги романтик Асқад билан мен бир лирик ўтиришда, саломатлик бўлиб, ўлмасак, кексайганда ҳам ижодий ҳамкору дўст бўлишни орзу қилган эдик. Демак, ўша орзуга етаялмиз. Қанча асарлар ёзилди, қанча ишлар бўлди, қанча елиб-югуришлар, қанча терлашу асаб, қанча завқу хурсандчилик... Мана, «Соқол оқи ўлимга пешродир, тириклик хилқати узра қировдир...» бўлди. Менинг кўз олдимда ҳозир ярқираб турган энг катта бир бахт шуки, биз қирқ йилдан кейин бир-биримизни кучиб, табриклаб, яхши сўзлар айтаялмиз. Бу, ҳазилакам гап эмас! Бу кунга етолмаганлар ҳам бор. Бу, Навоий ёшида бизнинг қўлимизда ҳасса йўқ, соқолимиз ҳам тўрва бўлгани йўқ. Жинси шим кийиб юрсамиз ҳам бўлаберилади. Шу кунга етганимиз учун, Ҳамлет тили билан айтганда, бутун мавжудотга таъзим ва ташаккур!

Энди асосий гапга ўтаман. Қадрдоним Асқад аввало яхши шоир; яқинда таниш-

ган шунчаки ўртоқ эмас, қадрдоним деса м арзийди. Уйнинг янғиси, дўстнинг эскиси яхши. Асқад урушдан илгари кўп шеърлари билан бирга «Бизнинг авлод» деган яхши дoston ёзган. Камина ҳам «Қамар» достонини ёзди. Кейин камина «Уста Фиёс»ни, Асқад «Пўлат қувовчи» — ишчилар ҳақидаги машҳур достонини, у яна «Катта йўлда», «Мангуликка дахлдор», камина «Қадрдонлар» ва «Широқ»... Орадан бир неча йил ўтгач, Асқадвой бирдан ўртага «Опа-сингиллар» романини гурс этиб кўйди. У, Олой тоғини кўтариб келиб стол устига қўйгандек бўлди. Бизлар қойил қолдик. Маладес, Асқадчик! Қандинги ур деб, ўша вақтда ҳам камина «Шарқ юлдузи»да бош муҳаррир эди. «Опа-сингиллар»ни олти сонда босдик. Адабиётимиздаги улкан романлар: «Қутлуғ қон», «Бўрсндан кучли», «Ўтган кунлар», «Навоий», «Ғолиблар», «Ўқитувчи», «Машъал» даврасида яна бир катта роман.

Дўстим йўлга тушганда шатиллаганча кетади, лалайиб, қараб турадиганлардан эмас. Унинг феъли бошқачароқ, нос чекиб, иш бўлса бўлар дейдиганлардан эмас. Бекордан худо безор! Бир куни мен унга: «Асқадвой, жуда отни қамчилаб қолдингиз, насрга шўнғиб кетдингиз, бу гўзал поэзияга бевафолик-ку?»,— дедим. Азизим кулиб, биз поэзияга хиёнат қилмаймиз, поэзия бизнинг бағримизда. Лекин наср ҳозир нондек керак, деди. Мен уни тушундим, у халққа катта эпик асарлар беришни, шу билан бирга адабиётимиз мавқеини катта насрий асарлар кўрсатишини айтди. Асқадни қўйдек ёввош деганлар янглишади, уни сиртдан сокин, ҳаммага хўп дея берадиган, «хўп-хўпнома»,



А Мухтор шеърят мухлислари даврасида

туртиб кетсангиз ҳам индамайдиган деб ўйлайдиганлар хато қилади! Унинг юрагида катта тошқинлар, денгизий тўлқинлар шалоп-шалоп уриб турибди. «Халққа манзур асарлар яратолмайдиган баъзи шоир-поирлар керилиши узоққа боролмайди!»— деган гапни у қатъият билан айтади. У шеър чалғисини селпиб, ёввойи ўтларни уриб ташлашга ҳам қодир. Муаллифидан

олдин қазо қиладиган ашъорлар ҳам кэм эмас. Унинг йўлбарсона ҳамласи ҳам бор. Асқад шунақа. Аммо у ҳам фаришта эмас, баъзан дўстини ёмон танқидчи таҳқирлаганда томошабин бўлиб турэди ёки озгина писмиқлик ҳам қиладди. Об-бо Асқадвой-е, деб қўямиз. Менимчэ, бизнинг пешонадаги ажинлар қариш, чарчашдан эмас, мана шунақа ишлардан. Асқаднинг ўзи ҳам 60 га етгунча кўп нарсани кўриб қўйди. Горькийдек ҳаёт машаққатларини анча-мунча чекди десам хато бўлмас. Ҳаёт машаққатларини чекмай катта ва ўлмас асарлар яратиш қийин. Баъзан у, орамиздаги тўртта шеър ёзиб, ўзини-ўзи катта шоирман, деб юрган кимсаларни кўриб ачинади. Адабиёт деҳқони бўлиш кераклигини ўз ижоди билан исботлаб берапти. Бу катта бахт.

Асқад жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиган, ўрганган, яхши биладиган, мен мулламан деганлардан муллороқ адиб. Унинг айби фақат диссертация ёзмагани. Дунёда энг инсонпарвар, прогрессив рус адабиёти шуъласи бизнинг ўзбек адабиётимиз ўсиб, равнақ топишида қуёш янглиғдир. Бу нур Олтмишвойлар ва Элликойлар ичида энг аввал Асқартоғнинг Асқад деган чўққисига тушади. Улуғ адабиётларнинг илғор аъёнларини олиб киришда, азизим, асал аридек бол ташийдди. Бу жуда яхши. Бу халққа керак. У бошқа қаламкашни такрорламайди, унинг ўхшатиш муқоясалари ўзига хос. Ўзбек адабиётимиз ўзининг Асқади билан ҳам фахр этади. У ўз шон-шухрати, обрўю донғи учун яшамайди, унинг қалби халқ дарди билан уради, у халққа керак, унинг бор-йўғи Ватанимиздаги халқларимизга, айна вақтда ўзбек халқига бағишланган.

Ардоқли қаламкаш у!

Вера Смирнова

ЗАМОНДОШЛАРИ ВАСФИ

А СҚАД Мухтор билан юртошмиз, у менинг болалигим ва ёшлигим кечган Фарғона шаҳрида туғилган. Мен учун у билан бир осмон остида яшаб, бир кўчадан юриб, бир дарахт остида сояланганимизни ўйлаш ҳар лаҳза қувонч бахш этади... Шундай бўлса-да, биз илк дафъа Фарғонада эмас, балки Москвада, аниқроғи адабиётда учрашдик. Ушанда унинг «Опа-сингиллар» романини муҳокама қилгандик. Муаллифнинг асардаги бош ниятини англаб, роман қаҳрамонлари билан

«тил» топишимизда менга шу ўлка, унинг одамлари, урф-одати ҳақидаги тасаввурларим қўл келганди.

Асқад Мухтор ўзининг тенгқурлари сингари ижоддаги дастлабки қадамларини шеърдан бошлади: унинг бир неча шеърий китоблари нашр этилди. Шеърят унинг наср соҳасига ўтишига алоҳида мактаб вазифасини ўтади. Бу мактабнинг чуқур моҳиятини ижодкор асарлари шундоққина англатиб туради. Унинг қисса ва

Унинг сиймосида Совет Иттифоқининг яна бир талантли, истиқболи порлоқ яна бир адибини кўраман.

Асқад Мухторнинг романлари бутун совет адабиёти хазинасини бойитди. «Опа-сингиллар» — совет прозасининг юксак бадиий асарларидандир. У ўзбек адабиётининг юксалини бошқичини кўрсатиб турибди.

Иван ЛЕ.

романларида шеърый жарангни ҳис этиш қийин эмас.

Бизнинг ўзбек дўстимиз ўзига хос ёзувчилик «майдони»ни ярата олган сермаҳсул ижодкор. Унинг «Опа-сингиллар», «Тўғилиш», «Қорақалпоқ қиссаси», «Давр менинг тақдиримда» сингари асарлари китобхонларга яхши таниш. Сал олдинроқ «Дружба народов» журнали саҳифаларида янги асари — «ривоятлар, ҳикоятлар ва қиссалар»дан иборат романи — «Чинор» эълон қилинди. Бу роман ўткир замонавий мазмунли, янги шаклдаги оригинал асар.

Асқад ўз замонаси ҳақида, ўз мамлақати тўғрисида, ўз халқининг тақдири борасида ёзади. Унинг асарларида мен қадрдон ўзбек юртининг қандай ривожланиб ўзгараётганини, одамларнинг нималар ҳақида ўйлаб интилаётганини ҳамда турмуш шароитини бор бўйи билан кўриб тураман. Фарғонанинг ўтмиш кунларига оз бўлса-да шерик бўлган менга, бу ўлканинг бугунги яшнаётган қиёфасини бадиий гавдалантириб берган фарғоналик коммунист ёзувчи Асқад Мухторнинг асарлари жуда азиз.

Унинг бир китоби ҳақида қачондир ёзгандим.

«...Инсон бахт тўғрисида ўйлайди. У болалигиданоқ Октябрь инқилобидан сўнг турилган авлод бахтиёр деган тушунчага келган. Босмачилар билан жанг қилиб ҳалок бўлган отаси билан фахрланади. У ўзини етим деб ўйламайди, чунки, бутун мамлакат унинг бошини силайди. Унинг қаршисида ҳамма йўллар очиқлигига ишончи комил. У мактабда ўқиди ва у ерда «Бахтли болалик» деган мавзуда иншо ёзди. У ҳатто ёшлигида озгина такаббур ҳам эди. Шунда ўзидан ёши сал каттароқ бирови уни бахтнинг нима эканлигини ажрата билмаслигига ишонтирмоқчи бўлганида мағрурона жавоб берганди: «Бизнинг аср...» «Сен ҳали ўз асринг билан юзма-юз келганинча йўқ, дўмбоқ!» — дейишди ўшанда. Лекин бу ҳақда у фақат анча йиллар ўтгандан сўнг эслайди... Ҳозирча у мактабни тугатди, ҳамма илм даргоҳлари уни кутади. Нима қилишини ўзи танлаши керак. Унинг ёш республикасига ҳар хил касб эгалари зарур».

Асқад Мухторнинг янги «Давр менинг тақдиримда» асари шулар ҳақида ҳикоя қилади. «Бу мемуар эмас, — деб ёзади

ёзувчи асар бошида берилган кичкина лирик кириш парчада. — Бу ўйчан бир қисса. Баъзан батафсил, баъзан яқкам-дуккам ҳатлаб ўтувчи, узук-юлуқ бўлса, ҳамки, ишқилиб қисса».

Уч фасл — уч дафтар дostonи. Қаҳрамоннинг балоғат йиллари, уруш, асирлик. Урушдан кейинги чўлларни ўзлаштириш даври. Бизнинг кунларимиздаги Совет Иттифоқининг дўстона ёрдами туфайли хорижий давлатларидан бирида қурилган заводдаги иш фаолияти. Асқад Мухторнинг қаҳрамони ёзувчининг ўзига ҳам тенг бўлган ёш ўзбек йигит. Шу боис ҳам ёзувчи тўла ишонч билан ўз асарини «аср фарзандининг иқдорномаси» деб атаган.

Асқад Мухторнинг китобини ўқиб мамлакатимиз одамларининг ўзгариш хусусиятлари ҳақида ўйладим. Техниканинг ниҳоятда ўсганлиги, фаннинг дадил одиллари, замин ва осмон сирларини «кашф» этиш борасидаги изланишлар тўғрисида кўп гапирилади-ю, инсон характерининг янгиланиши ҳақида баъзан эсдан чиқарилади.

Очиғи, биз эслаш ва қиёслашни унчалик билмаймиз. Балки, мамлакатимизнинг бурчак-бурчагигача ёйилиб кетган кенг миқёсдаги ўзгариш бунга боисдир.

Мен дostonнинг Улуғ Ватан уруши йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи «биринчи дафтар»ини ўқиганимда беихтиёр 1916 йилнинг баҳори ва ёзи хотиримга келиб, ўзбек халқининг биринчи жаҳон урушининг учинчи йили бўлган ўша даврда Туркистон бўйлаб «ерли халқлардан мардикорлик ишларига сафарбарлик» қилишга эълон тарқалган пайтдаги ҳаёти билан бу уруш давридаги ҳолатини қиёсладим.

Асқад Мухтор ва унинг қаҳрамони у пайтда ҳатто туғилмаган ҳам эди. Лекин унинг юрти Фарғонада бу воқеа халқнинг қаҳр-ғазабини тўлқинлантириб, машҳур 1916 йилги кўзғолоннинг кўтарилишига олиб келганди.

Ўша пайтда эски Марғилонда ишлаган отамнинг ҳикояси хотирамда. Шаҳарнинг марказий майдониде одамларнинг оқимини ёриб юришга имкон бўлмаган. Қачонки мардикорликка юбориладиганларнинг номлари эълон қилинган, Марғилонда уч кечаю-уч кундуз хотин-қизларнинг йиғисини тинмаган. Мулларар мусулмонларни русларга қарши муқаддас уруш — «газовоти» қаҳирманлар. Кейин хоризм генераллари

Асқад Мухтор романлари ўзбек халқининг шонли тарихий йўли, бугунги кун ва улуғ тақдири ҳақида. Бу асарларнинг ҳаётий ҳақиқати юксик гуманистик гоялар билан йўрилган стратегик тарихийликдадир.

Вадим КОЖЕВНИКОВ.

Бешлик жазо отряди келиб, минглаб ўзбек, тожик, қozoқларни ҳеч қандай ҳарбий кийим ёки қуроли бермасдан, эгнидаги яланғат яктаклари билан қўлига кетмонини тутқазиб поездга зўрлаб чиқариб ғарбга ҳамда шимолга жўнатганлар.

Мана йигирма беш йил ўтиб ўзбек ёшлари, комсомоллари, студентлари фашистларга қарши курашга ўз ихтиёри билан жўнадилар. Ҳарбий ўқув юртларига бордилар. Асқад Мухторнинг қаҳрамонлари Аҳмаджон ва Мадали Қосимов сингари мамлакатимиз халқлари билан ёнма-ён, елкама-елка туриб, энг муҳими ишонч ва эътиқод билан жанг қилдилар. Асқад Мухторнинг қаҳрамонлари биқиқлик, тор дунё қарашдан холи, улар сэмимий қардошлик, мустаҳкам иттифоқлик хусусиятларини ўзида мужассам этган, жонажон ватан ҳимояси йўлида фидо бўлишга тайёр кишилардир.

Асқад Мухторнинг «ҳарбий дафтари» ҳар жиҳати билан ҳам кейинги йилларда яратилаётган ҳарбий наср намуналарига ҳамоҳанг. Анъанавий кўтаринкилик, тилдаги ранг-баранглик асарнинг илк саҳифала-

ридан бошланган қаҳрамоннинг бахт, муҳаббат тўғрисидаги содда мулоҳазалари, қиз қиёфасини ҳаяжон билан тасвир этишлари, «бахтли болалик»даги бутун ўзлиги китобнинг иккинчи қисмида табиийлик қатъийлик, вазминлик билан алмашади. Тўғри, муаллиф ўзи таъкидлаганидек, узуклик, яккам-дуккамлик ҳоллари сезилса-да, роман қаҳрамони уруш, жанг ва йўқотишлар тўғрисида асирлик давридаги фашистлар билан юзма-юз учрашувлари, жанггоҳда ўз руҳиятида содир бўлган ҳар хил кайфиятлар, солдатлар, ҳатто ўлим оғзида турганида ҳам ўзининг қалб ҳароратини аямаган оддий рус кишиларининг меҳрибонликлари ҳақида тўғри ва ҳаққоний ҳикоя қилади.

Асқад Мухтор қаҳрамонининг одамларга ишончи оғир жароҳатланиб немис лагерига тушганида ҳам сўнмайди. Бу ерда у қийин мактабни ўтайдики, ундаги мардлик ҳислати эркинликка чиқиш учун қилган ҳаракатларида, бўйинсунмаганида яна бир намоён бўлади. Лагерда иш юритган яширин ташкилотнинг кўтарилиши Аҳмаджоннинг у ердан қочиб, парти-



А. Мухтор дўстлари О. Еқубов, Саид Аҳмад, ва Шукруллолар билан бир олдий суҳбатда.

«Опа-сингиллар» ажойиб, нодир асар.

Мухтор АВЕЗОВ.

Мен Асқад Мухторнинг «Қуёш парчаси» деб жуда шоирона аталган тўпламини мароқ билан ўқидим. Бу чиндан ҳам сахий ўзбек қуёшининг бир парчасидир.

Сергей СМЕРНОВ.

занларга қўшилишига имкон туғдиради. Сўнгра биз уни ғалаба кунлари госпиталда учратамиз.

Уруш суронлари тингач, жимликда ором олиш мумкин, ҳолбуки «жимлик ҳар бир киши билан ўз она тилида гаплашади», — қаҳрамонини ишонтиради муаллиф. «Демак бу ерда жимлик мен билан ўзбекча сўзлашади». Бундай эътироф кучли таъсир этиб, қаршимизда турган кишининг на фақат совет офицери, фашист жаннатидан воз кечган, партизан, бошидан қаттиқ шикастланган инсонлиги, балки, жуда ёш ўзбек йигити эканлиги ҳам эсга келади.

Лекин бу «ўзбекча сўзлашув» жимлигини тўсатдан Аҳмаджонни ҳушёр бўлишига зарурият туғдирган бегона овоз бўлади. У билан палатада америкалик офицер, капитан Макуэлл бор эди. Аҳмаджоннинг ғарблик одам билан биринчи учрашуви: қайсики сал фурсат олдин фашизмга қарши бирга курашган иттифоқчиси, ўзига ишонган ва бино қўйган, ўзини бепарво, марҳаматли қилиб кўрсатувчи ҳарбий кийимдаги бизнесмен, аввалига Аҳмаджонда қизиқиш уйғотади-ю, сўнгра ҳафсаласини пир қилади. Икки ўртада баҳс бошланади. Оддий баҳс эмас, совуқ уруш ҳақида.

...Ўзбек ёзувчисининг «замондошимиз тарихини» ҳикоя қилувчи бу асарига айрим далилланмаган ўринлардан қатъий

назар қимматли ва азиз нимадир борки, шу боис мен уни ўзбек адабиётида сезиларли ҳодиса деб ҳисоблайман.

...Аҳмаджоннинг «тақдири ва ўйлари» борган сари бизда қизиқиш уйғотади ва бу нарса ёзувчи учун ҳаммасидан муҳим бўлганлигини англаймиз.

Қачондир Макуэлл билан бошланган баҳс энди қурилаётган завод атрофидаги ҳунармандчилик корхоналарининг хўжайини мистер Стенли билан давом этади. Аҳмад гарчи совет инженери бўлса ҳам Стенли у билан баҳслашишни ўзига эп кўрмайди, ҳатто бир стол атрофида ўтиришга ор қилади. Муаллиф буни нозик илғай олган.

Ёзувчи китобни бахт тўғрисидаги сўзлар билан хотималайди. Қаҳрамон ўзининг «бахтли онлар»ни топади:

«...улар умримдаги энг оғир дамлар экан, чунки улардан ўкинчсиз бир қанотим бор. Бундай дамлар эса оз эмас эди... Бу йўлда биз албатта кўп кучдан қолдик, аммо бир ҳис билан юрагимиз таскин топади: йўқолган кучимизнинг нимага сарфланганини биламиз».

Асқад Мухторнинг романи эркин, ҳаққоний, ўз қаҳрамонига комил ишонч руҳи билан ёзилган. Шунинг учун биз ҳам унга ишонамиз.

1967 йил.

Шукур Бурҳонов,

СССР Халқ артисти.

АДИБНИНГ ИҚБОЛИ

Ш У КУНЛАРДА 60 ёшлик тўйи кенг нишонланаётган Асқад Мухтор адабиётимизнинг бугунги забардаст вакиллари билан бири ҳисобланади. У кўп йиллардан бери ҳам шоир, ҳам насрнавис, ҳам драматург сифатида баракали ижод қилиб келмоқда. Бир муҳлис сифатида мен Асқад Мухторнинг ўзбек шеърятига катта

воқеа бўлган «99 миниатюра», «Қуёш беланчаги», «Сизга айтар сўзим» каби шеъррий тўпламларини қайта-қайта ўқиганимни мамнуният билан қайд этаман. Адибнинг Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган «Чинор» романи ҳамда «Опа-сингиллар», «Туғилиш» каби йирик асарларини, қисса ва ҳикояларини

«Чинор»да менинг халқим тақдири ҳам бор. Ўқиб ҳавас қилдим.

Берди ҚЕРБОБОЕВ.

Бу чуқур мулоҳазали файласуф адиб кўп китобхонларнинг қалбини забт этди.

УЙҒУН.

ҳам ўқиб катта завқ олганман. Уларда тасвирланган замондошларимизнинг ёрқин сиймолари — фаолият кишилари образлари яхши таассурот қолдиради. Айниқса, «Чинор»даги Очил бува образи ўзининг нурунийлиги ва теран ўйлари, салобати, донишмандлиги билан менга ёқади.

Асқад Мухтор қаламига мансуб «Самандар» драмасининг академик театримиз сахнасида кўйилгани ва томошабинларга манзур бўлгани ҳам маданий ҳаётимизни бойитувчи ҳодисалар жумласига киради.

Асқад Мухтор истеъдодли, моҳир таржимон сифатида ҳам таҳсинга сазовор хизматлар қилган. Унинг Пушкин, Лермонтов, Маяковский, Блок каби улуғ шоирлар ижодидан қилган таржималарининг ўзи бир олам. Уларни батафсил санайдиган ва таҳлил этадиган бўлсак, катта бир асар ҳосил бўладики, бу хайрли ишни таржимашунос олимларимиз бажаргани маъқул. Мен бу кўпдан-кўп таржималар орасидан фақатгина биттаси ҳақида алоҳида гапиришни истар эдим. Бу — қадимги грек

драматурги Софоклнинг дунёга машҳур «Шоҳ Эдип» асарининг таржимасидир. Мен, сеvimли театримизда кўйилган бу ажойиб сахна асарида Эдип образини яратганимдан ўзимни бахтиёр санайман. Бу образ ҳақида яхши гаплар айтилди. Бугунги кунда мазкур асар халққа манзур бўлиб, мухлислар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланган экан, ҳеч шубҳасиз, бу асарни ўзбек тилида маҳорат билан жаранглата олган Асқад Мухторнинг катта хизмати самарасидир. Асар шундай яхши таржима қилинганки, уни ҳамма — ёш ҳам, кекса ҳам бирдек тушунади, энг нозик нуқталаригача англаб етади ва ҳаяжон билан қабул қилади. Адибнинг заҳматли меҳнати туфайли драма тексти оригиналдаги юксак пафос ва теран ғоявий мазмунни ўзида тўла мужассамлаштира олган.

Sevimли адибимизни муборак олтмиш ёши билан қутлаш баробарида ундан янги-янги асарлар, жумладан бақувват сахна асарлари яратиб беришини орзу қиламиз.

Л. Теракопян

Одамийлик мадҳияси

ЁЗУВЧИНИНГ кенг кўламли эпик романга қизиқиши маълум қонуниятга асосланади. Бу ерда тасвир этилаётган воқеликни ёйиқ ҳолда кўрсатиш ҳамда даврни ҳаракатга келтирувчи асосий кучларни вужудга келтирган шарт-шароитни тўлалигича акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Шу нарса аниқки, яъни ёзувчи ўзининг кўнглида туғилган ғоя, фикрларини замонавий мавзу орқали ифодаламоқчи бўлганида бу вазифа янада алоҳида масъулиятни талаб этади. Бунда ижодкор қанчалик чуқур ўйлаб, маҳоратини ишга солса, шунчалик унинг ижодий изланишлари рўёбга чиқади.

Асқад Мухтор янги романида бугунги кун манзараларини ўтмиш билан ўзаро мустаҳкам алоқадорликда, яъни ўзбек хал-

қининг узоқ тарихининг ажралмас ҳалқаси сифатида гавдалантиради. «Чинор»да бугунги кун воқеалари, олдин бўлиб ўтган воқеалар, ҳатто ўтмишда яратилган теран ривоятлар билан алмашилиб келади. Бундай алмашиш натижасида асар ғояси бадиий жиҳатдан чуқур ва ҳаққоний ифодасини топган.

Романда минг йиллик чинор образи халқнинг мардлиги ва собитлиги ҳамда унинг улуғ руҳияти, мустаҳкам иродаси тимсоли сифатида қад кўтариб туради. Бундан ҳозирги асримизнинг мерос эканлиги, у ўтмишнинг илғор ва муҳим аъёнларини давом эттириши англанади.

Узига хос шаклдаги бу китоб («ривоятлар, ҳикоятлар ва қиссалар») Асқад Мухтордан ҳар хил хронологик лавҳаларни эр-

«Опа-сингиллар»ни ҳинд тилида ўқиб ғоят ҳаяжонландим. Узимни янги ҳаёт қураётган кишиларнинг орасида яшаётгандай ҳис этдим.

Саджад ЗОҲИР.

кин ҳикоя қилишни, символик образлар орқали фикрлашни, ўткир реалистик манзаралар чизишни, ижтимоий қатламларнинг биридан иккинчисига ўтиб туришни тақозо этган ва бу масалалар ўзаро ички мантӣқий боғлиқликда берилган. Катта бир сулоланинг кексаси, кўп нарсаларни кўрган донишманд Очил бува ҳамда унинг ўғли, қизи, неваралари ҳаётида кечган қувонч ва ташвишларга гувоҳ бўламиз. Шарқ адабиётлари учун анъанавий саёҳат фабула усули ёзувчи томонидан бугунги воқеликни идрок қилиш воситаси тарзида қўлланилиб, унинг янги фазилатлари намоён этилган.

«Чинор»да ҳаёт ҳар хил кузатиш нуқтаи назардан, турли вазиятлар асосида тасвирланади. Бу эса муаллифга ҳодисаларни ўзаро алоқадорликда, фалсафий боғлиқликда бутун кўриниши билан очиб беришга имкон туғдирган. Роман давомида ёзувчи муҳим иқтисодий, хўжалик, ахлоқий масалалар ҳақида фикр юритиб, уларни бадий тадқиқ қилишга интилган. Унинг қаҳрамонлари раҳбарликнинг партиявий услуби, Орол денгизининг тақдири, тоғли қишлоқлар аҳолисини оммавий равишда текисликка кўчириш ҳақида баҳсга киришади, расмиятчилик, урра-уррачиликни зийраклик билан танқид қилади. Занжирдек узвий кўринса-да, ўз проблемаси, ўз драматик тугуни, ўз қаҳрамонларига эга ҳар қайси мустақил «ривоятлар, ҳикоятлар ва қиссалар»нинг романда бир бутун бадий мақсадни очишга бўйсундирилиши Асқад Мухторнинг катта санъаткорлик маҳоратини кўрсатади. Унинг алоҳида-алоҳида қисмларини асардаги ахлоқий проблема ўзаро бириктириб туради.

Романда техника тараққиёти, фаннинг мислсиз имкониятлари бошқа қатор ўзгаришлар тўғрисидаги мулоҳазалар, ахлоқий юксалиш, бахт ҳақидаги ўйлар билан мутасил боғлиқликда ёритилган. Муаллиф ўз қаҳрамонларининг феъл-атворини коммунистик ахлоқ, гуманизм идеаллари талаби бўйича синовдан ўтказди. Унинг учун Матхаримовнинг бемаъни шубҳалари ва Марьямнинг «ишбилармонлиги» ҳамда профессор Шуманнинг оқибат натижадаги асоссиз назарий изланишлари ҳазм қилиб

бўлмайдиган ҳоллардир. Бу қаҳрамонларнинг юксак маънавий мақсад билан йўрилмаган жонкуярликлари амалда яратувчи эмас, балки бузувчи бўлиб чиқади. У кишиларнинг хурсандчилигини барбод қилади, улардаги ижодий ибтидони ўлдиреди.

Адабиётимизнинг ўзига хос инсонпарварлик принципи бор. Ёзувчилар алоҳида шахсларнинг руҳий оламини изчиллик билан очиш орқали мураккаб инсоний тақдирларни тасвирлайдилар. Асқад Мухтор сийқаси чиққан тушунча ва шошилини ҳукмлардан кўра, кўпроқ ўз қаҳрамонларининг феълу атворида содир бўлган хати-ҳаракатларни таҳлил этиш ҳақида чуқур ўйлайди. Инсонга ишонч мотиви катта куч билан жаранглайди, унга бўлган юксак ғамхўрлик муносабати ифода этилган саҳифалар менинг назаримда китобнинг асосини ташкил этади.

Ёзувчи халқнинг азалий донишмандлигини, социалистик ҳаёт тажрибасининг ортиб бораётганини, меҳнатсеварлиқни, туғилган заминга садоқатни, бугунги кунда амалга оширилаётган ишларнинг гуманистик пафосини, ахлоқнинг туганмас хусусиятларини очиб берган. Бу хусусиятларни у Очил бува, Ориф Очилов, Умида, Комила, Йўлдош ва бошқаларнинг характерлари ёки уларнинг ўй ҳамда мулоҳазалари орқали кўрсатади.

«Чинор» романи шубҳасиз, ёзувчининг энг яхши асарларидан биридир. Шу билан бирга китобда айрим ойдинлаштирилиши лозим бўлган саҳифалар ҳам йўқ эмас. Баъзан ғояларнинг бадий такомилини кўрсатиш ўрнига очиқ насихатгўйлик қилинади. Райком секретари Ориф билан Марям ўртасида содир бўлган конфликт батафсил давом этмай тезлашиб кетган ва охирида тинчгина хотималанган. Очил буванинг сафарига унга йўлдош бўлган ёш капиталист Азимжоннинг руҳий олами хира тасвирланган.

Лекин асосий гап Асқад Мухторнинг замонамиз ҳақида ўзига хос, ёрқин китоб яратганида ва буни алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ўзбек насрида реалистик принципларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан гувоҳлик бериб турибди.



ТАНҚИДЧИНИНГ ТОЛЕИ

САЙДУЛЛА МИРЗАЕВ 50 ЁШДА

Бугунги кундаги адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг ривожига ҳақида гап боргудек бўлса, албатта филология фанлари доктори профессор Сайдулла Мирзаевнинг номи ҳам тилга олинади.

Сайдулла Мирзаев сермахсул адабиётшунос ва адабий танқидчи. Унинг ўзбек совет адабиётининг умумий масалаларига ҳамда конкрет бадий асарлар таҳлилига бағишланган мақолалари эллингинчи йилларнинг бошидан вақтли матбуот саҳифаларида кўрина бошлайди. Утган давр ичида тадқиқотчининг уч юздан ортиқ мақола ва тақризлари эълон қилинди. Уларда ўзбек совет адабиётида пайдо бўлган кўпгина янги асарлар ўзининг объектив баҳосини олди.

Проблематик характердаги бу мақолаларда ўзбек совет адабиётининг ютуқлари ва унинг турли долзарб проблемалари совет адабиётининг умумий масалалари билан боғлаб тадқиқ қилинган.

Ёш адабий танқидчи ранг-баранг мавзуларда турли характердаги мақола ва тақризлар ёзиб маълум тажриба ва малака ҳосил қилгач, 60-йиллардан бошлаб бадий адабиётнинг муҳим масалаларини чуқур илмий йўналишда таҳлил этувчи катта ҳажмли асарлар яратишга киришади. Утган давр ичида адабиётшунос олим «Ўзбек совет поэзиясида В. И. Ленин образи» (1960), «Сўз санъати» (1962), «Ойдин» (1965), «Адабиёт ва санъатда ленинча партиявийлик принциплари» (1966), «Ўзбек совет адабиёти» (1969), «Асарлар поэзиясида Самарқанд» (1969), «Ленин ва адабиёт» (1970), «Адабий дўстлигимиз саҳифалари» (1975), «Халқ севган адиб» (1977), «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1978), «Комил Яшин ва ўзбек совет адабиёти» (1979), «Ғоявийлик — байроғимиз» (1980) сингари қатор монография, рисола ва дарсликлар яратди. Бу илмий асарларнинг аксариятига хос асосий хусусият шундаки, уларда кўпроқ адабиётнинг халқчиллиги ва партиявийлиги, анъана ва новаторлик, замонавийлик ва тарихийлик, ижобий қаҳрамон ва бадий маҳорат, адабий ҳамкорлик ва ўзаро таъсир масалалари муаллифнинг диққат марказида туради ҳамда бевосита



ўзбек совет адабиёти материаллари асосида атрофлича тадқиқ этилади.

Масалан, «Сўз санъати» (Худойберди Дониёров билан ҳамкорликда ёзилган) номли йирик монография «Ленин, партия ва адабиёт», «Ҳаёт ва бадий маҳорат», «Тил ва бадий маҳорат», «Фольклор ва ёзма адабиёт», «Ёзувчи ва ҳаёт» номли беш қисмдан иборат бўлиб, уларда адабиётнинг шакл ва мазмун, хусусан бадий маҳорат ва бадий тил проблемалари билан боғлиқ бўлган қатор масалалари илмий асосда баён этилган.

Адабиётшунос олим Сайдулла Мирзаев олий ўқув юртлири учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга катта ҳисса қўшмоқда ва бу соҳада ҳам системали равишда иш олиб бормоқда. Унинг «Ўзбек совет адабиёти» номли китоби университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун мўлжалланган дарсликдир. Китобда ўзбек совет адабиётининг тараққиёт босқичлари, ўзига хос асосий хусусиятлари, фазилятлари кўлга киритган улкан ютуқлари илмий

асосда умумлаштириб кўрсатилган. Дарҳақиқат, у илмий-тадқиқот характериға эға. Дарслиқда ўзбек совет адабиётининг ривожланиш йўналишлари социалистик жамиятимизнинг ва умумсовет адабиётининг юксалиш тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда асосланган. Бунда ижодий индивидуалликнинг ўзига хос хусусиятлари тўлалича назарға олинган ҳолда унинг моҳияти аниқ ва лўнда қилиб баён этилган.

Мазкур дарслиқда ўзбек совет адабиётининг шаклланиш ва юксалиш тарихи даврлар ва жанрлар бўйича кўрсатилиб, ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос асосий белгилари, етакчи жанрлари, мавзу доираси, ғоявий мазмуни, образлари, эстетик принциплари ва бадий хусусиятлари, фазилат ва нуқсонлари очиб берилди. Шу боисдан китоб ҳозирги кунда ҳам студентларни ўзбек совет адабиёти ҳақида керакли маълумотлар билан ошно этувчи асосий қўлланмалардан бири сифатида саналади. Бинобарин бу дарслиқнинг икки марта (1969, 1978 йил) нашр этилгани ва матбуотда бир неча бор ижодий баҳолангани бежиз эмас, албатта.

Сайдулла Мирзаевнинг «Ленин ва адабиёт» номли монографияси муаллиф ижодида салмоқли ўрин тутди. Кези келганда, аввало, шуни айтиш керакки, ЛЕНИН, ПАРТИЯ ВА АДАБИЁТ МАВЗУИ ОЛИМНИНГ ЭНГ СЕВГАН ТЕМАСИДИР. У ана шу долзарб, муҳим, кўпқиррали мавзуга қайта-қайта мурожаат қилади ва ҳар сәфар унинг янги бир томонини инкишоф этишға интилади. Муаллиф ҳозирғача мазкур мавзунинг ёритувчи «В. И. Лениннинг адабиёт ҳақидаги таълимоти ва ўзбек адабиёти», «В. И. Ленин адабиётнинг партиявийлиги ва ижод эркинлиги ҳақида», «Адабиёт ва санъатнинг ленинча принциплари», «Ленин социалистик жамият адабиёти ҳақида», «Ленинни жаҳон қўлламоқда», «Ўзбек совет адабиётида В. И. Ленин образи», «КПСС XXIII съезди ва адабиёт масалалари» каби кўплаб мақола ва турли ҳажмдаги учта китоб яратган (олимнинг докторлик диссертацияси ҳам ушбу мавзунинг тадқиқ этди). Ана шуларни назарға олиб ўзбек совет адабиётшунослигида Ленин, партия ва адабиёт масалаларининг ёритилишида Сайдулла Мирзаевнинг муҳим ҳиссаси бор дейиш мумкин. Чунончи, унинг «Ленин ва адабиёт» номли монографиясида В. И. Лениннинг адабиёт ҳақидаги материалистик таълимотининг асосий томонлари изчиллик билан баён этилган ҳамда шу илмий таълимот асосида ўзбек совет адабиётининг тараққиёт проблемалари тадқиқ этилган.

«Ленин ва адабиёт» номли китобнинг фазилатларидан яна бири шундаки, унда ўзбек совет адабиёти масалалари, содир бўлаётган янгиликлар рус адабиёти ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг миллий адабиётлари билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилган. Асарда ўзбек совет адабиётининг ривожини таъминловчи ҳаётбахш манбалар, етакчи омиллар асослаб берилган. Шу билан бирга китобда

кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб фактлардан, архив материалларидан унумли фойдаланилганки, буларнинг ҳаммаси монографиянинг қимматини оширган.

Сайдулла Мирзаев Ғайласуф олим Саид Шермухамедов билан ҳамкорликда яратган «Адабий дўстлигимиз саҳифалари» номли монографияда тенг ривожланган халқлар ва миллатларда адабий таъсир икки томонлама бўлиши фактлар асосида исботланиб, ўзбек ва туркман, ўзбек ва қозоқ, ўзбек ва тожик, ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари алоҳида-алоҳида сарлавҳалар остида анча кенг ёритилади. Мазкур монографияда рус ва ўзбек адабий алрқаларини тадқиқ қилишға, ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида рус адабиётининг ролини очиб беришға алоҳида эътибор берилган; ўзбек совет адабиётида В. И. Ленин образининг яратилиши ва бу борада эришилган муваффақиятлар таҳлил қилинган; Ғамид Олимжон, Комил Яшин, Уйғун, Шароф Рашидов ва Миртемир ижоди адабий-илмий портрет усулида баён этилади.

Мунаққиднинг «Ғоявийлик — байроғимиз» номли монографиясида бадий ижоднинг ғоявийлик ва маҳорат, анъана ва новаторлик, миллийлик ва интернационаллик сингарии муҳим назарий проблемалари анча чуқур ёритилган. Бинобарин, бу китоб муаллифнинг тадқиқот доираси кенгайиб, фикр юрийтиш тарзи, адабий жараёни ва бадий асарларни таҳлил этиш даражаси ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Чунончи, Сайдулла Мирзаев адабиётдаги миллийлик ва интернационалликни қисқа бўлса-да, ҳозирги кундаги миллий ҳамда интернационал хусусиятлар билан диалектик бирликда ривожланаётганлигини конкрет фактлар асосида кўрсатиб берган.

Юқорида қайд қилинганлардан кўринадики, Сайдулла Мирзаев китобларининг тадқиқ қилиш доираси кўламли, текшириш объекти хилма-хил. Унинг асарларини кўздан кечириш жараёнида адабиётшунослар олимнинг айрим иждоқорлар ҳақида яратган танқидий-биографик очерклари ҳам салмоқ кашф этишини сезиш мумкин. Ғамид Олимжон, Уйғун, Ойдин, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Миртемир, Сарвар Азимов ҳақида ҳар хил ҳажмда ёзилган бу сирадаги ишлари шу жумлага киради. Булар орасида Ойдин ҳақидаги илмий очерк алоҳида ажралиб туради. Унда ўзбек совет хотин-қизлари орасидан биринчи бўлиб етишти чиққан адиба Ойдин Собированинг ҳаёти ва ижоди ҳозирги куннинг юксак талаблари даражасида таҳлил этилган. Ойдин асарларининг ғоявий-тематик ва бадий хусусиятлари, адибанинг адабиётимизға, хусусан ўзбек реалистик ҳикоячилигининг шаклланиши ва тараққиёти этишиға қўшган қимматли ҳиссаси мисоллар билан исботланган.

«Эл севган адиб» рисоласида эса Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий олами, маҳорат сирлари танқидий-биографик очерк жанри талаблари асосида пухта таҳлил қилинган. Мунаққид ёзувчининг бадий

сўз сеҳргарлигига доир хусусиятларини «Сўз боши ўрнида», «Моҳир ҳикоянавис», «Қизқарли повесть ва романлар», «Энг қийин жанрдаги ютуқлар», «Хулоса ўрнида» номлари остида очиб беради.

Сайдулла Мирзаевнинг «Комил Яшин ва ўзбек совет адабиёти» номи рисоласи ҳам факт ва материалга бой. Унда Комил Яшин ижоди бир бутунликда олиниб, давр билан, республикамизнинг ижтимоий ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳолда текширилади. Рисолада Комил Яшиннинг ижодий эволюциясини очиб беришга, унинг поэзиядан бадиий адабиётнинг энг қийин жанри бўлган драматургияга ўтиш жараёнини кўрсатишга, бу ноёб талантни ўстирган илҳомбахш омиллар нималардан иборат эканлигини аниқлашга алоҳида эътибор берилган.

Маълумки, Комил Яшин бадиий адабиётнинг қарийб ҳамма жанрида ижод этган, шеърлар, публицистик мақолалар, илмий асарлар, киносценарийлар, роман ва драмалар яратган. Лекин у энг аввало йирик драматург сифатида машҳур ва элимизга манзур. Мазкур рисола китобхоннинг Комил Яшин ижоди ҳақидаги, хусусан унинг ижодида етакчи жанр бўлган драматургия тўғрисидаги тасаввурини бойитади. Унда Комил Яшин пьесалари тўғрисида бошқа адабиётшунослар томонидан аввал айтилган мулоҳазалар такрорланмайди, балки янги фикрлар баён этишга ҳаракат қилинади.

Шундай қилиб, Сайдулла Мирзаевнинг илмий асарлари адабиётимизнинг катта ва долзарб проблемаларини ёритишга бағишланганлиги, адабий жараён ва конкрет бадиий асарлар таҳлилининг пухталиги, янги оригинал фикрларга ва ҳар жиҳатдан асосланган илмий хулосаларга бойлиги билан характерланади. Бунинг устига, адабиётшуно олим ҳозиржавоб ва сермахсул адабиётшуносларимиздан бири сифатида асардан-асарга, китобдан-китобга ўсиб бормоқда. Бундай сифатга эга бўлиш эса ижодкорнинг бахти, ноёб фазилати дир.

Шуниси характерлики, Сайдулла Мирзаев илмий тадқиқот ишини доимо педагогик ва жамоат ишлари билан муваффақиятли равишда қўшиб олиб бораётир. Мана қарийб ўттиз йилдан буён Самарқанд дорилфунунида студент ва аспирантларга дарс бериб келмоқда. Шу даргоҳда у

аспирантликдан профессор даражасига етди.

Коммунист олим ўн беш йилдан бери эса университетнинг декани ва тожик филологияси факультетининг декани вазифасини бажариб келмоқда. Кейинги даврларда факультет ҳар жиҳатдан ўсиб, республикамизнинг юқори малакали кадрлар етиштирадиган илмий марказларидан бирига айланди. Бундай ўсишни таъминлашда, ҳеч шубҳасиз, факультет декани, профессор Сайдулла Мирзаевнинг ҳам хизмати катта бўлди.


Профессор Сайдулла Мирзаев илмий асарлар яратиш, адабиётимиз янгиликларини кенг халқ оммаси орасида пропаганда қилиш билан бирга, адабиётшуно кадрларни тарбиялаш соҳасида ҳам самарали ишлар қилмоқда. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида ўндан ортиқ ёш илмий ходим кандидатлик диссертациясини муваффақиятли суратда ҳимоя қилди.

Унинг жамоатчилик соҳасидаги ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. У Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи Самарқанд область бўлими бюросининг раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи проза советининг аъзоси, Самарқанд шаҳар партия комитетининг янги урф-одатларни ишлаб чиқиш ва турмушга жорий этиш доимий советида секция бошлиғи...

Иқтидорли ва сермахсул адабиётшуно олим Сайдулла Мирзаевнинг илм-фан ва етук адабиётшуно кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари партия ва ҳукумати-миз томонидан муносиб тақдирланди. Унга 1980 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак фахрий унвон берилди.

Камтар ва меҳнатсевар олим, принципал коммунист, адолатли ташкилотчи, яхши дўст ва софкўнгил инсон Сайдулла Мирзаев ҳозирги кунда эллик ёшга кирди, айнаи куч-қувватга тўлган, ўз соҳасида яхши малака ва бой тажриба ҳосил қилган паллага кўтарилди. Ундан ҳали яна кўп эзгу ишлар — янги-янги илмий асарлар, етук шогирдлар кутса бўлади. Ана шу хайрли ишларни бажаришда Сайдулла Мирзаевга улкан зафарлар, бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

**Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
Нуриддин ШУКУРОВ,
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.**



Норқул Ҳайитқулов

Мана дафтари

Икки машина изма-из юқорилаб кетди. Жабборов гоҳ ўннга, гоҳ сўлга қараб жим борарди. Норқобилов ундан гап кутарди. Ниҳоят, машина асфальт йўлдан чиқиб, ўннга бурилди. Катта темир дарвозанинг бир қаноти очиқ турарди. Норқобиловнинг шофери шоша-пиша югургилаб борди-да, дарвозанинг иккинчи қанотини ҳам очиб юборди. Дарвозадан қуйига, боғнинг ич-карисига томон йўл кетганди. Йўлга тош тўкиб текисланган, четига арча ниҳоллари ўтқазилганди.

— Асфальтни ёзда ётқизамиз,— деди Норқобилов Жабборовнинг сўроғини ҳам кутмай.— Тош ётқизишга улгурдик, холос.

— Яхши,— деди Жабборов ва ўзича Норқобиловга баҳо берди: «Бу одамда режа бор. Ҳамма иши планли. Шошмайди. Ҳатто чойга таклиф қилганда ҳам. Баҳона, боғни кўрсатиш. Қаранг...»

Норқобиловнинг касби агрономлик. Қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Бир неча йил шу «Октябрь» колхозида участка агрономи бўлиб ҳам ишлади. Сўнг уни райкомкомсомолга ишга олишди. Олдин бўлим мудир, сўнг секретарь, орадан бир ярим йил ўтгач, биринчи секретарь бўлди. Шу орада «Октябрь» колхозида икки раис ўзгарди. Учинчи бўлиб, Норқобилов келди.

Колхоз қолақ эди. Ички интизом бузилганди. Ишда тартиб йўқ эди. Биров ишларди, бошқа бир киши эса ялла қилиб, тўй-тўйлаб юрарди. Норқобилов келди-да, бир йилда ҳаммасини изга солиб юборди. Пахта ҳам, чорва ҳам фойда бера бошлади. Мана, у тўртинчи йил шу ерда. Аммо камчилиги ҳам йўқ эмас, бор. Аста-аста-да...

— Биринчи йили шу боғни барпо қилишга улгурдик,— деди Норқобилов машина кабинасини очаркан.— Марҳамат, Ҳаким Ҳайдарович. Хуш кепсиз. Боғ яхши нарса-да. Колхозни кўрки. Ҳар бригадadan одам тўплаб, боғ қиламиз, дедим. Хўп, дейишди. Кейин ҳар бригадага оздан жой кўрсатдим. Кўчатни санаб қўлига тутқаздим. Экасан, дедим. Кейин пенсионер бобойлардан учтасини чақириб, парвариши сизларнинг бўйнингизда, дедим. Меҳнат кунини ёзамиз, пенсияни ҳам ола-

верасиз, дедим. Бу йил алоҳида боғ бригадаси туздик. План ҳам бердик. Ҳов, қаранг, богни тўрига. Ортиқча новдаларни кесиб юришибди. Ёмғирда яхши-да. Новда нам. Синиб тушмайди. Ўзлари олти киши. Боғ бригадири олий маълумотли агроном.

— Оҳ-о, зўр-ку. Яхши қипсиз. Нега бошқа раисларга ҳам шундай қилинглар, демайсиз?

— Энди... Мақтанаяпти, дейишадими, Ҳаким Ҳайдарович.

— Одамлар бир ишни қилмай, атрофга жар солишади-ю, сиз бўлса... Боғ қилиб, индамай юрибсиз-а!

— Ҳе, йўғ-е, Ҳаким Ҳайдарович.

Улар машинадан тушиб, томи яқинда шиферланган, устунлари ҳали бўялмаган иморат томон юришди.

— Меҳмонхонами, бу?

— Йўқ, шийпон. Богбонлар учун.

— Шундайми?

— Шу ерда бирпас дам оламиз-да, Ҳаким Ҳайдарович. Ёмғир тинсин. Кейин қайтасиз. Хў, бобой, бормисиз?

Улар ичкари киришди. Норқобилонинг «бобой» дегани — боғ қорувули, нуроний кекса даҳлизда пайдо бўлди. Қўлини кўксига қўйиб, салом берди. Жабборов бобой билан қўл олиб кўришди.

— Отингиз нима, отахон?

— Мамат... Мамат бобо дейсиз-да, ўғлим.

— Яхши, отахон.

Мамат бобо босиқ қадам ташлаб чиқиб кетди. Жабборов у хонадан бунисига ўтиб, девор сиртидаги шнорларни ўқий бошлади. У Норқобиловга йўл-йўлакай «буниси эскирибди, бунисининг ўрнига бундай деб ёзиш керак эди, ана бу маъқул», деб, эътироз ва истакларини айтиб борди. Хона тоза-озода. Телевизор, радио бор. Газеталар ҳам бор. Газеталар эски фақат. Журналлар ҳам эски. «Янгилаб туриш керак... Ҳар ҳолда ёмонмас».

Мамат бобо стол устига дастурхон ёйди. Мева-чева қўйди. Сўнг чойнак-пиёла кўтариб кирди.

— Марҳамат, қани, меҳмон, чойга қаранг.

— Хўп, отахон. Ўзингиз ҳам келинг.

— Ҳозир, меҳмон, ҳозир.

Мамат бобо ташқари чиқди. Шу кетганча анчагача қайтиб келмади. Жабборов раисни секин саволга тутди.

— Ҳайдалмаган майдон ҳам борми?

— Бу йил йўқ, Ҳаким Ҳайдарович. Қани, нонга қаранг... Бир сидра ҳайдадик. Гўнг бердик. Биз қиш ойларида яхши фойдаланяпмиз.

— Қандай яхши?..

— Гапни сал узоқдан бошлай, бўлмаса.

— Хўп-хўп.

— Ўтган йили бир автоюклагич олгандик. Бор-йўғи битта. Терим пайти бригадалар навбат кутишди. Жуда беминнат машина экан. Панжаларини кенг очса, сал кам бир хирмон пахта жо бўлади-я. Терим тугагач, ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Бир кун тракторчи йигит идорага кириб келди. Ҳа, дедим. Менга бошқа трактор беринг, дейди. Ер ҳайдаман, дейди. Бу-чи, бўлмайдами, дедим. Бекор ётиб зерикдим, автоюклагич учун бирон бригадада ҳам иш йўқ, деди у. Мен йигитга сал сабр қилиб тур-чи, трактор олсак, биронтасини берармиз, дедим.

Жабборов пиёлани стол четига қўйиб, стулга елка тираб, ялпайиб ўтириб олди. Кўрсаткич бармоғи билан иягини қашлай туриб, Норқобилонинг ҳикоясини ўйчан тинглай бошлади. Норқобилов давом этди.

— Эскида бир гап бор, Ҳаким Ҳайдарович. Тобинг қолса, олдин

уйнинг атрофини излаб кўр, бирон даво топилар, деганлар. Мен автоюклагични колхозлараро бўрдоқчилик пунктига бериб юборишни мўлжал қилгандим. Улар бир-икки сўраб келишганди-да. Кейин ўзимизга кераклигини билиб қолдик.

Жабборов «қандай?» деган маънода Норқобиловга қаради ва ўрнидан бир қўзғолиб қўйди. Норқобилов бу қарашни ўзича тушуниб, «хў, бобой, қаёққа кетдингиз?» деганича ўрнидан турди.

— Утиринг,— қистади Жабборов. Раис қайтиб ўтирди.— Хўш, қандай? Жуда қизиқ. Давом этинг.

— Жуда оддий, Ҳаким Ҳайдарович. Уша кунни далага чиқдим. Ҳамма бригадаларда ғўзапоя юлиш бошланганди. Бу ёғи — гўнг ташиш. Ғўзапояни прицепларга юклаш учун автоюклагич керакми? Керак. Гўнг ортиш учун-чи? Жуда асқотаркан-да. Колхозчи ғўзапоя орқалашдан қутулди-қўйди. «Узсельхозтехника»дан яна иккитасини олдик. Уларга ҳам иш топилди. Баҳорда дағал хашакка ишлатамиз. Терим пайти... бу энди ҳаммага маълум. Хуллас, автоюклагич ҳайдовчиларининг энди бош қашлашга ҳам вақти йўқ. Уша йигитдан бир гал: «Қалай, ҳайдов трактори оласанми?» десак, «Йўқ, раис бова, бу техника зўракан, уни ишқивози кўпайиб қолди», дейди. Шу баҳона, бир кун эшикни маҳкам ёпдим-да, қиш режаларини тузиб чиқдим. Кейин бригадир борми, мутахассис борми — ҳаммасини клубга жам қилдик. Далаларга олиб борадиган йўлларни ҳисоблаб чиқдик. Неча километр, қайси бригада территориясида ва ҳоказо. Ремонт талаб техника нечта? Неча ойда ремонтдан чиқариш имкониятига эгамиз? Ариқ-зовурларни тозалаш учун қанча ишчи кучи зарур? Урмон хўжалигидан нечта кўчат олсак бўлади, уни қаерларга экамиз? Колхозда ҳамма имкониятларга эга бўлган нечта шийпон бор? Биронта ҳам йўқ. Хўш, бу нуқсонни қандай қилиб тузатамиз? Неча йилда? Хуллас, ҳамма саволга кўпчилик бўлиб жавоб изладик. Хў, бобой, бормисиз?

— Лаббай, раис?

— Келинг-да, Мамат бобо.

Мамат бобо ичкари кирди.

— Отахон, ўтиринг,— қистади Жабборов. Мамат бобо стулга илиниб ўтирди.— Олинг, нондан, олинг.

Норқобилов пешонасига тушиб турган сочини текислади. Қалта қошларини кериб, Мамат бобога кулганча қараб қўйди. Унинг ниманидир эслаётганлигини пайқаш қийин эмасди.

— Ҳаким Ҳайдарович?

— Ҳа.

— Шу бобойимиздан ҳам бир гап сўранг,— Мамат бобо ноқулай аҳволга тушдими, раисга зимдан бир қараб олди-да, «Э-э», деб қўйди. Раис давом этди.— Йўлларга тош тўкиш масаласини шу киши кўтариб чиққанлар-да.

— Ҳа-а, шундайми? Ташаббускор отахонларимиздан денг?

— Йўғ-е, меҳмон. Унчаликмас. Олдин Қорасув қишлоғида турардим. Ҳозир бу ерга кўчиб келдик. Қорасув — идорадан четроқда-да. Узоқ. Беш чақиримлар бор. Раис боғ қоровули деб тайинлади. Болачақа уёқда, биз буёқда. Ёзда билинмади. Баҳордаям. Кеч куздан бошладуки азоб. Шилт-шилт лой кечаман. Шу орада терим тугади. Биров тўй бошлади. Биров районга эрта кетганича кунни кеч қилиб уйига қайтди. Бир гал йўлда келаётсам, тележқачимиз маст-аласт, лой кечиб юрипти. Исмоил полвон деймиз уни. «Ҳа, Исмоил?» дедим. Райондан, деди. Тили аранг калимага келади. Иш йўқми, бригадиринг кўрса нима дейди, дедим. Отдик, «ла-ла» қилиб юрибмиз, бобой, дейди. Тракторинг, тележқанг қаерда, дедим. Отдих қилаяпти, дейди. Маст бўлсаям, ҳуши жойидайкан, саволимга жавоб қайтарди, баччағар. Шун-

да миямга бир фикр келди денг. Раисга кириб айтдим. Тележкалар бўш, тракторчилар иш йўқлигидан зерикишяпти, дедим. Шу, қишлоқ йўлларига тош ташиб тўкишса бўлмайдими, дедим. Қорақирда нима кўп, тош-қум кўп, дедим. Кейин раис майлис чақирди. Бобой ҳам чиқиб сўзласин, деди. Бўлгани шу, холос.

Мамат бобонинг ҳикоясини Норқобилов хулосалаган бўлди.

— Шу таклиф баҳона ҳамма қишлоқ йўлларига тош тўкиб чиқдик-да! Жами узунлиги бир юз эллик километр. Қор кунлари ҳам ишлайвериш мумкин экан. Декабрь, январь, февраль. Иш тўхтамади. Тўй-томоша ҳам бўлди. Иш ҳам...

...Ана! Оддий воқеа. Шу гапдан шунча фойдали иш чиқибди. Бундай воқеалар яна қанчадан-қанча. Бундай гаплар қишлоқдан нари чиқмайди. Одамлар бир-бирларига айтишади, холос. Шу билан тамом. Автоюклагич воқеаси. Тракторчи йигит раисга келмаганда, эҳтимол, ўша техникани қишда қор босиб қолармиди! Йўлларга тош тўкиш. Бу ҳам оддий бир кишидан чиққан фикр. Раислар, парткомлар билангина учрашиб қолмаслик керак экан-да. Оддий колхозчида гап кўп. Улар сенга ҳаммасини яширмай-нетмай айтиб беришади. Кўпроқ ўшалардан сўраб-суриштириш керакка ўхшайди.

Эҳтимол, бошқа хўжаликларда ҳам шундай таклифлар бўлгандир. Унга колхоз раҳбарлари эътиборсиз қарашгандир балки. Ўз қўл остидаги одамларнинг арзи, фикри, истагини тингламаган раҳбар фаолиятига жиддий, коммунистчасига баҳо бермоқ лозим. Таклифлар хазинаку. У кундалик эҳтиёж замирида пайдо бўлади. Мана, Мамат бобо. Бу одамда ҳали кўп гап бор. Тортиниб-айтмаяпти-да. Жабборовни ҳали яхши танимайди-да, бобой...

— Отахон, мен яна келаман. Ҳали кўп гурунг қиламиз. Шундай гапларингиз бўлса, ўйлаб қўйинг, айтасиз менга.

Мамат бобо Жабборовнинг юзига тикилиб қолди. Жабборовнинг иягида нўхатдек холи бор эди. Гапираётганида қовоғи хиёл солиқ кўринарди. Лекин кулча юзи доим кулиб тургандек эди.

Мамат бобого Жабборов ёқиб қолди. «Меҳр-оқибатли одамга ўхшайди,— ўйлади бобо.— Босиқ. Сўзларида салмоқ бор. Қаердан экан ўзи? Ҳойнаҳой, областдандир? Сўрасинми, ёки зарурати йўқмикин? Беодобчилик бўлмасмикин?» Бобо шуларни мулоҳаза қилди-ю, бари бир кўзлари ўткир, кўринишидан ўқимишли бу одамнинг кимлигини ўз оғзидан эшитиб билишни истади.

— Меҳмон,— деди,— узр-да, мен сизни танимадим, дейман?

— Менми?— кулди Жабборов.

— Э, бобо,— гапга аралашди Норқобилов.— Ҳаким Ҳайдаровични танимайсизми? Ўзимизнинг секретарь. Янги секретаримиз.

— Ҳа-а. Бўлди! Эшитгандим.

— Ана, танишиб ҳам олдик.

— Бағоят, хурсандман, ўғлим. Иссиқ чой дамлай.

— Кетамиз, отахон.

Жабборов ўрнидан турди. Норқобилов ҳам қўзғолди. Жабборов деразадан ташқарига қаради.

— Анча ёғди.

— Ҳа. Анча. Яхши бўлди-да,— деди Норқобилов сигарета тутатаркан.— Чекасизми?

— Чекардим. Ҳозир ташлаганман.

— Бу яхши. Мен ҳеч ташлолмаяман.

Мамат бобо кўзларини қисганча кўкка қаради.

— Э, баччагар, ёғ-а! Қор, денг, ер юрагини музлатаркан, ёмғир бўлса юмшатаркан. Ер уйқудан уйғоняпти. Ҳа, ёғ-а!

Норқобиловнинг хиёл ичкари тортиб турган кўзлари йилтиллади. Кулгичлари қалинлашди.

— Бобойда гап кўп,— деб қўйди секингина.

Жабборов ўзидан бир неча метр нарида турган Мамат бобога юзланди.

— Бўпти, отахон, омон бўлинг,— у Мамат бобо сари юраркан, ўнг қўлини чўзиб борди.— Хўп, отахон.

— Омон бўлинг. Кеп турунг, ўғлим.

□

...Ярим тунда чанг-тўзон босилди. «Афғон шамоли»дан кейин ҳарорат паст ташлайди. Ҳатто ёзда ҳам. Икки-уч кун давомида ҳур-ҳур шабада эсиб туради.

Жабборов қуёш чиқмасданоқ ўрнидан турди. Ҳовлига чиқди. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат дарахтларнинг шип-шийдам новдалари учи билинар-билинемас тебраниб турибди. У ҳар кун эрталаб райком боғи ўртасидаги ҳовуз атрофида айланиб бадантарбия қиларди. Ҳозир ҳовузда сув борми ёки у чанг-чунг, ҳас-хус билан тўлганми, билиб бўлмасди.

У оёғи остига, сўнг изига, келган томонига қаради. Шиппак худди қор устида босилган сингари из қолдирганди. «Роса чанг ёғилипти-да. Шамол, чанг... Турган-битгани зарар. Ҳайдалган ерларнинг намини қочиради. Бу — аниқ. Кузги майсаларни ерга ёнбошлатиб кетди. Суғорилган майдонларни торс-торс ёрди».

Жабборов шамол оқибатини кўрмасданоқ билади. Оқ олтин райони «Афғон шамоли»нинг йўлида жойлашган. Яна бир ғалати томони, бу районга жала-дўл ҳам ўч. Шамол аллақаерлардан булутларни суриб келади-да, кўп касофат ишларни қилиб кетади.

Ўтган йили, ундан олдинги йилларда ҳам гўза ғуж кўкариб чиққанда шамол кўп ташвишлар келтирди. Районнинг тенг ярим гўзаси ҳар йили дўл остида эзилиб нобуд бўлади.

«Районни бу ҳалокатдан қутқариш керак. Бу — ихота! Ихота билан шамол шаштини қайтариш мумкин. Аммо булутларни тўхтатиб қолишнинг иложи борми? Улар районнинг гўзасини ҳар баҳор келиб савалайди.

Жабборов миясига келган фикрдан қувониб кетди: «Нега март? Шартми? Апрель-чи? Ахир, ҳар йили катта дўл худди шу март ойида ўтади-ку! Ўтган йили районда чигит экиш неча кунда тугалланганди?» Ун кунда! Оқ олтинликлардан ўрнак олиш ҳақида ҳамма райкомларга кўргазма берилганди. Оқ олтинликлар тажрибаси область газетасида ёзилган, радио орқали эшиттирилганди. Сўнг... дўл келди. Ҳамма районларда парвариш, суғориш ишлари бошлаб юборилганда ҳам оқ олтинликлар дўл урган, хато кўкарган жойларга қайтадан чигит экиб юришди».

Жабборов шу йил таваккал қилади. Чигитни ҳар йилгидек мартда эмас, апрель ойининг иккинчи ҳафтасидан бошлаб экади. Обкомдагилар бу тажрибангни йигиштириб қўй, дейишармикин? Газета бонг урса, район экишдан орқада қоляпти, деса! Бюро, телефон устига телефон... Вакиллар, саволларга жавоблар... Жабборовнинг боши шишиб кетар-ов! Ҳе, бўлгани бўлар-да. Йўқ, бу гап кетмайди. Айтганинг муаллаққа қолади. Гапингга ҳеч ким ишонмайди. Фикрингни исботлайдиган далиллар бўлиши керак қўлингда. Об-ҳаво бюросидан кейинги ўн йилда жала-дўл асосан қайси ойларда кучли ёғиб, кўп талофат етказганлиги ҳақида ёзма ахборот олиш керак. Районнинг кекса деҳқонлари ҳам чигитни қайси ойда экиш қулайлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини айтсинлар. Ана шундан кейин, Жабборов жойини топиб, Хидир

Муродович ҳузурига киради. Хидир Муродович тушунадиган одам, йўқ демас.

У ҳовузга қаратиб қўйилган водопровод жўмрагини охиригача очиб, кучли босим билан отилаётган сувда роҳат қилиб ювинди. Енгил тортди. Сочикни симдорга осиб, хонаси томон юрди...

Жабборов ўйлаб қўйган режаси бўйича ижроком раиси, райком-комсомол секретари билан иҳота масаласида гаплашиб олиш ниятида эди. Девор сиртидаги кафтгири олтиндек товланиб турган соатга қаради. Саккиз-у ноль-ноль. Яна ўн минутдан кейин ҳузурига таклиф қилинган ўртоқлар келишлари керак. Унгача об-ҳаво лабораториясига қўнғироқ қилиб, кейинги ўн йиллик об-ҳаво ахборотини сўрайди. Районда об-ҳаво билан шуғулланадиган ташкилот борми ўзи? Нега бўлмасин. Бордир... Котиба қизни чақириб, район об-ҳаво бюроси бор-йўқлигини сўради. Котиба қиз елка қисиб, «қайдам, ҳеч ишим тушмаган», деб қўйди.

Кейин Жабборов бу ҳақда бошқармадан суриштирди. Об-ҳаво бюроси областда бор экан, холос. Областда борлигини эса Жабборов яхши биларди. Аммо худди шу, «Оқ олтин»да, ҳар йили ғўза дўл тагида қоладиган «афғон шамоли» шиддат билан ҳамла қиладиган жойда об-ҳаво бюроси иш олиб бориши керак-да.

Область об-ҳаво бюроси ҳар бир районда ўз лабораториясига эга бўлиши керак. Шунда маълумот ҳам тўғри ва аниқ бўлади. Шунда об-ҳаво бюросининг деҳқонга мадади ошади. Бу кўп ишларни режалаштириш имконини берган бўлурди.

Жабборов навбатчи телефонисткага область об-ҳаво бюроси билан улашни илтимос қилди. Зум ўтмай, трубкада аёл киши товуши эшитилди.

— Да, эшитаман.

— Мен Жабборовман. «Оқ олтин»дан. Райком секретари. Бизга районнинг ўн йиллик об-ҳаво маълумотлари зарур бўлиб қолди.

— Ўн йиллик!

— Ҳа, ўн йиллик маълумот.

— Районда йўқмикан?

— Йўқ.

— Бошқармада сақланиши керак эди-ку.

— Сақлашмаган, шекилли.

Ҳар икки томон ҳам жим қолишди. Чамаси, бирон минутдан кейин аёл киши норози оҳангда деди:

— Ахир, бизни меҳнатни кадрлашсин-да, ўртоқ Жабборов. Мен ўн йиллик маълумотни сизга топиб бергунимча бир ҳафта ўтади. Ўн йилда биз сизларга уч минг олти юздан кўпроқ маълумот йўллаганмиз. Ундай қилишмасин-да. Бу қандай эътиборсизлик, ахир!..

Жабборов бу эътирозлардан ноқулай аҳволга тушди, хижолат тортди. Чап кафти билан сочларини бир икки чапгаллаб, пешонасини ишқади.

— Кечирасиз, фамилиянгиз нима?

— Петрова.

— Э, Наталья Григорьевна сизмисиз? Мени танимадингиз, шекилли. Мен Жабборовман. Обкомдаги Жабборов, қишлоқ хўжалик бўлимидаги. Ҳа, ҳа... ўша, худди ўзи, ҳа. Энди, узр, опажон. Бошқарма бошлиғи адресига айтган гапларингизни ўзига етказаман. Бундан кейин сизлар юборган маълумотлар сақланадиган бўлади. Энди... Ҳалиги айтганим, менга жуда тез керак эди. Обком котибига олиб кирмоқчиман. Бир масала бор, шуни ҳал қилиш учун.

— Ҳа, бўпти,— кулди Петрова,— сиз учун майли. Аммо бошқа бўлганда...

— Раҳмат, опажон.

Жабборов чиройи очилиб, трубкани жойига қўйди. Чой ҳўплади. Бир фурсат елкасини стул суянчигига тираб, оёқларини стол тўрига чўзиб олди.

Шу йил ишлар кўнгилдагидай кетсайди. Келгуси йил Жабборов ишни ўз билганича режалаштирарди. Ҳам дала ишлари, ҳам қишлоқ маданияти, ҳам ихота, ҳам...

Бу «ҳам»ларни тизаверса, бир неча варақ бўлиши мумкин эди. Жабборов учун уларнинг ҳаммаси муҳим... ҳа, муҳим-да.

Деҳқоннинг уйини яхшиламай туриб, қишлоқларни обод қилиш амримаҳол. Деҳқончилик маданиятини юксалтирмай туриб, пахта ҳосилдорлигини ошириб бўлмаслиги сир эмас. Энди... ихота зонаси бўлмаса, шамолни ҳам даф этиш қийин. Одамлар билан бирга ишламай туриб, уларни тарбиялаб бўлмайди, уларни манзил сари отлантриши учун қанот бериш керак. Қанот бериш учун эса уларнинг парвозга иштиёқини, иродасини билиш зарур.

Жабборов шуларни ҳаммасини бирваракай ҳал қилсинми, ёки улар билан алоҳида-алоҳида шуғуллансинми?

□

Жабборов «Узсельхозтехника» район бирлашмасидан қишлоқ хўжалик техникасининг баҳорги экиш ишларига тайёргарлиги ҳақида справка олди. Ростини, бу иш билан у ҳали шуғуллана олганича йўқ эди. У қўлидаги бир варақ қоғозга тикилганча жим қолди. Районда аҳвол ниҳоятда ёмон эди. Эрта-индин экиш ишлари тезкорлик билан бошланиб кетиши кераклигига қарамай, ҳали бирон хўжаликда ҳам экиш техникаси ремонт тугалланмаганди. «Бу қандоқ бўлди, бу қандоқ бўлди!..» дея такрорларди ўзича у.

У зудлик билан райком бўлим мудири Чориевни ҳузурига чақирди. Мудирнинг юзи касалманд кишиларники сингари заъфарон эди. Жабборов бир зум унга тикилиб қолди. «Нега рангингиз оқариб кетибди, тобингиз йўқми?» деб сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин ҳозир уни бошқа масала безовта қилиб турганди. Шу боисдан у ташвиш аралаш сўради:

— Бюро техника ремонт билан шуғулланишни кимга топширган?

— Михаил Ивановичга. Ўтган йили бу масала билан ўша киши шуғулланадиган бўлгандилар.

Жабборов ишга келишдан бир кун олдин, шекилли, райкомнинг иккинчи секретари Михаил Иванович Огородов меҳнат отпускасига чиққан, у ҳозир санаторийда дам оларди. Отпускасининг тугашига ҳали икки ҳафта бор эди.

— Бу масала қачон кўрилган?— дея сўради Жабборов Чориевдан.

— Кўролганимизча йўқ,— деди у синиқ овозда.

— Энди, нима бўлади? Ҳаммаси аралаш-қуралаш!..

«Аралаш-қуралаш!..» Жабборов, негадир, ҳар гал шу сўзларни гаплари орасида қистириб юборса, ўша лаҳзада «Коммунизм» колхозида ишлаган йиллари эсига тушарди.

Энди институтни битириб келганди ўшанда у. Область қишлоқ хўжалик бошқармасидаги ўртоқлар уни шу колхозга борасиз, дейишганди. Бу колхоз ерлари областнинг энг чеккасида бўлиб, бир томони тоғу қирлар билан улашиб кетганди. Марказдан анча узоқ жой бўлиб, хўжалик областдагина эмас, ҳатто республикада ҳам донгдор эди. Жабборов раис билан юзма-юз суҳбатлашган бўлмаса-да, унинг номи кўп эшитган, телевизорда, радиода сўзларини тинглаган, газета-журналларда мақолаларини ўқиганди. Раис катта-кичikka бир хил муомала қиладиган, очиқ-сочиқ одам экан. У Жабборовдан исми-фа-

милияси, оилавий аҳволини суриштирди. Жабборов отасининг пахтакор ўтганлиги, Ленин ордени билан тақдирланганлиги, онаси эса кўп йиллар қишлоқ Советида ишлаганлигини айтганида, раис шундай деганди: «Асл деҳқон боласи экансан-ку, йигит, деганди дўнг пешоналарини силаганча секин ўрнидан туриб, унинг елкасига қўлини қўяркан.— Сен билан ишласа бўлади. Сени мен ишга оламан. «Участка агрономи бўласан».

Участкада саккиз бригада бор эди. Раис кун бўйи эринмай, унга ҳамма далаларни бирма-бир кўрсатиб чиқди, бригада бошлиқлари, деҳқонлар билан таништирди. Кечроқ участка гаражга олиб борди, у ердаги аҳволни кўриб, юзи тундланди.

— Қаранг-а, аралаш-қуралаш!— деди у.

Ҳақиқатан ҳам гараж техника паркига эмас, ашқол-дашқол омборига ўхшарди.

— Қолхозда раис бош бўлса, участкада — агроном. Агроном раис қатори пахтагаям, техникагаям — ҳаммасига жавоб беради. Фарқи — бири райком олдида, иккинчиси правление, партия ташкилоти олдида ҳисобдор. Ука, шу ишни бир йўлга қўясиз, илтимос қилганди.

Жабборов ўшанда ҳеч нима демаган, фақат занглаб ётган тракторлар-у пахта териш машиналарига, лойга қоришиб қолган темир-терсақларга хаёлан боққанча бош иргаб қўйганди.

Қиш эди ўшанда. Кузда уст-устига ёмғир ёгавериб, декабрнинг бошларида ҳаво очилиб кетганди. Бир иссиқнинг бир совуғи бўлади. Бу очиқ кунлар тўда-тўда булутларни етаклаб келишини ҳамма биларди.

Борди-ю, қор ёғиб қолгудек бўлса, ҳамма уй-уйига кириб, эшикларни маҳкам ёпиб олиши мумкин. Лекин минг-минглаб сўмлик техника-чи? Деҳқонни оғирини енгил қилиб турган дастёр қишда қор остида ётсинми?

Жабборов ҳаммани оёққа турғизди. Ингим-теримдан кейин нима иш қиларини билмай юрган жамики эркакларни ҳашарга чақирди. Одам жазм қилса, иш ўз-ўзидан юришиб кетавераркан. Ҳафта — ўн кунга қолмай, гараж атрофи қулинг ўргилсин бостирма билан ўраб олинди. Беш слесарга мўлжаллаб, мастерской ҳам қурдилар. Ҳар йили баҳорда чала ярим қилинадиган ремонт ишлари қиш бўйи давом этди.

Раис гараждаги бу орасталикни, тартибни кўриб шундай қувонгандики, таъриф-тавсифи йўқ. Жабборовни гўё худо етказганмиш. Мутахассис деганлари ана шундай бўлиши керакмиш. Афсуски, Жабборов инженер эмас, агроном экан-да. Бўлмаса, раис, унга ёш бўлса ҳам, бош инженерликни бериб қўйиши мумкин экан.

Мақтовлар кишининг обрў-эътиборини ошираркан. Оддий деҳқонларнинг, тракторчиларнинг Жабборовга ихлоси ортди, унга ишончлари кучайди. Кечагина институт аудиториясида муштини нягига тираб лекция тинглаган Жабборовдан мурти шопдай, девсифат одамлар фармойиш кутиб туришларини ўйлаб, у баъзан ўзича ийманиб ҳам қўярди. Лекин унинг иши юришди. Унга одамларнинг меҳр-муҳаббатлари яна ҳам ошди.

Ҳозир ҳам ўша Жабборов. Лекин... буйруқбозликка йўл қўймаяптими? Сўнг... қаерга борса, суҳбатдоши раис, партком... Мамат бобо, яна бир-икки оддий кишиларни ҳисобга олмаганда бирон колхозчи билан суҳбатлашдимми?

Бир-икки механизаторни гапга тутганда ёки бирон инженер билан суҳбат қилганда техника ремонтини унинг эсига солиб қўйишармиди! Оддий одамларда гап кўп. Улар аҳволни яширмай-нетмай айтиб ташлайверадилар. Жабборовга ҳозир ана шуниси керак...

У юқорилаб кетибди, шекилли. Йўқ, бўлмайди! Қуйироққа тушиш керак, Жабборов. Юқоридан кенгликни, чексиз уфқни кўриш мумкин, аммо оёғинг тагида нималар бўлаётганини кўз илгами қолади...

Райком биноси олдида райсельхозтехника бошлиғининг машинаси келиб тўхтади. У шошиб машинадан тушди. Чаққонлик билан бино эшигини очди.

— Мумкинми?

— Ҳа, кининг.

Жабборов райсельхозтехника бошлиғи билан телефондаги биринчи сўзлашганларини ҳисобга олмаганда биринчи марта юзма-юз гаплашиб турарди. Шу боисдан у бирданига лов этиб кетмади. Узини босиқ тутиб, Бозоровдан маълумоти, неча йилдан бери бу ишда ишлаётгани ҳақида суриштирди. Сўнгра асосий мақсадга ўтди.

— Бошлиқ бўлганимга уч йил бўлди, деяпсиз. Тажриба бўлиш керак эди. Нега аҳвол бундай?— алақандай лоқайд кайфиятда сўради Жабборов.

— Терим ишлари чўзилиб кетди. Декабрни ўнигача пахта тердик, Ҳаким Ҳайдарович. Ҳамма районлар, ҳатто область ва республика планни бажардиям, биз имиллаб қолавердик. Жуда қийин бўлди-е. Механизаторлар ҳам, техника ҳам чарчади.

— Шундай қилиб, қишда дам олдик, денг? Бу сабаб эмас! Бу сабаб бўлолмайди. «Имиллаб қолавердик» эмиш! Уша имиллашнинг бир сабабчиси сиз! Ҳа, сиз! Ҳайрон бўлманг. Декабрда ишлаб, машина терими планини бажармадингиз. Бу йил ҳам шу аҳвол. Йўқ, мен қўймайман! Имиллашга қўймайман, ўртоқ Бозоров! Ишлайсиз, ишлаймиз. Хўжаликларни нечтаси типовой техника паркига эга?

— Иккитаси, холос.

— Ким қуради бошқасини? Раисни, совхоз директорини ким бевозта қилади? Нега лойиҳа бўйича парк қурдирмайсиз?

— Бу ҳақда хўжаликлар қайгурсин-да.

— Ана гап! Ана гап! Хўп, сиз нима иш қиласиз? Қолхозга техника сотасиз, эҳтиёт қисмлар етказиб берасиз, шундайми?

— Фақат булар эмас.

— Яна нима, хўп?

— Ремонт...

— Э. товба, одамларга ҳайронсан! Бу ишни ҳам ўлда-жўлда қолдиргансиз.

— Шароит бўлмаса, нима қилайлик, Ҳаким Ҳайдарович. Ҳатто «ҳар бир участкада устахона бўлсин, техникани усти ёпиқ жойларда ремонт қилайлик», дедим.

— Бу гап, холос. Айтгансиз, тамом! Изини суриштирмагансиз. Эрта-индин ерга уруғ тушади. Обкомдан катта группа келаяпти. Районда эса техника ремонтни ниҳоятда ташвишли аҳволда.

— Тезлаштирамиз, Ҳаким Ҳайдарович.

— Қандай қилиб, тезлаштирайсиз?

— Қўшни районлардан ёрдам сўраганмиз. Ульянов ва Сурхон районларида ремонт цехлари бўш турибди. Ҳар хўжаликдан беш-ўн универсални олиб борсақ, ҳафта ичида ҳаммаси тахт бўлади.

— Утган мавсумда улардан пахта сўрагандингиз. Энди техникамни ремонт қилиб беринг, дейсизми?

— Улар ҳам зарур бўлганда бизга келишади, Ҳаким Ҳайдарович.

— Қўйсангиз-чи... Ун кун сизга срок, Бозоров!— Жабборов дафъатан ўшқирди.— Яна бир шундай деб кўринг-чи! Яна бир марта қўшни районга умид боглаб кўринг-чи! Бозоров! Менга қаранг, Бозоров! Биратўла баҳрингиздан кечиб қўя қоламиз! Ишланг! Қўл остингиздагиларни ишлатинг! Тезлаштинг!.. Хўп...

Бозоров пешонасидаги терни рўмолчаси билан арта-арта Жабборовнинг кабинетидан чиқди. Жабборов киприк қоқмай унинг изидан қараб турди ва хаёлан деди: «Ҳар ҳолда ташвиш қилиб юрган экан. Қўшни районлардан ёрдам сўрабди-ку. Демак, сал бўлсаям, масъулият сезган-да. Илкис гапирдим. Ўзингни тутиб гаплашсанг бўлармиди, Жабборов. Жуда энгил бўлиб боряпсан, сал гапга ловв этасан. Иш силлиқ кетавермагач, ўз-ўзингдан нам тортаркансан, киши. Районда қайси соҳа дуруст ўзи? Бир соҳа техника бўлса, мана аҳволи! Эҳ... жинни бўлиб кетасан, киши. Бу иш билан алоҳида шугулланиш керак. Қани, вакиллар келиб, ўрганишаверишсин-чи. Кейин... Жабборов, сен бир ой ҳам ишлаганинг йуқ ҳали. Сенингча, ҳаммаси қойил-мақом бўлиши керак-да, а? Шошма, шошма! Аста юрган узоққа боради...

У столининг ўнг томонидаги тугмачани босди. Котиба қиз «лаббай» деганча эшик олдида пайдо бўлди.

— Ҳалиги одам кетиб қолдимми?— деди Жабборов.

— Бозоров аками?— сўради котиба.

— Ҳа, Бозоров.

— Кетдилар.

— Айтиб қўйинг, менга телефон қилсин.

— Хўп, айтаман.

Сал ўтмай телефон жиринглади. Жабборов телефон трубкасини кўтармаёқ унинг Бозоров эканлигини билди.

— Уртоқ Бозоров,— деди у трубkada «да!» деган овоз эшитилиши билан.— Сиз райкомга, бюро номига докладной тайёрласангиз. Техникани сақлаш, ундан фойдаланиш, ремонтнинг аҳволи... Қайси хўжаликда нима қуриш керак? Қандай лойиҳада? Хўш, ҳозир неча процент пахта машинада териб олиняпти, биласизми?

— Эллик процентга яқин.

— Жуда оз. Айтишга ҳам уяласан, киши. Техника прогресси даврида... Кечириб бўлмайди, ўртоқ Бозоров. Республика олтмиш процент, область етмиш процент пахта машинада териб оляпти. Яқин икки-уч йил ичида камида саксон-тўқсон процент ҳосилни машинада териб олиш ҳақида ўйланг. Бозоров, бу масалага жиддийроқ ёндашинг. Тушундингизми? Жиддий!..

□

Ташқарида қуёш чарақлаб турибди. Ҳаво сокин. Кўк тип-тиниқ, биронта ҳам булут кўринмайди. Бу воҳада баҳор ҳавоси шундай. Ўзгарувчан. Бир кунда ўн бор очилиб, яна ўн бор авзойи бузилиб турaveraди. Лекин, бари бир, ҳарорат энди кун сайин ошиб боравериши керак. Шоирлар бекорга ерни онага, қуёшни отага ўхшатмайдилар-да. Қуёш ўз тафти, ҳарорати билан уйқудаги ерни силаб-сийпаб уйғотади. Ер ҳозир карахт. Иссиқ ҳозиргидай бўлаверса, тез кунларда ер соғин сигирдай ийиб қолади. Тупроқ ҳароратдан мисоли хамиртурушдек кўпчийди, бағри юмшайди. Теварак-атроф яшил тусга кира бошлайди. Худди ана шу пайт экин-тикин учун энг қулай фурсатдир. Шу пайтда ер уруг сўрайди. Деҳқон ернинг ана шу нозик томонини билиши, ҳис қила олиши керак. Худди шундай пайт яқинлашмоқда. Энди ҳам шошиш, ҳам шошмаслик, қисқаси, ақл кўзи билан иш тутиш лозим...

Катта кўк темир дарвоза ёнидаги қоровулхонадан Норқобилов чиқди. «Э, анавини қаранг! Бу одам менинг қачон, қаерга келишимни биладими, дейман. Хў, у кунни далада худди шундай учрашиб қолдик. Бугун бу ерда...»

Жабборов бу тасодифдан ҳайрон ҳолда машинадан тушди. У ҳозиргина хаёлидан ўтганларни яширолмади.

— Норқобилов, бу дейман, бизни қачон, қаерга келишимизни биласизми?

— Бўлмасам-чи, Ҳаким Ҳайдарович.

— Иўғ-а?! Қандай қилиб? Мен қаерга боришимни котиба қизга айтаман, холос. Аммо қачон, нима иш билан боришимни айтмайман,— Жабборов қўлларини ҳавода кенг ёйиб қўйди.

Норқобилов кенг пешонасини силаб-сийлаб, Жабборовнинг юзига бир-икки қараб олди. Унинг бу қарашида «бу одам олдин эркалаб, сўнг жеркиб ташламасмикан», деган маъно бор эди. Шундай бўлса ҳам у ялт этиб миясига келган фикрни айтди.

— Ҳаким Ҳайдарович, ҳозир нима зарур: техника, ерни экишга ҳозирлаш, чигит, гўнг. Эътибор шу юмушларга қаратилиши керак, тўғрими? Шундай бўлгач, бизга райком секретари нима масалада келиши маълум-да.

— Қани, паркнинг аҳволи билан бир танишайлик-чи. Мени ҳозир нечта экиш техникаси ремонтдан чиқарилганлиги қизиқтиради, ўртоқ раис.

— Хўп, Ҳаким Ҳайдарович.

Норқобилов Жабборовни парк тўридаги бостирмалар томон бошлади. Бу ерда пахта териш машиналари, экиш агрегатлари тақилган универсал тракторлар қатор тизилиб турарди.

— Ана, ҳозир йигирма агрегатни ўрнатдик. Ҳар бригадага биттадан. Яна ўнта агрегатни икки кун ичида тахт қиламиз. Улар запасга туради. Борди-ю, экиш пайтида бирор трактор тўхтаб қолса, ўрнига қўйилади.

— Тўхтаб қоладиямми, ремонтдан чиққан-ку булар, ахир?

— Энди, техника-да, айтиб бўлмайди, Ҳаким Ҳайдарович. Ҳали биронта ҳам тракторимиз дала ўртасида тўхтаб қолган эмас-у, шундай бўлса ҳам, эҳтиёт чораси дегандай... икки-уч кундан кейин культиваторлар, терим агрегатлари ремонтини ҳам бошлаймиз. Ишни икки сменада ташкил қилдик. Бош инженер билан мен навбатма-навбат келиб, иш устида, назорат қилиб турибмиз.

— Уч смен... Иложи йўқми?

— Йўқ, Ҳаким Ҳайдарович. Нега десангиз, тунда ишлаш учун бино керак. Цех қуриш керак.

— Қуринг-да.

— Қандай қилиб? Қурувчи керак. Лойиҳа керак. Бир лойиҳани кўрсатишди, рози бўлмадим. Икки қаватли цех, осма кран. Худди автозаводники сингари. Лойиҳа қиймати ҳам — заҳардек қиммат. Колхозни бир томонини ўпириб кетади. Йўқ, бундай цех керакмас, дедим. Уни районда қурса, бошқа гап. Колхозда ўзини оқламайди.

— Сизда, назаримда, олдин қурилиш бригадаси бўлган, шундайми?

— Ҳа, Ҳаким Ҳайдарович, қурилиш бригадамиз бор эди. Ҳар йили ўн-ўн икки онлага янги уй қуриб бераётган эдик. Лекин райком: «Ҳар колхозда қурилиш бригадаси тузиш маъқулмас. Қурилиш иши билан шуғулланадиган ташкилот бор. Колхозга ўша ташкилот уй қуриб берсин», деди. Биз хўп, дедик.

— Райком... ким райком?

— Ҳамидов айтганди. Бошқалар ҳам эътироз билдиришмади.

— Ҳа-а... Ҳамидов райком эмас-да. Ҳамидов — у, Ҳамидов! Райком! Райком! Бир кишининг ҳукми райком ҳукми эмас. Мен нима десам, хўп, деб бажариб кетаверасизми? Унда сизни ким раис, дейди? Уша бригадани қайта тиклайсиз. Колхозчиларга бош план бўйича уй қуришга киришиш керак. Ҳамма шароит газ, водопровод, телефон ҳисобга олиниши керак. Бугун қуриб, эртага бузиб ётмайлик. Арзон ло-

йиҳа бўлса, трактор паркни цехини ҳам қуриб олишингиз мумкин. Қол-хоз кучи билан. Зўр гап бу!

— Бўпти, Ҳаким Ҳайдарович, айтганингиздай бўлади.

Ўзиям ҳамма янги уй истаб қолди-да. Ўнлаб жойда ҳар ким ўз билганича уй қурапти. Ўзи далага чиқади-ю, хаёли уйда, чала-ярим қолган қурилишни ўйлайди. Кучни, хаёлни бўлади. Қурилиш бригадаси тузасак, ана шу ҳолга барҳам берилади. Кўп яхши бўлди-да. Қачон экишга команда бўлади, Ҳаким Ҳайдарович? Март ойининг ўнларида бошлаймизми?

— Унингчини мўлжаллаб ҳозирлик кўраверинг,— деди Жабборов темир дарвоза томон юраркан.— Ремонт яхши сизда. Лекин, техникани сақлаш ҳамма хўжаликда бир хил экан. Сизда ҳам чатоқ. Ана «Олтой» тракторини қаранг. Нечта? Бир-икки... Еттита! Очиқ ҳавода ётипти. Қишда, шудгордан кейин лоақал бир ювилмапти ҳам. Кўп деталлари занглаб қолгандир. Кейин... Ортиқча темир-терсақлар бўлса, топшириш керак. Район ўтган йили металл бўйича планни бажаролмади. Бу ерда сочилиб ётипти. Умуман, паркни бир тартибга келтирсаларингиз, ўртоқ раис. Энди... Чигит экиш... Шошилманг. Ҳа, айтгандай, ҳалиги отахон, Мамат бобо, яхшимилар у киши? Ҳозир қаердалар?

— Сабзавот бригадасида бўлса керак.

— Бобойни бир кўриб қайтамыз,— деди Жабборов Норқобилова.

Норқобилов йўлда гоҳ у, гоҳ бу даланинг таърифини бериб борди. Қайси бирини олдин суғориб, сўнг ҳайдаттиргани, қайси бирига чигит суви бериб эктириши ҳақида икки-уч оғиз гапириб қўярди.

— Ҳали техника паркида ўнта «Ўзбекистон» машинаси санадим. Қарталар тор-ку? Ўн беш-йигирма гектарлик ҳаммаси. «Ўзбекистон» ишлай оладими?— деди Жабборов ўйчан, атрофни кузатаркан.

— Торлик қилаяпти, рост. Шунинг учун ҳам машиналарни якка ишлатишга мажбуримиз, Ҳаким Ҳайдарович.

— Режалаштириш керак. Бирон беш йилга мўлжаллаб. Ҳаммаси жойида бўлади. Ҳозир ҳамма жойда машиналарни группа-группа қилиб ишлатиш усули қўлланиляпти. Ипатоволиклар усули. Сиз, демак, бу масалада ортда қолибсиз, раис.

Норқобилов анча вақт индамай борди. Машина моторининг бир маромда гуриллаши, нотекис йўл келганда ўриндиқнинг, рессорнинг гичирлаб қўйиши орадаги жимликни бузарди. Ниҳоят, Жабборов савол берди.

— Сабзавотни чўлга чиқарибсиз-да.

— Ер қумлоқ, сабзи яхши етилади,— дедик.

— Тўғри қипсиз.

— Яна юз гектарни ўзлаштириб, қовун-тарвуз эксакми, деб туприпан. Помидор, бодринг ҳам.

— Бўлади. Аммо сув масаласини ҳам ўйлаб кўрингизми?

— Ўйладик, Ҳаким Ҳайдарович. Заготтепа деган жой бор. Ҳў, ана, кўриниб турибди, қир ортида. Шу жойда катта кўл бор. Жилонсойдан сел, қор-ёмғир суви оқиб келиб, шу кўлга қуйилади. Бериёқча-ча қирни қиялатиб ариқ қазилган. Эски ариқ... Қирқинчи йиллардами қазилган.

— Аҳ-а, яхши. Кимлар қазиган экан?

— МТСдан одамлар қазиган, дейишади.

— Нима экишган, пахтами?

— Йўқ, қовун-тарвуз экишган.

— Сиз ҳам ўша йиллар соҳибкорлари изидан борибсиз-да.

— Ҳа-да. Шу ердан Москвага, виставкага қовун жўнатишган эканлар. Бозорда Заготтепа қовуни харидор кутмаган. Одамлар нар-

хини суриштирмаганлар Заготтепа қовунини. Биз ўша эски ариқ йўлини очмоқчимиз.

— Заготтепа қовуни шуҳратини қайта тикламоқчимиз, денг. Яхши ният! Жуда яхши, оғайни.

Узоқдан теп-текис майдонда уч-тўрт кишининг имирсиб юргани кўзга чалинди. Йўл четида тележка турибди. Ундан нарироқда вагон-уй. Улар яқинлашавергач, кулранг чопон кийган оппоқ соқолли, бир кекса ўқариқ бўйлаб вагон-уй томон юра бошлади.

— Мамат бобоми,— дейман, нави чол!— деди Жабборов.

Норқобилов чолга дурустроқ қараб олгач, таниди ва «ҳа, ўша киши», деб қўйди. Мамат бобо уларни хурсанд қарши олди. Жабборов бободан аҳвол сўради, «ахир, бу чўлларда нима қилиб юрибсиз?» деди.

Бобо соқолларини ўнг кафти билан силаганча:

— Э, бўлди! Раис у жойга бирор кексани топиб қўяр-да. Кексарганда кўкрак шабада есин, ўғлим,— деди.

— Яхши қипсиз, отахон. Яхши бўпти,— маъқуллади Жабборов.

Мамат бобо чой дамлаб тушди. Норқобилов вагон-уй соясидаги столни октобрў жойга ўтказди.

— Раҳмат, сизга. Мамат бобо — Жабборов Мамат бобога қаради.— Бир маслаҳат бор эди. Шамол йўлини тўсмақчимиз. Ихота дарахтлари эксақ, деяпмиз. Сизни ҳам шу нишга тортмоқчи эдик, сабзавоткор бўп кетибсиз. Майли, энди...

Мамат бобо юришдан тўхтади. Жабборовнинг юзига бир зум қараб турди. Сўнг юз-соқолларини силаб деди:

— Савоб иш, ўғлим. Шамол йўлини тўсамиз депсизки, бу савоб.

— Савобликка савоб-ку. Қим етакчи бўлади, Мамат бобо? Мен ўз ишим билан, мана, раис ҳам шундай. Ташвиши бошидан ошиб ётибти. Ишни кўзини биладиган бир кекса бўлса-ю, бизга талабларини айтиб турса, қолган юмушларни эса ўзи ташкил қилаверса.

— Ҳа-а, шундайми? Бор, бор, ундай одам. Мана раисни отасида. Норқобил бобо. Район танийди у одамни. Хўў, у йили, Марказқўмни каттаси келиб, райкомни боғига чақирган эди у кишини. «Сиз пенсияга чиққунча боғлар обод эди. Писта, бодом, шафтоли, ўрик кўп бўларди. Ҳаммаси қуриб, тамом бўпти-ку» деган Норқобил бобога. Қаранг, ўша одам ҳам билипти-я! Беш-ўн йил бўлди, дарахтга эътибор пасайди. Ҳозир, шу, бизни районда ўрмончи ким, худо ҳаққи, билмайман. Норқобил бобо умри бўйи ўрмончилик қилди. Ҳар қишу баҳорда кексаларни йиғиб, майлис қиларди. «Дарахт экинг, фарзандларингиз соялайди, одамлардан раҳмат оласиз», деярди. Норқобил бобо мевасиз дарахтни ёмон кўради. «Мевали дарахт экинг, ҳам мewa, ҳам соя беради», дейди. Шу одам бир замонлар аллақаерлардан келтирилган мевасиз дарахтларни... номи нима эди, хаҳ, тилимни учидан турибди?

— Гилидичими?

— Гиличми-пиличми, билмадим. Биз «ўрисидарахт» дердик. Тикони найзадек-найзадек бўларди. Қагта шаҳарларда ҳали ҳам кўп, дейишади. Хуллас, ўшаларни ўрнига ёнғоқ, ўрик, олма эктирди. Одамни мевага кўзи тўяркан.

Жабборов раиснинг елкасига қўл ташлади.

— Асл ўрмончимиз. бор экан-ку, мен бўлса, бош қотириб юрибман...

□

«Шарқ юлдузи» колхозининг боғи. Боғ катта ариқ ёқасида жойлашган. Ариқ бўйлаб тол, чинор, терак экилган. Тўрт-беш гектар май-

донда узум, мевали дарахтлар. Боғнинг қоқ ўртасида оппоқ оқариб турган салобатли бинога элтадиган йўл теп-текис, асфальт. Йўлнинг икки ёнида экилган тоқлар баланд ишқомларга кўтарилган. Машина худди тоннелга кириб бораётганга ўхшайди. Мана буни боғ, деса бўлади. «Октябрь»ни боғи бу боғни олдида ип эшолмайди». Баччагар, идорага борадиган йўлни ҳам шундай обод, дилни қувонтирадиган қилиб қўймайсанми?

Машиналар колхоз дачаси ёнига келиб тўхтади. Жабборов қараб кўзларига ишонмади. Тўрт-беш киши худди тўйга тайёргарлик кўраётгандек серташвиш эди. Бир басавлат, қориндор киши қўлида елпигич, қўра тутатиб кабоб тайёрлаётгир, қозонда палов дамланган. Яна бир киши гўшт қовирар, биров тандирга ўт қаламоқда эди.

Жабборов нима дейишини билмай қолди. У сабзи-пиёзнинг куйган ҳиди, қовурма гўшт ва қўй ёғи ҳидига тўйинган ҳаводан нафас олганча бир зум анграйиб турди. Сўнг ўзини йиғиб, партком секретарига:

— Тезроқ. Биз кетишимиз керак,— деди.

— Бирпас ўтирасиз энди, Ҳаким Ҳайдарович. Бизни колхозда биринчи туз-намак бўлишингиз. Меҳмон ўз ихтиёри билан келади...

Жабборов ҳеч нима демади. Қўл чайиб ичкари кирди. Беш хоналик уй дид билан безатилган. Полга гулдор гиламлар тўшалган. Девор сиртига бежирим безак берилган. Радио, телевизор, магнитофон, телефон... Ҳордиқхоналарга диван-каравотлар қўйилган. Оппоқ чойшаблар тўшалган. «Райкомни меҳмонхонасидан ўн ҳисса ортиқ-ов»,— хаёлидан ўтказди Жабборов.

Стул устидаги ноз-неъматларни айтмайсизми! Узум, олма, янги узилган помидор, бодринг... қаердан олишдийкин буларни?

— Оҳ-о, ана, колхозда бодрингу, помидорлар ҳам пишибди-да? Қани, марҳамат, қани ўтиринглар,— меҳмонларга мурожаат қилди Жабборов ва бир дона помидорни қўлига олиб деразадан тушаётган қуёш нурида унинг қирмизи рангда товланишини томоша қилди. Кейин партком секретаридан сўради.— Парник борми?

— Йў-ўқ...

Облсельхозтехника бўлими бошлиғи Жўраев қошларини кериб, кулганча деди:

— Мен Душанба бозорида кўргандим бу неъматларни. «Шарқ юлдузи»гаям етиб кепти-да.

Партком секретари қизарди.

— Узумини енг-у боғини сўраманг, биродар.

«Райком секретарини меҳмон қилиш учун юз эллик-икки юз километрлаб йўл босишдан ҳам қайтишмайди, шекилли,— Жабборовнинг кўнгли аллақандай хира тортди.— Эй, одамлар... Ахир, Тошқўрғондаги воқеа ҳали ҳеч кимнинг хотирасидан кўтарилган эмас-ку. Энди бир йил бўлибди ўша воқеага».

Тошқўрғон... Шу ном ҳам мос эмас. Бу хўжалик чорвачиликка ихтисослашган бўлса, нимаси Тошқўрғон бўларкан? Қадимда шу хўжалик территориясида бир қўрғон бўлган. Ҳозир ҳам сўппайиб турибди. Моллар чиқиб-тушаверганидан, бунинг устига маккажўхори далаларидан, безазорларидан чиққан поёноб сув атрофига тўпланиб қолаверганидан бу қўрғон деярли ер билан барабар бўлиб қолган. Тошқўрғонлиги ҳам қолмаган энди. Бу совхозга асли «Оқ булоқми», «Чашма»ми деб ном берса бўларди.

Шу хўжалик директори «сахий»ликда тенги йўқ одам чиқиб қолди. Совхоз меҳмонхонасига ошпазнинг нима зарурати бор эди? Ҳалати одамларимиз бор-да. Райондан, областдан, турли ташкилот ва муассасалардан хўжаликка ташриф буюрган кишилар меҳмон бўлиб, директор номига олам-олам таҳсинлар айтиб кетаверишган. Бир гал ревизорлар меҳмонхона харажатларини ҳисоблаб ҳайратда ёқа уш-

лаганлар. Бир йилда ўн минг сўм харажат! Бир қулинг ўргилсин бино курса бўларди бу пулга. Иш терговга ошди. Терговда директорнинг бу «сахий»лиги соясида кўп қаллобликлар яшириниб ётганлиги аниқланди.

Харажатни қоплаш учун ҳатто мукофот пулларида бир қисми ўзлаштирилган экан. Не бир сўқимлар гўштликка сўйилиб, ўрнига арзон-гаровга бузоқ сотиб олиб қўйилган. Бундай мисоллар кўп. Эсла-са, соч тикка бўлиб кетади.

Хўш, бундай одамгарчиликнинг нима кераги бор? Меҳмонни уйингга таклиф қил. Ана, қанча зиёфат қилсанг, ихтиёринг ўзингда. Бутун бир хўжаликнинг ҳамёни ҳисобига зиёфат! Ақлга сизмайди?

«Шарқ юлдузи»дагилар унутиб қўйишганга ўхшайди ўша воқеани. Дуппа-дуруст обрўга (ўша обрў-эътиборни ҳам зиёфат билан сотиб олган экан-да, баччағар) эга бўлган директор ҳозир Учқудуқда нон-насибасини териб еб юрибди. Партком секретари ҳам ишдан кетди. Бухгалтер қамалди. Шу воқеани партком секретарига, сўнгра Ҳамидовга бир эслатиб қўйса-чи! Ҳамидов йўқ ҳозир, лекин эрта-индин келиб қолади. Бир бориб кўриши керак эди ўша одамни. Вақти бўлмапти-да. Қандай тонг отиб, кун қандай ботганини ҳам илғаб олмаётир. Кунлар жуда тез ўтаяпти. Зиқ пайтлар бошланаётир. Ҳа, бўпти! Ҳозир эслатмайди. Урни эмас, бу жой. Четдан одамлар бор. Бари бир, бу зиёфатни исрофгарчилик эмас, одамгарчилик, иззат-ҳурмат деб тушунишади.

Жабборов қистай-қистай зиёфатни анча қисқа қилди. Тайёр таомлар дастурхонга қўйилди. Қолгани қолди. Ташқарига чиқиб, бир оз тоза ҳаводан нафас олдилар. Шунда Жабборовнинг миясига бир фикр келди: Обком вакиллари техника ремонтини аҳволи билан танишиб чиқишди. Энди нима иш қилишаркин? Жўраевдан, колхозга эҳтиёт қисмлар етказиб беришда ёрдам беринг, деб илтимос қилса-чи? Бўлади.

Жўраев райком секретари хаёлидан нималар кечаётганини сезгандек:

— Аҳвол билан танишдик. Ҳаммаси равшан. У-бу маълумотларни тўплаб олиб, справка ёзамиз. Аҳволни очиқ айтамыз. Партком бова хафа бўлмайдилар-да энди,— деди.

Партком секретари кўзларини йилтиллади, жилмайиб қўйди. Бу жилмайишда «шунча ташвишлар, зиёфатлар эвазига шуми қилган ҳимматингиз?» деган маъно бордек эди.

— Сиздан бир илтимос,— деди Жабборов Жўраевга яқинроқ келиб.— Шу колхозга бир ёрдам қўлни чўзсангиз. Бош инженер базага кетибди. Рўйхатдаги эҳтиёт қисмларни олиб қайтса. Бу, икковлари ҳам сизларда ишлайдиларми?— ёш йигитларни кўрсатди у.

— Ҳа, бизда,— деди Жўраев.— Икковлари ҳам инженер.

— Укажонлар, хўп десаларингиз, сизлардан ҳам бир илтимосим бор. Партком яп-янги коржомга топиб беради. Ремонт ишларига қарашиб юборсаларинг.

Йигитлар бир-бирларига қараб олишди.

— Биз вакилмиз, ахир!— деди улардан бири.

— Биламан, биламан, укажон. Вакил дегани ёрдам бериши керак-да. Хафа бўлманг-ку, вакил нуқсонларни кўриб, справка ёзгани билан техника тахт бўлиб қолмайди. Қўлларингдан иш келадиган йигитлар экансизлар, енг шимариб, бир ёрдам беринглар, ахир! Илтимос-да!

Йигитлар бошқа эътироз билдириб ўтирмадилар. «Ҳа, майли, бугун ўтса, яна беш кун қоларкан. Ёрдам берсак бердик-да», деб рози бўлишди. Жабборов уларни елкаларига қоқиб, раҳмат айтиб қўйди.

Жўраев партком секретарининг машинасида область марказига жўнади. Йигитлар ичкари киришди.

Жабборовнинг бу ишдан партком секретари ҳайрон эди. «Булар обкомнинг вакиллари-я! Жабборов ким билан ўйнашапти? Ақли-ҳуши жойидами унинг!» Партком секретари унга ҳадик аралаш бир-икки қараб қўйди. Олдинлари колхозга бундай одамлар келгудай бўлишса, раисдан тортиб бригадиргача уларни кўнглини овлашга тиришар эди. Бир жойдан туриб, иккинчи жойга ўтиларди. Ҳаммасида ҳам дастурхон тўла ноз-неъматлар бўларди. Қўй сўйилган, ошлар дамланган, коньяклар очилган бўларди. Жабборов нега бундай қилди-я!..

— Вакиллардан дурустроқ фойдаланиб қолинг, ўртоқ партком,— деди Жабборов.— Бир соатлик иш учун олти кун ўралашиб юришмоқчи! Қайтиб кетишолмайди. Гапдан кўрқишади. Уларнинг чой-нони деб, сиз ҳам ишдан қоласиз. Шундайми?

— Э... Энди...— мингирлади партком секретари.

— Ёки ташвишидан қочмайсизми?

— Раис хўп деса, ташвиши бўптими?

— Бугунги зиёфат-чи. Раис биладими?

— Билди. Ўзи айтди.

— Хеҳ! Тинч даволанавермайдими? Ўзи айтди! Нима деди, Жабборов келса, меҳмон қил, дедими?

— Йўқ, ўзи ҳам қатнашмоқчи эди. Тобим қочаяпти, деб кетиб қолди.

— Ана, гап! Келди, денг?

— Келди. Соппа-соғ эди. Кейин... кетаман, деди.

— Яна нима деди?

— Ҳеч нима...

— Яширманг!..

— Йўқ-йўқ... Менинг тобим қочганини айтманг, Жабборов хафа бўлиши мумкин, деди, холос!

— Ҳа, хўп!— Жабборов тилида шундай деди-ю, аммо дилидан «учрашишни истамаган», деган фикр лип этиб ўтди.

Унинг кўнгли хуфтон бўлди. Ҳамидов нега унинг бу колхозга келишини била туриб кетиб қолди? Нега дачада бунча ташвиш қилдирди? Юрагида бирон гапи йўқми уни? Мен ўрнига келганимга адоват қилиб юрган бўлса-чи! Балки ўгли тенги секретарь билан гапиришиб ўтиришни ўзига эп кўрмаётгандир? Колхозда иш ўлда-жўлда. Шу туфайли гап эшитишдан ҳайиқиб, ўзини олиб қочиб юрган бўлмасин тагин? Йўқ, у бу ҳақда ўйламайди. Агар ремонт масаласида қайгурганда эди, бу ишга ўзи бош-қош бўлиб турарди. Худди Норқобилов сингари. Эҳтимол, эрта-индин экин-тикиш ишлари гуркираб авж олиши ҳақида ҳам ўйлаб кўрмагандир? Хўш, нияти нима, бўлмаса?

У машина ўриндиғига қарийб ётиб олди.

— Абдихалил, ука, секинроқ, ҳайда. Қаёққа шошяпсан?

Шофёр эса ҳозир қаёққа боришаётганини ҳам билмасди. Жабборов унга бориш жойини айтмаганди. Шунинг учун ҳам у теп-текис йўлдан машинани елдек учириб борарди.

Жабборовнинг хаёлини яна мулоҳазалар эгаллади.

...Нега, бўлмаса, у Жабборовдан ўзини четга олиб юрибди! Абдихалилдан сўрасинми ё? Э... э! Тўхта! Тўхта! Дилингдагини тилингда чиқаришдан олдин танангга дурустроқ ўйлаб кўр, Жабборов! Шофердан Ҳамидов ҳақида сўраш... Сен кимсан? Райком секретаримсан? Нега кимлигингни унутиб қўяётирсан? Раҳбар одам шоферига бўлган-бўлмаган гапларни айтаверадими? Шоферга айтиладиган гап бор. Умуман... Ҳозиргина кўнглингда кечган ўйларинг, Ҳамидов ҳақида-

ги айбномангни исботловчи нима далилинг бор? Бу — бир. Иккинчидан, сен икир-чикир мулоҳазаларинг билан диққатингни четга торта-япсан, одамлар ҳақида нотўғри хулосаларга келяпсан. Бир одам ҳақида ўйлаш, унинг яхши-ёмон томонлари ҳақида мулоҳаза юритиш — бу хулоса эмас, ҳали... Э... сенга шундай майда-чуйда мулоҳазалар ҳам ярашмайди. Ҳе! Нима райком секретари роботми! Нега у ҳис-ҳаяжонга берилмасакан! Нега у турли мулоҳазаларга бормасакан!

□

...Жабборов бенхтиёр кўкка қаради. Эрталаб от ёлидек тарам-тарам бўлиб турган булутлар қалинлашибди. Аму усти қоп-қора. Қора адир тоғи туман ичида қолгандек қорайиб турибди.

Об-ҳаво бюросидан бирон хабар келдимикин? Экишни апрелга қолдирмаса иш чатоқ. Район ҳали экишга тайёр эмас. Буёғи яна иш-кал. Баҳор ҳавоси тутуруқсиз. Гоҳ ялт этиб, қуёш чиқади, гоҳ шаррос ёмғир қўйиб беради. Баҳорда деҳқон учун бир юмуш — ерга уруг ташлаш қолиши керак эди, холос. «Оқ олтин»да-чи? Минг иш! Қаёққа қараманг, иш, иш... Ҳаммаси чала-ярим. Бири бошланиб, иккинчиси ташлаб қўйилган. Хўп, об-ҳаво бюроси нима каромат қилдйкин?

У шоферга райком биноси олдида бир пас тўхтаб, кейин «Янги рўзгор» колхозига кетажакларини айтди. Кабинетига кирса, у-бу ишлар билан ушланиб қолишини ўйлаб, шоферни тепага чиқариб юборди. Шофер зум ўтмай, қайтиб тушди. Бир неча варақ қоғозни Жабборовга узатди. Жабборов худди ноёб қўлёзма топгандек ҳамма нарсани унутиб, қоғоздаги ёзувни ўқий бошлади.

«Оқ олтин райкомига,
ўртоқ Ҳ. Жабборовга.

Сизнинг илтимосингизга кўра, область об-ҳаво бюроси кейинги ўн йилда март-май ойларида Оқ олтин райони бўйича ҳаво ҳаракатини ўрганди. Биз қуйидаги маълумотларни аниқладик (характерли даврларни берячимиз):

Март. I ва III декада — қаттиқ жала, дўл, шамол.

Апрель. I декада — сийрак дўл, шамол.

Май. I декада — ёмғир, баъзан шамол.

Эслатма: кўп йиллик кузатувлар Оқ олтин райони территориясида ҳар йили баҳор ойларида (асосан март ойи ва апрелнинг биринчи ўн кунлигида) уч-тўрт марта қаттиқ жала ва дўл ёғиши мумкин, деган хулосага олиб келмоқда. Шамол эса йилнинг 170—200 кунда эсиб туради. Ҳар йили 50—60 марта «афғон шамоли» кўтарилади.

Область об-ҳаво бюроси бошлиғи
Петрова Н. Г.»

Аҳ-а! Демак, апрелнинг учинчи ҳафтасида ерга уруг ташланса, хавф-хатарга чап бериш мумкин. Тахминан, 12—13 апрелда команда бериб юборилса. Бутун куч экишга қаратилса. Ҳамма имконият, ҳамма резерв бу ишни атиги ўн кун ичида тамомлашга жалб этилса. Шундай қилса бўлади-ку. Ёки руҳсат беришмасмикин?

Жабборов ҳозироқ Хидир Муродович ҳузурига жўнамоқчи бўлди. Лекин бу ўйидан шу заҳотисёқ қайтди. У ҳозиргина ўйлаган режасини амалга ошириш учун ҳам, бари бир, техника керак эди.

«Оқ олтин»даги аҳвол билан эса Хидир Муродович яхши таниш. Шунинг учун у бу масалани бир-икки кун ўтгандан кейин обком

секретари олдига қўймоқчи бўлди. Ҳозир у бирров «Янги рўзғор»га кириб чиққани маъқул.

Баъзан етти ўйлаб тушингга кирмаган воқеаларнинг устидан чиқиб қоласан киши, Жабборов «Янги рўзғор» колхозига келиб, ранси суриштирган эди, бухгалтерияда чўт ташлаб ўтирган бир киши раиснинг колхоз меҳмонхонасида эканлигини айтди. Меҳмонхонани Абдихалил биларкан. Шу сабабли, у раисни идорага чақиртириб ўтирмади.

Машина меҳмонхона дарвозасидан киргач, беш-олти киши бирин-кетин ташқари чиқди. Райком секретарининг «Волга»сини кўриши билан қимдир ўзини четга олди, кейин шу қиёфа яна одамлар олдида пайдо бўлди. Жабборовнинг диққатини дарров ўша одам тортди. У ўриндиққа ияк тираганча машинанинг олд ойнаси оша безовталаниб қолган ҳалиги одамга синчиклаб тикилди. Танигандек бўлди. Ҳайдарали Ҳамидович? Шофер меҳмонхона эшигида серрайиб турган одамлар томон бош қимтиб, «Ҳамидов ака» деб қўйди. Жабборов на ҳа, на йўқ, деди. Аммо миясига «нима қилиб юрибди бу одам буёқларда?» деган савол урилди.

Шофер машинани бино йўлагига бурмоқчи бўлди. Жабборов унинг елкасига қўл ташлади. Машина илкис бир силкиниб тўхтади. Ҳар қандай киши ҳам бир қарашдаёқ бу ер дид билан обод қилинганлигини кўриши мумкин эди. Меҳмонхона айвони деворларига турли суратлар солинган, остона майдони теп-текис, бетон плиталар тўшалган.

Ток шохлари ишқомларга кўтарилиб, тарам-тарам ёйилган. Нарироқда каттакон ҳовуз. Ҳовуз атрофида чинорлар қад кериб турибди. Ҳовуз билан ёнма-ён биллиардхона. Унинг эшиги ланг очиқ. Уч-тўрт киши биллиард ўйнамоқда. Уша хонадан гурр кулги кўтарилди. Қимдир «О, қойил! Яна битта! Мана-мана!» деди баланд овозда. Эрматов биллиардхона томон қўл силтади. Қимдир эшикдан бош чиқарди-да, лип этиб ўзини панага олди. Биллиардхона эшиги аста ёнчиллаб ёпилди.

Жабборов ҳеч нарсани пайқамандек, остонада турган одамлар томон юрди. Шу пайт эшикда бир киши пайдо бўлди. У ўзини зўрға тутиб турарди. У кўзларини сузиб, Жабборов томон қаради ва учишга ҳозирланган бургутдек қўлларини кенг ёйиб юборди: «Ҳа, акам, қадрдоним Жабборов! Ҳа-а-ким Ҳай-дар-ович, акам! У бир томонга тентираб кетди. Айвон устунини қучоқлаб олди ва яна «акам!» деб бақирди хириллоқ овозда, қўл чўзиб кулди.

Бу телбанамо ҳаракатдан ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Жабборов «бу нимаси?» дегандек «Янги рўзғор» колхозни ранси Эрматовга қараб қўйди. Эрматовнинг йилтиллаб турган юзи қизариб кетганди. Унинг бурни учидан тер дончалари пайдо бўлди.

Ҳамидов эса «бу томошага менинг алоқам йўқ», деган сингари ўзини четга олиб турибди. У устунга суянганча «Энди нима бўларкан» дегандек кўзларини чақчайтириб турган ҳалиги киши томон қараб-қараб қўярди.

Жабборов бу йигитни танирди. У область қишлоқ хўжалик бошқармасида ишларди. Бир-икки марта обкомга справка олиб борган. Унинг қаршисида турган икки киши ҳам таниш. Бир қоракўлчилик трестидан, иккинчиси эса бошқармадан, Жабборов уларни таниса-да, танимасликка олди, улар колхозга келиб, ёрдам бериш ўрнига кайф-сафо қилиб юришса-ю, Жабборов уларни елкасига қоқиб, «хуш келибсанлар!» десинми!

— Қим бу?— сўради Жабборов атайин.

— Бошқармадан,— деди ўртада сукут сақлаб турган киши.

— Меҳмон-да,— минғирлади Эрматов.— Келишган эканлар.

Жабборов тўрт-беш қадам нарида нима қилишини билмай турган кишиларни кўрсатди.

— Сизлар-чи?— кейин у Эрматовга қаради.— Бу ўртоқлар қаердан?

— Булар... шу ердан...

— Қолхозданми?

— Райуправлениедан.

— Ердамга келишган денг?

Эрматов ерга қараб қолди, туфлиси учи билан ер чизди.

— Мен кетдим...— минғирлаган овоз эшитилди.

— Бу Ҳамидовнинг овози эди. Жабборов ялт этиб унинг юзига тикилди. Сал озибди. Пешонасидаги ажинлари чуқурроқ тортибди. Лекин юзи хўроз тожидек қип-қизил. Ароқ ёқмаскан бу одамга. Дарров белги бераркан. Асаби ҳам таранг... Ҳамидов биллиардхона ортидаги майдончада турган машинаси томон юрди. Шунда Эрматов синиқ овозда деди:

— Ҳайдарали ака, тўхтаг.— У тўхтагач, Эрматов Жабборовга мурожаат қилди.— Ҳаким Ҳайдарович! Илтимос... Бир пиёла чой... «Ана, ўрни келди!». У Ҳамидовни кўргач, машинада миясига урилган фикрларни қандай айтишни билмай турганди.

— Раҳмат!— деди Жабборов лўнда қилиб.— Меҳмондорчиликдан келяпман. «Шарқ юлдузи»дан!

Ҳамидов «Шарқ юлдузи» номини эшитгач, бошига таёқ тарс этиб теккандек, беихтиёр елкасини қисиб, бўйни ёқасига сиғмай, кўйлак тугмаси чирт узилиб, оёғи тагига тушди. У хайр-маъзурни ҳам унутиб, тез-тез юриб машинаси томон кетди.

Ҳамма унинг изидан қараб қолди. Эрматов эса кўзларини катта очган, ўнг қўли эса худди ўйнаётган раққосаники сингари ҳолда турарди. У токи машина кабинаси тақ этиб ёпилиб, мотор овози гуруллаб эшитилгунга қадар шу ҳолатда қолди. Бу Жабборовнинг кулгусини қистатди. Ҳар ҳолда ҳозиргина бўлган вазиятни — ноқулайликни бир қадар юмшатиш учунми, у «Э, огайни, Эрматов!» деб кулиб қўйди ва шу куйда:

— Бир пиёла чой бўлса, олиб келинг, ичаман,— деди.

Эрматов унсиз, ичкарига таклиф қилди. Жабборов «Йўқ, шу ерга», деб қўйди. Эрматов югургилаб ичкари кириб кетди. Сўнг яна шундай шашт билан чиқиб, ҳовлидан бери айвон устунига суяниб турган меҳмон йигитни қўлтиғидан суяб, ичкарига бошлади. Бу орада райондан келган «меҳмонлар» ҳам жўнаб қолишди. Жабборов қаршисида турган икки киши деди:

— Сизларни эрталаб ишга етиб келишсин, дейишаётганди. Катталардан рухсат олишибди.

— Тез!..— хавотир аралаш Жабборовга қаради улардан бири.— Жуда тез!

— Зарурдир-да,— деди иккинчиси.

— Справка дейишмадими?

— Йўқ, справка керакмас, шекилли,— деди Жабборов ва яна ўйлади: «Мен буларни чалғитиб нима қиламан. Тўғриси айтман-да-қўяман».— Рбсти гап, бизга вакилни кераги йўқ. Районда одам етарли. Ким сўраса, мени айтасиз, Жабборов рухсат берди, дейсиз...

□

У папкадаги хатларни бирин-кетин кўздан кечира бошлади. Хатлар ҳар хил эди. Биров у, биров бу нарсани ҳал қилишга райкомнинг аралашувини илтимос қилганди. Хуллас, ҳамма райкомни таниб ол-

ди. Бир уруш инвалиди РайПО раисидан нолибди. «Молимга емиш йўқ. РайПО раисига борсам, колхоздан олинг, дейди. Бирон, 500 килограмм комбикорма олишга ёрдам берсангиз», деб ёзибди. Ана, райком ҳатто шу иш билан ҳам шугулланиши керакмикан?

Жабборов райПО раисига телефон қилди.

— Уртоқ Бўриев?

— Ҳа, менман. Эштаман, Ҳаким Ҳайдарович.

— Қанча комбикорма бор?

— Бир вагон.

— Ҳа. Бир ҳафта бўлди, турибди.

— Нега турибди? Олувчи йўқми?

— Олувчи кўп, Ҳаким Ҳайдарович. Эшниёз ака, сал кутинг, дедилар.

— Кутиб нима қиласиз? Чиритмоқчимисиз ё?

— Йўқ... Рухсат олайлик, дедилар.

— Қимдан?

— Сиздан.

— Мендан?

— Ҳа, сиздан.

— Ё тавба-ей! Мендан қандай рухсат керак экан? Нима деярсиз, ўзи? Сиз жавоб берасиз! Жабборов ҳам, Эшниёзов ҳам жавоб бермайди. Шуни яхши билинг... Бугуноқ дон дўконларига тарқатинг. Биринчи навбатда, инвалидларга сотишни таъминланг.

— Хўп, Ҳаким Ҳайдарович.

«Одамлар жуда ғалати-я, мулоҳаза қила бошлади Жабборов.— Илкони бўлса, ўзларини жавобгарликдан олиб қочишга ҳаракат қилишади. Ахир, унинг бурчи-ку, шу иш! Бурчи эканлигини яхши тушунади, аммо бари бир, биронтанинг соясида туриб, қуёш тифидан яширинишга уринади».

Эшниёзовга райПО раиси вақтида ахборот берган. Эшниёзов эса ўзи фармойиш беришдан чўчиган. Нега чўчийди? Ахир, райПО исполкомга бўйсунувчи ташкилот-ку? Эҳтиёткор одам-да, жуда эҳтиёткор! Бундай кишилар доим тегирмондан бутун чиқади. Бундайларни яхшига ҳам, ёмонга ҳам қўшиб бўлмайди».

У энди телефонда райисполком раиси Кўчар Эшниёзов билан сўзлашмоқда эди.

— Кўчар Эшниёзович, савдо ишлари билан исполком шугулланади, шекилли?

— Ҳа, шундай. Нимади, Ҳаким Ҳайдарович?

— Бир ҳафта бўпти, олтмиш тонна комбикорманинг келганига. Сотирмабсиз. Мендан рухсат олмоқчи бўлсиз. Менинг қўлимда эса тўртта хат турибди. Инвалидлар ёзишган. Райкомдан илтимос қилишибди, комбикорма олишга ёрдам беринг, дейишипти.

— Бугуноқ ҳал қиламиз, Ҳаким Ҳайдарович.

— Ҳал бўлди энди!— Жабборов ижроком раиси билан тезроқ гапни тугатиш ниятида деди.— Савдо исполкомни иши. Сизни бир отделениега. Райкомни аралаштирманг бу ишга.

□

Эшик аста очилди. Остонада «Шарқ юлдузи» колхози раиси Ҳамидов кўринди.

— Мумкинми?

Жабборов «мумкин, кираверинг», дейиш ўрнига жойидан туриб эшик томон юрди. Ҳамидов бу кабинет билан хайр-хўш қилгандан бери унга биринчи бор кириши эди. Кабинетда ҳеч нарса ўзгармагандай. Ҳаммаси жой-жойида. Ҳатто телефонлару, қаламдонлар ҳам. Фа-

қат... унинг юзлари қизариб кетди. Қўл узатиб ўзи сари келаётган Жабборовга қараб, «бу ҳурматми, ёки шунчаки йўлига қилинаётган ҳаракатми?» деб қўйди. Ҳар ҳолда Жабборовнинг унга пешвоз чиқишини ўзича тушунди: «Бу аломат одам, унинг билан келишиб ишлаган масам бўлмайди, дегани бу. Бўйин эга бошлабди. Ойлар, соатлар уни шундай мўмин-қобил қилиб қўйсинки! Келган кунлари бир тез кетди-кетди-да. Ўзиям эти сўнгагига ёпишиб қолибди...»

□

Ҳамидовнинг райкомга келишига бир маслаҳат сабаб бўлганди. Бу фикр асли Эшнӣёзовдан чиқди. Жабборов баҳорда — экиш-тикиш ишлари бошланиб кетгач, райком бюро аъзоларини тўплаб, ҳар бир масъул ходимни бир хўжаликка биркитиб қўйди. «Биз,— деди Жабборов ўшанда,— райондаги ҳамма раҳбарларни хўжаликларга юбориш имкониятига эга эмасмиз. Уларнинг ҳам ўз ишлари бор. Сизлар ўзингиз вакил бўлган хўжаликка ҳар томонлама ёрдам беришингиз керак. Четда назоратчи бўлиб қолманг. Четдан назорат қилиш ҳаманинг ҳам қўлидан келади».

Жабборов райондаги энг қоқоқ хўжалик — «Янги рўзғор» колхозига оталиқ қилишни ўз зиммасига олди. Эшнӣёзовга эса «Шарқ юлдузи»ни берди. Шундан кейин Эшнӣёзов колхозга бориб, кўрпатушак қилиб олди. Жабборов исполком раисини қачон суриштирмасин, котиба қиздан: «колхозда, вакил бўлиб юрибдилар», деган жавобни оларди. Бир кун атайин «Шарқ юлдузи»га борди. Ҳамидовни ҳам, Эшнӣёзовни ҳам топа олмади. Идора ходимлари ҳам зарбдор бригада тузиб, чорва учун ем-хашак тўплашга чиқиб кетишган эди. Охири йўлда партком секретарига дуч келди. Йўл устида гўзанинг аҳволи ҳақида бир пас сўхбатлашиб олдилар. Гап орасида у Эшнӣёзов ва Ҳамидовнинг тоққа «чорвадан хабарлашиб қайтиш учун» кетишганини билиб олди.

Эрталаб Жабборов ижроком раисини яна суриштирди. Трубкани қабулхонада навбатчилик қилиб турган қиз кўтарди. У Эшнӣёзовни сўрагани, олдин «колхоздалар» деб жавоб берди-ю, сўнгра «э, мана ўзлариям кеп қолдилар», деди.

Эшнӣёзов кабинетига кириб, телефон трубкасини кўтаргунча Жабборов кутиб турди. У трубкада «да!» деган овозни эшитиши билан сўрайдиган нарсасини ҳам унутиб:

— Қаерларда юрибсиз, Кўчар Эшнӣёзович? — деди.

Эшнӣёзов бундай саволни кутмаган эканми, бир зум нима деяри билмай, довдираб қолди. Охири, узук-юлуқ қилиб:

— Қолхозда-да... Қолхозда эдим... — деди.

— Қолхоз узоқ эмас-ку, ахир?

— Ҳаммаёқни камчилик босиб кетган, Ҳаким Ҳайдарович. Айтиб тузаттиролмайсан, киши.

— Кеча излаб тополмадик?

— Кечами? Қирда, ҳў, билсангиз керак. Сопка деган жойда, ўша бригадага ўтгандик.

Жабборов ўзини тутиб туролмади.

— Чалғитманг, мени! — у «алдаманг» демоқчи эди, аммо тили бормади.

— Йў-ў-ўқ...

— Қиргамас, тоққа кетгандик, денг, мен ишонай.

Гап узилди. Эшнӣёзовнинг томоғига нимадир тиқилиб қолгандек бўғилди. Бир зумда аъзон баданини жиққа тер босди. Бўшашиб, стулга ўтириб олди. «Бу одам қўймайди, энди тамом,— ўзича ўйлай бошлади Эшнӣёзов.— Уч-тўрт кишининг изига тушган. Уларни пайини қирқмай тинчимайди, шекилли. Қирқиб бўпсан!..»

Аслида-ку, Эшниёзовнинг ўз режаси бор эди. Бу режани Жабборов келган дастлабки кунлари дилига тугиб қўйганди. Бироқ, орада анча-мунча ўзгаришлар бўлиб кетди. Расул Бобоевич бу режанинг бош ижрочиси бўлиши керак эди. У қилди, бу қилди, ҳеч бўлмагач, жуфтакни ростлаб қолди. Жабборовга нисбатан бир олам дард-адорилди. Бу Эшниёзовни анча ўйга солиб, дамини ичига тушириб юборди. Бундай қалтис ва нозик пайтда пистирма яхши иш бериши мумкин, деб ўйлади у. Жабборовга ўзини яқин олиб, унинг сир-сифатларини билиб олиш пайда бўлди.

Эшниёзовга янги котибнинг талабчанлиги ёқмасди. «Ўзи ёш-у, баланддан келади, кеккайгани кеккайган. Жуда билимдон чоғлайди ўзини, деярди. Яна бир ёқмаган томони, Жабборов шу районнинг одами эмасди. Эшниёзовга қолса, ҳамма раҳбарлик ишларига «Оқ олтин»да туғилиб-ўсган, бунинг устига, ўзига яқин бўлган кишилардан тайинларди. Эшниёзовнинг ҳеч кимга сездирмасдан уруғ суриштириш одати ҳам бор эди. Жузни четроққа суриб, атрофига кўпроқ кўнғирот элатидан тортишни ўйларди. Жабборов унга чап берди. Унинг ўй-режалари бирин-кетин пучакка чиқа бошлади.

Эшниёзов ўзидан ҳам хавф ола бошлади. Унинг ишонган одамлари энди бюро составида йўқ эди. Унинг таклифлари олдингидай енгилгина ўтиб кетавермасди. «Бир фалокат бўлса-ю, Жабборовнинг бошига чанг ёғилса, уни тўфонга айлантириш мумкин эди», дея ўйларди у.

Эшниёзовнинг қўли ишга бормай қолди. «Қирга эмас, тоққа кетгандик, денг, мен ишонай». Жабборовнинг бу сўзлари унинг бошини ғувиллатиб юборди. Қаердан эшитдйкин Жабборов? Еки партком секретари етказдимикин бу гапни? Жабборов бошлаб қўлга туширди-ку. Буни алами бир умр кетмас. У ҳеч вақт бу қадар ўсал бўлмаганди.

Кечқурун у колхоз меҳмонхонасида Ҳамидов билан ўйчан суҳбатлашиб ўтираркан:

— Ҳайдарали ака, сиз нима бўлсаям, бу одам билан алоқани яхшилашингиз керак. Жуда ичига кириб кетиш лозим,— деганди.

— Унга яқинлашиб ҳам бўлсиз.

— Яқинлашиш мумкин. У одам билан иш ҳақида кўпроқ гаплашиш керак. Янги-янги таклифлар билан ҳузурига борган кишини ўлгудай ёқтиради.

— Кўзимга итдай кўринади. Нима дейман унга?

— Бирон гап топарсиз. Таклиф деганлари, нима, анқонинг уруғимиди? Масалан, техника, сув, ўғит...

— Топамиз. Хийланинг думи йўқ-ку!

Ҳамидов аввалги мавқеини энди ҳеч қачон қайтариб ололмаслигига ишонарди. Жабборовнинг эса обрў-эътибори кун сайин ўсиб бораётган эди. Районда кўпчиликнинг диққатини тортадиган анча-мунча ишларни қилиб қўйганди. Ихота дарахтлари амал олиб, ям-яшил бўлиб қолганди. Дарахтлар орасига экилган беда, бодринг, қовун-тарвуздан яхшигина ҳосил олинганди. Хидир Муродович ҳамма район ва хўжаликлар раҳбарларини йиғиб, ихотазорлар ташкил қилиш бўйича оқ олтинликлар тажрибасини ўрганишга даъват этди. Бу Ҳамидов эсини танигандан бери районда ўтказилган энг катта йиғилиш эди. Сўнг «Кўкдала» совхози тузилди. Канал қазиб, сув чиқарилди. Янги ерлар ўзлаштирилди. Ҳамма хўжаликларда қурилиш бригадалари ташкил қилиниб, шийпонлар, уй-жойлар қуришга киришдилар. Буларнинг биронтаси ҳам Ҳамидов даврида бўлмаганди. Буларни у ўз кўзи билан кўриб турарди.

Аммо Ҳамидовнинг назарида, райком секретари кўп вақтини пахтадан бошқа масалаларга қаратаётгани. У бундан хурсанд эди. «Шийпон-у ихотасиз ҳам иш кетаверади. Аммо пахтани иккинчи планга туширган раҳбарнинг бошида кўп таёқлар синади. Майли, Жабборовнинг бу хатосини билса ҳам билмаганга олади у. Бир тавбасига таянсин...»

□

Ҳамидов Жабборовнинг хаёлпаршон ўтиришига, сўлғин тортиб турган афт-ангорига қараб, «тавбасига таяна бошлабди-ку», деб қўйди. Гапни нимадан бошлагани маъқул? Олдин узр сўраса-чи?

«Энди тушундим. Тўғри шу пайтгача юракда зиғирдай иллат бор эди. Инсон зоти шунақа-да. Ҳаммасини бирданига тушуниб етмайди». деса-чи. Бу билан у айбига очиқ иқрор бўлган бўлади ва Жабборов қалбига ишонч уруғини сочади. Вақти-соати билан бу уруғ униб, ҳосил бериб қолиши ҳам мумкин.

Йўқ, Ҳамидов суҳбатни узоқдан бошламайди. Эзмалик дарров одамнинг меъдасига тегади. Эзма одам билан бир учрашган киши бошқа дуч келмасам, деб юради. Ҳамидов ҳам эзма нусхаларни кўп ёқтиравермайди. У кучлиман деганлар билан олишишни ёқтиради.

Секретарлик пайтида Ҳамидов қолоқлар четда қолиб, илғорлар билан суришиб кетарди. Олдинги йили Норқобилов планни районда биринчи бўлиб бажарди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, «Октябрь» колхозида йиғим-теримнинг аҳволи масаласини бюро муҳокамасига қўйди. Унинг иш услуги ўзига хос эди. У «карвоннинг олдига тушиб бораётганларни саваласам, қолоқлар тегишли хулоса чиқариб олишаверади», деб ўйларди. Натижада қолоқлар ким, илғор ким билиб бўлмасди. Илғорлар аччиқ-аччиқ гап эшитгандан кейин кўпчилик олдида изза бўлиб, ишни сусайтириб юборардилар. Жабборовнинг эса Норқобиловни ҳадеб мақтайвериши Ҳамидовга ёқмасди, «бир киши илғор бўлгани билан район илгарилаб кетармикин», деб қўярди. Мана, унинг айтганлари аста-секин исботланяпти. Районда гўзанинг авжи паст. Теримга тайёргарлик ҳали ўтган йилги даражага етгани йўқ. Гапни, торшиси, ана шу масалалардан бошлагани маъқул. Энди минг наъра яртган билан бу қолоқликни тузатиш амри-маҳол.

— Мен бир нарсдан ёмон ташвиш тортаяпман,— деди Ҳамидов стулга жойлашиброқ ўтираркан.

Жабборов, «бу одамни ташвишлантириб, райкомга бошлаб келган нарса нимакин?» деган маънода унга зимдан қараб қўйди-да, жойидан туриб, Ҳамидов билан қарама-қарши томондаги стулга бориб ўтирди. «Бу, сенга билдирилаётган ҳурмат», дея кўнглидан ўтказди Ҳамидов.

— Қулогим сизда, Ҳайдарали Ҳамидович,— деди Жабборов.

— Кўнглингизга келмасин-у, мен бир нечта хўжаликни айланиб чиқдим. Ғўза кўп гул тўккан. Энг қуйидаги тўрт-беш гул йўқ, нобуд бўлган.

— Июль ҳосили йўқ, деяпсиз, шундайми?— бамайлихотир сўради Жабборов.

— Ҳа, саратонда буғланиш нормадагидан ортиқ бўлган. Ҳарорат элликдан ошди. Ана шунда, менимча, биз ашаддий хатога йўл қўйганга ўхшаймиз. Ғўза иссиққа тоб беролмай, сўлғин тортиб қолган. Парланиш кучли-да. Ҳарорат баланд бўлса, одам ҳам лоҳас бўлиб қолади-ку. Худди шундай, ғўзаям шалпайиб қолганди.— Ҳамидов столни бир чертди.— Биз эса ғўза чанқабди, дедик. Эгатларга шошилинч сув тарадиқ. Ердан қайноқ пар кўтарилди. Оқибатда, гул бандидан узилиб тушаверган.

Жабборов «у гапни энди айтасизми, эртароқ қаёқдайдингиз?» де-

моқчи бўлди. Лекин ҳар ҳолда, Ҳамидов умум иш учун куйиниб гапираётганидан-ку, деган андишага бориб, бу фикридан қайтди. Аслида Жабборов қаршисида ўтирган кишига шундай савол берганда, уни саросимага солиб қўйган бўларди.

Ҳарорат қирқ даражадан ошганда ғўза ривожланишдан, аниқроғи, ҳосил тугишдан тўхташини Жабборов илмий адабиётларда кўп ўқиганди. Аммо, иссиқ оқибатида ғўзанинг гул тўкиши ёки шона ташлашини, рости, билмасди.

— Бу фалокатнинг олдини олиш мумкинмиди?— вазмин оҳангда сўради Жабборов.

— Мумкин экан. Афсуски, мен ҳам сўнгроқ пайқаб қолдим. Асли-ку ўшанда тўғри айтганакансиз, шимолдан мадад кутиш керак экан,— устарада қириб, устидан ёг суртилган силлиқ юзини силаганча, тилла тишларини ялтилатиб илжайди Ҳамидов.

«Оҳ-о!.. Бир-у ноль. Аммо зап олди-ю!.. Сал кам икки ой бўлибди ўша можарога ҳам...» Ҳамидов ўтган ўша можарони эслаб қолди.

Июлнинг дастлаби ҳафтаси эди. Дарёнинг таги кўрниниб қолганди. Ҳамма, сув керак, деб зир югурарди. Жанжал кўпайиб кетди. Жабборов бу таллашиб-тортишишларга барҳам бермоқчи бўлди. Ҳар хўжаликка гектарига қараб, сув тақсимлаб чиқилди. «Шарқ юлдузи»нинг суви беш кубдан икки кубга туширилди. Шунда Ҳамидов қилди-ку жанжални! «Райком секретари атайин шундай қилипти. Менга ўчи бор бу одамнинг! Менга бир литр ҳам сув керакмас. Кимга керак бўлса, ана, олаверсин!» деган гапларни ҳам айтиб юборди.

Жабборов ҳеч нимани эшитмагандай:

— Олаверайликми? Кейин дод-вой қилиб юрманг,— деганди.

Ҳамидов эса кўзларини ўқрайтириб, Жабборовга еб қўйгудек бўлиб, бир қараб қўйганди, холос.

— «Ҳа-а, бериб бўпти сувни!»

Жабборов саволига жавоб бўлмагач, овозини бир парда баландлатиб, сўзини давом этказди.

— Нима, сиз шимолдан мадад кутасизми? Билиб қўйинг, шимолдан ҳали-вери сув келмайди. Аму билан Иртиш оралиғи икки минг километр. Ортиқча сув йўқ, Ҳайдарали Ҳамидович. Мен сизни ҳурмат қиламан, аммо узр, сувни кўпайтириб беришга ҳаққим йўқ.

Ушанда сув сарфини қаттиқ назорат қилишмаганда баттар бўларкан-да. Ҳамма сувга жон-жаҳди билан ёпишиб оларди. Иложини топган кеча демай, кундуз демай ғўзага сув тарайверарди. Оқибатда шу ҳосил ҳам бўлмаскан-а. Қаранг, деҳқончиликда деҳқон ҳалиям пайқаб етмаган сирлар кўп-а!

Жабборов ҳузурига кирган инструкторнинг қўлидан қоғозни олиб, имзо чекди.

— Демак, сугормаслик керакмиди?— деди кейин ҳамсуҳбатига юзланиб.

— Сугормаган маъқул эди. Энди шундай деяпмиз-да, гап-гапга улашаётганидан хурсанд эди Ҳамидов.— Бизнинг, ҳу, қир этагида, Осмонсойга яқин жойда, Сопканинг у ёнида йигирма-ўттиз гектар пахтамыз бор. Нарёгда чорва фермаси. Ариқ тўлиб оққанда сув зўр-га етиб боради у ерларга. Бригадир, нима қилай, ғўза чанқаб қол-япти, деди. Оғзимга келгани шу бўлди, гўнг солавер, дедим. Уям пухта бола эканми, ғўза қуриса, раисни ушлаб бераман, депти-да, пайқалга бир қарич қалинлигида гўнг тўкиб чиқипти. Ғўзам чанқаб қолди, деб оҳ-вой қилган бригадир ўн кун, ўн беш кун қарапти, ғўза япроқлари кундузи қуёш тигида шалпайиб, тунда яна яшнаб тураверибди. Билсангиз, Ҳаким Ҳайдарович, Осмонсой аригига сал кам бир ойдан кейин сув борди. Ғўза чидаб берди, қуримади. Гул ҳам, шонаям

тўкмади. Гўнг нам сақлайди-да. Буни деҳқонларимиз яхши билишади. Шундай бўлсаям, бари бир, сувга ёпишиб оламиз.

— Бу хатони энди тузатиб бўлмайди, Ҳайдарали ака,— деди Жабборов. У Ҳамидовни биринчи марта «ака» деяётган эди. Ҳамидовга бу жуда ёқиб тушди.— Бой берилган ҳосилни қоплаш учун нима қилиш керак?

— Дефолиацияни кейинга суриш керак,— шекилли,— деди Ҳамидов ва бу жавобидан ўзи ғоят қониқиш олди.

— Бу тўғри фикр. Биз август кўсакларидан юз фоиз пахта олишимиз лозим. Утган йили дефолиация қайси числода ўтказилганди?

— Биринчи сентябрда бошлагандик. Унинчи сентябрда рапорт бергандик.

— Эрта, жуда эрта бошланган.

— Тенг ярим ҳосил нобуд бўлди-да. Расул Бобоевичнинг гапига учгандик.

Жабборов ялт этиб суҳбатдошига қаради. Ҳамидовда ҳеч қандай қувлик аломатини сезмади: «Энди тушунибди шекилли».

Ҳамидов эса шу онда хаёлан деярди: «Бу дефолиация деган ба-ло унинг бошига бир жанжал олиб келсин-ки! Яхши сиртмоқ! Тилидан илинди, хумпар!»

Ҳамидов отган ўқи нишонга тегаётганлигидан ҳаволаниб, ўзини эркин тутишга ҳаракат қилди.

— Яна бир-икки ўйлаб юрганларим бор. Булар... Ердан фойдаланиш хусусида,— деди у.— Вақтингизни олмаяпманми, Ҳаким Ҳайдарович. Олдинлари райкомда қабул қилинган бўларди. Билишимча, қабул қилинган ёзиб қўйилган тахтачани ҳам олдириб ташлабсиз.

— Райком эшигидан келишса, қабул қилолмайман, деб айтишнинг ўзи ноқулай, Ҳайдарали ака. Сўнг, бир томони қишлоқчилик денг. Қишлоқ одамлари, ўзингиз биласиз, соат билан ишлашмайди. Улар зарур бўлгандагина бу ерга келишади. Шуни ўйлаб, денг...

— Ҳа, буям маъқул,— дея илжайди Ҳамидов.— Ер хусусидаги фикрим... Тартиб йўқ, Ҳаким Ҳайдарович. Кейинги уч йил ичида «Оқ олтин»да ер майдони бир ярим минг, шу йил, мана, бир минг икки юз гектарга кўпайди. Ер қанча кўпайса, исрофгарчилик ҳам шунча ошиб борапти. Бизни «Шарқ юлдузи»ни олинг. Қолхоз территориясида, икки-уч метр пастда катта шағал запаси бор эмиш. Қурилиш трести, билмадим, кимдан рухсат олган, меҳколлоннага буйруқ берипти: қумни шу жойдан олаверинглар, депти. Экскаваторлар ўрмалаб келиб, карьер қазиди. Энди машиналар турнақатор келиб-кетиб ётибди.

— Қувиб юбормадингизми?

— Қувиб бўладими, Ҳаким Ҳайдарович. Обкомгами, облизполкомгами, югургилаб боришади. Одамларга баҳона керак. Ўзлари йил-ўн икки ой планни бажаролмай юришади. Жўнаб қолинглар, десам, бас, ёқамдан ушлаб олишади, планни бажарилишига шу одам тўсиқ бўлди, дейишади. Э, қўйинг, галвадан узоқроқ юрайлик.

«Оббо, ана баҳона!»— ўйлади Жабборов.

У кимгадир телефон қилишни мўлжаллаб трубкани кўтарди. Аммо, нимадир хаёлига келиб, яна трубкани жойига қўйиб қўйди. Совий бошлаган чойдан пахта гуллик пиёлага қўйиб, Ҳамидовга узатди. Хонадаги конденсаторни ишлатиб юборди. Сўнг ўйчан бир вазиятда деди:

— Дарёдан ташиса бўлмасмикин?

— Расходи кўп бўлармиш. Узоқ, дейишади. Атиги, ўн олти километру, узоқ эмиш,— деди Ҳамидов. Овозида шикоятмуз бир оҳанг сезиб, хиёл нам тортиб қолди: «Ҳали буларга шикоят қилмасман».

— Қаранг-а, расход эмиш!.. Рельеф бузилса, майлимикан? Машиналар гўзаларга чанг ёғдираверсинми? Ким рухсат берди уларга?— Жабборов телефонда кимнидир излашга тушди.— Алло, мехколонна-ми? Уртоқ Навицкий, сизмисиз? «Шарқ юлдузи»дан карьер очишга ким рухсат берди сизга? Облисполком фармойиши бор? Қачон чиққан у фармойиш? Икки йил бўлди? Икки йил бўлса, энди очдиларингми? Ҳа-а, ўша жойдан олаверинг эди-да. Ҳамма жойни қазиб ташлайверасизларми?— у трубкани қўйди. Қўлларини ёйиб, ўзига-ўзи гапирарётгандек деди. Ўзимиз рухсат берганмиз. Улар берухсат иш қилишмайди. Законни яхши билишади.

— Ҳар ҳолда, тартибга солиш керакми, дейман,— мингирлади Ҳамидов.

□

Райком Собировни «Кўкдала»га юбориб адашмаган экан. У Жабборов билан ҳар учрашганида янги бир таклифни айтади, Жабборов хўп деб қолгудай бўлса, тамом, бурилгани қўймайди. Райкомга ҳам кириб келаверади, телефон ҳам қилаверади. Ишини битиргандан кейин эса бир неча ҳафта худди денгизга отилган тошдек, зим-зиё бўлиб кетади.

Бир келди-да, «Совхознинг бўлажак марказий кўргонига қадар йўл қуриб олишга ёрдам беринг», деди. Жабборов: «Шу ишни ўзингиз ҳал қилолмадингизми?» деб сўраганди, «қайси идорага кирмай, планда йўқ, деган жавобни олдим», деб хуноби чиқди. Жабборов область йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи билан телефонда боғланди. Бу хўжалик шахсан Марказком секретари тошшириғи билан туғилган, бу ердаги ишларнинг боришини Хидир Муродовичнинг ўзлари назорат қилиб турибдилар, деди Жабборов. Хуллас, у ўн километр йўлни тартибга келтириб, асфальт қилиш ҳақида бошқарма бошлиғининг розилигини олди. Буёғини Собировнинг ўзи давом этказди. Орадан бир кун ўтар-ўтмас у йўл қурилиши идорасига кириб борди. Суриштириб кўрса, йўл қурилишини августдами, сентябрдами бошлашмоқчи экан. Собиров кўнмади, туриб олди. Бошқарма бошлиғи у деса-у деди, бу деса-бу деди, охири бошлиқ «ўжар, гапга тушунмайдиган раис»дан тезроқ қутулиш учун бош инженерни унга қўшиб юборди. Собиров бош инженерни яхшилаб зиёфат қилди, «қовун пишқда албатта келасиз, эҳ-ҳе, бу ерларда шундай қовунлар етиладики, қучоққа сиғмай кетади, асалдан ҳам тотли бўлади», деб изини ҳам мустаҳкамлаб қўйди. Ғайрати бор-да, ишқилиб, йўл қурдириб олди.

Шундан кейин у анча кўринмай қолди. Жабборов ҳам бошқа ишлар билан банд бўлиб, «Кўкдала»га боролмади. Бир кун у Собировни суриштирса, Тошкентга кетган, деган жавобни олди. Қарам кўчати олиб келармиш. Жабборов ичида «Оббо, олсин сени! Намунча ҳаллослайди бу. Тез юраман деб, тўқиниб кетмасайди», деб қўйди. Шундай деди-ю, аммо унга тасанно ўқиди: «Югурган қуруқ қолмайди. Нимадир қилиш мумкин ҳар ҳолда».

Собировнинг Тошкентдан қайтганини эшитган кунни Жабборов совхозга борди. Директорнинг ўзи бош, йигирма-ўттиз чоғли ишчилар нам эгатларга қарам кўчати ўтқазардилар. Кўчатлар қатор тuzилган эгатларга эса Мамат бобо бошчилигида уч-тўрт киши сув тараб юришарди. Асли Жабборов сал ўпкаси тўлиб келганди бу ерга. «Қарам кўчати учун Тошкентга бориш шартмиди? Областнинг юқори районларидан ҳар донасини бир-икки тийиндан истаганча топса бўларди. Командировка, машина харажатларини ҳисоблаганда, балки Собиров келтирган кўчатлар бундан ҳам қимматроққа тушар!» Жабборов бундай иш қайноқ пайтда илкис айтилган бир оғиз

сўз одамнинг ғайрат-шижоатини пасайтириб юборишини, кейин бу кўнгил хиралик юракдан узоқ чиқмай юришини ўйлаб, Собировга: «Бу кўчатлар анча соғломга ўхшайди-я. Ҳосили ҳам дуруст бўлса керак», деганди. Шунда Собиров нега Тошкентга кўчат излаб борганини эринмай тушунтирганди.

«Димарский навидан бизнинг областда бирон хўжаликда ҳам йўқ экан Ҳаким Ҳайдарович,— деганди у бир дона кўчатни бармоқлари учидан ушлаб.— Бу навнинг ҳосияти кўп. Кўргандаёқ билдингиз, уруғи соғлом кўчат беради. Ҳам совуққа, ҳам иссиққа чидамли. Энг муҳими, бошқа навлардан ўн кун олдин мева боғлайди. Демирский деган нави ҳам бор. Кўплар уни Димарский билан алмаштирадилар. Демирский, карам эмас у. Тез бош олади-да, ёйилиб кетади. Сал ёмғир ёгса, тамом, чирийди, ҳашорат босади, афғон шамоли пўстини қумга тўлгазиб кетади. Димарский карамининг ўрами тигиз, ўзи муштда-ю, зилдай оғир бўлади. Қасалга кам чалинади».

Жабборов карам навларининг ҳам бундай кескин фарқи борлигини қаёқдан билибди. У Димарский, Демирскийми — ҳаммасини бир хил карам деб ўйларди. Яхшиямки, узоқдан олиб гапиргани. Ахир, қишлоқ хўжалиги деган билан унинг соҳалари кўп-да. Ҳар соҳанинг янги ютуқларини, энг аввало, райком секретари эмас, балки шу соҳанинг мутахассиси билиб олиши табиий. Янгилликни илғаб олиш ва уни кўпчилик манфаати учун хизмат қилдириш йўлида жон койитиш, елиб-югуриш яхши фазилат. Собиров ўзида шундай олижаноб фазилат борлигини ҳам, мана, намойиш қилиб турибди. Ушанда Жабборов уларнинг ишига муваффақият тилаб қайтганди.

Собиров яна бир кун келди-да: «Совхозга ўн нафар янги ишчи ёлладим»,— деди. Жабборов суриштирса, шолчилик совхозидан ўн ишчи келиб, «бизнинг шартимизга рози бўлсангиз, ўттиз-қирқ гектар ерга пиёз етиштириб берамиз», депти. Жабборов бу шарт ҳақида ойдинроқ гапиришини сўраганди, Собиров: «улар бизга ер, ўғит, сув ва трактор берасиз, дейишди. Бошқаси билан ишингиз бўлмайди. Гектарига ўттиз центнердан сайлама пиёз етиштириб топширамыз. Шундан ортиги бизники бўлади. Устама мукофот ҳам керакмас. Бизга оздан ойлик бериб турсангиз бўлди, рўзғорга ишлатамыз, дейишди», деди. Жабборов унинг гапи тугар-тугамас қўлларини бир-бирига қарс этказиб урганди ва: «ҳозироқ жўнатиб юборинг, уларни!» деганди асабий бир тусда. Яхши қилган экан ўшанда. Ана, ёлланма ишчиларсиз ҳам пиёз битаркан-ку. Августнинг ўн бешига қолмай, йиллик планни бажариб юборишди. Гектарига ўттиздан эмас, қирқ етти центнердан сайлама пиёз олишди.

□

Жабборов келган томондан машина сигнали эшитилди. У бурилиб изига қаради. Бетон ариқдан сакраб ўтиб, ўзи томон келаётган Собировни кўрди ва унинг келишини кутиб турди. Собиров йўл-йўлакай буталарни ёриб, бир новвоти топди ва уни узиб олди-да, қўлтиқлаганча Жабборовга яқинлашди.

— Нега уздингиз?— деди Жабборов Собиров билан аҳволлашаркан.

— Еймиз. Уйда минг енг, пайкалда бир, баб-баравар. Пайкалга дуо кетган-да.

— Оҳ-ҳо, Мамат бобо ўргатдиларми?

— Йўқ, самарқандлик машҳур боғбон Ризамат отанинг гапи бу,— деди Собиров ва новвотини ерга қўйди.— Боғ очайлик, ҳамма ерда, боғ! Бу ҳам ўша отахоннинг насиҳатлари.

— Сизам боғ қилиш ҳаракатидайдингиз, шекилли? Нима бўлди, имконияти бор эканми?

— Бор, Ҳаким Ҳайдарович. Ҳўп десангиз, олиб бориб кўрсатаман.
— Олинг новвотини, кетдик.

Собиров қовунни қўлтиқлаб, Жабборовнинг олдига тушиб олди-да, машинаси томон юра бошлади. «Анча чаққон бўп қопти. Сал эт ташлабди. Меҳнат одамни хомсемиз қилиб қўймайди, ҳа!»

Машина мотори бир меъёрда гуруллаб борарди. Жабборов ҳам, Собиров ҳам жим бўлиб қолишди. Сўнг Жабборовнинг Кўкдала посёлкаси лойиҳаси ҳақидаги топшириғи эсига тушди.

— Облфилиалга бордингизми?— деб сўради у Собировдан.

— Лойиҳа институтигами?

— Ҳа. Директори ваъда қилганди.

— Бордим. Аммо бўлмади.— деди Собиров пешонасини силаб.

— Нега? Тезлаштираман, деганди-ку?

Собиров ўтирган жойида бир қўзғолиб қўйди ва:

— Бир экспериментал посёлка лойиҳасини кўрсатди. Ҳаммаси икки қаватли уйлар. Биринчи қават кухня, у-бу, дейди. Иккинчи қавати спални эмиш. Йўқ, дедим. Экспериментал бўлса, бошқа жойда синаб кўраверинглар, дедим,— деди-да, худди катта маъруза ўқиган нотик каби томоқ қирди. Юзидаги терларни артди.— Олсангиз шу, бўлмаса, яна бирон йил кутасиз, дейди. Индамай келавердим.

— Кутасиз унда,— мингирлади Жабборов.

— Бирон йил кутиш мумкин-у, аммо тарқоқ қишлоқ пайдо қилиб, кейин яна «буз, ҳа, буз»га тушамиз-да, Ҳаким Ҳайдарович.

— Аслида бу сизнинг ишингиз эмасди. Бу иш билан шуғулланадиган ташкилотлар бор,— деди Жабборов.— Сиз ўз ишингизни қилаверинг. Лойиҳа ҳам, посёлка қурилиши ҳам бари ҳал бўл кетади. Мен ўзим гаплашаман. Бугун неча вагон юкладингиз?

— Бўр-йўғи икки вагон. Станцияда машина-ю тележкалар қалашиб ётипти. Ҳозир, бу исниқда помидор икки кунга қолмай бузилади. Кўпроқ ортинглар, тезроқ жўнатинглар, деб қистовга олишади-ю, бу ёғи бундай бўп ётипти. Бугун болаларга ҳам рухсат бериб юбордик. Бошқа келманглар, дедим. Тўғри-да. Ярим кун ўқиш, ярим кун иш. Чаласавод бўп қолишади. Эртага институтга бориб, ҳаммаси потирлаб йиқилиб қайтишади.

Жабборов кунни кеча бир группа ота-оналар «Правда» газетасига ёзган хатни ўқиганди. Ғўза яганасига деб, ўқишидан бир чалғитамиз уларни. Сўнг, мана, сабзавот. Бундан кейин — пахта. Кўчаларни, хиёбонларни тозалаш, кўчат ўтқазниш... яна аллақанча ишларга уларни жалб қиламиз. Бир томондан бу яхши. Бола ёшангидан меҳнатга ўрганади. Ахир, бир йиллари ўқув юртларида, русчасига айтганда «белоручка»лар, қандайдир мешчаннамо, олифта ёшларнинг ошиғи олчи бўларди, улар «маданиятли ёшлар» саналардилар. Энди бола мактаб партасидаёқ қўлига кетмон, ток қайчи ушлашга ўрганияпти. Эҳ-ҳе, «мен, зиёлиман» деб, қора меҳнатдан ор қиладиганлар юзлаб-минглаб топиларди. Энди шаҳарларга борсангиз, не-не алломалар «бир парча ерим бўлса, эрталаб эрмак қилардим. Саломатлик учун яхши-да», дейишади. Бугунги кунда меҳнат зарур эҳтиёжга айланди. Аслида-ку, азалдан шундай: меҳнат ҳар вақт инсоннинг зарур эҳтиёжи бўлиб келган. Бу кенг маънодаги гап. Лекин, очиги, кетмон билан қалам ўртасида бир қадар тафовут бор эди. Ҳозир шу «ажратишларга» барҳам бериляпти. Болаларга меҳнат тарбиясини тобора кўпроқ сингдирмоқ лозим. Жабборов шундай фикрда, шу жиҳатдан олиб қараганда ота-оналарнинг бу қадар дод-вой солиб юришлари тўғримики?

«Правда»га мурожаат қилишибди-я! Йўқ, улар фарзандларининг меҳнат қилишига қарши эмаслар. Улар «болаларимиз илм ололмаёп-

ти» дейдилар. Бу келажак ҳақида, бўлажак етук зиёли ҳақида қай-гуриш демак. Бу келгуси индустриал меҳнат ҳақида ташвиш тортиш, демак. Бу дод-войлар тагида ана шундай улуг ниятлар ётибди. Бу ҳақда ҳам дўппини ерга қўйиб, обдан ўйлаб кўрган маъқул, албатта».

— Рухсат бериб юбордим, денг?— деди Жабборов. Бу ўзига «яхши қипсиз, рухсат бериб юбориб», дегандек эшитилди.

— Рухсат бердим, Ҳаким Ҳайдарович.— Собиров райком секретарига енгил қараб олди. Жабборов хотиржам эди. У йўлнинг ўнг томонидаги пахтазорга қараб борарди. «Сув сўраб қолибди, шу ерлар. Бугун-эрта сув тарамаса, кўп ҳосилни йўқотишлари мумкин».

— Норқобилов бирон илтимос қилганмиди?— деди Жабборов пахтазордан кўз узмай.

— Ҳа. Шу ерига ярим ариқ сув сўради.

— Нима дедингиз?

— Сув етмаяпти, Ҳаким Ҳайдарович. Дарёга бир насос ўрнатишса, бас. Шунга қилишмайди. Ҳаммага тайёри керак.

— Биродар, сиз фақат ўзим деманг-да. Бу яхши хислат эмас. Қаранг, жинчак бўлай, депти. Ичингиз ачишмайдами? Буям районники-ку. Норқобиловники эмас, албатта. Қолаверса, манави, сиз сув ичаётган канални қазишда шу одам ҳаммадан кўпроқ ҳисса қўшган. Нима десак, йўқ демади. Ишчиям, транспорт ҳам берди. Эртага сизам бирон нарса деб борсангиз, йўқ дейиши мумкин. Ҳамкорлик қилиш керак, биродар.

— Майли, олса олсин. Икки кунга, холос.

— Шоширманг. Икки кунми, уч кунми, кўнгилни кенг қиласиз. Яхшилаб суғориб олишсин. Шу билан теримга тушиб кетишади. Хў-ўш... Рухсат берган бўлсангиз, буёғини ўзингиз эплейсиз,а?

— Қийин, Ҳаким Ҳайдарович. Пайкалдан тарвуз кўтариб чиқишдан машаққат иш йўқ. Силлани қуритади.

— Ана! Норқобиловдан ёрдам сўранг. Сўнгра... машина пуштадан юраверсин-да. Орқалаб юрасизми?

— Шундай қилса, бўларди-ку, аммо кечки бодринг экдик-да. Эътибор қилмадингизми? Икки-уч қулоқ бўл қолди.

Жабборов қовун жўяклариде текис кўкариб турган бодринг кўчаларини кўрганди. Аммо, бу кечки бодринг эканлигини хаёлига ҳам келтирган эмасди. Яхши ўйлабди, Собиров. Ҳосил йиғиб олинган, қовун палаклари қилиб ташланади. Ноябрьнинг бошларида бемалол барра бодринг чиқариш мумкин.

— Буни ҳам планга қўшасизми? Ҳисоб-китоби қандай бўлади?— деб сўради Жабборов.— Еки кўмма қиласизми?

Баъзан пухта бригадирлар план, мажбуриятни бажариб, ортиқча пахта ими-жимиде кўздан четроқ бирон жойга олиб бориб, босиб қўйишарди. Янги терим палласи суръат паст ташлаб кетган кунлари, ўша «кўмма»дан бир арава, ярим арава қўшиб, тайёрлов пунктига жўнатиб юборардилар. Бу «кўмма»дан раислар яхши хабардор бўлардилар. Юқоридан сал қистов бўлса, икки-уч бригадирга «кўмма»нгни сал оч, деб қўйишади. Шу билан раис ҳам терговдан қутулиб қоларди. Жабборов ҳозир шунга шама қилаётган эди.

— Йўғ-е!— деди Собиров.— Бизда «кўмма» бўлмайди. Облресторан бошқармаси билан шартнома туздик. Узларни келиб, олиб кетишади. Агар биз етказиб берсак, кира ҳақини ҳам тўлашади. Кечки экин экиш таклифи Мамат бободан чиқди, асли. Бир кунни гапдан-гап чиқиб, Мамат бобо: «Директор, бўшаган пайкалларга нима экасиз?» деди. Мен, ҳеч нарса экмаймиз. Бир сидра сугорамиз-у, шудгорлаб қўямиз, дедим. «Йўғ-е, увол бўлади.— деди бобо.— Янаги баҳоргача оламжаҳон пул топса бўлади, бу ерлардан. Палаклар орасига

тарракми, бодрингми экса, кузда миргай истакочар ҳосил беради». Шу маслаҳат сабаб, августда ҳандалак изидан савзи эдик. Бодринг жўяклариде кечки помидор ўстираялмиз. Бир гектарча жойга шовул, кашнич, занжовул, болгар қалампири ўсяпти. Ресторан одамлари бу кўкатларнинг ошиғи экан-да. Билмай юрарканмиз. Олдиндан шунча нарса берасиз деб, шартномага қўл қўйдириб, пулини ҳам банкага ўтказиб қўйишди.

Собиров гап орасида шоферни огоҳлантирди.

— Бурилма, тўғрига ҳайдайвер. Қанални бошига бир тўхтаб ўтамиз. Кеча,— дея давом этди у,— бир телеграмма олдим. Новосибирск горторгидан. Олтмиш тонна бош пиёз сўрашибди. Нақд пулга ёки картошками, ёғочга алмаштиришга ҳам рози улар. Жўнатсамми, деб турибман.

— Бу йўлини қўйинг, биродар,— деди Жабборов ўриндиққа елка тираркан.— Бозор очманг. Сиздан БАМ кўп нарса сўраяпти. Шу талабни қондиринг, биродар.

Улар Закоттепанинг ўнг биқинига келиб тўхтадилар. Жабборов машинадан тушиб, бу ерларни гўё энди кўраётгандек, у ёқ — бу ёққа қараб олди. Каналнинг туя ўркачидек тепасига бир ҳамла билан чиқди.

— Шу жойдан қурасизми?— деди Собиров.

— Шу жойдан, Ҳаким Ҳайдарович. Юз литр сув чиқарсак, бўлди.

Жабборов Закоттенага қараб турди. Унда қандайдир сир яширингандай эди. Бог қилса бўлармикан, бу тепаликда? Собиров галати ишни ўйлаб топибди-да. Агар бу ерда бог яратилгудек бўлса борми! Жабборов Кавказда богтепаларни кўрган. Болтиқ бўйида ҳам бор шундай жойлар. У Цигулд, Аигвид, Нелиярве деган қишлоқларга борганида шундай богларни кўриб ҳайратланганди. Узинг қуйида турасан-у, бог шундоқ кафтингда бўлади. Худди зинапоялар сингари тобора баландлаб кетган ишкомлар ям-яшил тўлқинларга ўхшайди. Бог орасида ўрмалаётган тракторлар, имирсиб юрган одамлар афсонавий таассурот қолдиради. У — Болтиқбўйи. Нам ҳаво. Ери ҳам бўлакча. Бу жойни у ерлар билан тенглаштириб бўлмайди...

— Бог қилса бўларканми?

— Шубҳангиз борми, Ҳаким Ҳайдарович.

— Шубҳам бор. Тепани-ку қўйинг, баъзан ердаги экинга нам етмай қолади.

— Биз ҳеч кимнинг сувига шерик бўлмаймиз, Ҳаким Ҳайдарович. Тепага келсак ўз зиммамга оламан.

Жабборов суҳбатдошига синовчан қаради. У «Ҳозир ботирсиз-у, аммо вақти-соати келганда, иш мўлжалдагидай бўлмай қолса, «э, билманмиз» деб, туриб оласиз-да», демоқчи эди. Аммо, қараса, Собиров жиддий гапиратибди.

— Биладиганлардан маслаҳат олдингизми?

— Олдим. Норқобил бобога айтсам, худди боладай қувониб қолди. Бир эртақ сўйлаб берди. Қадимда наврўз сайли бўлса, ҳамма Закоттенага оқиб келаркан. Бир томонда улоқ, пойга, бир томонда кураш дегандай... Тепада бекнинг соябони бўларкан. Уша жойдан туриб халқ ўйинларини томоша қиларкан. Бобонинг айтишича, шу Жилонсой атрофида қатор-қатор қишлоқлар бўлган. Сўнгроқ одамлар дарёга яқин жойларга кўчиб ўтишган. Шу... Аста-аста бу жойлар бутунлай унут бўи кетган. Мен ўйлаб қўйдим. Агар шу ердан сувни юқорига тортадиган бўлсак, уч качка минан чиқаркан. Ҳў, энг тепасигача уч юз олтин метр. Қадамлаб, ўлчаб чиқдим. Манави, энг

лапти айланасига бир ярим километр. Юқоридаги ярим гектарлик майдон бор.

— Роса ҳисобини олибсиз-да. Асли ер тузувчи бўлсангиз, бўларкан,— деди Жабборов ва қўли билан кетдик ишорасини қилди. Улар канал кўпригидан ўтиб, тепалик остига етишганда, Жабборов шоферга машинани тўхтатишни айтди. Аммо Собиров «машина биринчи тезликда бемалол чиқиб боради» деди, шу орада тепаликнинг чап бикинида Мамат бобо билан Обидова пайдо бўлди.

— Э, улар нима қилиб юришибди?— ҳайратомуз қаради Собиров.

— Кимлар?

— Хў, бобо минан комсомол қизимиз.

— Ҳа-а...

Жабборов машинадан лип этиб тушди ва улар келаётган томонга юрди.

□

Жабборов Закоттепанинг устига чиқиб, иссиқ елга юз тутиб, атрофни кузатди. «Борди-ю, шу ерлар обод бўлиб кетсами, неча-неча авлодга бебаҳо ёдгорлик бўлиб қоларди. Уларга Мамат бобо, Обидова, Собиров — жамики совхоз, район аҳлидан ноёб бир ёдгорлик бўларди», Жабборов орзули кўзларга қаради. Мамат бобо икки қўлини белбоғига тираб, деҳқонларга хос ғурур билан турарди. Собиров сув тўлиб оқаётган канал томон қараб қолган. У, чамаси, сувни юқорига тортиб берадиган насосларни қаерга ўрнатиш ҳақида бош қотиради. Меҳри Обидова эса қошларини пир-пир учириб, кенг поллиз майдонларини кузатарди.

— Уртоқ директор,— деди Жабборов Собировнинг қўлтиғига қўл солиб.— Насосларни ўрнатишга киришаверинг. Тепада қулинг ўргилсин бир шийпон қурса бўларкан.

— Шундай мўлжалимиз бор, Ҳаким Ҳайдарович,— деди Собиров.

— Бобони яна эски ишларига қайтарасизми?— Жабборов шундай деяркан. Мамат бобога қараб қўйди.

— Йўқ, деди бобо Собировдан олдинроқ жавоб беришга шайланиб.— Бу боғни эгаси бор.

— Ким?— қизиқди Жабборов.

— Норқобил бобо.

— Ҳа-а.

— Қаердан, қандай қип жўяк олишларигача кўриб кетди. Ўзи эплайди, уддабурон одам.

— Яхши, ундай бўлса,— деди Жабборов бу жой Норқобил бобонинг ихтиёрига топирилишидан қаноат ҳосил қилиб.— Ҳозирча ихота зонаси ҳам сизларнинг ихтиёрингизда қолади.

Мамат бобо енгил тортди. Негаки, бобо у ишдан бу ишга, у бригададан бу бригадага кўчиб юришни ёқтирмасди. Баъзи одамлар бўлади: иш сал мўлжалига келмадимми, касбини ёки иш жойини ўзгартириш ташвишига тушиб қолади. Мамат бобо эсини танибдики, бир жойда муқим ишлаш ҳақида ўйлайди. Дарахт бир жойда униб ўсади, дейди бобо. Хўп, дейишса, қўл остидаги тўрт киши билан сабзавотчилик бригадасида ишлайверади. Агар сабзавотни қўйиб, богдорчиликка ўтинг дейишса, бобо ноилож рози бўлиши ҳам мумкин-у, аммо ишни қайтадан бошлашига тўғри келади. Мамат бобо шуларни мулоҳаза қилиб, райком ўғлимиз шу тепани обод қилиб беринг, деб қолса, нима дейман, деган ўйга бориб турганди. Йўқ, ҳаммаси яхши кўчди.

— Норқобил бобонинг қўлига уч одам берамиз,— деди Собиров.— Бир бригад тузиб, ишлайверади.

Мамат бобонинг бригада тузиш масаласида ўз фикри бор эди. У шу фикрини баҳам кўриш фурсати етганлигини ўйлаб:

— Бригатлар сониям кўпайиб кетяпти-да, директор ўғлим,— деди.— Бригат деганингиз иш бошида мудом турулмади. Ҳали бўлимга, ҳали идорага, ҳали районга, дегандай кетади. Майлисларгаям чақириваверади. Бригат қанча кўп бўлса, хўжалик яхши, ишчан одамларидан шунча бенаиб бўлаверади.

Собиров мийғида кулди: «Нима деярти ўзи бу чол? Бригада тузилмаса, иш бўларканми?» Ҳар ҳолда Собировнинг мақсадини тушунолмади. Жабборовнинг олдида эса унга бирон гап айтолмас, оғзига талқон солгандай бўлиб тураверди. Жабборов эса бобонинг сўзларидан шундай хулосага келди: «Тўғри, бригадирликка энг ишбилармон одамлар танланади. Ишчи киши бригадир бўлгач, олдингидай терлаб-пишиб ишлаш имкониятига эга бўлмайди. Чунки у бир қатор ташкилий ишларни ҳам ҳал қилиши керак. Бобо бригадалар сони камроқ бўлса, демоқчи. Тўғри таклиф. Гектарлар кўпроқ тақсимлаб берилди, ҳар бригада старлича техника билан таъминланади».

Бобо Собировнинг ўйчан туришидан унинг ҳаёли қандайдир бошқа нарсалар билан бандлигини пайқайди. Фикрини узоқдан олиб исботлашга уринди.

— Бир йиллари, унда, директор ўғлим, сизам, райком ўғлим, сизам ёш эдингизлар, митти-митти калхўзлар бўларди. Оти бор раис от миниб, оти йўғи бўлса пиёда далаларни айланарди. Менам шундай бир калхўзга раис бўлганман. Икки юз гектар пахтамыз бўларди. Олдин ҳар ўттиз гектарга бир бригат туздик. Аччўт йигилишида жанжал чиқди. Ўттиз гектарлик оғирлик қилапти, йигирма беш гектарга бир бригат бўлсин, дейишди. Хўп, дедик. Ҳар бригатда тўрт-бештадан звено бўларди. Хуллас, митти калхўзнинг митти раҳбарлари рўйхати бир даптар бўларди. Омборчи, запхўз, табелчи, ҳисобчи...

Эҳ-ҳе! Бир даптарга ҳам сиғмасди. Хўжаликлар юки енгил эди. Ҳашпаш дегунча планни бажариб қўйишарди. У пайтлари план ҳисоб эди. Мажбуриятни кўпам талаб қилиб туришмасди. Шу учунми, геройлар кўпайиб кетди-да. Қўшлар ортиқча ер ҳисобига ҳосилни кўпайтириб, ана ундоқ қилдим, мана бундоқ қилдим деб, кўкракларига уриб юришарди.

Ўткинчи давр экан, ўтди-кетди. Калхўзлар йириклаштирилди. Ҳамма хато-камчиликларга барҳам берилди. Бир калхўздан бир бригат тузилди. Бригатман, табелчиман деб юрган кўп кишилар кетмон кўтариб, далага чиқишди. Кучга-куч қўшилди...

— Совхозда неча бригада бор?— сўради Жабборов Собировдан.

— Ҳозирча оз. Бу йил икки бўлимда бештадан бўп қолади. Агар одам келса.

— Бир бригадага неча гектар ер беряпсиз?

— Одам сони бешта бўлса, юз-юз эллик гектар.

— Унда... сиздаям, бобо айтганлари сингари, митти бригадалар сони кўпайиб кетаркан.

— Нима қилайлик, бошқа илож йўқ.

— Иложи бор, ўртоқ Собиров. Ҳар бригада маълум соҳа билан шуғуллансин. Мана, масалан, Мамат бобо. Бобо, бригадангиз неча хил маҳсулот етиштиради?

— Етти хил,— деди бобо.

— Ана! Нима зарурати бор бир бригада елкасига етти хил маҳсулот етиштиришни юклаб қўйишининг? Ахир, пахтачилик бригадаларига бундай мажбурият юкламаймиз-ку? Ҳатто икки хил чигит экманг, деймиз уларга. Бир бригадада фақат ипак пахта, иккинчисида

фақат оқ пахта бўлсин деймиз. Сабаби — ишлов бериш осон бўлсин, деҳқон бир экин парваришини обдап билиб олсин, техникани дурустроқ қўллашга эришсин. Яхши, режали тартиб. Деҳқон шошиб қолмайди. Нега энди шу тартибни сизнинг совхозда ҳам қўллаб бўлмаскан? Кетдикми?

Улар қўйиға туша бошлашди. Жабборов бир одим орқада, Обидова билан ёнма-ён келаётган Мамат бобонинг ёнига ўтиб олди.— Бобо мажбуриятни ҳам бажариб юбордингиз-а?

— Памилдорни қолди, холос,— деди Мамат бобо.— Сорти паст эканми, пест тортиб, чириб кетди. Уям бажарилади.

— Бобони орденга тавсия қиласиз,— деди Жабборов директорга.

— Узим ҳам шундай деб қўйгандим.

Бобо қувнаб кетди, кичик, ўткир, кўзлари йилтиллади. Қуёшда тобланган юзига зеб бериб, савлат бахш этиб турган ошпоқ соқоллини силаб,— деди.

— Кўкракка шармикан у орден? Залвори ерга босса! Ёшлар олса маъқул бўлармиди?

Бобонинг бу гапи Жабборовнинг эсига беихтиёр бир воқеани туширди. Бундан тўрт-беш йил олдин бир механизатор йигитни ҳаммага ўрناق қилиб кўрсатишди. Унинг ҳатто бир кунда ўттиз беш тоннага қадар пахта терганлиги ҳақида газеталарда ёзишди. Мавсумда минг тонналик хирмон уйди, деган хушхабар узоқ-узоқларга қадар ёйилди. Машъал йигитнинг кўкрагини қаҳрамонлик нишони бегади. Шундан кейин у яна бир-икки йил довруғ таратди. Сўнг номи ахён-ахёнда тилга олинадиган бўлиб қолди. Охири бир пахтачилик бўлимига бошлиқ бўлиб кетди-ю, шу билан ўзини-ўзи овутиб юраверди.

Жабборов у йигитни яхши танирди. У ўттиз ёшида довруғ таратди. Ўттиз беш ёшида рулдан тушиб, бошига бутун бир бўлим ташвишини орттириб олди. Қим билсин, кўплар у навқирон йигитни қаҳрамон бўлади-ю, ўзига тинчроқ жой излаш пайига тушди, дейишади. Бу томони Жабборовга қоронги, албатта. Аммо Жабборов ёшларни далада кўп йиллар тер тўкиб ишлашига тарафдор. Роса ишласин, хў, ёши қирқдан ўтиб, беш-ўн кишига деҳқончилик номидан таълим берадиган бўлганда орден ҳам, қаҳрамонлик юлдузи ҳам жуда-жуда ярашиб тушади-да. Мамат бобо ҳозир орден тақса, савлатига-савлат қўшилади. Бобонинг ҳам кўнгли ёришади, хиёл сўла бошлаган томирларига қайта сўл юриб, куч-қуввати ошади. Бу ёшларга ўрناق, ёшлар учун мактаб. Бобонинг ҳар бир гапини ёшлар жон-қулоғи билан тинглайдилар. Шуларни мулоҳаза қилиб:

— Йигитнинг ишини қилган кексаларга, ҳе, ярашади-да, бу орден деганлари, Мамат бобо!— деди Жабборов.

— Қуллуқ, раҳмат, райком ўғлим.

Шу қувноқ кайфиятда улар машина соясига ўтиб, Собиров келтирган қовунни тиликлаб ейишди. Жабборов директорга аъло навли йирик қовунлардан беш-ўнтасини омборга қулфлаб, сақлаб қўйишни тайинлади. Декабрь ойида ҳосил байрами ўтказиларкан. «Шунда совхоз ўз маҳсулотларини намоён қилиши лозим,— деди у ва кулди.— Яна Бозорбоев бригадаси қайдасан деб юрманг!»

— Бозорбоев?

— Ҳа-да.

— Билмадим, ундай бригадир...

Орада кулги кўтарилди. «Содда йигит-да» Жабборов директорнинг елкасига қўл ташлаб, кула-кула шундай деди:

— Билмайман, денг ҳали? Ахир, Бозорбоевни ҳамма танийди. Бозор..бо...ев!

— Э, бўлди, тушундим!— қўл силтади Собиров.— Йўқ, биз унга

йўл қўймаймиз. Ўша Бозорбоев деганлари бизга келсин, сайлама қовунларни истаганча кўрсатамиз.

— Дуруст, дуруст!— деди Жабборов ва ўрнидан турди.— Бугун Хидир Муродович телефон қилгандилар. Сизнинг илтимосингизга кўра, ўнга яқин вагон-холодильникларни Душанбедан сўраб олибдилар. БАМга, пойтахтга, бир қисми Сибирь областларига жўнатилади.

— Станцияда уч вагондан ҳам ортиқроқ қовун-тарвузлар қалашиб ётибди,— деди Собиров.

— Пайкалда яна икки-уч вагонлик қовун-тарвуз бор.

— Хўп, сиз борини ортаверинг. Бошқа хўжаликларданам жўнати-миз. Ишқилиб, вагонлар маҳтал бўп қолмасин.

— Маҳтал бўлмайди, Ҳаким Ҳайдарович. Мана, ўртоқ Обидова билан икковлашамиз. Биримиз станцияда, биримиз бу ерда бўп тура-миз.

— Бу киши мен билан кетадилар. Бошқа ишлари бор. Умуман, энди бу кишидан ёрдам кутманг. Синглим совхозга бошқа келмайдилар,— деди Жабборов Обидовага синовчан қараб қўяркан. Обидова эса райком секретарининг бу гаплари мазмунига тушунмай, серрайиб қолган эди. Шу боисдан Жабборов изоҳ берган бўлди.— Комсомол оталигидаги экинни ўриб-йиғиб олиш бошланди. Меҳрихон энди шу иш билан шуғулланадилар...

□

Жабборов ўз оталигидаги «Янги рўзғор» колхозига ҳар икки куннинг бирида бориб турар, Эрматовга маслаҳатлар бериб қайтарди. Жабборов дастлаб ташвишланиб ҳам юрди. «Янги рўзғор» рай-онда илгарилаш ўрнига, орқага тортиб кетаётган хўжалик. Бу йил ҳам ўзини ўнглолмай қолгудек бўлса, кўпчилик Жабборовнинг изи-дан кулиши аниқ. Ҳар икки кишининг бири «Райком секретари оёққа қўя олмаган хўжаликни, Эрматов тузатолармиди», дейиши турган гап.

У шу ҳақда бот-бот ўйлаб қоларди. Ҳар ўйлаганида кўнгида бир режа туғиларди. Шунда райкомдаги ҳамма ишларини қолдириб бўлса ҳам, колхоз томон ошиқарди. Эрматов билан маслаҳатлашар, колхоздаги кекса деҳқонлар билан учрашар, ёшларнинг фикрини оларди-да, раисга «қани, энди бажаришга киришинг», деб қайтарди.

Баъзан Эрматов райком секретарининг айрим топшириқларини бажаришни ҳам, бажармасликни ҳам билмай, боши қотиб қоларди. Унинг назарида, Жабборов ишни тескари бошлагандай бўлганди. Пахта, чорва қолиб, колхозчиларнинг томорқа хўжалигини ўргана бошлаганди. Эрматов ҳатто бир гал бу ҳақда сўрашга ҳам журъат этди. Шунда Жабборов унинг саволига савол билан жавоб қайтарди.

— Сиз Леонид Ильичнинг «Қўриқ» асарини ўқиганмисиз?— деди.

— Ҳа, ўқиганман,— деди Эрматов.

— Ўша китобда томорқа хўжалиги ҳақида ҳам ёзилган, ше-килли.

Рости, Эрматов бу асарни ўқиганда томорқа хўжалиги ҳақидаги ўринларини эътибордан қочирган эканми, ҳеч нарса эслолмади. Жаб-боров қўлларини худди дирижерлар сингари ҳаракатга келтирганча деди:

— «Томорқасиз қишлоқ кишиси бамисоли илдизи йўқ дарахт». Бу менинг ганим эмас. «Қўриқ»да шундай ёзилган.—«Ёддан билади-я!» деб қўйди ўзинча Эрматов. Жабборов давом этди.— Ўтган йили колхо-зингиздан неча киши кўчиб кетди?

— Ун хўжалик.

— Нега?

— Ёқмади бу жой.

— Ана, ёқмади эмиш! Ёқади, раис, ёқади. Ўз туғилиб ўсган қишлоғингни осонликча тарк этмайсан, киши. Одам қишлоғидан икки сабаб билан кетади. Биринчиси,— Жабборов чинчилогини букди,— кучи, меҳнати, илми бошқа жойга зарурлигини қалбан ҳис этса. Иккинчиси, «Энди мен қишлоғимга кераксиз бўл қопман-да», деган аянчли хулосага келса. Бири олий ният, иккинчиси, тушкунлик. Томорқа, билсангиз, одамни тушкунликдан ҳоли қилади. Бир парча ер туфайли у қишлоғи билан бир умр маҳкам боғланиб қолади.

Бир вақтлар қишлоқ аҳолисига томорқани ташландиқ жойлардан берса ҳам бўлади, деҳқон ерни ўзи тузатиб олаверади, деган гап ҳам чиқиб қолганди. Ҳомхаёл экан ўша гаплар! Борди-ю, амалга ошиб кетгандайди, қишлоқ хўжалиги минглаб уста деҳқонларидан ажралган бўларди. Яхшиямки, бу катта хато туғилмасданоқ гумдон қилинди.

Томорқага қараб, деҳқоннинг сарасини сарага, пучагини пучакка чиқариш мумкин. Раҳим бобо қолхоз бир гектар ер берса, юз центнер картошка олардим, дейди. Томорқада 200 центнергача қовун-тарвуз, 160—180 центнер узум етиштириш мумкин, дейди. «Янги рўзгор»да эса ўтган ёзда ҳар гектар ердан 45 центнердан қовун-тарвуз, 16 центнердан узум олинган. Бу нима деган гап?

Жабборов бу фарқнинг тагига етаман, деб Эрматовнинг она сунини оғзидан келтирди-ку. Жабборовнинг айтгани тўғри: ҳамма эътибор пахтага қаратилган. Сув ҳам, ўғит ҳам, ишчи кучи ҳам. Бошқа тармоқларда иш ўз оқимида кетаверган. Гуллагани гуллаган, чўллагани чўллаган. Айб Эрматовда. Энди тушуниб турибди. У юганни қаёққа тортса, от шу ёққа бурилаверган...

Жабборов унга яна бир нарсани ўргатди. Қолхозда кўпчилик томорқани трактор билан ҳайдаттиради. Трактор колхозники, солярка ҳам хўжалик ҳисобидан. Ҳақни эса тракторчи оларди. Шу ишни колхоз ўз гарданига олсин, деди Жабборов. Эрматов ҳўп демай, иложи йўқ эди, албатта. Аммо бош бухгалтер унинг олдига муаммоларни қалаштириб ташлади. Тракторчи колхоз ерида эмас, шахсий томорқада ишлайди. Унга бу иши учун неча сўмдан тўлаш керак? Хўп, 15 сотих ерни ҳайдади ҳам дейлик. Бир гектарга тақсимлаб, керакли суммани ҳам чиқариш мумкин. Аммо колхозчи «Менинг томорқамни фалон ойда ҳайдаб беринг», деб правлениега ариза келса, Эрматов, шубҳасиз; олдин ҳисоб-китобни қилинг, дейди. Аризанинг бир четига «Бошбухга» деган имзони қўйиб, бош бухгалтерга оширади. Бухгалтер эса кассирга кириб қоғози ёзиб бериши керак. Гап шундаки, шу кириб қоғозига ёзиладиган суммани бош бухгалтер қайси прејскурантга асосланиб ёзади? Бу ҳақда на қишлоқ хўжалик, на молия министрлигининг бирон фармойиши йўқ. Борди-ю, бош бухгалтер ўзи нарх бичиб, ўзи баҳоласа, эрта-индин ревизорлар келиб, унинг ишини терговга оширишлари ҳеч гапмас.

Эрматов Жабборовга шу гапларни айтганди, у нима деярини билмай, ўйланиб қолди. Бу ишда маъмурий буйруқлар кетмасди. Бу молиявий масала, бу — пул масаласи. Ҳаводан олиб, нарх қўйиб бўлмайди. Томорқа ерини ҳайдаб бергани учун колхоз кассасига деҳқон шунча сўм тўласин, дейдиган бўлса, ё хўжаликка, ё колхозчига зиён бўлиши мумкин. Бу ҳар икки йўл ҳам жиноятга олиб борарди.

— Булар оддий нарсалар,— деганди ўшанда Жабборов.— Биз колхозчига маъдан ўғити сотмаймиз. Бу ҳеч бир фармойишда айтилмаган. Лекин колхозчи ўғит топаяпти. Демак, кимдир ўғит сотаяпти. Шундайми? Биз кимларнингдир чўнтагини қаппайтириши учун имконият эшигини ланг очиб беряпмиз. Томорқа хўжалигини ривожланти-

риш деган масалани жуда чуқур, атрофлича ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Партия, ҳукуматнинг бу ҳақдаги қарори атрофида жиддий ишлаш керак, раис. Бу жиноят деб, колхозчининг ерини ҳайдаб беришни ўз зиммамизга олаётимиз. Бари бир, жиноят бўляпти-да. Тракторчи шундай жиноятни қиляпти. Аммо биз унинг қўлини ушломмаймиз. «Сен колхозчининг томорқасини ҳайдаб берма» дея олмаймиз. Тракторчи буни яхши билади. Худди шунинг учун ҳам у бу жиний ишга тўғридан-тўғри боради. Қани, бирон тракторчига шундай айбни қўйиб, тергов бошлатинг-чи? Ўҳ-ҳў... Бошингизга тош ёғилар. Колхоз ишига қўл учида уриниш эса худди ана шундан бошланади. Тракторчини киссаси пулга тўлади. Бўлди. У ёз бўйи худди «сезонник»дай бир амаллаб кунини ўтказиб юради. Эрта куздан эса яна фаолиятини бошлайди.

Ушанда Жабборов раисга бир фикрни айтди:

— Кимки колхоз учун жон қойиб ишласа, томорқаси бепул ҳайдаб берилсин. Бу ҳам рағбатлантиришнинг бир йўли. Бу ҳақда правление йил охирида қарор чиқаради. Қарорда кимларнинг томорқаси бепул ҳайдаб берилиши ҳақидаги рўйхат ҳам илова қилинади.

Жабборов «Янги рўзғор»да кўпчиликдан яна бир шикоятни эшитди. Улар томорқамизда ҳосил бас дегунча бўлади-ю, рўзғордан ортгани ириб-чириб нобуд бўлади, дейишади. Жабборов уларга: «Чиритманг-да. Бозорга чиқариб сотинг», деди. «Бе!..— дея қўл силташарди улар.— Қачон сотамиз. Вақт борми? Бир ёққа сал жилай десанг, бригадир қўйиб ҳисобчи изингдан чопар юборади». Рухсат бергудай бўлишсаям, машин тополмай бош гаранг. Олдинлари яхши бўлган. Бир-икки саватни аравага юклаб, кетаверганлар. Ҳозир машин таомил бўп кетди.

«Ҳа, рост,— деб ўзича тасдиқлаганди ўшанда Жабборов.— Биз одамларга бодринг, помидор, қовун-тарвуз, турли кўкатлар экинг, ортиқчасини бозорга чиқаринг ёки тайёрлов пунктига топширинг, деймиз-у, уларнинг юмушини енгил қилиш ҳақида ўйламаймиз. Транспортдан фойдаланиш агентлиги бор-ку? Нега улар колхозчи билан шартнома тузишмайди?»

Жабборов колхозга ўша ташкилот бошлиғини чақиртирди. Қорачадан келган, юзи гўштдор, семиз гавдасини зўрға кўтариб юргандек зил-замбил одам Жабборов олдида ҳозир бўлди. Жабборов бу киши билан биринчи марта учрашаётган эди.

— Неча колхозчи билан шартнома тузгансиз?— деб сўради Жабборов ундан. Агентлик бошлиғининг лаблари пирпиради, қошини учириб қўйди ва:

— Шартнома? Колхозчи минан тузмаймиз,— деди.

— Сиз ТЭА нинг бошлиғимисиз?

— Ҳа.

— Унда нега шартнома тузмайкансиз? Нечта машинангиз бор?

— Уттизта. Айрим ташкилотлар заявка берди, қабул қилдик.

— Гапни чалгитманг, ўртоқ. Саволга жавоб беринг. Неча колхозчининг юкини бозорга ёки тайёрлов пунктига олиб бордингиз?— Уттиз машина билан бутун район аҳолисига хизмат қилиш мумкин. Агентлик бошлиғи терга тушиб қолди. «Хомсемиз!.. Ўзини йўқотди».— Сиз шошманг, ўйлаб жавоб беринг.

— Билмадим. Бундай ҳисоб йўқ бизда. Биздан суммани сўрашади. Ойлик планни, ортиғи билан бажаряпмиз. Мажбуриятимиз катта. Беш йилликни тўрт ярим йилда бажариш учун тинмай ишляпмиз.— Агентлик бошлиғи «Мени бекорга қийнапсиз» дегандек Жабборовга қараб қўйди.

— План... мажбурият... Буларнинг тагида кўп гап бор, ўртоқ.

Сиз планни қандай бажаряпсиз, буниси бизга маълум. Шоферларингизга бир ой, баъзан икки ойга мўлжаллаб путёвка берасиз. Шундайми? Ёки нотўғри гапиряпманми?—Агентлик бошлиғи «тўғри» дегандек бош ирғади. Жабборов давом этди.—Шоферларингиз қишлоққа келишади-да, бозор очишади. Ким қимматроқ тўлайман деса, ўшани юкини ортиб, равона бўлаверадилар. Сиз-ку планингизни бажарасиз. Ҳалиги одам эса: «Э, шундоқ замон бўп қолди-да, пул, ошна-оғайнигарчилик бўп кетди, ҳаммаёқ», деб ўпка-гина қилади. Бу ўпка-гина кимга қаратилган? Улар сизни танимайдилар. Улар партия, совет ташкилотларини биладилар. Тушундингизми? Э, тушунмайсиз бундай гапларга,—Жабборов нафасини ростлагандек бир зум жим бўлиб қолди. Кейин қўлларини пахса қилиб, салмоқ билан деди.—Планни бажариш бурчингиз. Шунинг учун ҳам сиз бошлиқсиз. Гап бундай. Шу, колхозни ҳар бир хонадонига кириб чиқасиз. Ёки одам қўйинг, кириб чиқсин. Кимга қачон мошин керак, аниқлайсиз. График тузасиз. Бундан кейин бирон кишининг сават кўтариб ёки халталарга бодринг жойлаб, йўлда серрайиб турганини биз кўрмайлик. Ишни шу колхоздан бошланг. Тажрибангизни сўнгроқ бошқа хўжаликларга ҳам ёясиз.

Жабборов ўша куни тайёрлов идораси бошлиғини ҳам «Янги рўзгор» колхозига чақиртирди. Уни ҳам роса тергади. «ТЭА» шоферлари қиммат жой изласа, сизнинг экспедиторларингиз арзон жой излайди,—деди у.—Дехқон етиштирган маҳсулотини беш тийин арзонга беришга рози бўлса, ҳамма ишни йиғиштириб, ўша томонга югурасизлар. Бу йил ундай қилмайсиз. Бирон колхозчи ҳам қабул пункти олдига бормайди. Нима маҳсулот бўлса, келиб уйдан сотиб олиб кетасиз. Уз баҳосига! Кам тўламайсиз! Одамларингизга шу гапни тайингланг. Исполком белгиллаган нарх-қонун. Қайси ойда қайси маҳсулотнинг харид нархи ошиши ёки камайиши сизга яхши маълум.

Бу гапларнинг таъсири тезда сезилди. «ТЭА» ва тайёрлов идораси одамлари хонадонлар эшикларини ўзлари тақиллатадиган бўлишди. Колхозчи нимаики ортиқча маҳсулоти бўлса, бозорга чиқариб сотиш ёки давлатга нақд пулга топшириш имкониятига эга бўлди. Дехқон халқининг кўнглини овлаш жуда осон-да. Шу салгина эътибор унинг кўнглини тоғдек кўтарди. «Ҳукумат бизга шунча шарт-шароитни яратиб бераётган эканки, бунга меҳнатимиз билан жавоб берайлик», дейишди. Жабборов бундай миннатдорона сўзларни кўп эшитди. «Янги рўзгор» далалари одамга гавжум бўлиб қолди. Бундан, айниқса, Эрматов хурсанд эди. Ахир, бригадирми, ҳисобчими, эрталаб уйма-уй бориб, «Хў, ишга чиқинглар!» демаса, бирон киши жойидан жилмасди. Энди эса худди кўлмак сув катта ариққа бошқарилгандай ҳамма дала сари оқяпти. Жабборовнинг ҳам энди кўнгли тўқ эди.

* * *

Машина шийпон олдида тўхтади.

— Шуми, шийпон?

— Ҳа. Битди, ҳисоб. Атрофини бетон қилиш, манави йўлга тош тўкиш қолди, холос.

Жабборов худди харидор мол танлаётгандек, шийпоннинг уёқ-буёғига ўтиб қаради. Кейин ичкарига киришди.

— Қайси бригадага тегишли бу?—деди Жабборов.—Қачон кўчиб ўтишади?

— Кеча ўтишлари керак эди. Бригадирга болалар учун янги кароват, чойшаб, юмшоқ парёстик олинг, дегандим. Хўп, деганди. Зав-

складга ҳам тайинлагандим,— деди Эрматов ва атрофга аланглаб қаради.

Эрматов худди йўқотган нарсасини топиб олгандек, қўли билан Закоtteпа томонни кўрсатди.

— Ана, келяпти.

— Ким?

— Бригадир Деҳқонов!

«Мен ким депман? Деҳқонов? Фамилияси танишга ўхшайди. Аммо бу колхозда шунча юриб, бу одам билан ҳеч учрашмаган экан-да».

— Деҳқонов? Эскидан ишлайдими?

— Бир ой бўлди.

— Олдин ким бригадир эди бу ерда?

— Хў, жанжалкаш бор эди-ку? Даванг, қоп-қора, серсоқол одам. Ушайди. Ариза бериб, чиқиб кетди.

— Нега ариза берди?

— Қурултойга таклиф қилинмаган экан, шунга аччиқ қилибди. «Аччиқ қилибдими, демак, бу адоват. Адоватнинг тагида доим бир гап бўлади».

— Утган йили қанчадан олганди?— суриштира бошлади Жабборов.

— Уттиз, ўттиз яримдан.

— Яхши ҳосил. Қурултойга юбориш керак эди.

— Ордендан ҳам қолдириб юборишди-да. Рўйхатга қўшиб бергандик, райкомда ўчириб ташлашди. Кўчар Эшнйёзов билан нимадир масалада ўрлашиб қолган, шекилли. Орденни бошқа хўжаликдан бир бригадага берамиз, дейишди. Мен кўнмадим. Бизга ажратилганми, бизга беринглар деб туриб олдим. Бировини айтсам, партиясиз экан, дейишди. Иккинчисини ёши тўғри келмайди, дейишди. Хуллас, бир ҳосилдорликда пастроқ бригадир бор эди, ҳамма графадаги сўроқларга шу киши тўғри кеп қолса бўладими?

— Аҳ-а! Мана иллатнинг илдизи қаерда? Эшнйёзов билан ўрлашган бўлса, нима қипти? Мунозара тортишувда орадаги жумбоқ ечилади. Бунга орденнинг нима алоқаси бор? Обрўйимга путур етказди, юзимга чопди, деган-да. Эҳ!.. Раҳбарликнинг жуда нозик қирралари бор-да. Доим соғлом ўйлашни, қайта-қайта ўлчашни талаб қилади.

— Уша киши билан бир гаплашсак бўларди, раис,— деди Жабборов.

— Майли. Хў, бригадир келсин, юбораман. Узи ён қўшни улар.

Бригадир терга ботиб етиб келди. У кўришар-кўришмас, Эрматов: «Нега кеча янги шийпонга кўчиб ўтмадингизлар?» дея суриштира бошлади. Бригадир: «Бизга ажратилган машинани завгар қаёққа қадир олиб кетибди. Бугунам ана келди — мана келди, деб йўл боқдим, келмади. Кечқурун сизга учрашмоқчийдим», деди.

Эрматов туфлиси учи билан ер чизиб қолди. Жабборов гўё бу гапларни эшитмагандек, толлар соясидан оқиб келаётган муздей сувга қўл чайиб олди. Эрматов бригадирдан: «Қўшнингиз қаерда?» деб сўради. Бригадир трактор ўрмалаб юрган дала томонга ишора қилди: «Шу далани бир кўрай деб ўтганди», деди. «Боринг, бу ёққа айтиб келинг» деди Эрматов ва Жабборов соялаб турган ариқ бўйига келди.

Ҳадемай, «жанжалкаш» собиқ бригадир салом бериб етиб келди. У кўринишидан вазмин, кенг пешонасига ажинлар, ориқ тортган одам эди. Эрматов уни кўргач:

— Келинг, полвон,— деди.

— Келдик,— деди паст овозда собиқ бригадир.

Эрматов полвон дегани боисини Жабборовга тушунтирган бўлди.

— Полвоннинг асли исмлари Қодир ака. Лекин ҳеч ким Қодир ака демайди. Полвон дейишади. Оталариям, боболариям полвон ўтганлар.

Жабборов «маъқул» дегандек бош ирғади-да:

— Полвон ҳалқи мард келади-да,— деди.

Қодир ака Жабборовга ялт этиб қараб олди ва ерга қўл чўзди-да, қуриган ажриқдан бир чўпини оламан деганди, ажриқ илди-зи билан суғурилиб чиқди.

— Чирибди,— деди раис.

— Ҳа, чирибди,— деди полвон.

— Э, нима?

— Соя чиритибди. Соя жамики яшил жоннинг душмани,— деди полвон ажриқни ерга ташларкан.

— Ҳа-а!— деб қўйди Эрматов чўзиқ оҳангда. У полвондан нобпроқ сўз кутганди, шекилли, таранглашиб турган асаблари бир зумда салқи тортиб, ўзини эркин тутиб олди. Полвонга қайишган бўлди,— Ҳаким Ҳайдарович, бу киши мардликка мардку-я. Аммо бир номардлик қилдилар-да. Айб раисда эмас-ку, ахир. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдириш мумкинми? Ҳар ҳолда, озми-кўпми, бирга ишлаб келаётгандик. Сал хафа қилдилар-да.

— Сиз хафа бўлманг, раис,— деди полвон.— Э, ўтди-ку энди. Ҳаммаси жойида. Мен бўлмасам, мана, Деҳқонов, ёмон одаммас. Ишниям билади.

Жабборов Қодир аканинг юрагидаги дардни у бу ерга келмасданок билиб олганди. Одам ўзидан қиёс қилиши керак. Бировнинг дилида нима армони-ю, нима қувончи борлигини англаш учун уни ўрнига ўзини қўйиб кўрса, ҳамма сир-асрор «мана, мен!» дегандек намоён бўлади-қолади. Бироқ, Жабборов Қодир аканинг кўнглидаги бошқа бир гапни: борди-ю, унга бирон ишни таклиф қилишса, у рози бўладими ёки йўқми — ана шуни билишни истарди. Бунинг учун у юзма-юз туриб, икки оғиз сўзлашса бас эди. Аммо Жабборов ҳозир Қодир ака билан сўзлашмаёқ, унинг қалбидагини билиб олди.

Баъзан шундай бўлади: сен яхши орзу-умидлар билан елиб-югурасан, эл олдида юзим ёруғ бўлсин, деб ҳаловатингни унутасан. Ниҳоят, кўзланган маррани ҳам эгалладинг. Шундай паллада инсон зоти бир нарсани истаб қолади.— Бу — эъзоз, бу — қадр-қиммат, хизматига муносиб баҳо! Шу паллада унинг кўнглига жилла бўлсаям озор етгудек бўлса, у ҳар қандай шаън-шавкатнинг баҳридан кечиб юборади. Қодир аканинг бошидан ҳам худди шундай аянчли ҳолатлар кечган. У мақтов, эъзоз кутиб турган бир пайтда бачкана бир гина-кудурат туфайли кўкрагидан итариб юборишган. У ўз орзу-истакларини паймол қилганларидан ҳадсиз ўч олиш ниятида. Бироқ бу ўчни у чайир қўлларини ишга солиб олмоқчимас. Уларга Қодир полвон нималарга қодир эканлигини бир кўрсатиб қўймоқчи, холос.

Жабборов Қодир аканинг бургутникидек ўткир кўзларига боқаркан, ана шундай маънони ўқиди. «Бировга ўчакишиб, бир ишга қасд қилиш одамни майиб этиб қўйиши ҳам ҳеч гапмас,— ўйлади ўзича Жабборов.— Полвон бақувват хали. Анча-мунча юкка миқ этмайди. Ишлайди. Бундай одамлардан фойдаланиш керак».

— Қодир ака,— деди Жабборов ва унинг қўлтиғидан қўл ўтказиб олиб, шийпон сари бошлади.— Сизга бир бригадани берсак, нима дейсиз?

Қодир ака юришдан тўхтади. Бир лаҳза Жабборовнинг юзига тикилиб турди. Сўнг:

— Шу колхозданми?— деди.

— Ҳа,— деди Жабборов.

— Йўқ, бўлмайти.

— Эрматов, хў, қир тагидан юз эллик гектар ер очмоқчи,— Жабборов куёш тафтида жимирлаб турган қир томонни кўрсатди.

— Ростми, шу гапингиз?

— Ие, сизга ёлгон гапирамизми, Қодир ака?— деб, гапга қўшилди Эрматов.

— Ана ўша юз эллик гектарни ўзим очаман. Шунга хўп десангиз, раис, мана, биз рози.

— Қўлди беринг,— деди Эрматов.

Қодир ака Эрматовнинг қўлига чунонам шарақлатиб туширдик, толлардан зириллаб акс-садо қайтгандек бўлди. Эрматов «воҳ-воҳ!» деганча қўлини тортиб олди. Полвон қиқирлаб кулди. Жабборов билан Эрматов ҳам унга қўшилиб, кулиб юборишди.

Орадан гард кўтарилди. Қўнгиллар чароғон бўлиб қолди. Полвон кўкрагига қўлини қўйиб, хиёл қаддини букканча олдин Жабборов билан, сўнг Эрматов билан хайрлашди-да, улардан аста узоқлаша бошлади.

— Эртагаёқ ишни бошлайсиз, хў, полвон!— Қодир аканинг изидан бақирди Эрматов. Қодир ака қўлини бошидан юқори кўтариб, «бўпти!» ишорасини қилди.

Жабборов Қодир аканинг изидан завқ билан қараб тураркан, ўзига-ўзи гапираётгандек деди:

— Раис, кадрлар масаласида сира шошилманг. Лениннинг Кремлдаги кутубхонасида ноёб бир ҳужжат ҳамон сақланмоқда. Бу Москва Совети ижроия комитети фаолияти ҳақидаги обзор. 1920 йилнинг уч ярим ойида ижроком қирқ олтита ташкилий, атиги саккизта иқтисодий масалани кўриб чиққан экан. Доҳий бу рақамларнинг остига чиғиб, «аксинча бўлиши керак эди», деб ёзиб қўйган. Қаранг-а, нақадар ҳаётий мисол! Хў-ўш, бизга рухсат энди,— у Эрматовга қўл узатди.— Бўлди, Сиз қурилишни бўшаштирманг. Яна ҳаммани қўлига этак бериб, бошқа томонни ҳувиллатиб қолдирмайлик, оғайни.

— Қўнглингиз хотиржам бўлсин, Ҳаким Ҳайдарович,— деди Эрматов Жабборовни машинасигача кузатаркан.— Эл оёққа турган. Районни кўтаришимиз керак, дейишяпти.

Эрматовнинг бу гаплари Жабборовга мойдек ёқиб тушди. У Эрматовнинг қўлига шапиллатиб урди ва кабинаси очиқ машинага қушдек енгил ўтириб олди. Сўнг ўнг қўлини хиёл кўтариб силкитди-да, унсиз хайрлашди. Эрматов машина изидан қараб қолди. Машина толлар қалин соя ташлаб турган йўлдан чайқала-чайқала узоқлашди. «Тавба,— деди ўзига-ўзи Эрматов.— Мен бу одам ҳақида нима деб ёзарканман. Тилло одам-ку бу.

Жабборовни қўполликда айблашинг керакмиди? Асосий иш — пахтадан чалғитиб, жарга итариб юбормоқчи, деб бўхтон тўқишни айтишганмиди яна... Хўш, мана, ҳозир ёлғизсан сен. Дилинг билан сўйлаш. Нима қилдинг энди? Билмадим, билмадим... Йўқ!.. Нега билмайсан, сен, Эрматов, нега билмайсан? Билишинг керак! Бил-да. Инсоф билан айт: шу одамга тўхмат ёпишадими? Мутлақо, мутлақо!»

Эрматов машинасининг эшиги очгичига қўл тегизаркан, шофер эшитадиган овозда «мутлақо!» деб юборди.

— А?— деди шофер.

— А? Ҳа! Ҳайда, ука. Аэродромга ҳайда. Учувчиларга айтадиган бир оғиз гап бор.

Машина жойидан жилди...

Гермиз.

Нўъмон Раҳимжонов

Олимнинг олаби

Кундалик истеъмол томларини тузсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳаётимиз ҳам полимерлар кимёси маҳсулотларисиз кемтик бўлиб қоларди. Мана, айтайлик, дабдурустдан синтетик каучук ишлаб чиқарилмай қолди. Шиналарсиз транспорт ҳаракати тақа-тақ тўхтаб қолади. Поёнсиз экин далаларида не-не машаққатлар билан етиштирилган пахта ҳосили йиғиштирилмай қолган, буғдойзорлар ўриб-йиғиб олинмаган бўларди, сабаби комбайн ва тракторлар ўтказгич қайишларисиз ишлаши амри маҳол. Электр симларининг хавф-хатарсизлигини таъминловчи изоляция ленталари, чақалоқларнинг сўргичлари, футбол тўплари ҳам ана шу «полимерлар кимёси дарахти»нинг меваларидир. Қолаверса, сунъий чармдан тортиб то тиш чўткаси ва унинг филофигача, клиёнка, ленолиумдан тортиб соч тароғигача, автомобиль ойнасию нейлон, капрон ва лавсаннинг синтетик толаларигача, кранлар дастаси, турли хил санитария-техника ускуналарининг трубалари, қўлқоп, пайпоқ, стакан, телефон аппарати — ҳамма-ҳаммаси ана шу улкан синтетик полимерлар кимёси маҳсулотларидир.

Ҳа, чиндан ҳам кимё саноати маҳсулотларисиз бугунги ҳаётимизни беками-кўст дейиш қийин.

Полимерлар кимёси олимларининг, мутахассисларининг кундалик ишларини, узлуксиз излаш-изланишларини, агар таъбир жоиз бўлса, асалари меҳнатига қиёс қилиш мумкин. Асалари гулзор кезиб, гуллар оралаб гул шарбатини йиғиб, одамларга асал инъом этганидек, полимерлар кимёси ҳам ўз материални ҳаётдан олиб, уни яна одамларга беради.

Академик Ҳамдам Усмонов — ҳаётини хайрли ишга бағишлаган атоқли олимларимиздан биридир. Ҳамдам ака том маънода табиат ошиғи. У баҳор ва ёз ойларини Бўстонлиқ районидаги кўркам ва салобатли тоғлар этагидаги қишлоқларда, айниқса Хумсонда ўтказишни яхши кўради.

— Агар Бўстонлиқни беқасам тўн десам, — дейди Ҳамдам ака ҳикоя қилиб. — Хумсонни унинг ёқасидаги ҳошия дегим келади... Бу воқеага ҳам кўп йиллар бўлди. Лекин у сира хотирамдан кўтарилмайди.

Бир куни Угам дарёси бўйида, Қўрғонтошда барвастандан келган, икки юзи қип-қизил мўйсафид билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Ҳозир у киши оламдан ўтиб кетган. Отанинг тўрт ўғли, икки қизи бор, ҳаёт, ҳар гал Хумсонга борсам, ўша хонадонга кириб ўтаман... Ота баланд тоғлар ортида занжирдек бир-бирига туташиб кетган тоғ тизмалари этагидаги уч булоқнинг хосияти ҳақида сўзлаб берган эди.

Айтишларига қараганда, уч оға-ини дунёнинг сирини, ҳаётнинг моҳиятини, яшашнинг маъносини англаш мақсадида ер юзини кўп кезишибди; охири ҳориб-чарчаб, кеч кирганда, мана шу бир-бирига елкадош уч чўққини юксакликка кўтарган тоғлар этагига келиб қўнишибди. Тонг отибди. Кенжа ўғлон, лабига томган совуқ бир томчидан уйғониб кетибди. Кўзини очиб қараса, жимжилоқдек бир қуш дарахт шоҳига қўниб сайрар, ҳар гал ушоқдек тумшуқчаларини очганда битта-битта сув томчиси йиғитнинг лабларига томаётган экан. Орадан бир зум ўтар-ўтмас қушча пир этиб кўтарилибдию милтиллаб қайнаб турган кўздек булоқдан сув ичиб, учиб кетибди.

Йигит буткул вужудида энгиллик ҳис этибди. Хиёл овоз берган экан, дарахт шоҳлари турли хил қушларга тўлиб кетибди. Сўзласа, қушлар унга жавоб қайтаришибди. Қарангки, ўша булоқ суви унга қушлар тилини билишга, қушлар кўнглини англашга йўл очган экан. Шу боисдан уни Қушбулоқ дейишаркан.

Ака-уқаларнинг ўртанчаси уйқудан туриб Жийдабулоқдан сув ичган экан, дарахтлар, майсалар тилини биладиган, улар билан сўзлаша оладиган бўлиб қолибди. Тўнгич ўғлон бошқа бир булоқ сувидан ичибди. Уни Музбулоқ деб аташади. Йигит шу заҳотиёқ сув тилини, дарё тилини биладиган лаёқатга эга бўлиб қолибди...

Мўйсафиднинг ҳикоясини шогирдларимга ҳам тез-тез айтиб бериб тураман. Энди уни сизларга айтишимга сабаб шуки, ҳикоя маъносини бевосита кимё фанига, полимерлар кимёсига татбиқ этиш мумкин. Негаки, полимерлар кимёси ҳаётимизнинг давоми, оламни тушунишнинг бир калити, халқ ҳужалиги равнақини белгилловчи катта бир асос...

Ҳамдам ака наққош ва боғбон оиласида дунёга келди. Унинг болалик йиллари кекса бувасига кўмаклашиш билан ўтди.

Ҳамдам ака Октябрь тенгдоши. Шу хусусда олимнинг ўз фикрларини сўрадик. У хийла хаёлга чўмиб қолди...

— Ҳўш, Октябрь инқилоби менга нима берди? Совет халқи бутун прогрессив инсоният Октябрь инқилобининг 60 йиллигини нишонлаш арафасида менинг ёшим ҳам 60 га тўлди. Узимнинг ким бўлганлигимни кўз ўнгимга келтирдим, ўтмишимни ҳозирги кунларимга таққослаб кўрдим. Ота-боболаримиз яшаган чоғларни бугунги дорилмонликка солиштирдим. Отамнинг қўли гул бўлганлигини, лекин у ўқий олмаганлигини ўйладим. Мен 21 ёшимда САГУнинг кимё факультетини имтиёзли диплом билан битирдим. Уқиш даврида, 1941 йилда фан кандидати бўлдим; шу йили уруш бошланди, урушга кетдик. Уруш йиллари партия сафига кирдим.

Урушдан сўнг мени докторантурага юборишди. 1951 йили ЎзФА кимё институтининг директори этиб тайинландим. Москвада 1954 йилда докторлик диссертациясини ёқладим. 1956 йилда 40 ёшимда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси бўлдим.

Мана шуларнинг ҳаммасини албатта инқилобдан олдинги даврда ўзбек ўғли амалга ошириши мумкин бўлган нарсалармиди? Албатта йўқ. Инқилобдан олдинги даврда ҳозирги совет ёшларига ўхшаш талантли ёшлар бўлмаган дейсизми, албатта бўлган. Лекин халқимизнинг кўпчилиги қийин аҳволда ҳаёт кечирган. Очарчилик йиллари халқнинг ҳолидан хабар оладиган ҳукумат ҳам бўлмаган; халқ ичида турли касалликлар авж олган; кўпчилик хатсиз, билимсиз эди. Демак, мен ўз халқим билан бирга ҳозир Октябрь инқилобидан, партиямизнинг, ҳукуватимизнинг ғамхўрлигидан гоят миннатдорман.

Бизнинг институт Химия саноати министрлигига қарайди. Учта катта институт ана шу министрликда кимёвий толаларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Яқинда бизнинг тармоқ саноатидаги заводлар миллионинчи тонна толани давлатга топширди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бизга табрик хати йўллади. Бу ютуғимиз билан кизгин табриклади, бизга янада катта муваффақиятлар тилади.

Бундан руҳланган институтимиз коллективи, бирлашма аҳли баланд руҳ билан ўртоқ Л. И. Брежневга жавоб хати йўллади. Хатда навбатдаги режаларни, мақсадларимизни баён қилдик. Жумладан, ацетат толалари ишлаб чиқариш бевосита кимё заводлари билан боғлиқ; бу толалар целлюлозадан, хусусан, пахта қолдиғи — линтдан олинади. Агар Ўзбекистон мисолида гапирсак, Фарғонада — катта бир завод бор; унинг коллективи билан биргаликда заводнинг ишлаб чиқариш қудратини XI беш йилликда 14 мингдан 18 минг тоннага олиб чиқиш вазифасини олганмиз. Бу, албатта, қийин иш; лекин мақсадга эришишимизни билганимиз учун ҳам бу қийинлик бизга сезилмайди. Зотан, қўлга киритилган ютуқлар кучимизга куч қўшаверади, бизни янгидан-янги ютуқларга рағбатлантираверади...

Ҳамдам аканинг ҳузурбахш, айни чоғда, теран маъноли ҳикоясини тинглаб ўтирар эканмиз, инсон умрининг асл мазмуни ва моҳияти, унинг ҳаётда тутган ўрни ҳақида ўйладик... Дарҳақиқат, умр, дамлар, вақт шафқатсиз ўтиб бораркан. Биз кузатиб қоламиз, холос. Улар фақат бир нарса мерос қолдиради бизга. Бу ҳам бўлса — хотира. Утган кунларимиздан, кечирган ҳаётимиздан, шафқатсиз, тизгинсиз вақтдан қолгувчи хотира у. Гарчанд, қанчалик аччиқ ёки тотли бўлмасин, бари бир, биз ёлғиз хотиралар билан хайрлаша олмаймиз, уларни жим ва осуда кузата олмаймиз, улар биз билан бирга яшайди. Хотиралар ўз эгасидан кейин ҳам қолади. Келгуси авлодларни ўз эгасининг шахсияти, маънавияти, инсоний жиҳатлари, ишлари тўғрисида воқиф этади. Шу боисдан ҳам, умр ўтган кунлар эмас, ёдда қолган кунлардир, дейишади...

Ҳамдам Усмоновнинг жаҳонга номдор полимерчи олим бўлиб етишишида икки устози етакчилик, раҳнамолик кўрсатди. Бири — республикамизнинг табиий шароити бўлса, иккинчиси — академик В. А. Каргин ва у каби бир қатор рус олимларидир.

Зотан, полимерлар фанининг 90—95 фоизини пахта хомашёси белгилайди. Ҳамдам ака кўнглида катта бир ният — пахта целлюлозаси бўйича илмий иш яра-

тиш ғояси туғилганда у энг яқин кишиси В. А. Каргинга маслаҳат солди. У биринчи бўлиб ўзбек олимини тўғри ва олижаноб йўлга солган, рағбатлантирган эди.

Ҳамдам ака В. А. Каргин билан студентлик йиллариёқ, 1936 йили Москва физика-кимё илмий текшириш институтига практикага борганида танишган эди. Ушанда В. А. Каргин фикри чақиндек тезкор, ёш фан кандидати эди. Уларнинг ўртасидаги устоз-шогирдлик, яъни маънавий ота-болалик алоқалари, асосан Улуғ Ватан уруши тугагач, тинч қурилиш йилларининг қайноқ дамларига тўғри келди. Бу даврга келиб В. А. Каргин доғи кетган академик даражасига кўтарилган, халқимизнинг, мамлакатимизнинг иқтисодий қувватини оширишига самарали улуш қўшган, кўплаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказган, жаҳонда полимерлар кимёсининг билимдонларидан бирига айланган, нуктадон олим сифатида танилган эди. 1946 йилдан эътиборан Ҳамдам ака В. А. Каргин билан бамаслаҳат ўзининг пахта целлюлозаси бўйича илмий тадқиқотини юзага чиқаришга киришди. Мазкур йўналиш бўйича, мана, 25 йилдан бери тадқиқотлар олиб борилмоқда. Пахтанинг кўқариши ва толасининг этилиши даврида ўрганишнинг жуда катта назарий ва амалий аҳамияти бор; негаки, у пахта целлюлозаси таркибини, пахтанинг ривожланиш пайтида унинг энг майда толалари узунлигини ҳам аниқлаш имконини юзага келтиради. Бу эса бевосита целлюлозаларни биологик жиҳатдан синтез қилишга оид янги маълумотлар беради. Пахтанинг турли хил об-ҳаво шароитида ўзгаришларини ва бошқа факторлар таъсири остида таркибидagi физик-кимёвий ҳамда механик хусусиятларнинг ўрганилиши ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш имконини туғдиради. Бу эса ўз-ўзидан пахта толасининг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

Полимерларнинг, жумладан целлюлозаларнинг физиқ-кимёвий хусусияти, аксарият ҳолларда молекулалар таркибига боғлиқ. Бу борада ёруғлик ҳамда электрон микроскопия қимматли маълумотлар берди.

Ҳамдам Усмонов лабораториясида пахта толаларининг физиқ жиҳатдан турланишидаги таркибий ўзгаришлари ҳам тадқиқ этилди. Бунда целлюлоза молекуляр таркибининг сезиларли равишда ўзгариши аниқланди; яъни ўзгариш характери пахтага ишлов бериш билан узвий боғлиқдир.

Академик Ҳамдам Усмонов ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган йирик тадқиқотлар натижасида турли хил целлюлоза толаларининг механик хусусиятлари билан молекула таркиби ўртасидаги ўзаро алоқадорлик белгиланди.

Пахта целлюлозаси турланишини соф кимёвий ҳамда радиацион-кимёвий усулда текшириш диққатга молик самаралар берди. Мазкур кашфиётнинг илмий қиймати ва халқ хўжалигидаги аҳамияти ниҳоятда улкан бўлиб, у целлюлоза материалларидан фойдаланишни яхшилади. Хусусан, юқори иссиқлик ҳарорати ҳамда ўта ёруғлик таъсирига чидамли, турли хилдаги бўёқларни ўзига олишда, уларни сақлашда ўзига хос ажойиб хусусиятларга эга бўлган целлюлоза хом ашё материаллари олинди. Ювилганда ўз хусусиятини йўқотмайдиган, ранги ўчиб кетмайдиган газламаларни тўқиб чиқариш усуллари ишлаб чиқилди ва Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқаришга жорий этилди.



Пахта толасининг ифлосланишини камайтирувчи кимёвий усул ишлаб чиқилди ва бир неча технологик кўрсатмалар, энг яхши жаҳон стандартлари даражасидаги пахта целлюлозасини пишириш меъёри-тартиблари тавсия этилди. Юксак сифатли целлюлоза олиш усуллари республикада вужудга келтириладиган пахта целлюлозаси заводига асос бўлиб хизмат қилади. У бугунги кунда «Химволокно»нинг Энгельс ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида жорий этилди. У юксак унум, самаралар бермоқда.

Винилфторид кимёвий моддасини синтез қилишда оригинал усул яратилди. Бу ишлар таркибида фтор элементи бўлганлиги полимерларни синтез қилишга олиб келди, синтетик полимерлар ва целлюлозанинг физик-кимёвий ҳамда механик таркибининг яхшиланишини таъминлади.

Нур сочилиши усулининг полимерлар кимёсидаги улкан аҳамиятини академик Ҳ. Усмонов Иттифоқимизда биринчи бўлиб кўрсатиб берди. Аллома олим раҳбарлигида нур сочилиши йўли билан табиий ва синтетик полимерларга ишлов бериш ишлари мураккаб технологик жараёнларни осонлаштирди; буларнинг ҳаммаси полимер маҳсулотларидан фойдаланишни тубдан яхшилади.

Ҳамдам Усмонов кейинги йилларда физиологик жиҳатдан актив полимерларнинг физик-кимёвий таркибини ўрганиш борасида изчил тадқиқотлар олиб бормоқда. Ушбу тадқиқотлар биология, медицина ва полимерлар кимёси фанларининг уйғунлашуви натижасида юзага келгандир. Пахта целлюлозаси ва технологияси илмий тадқиқот институти ҳамда ТошДУнинг физика-кимё кафедраси коллективи томонидан физиологик фаол полимерлар олишга бағишланган иккита бир-бирдан буткул фарқланувчи усул ишлаб чиқилди. Баъзи физиологик фаол бирикмаларга монанд юксак молекулали полимерлар олинди, улар медицинада ўзининг янги муолижа хусусиятлари билан диққатга моликдир.

Тошкентнинг Чақичмон маҳалласида дунёга келган Ҳамдам Усмонов раҳбарлигида олинган дори-дармонлар ҳозирда Тошкент ҳамда Москва шаҳарларидаги қатор медицина муассасаларида синовдан муваффақиятли ўтмоқда.

Ҳақиқий илмий фаолият — халқ хўжалигининг долзарб масалалари билан доимо уйғунликда намоён бўлади ва камол топади. Ҳамдам Усмонов пахта саноати ҳамда пахта чиқиндиларидан кенг ва умумли равишда фойдаланиш масалалари бўйича қатор тадқиқотлар муаллифи ҳамдир. Унинг пахтанинг барча навлари толасидан ҳамда умумий запас ҳажми миллионлаб тоннадан иборат ёзувдан ҳар томонлама фойдаланиш борасидаги илмий ишлари жаҳон илм аҳлига яхши маълум.

Олимнинг иқтидорли ёшларни тарбиялаб вояга етказишдаги хизматлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Ҳамдам Усмонов 20 га яқин фан доктори ва 100 дан ортиқ фан кандидатининг қутлуғ илм даргоҳидаги заҳматли ва шарафли фаолиятига оқ фотиҳа берди. Академикнинг шоғирдлари орасида Иттифоқимиздаги ўнлаб миллат вакиллари билан ташқари чет эллик етук мутахассислар ҳам бор.

Ҳамдам Усмоновнинг улкан ташкилотчилик қобилияти айниқса Ўзбекистон Фанлар академиясининг кимё институтини барпо этишда равшан кўзга ташланди. 1952—56 йилларда у ЎзФА кимё институтининг директори бўлди. 1956 йили ана шу институтининг янги ташкил этилган бир неча лабораториялари базасида пахта ва ўсимлик моддалари кимёси институтини ташкил этди. Ҳамдам Усмонов 1959 йилгача мазкур институтига етакчилик қилди; 1956 йилга келиб табиий полимерлар ва пахта кимёси лабораториялари асосида полимерлар кимёси институти ташкил этилди. Бу институт 1963 йилга келиб пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси институтига айлантирилди.

Шунингдек, СССР Фанлар академияси, СССР Министрлар Советининг илмий-техника давлат комитети, Ўзбекистон Фанлар академияси қатор илмий органларининг фаолиятидаги Ҳамдам Усмоновнинг актив иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. У СССР ФА қошидаги юқори молекулали бирикмалар, СССР ФАнинг юқори энергияли заррачалар кимёси, СССР Министрлар Совети илмий техника Давлат Комитетининг «Полимер маҳсулотлари халқ хўжалигида» ва «Медицинага оид синтетик полимерлар» номи йирик Илмий Советларнинг аъзосидир.

Ҳамдам Усмонов ватанимиз фанининг муносиб вакили ва ёрқин намоёндаси сифатида хорижий мамлакатларда ҳам тез-тез бўлиб туради. 1956 йилдан эътиборан целлюлоза ва кимёвий нур сочилиши, полимерлар кимёси ва физикасига бағишланган барча халқаро конференцияларда, симпозиумларда иштирок этиб келмоқда. У Англия, Венгрия, Ҳиндистон, Канада, Руминия, Франция, ГФР, Чехословакия, Япония, Исроил ва Финландияда бўлиб ўтган барча халқаро симпозиумларда қатнашди. Бу мамлакатларга қилинган сафарлар олимларимиз билан хорижий мамлакатлар илм аҳли ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш ишига хизмат қилиб келмоқда.

Бу ўринда, айниқса, Ўзбекистон полимерчи мутахассислари билан социалистик мамлакатларнинг олимлари ўртасида жуда яқин алоқалар ўрнатилганлигини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бир-бирларига мутахассислар юбориб туриш ва илмий ахборотлар, фикр-таъриба алмашиш ишлари социалистик мамлакатларда полимер фанининг, биринчи навбатда кимё целлюлозаси фанининг тараққиётида катта омил вазифасини ўтамоқда. Академик Ҳамдам Усмонов 1967 йилдан бошлаб Руминия СР

ФАда чиқарадиган «Целлюлоза кимёси ва технологияси» халқаро журнаlining ред-коллегия аъзоси эканлиги ҳам бежиз эмас. Биргина шу фактнинг ўзиёқ Ҳамдам Усмонов илмий тадқиқотларининг, ўзбек полимерчи олимларининг кашфиётлари нақадар улкан халқаро аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда мамлакатимиз ҳамда чет эллик йирик олимларнинг баъзи фикрларини келтиришни лозим топдик.

«Биз, Европа мамлакатлари, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кенгаши (СЭВ) вакиллари билан Тошкентда ўтказилган симпозиумда иштирок этар эканмиз, институт директори, профессор Ҳамдам Усмонов билан целлюлоза материаллари сифатини ҳам кимёвий, ҳам нур сочилиш усуллари билан яхшилаш масалалари хусусида бафуржа суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдик. Институтни янада ривожлантириш борасидаги режалар бизни ҳайратга солди. Айниқса, пахта целлюлозаси ва технологияси — илмий тадқиқот институти коллективининг целлюлоза толалари кимёси ва технологияси соҳасида ҳамкорликда ишлай олишини кўриб ғоят қувондик. Бу нарса яқин келгусида реал воқеликка айланади, деган умиддамиз.

Доктор-инженер Адольф Хегер, доктор-инженер Михаил Штефен — Дрезден; пахта целлюлозаси институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Готхард Вильде — Карл-Маркс-Штат.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кенгаши, (СЭВ) Секретариатининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўлими ходими ҳамда Чехословакия ССР граждани сифатида, гўзал Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентда ўтган Симпозиумда иштирок этганимдан ғоят бахтиёрман. Мухтарам институт директори, академик Х. У. Усмонов бошчилигида СЭВга кирган мамлакатлар вакиллари йиғилишини шундай юксак савияда ташкил этилганлигидан, институт лабораторияларида илмий ишларнинг ниҳоятда яхши йўлга қўйилганлигидан мислсиз хурсанд бўлдим. Катта раҳмат!»

Беджих Фридрих — Прага, ЧССР.

«Институт коллективининг ҳайратомуз меҳнатсеварлиги, лабораторияларининг техник жиҳозлари ва энг муҳими, илмий тадқиқотларининг натижалари менда улкан, бир умр эсдан чиқмайдиган таассуротлар қолдирди.

Профессор Фред Шафизода — АҚШ, Монтан университетининг лаборатория директори.

Партия ва ҳукуратимиз Ҳамдам Усмоновнинг мамлакатимиз фанининг равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги хизматларини муносиб тақдирлади. У тўрт орден ва саккиз медаль билан мукофотланди; унга 1966 йили «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» унвони берилди.

Улкан олим, толмас ташкилотчи, талантили педагог ва жамоат арбоби, академик Ҳамдам Усмонович Усмоновнинг кўп қиррали фаолияти доимо кўнгилларга ёруғлик, шууримизга теранлик бахш этади.

Ҳамдам ака ҳар гал сафарга отланаркан, меҳрибон онаси унга бир жуфт ёпилган нонни ҳамроҳ қилиб тугиб беради. «Қутлуғ уйдан қуруқ чиқмагин, сафаринг доимо хайрли бўлсин», дея дуо қилиб қолади... Ҳамдам ака эса, олисми, яқинми, ҳар гал сафардан қайтаркан онасига совға қилиб дастурхон олиб келади...

Дастурхон... Академик Ҳамдам Усмонов порлоқ илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолияти билан улкан бир дастурхон ёзди. У йилдан-йилга ана шу дастурхонини янги-янги кашфиётлар, тадқиқотлар «неъмат» билан бойитиб бормоқда. Иттифоқимиз, жаҳон илм аҳли, халқ ҳўжалиги ўзбек академикининг ана шу улкан дастурхонидан баҳраманд бўлмоқда. Бу нарса халқимиз қалбида ўз фарзандидан фахрланиш ҳамда ифтихор туйғуларини уйғотади.





Нусрат Раҳматов

ЧОРВАЧИЛИК— ЗАРБДОР ФРОНТ

Чорвачиликни давр талаблари даражасида тараққий эттириш, аниқроғи, гўшт ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида баҳс-мунозаралар кетганда турфа хилдаги фикр-мулоҳазаларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Шундай анжуманларнинг бирида кимёгар олим ёғочданми, ғўзапояданми сунъий гўшт ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таклиф этганди. Иқтисодчи эса гўшт тежалмаётганини, кўп ҳолларда унинг исроф бўлаётганлигини айтди. Медик ҳам уни қўллаб-қувватлади. Одамлар ўтмишда очликдан жон берган бўлсалар, эндиликда тўқликдан вафот этаётганликларини: ўта сергўшт, серёғ таомлар қон босими, қанд касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётганини гапирди.

Қизиқ, балки қачонлардир сунъий гўшт кашф этилар. Лекин у сунъий сут ёки сунъий тола сингари дарҳол меъдага тегмасмикин?! Дарвоқе, гўштининг таркибида 20 фоиз оқсил бор. Жаҳондаги бирорта лабораторияда ҳалигача оқсил кашф этилган эмас. Демак, бу анча мураккаб жараён ҳамдир.

Назаримда иқтисодчи билан медикнинг фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди. Айрим ҳолларда гўшт исроф ҳам бўлаётгандир, айрим кишилар баднафслик қилиб касал бўлаётгандир, лекин, умуман олганда, гўшт сероб эмаслигини тан олиш керак. Бир кило гўшт икки минг калорияга эга экан, унинг ўрнини сабзавот ҳам, мева ҳам босолмас экан, демак, гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтириш шарт. Болаларимизнинг илиги тўла бўлиши учун, беморлар тузалиб, тезроқ қувватга киришлари учун, мезбон гўшт тополмай меҳмон олдида хижолат бўлмаслиги учун турфа хилдаги гўшт керак! Балки кўнгил курка гўшти истар, балки доктор қуён гўшти ейишни тавсия этгандир, балки корхайр учун юз кило қўй гўшти керакдир. Ҳа, қайсисини истасак, у дўконда муҳайё бўлмоғи керак!

Яшириб нима қилдик: ҳозир кооперация дўконларида ва бозорда гўшт анча қиммат. Давлат дўконларидаги гўшт эса аввал инвалидларга, ишчиларга... у ҳам чекланган миқдорда.

Ҳар бир соғлом киши йил давомида тўқсон кило гўшт тановул қилмоғи зарур. Республикамизда тайёрланадиган гўштни аҳоли бошига тақсимлаб кўринг — у қирқ килограммга ҳам етмайди. Шунинг учун ҳам Австралиядан музлатилган қўй, Болгариядан музлатилган товуқ, Россиядан музлатилган балиқ харид қилинмоқда. Музлатилган гўштининг калорияси паст бўлади.

Урта Осий республикалари ўзини ўзи гўшт билан таъминлаш имкониятига юз фоиз эга. Партия курсатмаларида бу гап бир неча бор таъкидланди. Ҳа, бизга ҳозиргина сўйилган, буғи чиқиб турган гўшт керак. Нон дўконига кириб, исталган миқдорда, исталган хилдаги нондан харид қилганимиз сингари гўшт дўконига ҳам кириб, кўнглимиз тортган гўштни харид қилишимиз керак. Бунинг устига у худди нондек арзон ҳам бўлмоғи лозим.

Ҳўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин?!

Билмайман! Мен бу саволга жавоб беролмайман. Бироқ ўз фаолияти билан ана шу саволга жавоб бериб келаётган кишилар ҳақида ҳикоя қилишим мумкин. Сўзимни Геннадий Дюрьевич Кан деган кишидан бошламоқчиман.

Бу одам аслида адабиёт ўқитувчиси. Пушкинни, Лермонтовни, Достоевскийни жондан севадиган киши. Аммо мактабда ишлаш учун адабиётни севишининг ўзи кифоя қилмас экан. У баҳонаи сабаб билан, фермага ишга ўтди. Кўп ўтмай районларда бўрдоқчилик базалари ташкил этила бошланди. Геннадий Дюрьевич Самарқанд район колхозлараро бўрдоқчилик базасига бошлиқ бўлди.

Мен бу одам билан худди ўша кунлари танишган эдим. Бўрдоқчилик базасига келганимда, диққатимни энг аввало дарвоза теппасидаги шior жалб этди. «Энг муҳими, йигитлар, қалбан қаримайлик!» деб ёзилганди унда. Уни ёндафтаримга тушириб, ичкари кирдим ва ўнг томондаги деворга чизилган улкан расмга кўзим тушди. У мени мафтун этди, бир умр қалбимга кўчди. Унда баҳайбат бир буқанинг расми чизилган бўлиб, қип яланғоч бола унга майса узатиб турарди. Бола буқадан чўчимас, ҳатто писанд қилмасди. Буқа эса болага илтижо билан боқарди. Мен расмнинг жозибаси, бўёқларини қалбимга ҳаяжон солган сирли қувватини сўз билан ифодалаб беришга ожизман.

Геннадий Дюрьевич гапни шикоятдан бошлади. Бинолар жуда эскилиги, ремонт учун пул йўқлиги, хўжалик раҳбарлари нуқул касал ва қари молларни топширишаётганлиги, кўшни Улуғбек номли колхоз правлениеси озуқа экиш учун бирор гектар ер бермаётганлиги ва ҳоказолар ҳақида бўғилиб гапирди. Дарҳақиқат, аҳвол ночор эди. Молбоқарлар кексайиб қолгандилар, озуқа ва сут муаммоси ҳал қилинмаганди. Гарчанд колхозлараро бўрдоқчилик базаларининг истиқболига ишонмай қолган бўлсам-да, Канга далда бериб, унинг кўнглини кўтардим. Бошлашда ҳамма нарса бир оз қийин бўлиши, кейин бари изга тушиб кетиши хусусида сўзлаган бўлдим.

— Тўғри айтасиз,— чехраси ёришиб кўшилди у.— Ҳали одамларимиз ихтисослаштириш ва марказлаштиришнинг моҳиятини тўла тушунмаяптилар. Бир вақтлар яққа хўжаликлар бирлашиб, колхозлар ташкил топгани сингари, энди колхозлар қўшилиб, базалар, бирлашмалар ташкил топаётганлигини, бу бир диалектик ҳолат эканлигини кейинроқ тушунишади. Уттизинчи йилларда колхозлар истиқболига ҳам шубҳа билан қарашган-ку.

Хайрлашар эканмиз, унинг диққатини мени ҳайратга солган расмга қаратдим.

— Жуда ажойиб расм чиздирибсиз.

— Ҳа! Лекин райкомнинг пропаганда бўлимидаги ўртоқлар мени уришишди. Болакайга лoақал иштонча кийгишиш керак эди, дейишяпти. Дарвоза теппасидаги шiorни ҳам ўчириб ташлаб, ўрнига: «Молбоқарлик касбини улуғлайлик», деб ёзишни тайинлаб кетишди.

— Йўқ, йўқ! Сира ундай қилманг! Мен пропаганда бўлимидаги ўртоқларга тушунтираман.

— Бўлмаса, яна бир илтимос, шу электрчилар свет ўтказиб беришмаяпти. Менинг сўзим ўтмади. Бошлиғига бир телефон қилсангиз, ҳар ҳолда мухбирлардан чўчишади.

Мен сўз бердим. У гапида давом этди.

— Лекин ҳали газетага ёзадиган ҳеч гапимиз йўқ. Бирор йилдан кейин келсангиз...

Уша кеч тушимга яланғоч бола билан буқа кирибди. «Сен болакай мен билан ҳазиллашма» дермиш хўкиз. «Ахир мен заминни шохларим билан кўтариб турган ўша баҳайбат хўкизман!» Бола қаҳ-қаҳ отиб кулармиш. «Ёлғон! Одамлар сенга меҳр қўйишин деб, мен шунақа гап тарқатгандим!...»

Бир йилдан кейин ҳам базага бориб, энг аввал деворга қарадим. Расм ўз ҳолича турганини кўриб қониқиш ҳосил қилдим.

Геннадий Дюрьевич бу гал анча мамнун эди. Базада ёшлар кўпайибди. Райком колхоздан бир гектар сугориладиган ер олиб берибди. Моллар ҳам икки ҳисса кўпайиб, тўрт юз бошга етибди.

— Одатда ёшлар фермага камдам-кам ишга келарди. Сиз буларни қандай қилиб жалб қилдингиз?— сўрадим молхоналарни кўздан кечирав эканмиз.

— Булар — асосан, ўша сиз кўрган кишиларнинг фарзандлари. Моддий манфаатдорликни кучайтирдим, шахсий молларига емиш бердим. Болаларини ишга олиб келишди. Буларга ойига икки юз-уч юз сўмдан маош тўлаяпмиз.

Базада ўзбек, тожик, корейс миллатларининг вакиллари бор эди. Геннадий Дюрьевич уларнинг ҳар бирига ўзларининг она тилида мурожаат қилар, болаларининг номини тилга олиб, уларнинг соғлигини суриштирарди.

— Ҳали ҳам ҳеч гапмас,— деди хайрлашарканмиз Кан.— Тағин беш йилдан кейин кўрасиз. Бирлашмалар жуда катта истиқболга эга...

Мана ўша гапга нақ беш йил тўлди. Кан тўғри каромат қилган экан. Мана 1979 йил натижалари: комплексда (ҳозир уни комплекс дейишади) йил давомида ўн икки минг бош мол боқилди. Давлатга 1.500 тонна гўшт топширилди.

Мухтарам ўқувчим, худди шу ўринда мен лирик чекиниш қилиб, сизга мурожаат этишга эҳтиёж сезиб қолдим. Умуман очерк ўқигандан кўра Абдулла Қодирийними, Абдулла Қаҳҳорними қайта ўқиган маъқулроқ. Бунинг устига менинг очеркимда танқидчи тили билан айтганда «қизил ил ҳам йўқ». Фактларнинг бири Самарқанддан, бири Бухородан. Булар ҳам етмагандай, энди диққатингизга аллақандай рақамларни ҳавола қиялман.

Аммо худди шу ўринда рақамларнинг мағзини чақиб кўришингизни истардим. Сиз баъзи шеър, ҳикоя, қиссаларни ўқиб унинг замирида тузук-қуруқ гап йўқлигига ишонч ҳосил қиласиз, ўқиш учун кетган вақтингизга ачинасиз. Лекин мен сизга сўзлаётган рақамлар айсбергга ўхшайди: оз қисми юзада, кўп қисми сув ичида. Мана, 1.500 тонна гўшт дедик. Бу кўпми, озми? Шунча гўшт 166 минг кишининг йиллик эҳтиёжини қондиреди. Наманган, Андижон, Фарғона сингари бундайроқ бир шаҳар аҳолисини гўшт билан таъминлаш учун битта ана шундай комплекс кифоя.

Самарқанд райониغا Америкадан, Канададан, Германиядан кўплаб туристлар келади. Улар аввалгидек Хўжа Аҳрори вали, Хўжа Абду Берун масжиди ва мақбараларини кўриш билан қаноатланишмайди: «жаноби Кан деган фермернинг» комплексини кўрмоқчи, ўрганмоқчи бўлишади. Дарҳақиқат, ўрганишга, жорий этишга молик гаплар кўп бу ерда. Ҳар бирига минг бош мол жойлашадиган улкан корпуслар, худди заводга ўхшаган йурик озуқа цехи, бинолар орасидаги гулзорлар, Геннадий Дюръевичнинг мрамор йўлакчи, кенг кабинети, ундаги фин мебеллари, эрон гиламлари...

Эндиликда Кани ҳамма танийди, ҳурмат қилади. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, область Советининг депутаты. Район партия комитетининг биринчи секретари Раҳматулла Абдуллаев кун ора комплексга келиб туради.

Шундай бўлиши табиий: комплекс ташкил этилганига қадар, районнинг жами колхоз, совхозлари 900 тонна атрофида гўшт топширади, холос. Энди улар гўшт топшириш ташвишидан батамом қутулдилар. Бузоқларни ўн беш кунлик бўлиши билан комплексга топширадилар. Бу ерда урғочилари вояга етказилиб, новвослари эса гўштга топширилади. Даромаднинг нақд ярми пайчилар бўлмиш колхоз, совхозларга тақсимланади. Энди раисларнинг ўзлари илтимос билан келишади унинг олдига.

— Авваллари сизни қабул қилишмасди, энди сиз одамларни қабул қилмаётган эмишсиз,— дедим бир куни.— Бюрократлашмаяпсизми. Бир мухбир олдингизга киролмай кетибди. Ваҳоланки, Бектош Раҳимович ҳам уларни биринчи навбатда қабул қилади.

— Қабул қилдим, фақат интервью бермадим,— деди у. — Негаки у гапириб беришимни эмас, ўқиб беришимни талаб қилди. Буниси ҳам майлия: «микрофонга молнинг маъраши эшитилмаслиги керак», деди. Шуниси менга ёқмади. Молга меҳр қўйиш керак.

«Молга меҳр қўйиш зарур». Бу гапни менга яна кимлардир айтганди. Ҳа, ёдимга тушди: улардан бири Ғиждувон район партия комитетининг биринчи котиби Салим Раҳимов эди. Мана шу одам тўғрисида сўзлашдан илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил 27 ноябрда қабул қилган ва матбуотда эълон этилган қарори хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Ғиждувон район партия комитетининг чорвачиликни жадал ривожлантириш борасидаги ташкилотчилик иши тўғрисида қабул қилинган мазкур қарорда район меҳнат аҳли бу тармоқни комплекс ривожлантиришга киришганлиги, айна пайтда икки минг қорамолга мўлжалланган янги комплекс, 40 минг қуёнга, 70 минг паррандага, 10 минг бош чўчкага мўлжалланган бинолар қурилаётганлиги, балиқ боқиладиган ҳовузлар майдони 80 гектарга кенгайтирилгани, шу билан бирга ёрдамчи ва шахсий хўжаликлар ривожлантирилиб, тўғри иш қилинаётганлиги таъкидланади.

Бу жуда яхши гап. Бу «молга меҳр қўйиш»нинг шарофати. Дарвоқе, Салим Раҳимов хусусида...

У ўрта мактабда тарих ўқитувчиси эди. Бир куни юқори синфларнинг бирига Улуғ Ватан уруши ғалабаларининг омиллари тўғрисида лекция ўқийганида синфга район партия комитетининг биринчи секретари Маҳмуд Миратов кириб келди ва орқага ўтиришга ижозат сўради. Уқитувчи ҳаяжонини ҳамсиз олиб, дарсни давом эттирди. Йўлакай жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳақиқатлиқлари номини ҳам бирма-бир тилга олди. Дарсдан кейин биринчи секретарь унинг қўлтиғидан олиб, бир чеккага олиб чиқди.

— Эртага колхозларингни иккига бўлмоқчимиз, ярмига сен раис бўлишинг керак!

Колхозчилар унга яқдиллик билан овоз бердилар. Садриддин Айний колхозда кўп бўлганлиги, ўз асарларида уни мадҳ этганлиги, қолаверса, Ғиждувонда туғилган бўлишига қарамай, унинг номига бирор хўжалик қўйилмаганлиги ҳисобга олинди ва колхозга адабнинг номи берилди.

Мен юқорида Геннадий Дюръевич ҳақида гапирганимда, ишни шиор ва расмдан бошлаганини айтган эдим. Салим Раҳимов эса ўз фаолиятини Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳақиқатлиқлари хотирасини абадийлаштиришдан бошлади. Улкан монумент қурилиб, унинг атрофида шаҳид бўлган ҳар бир киши хотираси учун чинорлар ўтказилди.

Мен колхозга илк бор борганимда, раис яқинда фойдаланишга топширилган болалар боғчасига бораётган экан. Мени ҳам таклиф этди.

Бу ерда менинг диққатимни энг аввал кафеллаштирилган ҳовузча ўзига тортди. Унинг ичида турфа рангдаги балиқлар сузиб юрар, болакайлар уларни тутиб олмақчи бўлишарди.

— Мана шу деворга,— деди раис,— мозаик панно чиздирмоқчиман:

унда яланғоч боланинг ҳовузчадан балиқ тутаетганлиги акс эттирилиши керак.

— Қип-яланғочми?

— Ҳа, Одам Ато билан Момо Ҳаво кийгизиб юборган либосда. Лекин яхши рессом тополмаяпман. Самарқандда зўрлари бор, дейишади: бирортаси билан таништириб қўймайсизми?!

— Мумкин. Бизда зўрлари кўп. Ҳамза мукофотининг лауреати бўлишган: Бандзеладзе, Джишиашвили, Алиев...

— Ҳалиги, Хатирчидаги она ҳайкалининг авторлари эмасми?

— Ҳа, ҳа, лекин «Бухоро» меҳмонхонасидаги уймакорликлари учун лауреат бўлишган.

— Меҳмонхонадаги иш зўр-у, лекин Хатирчидаги ҳайкалга қойил эмасман. Қўйлагининг бели боғланган, этаги жуда кенг, бурни узун, кўкрагини беҳаё қилиб тасвирлашган; рўмол тангиши ҳам бизнинг аёлларга ўхшамайди. Мен Кахетияда бўлганимда шунақа аёлларни кўрган эдим. Уша ҳайкални колхозга қўйишга рози бўлмасдим!

Гап чорвачиликка келиб тақалди. Раис чорвачиликнинг ҳамма турларини ривожлантиришга киришилганлигини гапирди.

— Бу — ихтисослаштириш талабларига зид-ку,— фикримни айтдим.— Ахир, ҳар бир колхоз маълум тармоқ бўйича ихтисослашиши керак.

— Гап шундаки, ихтисослаштиришни чеклаш деб тушунмаслик керак. Бизнинг областдаги кўп районлар ихтисослаштириш йўлидан бориб, паррандачилик билан чўчкачиликни тугатиб юбордилар. Натижада, ўша районларда болалар боғчалари, касалхоналар тухумсиз қолиб кетди. Чўчка ўрнига қорамолларни топширдилар, натижада сут ҳам камайиб кетди. Қизиқ экан. Госплан ҳам ҳисобдан чиқариб ташлади. Лекин биздаги Свердлов билан Навоий районлари чўчка билан туюқни йўқотишмади. Ҳозир ҳамма колхозлар ўша районларга бориб, она чўчка билан жўжа харид қил-яптилар. Лекин жуда қимматга сотишяпти.

Кейин у чўчкачиликнинг экономикани ривожлантиришдаги аҳамиятини мисоллар билан исботлаб берди. Бир она чўчка йил давомида йигирмата бола берар экан. Уларнинг ҳар бири юз килограммдан семиртирилганда ҳам икки тонна гўшт бўларкан. Акс ҳолда бунинг ўрнига 50 та қўй ва олти бош қорамолнинг баҳридан кечишга тўғри келади. Шартномаларни чўчка ҳисобига бажарган раҳбар бошқа молларни сақлаб қолиш билан бирга катта иқтисодий фойда олишига ишонч ҳосил қилдим.

— Мана, биз балиқчиликни ривожлантиряпмиз,— давом этди раис.— Тўғри, балиқ гўшtidан палов пишириб бўлмайди, лекин ҳеч қайси гўшт ҳозиргина қовурилган балиқ ўрнини ҳам босолмайди. Сув ости чорвачилиги учун молхона ҳам, чўпон ҳам, озуқа ҳам керак эмас: энг арзон гўшт. Хўш, нега бу тармоқни ривожлантирмаслик керак?!

У қуёнчилик, куркачилик ҳақида ҳам ана шундай тўлиб-тошиб гапирди, чорвадан келаётган даромад ошаётганлигини, янги комплекслар қуришаётганини ҳикоя қилди.

Орадан икки йилча ўтиб Садриддин Айний номли колхозга борганимда Салим Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб кетганлигини маълум қилишди. Уни райкомдан ҳам тополмадим. Янги ипподром қурилишига кетган, дейишди. Салим Раҳимов биринчи котиб бўлиб, ишни отчопар қурилишидан бошлагани мени ажаблантирди.

Салом-алиқдан кейин бу ердаги қурилишларни бирма-бир кўрсатиб тушунтиришга киришди.

— Байрам кунлари бу ерда катта кўпқарилар бўлади. Энг яхши отлар ана шу бинода сақланади. Мана бу хоналарда эса меҳмонлар қўнадилар.

— Яхши.

— Сиз қорабайир отлари тўғрисида нималар биласиз?— ногаҳонда савол бериб қолди суҳбатдошим.

— Ота-боболаримиз томонидан минг йиллар давомида вужудга келтирилган от. 1959 йилги жаҳон пойғасида у Владимир оти, рус рисаги, туркман ахалтикаси, англия йўрғасини ортада қолдирган. Маррага араб оти билан баравар етиб келган.

— Лекин араб оти ҳам қорабайирларимизга тенглашолмайди. Арабларнинг оти фақат миниб юришга ярайдди, арава тортолмайди. Бизнинг отлар тўрт-беш тонна юкни тортиб кетаверади. Бунинг қазисини айтмайсизми?!

— Тўғри! Лекин афсуски, қорабайирлар камайиб кетяпти.

— Камаяётган бўлса, нега Тошкент, Самарқанд иппоромларида қорабайирларни кўпайтирмай, нуқул бошқа отларни кўпайтиряпмиз?

— ...?

— Ёғждувон ипподромида нуқул қорабайир отлари кўпайтириладиган бўлади. Бу ерда унинг зотини кўпайтирамиз. Қази тайёрлайдиган цех ҳам ясаймиз!

Салим Раҳимов сўзининг устидан чиқадиган одам. Фақатгина унга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш керак, холос.

Шундай эзгу ташаббус билан чиққан бир олимнинг ёрдамга муҳтож бўлиб қолганини гувоҳи бўлганим учун ҳам бу гапни айтаяпман.

Бундан би:; неча йиллар илгари Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти парран-

дачилик кафедрасининг доценти Петр Михайлович Кулангиев катта бир йиғилишда Англиядан корниш, Россиядан оқ рус товуқларини кўплаб олиб келаётганимиз, аммо ўзимизнинг куланги товуқларимизни йўқотаётганимизни айтди. Шу билан бирга маҳаллий товуқларимиз 6—7 килограмм тош босишини, англия ва рус товуқлари 4—5 килограммдан ошмаслигини, бизнинг товуқларни ота-боболаримиз минг йиллар давомида такомиллаштириб, мерос қолдирганларини, бу нодир меросни келажак авлодларга эсон-омон етказишимиз зарурлигини, ниҳоят, ўзимизнинг товуқлар ҳар хил касалликларга, ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли эканлигини исботлади. Тўп-ланганлар қарсақ чалиб уни олқишладилар. Кейин бу ҳақда матбуотда у ёзиб ҳам чиқди, аммо натижа бўлмади. Ниҳоят, бу эзгу ишга унинг ўзи киришди. Ўзбекистон ва Тожикистон қишлоқлари бўйлаб кезиб, чекка-чекка жойларда яккам-дуккам сақланиб қолган товуқларни сотиб олди ва бир хўжаликда тўплади. Нима бўлдию, бу орада институт олимлари билан ўша илғор хўжалик раҳбарларининг муносабати бузилиб қолди. Олимлар унинг устидан шикоят ёздилар. Лекин у ҳам устакор раҳбар эди. Олимлардан қасос олиш йўлини топди: тажрибадаги барча моллар ва паррандаларни бир кунда гўштга топшириб, планини ошириб юборди ва маҳаллий раҳбарлардан олқиш олди.

Гўштга топширилган ана шу жониворлар ичида ўртоқ Кулангиев не-не азобларда тўплаган товуқлар ҳам кетди...

Начора, биз масаланинг моҳиятини баъзан кечикиброқ тушунамиз, эзгу ишни ўз вақтида қўллаб-қувватламаймиз.

Утган йил баҳордан Нурота районидаги Ленин номили совхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуназар Умаров яйловда бўлдим. Абдуназар ака билан кўп йиллардан бери салом-аликмиз: молга меҳр қон-қонига сингиб кетган одам.

Абдуназар Умаров бахтли одам. У ўн бир фарзанднинг отаси. Фарзандларининг тўнғичлари ота касбини танлашди. Унинг отаси Умар ота инқилобдан илгари бойларнинг қўйини боққан, ҳозир тўқсонга яқинлашганига қарамай сурув орқасидан эргашадиган мўйсафидлардан.

— Хўш, бу йил мажбурият қанчадан?— сўрадим ўшанда бош чўпондан.

— Юз элликтага етказамиз!

— Ахир, кечагина чиққан чўпонлар, ҳар юз бош совлиқдан икки юзтадан қўзи оламыз, дейишяпти-ку?!

— Икки юз қўзини чўпонлар эмас, сиз — газетачи дўстларимиз оляпсишлар. Тўғри! Мен шуни биламанки, ўша икки юздан қўзи олган кишилар кузга бориб қўзи қолдириш планини бажаролмай қоладилар, аммо Абдуназар ака бу кўрсаткични ҳамиша ошиғи билан бажаради. Қоракўлчилигимиздаги катта иллат шундаки, барча иш ҳақи ва мукофотлар қўзи «топшириш»га қараб эмас, қўзи «олиш»га қараб берилади. Майли СЖК ҳақида гапирмаёқ кўяйлик. Уни нотўғри қўллаш оқибатида қоракўлимиз жаҳон бозорларида қадрсизланганлигини, бу борада Намибия, Афғонистондан ҳам ортада қолганимизни биламиз. Қоракўл қўйларининг ўртача тирик вазни сўнгги йигирма йилда ўн килограммга камайди.

Йигирма, қирқ йиллардан кейин нима бўлади? Оқибат ҳақида бош қотиришимиз керак!

— Сўнгги йилларда қоракўлчиликда катта ўзгаришлар бўлди,— дейди Абдуназар ака.— Яйловда йўллар қурилди, чўпонлар учун уйлар қад кўтарди, уларнинг аксариятига машина берилди. Лекин бу ғамхўрликларнинг бари чўпон учун. Қўйга ғамхўрлик керак! Қўйга!

— Ахир чўпонга ғамхўрлик қилиш, қўйга ғамхўрлик қилиш эмасми?

— Ҳамиша эмас!

Абдуназар аканинг яйловларни ҳимоя қилиш, уларни кенгайтириш, чўпонлик таёғи борасидаги ўй ва ташвишлари алоҳида бир суҳбатга мавзу.

Зоиржон Зиётов деган йигитча Иштихон районидаги «8-Март» колхозига раис бўлганида нақ йигирма беш ёшда эди. У ишни колхозчиларнинг шахсий хўжалигини тараққий эттиришдан бошлади. Ўша йиллар — яъни бундан ўн йиллар илгари бу анча қалтис иш ҳисобланарди. Чунки шахсий хўжалик — ўтмиш сарқити саналарди, унинг яқин йилларда тугатилиши каромат қилинарди. Шунинг учун ҳам ёш раис озмунча азият чекмади. Зоир худди ўша йиллари пахта майдонини камайтириб, ўрнига уруғлик беда экирдди. У вақтлар колхозлар эндигина алмашлаб экиш системасига ўтаётган эдилар. Беда уруғи ноёб ва қиммат эди. Колхоз бу соҳадан катта даромад ола бошлади. Уруғликни қўшни республикалардан келиб сотиб олишар, бедапоя эса колхозчиларнинг моли учун бепул тақсимланарди.

Ёш раиснинг «бу ноҳўя» ҳаракати, ўзбошимчалиги айрим жойларда муҳокама қилинаётган пайтда, унга Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотини тақдим этиб қолишди. Чунки Зоир раис бўлган колхоз беда уруғи етиштириш ва шахсий молларга озуқа тарқатиш борасида мамлакатимизда рекорд кўрсаткичга эришган эди.

Зоир раҳбарлик лавозимларига кўтарилиб кетди. У бошлаган ташаббус эса эндиликда бутун республикаимиз бўйлаб қанот ёзмоқда. Ҳозир партия ташкилотлари ва маҳаллий Советлар шахсий хўжаликни ривожлантириш учун катта ҳажмдаги ишларни бажармоқдалар. Тўғри, индивидуал сектор планларини одамлардан пул тўплаш

ҳисобига бажараётган ношуд раҳбарлар йўқ эмас. Аммо, бунинг оқибати нохуш бўлиши турган гап!

Дарвоқе, яланғоч болакай ҳақида. Утган йил буқага меҳр билан майса узатиб турган болани қўмсаб, ўртоқ Кан иш бошлаган эски базага боргандим. Бу ерда ҳам эски бинолар бузилиб, ўрнига янги комплекс қурилиши бошланибди.

Мен аминманки, янги комплекснинг деворларига ўртоқ Кан ўша расмни аввалгидан ҳам гўзалроқ қилиб тиклайди!

Утган йиллар давомида шунга ўхшаш бирор расмни кўриш илинжида кўп жойларни кездим. Тошкент отчопарида отга, Самарқанддаги Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-текшириш институтида қўйга, Ромитан районида сигирга ҳайкал ўрнатилганлигининг гувоҳи бўлдим. Лекин уларнинг бирортаси қалбимда илиқ туйғу уйғота олмади. Нимадандир қониқмадим, уларда нимадир етишмасди. Балки етишмаётган нарса ўша қип-яланғоч боладир. Балки бошқа нарсадир. Билмадим...

Минг қатла шуқурларким, замона тўкин: нон ҳам, либос ҳам мўл. Лекин гўшт бир оз танқис. Аммо менинг умидим, келажагим бўлган ўша болакай улғайгунга қадар гўшт ҳам нондек мўл ва арзон бўлишига имоним комил.

Мен бу гапни шунинг учун ҳам ғоят комил ишонч билан айтяпманки, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги бир неча Пленумлари нуқул чорвачилик масалаларини муҳокама қилди, бу борада ажратиладиган маблағлар кескин оширилди. Булар бари ўзига хос тактикалар эди. Ана шу тактиканинг шиддаткор стратегияси ўзини намоён қилмай қолмайди.



КОНИ ФОЙДА ГИЁХ

Инсон табиати қизиқ. Биз баъзан тановул қилаётган ноз-неъматимиздан дунё-дунё лаззат оламизу, аммо унинг дастурхонимизга қандай қилиб келиб қолгани ва қандай яратилиши билан камроқ қизиқамиз. Бу ноз-неъматлар эса қанчадан-қанча меҳнат, кашфиётлар ва ташвишлар эвазига яратилади. Мана, масалан, биргина гўшта кетган меҳнатни бирма-бир айтилса-да, ҳар куни бир килодан гўшт харид қиладиган одамга ёлғиз Тошкент шаҳрининг ўзига сут, ёғ, пишлок, қатиқ, қаймоқ, колбаса ва ҳоказо чорва маҳсулотларидан ташқари юз тоннадан ортиқ гўшт сотилишини айтсангиз, «ҳукуматимиз бунча гўштни қаёқдан топиб беради?!» деб, ҳайратдан ёқасини ушлайди. Ҳа, республикамиз аҳолисига бир меъёردа, стабиллашган нарҳда гўшт етказиб бериш, ҳалқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини максимал даражада қондиришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Унингчи беш йилликка аталган КПСС XXV съезди лойиҳаларида: «Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми аввалги беш йилликка нисбатан 14—17 процент кўпайтирилсин», дейилган. Ҳали биз юқорида тилга олган маҳсулотларимиз ҳам, шубҳасиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига киради. Демак, шундай экан, чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш учун табиий ем-хашак базаларимиз борми? Ҳа, бор. Ҳозир республикамизда ўттиз миллион гектарга яқин табиий яйлов ва ўтлоқларимиз мавжуд. Бу ўтлоқ ва яйловларнинг йигирма беш миллион гектари чўлда, уч миллион гектаридан зиёдроғи тоғ ёнбағирларидаги адирларда, қолган икки миллион гектарга яқини эса, баланд тоғ яйловларида экан. Аммо, олимларимизнинг гапларига қараганда, бу ўтлоқ ва яйловлар кам ҳосил бўлиб, йилдан-йилга кўпаяётган чорва молларини ем-хашак билан таъмин этолмайди.

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон — пахта диёри. Йилдан-йилга пахтаимизнинг салмоғи ҳам, уни экадиган майдон кўлами ҳам ошса ошяптики, асло камаяётгани йўқ. Хўш, шундай экан, ҳалиги, ўнингчи беш йиллик лойиҳаларида айтилган — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада кўпайтириш лозимлиги, яъни бугун биз тилга олаётганимиз гўшт, сут, ёғ, жун ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш учун ем-хашак — сунъий яйлов ва ўтлоқларни кўпайтириш керак, деган гапни қандай тушунмоғимиз лозим? Ахир республикамизнинг ишга яроқли ерлари ўлчовли-ку! Ишга яроқли, текис ерларни пахта учун ўзлаштириш шиддат билан давом этаётган бўлса, яйлов ва ўтлоқларни қандай кенгайтиримиз, деган савол туғилиши табиий.

Бу муаммога олимларимиз ижобий жавоб беришяпти. Улар ҳозир ҳар қандай сувсизликка чидайдиган, текис ер танламайдиган, чорва моллари учун ўта тўйимли ўтларни яратиш устида кунт билан ишламоқдалар. Ана шундай усимликлардан бири — изен экан. Шу ўсимлик билан шуғулланиб юрган олимларнинг гапларига қараганда, бу ўсимлик табиий равишда республикамизнинг кўпгина жойларида, хусусан, Фарғона водийсида, унинг ёнбағирларида; Хонобод, Сўзоқ, Мойлисой, Учқўрғон ва Чортоқ адирларининг юқори қисмларида учраб экан. Уни маданийлаштириш учун олимларимиз ўттизинчи йиллардан бери иш олиб бораётган эканлар. Эллигинчи йилларнинг бошларида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги ботаника институтининг ходимлари, проф. В. А. Буригин раҳбарлигида Нурота тоғларининг этакларида, кейинчалик олтмишинчи йилларга келиб, С. Г. Головченко ва М. Р. Расуловлар бу ўсимлиكنи Самарқанд областининг Ҳозғон, Ленин районларига, Қарши чўлининг «Нисшон» совхозларида экиб, текшириш олиб боришаётган экан.

Маълумингизки, бу ишга Ўзбекистон ҳукумати алоҳида эътибор билан қара-

моқда. Шу кони фойда иш билан шуғулланиб, кўзга кўринарли натижаларга эришганликлари учун бир гуруҳ олимларга Ўзбекистон ССР Бериуний номидаги давлат мукофоти берилиши фикримизнинг яққол далилидир. Ҳозир республикамизда изензор юз минг гектар майдонни ташкил қилади. Бу ўтти республикамизнинг жанубий районларида кўпайтиришда Қорақўлчилик институти муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Бу ташаббусни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника институти ҳузуридаги ўсимликлар экологияси лабораториясининг ходимлари ҳам қўллаб-қувватлаб, 1967 йилдан бери шу иш билан фаол шуғулланиб, Фарғона адирларини ўзлаштиришда анчагина натижаларга эришдилар.

Ўтган йилнинг кузида биз уларнинг фаолиятига қизиқиб, Фарғона водийсида бунёд қилинаётган ҳодор изензорларни бориб кўрдик. Жумладан, Чортоқ адирларида лаборатория ходимлари томонидан ташкил қилинган ўттиз гектар сунъий яйлов билан танишдик. Бу ерда изендан ташқари куйревик, терескен, ҳар хил шувоқ турлари бор экан. Бу ерда ботаника институти ўсимликлар экологияси лабораториясининг мудир, биология фанлари доктори ўртоқ У. Ҳ. Ҳасанов билан суҳбатда бўлдик. Изен деганимиз ўзимизнинг шувоққа ўхшаш ўсимлик экан. Хушбўй ҳиди атрофни тўтиб кетибди. Айниқса Қўчқорободадаги тажриба участкаси бизни мафтун қилиб қўйди. Ичига ораласангиз, изензорнинг баъзи жойлари сизни кўмиб юборади. Биз Уринбой Ҳасановичга савол беришдан ўзимизни тия олмадик.

— Домла, бу изен деганингиз жуда баланд ўсадиган ўсимликка ўхшайдими?

— Урта ҳисобда бўйи олтиш-етмиш сантиметргача, агар нами яхши бўлса, бир метрдан ҳам ошади-ку...— деб бир оз сукут қилди Уринбой Ҳасанович...— Бироқ, изеннинг ҳамма фазилати унинг бўйидагина эмас-да.

— Айтаверинг?

— Изеннинг асосий фазилати унинг кўп йиллигида, илдизининг чуқур кетишида. Ўзларингиз биласиз, илдизда гап кўп...

— Тўғри айтасиз, домла, баъзан бир жойда узоқ ишлайдиган амалдорларни ҳам одамлар: «Бунинг илдизи теран», дейишади-ку.

— Енгил кулишдик.

— Илдизи теран одам узоққа боради, дейди доно халқимиз. Бизнинг бу изен деганимиз ҳам узоққа борадиган ўсимликлардан. Яъни кўп йиллик, қурғоқчиликка чидамли.

— Бу гапни қандай тушунса бўлади, домла? Танаси ўриб олингандан кейин ҳам ҳар йили ўша илдиздан қайта ўсаверади, деганингиз эмасми бу?

— Худди шундай.

— Ундай бўлса, ўзимизнинг себарга, беда деган ўсимликларимиздан нима фарқи бор?

— Фарқи катта. Себарга, беда деганларингиз сувни кўп талаб қилади. Изен эса, адирда ҳам, сувсиз жойларда ҳам ўсаверади. Ундан кейин ерни ҳам яхши бо-йитади. Мана, кўриб турибсиз, шу жойларга сув чиқариб бўладими?— домла бизга савол назари билан қаради. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу эгри-бурги, паст-баланд жойларга сув олиб чиқиш амри маҳол эди. Тўғри, ҳозир техникамиз кучига шак келтириб бўлмайди, куч билан сув олиб чиқиш ҳам мумкин. Аммо, бунга кетган сарф-харажатни бўлажак фойда қоплай оладими ё йўқми? Гап шунда! Биздан садо чиқмагач, домла кулди.— Хўш, тушунарлими?

— Тушунарли. Бироқ, бу ўсимликнинг бошқа ўсимликларга нисбатан тўйимли-лиги қандай?

Саволимиз сал китобий бўлди шекилли, домла тўғрилади:

— Хушхўрлиги қандай, демоқчисиз-да, а? Буни барча чорва моллари, айниқса қўй-эчкилар жуда яхши кўриб ўтлайди. Бир оз фанний бўлса ҳам айтиб ўтай: бу ўсимлик ёғ ва оқсилга бой. Масалан, қуруқ пичанда оқсил тўртта ўндан икки фоиз бўлса, бунда олти фоиз. Бундан ташқари, изенда ўн икки-йигирма фоиз протеин бор. Кальций ва фосфорнинг миқдори оддий дала личанига нисбатан икки-уч баравар кўп.

Биз Уринбой Ҳасанович билан суҳбатлашиб юриб, бир гуруҳ институт ходимлари орасига бориб қолдик. Ҳаммаси жомакорда. Кузнинг гоҳ илиқ, гоҳ изғирин бўлиб эсадиган шамоли, участка адир тепасида — ялангликда эмасми, уларнинг юзларини ялаб, қорайтириб юборибди. Шу аҳволда уларни ҳеч ким илмий ходим деб ўйламас эди.

— Домла, булар изендан бошқа ўсимликлар билан ҳам шуғулланишадими?

— Албатта. Қани, бу ёққа юринглар-чи?— домла бир оз юргач, йўлакни эсла-тувчи бир хиебонга бурилди. Биз ҳам у кишининг кетларидан эргашдик.— Мана бу ўсимликини терескен дейди. Анавиниси чўғон, нариги ёғидагиси ўзимизнинг саксовул... Буниси сўғди ва Фарғона шувоғи, буниси эса ёввойи эспарцит. Хуллас, изленяпмиз. Умуман биз юздан зиёдроқ ўсимлик тури устида иш олиб бораёғимиз. Шулардан ўн олтитаси қурғоқчиликка чидамли, серҳосил. Биз ўшаларни танлаб олдик. Мана шулар ичиде энг хушхўри, тупроқ танламайдигани, сувсизликка чидамлиги изен.

— Ундай бўлса, кўпроқ экиш керак экан-да, буни.

— Экиляпти. Ҳозирги пайда республикамизнинг юз минг гектар ерига экил-япти. Жумладан, Самарқанд областининг Нурота районида қарашли Эргаш Жуманбул-

бул совхозида, Бухоро областининг «Коммунизм» ва бошқа хўжаликларида, Қашқадарёнинг Нишон чўлида, Жиззах, Сирдарё, Тошкент областларининг баъзи хўжаликларида экила бошланди.

— Яхши, домла, Сизнинг группангиздан бошқа группалар ҳам борми, шу иш билан шуғулланаётган?

— Албатта. Табиий, биз ҳамма областга бориб улгуролмаймиз. Масалан, институтимиз ходимларидан биология фанлари кандидати Н. Темирбоев раҳбарлигидаги бир группа илмий ходимлари Нуротада; Келес чўлида; Қизилқум чўл станциясида эса, биология фанлари доктори И. Ф. Момотов, биология фанлари кандидати А. Олимжонов ўртоқлар раҳбарлик қилишяпти. Бу ишларга институт директори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Ж. К. Саидов бош-қош бўлиб турибди.

Урни келганда шуни ҳам айтиб қўяйки, тўйимли гиёҳлар билан шуғулланиш фақатгина институт ходимларининггина қўлларидан келадиган иш эмас. Бизга маҳаллий партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари ҳам катта ёрдам беришяпти. Ҳозир, айниқса бу борада Наманган ва Фарғона областларида, кейинги пайтларда эса Андижон областида катта ишлар қилиняпти. Биргина Наманганнинг Янгиқўрғон районига қарашли Ленинизм совхозида Наманган ПМКси билан ҳамкорликда олти юз гектардан зиёд майдонга изен экилган. Шу совхознинг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ҳакимжон Умрзоқовнинг ҳамда район партия ва ижроия комитетларининг ёрдамисиз биз шу ишларни амалга ошира олармидик? Албатта, йўқ. Эҳе, бизнинг ишимизни тушуниб, ёрдам бераётганлар жуда кўп-у, бироқ...

— Бироқ тушунмаётганлар, тўғрироғи, тушунишни истамаётганлар ҳам кўп, демоқчисиз-да?

— Ҳа, энди... шундай деса ҳам бўлади,— деб бир оз ўйга толди Уринбой Ҳасанович.— Баъзи бир колхоз, совхоз, район, ҳатто область раҳбарлари бу ишга совуққонлик билан қарашаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мен уларнинг номларию исми-шарифларини сизга бирма-бир айтиб ўтирмай қўяқолай.

Домланинг бу гапи тагида бу эзгу ишга бўлишиш у ёқда турсин, ҳатто тўсқинлик қилаётган хўжалик раҳбарларининг қатор исми шарифлари тургани аниқ. Вақтисоати келиб, улар ўзларининг хатоларини тушуниб олишади. Биз бунга аминмиз. Қизиқ, кўп меҳнат талаб қилинмайдиган, сувсизликда ҳам бемалол ўсаверадиган, ер танламайдиган камчиқим ва камхаражат бу ўсимликнинг фойдасини оддий одамлар тушунсалар-у, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган, ҳалиги исми шарифлари айтилмаган кишиларимиз тушунишмасал! Ахир бу тайёр ем-хашак деган гап-ку! Тайёр сут, қатик, ёғ, гўшт, жун деган гап-ку бу!

Бу қисқа суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, изен билан шуғулланиш масаласи давлат иши. Уни ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Уни партия ва совет органлари қаттиқ назорат остига олишлари керак бўлган иш деб қарамоқ лозим. Бизнингча, ҳар бир хўжаликда (албатта, олимлар билан бамаслаҳат) иложи бўлса, суғориладиган ерга, камиди икки-уч гектар ерга изен эктириб, уруғини кўпайтириш керак. Ҳозир изен уруғи қимматга тушаётган кўринади, ҳар килограмм олти сўму ўттиз тийинга тўғри келар экан. Шундай қилинганда бир-икки йил ичида уруғлик масаласи ҳам ҳал бўлади. Шу йўл билан олинган уруғ сифатли бўлади, яхши ниҳол беради. Яхши бўлардики, агар алоҳида уруғчилик хўжаликлари ташкил этилса. Хўжаликлар фақат изен билангина шуғулланмай, терескен, куйревик, саксовул, шuvoқ ва бошқа ўсимликларни ҳам экишни расмга айланттиришлари керак. Ҳар ўтнинг ҳиди, таъми бошқа деганларидай, чорва молларининг еми ҳар хил бўлгани маъқул.

Модомики, изен экиш расмга айланар экан, унга мос сеялқалар, пичан ўргичлар, уруғ йиғадиған комбайнлар яратиш хусусида ҳам ўйлаш керак. Тўғри, бу келажакнинг иши. Аммо ҳар қандай келажакнинг муқаддимаси ҳозирги кунимиздан бошланишини эсимиздан чиқармайлик.

Изен экиш иши — фақат бугуннинггина эмас, эртасини ҳам ўйлайдиған, истиқболини олдиндан кўра оладиган тадбирли кишиларнинг ишидир.

Урни келганда шу нарсани ҳам айтиб ўтишни лозим топамизки, жойлардаги тажриба участкаларида ишлаётган, илмий иш олиб бораётган институт ходимларининг, олимларнинг иш шароити, турмуш тарзларини жуда ҳам яхши деб бўлмайди. Институт ҳамда жойлардаги раҳбарлар мана шу масалага ҳам аҳамият беришлари, уларга шароит яратишлари керак. Иш кўнгилли бошланса, кўнгилдагидек тугайди!

Юқоридаги ўртага ташланган баъзи мулоҳаза ва таклифларни, биринчи галда, ем-хашак етиштириш кўзланган жойлардаги партия ва совет ташкилотлари ходимлари Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми, қолаверса, ботаника институти маъмурияти атрофлича ўйлаб, лозим бўлган чора ва тадбирларни кўришларига ишончимиз комил.



Раҳматжон Турсунов

ФОЛЬКЛОР ВА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК АНСАМБЛЛАРИ

Бадий ҳаваскорлик ҳозирги кунда қудратли оммавий тус олмақда. Бу ҳаракатнинг моҳият ва мазмуни кенг халқ оммасини санъатга ёндоштириш, бадий ижод сирларини ўргатиш, умуман санъатнинг у ёки бу турини кундалик турмушга жорий эта боришдан иборатдир.

Бадий ҳаваскорлик санъатнинг қандайдир ўзига хос мустақил бир кўриниши ҳам, шакли ҳам эмас. У санъат билан шуғулланишнинг, меҳнаткашларни бадий ижодга тортишнинг бир йўлидир холос. Унинг ўзига хослиги ишлаб чиқариш ва маиший хизматнинг турли жабҳаларида хизмат қилувчи одамлар ишларидан ажралмаган ҳолда, бўш вақтларининг маълум бир қисмида, бадият бўйича, айтиш мумкинки, қўшимча касб эгаллашлари билангина изоҳланади.

Санъат билан шуғулланишнинг ҳамма шакли ҳам халқ ҳаваскорлигига киравермайди. Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бадий ҳаваскорликнинг биз гап юритаётган шаклига мансуб бўлиш учун, санъат билан шуғулланиш — шахсий, оилевий эҳтиёж, тор улфатчилик қобилини ёриб чиқиб, маълум маънода ижтимоийлик касб этиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бадий ҳаваскорлик муайян даражада уюшганликни, муайян даражада томошабинларга қаратилган бўлишни тақозо этади, яъни замоннинг эстетик талабларига жавоб бера оладиган даражада бадий тайёргарликни талаб этади.

Ижоднинг шундай жабҳалари борки, у ерда бадий ҳаваскорликка қўйиладиган талаблар, асос эътибори билан профессионал санъатга қўйиладиган талаблардан ҳеч фарқ қилмайди. Қадимий анъаналарга эга бўлган драматик ва опера театри, симфоник ва эстрада оркестрлари, классик чолғу асбоблар, вокал, бадий ўқиш каби санъат турларига кириб борганда бадий ҳавас-

корлик профессионал даражага интилмасдан иложи йўқ. Бунга эришишдаги асосий йўл эса, профессионал санъатдан кам бўлмаган даражада мактаб кўришдир.

Халқ бадий ҳаваскорлиги деганда, халқ сўзи эстетик категория сифатида, муайян санъат — турнинг қай даражада халқчиллигини белгилашда ишлатиб келинган.

Омма ичида тузилиб, унинг кундалик турмуши ва оғзаки ижоди билан чамбарчас боғланган ансамбль илмий адабиётга «халқ ансамбли» номи билан кирган. Бундай ансамбллар деярли барча халқларнинг маданий ҳаётида учрайди. Музика санъатини ривожлантиришда, профессионал қўшиқчилар, ўйинчилар етишиб чиқадиган қонуний бир давра, самарали бир майдон бўлиб ҳисобланади.

Шарқ мамлакатларидаги, жумладан Ўзбекистондаги анъанавий эски ансамбллар ғоявий-эстетик моҳияти билан халқ ансамбллари дидир. Республикамизда, мамлакатимизнинг ҳар бир ўлкасида бўлганидек, энг яхши музика тўғарақлари асосида ташкил этилган замонавий халқ ансамбллари ҳам бор.

Халқ ашула ва рақс ансамблларининг вазифаларидан бири — халқнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган фольклор дурдоналарини топиб, уларни тарғиб этишдир. Ҳар бир ансамбль, аввало ўзининг маҳаллий фольклор репертуари билан диққатга сазовор бўлиши мумкин. Ана шу репертуар янги асарлар билан доимо бойиб бориши ва ансамбль ижросида ёрқин қизиқарли акс этиши учун халқ ижодини, унинг ижрочилиқдаги усул ва анъаналарини тинмай ўргана бориш лозим.

«...Ўз фольклорларинингизни йиғинлар, ундан ўрганинлар, биз ўтмишимизни қанчалик яхши билсак, шу кунда қилаётган ишларимизни шунчалик осон, енгил бажа-

ремиз ва шунчалик дилхушлик билан англаб оламиз», деганди буюк пролетар ёзувчиси А. М. Горький.

Бироқ фольклорнинг ўзига хос эстетикаси бор. Зеро, уни саҳнага олиб чиққанда, йўлини топиб, қайта ишлаб, саҳна нухаси яратишга тўғри келади, Кўпгина коллективларда халқ кўшиқлари рақслари, чолғу музикаси кенг ўрин эгаллайди. Буларни ижрс этиш ансамблларга профессионал санъат усталарининг сабоқлари, шунингдек, нота, радио, телекўрсатувлар, кино, фонография орқали, бевосита маҳаллий фольклорни ўрганиш орқали кириб боради.

Халқ ижоди намуналарининг жуда кўпи бадий ҳаваскорлик коллективлари репертуарларида ўзининг иккинчи умрини топди. Самарқанд область, Ургут районининг «Беш қарсак», Сурхондарё область, Бойсун районининг «Шалола» ансамбли, Бухоро область, Бухоро районининг «Лола» ансамбли ва бошқаларнинг фаолиятини мисол қилиб келтирса бўлади.

Ургут районининг ансамблида халқ усули асосида «Беш қарсак» номли вокал хореографик сюита яратилди. Умуман олганда Самарқанднинг тоғли районларида қарсак жўрлигида ўйналадиган рақслар кенг тарқалган. Шу рақсларнинг бир туркуми «Беш қарсак» деб аталади.

Бу туркум ўйиннинг усталари бўлмиш Аҳроп Туробов, Неъмат Исматов, Имом Салимовлар халқ оҳангини сақлаган ҳолда ашуласига янги сўзларни топдилар. Албатта, бу ўз ҳолига ижобий ҳол. Лекин қадимдан етиб келган сўзларнинг йўқолиб кетмаслигига ҳам алоҳида аҳамият берилиши керак.

«Беш қарсак» туркумида ўспиринлар доира олиб, ўртадаги ўйинчига ҳар хил мақомда чапак чаладилар. Бу туркум ўйинлар ниҳоятда жонли, шўх бўлиб, уни фақатгина ўртага чиққан одам эмас, теграда ўтирганлар ҳам гоҳ чайқалиб, гавдаларини у ёқ бу ёққа буриб, елка, калла ва қўлларини муқомга солиб ўйинни киздирадилар.

Сурхондарё область Бойсун район «Шалола» ансамблининг репертуари ташкил топиши ҳам диққатга сазовордир. Ансамблининг репертуари Ҳисор тоғлари тизмасидаги Бойсун, Мачойи, Сароисиё, Сайроб сингари жойлар аҳолисининг ўйинларидан тузилган вокал-рақс ва рақс композицияларидан ташкил топган.

Бойсуннинг қадимий ўйинларининг ҳаммаси «Пой бози» ва «Қўл бози» деб иккига ажратилиб келинган. Чўпон ўйинлари, ҳар хил буюмлар билан ўйнаш оёқ ўйин мажмуасига киреди. Чапак жўрлигида ижро этилувчи «Хонаки ўйинлар»да эса оёқ ўйин ҳам, қўл ўйин ҳам уйғунлашиб кетади.

«Шалола»нинг репертуаридаги «Моҳи нав» деб аталувчи ашула ва рақс сюитаси қадимий наврўз байрами материали асосида тузилган бўлиб, ўйинларнинг ҳамма турини қамраб олади. «Шамоллар», иккита таёк билан ўйналувчи «Чўп ўйин», «Қошиқ ўйин», «Бедана ўйин»лари типик пой бози ўйинларидир. «Чироқ ўйин», «Моҳи ўйин» (тақсимчалар билан), «Кўк салла», «Ов-

чи»,— булар «Қўл бози» типидagi ўйинлардир. Саҳнавий ўйинларидан бўлган «Фанд ўйин», «Бойсун мавриги» ўйинлар эса оёқ ва қўл ўйинларининг уйғунлигидан иборат. «Сув хотини», (ёмеғир ва ҳосил ҳақидаги) «Ўб ҳайда» ва «Тўй ўйинлари» асл халқ аънанаси сақланган ҳолда ижро этилади. Репертуардаги куй ва оҳанглари, ритм ва характерларни, шунингдек, қўшиқ матнларини тўллаб саралашда, сўнгра эса ижро этишда Бойсун район санъат ҳавасмандларининг ёшу қариси биргаликда иштирок этишган. Бу эса ансамблининг жозибадорлигининг янада ортишига, шубҳасиз, хизмат қилган.

Хоразм область, Боғот районининг «Қалдирғоч» ансамбли ҳам диққатга сазовор ансамбллардандир. Коллектив ва унинг раҳбарлари кенг тарқалган куйларнинг яққонлар томонидан ижро этилишига катта аҳамият берадилар. Ҳаваскорлар ичида халқнинг ижрочилик услубларини жуда зўр ўзлаштириб олган қатор талантлар бор. Йўлдош Тожиёв, Рашид Габидуллинлар шулар жумласидандир.

Рашид Габидуллин томонидан буламонта ижро этилган «Галмади-галмади» куйи жуда жозибадор жаранглайди. Ўзи аслида ўйноқи ва шўх бўлган бу куй содда ва тиниқ чиққан, ҳаваскор ўзига хос бу халқ чолғу асбобининг оҳангдорлигини сақлаб қолиб, эшитувчиларда, томошабинларда лозим бўлган кайфиятни уйғота олади. Йўлдош Тожиёвнинг қўшнайда ижро этувчи «Лайзонгул» куйи ҳам ўйноқи ва таъсирчан чиққан.

Хотин-қиз вокал группаси айтадиган «Келин келди» кўшиғи кучли таъсир қолдиради. Ашулачилар катта маҳоратга эга эканлиги ва халқ услубларини яхши сақлаганликлари, беистисно таҳсинга сазовордир. Ашуласида Муҳаббат Хўжайлова ва Дармон Эшниёзов, рақсида Нина Жуманиёзова чиққан «Сиз бу гулни қайси боғдан олгансиз» номли айтишув томошабинлар томонидан жуда қизгин кутиб олинди. Ҳазип руҳидаги бу қўшиқ ўзининг ёрқинлиги, шoirоналиги, бийрон кўйланиши билан кишини ҳайратга солади. Ижрочилар қўшиқнинг бор хазинасини очиб уни етказишга ҳаракат қилганлар ва бунинг уддасидан аъло даражада чиққанлар.

Карим Раҳимов саҳналаштирган, Нина Жуманиёзова ижро этган «Лазги» рақси меҳнаткаш ва шўх қизнинг дил дostonидек намоён бўлади. Рақс ўзгарувчан таранг-жозибадор оҳанглари асосига қурилган. Қизнинг илҳом ва шижоати ёрқин уфуриб туради.

Шу қаторда қизиқарли ансамбллардан яна бири Қашқадарё область Қосон районининг «Ҳилола» ансамблидир. Ансамблининг репертуари халқ асарлари билан доимо тўлдириб борилади. Кўринишда оддий оҳанг ва ритмлар — рақсий муқомларга ҳавас билан ёндошилганидан замонга мос ҳаяжонлантирувчи бўёқлар касб этади. Мисол учун болаларнинг деярлик унут бўлиб кетган «Хаккалакам ўйнасам мен» ашуласига ансамбль қайта ҳаёт бағишлаганини эслатиб ўтиш кифоя. «Олмани отдим» куйи асоси-

да «Ликопча» деб номланган рақс вужудга келди. Шабанов саҳналаштирган ва олти ўйинчи қиз ижро этадиган бу рақс томоша-бинларда катта қизиқиш уйғотади. Қашқадарё область Қамаш районининг «Бўстон» ансамблида «От ўйини» деб номланувчи ҳазил ўйин қайта тикланган бўлса, маҳаллий рақс ҳаракатларини, шуниндек, гилам тўқувчиларнинг меҳнат жараёнини ўрганиш асосида «Гиламчилар рақси» деган янги рақс яратилган.

Хоразм область, Гурлан районининг «Наврўз» ансамбли ўз репертуарини қадимий кўшиқ ва рақслар билан камолотга етказиб бормоқда. Икки ўйинчи ижро этадиган «Гурлан бийламаси» номли ҳазил рақси, «Ушлининг уфори» ашуласи, «Гала лайлум» кўшиғи жўрлигида ёғоч қтларда ўйналадиган «От эроний» ўйини билан бирга ижро этиладиган «Рўмолим бор» лапарулар жумласидандир. Эркаларнинг рақс группаси ижро этадиган «Чўғирма» ўйини ҳам ўзига хос маҳаллий колоритни ёрқин акслантиради. Гурланликларнинг таланти ансамбли ўзининг репертуари билан фақат Ўзбекистонда эмас, Москвада ва чет элларда ҳам санъат мухлисларининг олқишларига сазовор бўлган.

Бухоро районининг «Лола» ансамблида бошидан охиригача халқ бадий ижоди асосида тузилиб, Зулайҳо Оқилова томонидан саҳналаштирилган «Бухоро нақши» ва «Зар дўппи» вокал хореографик сюиталари диққатга сазовор номерлардандир.

Андижон область, Москва районининг «Чашма» ансамблининг фольклорни ўрганишдаги ташаббуси шубҳасиз таҳсинга лойиқ бир ишдир. Халқимиз севадиган «Омонёр» кўшиғи ансамбль томонидан ёрқин ва замснавий руҳда талқин қилиниб, кўшиқнинг янада қанот ёйишига сабаб бўлди. Ансамблининг балетмейстери Малоҳат Исҳоқова «Андижон полкаси»ни саҳналаштириб, уни янгича мазмун билан бойитишга ҳаракат қилган, шу мақсадда рақсга улоқ ва кураш элементларини киритган. Рақсни қизлар ижро этгани учун у энгил юмор ва ўйноқлик касб этади. Рақсни саҳналаштиришда халқ ижодида эҳтиёткорлик билан ёндошилган ва бунда раққосалар билан ҳамфикрликка эришилган.

Худди ана шу каби муваффақиятни биз Тошкент шаҳрининг «Тўқимачи» ансамбли тажрибасида ҳам кўришимиз мумкин. М. Оқилова саҳналаштирган, бир группа ўйинчилар ижро этадиган «Лаган», «Ноғора», «Катта ўйин», шунингдек, яккахон «Кичкинажон» ўйинлари шулар жумласидандир.

Юқорида номлари зикр қилинган ансамблларнинг оригинал репертуарларга эгаллиги, халқ ҳаёти ва ижодидан фаол озқланишга интилишлари туфайли уларнинг кўрсатаётган программалари на фақатгина Ўзбекистонда ва Иттифоқда, балки чет элларда ҳам томошабинларнинг эътиборини жалб этади. «Лола» ансамбли Венгрияда (1970 йил), «Бўстон» ансамбли Италияда (1971 йил), «Наврўз» ансамбли Югославияда (1974 йил), «Шалола» ансамбли

Польшада (1975 йил), «Тўқимачи» ансамбли Венгрияда (1977 йил) ўз санъатларини олқишлар остида намойиш этишди.

Ҳозирги замон ўзбек ашула ва рақс ансамблларининг камол топишида халқ санъатининг ўрни каттадир. Қатор номи чиққан ансамбллар халқ аъналарини ижодий ўзлаштириш соҳасида маълум тажрибага эга бўлиб олдилар.

Аммо бу олижаноб ва муҳим иш энди бошланди ва шубҳасиз давом эттирилиши зарурдир. Шунинг билан бирга ҳозирги халқ ансамбллари янада камол топишлари учун — замонавий бастакорлик санъатини тинмай эгаллаб, ижрочилик маҳоратларини ва умуман саҳна маданиятини ошириб боришларига бевосита боғлиқ эканлигини унутмасликлари керак.

Шунга амал қилган ансамбллар меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатиб, ўз олдига кўйган маданий эстетик вазифани шараф билан адо этмоқда.

1973 йилда «Лола», 1977 йилда Шаҳризабз районидagi «Шодиёна», 1978 йилда «Қалдирғоч», 1979 йилда «Тўқимачи» ансамблларининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлиши республика санъат шайдолари ҳаётида катта воқеа бўлди, бадий ҳаваскорлик коллективларини руҳлантирди ва орзуларига қанот берди.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати бадий ҳаваскорлик санъатига катта эътибор бериб, уларнинг янги кишини тарбиялашдаги ролини юксак баҳоламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Бадий ҳаваскорлик ижодиётини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги 1978 йилда қабул қилган қарори фикримизга далилдир.

Ўзбекистон Марказий Компартиясининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида қилган ҳисобот докладыда шундай деган эди: «Бадий маданиятимизни халқ талантлари билан тўлдириб турувчи битмас-туганмас жонли чашма бўлган ҳаваскорлик санъатига кўпроқ эътибор бериш, бу санъатни ривожлантириш ва тўғри йўллаб туриш зарур. Ҳаваскорлик санъати совет маданиятининг юксак намуналарига ва энг яхши халқ аъналарига асосланиб ривожланиши, халқ орасидан чинакам талантларни топиб бериши лозим».

Чиндан ҳам шундай. Ҳаваскорлик санъати — Ленин ғояларидан нур эмган катта социалистик санъатимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. Кейинги йилларда республикада ҳаваскорлик коллективлари, халқ ансамблларининг сони анча кўпайди, ёш истеъодларнинг маҳорати ошди. Улар айтган кўшиқ, ижро этган рақслар, қуйлар талабчан томошабинларга манзур бўлмоқда. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларидан руҳланган республикамиз маданият ходимлари меҳнат ва санъат иттифоқининг истиқболи учун курашда янги самараларга эришажакларига бугунги ютуқлари ёрқин мисол бўла олади.



БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

АЛЕКСАНДР БЛОК — ТЕРАН ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

А. А. БЛОК ТУҒИЛГАНИГА ЮЗ ЙИЛ ТУЛДИ

Александр Александрович Блок. Бу ном сизни теран туйғулар оламига чорлаб, жозибали сатрларни ёдингизга солади. Шунда сиз шеърятнинг оҳанграбодай ўзига тортувчи кучини яна бир бор ҳис қиласиз.

Александр Блок ижодини декадент-символист шоир сифатида бошлаган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида адабиёт ва санъатда мавжуд бўлган бу оқим даврдаги ижтимоий ва маънавий инқироз туфайли рўй берган ҳодиса эди. Символини бадий ижод асоси деб ҳисоблаган кўпгина символистлардан фарқли ўлароқ, айрим истеъдодли ижодкорлар символизм поэтикасини ўзига хос қўллаганлар. Александр Блок давр драматизми ва фожиасини, замондошининг ички дунёсидаги қарама-қаршилиқ, иккиланишларни ёркинроқ ифодалашни символизм билан боғлайди. Аммо бу ўткинчи ҳолат эди. Ҳаётдаги ўзгаришлар шоир дунёқарашига таъсир қилмай қолмади.

Замон руҳига тушунмасликни шоир учун «кечирилмас гуноҳ» деб билган Александр Блок 1905 йил революцияси воқеаларидан сўнг символизм қусурларидан қутула боради. Шу даврда ёзилган «Томошахона» пьесасида у ҳатто символистлар устидан кулади.

1907—1916 йиллар Александр Блок ижодининг ўсиш, улғайиш давридир. «Қор ниқоб», «Қорға қопланган ер», «Тунги соатлар» ва бошқа тўпламлари шу йилларда босилиб чиқди. Шоирнинг бу даврда яратган шеърларида халқ тақдири, озодлиги учун кураш сингари инқилобий мотивлар кучлироқ жаранглайди. «Халқ — барча гулларнинг гултожи» деб билган шоир, халқнинг эркин нафас олишини истайди.

Унинг сал кейинроқ, инқилоб йилларида ёзилган асарларида халқ иши учун, революция иши учун курашга чақириш ёркин кўриниб қизил ип бўлиб ўтади. Бу жиҳатдан «Ўн икки» поэмаси айниқса характерлидир.

Поэмадаги курашчан руҳ, инқилобий чақириқ мотивлари бевосита оташин шоиримиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг инқилобий шеърларини эсга туширади. Асарнинг лирик қаҳрамони асосан ўн икки қизил аскарлардир. Блок ўн икки қизил аскар сий-

мосида халқни кўради. Меҳнаткашларни олға бошлашда ишчилар синфини илғор бўлишга чақиради:

...Қизил байроқ
Ҳилпирайди.
Гурус-гурс оёқ.
Ёр титрайди...

Олға талпин, олға қалқ, илчи халқ!

Мана поэманинг оташин мисраларига ҳамоҳанг янграган Ҳамзанинг қўйма сатрлари:

Дупур, дупур оёқ бос.
Ёрни титратиб.
Душман сари йўлга бос
Тўпни судратиб.

[«Берма эркинни қўлдан» шеърдан]

Блок ва Ҳамза ижодидаги шакл ва мазмун ўхшашлиги шоирлар дунёқарашидаги бирлик, эстетик принциплар мослигидан келиб чиқадиган, замон руҳини тўғри илғай олишдан пайдо бўладиган ҳамоҳанг ўхшашликдир.

Блок ижодининг гултожи бўлган бу поэма Улуғ Октябрь революцияси ҳақида дастлабки ёзилган бадий баркамол асарлардандир.

Ўзига жуда талабчан бўлган Блок бу поэмасини ёзиб бўлгандан сўнг кундалиқ дафтарига «Бугун мен — генийман» деб ёзиб қўйганди. Эски дунёнинг қулаши, пролетар революциясининг ғалабаси, янги озод Ватан образи поэмада ўз аксини топган. Поэма «Тим қора тун, Оппоқ қор» сатрлари билан бошланадиги, бу шоир ижодига хос бўлган символик образларнинг ифодасидир. «Тим қора» ва «оппоқ» икки қарама-қарши образ, ўша даврдаги мураккаб ҳолатга ишорадир.

Асарда шоирнинг гражданлик туйғуси, революцияга бўлган қизғин хайрихоҳлиги ўз аксини топган. Поэма ҳақида шоирнинг ўзи шундай ёзганди:

«Ўн икки» — улар қандай бўлишдан қатъий назар — бу менинг ёзгантарим ичидан энг яхшисидир. Чунки мен у вақтда замон билан бирга яшагандим». Дарҳақиқат ҳажман унча катта бўлмаган бу асарда

шоир тарихий давр манзарасини бутун мураккаблиги билан ёрқин бўёқларда кўрсата олган.

Шоир ижодини чуқур ўрганган адабиётшунос Л. Долгополов «Ун икки» асари рус поэзиясига катта таъсир кўрсатганлиги, поэмачиликда янгилик эканлиги ҳақида гапириб қуйидагиларни ёзди: «... у алоҳида сўз ва шеърини сатрга фикрий қуюқлик, шиддатли эҳтирос бағишлайди, у бирдан биринчи планга сўздаги яширин, аммо доимий фикрни қўйишни кўтариб чиқди, унга кенглик берди, натижада унинг шеъри шундай аҳамият касб этиб, шундай сержило товланадики, буни Блоккача биронта шоир билмаганди».

Александр Блок ижодининг асосий қисмини Ватан, муҳаббат ҳақидаги лирик шеърлар ташкил этади. Унинг муҳаббат лирикаси самимийлиги, табиийлиги, севги оламининг теран ҳаяжонли туйғуларини ифодалай олиши билан жозоба кашф этади. Шоир қандайдир идеални, мавҳум муҳаббатни эмас, соф инсоний севгини куйлайди. Офелия ҳақидаги шеърлар мана шу жиҳатдан характерлидир. Офелия ҳақидаги шеърларнинг пайдо бўлишида унга Любовь Дмитриевнага (кейинчалик рафиқа-

си) бўлган соф инсоний севгиси туртки берган. Улар «Гамлет» трагедиясини Д. Менделеевлар (Любовь Дмитриевнанинг отаси) уйида сахналаштирганларида Блок Гамлет ролини, Любовь Дмитриевна Офелия ролини ижро этишган.

Борлиқнинг бутун гўзаллигини муҳаббатда кўрган шоир Офелия образида севгидан азоб чекаётган қалб изтиробларини чуқур лиризм орқали ифодалайди.

Блокнинг кўпгина поэма ва шеърлари таниқли ўзбек шоирлари томонидан таржима қилинган. Шу боис бир фикр туғилади, яъни бугунги кунда «Александр Блок ва ўзбек адабиёти» мавзуи алоҳида текширишни талаб қиладиган масаладир.

Шоир даврнинг йирик ижодкори сифатида асарларида замоннинг муҳим ва ҳал қилувчи воқеаларини умумлаштириб беради. Блок шеърятининг туб мағзини ватанпарварлик, инсонлар тақдири учун қайғуриш, ҳақиқат учун курашиш ташкил қиладди. У ҳаётни нозиклик билан ҳис қилиб, самимият билан куйлай олади. Унинг шеърятини ўлмас қилган хусусият ҳам шоирнинг ҳақгўйлиги, самимиятидир.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ.



ТАНҚИД
ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК

Раҳматулла Иноғомов,

филология фанлари кандидати

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

МАКСИМ ГОРЬКИЙ АСАРЛАРИНИНГ УН ТОМЛИГИ УЗБЕК ТИЛИДА БОСИЛИБ
ЧИҚИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Жаҳон адабиёти тарихида улуғ таржи-
маи ҳолга эга бўлган ёзувчилар кўп. Ле-
кин улар орасида янги типдаги адабиёт-
га асос солган Максим Горькийнинг катта
ҳаётий йўли, олмосдай кўп қиррали ижо-
ди алоҳида кўзга ташланади. Унинг асар-
лари пролетар революциясининг бадий
солномаси, даврнинг ҳақиқий манзараси
вазифасини бажариб келади.

Максим Горькийнинг илк асарлариёқ
рус ва жаҳон адабиётида катта воқеа бўл-
ди, бутун ижоди эса адабиётни янги, юк-
сак поғонага кўтарди, адабиётнинг халқ
ва жамият тақдири, тарих олдидаги роли
ва аҳамиятини оширди. Жаҳон адабиёти-
нинг энг яхши намояндалари ижодини
чўқур ўзлаштирган М. Горький ўтган аср-
нинг охиригача йўлини — рус ишчилар
ҳаракатининг уйғонишидан бошлаб мам-
лакатимизда социализмнинг тўла ғалаба-
сигача бўлган тарихий шароитда, улкан
революцион воқеаларга бой бир даврда
ижод этди. Унинг буюк хизматларидан
бири шундаки, Горький ўзининг бутун
фаолияти ва ижодини пролетариатнинг
вазифалари билан узвий боғлай олди, иш-
чилар синфининг революцион ҳаракатлари
манфаатларига бўйсундирди, социалистик
революцияни тайёрлаш ишига сафарбар
этди. Адабиёт тарихида илгари ҳеч ким
ҳеч қачон ўз ижодини кенг халқ оммаси,
жамият ҳаёти билан бу даражада боғлай
олмаган эди.

Октябрь инқилобининг ғалабасида ўз
орзуларининг ушалганини кўрган Максим
Горький социалистик адабиётнинг асосчи-
си ва байроқдорига айланди, кўп қиррали
адабий-ижтимоий фаолияти билан социа-
листик маданият раҳнақига улкан ҳисса
кўшди, совет адабиётининг принципларини

белгилаб берди, бу билан янги адабиёт-
нинг ривожига катта роль ўйнади, жаҳон
адабиётининг кейинги тараққиётига таъсир
кўрсатди, ер юзидаги прогрессив адиб-
ларнинг сеvimли устози бўлиб қолди.
Замонамизнинг катта ёзувчиларидан бири
Леонид Леонов «Ҳеч муволафасиз айтиш
мумкинки, бизларнинг ҳаммамиз — ада-
биётнинг ҳозирги авлоди дунёга Горький-
нинг кенг енгидан тушганмиз» деган эди.
Бу фикр фақат рус ёзувчилари учунгина
эмас, шунингдек бошқа адабиётларнинг
намояндалари, қатор ўзбек совет ёзувчи-
ларига ҳам тааллуқлидир. Чунки миллий
адабиётлар, шу жумладан ўзбек совет
адабиётининг юксалиши Максим Горький
ижоди ва номи билан чамбарчас боғлиқ.

Максим Горький асарлари асримиз бош-
ларидаёқ рус матбуоти билан бир қатор-
да чоризм империясидаги чет ўлка га-
зета ва журналларида ҳам тез-тез пайдо
бўлиб турарди. Улуғ адиб асарларининг
Туркистонда пайдо бўлиши йигирманчи
асрнинг дастлабки йилларига тўғри кела-
ди. Туркистонда социал-демократик тўғра-
рақларнинг барпо этилиши, бу ерга кўп-
лаб революционерларнинг сургун қилини-
ши инқилобий руҳдаги адабиётлар, шу
жумладан Горький асарларининг тарқали-
шига сабаб бўлди.

1901 йилнинг кузида Максим Горький-
нинг «Мақтанчоқ ёзувчи» номли фелье-
тон-ҳикояси биринчи марта «Русский Тур-
кестан» газетасида босилиб чиқади. Шу-
нисни характерлики, маъруз фельетон-ҳи-
коя чор цензураси томонидан таъқиқлан-
ган, шу туфайли ҳам марказий газеталар
уни эълон қилишдан қўрққан эдилар.
«Русский Туркестан» бу билангина чеклан-
майди, адибнинг «Марко афсонаси» шеъ-

рин ва бошқа асарларини мунтазам босиб чиқаради, ёзувчи тўғрисида турли материаллар бериб туради, ижодини жуда юқори баҳолайди.

Унинг пьесалари ҳам революциядан илгарийроқ, Туркистонда маълум бўлган. 1905 йилда Тошкент драм труппаси ёзувчининг «Чорбоғчилар» пьесасини сахнага қўяди. Ҳолбуки, бу асар ҳам чор маъмурияти томонидан ман этилган эди.

Гарчи Максим Горькийнинг айрим асарлари инқилобдан олдин ўлкамизда чиқадиган газеталарда эълон қилинган бўлса ҳам ҳали улар ўзбек ўқувчилари оммасига етиб бормаган эди. Чунки у вақтларда рус тилидаги газеталарни маҳаллий халқнинг жуда оз қисмигина ўқий олар эди. Ўзбек халқининг Максим Горький асарлари билан танишуви Октябрь инқилобидан кейин кенг тус олди. Революциядан кейинги бир неча йил ичидаёқ улуғ адибнинг талайгина асарлари ўзбек тилига таржима этилади, улардан баъзилари янги мактаблар учун тузилган дарслик ва хрестоматияларга киритилади, халқимизнинг чинакам бадий мулкига айланади. Бундан ташқари, адабиётшунос олимлар турли муносабатлар билан Горький ҳаёти ва ижодига оид мақолалар эълон қила бошлайдилар, ўзларининг бошқа ишларида ҳам адибнинг адабиёт ҳақидаги назарий фикрларига таянадилар. Максим Горькийнинг шоҳ асарларидан бири «Она» романи ўзбек тилида илк марта 1932 йилда босилиб чиққан. Кенг ўзбек китобхонлари илиқ кутиб олган бу асар шундан кейинги қисқа вақт ичда яна уч марта нашр этилади. Бирин-кетин адибнинг бошқа асарлари ҳам ўзбек тилига таржима қилина бошлайди. Ўйгирма йилга яқин вақт ичида адибнинг деярли барча энг муҳим асарлари ўзбек тилида босилиб чиқди, баъзи асарлари эса қайта-қайта нашр этилди.

Ёзувчи туғилган куннинг 100 йиллигини ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилаётган бир даврда Горькийнинг асосий асарларини ўз ичига олган 10 томликни нашр этишга киришилди. Ўн йил мобайнида Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти мўлжаллаган ана шу нашр тўла амалга оширилди. Максим Горький асарлари ўн томлигининг чоп этилиши республикамиз маданий ҳаётида чинакамига катта воқеа бўлди. Максим Горький асарларининг таъсири ўзбек совет адабиётининг Ойбек, Фафур Ғулом, Уйғун, Комил Яшин, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби таниқли намоёндаларидан тортиб бошловчи қаламкашларнинг ижодигача яққол сезилиб туради.

Улкан ёзувчи Ойбекнинг 30-йилларда яратган асарларидаёқ Горький аънаналарининг «изи» куринади. Бу таъсир аста-секин кучайиб «Қутлуғ қон» ва «Навойи» романларининг яратилишида маълум даражада роль ўйнади. Ойбек Горькийдан даврнинг энг муҳим зиддиятларини бутун

мураккаблиги билан тасвирлаш, ҳаётнинг ёрқин томонларини кўрсатиш, ўз синфининг типик вакили даражасига кўтарила оладиган тўлақонли характерлар яратиш санъатини ўрганди. Шу жиҳатдан қараганда «Она» ва «Қутлуғ қон» романларида мураккаб давр тасвирини қизиш, қаҳромонлар эволюциясини кўрсатишда маълум уйғунлик бор. Ойбек «Болалик» повестини ёзишда Горькийнинг шу номдаги асарининг тажрибасидан, умуман ёзувчи аънаналаридан фойдалангани эса ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган фактдир.

Ойбек Улуғ Ватан уруши авжи қизиб турган бир вақтда ёзган «Горький» шеърисида улуғ адиб ҳамма вақт биз билан бирга, ҳатто уруш майдонида душманга қарши жанг қилапти, шунинг учун у мангу барҳаёт деган ғояни илгари суради:

Рус ерида азамат инсон,
Онг, виждонни ёритган зиё,
Қадамига ер кичик, осмон —
Мағрур боши учун тор гўё.

Улуғ адибнинг Абдулла Қаҳҳорга таъсири масаласи ҳам алоҳида текширишни талаб этади. Максим Горький бўлажак адиб дунёқарашини ва адабиёт ҳақидаги тушунчасининг шаклланишига кўмаклашган. Унинг «Тубанликда» пьесаси, «Менинг университетларим» асари Абдулла Қаҳҳорга ғоятда манзур бўлади. У Горький асарининг катта бадий қийматини, ижтимоий аҳамиятини англаб «Менинг университетларим»ни 1935 йилдаёқ ўзбек тилига таржима қилади. Бу тўғрида ёзувчининг ўзи шундай ёзади: «Максим Горькийнинг ҳамма адабий мероси ўзининг соддалиги, тугалланганлиги, бениҳоя катта ижтимоий аҳамияти билан кишини ҳайратда қолдиради. Унинг автобиографик асарларидан «Менинг университетларим»ни ўзбек тилига таржима қилишни ўз зиммамга олишимнинг боиси ҳам мана шу эди. «Менинг университетларим» асарини таржима қилиш осон бўлмади. Мен таржимада ғоят катта қийинчиликларга учрадим. Баёнотнинг одатдан ташқари соддалигини, юракни жижиллатишини, ҳар бир шахснинг жуда чуқур психологик ҳаққонийлигини китобхонга етказиш оғир бўлиб чиқди».

Ўзбек шеърятининг забардаст вакилларида бири, Ленин муқфоти лауреати Фафур Ғулом ўз таржимаи ҳолида рус шоир ва ёзувчилари орасида Максим Горький ўзи учун энг яқин ва қадрдон бўлиб қолганлигини, «Она», «Тубанликда», «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» асарларини муҳаббат билан қайта-қайта ўқиганини, бутун ижоди давомида ундан ўрганганлигини, «Лочини қуши ҳақида кўшиқ», «Бўрон қуши ҳақида кўшиқ» асарларини биринчи марта ўзбек тилига таржима этганлигидан фахрланишини ёзган эди. Шоир «Шум бола» повестини яратишда Максим Горький автобиографик асарлари тажрибасидан фойдаланган.

Ҳамид Олимжон Максим Горькийни

ғоят заҳматқаш ва энг яхши фазилатлар эгаси бўлган буюк инсон деб биларди, унинг меҳнатсеварлигидан ҳайратланарди: «Алексей Максимович камтарин инсоннинг буюк намунаси эди. Жаҳон адабиётининг энг улуғ кишиларидан бўлган ва ўз ижоди билан инсониятнинг тараққиёт тарихида янги бир поғона очган Горький ўзининг энг охирги кунларигача ўқиш, ўрганиш кераклигини таъкид қилган эди». Ҳамид Олимжон «Горькийни таниш», «Ёзувчиларнинг омонсиз ёви», «Буюк санъаткор» каби мақолаларида Максим Горькийнинг социалистик санъат ва адабиётни ривожлантиришдаги буюк хизматларини очади. 1938 йилда ёзилган «Горький ҳақида» шеърда эса ҳақиқат ва адолат учун курашга бутун ҳаётини бағишлаган адибнинг асло ўлмаслиги ҳақидаги фикрни илгари суради.

...Вир асрлик Русияни у,
Елкасига кўтарди дадил,
Кўтарди ул, кўтарди мангу,
Буюк эди бу одамда дил...

Ёзувчи Ҳусайн Шамс «Мен унинг уйда бўлдим» деган хотирасида Горькийдан олган сабоғини шундай ҳикоя қилади: «Мен Максим Горький асарларини ўқиб, шундай буюк ёзувчи билан гаплаша олармикинман деб умид қилардим. Унинг асарларини ўқиганимда унда бўлган санъаткорликка ҳавасим келарди. Уйлардимки, шундай буюк бир ёзувчининг ҳузурда бўлиш ва у билан гаплашиш жуда қийиндир деб. 1934 йилда уни ёзувчилар қурултойини очиш вақтида биринчи кўрдим. Уйга борганимизда менга шундай туолдики, гўё ўлиб кетган одам териблиб келгандай бўлди. Унинг содда, меҳрибон сўзлари ҳамма вакилларга ҳам баббаробар эди. Бизнинг ўйин ва ашулаларимизга қўшилиб турди. Мен бу учрашувни унутмайман.

Мен унинг «Она» асарини икки қайта ўқиб чиқдим. Бу асар ўқишга жуда ўнғай бўлиши ва тарихий фактларни яхши беришидан ташқари, менинг ўзимга қандай қилиб ёзиш кераклигини яхши ўргатди. Мен «Хуқуқ» романини ёзганимда «Она»дан кўп нарса ўргандим».

Ҳусайн Шамс Максим Горький асарлари билан жуда эрта танишган. Маълумки, бўлажак адиб 1916 йилда босмаҳонада шогирд — ҳарф терувчи бўлиб ишлайди. Шу даврда у 11 ёшда бўлиб марказий Россиядан Туркистонга сурғун қилинган Грачев оиласи билан яқинлашади ва улар ёрдамида Горькийнинг тақиқланган ҳикояларини ўқийди. Бу ҳикоялар ғоят кучли таъсир этганини, бутун умри давомида хотирасида ўрнашиб қолганини «Мен Горькийни қандай танидим» мақоласида ёзган эди.

Горький асарларининг таъсири Ойдин ҳикояларида ҳам намоён бўлган. Бунга адибанинг у бутун учрашганлиги кўп жиҳатдан сабабдир.

Ойдиннинг ўзи ҳам «Горький ҳамisha ёдимда» номли мақоласида ёзувчи анъаналаридан ўрганганлигини қайд этади.

Парда Турсун эса Максим Горькийнинг

ёш адиблар тўғрисидаги ғамхўрлиги туфайли жуда кўп қаламқашлар адабиётга йўлланма олганлигини, бундай фазилат ёзувчининг энг муҳим хизматларидан бири эканлигини фахр билан таъкидлаган: «Ёш ёзувчиларга таълим беришда Горькийга тенг келган кимса ҳали ҳозиргача ҳеч қачонда кўрилгани йўқ. Янги чиқиб келаётган ёш талантларга кўрсатган ёрдами, астойдил маслаҳатлари улуғ ижодий ишларининг бир қисмини ташкил қилар эди...».

Ёзувчи устоз асарларидан кўп руҳланган. Айниқса «Ўқитувчи» романини яратишда — образ танлаш, уларнинг психологик кечинмаларини кўрсатишда адиб асарларидан намуна олган.

Талантли ўзбек шоирларидан бири Амин Умарий Горький асарлари, хусусан «Лочин қуши ҳақида қўшиқ»дан олган таассуротларини, бу асарлар катта ҳаётий сабоқ бўлганлигини «Ҳаёт лирикаси» мақоласида шоирона ифодалаган эди.

1936 йилнинг 18 июнида совет адабиётининг асосчиси, жаҳон адабиётининг энг улуғ сиймоларидан бири Алексей Максимович Горькийнинг юраги уришдан тўхтади. Бу маълум хабар барча ижодкорларнинг қалб томирларини зирқиратиб, юрагини жунбушга келтиради.

Воқеадан изтиробга тушган Шайхзода ўз қайғуларини ҳаяжон билан шундай ифодалаган:

Недир борлиқнинг темир қонуни?
Недир борлиқдан йўқликка ўтмоқ.
Бу кеча дунё йўқотди уни
Дўсларга қолди кўз ёши тўнмоқ.
Синдим бу кун қудратли қалам,
Синдим нурдан тўймаган кўзлар?
Хабар тугул шу кечки телеграм
Ёрди қалбларни гўёки наштар...

Шайхзода Горький ҳақида қатор мақолалар ҳам ёзган. Шулар жумласига кирган «Инсон», «Адабиётимизнинг ўлмас виждони» сингари мақолаларида Горькийнинг буюк фазилатларини очади, аллақачонлар адабиётимизнинг виждонига айланганини ғурур билан қайд қилади.

Максим Горькийнинг ижоди ўзбек санъатининг юксалиши, артистлар маҳоратининг ошишида ҳам маълум роль ўйнаган. Бу фактни Ҳалима Носирова, Тамарахоним сингари таниқли санъаткорлар эътироф этганлар. СССР халқ артисти Ҳалима Носирова «Мен Горькийдан ўргандим» мақоласида устозга бўлган миннатдорчилик туйғуларини шундай ифода этади: «Буюк устоз Максим Горькийнинг ўлмас асарларини Озарбайжонда студентлик чоқларимда севиб ўқир эдим. Адибнинг қимматбахо асарлари санъатда тез ўсувимга ёрдам берди.

Улуғ рус ёзувчиси Максим Горькийдан ўқиш-ўрганиш барча санъатчиларнинг вазифасидир. Горький асарларини ва умуман бадиий адабиётни ўқимасдан туриб яхши санъатчи бўлиш мумкин эмас.

Мен ўқиган «Она», «Мешчанлар», «Болалик», «Менинг университетларим» асарлари менинг ижодиётимга йўлдош бўлди.

Мен «Эр Тарғин» операсида Оқюнус ролини ижро. этарканман, Максим Горькийнинг «Мешчанлар» драмасига яна мурожат қилишга мажбур бўлдим. Шундай қилиб, Қрим хонининг қизи Оқюнуснинг маккорлиги ва пасткашлигини томошабинга тушунтириб беришда Горькийнинг шу асаридан савод олдим».

Максим Горький асарлари ўзбек адабиётининг юксалишига ижобий таъсир этди, унда социалистик реализмнинг барқарор бўлишида, бу методда қатор ажойиб асарларнинг майдонга келишига замин ҳозирлади. Шунинг учун ҳам ўзбек ёзувчилари улуғ пролетар адабини ўзларига устоз деб биладилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, атоқли драматург Комил Яшин: «М. Горький асарларини чуқур ўрганганимиз сари уларнинг янги-янги қирралари намоен бўлади, бу мислсиз ҳазинадаги битмас-туганмас ажойиб дурдоналар ўзини кўрсатади.

М. Горький ҳаёти, ижодиёти, ижтимоий фаолияти халққа хизмат қилишнинг ёрқин тимсолидир. Ана шунинг учун ҳам биз Максим Горький номини ҳамма вақт ифтихор ва ҳурмат билан хотирлаймиз», — деганида барча ўзбек адiblари ва китобхонларининг фикрини ифодалаган эди.

Улуғ устоз асарлари ўн томлиги катта ижодий коллективнинг кўп йиллик заҳматли меҳнати туфайли майдонга келди. Уттиздан ортиқ ёзувчи ва таржимон ана шу ишда фаол қатнашди. Илгари амалга оширилган таржималар қайта кўриб чиқилди, таҳрир қилинди. Баъзи асарлар эса кўп томлик баҳонасида ўзбек тилида илк мартаба босилиб чиқди. Олтинчи — тўққизинчи томлардан ўрин олган Максим Горькийнинг энг йирик асари «Клим Самгиннинг ҳаёти» шу жумладандир.


Рус халқининг Октябрь инқилобидан олдинги қарийб қирқ йиллик ҳаётини бутун мураккаблиги ва қирралари билан умумлаштирувчи «Клим Самгиннинг ҳаёти» асарини А. Луначарский «Ун йилликларнинг ҳаракатланувчи манзараси» деб баҳолаган эди. Даврнинг ўткир ғоявий сиёсий конфликтлари асосига қурилган бу романда 9 январь воқеалари, умумхалқ намойишлари, Лениннинг Петроградга келиши сингари тарихий фактлар ўзининг бадий инъикосини топган. Ёзувчи жамиятнинг барча табақаларига мансуб кишиларнинг

қиёфасини чизади, бу орқали ўзи тасвир этган давр нафасини, ҳаётнинг реал кўринишини намойиш этади. Максим Горький бу асарда капиталистик дунёнинг қарама-қаршилиқларини, бошқа асарлардагига нисбатан ҳам тўлароқ, ҳам ёрқинроқ очиб ташлайди, Клим Самгиннинг қиёфасида эса буржуа идеологияси, биринчи навбатда буржуа индивидуализмининг фалсафаси ва моҳиятини фош этади. Чуқур тарихийлик ва фалсафий умумлашма ўта бадийлик билан уйғунлашганлиги «Клим Самгиннинг ҳаёти» асарини XX аср жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан бирига айлантирди.

Ана шу роман-эпопея бадий таржима соҳасида бой тажриба тўплаган Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Қодир Мирмуҳамедовларнинг кунт билан қилган меҳнатлари туфайли ўзбек тилида ҳам оригинал руҳи, нафосатини сақлаб қолди, халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Ҳар иккала таржимон ҳам Горькийнинг ижодий услубини, айниқса бу асарнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда таржима қилганлар. Бу фикр кўп томликка кирган деярли барча таржималарга тааллуқли. Социалистик реализм адабиётининг тўнғич асари «Она» романининг таржимаси ёзувчи услубини бошқа тилда сақлаб қолишнинг намуналаридан бири деса бўлади. Бу асар таржимаси устида Кибриё Қаҳҳорова узоқ вақт матонат билан меҳнат қилган. Таржиманинг илк саҳифаларидаёқ оригинал руҳини тўла сақлаб қолганлиги билан эътиборни ўзига тортади.

Максим Горький асарларини ўзбек тилига ағдарган таржимонлар ҳам, кўп томликнинг редколлегия аъзолари ва редакторлари ҳам ўз ишларига масъулият ҳисси билан ёндашганликлари мўлжалланган ишнинг муваффақиятини таъминлаган.

Ёзувчининг «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» сингари қатор машҳур асарларининг ўн томликдан ўрин олмай қолиши бу соҳадаги ишни яна давом эттириш истагини туғдиради. Яқин келажакда Максим Горький асарларини ўзбек тилида тўла нашр этиш, ҳар бир томни сўз боши ва изоҳлар билан таъминлаш, томларнинг сифатини янада ошириш ёзувчилар, таржимонлар, нашриёт ходимларининг, бутун адабий жамоатчиликнинг муқаддас ва масъулиятли бурчидир.



Ҳабибулла Қодирий

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ ҚАЙДЛАР

Бирор тарихий шахс ҳаёти ва фаолияти-ни, адабий-илмий меросини ўрганишда, айрим кишилардан тўпланган ёзма, оғзаки маълумотлар муҳим роль ўйнайди. Зеро, бу икки манба ҳам шу шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдиради, кенгайтиради, қизиқувчиларга, хусусан илмий ходимларга катта ёрдам беради. Иккинчи жиҳатдан, умуман машҳур кишилар ҳақида кўрган-билганларни ҳикоя қилиш ҳам, тинглаш ҳам қизиқ, мароқли...

Бироқ, бу икки тур (ёзма ва оғзаки) маълумотларни тўплаганда масъулиятли шартлар бор: маълумот ҳаққоний, эътироздан холи, мантиқан асосланган бўлмоғи керак. Акс ҳолда, қилинган хизмат қоғоз кўтариб ўрнига кўз чиқариш қабилда бўлиб, ўрганилувчи шахс тўғрисидаги тасаввурни чалкаштириб, қоронғилаштириб қўяди.

Шунга ўхшаш Қодирий ҳақида ҳам «Жулқунбой қариндошим, ўртоғим, мактабдошим, бирга ишлашганман, кўлида ярим газлик йўғон қалам, қоғоз кўтариб кўчада юрганда ҳам ёзгани-ёзган эди» қабилда тўқима, муболаға маълумотлар бериб мақтаниб юрувчилар ҳам учраб туради.

Олим ака исмли тошкентлик бир киши бўлар эди, мен ёш чоғларимдаёқ кексайиб қолган, ўрта бўй, қотма, оқиш ранг, чўққи соқол, европача кийиниб пенсиз тақиб, қўлида асо, доим бир даста газета қўлтиқлаб юрар эди. У ҳеч қаерда ишламас, аммо ўзини совет ҳокимиятини кўрган арбоблар қаторида санар, унча-мунчани писанд қилмас, доим жиддий, «бугун фалон жойда мажлис кўрдик, фалон масалани ҳал қилдик, фалончиникида (бирор арбоб номини айтиб — Ҳ. Қ.) зиёфатда бўлдик», деб мақтанар эди. Уни билганлар баланд-парвоз сўзларидан завқланиб кулар, билмаганлар ажабланар эди.

Дадам бир оилавий суҳбатда бу киши тўғрисида кулиб ҳикоя қилган эдилар:

— Олим ака билан бир кун кўчада учрашиб қолдим. У мен билан кўришиб: «Аканг — Жулқун яхшими?» — деди. Билдимки, у мени Қудратилла деб фахмлади

(Қудратилла — кичик амаким — Ҳ. Қ.). «Ҳа, яхшилар, раҳмат», дедим ичимда кулиб. У менга: «Акангга салом айтиб қўй, мен у билан «Муштум»да беш йил бирга ишлашганман», деди. «Хўп, хўп, Олим ака, айтман», дедим...

Мен тушунмай дадамлардан сўрадим:

— У киши ҳақиқатдан сиз билан «Муштум» журналида ишлашганми?

— Бе-е,— дедилар кулиб дадам...

Баъзан мана бундай ғалати «маълумот»ларга ҳам дуч келганман. «Чимён» курортида дам олаётган вақтимда Лидия Макаровна исмли (фамилиясини унутдим) врач бир куни мени сўроққа тутиб қолди.

— Бундаги баъзи докторларимизнинг айтишича, сиз ёзувчи Абдулла Қодирийнинг ўғли эмишсиз... Кечирасиз, доктор, фамилиянгииз... мабодо, тасодифан ўхшаш эмасми?

— Нега ундай деяпсиз? — дедим тушунмай.

— Мен бир вақт Яланғочдаги тубсанаторияда ишлаганимда Кимёхон исмли бир аёл врач билан хизмат қилган эдим. Кимёхон Абдулла Қодирийнинг яқин қариндоши экан. Абдулла Қодирий тўғрисида менга кўп хотиралар айтиб берган эди. Бироқ, қизиғи шундаки, Кимёхоннинг айтишича, ёзувчи Абдулла Қодирийнинг хотин-болачақаси бўлмаган... Сиз бўлсангиз, ўғиллик даъво қилиб юрибсиз...

Бу «янгиликдан ҳайрон бўлдим. Кимёхон исмли доктор қариндошимиз борлигини билмас эканман. Бошқа қариндошларимиз ҳам бундай уруғимиз борлигини хотирлай олишмади. Доктор Кимёхоннинг қариндошлик даъвосида юрганлигини кейинчалик бошқа кимсалардан ҳам эшитдим. Аммо бу «қариндошимиз»ни ҳамон тополмай, кўра олмай юраимиз...

* * *

Бир кун, уйимизга етмиш ёшларга борган, норғул, бақувват нотаниш бир киши «акамнинг уйини, бола-чақасини кўрадиган кун ҳам бор экан-ку!» деб йиғлаб кириб

келди. Мен билан кучоқлашиб кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди. Таажжубланиб у кишини истиқбол қилиб ўтказдим, чой-нон қилдик.

Сўхбатдан шу маълум бўлдики, у киши чимкентлик бўлиб, уйли-жойли, бола-чақали, пенсионер, бир корхонада қоровуллик қилар экан. Ёш чоғларида полвонлик билан ном чиқариб, газеталарда мақталган (у менга ўша газета-мақолаларни кўрсатди) экан. Унинг Қодирийга «ука»лик даввоси шундан иборат эканки, дадамиз Чимкентга саёҳатга борганларида баъзи дўстларининг уйда кўниб меҳмон бўлар, бу киши эса шу меҳмондорчиликларда дадамизни бир-икки бор кўрган экан...

Биз, «жуда саз, отамизни кўрган киши экансиз, йўқлаб келганингиз учун раҳмат» деб, ҳўрмат-эъзоз билан ош-сув қилиб у кишини кузатдик. Шундай қилиб бу одам Тошкентга бозор қилгани тушганда бизни кига кириб ўтадиган ва баъзан совға қилиб қази, қимиз келтирадиган бўлди. Бир гал у менга «Ўтган кунлар»нинг араб имлосидаги нухасини совға қилди ва ўзининг йигитлик чоғида бир дўсти билан тушган расмини кўрсатди. Орадан икки-уч йил ўтди. Яна бир гал келганида у менга «Музейга кўясиз, Абдулла акамлар билан Чимкентда бирга олдирган эдик» деб, бир расмини тортиқ қилди. Мен расми кўриб ҳайрон бўлдим: бу расм ўша аввалги менга кўрсатилган расмдан нухса. Бироқ, ёнма-ён ўтирган икки ёш йигитлар орқасида учинчи шахс — Абдулла Қодирийнинг китобдаги машҳур расми пайдо бўлиб қолибди... Расмга бир қарашдаёқ нухса эканлиги ва уланганлиги сезилиб турарди. Ундан ташқари уланган расмларнинг ҳажмий нисбати ва ранги (фони) ҳам турлича...

Расмга қараб туриб ўнғайсизланиб кетдим. Расм эгаси ҳам гуноҳқордай ер тағидан менга қараб-қараб ўтирар эди. Ниҳоят расмни қайтариб: «Яҳши, олиб кўяверинг-чи, керак бўлиб қолар»,— дедим. У киши ишонмаганлигимни сездим. «Расмга шубҳаландингиз-а, мен аслини келтириб кўрсатаман»,— деди. Мен ана шундагина бу кишининг бизни кига нима учун ўлиб-тирилиб қатнаб турганлиги сабабига тушундим.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, у киши бизни кига яна бир бор келди-да, орамизда очиқчасига шундай гап бўлди:

— Мен сиздан хафаман, мулла Ҳабибулла,— деди у киши.

— Ҳўш, нима гуноҳ қилибмиз?— дедим кулиб мен.

— Отангиз ҳақида шунча гаплар ёзиб, менинг номимни бирор ерда йўқламадингиз...

— Нима деб йўқлай?

— Дадамнинг ошнаси эди, деб...

— Дадамнинг ошналари кўп бўлган. Ҳаммасини рўйхат қилиб ёзавериш бўлмайдим. Уқувчиларни бу қизиқтирмайдим...

— Нима қизиқтиради?

— У кишининг қилган ишлари, ёзган нарсалари, айтган гаплари...

— Демак, биз отангиз билан гаплашмабмиз-да?

— Гаплашган бўлсангиз бордир... Аммо, қачон, қаерда, нималар тўғрисида гаплашганингизни ва у киши нималар деганини айтмадингизда...

— Айтмаган бўлсам, ўзингиз ёзиб юбораверинг-да...

Мен ёлгонни ёзиб бўлмастлигини тушунтирдим. Лекин у киши гапларимга ишонмади, шекилли, кўнгли олингандай бўлди. Совға қилган китобини қайтариб олиб, бизни кига бошқа келмай кетди...

Ҳаким Орипов деган бир киши адабиётшунос Шерали Турдиевга: «Мен Абдулла Қодирийнинг котиби бўлганман»,— деб ўзини танитибди. Уртоқ Турдиев ишониб, ундан бир қанча «маълумот»лар ёзиб олибди ва Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг «Илмий ишлар ва ахборотлар» тўпламида (бешинчи китоб, 1963 йил) «Абдулла Қодирийнинг янги топилган ҳикоялари ҳақида» номли сарлавҳа билан бостириб чиқарибди.

Биз, Қодирий фарзандлари, бу янгиликни эшитиб, «наҳотки, дадамизнинг котиблари бўлган-у, биз билмаган бўлсак», деб ҳайрон қолдик.

Ҳаким Орипов (у 1965 йиллар атрофида вафот этди) шундай ёзади: «Мен 1930 йилнинг бошида Ҳамза номли мактабга илмий мудир бўлиб (ишга) келдим. Шу мактаб ўқитувчиси Илҳом домла орқали Абдулла Қодирий билан танишдим... (Мен), бир неча сўхбатларда буюм ва буюмлардан эшитган афсонавий ҳикояларни (Абдулла Қодирийга) айтиб берганимда, бир эшитган сўзни қайта сўзлаб бериш, ёд олиш қобилиятим зўрлигиданми, ҳар ҳолда... (Абдулла Қодирий): «Бизга хаттот ёки мунший (котиб) бўладиган киши экансиз»,— дедилар. Бу гап аввалда ҳазил, кейин чин бўлиб кетди. Шундан кейин баъзи бир ёзган ҳикояларини менга оққа кўчиришга берган эдилар, (кўчириш чоғида) ёдимда қолганларини айтиб бердим», (мазкур тўплам, 59—60-бетлар).

Менинг билишимча, Қодирий ҳеч вақт котиб ушламаган ва бунга зарурат ҳам бўлмаган. У киши ўз асарларини бир йўла жуда тез, чиройли ёзар ва ёзиб бўлгач, у ер-бу ерига кичкина тузатишлар киритиб (бундай тузатиш ҳоллари жуда сийрак бўлар эди) шу асл нухсани нашриётга, босмахонага топшириб юбораверар, ундан нухса олиб қолмас эди. (Бундан фақат учта йирик асар: «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» мустасно). Ундан ташқари, Қодирий айниқса ўттизинчи йиллар бошида ижодий ишдан кўра деҳқончилик билан кўпроқ шуғулланган. Иккинчидан, умуман ёзувчиликда махсус котиб сақлаш жуда кам расм бўлган. Чунки, ҳамма ёзувчилар ҳам ўз ижодхонасига бегонани йўлатгиси келавермайди... Машҳур француз ёзувчиси Бальзак эллик йил умр кўрган ва шу қисқа умри ичида катта-катта романлар ёзган. Бироқ, жуда мўл ижод қилган бўлса ҳам котиб сақламаган экан.

Ҳаким Орипов қуруқ давво қилиб қолмайди, юқорида айтилганидек, «Қодирий асарларини оққа кўчирган чоғимда шу ет-

тита ҳикояси ёдимда қолган эди», деб Қодирий қаламига, услубига асло мансуб бўлмаган бачкана, сийқа еттита «ҳикоя»ни Турдиевга айтиб беради. Турдиев эса, ҳикояларнинг мазмун-сюжетини айрим-айрим батафсил ёзиб олиб мазкур мақоласи охирида бостириб чиқаради.

Мен мақолани ўқиғач, ўртоқ Турдиевдан сўрадим:

— Хайр, савобли иш қилибсиз, дўстим. Фараз қилайлик, Ҳақим Орипов 1930 йилларда Абдулла Қодирийга котиблик қилган ва ҳикояларини нусхага кўчириб берган ҳам бўлсин. У ҳолда Ҳақим Орипов сизга айтиб берган бу ҳикоялар қайси журнал ёки газеталарда босилган экан?

Дўстим жавоб қилди:

— Бу ҳикоялар муваффақиятсиз чиққанлиги учун босилмай қолган...

Жавоб жуда қизиқ. Менимча, ҳеч бир ёзувчи ўзининг муваффақиятсиз чиққан асарини бировга оққа кўчиришга бермаса керак. Иккинчидан, бу ерда мантиқсизлик ҳам сезилиб туради: ўн бешинчи йиллардаёқ талайгина гўзал ҳикоялар ва сахна асарлари ёзган, 1928 йилга қадар иккита йирик роман яратган бир ёзувчи, наҳотки 1930 йилларга келиб, бир эмас еттита ҳикояни қаторасига муваффақиятсиз ёзган бўлса? Бу, менимча, ортиқча гап, ёзувчи ижодини ўрганувчиларни хато тушунчаларга бошлаш эмасмикан?

Яна шу Турдиев дўстимиз архивлардан бир ҳикоя ва бир фельетон топиб, «Абдулла Қодирийники» деб «Ҳийлаи шаръий» номли тўпламда бостириб чиқарибди. Ҳикоя «Меҳмонхонада» деб номланган. У биринчи бор 1929 йилда Самарқандда «Аланга» журналида «Йўловчи» имзоси билан; «Қурбонлик» деб номланган фельетон эса 1926 йилда Тошкентда «Адабиёт парчалари» тўпламида «Қ» имзоси билан босилган.

«Меҳмонхонада» ҳикоясини текшириб кўрайлик. Тўғри, Абдулла Қодирий «Йўловчи» имзоси билан бир-икки мақола-фельетон ёзган. Лекин, бу имзо-тахаллус фақат Абдулла Қодирийга хос, уни ўзга кимса ишлатмаган ва ишлатишга ҳақ-ҳуқуқи йўқ, деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Тарихда Навоий, Машраб каби тахаллуслар билан ижод қилган озмунча ёзувчи-шоирлар ўтганми? Иккинчидан, ҳикоя Самарқандда босилган. Абдулла Қодирий матбуотга сароб бўлган Тошкент шаҳрида яшаб туриб, ўз асарини Самарқандда бостириши ҳам ҳақиқатдан йироқроқ кўринади. Хайр, журнал ходимлари «бирор нарса ёзиб беринг» деб илтимос қилишган бўлсин...

Энди Қодирийнинг қалами нуқтаи назаридан ҳикоянинг шакл-мазмунига ва сўз, жумла, ибора тузилишига назар ташлайлик. Маълумки, Қодирий асарлари биринчи галда мухтасарлиги, фикрларнинг содда равонлиги, мазмундорлиги ва айтмоқчи бўлган мақсаднинг очиқлиги билан ажра-

либ туради. Аммо, бу ҳикоя узун, мақсад қоронғи, ўқиб, муаллиф нима демоқчи эканлигига тушуниш қийин. Ҳикоянинг бошланишида меҳмонхонада фақат икки киши (Очилбой ва домла-имом) борлиги англашилади, кейин, ҳикоянинг охирироғида меҳмонхонада анча одамлар ўтирганлиги тўсатдан маълум бўлиб қолади.

Ҳикоянинг сўз, жумла, ибора тузилишлари Қодирийникига ўхшамайди, чунки у Самарқанд, Бухоро лаҳжа-лафзларида ёзилган. Масалан (қавс ичидагиларни биз келтирдик — Ҳ. Қ.): чойрак (чорак), пачоқ (пучуқ), моча эшак, ҳамсоя, эна (она), бедардисар, мол (ош, таом мазмунида), чорчуб (сандак-курси), чархил товоқ (лаган мазмунида), кўпкари (Қодирий бу сўзни ўз ҳикояларида улоқ деб ишлатган), дилмондалик, чароки (чунки), ёвон (дала), жувори, ханги эшак, паловхўр (ошхўр), холвагар (холвачи), тарозудор (тарозибон) ва ҳоказо...

Баъзи жумла-иборалардан намуналар: «...Салласини ёстиқнинг устига қўйиб, чорчуб олдиға томон қўнқайиб «Жангномаи туркий»ни муҳаббат билан нағма чиқариб ўқимоққа бошладиким, чорчуб теварагида ўлтирганлар, ҳазрати Алининг қиличи икки юз газ чўзилганига таажжуб қилиб, кўпкари масаласини бир ёққа олиб қўйдилар», «Очилбойнинг тез келиб тез кетадурғон жаҳли дарров совуди», «мен бунга ёвондан жувори пояларни териб ханги эшакка ортиб келгин десам...» ва ҳоказо.

Абдулла Қодирий шундай жумлалар тузишига ишониш қийин. Балки, бу сўз-жумлалар персонажлар тилидан берилгандир, деб ўйлаш мумкинми? Йўқ, бу жумлалар деярли ҳаммаси ёзувчининг баёни. «Қурбонлик» фельетони гарчи тағига «Қ» имзоси қўйилгани билан Абдулла Қодирий қаламига мансуб эмас. Буни асарнинг услуб, мазмуни, тил жиҳатларидан осонлик билан сезиш мумкин.

Қодирий гарчи илк ижод йилларида бошқа халқлар адабиёти қатори татар адабиётидан ҳам хийла таъсирланган бўлса-да, унинг бирон асарида татар тилига хос лафз-жумлалар учрамайди. «Қурбонлик»да эса татар лафзлари, жумлалари тўлиб ётибди. Масалан: «пичоқ қўйнинг бўғзига тақалмишдир», «бўғизлайдилар-да, чуқурга ташлайлар!», «кўкракларига ўқ юборалар», «бошларини қилич билан кесалар», «миллионларча қўйлар кесилалар», «олалар», «сўйилалар», «ташланалар», «қирилалар» ва ҳоказо...

Ундан ташқари асарнинг мақсади ёрқин, жумлалари текис, равон эмас. Аксинча ёзувчи услубига зид бўлган қуруқ, ясама, ҳаяжонли «олифта» сўз ва жумлалар ишлатилган. Масалан: «Қон-қон-қон! Бечора қўй қассобнинг омонсиз панжасига тушгандир. Қайроққа тилини суркаган ўткир пичоқ қўйнинг бўғзига тақалмишдир.— Оллоху акбар! Улуғ бўлган «Оллох»нинг оти ёд этилгани ҳолда бечора ҳайвоннинг жони олинадир», «тўпларнинг оғизлари йиғин-йиғин ўлим пурқаб, калхатлар тўрт томонга ажал сочар экан...» ва ҳоказо.

Қодирий қаламининг бир хусусияти шун-

«Ҳийлаи шаръий». Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1973 йил.

даки (ҳамма рисоладаги ёзувчиларимизда ҳам шундай) у киши оҳ-воҳ, ҳаяжонли сўзлардан қочади. Воқеа шундай оддий тасвирланиб кўз олдимизга келтириб қўйиладики, ўқиб, ўқувчининг ўзи ҳаяжонга келади. Яъни, ёзувчининг ўзи ҳаяжонланмайди, аксинча, аста тасвирлаб бориб ўқувчини таъсирлантиради.

Яна шу дўстимиз «Меҳробдан чаён» романининг ёзилиш тарихига доир шундай бир «маълумот»ни излаб топиб, «Замонавийлик ва маҳорат» китобида (355—356-бетлар) эълон қилибди («Замонавийлик ва маҳорат» — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти, Тошкент, 1961). Абдулла Қодирий Розия ойдан (Худоёрхоннинг хотини) маълумот олиш учун, уни Тошкентда икки йил, Қўқонда бир йил излаган эмиш ва топгач Қўқонда олти ой яшаб, ойи билан суҳбатлашиб, маълумот битиб олган эмиш. Абдураҳмон Қамбаров исмли қўқонлик бир ўқитувчи эса Абдулла Қодирийга иқтисодий томондан ёрдам бериб турган эмиш...

Бу гаплар ҳақиқатга, мантқиққа тўғри келмайди. Наҳотки, Худоёрхоннинг хотини бўлмиш таниқли, табаррук бир она — Розия ойини Қўқон шаҳридан излаш учун бир йил вақт кетса ва маълумот олиш, йиғиш учун Қодирийга бошқа шаҳарда олти ойлаб яшаш даркор бўлса? Менимча, бундай ҳолларда кўпи билан бир-икки ҳафта кифоя қилса керак. Албатта, тарихий манбалар-асарлар билан танишиб чиқиш бундан мустасно (Баҳарҳол, мен Қодирийнинг материал излаб бир йиллаб, олти ойлаб сафарда бўлганлигини эслаш олмаман). Ундан кейин, «Ўтган кунлар»дек романи ёзиб қўйган машҳур, мустақил бир кимсанинг Қўқон шаҳрида бировлардан иқтисодий ёрдам олганлигига сира ишониб бўлмайди...

Шерали Турдиев юқоридаги «маълумот»ни Кимёхон Ҳайдарова (Розия ойининг ўғай қизи)дан олган. Биз бу «маълумот»дан хабардор бўлгач, Кимёхон ойи билан учрашиб (бу аёл 1968 йилда вафот этди) суҳбатлашдик ва ҳақиқатда шуларни аниқладик: Қодирий маълумот олиш учун Розия ойининг ёнига атиги икки-уч марта борган экан, холос. Тошкентда икки йил, Қўқонда бир йиллаб қидириш, олти ойлаб унда яшаш, иқтисодий ёрдам тўғрисида сўз ҳам бўлмади. (Кимёхон Ҳайдарова билан бўлган суҳбат «Отам ҳақида» китобимда батафсил берилган).

Биз юқорида адабиётшунос Шерали Турдиевнинг иш фаолиятида кечган баъзи тушунмовчиликларни (ўқувчиларимизга Абдулла Қодирий ҳақида тўғри тасаввур бериш учун) айтиб ўтдик. Бу билан биз асло ундан ўпкаламоқчи эмасмиз. Зеро, нуқсон ҳаммада ҳам кечади. Шерали Турдиевнинг Абдулла Қодирий адабий меросини тўплашдаги хизматлари катта. Бу жиҳатдан биз унга ташаккур айтишга бурчдормиз.

* * *

Маълумки, адабиётшуносларимиз, ёзувчиларимиз кўплаб мақолалар ёзиб, матбу-

отда Абдулла Қодирий ижодига муносабат билдириб турадилар. Уларда Қодирий асарлари ҳар тарафлама текширилади, ютуқларига олқиш, камчиликларига эътироз билдирилади. Унинг ижодига бағишланиб турли тилларда ёзилган фикр-мулоҳазалар ҳам ҳийла кўп. Агар уларни синчиклаб ўрганилса, Қодирий ижодий маҳорати бир огиздан тан олиний келинаётганлиги кўринади. (Бундан фақат Сотти Ҳусайннинг «Ўтган кунлар» ҳақидаги мақоласи мустасно. Бу танқиднинг асоссизлигига Қодирийнинг ўзи етарли жавоб ёзган).

Яқинда таниқли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг «Абдулла Қодирийни ўқиганда» деб номланган¹ мақоласини ўқидим ва муаллиф билан ундаги айрим ўринлар тўғрисида ўртоқлашгим келди.

Ёзувчи мақолада умуман «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларига ўз чексиз эҳтиромини изҳор қилади. «Мен бу китоб ва уни яратган буюк инсон олдида ҳамиша бош эгаман, қўлим кўксимда, ҳамиша таъзим қиламан»,— дейди ёзувчи мақоласи муқаддимасида ва сўнгги сатрларини шундай ёзади:

«Бугун бир неча йилдан кейин «Ўтган кунлар»ни қайта қўлга олдим.

Энди, ёзувчилик «сирларини» озми-кўпми ўрганганимдан кейин, романининг айрим камчиликлари кўзимга ташланиб қолди. Романда чуқур маънодаги реалистик адабиёт талабларига жавоб бермайдиган, романтик услуб таъсирида ёзилган, шунинг учун ҳам бугун «ясамалиги», сунъийлиги сезилиб қоладиган айрим саҳифалар бор.

Масалан, ҳаётда кўп нарсани қўриб чиниққан, тажриба орттирган Отабекдек йигитнинг худди ёш бир ўспириндай Кумушга ошиқ бўлганини ҳаммадан яшириб, кечалари тўлғаниб чиқишлари, айниқса оддий хизматкор Ҳасанали ундан яшириқча совчиға боришлари, ниҳоят беҳабар Кумушнинг никоҳ кечаси «Сиз ўшамиз?» деб «Кутилмаган бахт»га муяссар бўлиши... бунинг ҳаммаси китобхонга асарнинг таъсир кучини ошириш учун, «эффе́кт» учун қилинган, яъни, бошқача қилиб айтганда ясалган». Назаримда, романининг «Ҳукмнома» боби, Кумуш жаллод қўлига топширилган Отабек билан қўтидорни хат воеитасида дор тагидан қайтариб, қўтқариб қолиши ҳам эртаклардаги воқеаларга ўхшаб кетади...»

«Ўтган кунлар» бундан эллик-олтмиш йил бурун ёзилган. Роман ҳақида Қодирийнинг ўзлари бундай ёзади:

«Ўтган кунлар» оммамизнинг савиясига қараб ёзилгандир. Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб келади. Омманинг шу ҳолини назарга олганда... «сўнгги приём»ни бериш — тиши чиқмаган болага қурт шимитиш каби бўлар эди. Ҳолбуки, бу эски приём жўрттага, халқимизнинг савиясини эътиборга олиб қабул қилингандир. Халқнинг завқини, руҳини

¹ Одил Ёқубов. «Излайман», «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 1972 йил, 224—239-бетлар.

назарда тутилмаса,— «сўнги приём» деб Европанинг сўнги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди?

«Утган кунлар»ни ёзарканман, доимо кўз ўнгимда ўқувчи оммамиз турар эди. Мен бу китобим билан халқимиз рағбатини бир оз бўлса ҳам янгилликка тортай дер эдим...

Модомики, асар савияси ўзимизга маълум шу халқ учун ёзилар экан, яна бир мунча вақт «сўнги приём»лардан кўз юмиб туриш, оралиқда сўнги приёмни оз-оз қистира бориш лозимдир...» (Қодирийнинг Сотти Хусайн танқидига жавоб мақоласи).

Албатта бу кўчирмами ёзувчининг юқоридаги эътирозларига айна жавоб бўла олмайдими. Аммо шуни аниқлаш мумкинки, муаллиф юқорида айтганидек, баъзи ўринларда «чуқур маънодаги реалистика»ни атайлаб четлаб ўтган бўлиши мумкин.

Келинг, ёзувчининг эътирозларига кўра бир неча саволлар тузайлик: Отабек йигирма тўрт ёшида уйланади. Шу уйланишига қадар бўлган давр ичиде у ҳаётда қандай тажриба орттирибди? Савдогарчилик қилиб беш-ўн шаҳарга боргани ва йўл азобини кўргани билан дарров чиниқиб қолибдими (айниқса, ишқ-муҳаббат бобида)? Ҳозирги даврда йигирма тўрт ёшга кирган йигитларимизни ҳаётда кўп нарсани кўриб чиниққан, тажриба орттирган йигитлар деб бўладими? Бундан юз эллик йил бурунги шарқ тарбиясида ўсган мусофир йигит отаси мақомидаги кексага бир қизни севиб қолганлигини изҳор этса одобдан бўлиб чиқармиди? (Менимча, ҳозирги кунимизда ҳам рисоладаги йигитларимиз севгисини ўзгаларга айтмаса керак). Хизматчиси Ҳасанали: «Бирор қизни севиб қолганга ўхшайсизми, бегим, кимни севдингиз, совчиликка борайликми?» — деб сўраса ўринли, асар мазмунига ётишиб тушармиди? Отабек-қутидорларнинг ўлимдан қутулишлари эртақлардагидек туюлган бўлса ҳам бундай тасодиф ҳолатлар ҳаётда учраши мумкин эмасми? Ҳозирги асарларимизда, кино-театрларимизда бундай тасодифлар саноқсиз-ку?

Ёзувчилик «килми»дан менинг ҳам унча мунча хабарим борлиги учун мазкур эътирозларни ўқигач, «дарҳақиқат, шу ўринларни янада ишонарлироқ, реалроқ қилиб тасвирлаш, «ясама»лиқдан қутқариш мумкин эмасмиди-а» деб ўзимни Отабекнинг ўрнига, ўша вазиятга қўйиб чандон ўйлаб ва баъзи ёзувчилар билан маслаҳатлашиб кўрдим... Аммо, ҳар қанча ўйламайлик, китобдагидан кўра чиroyлироқ мухтасар вариантни топа олмадик...

Бордию, «эътироз»ли ўринларни «чуқур маънодаги реалистик» талабга бўйсиндирмоқчи, яъни янада ишончлироқ қилмоқчи бўлиб кўрайлик. Бунинг учун, менимча, мазкур саҳифалардаги воқеаларни кенгайтириш, тафсилотларни кўпайтириш керак бўлади. Натижада эса ихчамлик йўқолиши, асарга хизмат этмайдиган кераксиз тафсилотлар, боблар, умуман ортиқча ўринлар ҳосил бўлади, ҳолос.

Мақола муаллифи юқоридаги эътирозларни билдиради-да, яна сўнгида ўзи тан беради: «Лекин қизиқ: романини дастлаб ўқиган ўн олти-ўн етти ёшларимда-ку, бу нарсаларни билмас эдим, бироқ нега ҳозир, ёзувчилик «сирларини»ни оз-оз билганим ҳолда, сунъийлигини сезганим ҳолда «Утган кунлар» хануз мени ҳаяжонга солади, чексиз завқ беради, титратади?..»

«Бугун «Меҳробдан чаён»ни қайта ўқиб чиқдим. Роман ғалати таассурот қолдирди менда. Китобни очишим биланоқ фақат Абдулла Қодирийгагина хос бўлган бўлакча бир миллий рух, илиқлик, самимият ва меҳр юрагимни жиз этдириб, дилимни равшан қилди» — дейди ёзувчи. У фикрини давом эттирар экан: «...Қодирий ҳам аввал бошда энг суюкли қаҳрамонларининг камчиликларини кўрмайди, унинг ҳикояси хиёл чучмаллашади, овозида сентиментал оҳанглар пайдо бўлади», — деб ёзиб романнинг баъзи ўринларига яна эътироз билдиради ва бир-икки мисоллар келтиради. Жумладан, у романининг «Нега ерга қарайсан, Раъно» бобидаги баъзи ўринлар ҳақида қуйидагиларни айтади: «Раъно-ку, майли, ёш бир қизча, лекин мирзабоши лавозимига кўтарилган Анвардай йигитнинг «дарров анави гулнинг тагига яширинамиз» деб гапириши... жуда ғалати туюлади. Рост, муҳаббат, бу улуғ инсоний туйғу, баъзи катта одамни ҳам ёш болага айлантириб қўяди, лекин ҳар, ҳолда бундай саҳна ва бундай тасвирлар улкан реалистик прозага ёт бир нарсадир».

Қизиқ. Йигирма тўрт-йигирма беш ёшли Анвар ёшлиқдан бирга ўсган ўз маъшуқаси — сирдоши ўн етти ёшли Раънога ўта ҳазил-мутойба қилиб: «дарров анави гулнинг тагига яширинамиз», — деса нимаси ажабланарли? Менимча, бу гапнинг ҳазиллигини китобхон ҳам яхши тушунади. «Маҳдум келиб қолса ҳақиқатан ҳам гул тагига яширинишар экан-да», — деган фикр ҳеч кимнинг кўнглига желмайди (мен ўнлаб ўзбек-рус китобхонларидан сўраб кўрдим. Ҳаммалари ҳам жумланинг ҳазил-мутойба тарқасида айтилганлигини, бунда ҳеч эришлик йўқлигини айтадилар).

Шундай экан, хўш нега Анварга (хусусан қадрдон сирдош-маъшуқаси билан) ҳазил қилиш «таъқиқ»ланади? Мирзабоши бўлиб қолганлиги учунми? «Бачкана»лаштириб қўймаслик учунми (менимча юқоридаги сўздан ҳеч қандай бачканалик маъноси аниқлашмайди)? «Улкан реалистик проза» қондаси бўйича севишганлар ҳазил сўзламай, фақат расмий гапләшишлари шартми? Шундай маъсуд дамларда Анвар сукут қилиши ёки амалдорона сўзлар айтиб ўтириши жоизми? Анвар мирзабоши бўлган бўлса, унинг амали хон ўрдасида, кўча-кўйда халқ орасида тан олинади. Уйга келгач Анвар—ўша Анвар. Агар у ёши улғайганроқ кимса бўлганда эди (баъзиларда ёш улғайганда ҳам болалик табииати сақланади, бу табиий ҳол), балки эътироз ўринли бўлар эди.

Қодирий бу романини ёзганда ўттиз ёшларда эди. У ёза-ёза чарчаганида ижодхо-

насидан чиқиб, ҳордиқ олиш учун маҳалламиз болалари билан ошиқ, тўп ўйнар, баъзан менга варраж ясаб, учуриб ҳам берар эди. Анвар у кишидан ёш-ку...

Дадам ҳикоя қилган эди:

Кофа шаҳрилик (Ироқ) Абуханифа номли (660—730) машҳур араб олими йигирма бир ёшида мадрасада талабаларга фикҳ (шариат қонунлари) илмидан дарс берар экан. Унинг дарсини ҳатто мударрислар кириб тинглар экан. Абуханифа дарсхонаси шифтидаги чумчуқлар уясига кўзанақ тузоқ қўйиб, баъзан ваъз чоғларида ҳам шифтга тикилиб қолар ва ваъз айтишни унутар экан... Бир куни дарс тингловчи мударрислардан бири дейди: «Тақсир, мударриссиз, шунча жамоат ваъзингизга муштоқ бўлиб ўтирибди, сиз... чумчуқ тутасиз...» Абуханифа жавоб қилади: «Менга мударрисликдан кўра, ёшлигим қимматлироқдир...»

Шунга ўхшаш ёзувчи ўз қаҳрамони Анварнинг озгина бўлса-да, ёшлик табиатини эслатиб ўтса нима фариблиги бор?

Дўстим Одилнинг мана бу эътирози ҳам қизиқ:

«Мехробдан чаённи бир неча марта ўқиганим ҳолда унинг «Қизиқлар» бобини фақат бир марта ўқидим, ўшанда ҳам охиригача зўрға етдим».

Шу чоққача ҳаммага манзур бўлиб, кулдириб келган (мен бу сўзни кўпчилик китобхонлар, мутахассислар фикрига суяниб айтаяпман) бу бобни бугун бир ўртоққа ёқмай қолиши ажабланарлидир.

Дўстимнинг бу сатрларини ўқиганимда кўнглимдан шу хотиралар кечди:

Дадамнинг Заҳриддин гиламфуруш деган тошкентлик бир ошниси бўлар эди. Ўзи дадамдан ўн-ўн беш ёш катта, Пушти ҳаммом маҳалласида турар, савдо аҳлидан бўлишига қарамай туркий, форсий классик адабиётни билувчи, Ҳофиз, Бедил, Румий асарларини яхши шарҳловчи ва ҳатто шеърларга мухаммаслар боғловчи киши эди. У баъзан бизга меҳмон бўлиб келиб турарди, босиқ, суҳбати ёқимли эди. Заҳриддин амажининг уйлантирган ёлғиз ўғли бўлиб, у доим узун оғриқ касал эди. У ўттинчи йиллар орасида вафот этди. Шунда, амаки бир куни меҳмон бўлиб келди-да, суҳбат чоғи мен келтирган чилимни шифиллатиб тортиб, оғзидан пағапаға тутун чиқарар экан, дадамга деди: «Кексайганда фарзанд доғини кўриш оғир бўлар экан, мулла Абдулла... Баъзан ўзимни қаёққа қўйишни билмай қоламан. Шундай чоқларда «Мехробдан чаённи мутолаа қиламан, айниқса «Хон кўнгил очмоқчи», «Қизиқлар» бобларини ўқиб дардимни унутгандай «ўламан...»

Хоним бибим (ойимнинг онаси) меҳмон бўлиб келганда: «Ҳа, ўғлим, Зокирговни ўқи!» — деб, менга ана шу бобларни ўқитиб кулар эди. Бўш чоқларда ўзим ҳам шу бобларни ўқиб дам оламан. Дадам ҳам баъзан бу бобларни ўқиб кайфланиб кулиб ўтирар эди. Биз-ку майли, ақлимиз етмай ўқиб кулаверамиз. Аммо, наҳотки Қодирийнинг ўзи шундай «даҳшатли дара-

жадаги маъносиз» нарсани ёзиб қўйиб, ўзи завқланиб ўқиб кулиб ўтирса-ю, маъносиз нарса ёзганига ўзининг фаҳми ет-маса?!

Қодирий «Муштум», «Кулгу ҳақида», «Ёзувчиларимизга», «Ўқиш-ўрганиш», «Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида» каби ўнлаб мақолалар ёзган. Бу мақолаларда бадий ижоднинг турли жиҳатлари таҳлил қилинади, ёш ёзувчиларга қимматли ўғитлар берилади.

«...Қалам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир, шошмаслик керак... Ун карра ўлчаб, бир мартаба кесмоқ яхши,— дейди Қодирий «Ёзувчиларимизга» номли мақоласида,— яхши билиш керакки, қалам— ўқлоғи, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган фишт бўлсин... Адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам... энг мўътабарий характер кулгисидир... аммо бунда қуйидаги шартларни топилиши керак: 1) қаҳрамоннинг характери... 2) шу характеристика ичидан сиз бермакчи бўлган маъно ва ибратнинг ўз-ўзидан томиб туриши, 3) шу икки турлик нарса ичидан истеҳзо ёки ҳо ҳо ҳо моддасининг табиий суратда келиб чиқиши...»

Қаранг-а, муаллиф кулгига, умуман ёзувчиликка қандай масъулият билан қарайди ва унинг қонуниятларини қандай теран таҳлил қилади. Бошқаларга шунчалик ўғит берган бир ёзувчи, менимча, ўз асарларида бунчалик «даҳшатли маъносизликларга йўл қўймаса керак деб ўйлайман.

Одил Ёқубов бу сўнгги (қизиқчилик бобига тегишли) эътирози билан нима демоқчи? «Худоёр даврида ёки ўрдасида бунга ўйинлар ўйналмаган, ёзувчи бу бобни ҳам ясаган, ўринлата олмаган» демоқчи бўладими?

Гарчи хонлар саройида қизиқчилик, аскиябозлик каби кўнгил очар ўйинларнинг доим бўлиб келганлиги эскидан маълум бўлса ҳам шу далилни келтириб ўтамиз. Ўзбек театрчилигининг таниқли вакиллари-дан бири бўлган ғулом Зафарий «Ўзбек халқ театруси» (Миллий саҳнамиз) номли мақоласида бундай ёзади: «...Қизиқлар ўйин ўйнамоқчи бўлганларида тус ўзгартириб, бошқа кийимлар кийиб, воқеа жойини керак бўлса фаразий кўрсатиб ўйнайверадилар... Бунга мисол учун Фарғонанинг атоқли қизиқчилардан бўлган Пирмат қизиқдан ёзиб олинган «Мақтанчоқ киши» номли томошани ёзиб ўтаман... Бу томошани тузувчиси, айтиб берувчининг сўзига қараганда, Фарғонанинг энг сўнгги хони Худоёрхоннинг атоқли қизиқчиларидан бўлган тошкентлик Усмон қизиқ эмиш» («Билим ўчоғи» журнали, 1923 йил, 2—3-сон).

Асардаги қизиқчиликнинг савияси ва бадийлигига келганда, мен бу бобни романнинг энг маҳоратли ва нодир бобларидан бири деб ҳисоблар эдим. Исбот учун аввал ўқувчи диққатини икки тарихий воқеага жалб қилиб ўтаман.

Қодирий «Кулгу ҳақида» номли мақола-сида шундай бир тарихни ёзиб ўтади. «Ўтган асрнинг 80-йилларида Афғонистондаги тахт жанжаллари ва ички иғтишошдан қочиб, амир Абдулрахмонхон Туркистонга сўғинадир Мунда бир неча вақт қолиб, тошкентлик Калпараш исмлиқ ўз замонасида машҳур бир қизиқчи билан танишиб қоладир ва унинг ҳазилига, тақлидига мафтун бўлади. Абдулрахмонхон бир неча замондан кейин Афғонистон тахтига ўлтириб, тошкентлик бояги Калпарашни ўз ёнига қақиради. Калпараш ижобат этиб, Кобулга боргач, хон воситаси билан ундаги мансабдор ва ағёнлар билан танишадир. Хоннинг ишорати билан анжумани олийлардан аёнга ҳазил тўқиб, уларга муқаллид бўла бошлайдилар. Хон билан бўлган бир мажлисда хоннинг руҳсати ила Калпараш олдин бекларга бирма-бир ҳазил ва тақлид қилиб чиққан. Кайфи келиб хурсанд бўлган хон: «Менга ҳам муқаллид бўл, ҳазил тўқи!» — деб Калпарашга буюрадир. Калпараш буйруқ бўлгандан сўнг-ра хоннинг ўзига муқаллид бўлади: хон каби тахтга ўлтириб чилим сўрайди. Пояси чилимни яхши тайёрламагани учун ғазабланиб, уни ўн дарра уришга буюради. Бу тақлидни Калпараш шундай адо қиладики, кўрувчилар худди хоннинг ўзини айнан ҳолатда кўрадилар. Аммо хон ўзининг қилиғидан орланади ва шу ҳолатда Калпарашни жаллодга топшириб, ўлдиртиради...»

«Таворихи Хамса» китобидан қуйидаги маълумотни айнан кўчирамиз: «...Марғилонлик Қори Ҳомид афанди исмли кимса ҳикоя қилади: «Худоёрхон Марғилонга келиб, бир кун, бозор ўртасида кетиб борар эди. Нима ҳам бўлди-ку Худоёрхон бирдан бир дўкон олдига тўхтади. Одамлар хонни томоша қилмоқ учун тўхтадилар. Хон мазкур дўкон эгасини кўрсатиб, ясовулларга ҳайқариб, «ушла, манови қизингни фалон қилайни, уринглари!» деди. Ясовуллар бечора дўкдорни ура-ура ўлдирдилар. Улгандан сўнг ҳам яна юз таёқ урдилар. Сўнг, Худоёрхон: «Фалон қилай, ўлдимикин?» деб, ўлик устидан от бостириб ўтиб кетди. Кейин маълум бўлдики, Худоёрхон, ўлган кишининг ёмон назар билан қараб турганини сезиб қолган экан...» (64—65-бетлар).

Бу тарихлардан муддао шундаки, хонлар ҳузурда қизиқчилик қилиш жуда ҳам хавфли ҳисобланган. Айниқса Худоёрхон каби онгсиз, жоҳил, қонхўр кимсалар қошида ўйин кўрсатиш, сичқоннинг мушук билан ўйнашгандек гап бўлган. Қизиқчилар ана шундай мушқилот ичида роль бажарганлар.

Ёзувчи бу саҳнани бажаришда бир неча нуқталарни нишонга олади: ўз замонасида (балки ҳозирда ҳам) маълум, машҳур бўлган халқ қизиқчилиги приёпларидан фойдаланади; Худоёрхоннинг табиат-руҳиясини чуқур ўрганган ҳолда унга мос тушадиган сўз-ибора, воқеалар танлайди; айтмоқчи бўлган ғоясини шама-истеҳзо билан олға суради. Масалан, хон-аёнларнинг фуқарога адолатсизлиги, хоҳишла-

рича ҳукм чиқаришлари, фуқароларнинг амалдор-аёнлардан ҳамиша хавф-қўрқувда яшаши арзини айта олмай ўрда теварагида доим сарсонлиги, ҳоказо... Бу саҳна жуда табиий, ҳаётий, мантиқий берилади; томошабинлар шахсига деярли тегилмайди; уларни беозор кулдиради.

Агар бу саҳнани фикран мулоҳаза қилиб кўрилса ҳақиқатан ҳам Урта Осиёдек катта ўлкани идора қилган Худоёрхон ўз фуқаросини очлик, қашшоқлик, ҳалокат ёқасига келтириб қўйганлиги тасаввур этилади. Бинобарин биз бу ўринда ёзувчи қаламидан эмас, дўстим айтганидек, ўша давр тузумидан, Худоёрхон истибодидан даҳшатга келмоғимиз керак бўлади.

Менимча бундай эътирознинг юзага чиқиши ёзувчи баҳсини тўғри тушуниб етмаганликдан, қизиқчилик қонуниятларини ва унинг нозик жиҳатларини тўғри англаб ета олмаганликдан келиб чиққан бўлса керак. Зеро, ҳар бир халқнинг, ҳар бир ўлканинг, ҳар бир шаҳарнинг ва ҳатто ҳар бир қишлоқ ёки маҳалланинг қизиқчиликда, аскияда ўзига хос хусусиятлари бўладики, бу фақат ўша ернинг одамлари учун яхши тушунарли бўлиб, бошқаларга тегишли эффе́ктни бера олмаслиги ва ҳатто энсасини қотириши ҳам мумкин. Масалан, аския айтилганда (аския кўпроқ Фарғона ва Тошкент музофотларида ривож топган) ҳамма ҳам кулавермаслиги мумкин, фақат унга тушунганлар, яъни ўша муҳитда туғилиб ўсганларгина кўпроқ кулади, завқ олади. Бошқалар эса, «бунинг нимасига кулаверадилар?» деб, елка қисиб ўтираверади.

Албатта, ҳар бир асар ҳар кимда ҳар хил таассурот қолдириши мумкин ва буни бировлар билан ўртоқлашишга ҳақли. Аммо бу тарзда, бу йўсинда эмас. Ҳар ҳолда, шундай асарлар яратган бир ёзувчи бундай «улкан реалистик етишмовчилик»ларни билатуриб қилганлигини унутмаслик керак.

* * *

Бир кун навбатчиликда палатага касал кўргани кириб, бир бемор аёл — кекса ўқитувчи билан танишиб қолдим.

— Отангиз «Ўтган кунлар»ни хўп ёзганларда, — деди у. — Мен китобни эскичасини ўқиганман... Яқинда янгичасини (яъни рус графикасидагисини — Ҳ. Қ) ҳам ўқиб чиқиб, жуда хафа бўлдим...

— Нега хафа бўлдингиз?

— Эскичасининг ўндан бири ҳам йўқ-да янгичасида...

— Нега йўқ?

— Ҳаммасини ўчириб, ўзгартириб ташлашган...

Бу хил «эскисини ўзгартирилган, ярмини тушириб қолдиришган, ундоқ эди, мундоқ эди» деб юрвчи кекса ва ёш (булар кексалардан эшитиб олган) китобхонларни кўп учратганим учун, аёлнинг сўзига ортиқча ажабланмадим; бу фикрнинг нотўғрилигини унга тушунтирдим:

— Гапингиз тўғри эмас, опа́жон, — дедим ётиғи билан, — китобда ҳеч бир ўзгартирилган ёки тушириб қолдирилган

жойи йўқ. У араб алифбосида қандай бўлса, рус алифбосида ҳам шундай босилган. Ёзувчининг асарини қисқартириб, ўзгартириб босишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу ҳақда давлатимизнинг қонуни бор. Ундан ташқари, мен ҳам эскича ўқишни билманман. Роман янгича босилаётганда текшириб, «эскичаси»га солиштириб кўрганман...

Аёл анча бўшашди ва ўйланиб деди:

— Балки сўзингиз тўғридир. «Эскичаси»ни ўқиганимга анча бўлди. «Янгича»си назаримда менга шундай сезилди-да, адашган бўлсам кечирасиз. Хўп, ундай бўлса нега «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларининг киноси бузиб, қисқартириб, кўшиб-чатиб чиқарилган, буларни ҳам солиштириб кўрганмисиз?..

— Йўқ. Бу бошқа масала, — дедим. — Киночилар асарни эгасидан сўроқсиз, қисқартириб, кўшиб-чатиб фильм ясайверадилар...

Аёл жавобимга қониқмагандек бўлди ва бир-икки йўталиб олди:

— Балки, балки шунақадир-ку... доктор, лекин китоб ўзи мундоғроқ бўлса, кўшиш яхши-да. Яхшисини бузиб қисқартириш, китобга тўғри келмайдиган гаплар (воқеалар демоқчи бўлса керак—Ҳ. Қ.) кўшиш—бу менимча ноўрин. Кинодаги ўша кўшиш-олишлар маъқул бўлганда, отангизнинг ўзлари шундай ёза олмасмидилар? Қўлларидан келарди. Ҳар ҳолда, иккала кино ҳам мен ўйлагандек бўлмаган...

Мен ҳайрон қолдим. Чунки, аёл содда кўринса ҳам адабиётни нозик тушунар экан. Суҳбатни чуқурлаштирмай, кулгига олиб, гапни қисқа қилдим:

— Бу масалалар анча мураккаб, опа. Уни текшириб хулоса чиқаришга сиз-биз қодир эмасмиз. Келинг, бу масалаларни кино илмидан хабардорлар ўйлашсин, хулоса чиқаришсин...



МУНИС ШЕЪРЛАРИНИНГ ЯНГИ НАШРИ

Мунис ХОРАЗМИЙ. Сайланма. Фа-
фур Фулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти, Тошкент — 1980.

Ўзбек классик шоирларининг меросини тарғиб ва тадқиқ этиш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Навоий, Бобир, Огаҳий асарларининг кўп томлик нашрлари ҳамда беш жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи» тадқиқотининг бунёдга келиши ана шундай хайрли ишлардандир. Шермуҳаммад Муниснинг «Сайланма»си ҳам худди шу жиҳатдан характерлидир. Китобнинг вужудга келиши, албатта, ижобий ҳол. Чунки Мунис «Танланган асарлар»ининг ўн минг нусхада нашр этилганига йигирма уч йил бўлди. Утган давр мобайнида классик шеърят ихлосмандлари сафи чексиз кенгайиб, шоир асарларининг янги мажмуасига эҳтиёж сезила бошлади. «Сайланма»нинг йигирма беш минг нусхада чоп этилиши бу эҳтиёжни муайян даражада бартараф этди.

«Сайланма»нинг тартиби ва таркибида ҳам ижобий хусусиятлар мавжуд. Асарларнинг жойлаштирилишида тубдан ўзгариш сезилмайди. Умуман, уни тузишда, ҳар жиҳатдан ҳам «Танланган асарлар»га асосланилган, китобда асарлар жанрларига кўра анъанавий девон тартибида жойлаштирилган. Тафовут шундан иборатки, «Танланган асарлар»да айрим шеърлар жанр жиҳатидан аралаштириб юборилган эди. Масалан, Муниснинг чистонлари масаллар сифатида тақдим этилганди. «Сайланма»да эса:

**Базм аро турфа лубъате кўрдум,
Бошда ўт, оғзидин чиқорур дуд.**

байти билан бошланувчи шеър чистон эканлиги ва у чилим ҳақида ёзилганлиги аниқланган. Шу чистон билан бирга берилган иккинчи чистон эса, тушунлиши қийинлиги учун бўлса керак, тушириб қолдирилган. «Танланган асарлар»да Муниснинг қасидаларидан олинган парчалар унинг тематик-ғоявий жиҳатдан ижтимоий характердаги асарлари туркумида берилган эди. «Сайланма»да эса бу асарлар қасидалар сифатида алоҳида жойлаштирилган. Аслида, улар Мунис қасидаларидан олинган парчалардир. «Танланган асарлар»даги рубоийларнинг бештаси қитъа жанрига ман-

суб деб топилган ва «Сайланма»да алоҳида тартиб берилган.

«Сайланма» таркибидаги ижобий хусусият шуки, «Танланган асарлар»даги айрим матний нуқсонлар унда тузатирилган. Бу тузатишлар турли характерда намоён бўлади. Биринчидан, асарлар матнидаги форсча, арабча сўзлар тўғри ёзилган. Масалан, илгариги нашрда «баси», «қадрдони», «фароғи» шаклида учрайдиган сўзлар, форс-араб грамматикасидаги бирлик ёйи имлоси қондасига биноан, «басе», «қадрдоне», «фароғе» тарзида тузатирилган. Иккинчидан, асарлар текстини ёзишда ҳозирги ўзбек пунктуацияси қоидаларига маълум даражада риоя қилинган. Масалан, «оҳқим», «вах» ундовларидан сўнг вергул қўйилган. Учинчидан, мазмунга кескин таъсир этадиган айрим қусурлар бартараф этилган. Масалан, «шоир ўз аҳволига дармондау фазл аҳли хор» мисрасидаги «хор» сўзи «Танланган асарлар»да (21-бет) «хар» ёзилиб, мисра мазмунини ўзгартириб юборган эди. «Сайланма»да бу сўзнинг тузатиб ёзилгани шоир ифодаламоқчи бўлган асл ниятни юзага чиқарган. Тўртинчидан, техник сабабларга кўра (корректор айби билан) йўл қўйилган кўпгина нуқсонлар тузатирилган. Масалан, «горчи» «холйиқ» («Танланган асарлар», 21, 22-бетлар) каби сўзлар «гарчи» «холиқ» («Сайланма», 15, 16-бетлар) тарзида ёзилган.

Бундай хатоларнинг ислоҳ этилиши китобнинг илгариги нашрга нисбатан бир оз сифатли чиқшини таъминлаган. Бироқ, биз қайд этган турлардаги хатоларнинг барчаси бартараф этилган эмас. «Сайланма»нинг чоп этилишида биз тавсиф этган фазилатлар билан бирга талайгина қусурлар ҳам мавжудки, улардан кўз юмиб ўта олмаймиз. Аввало, асарлар матнида учрайдиган нуқсонлар устида тўхталамиз.

Матний нуқсонлар юз беришининг асосий сабаби классик адабиёт асарлари текстларини ҳозирги ўзбек ёзувига кўчиришнинг принциплари мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқдир. Масалан, форс, араб сўзларини ҳозирда қандай ёзишнинг барқарор қоидалари ҳанузгача мавжуд эмас. Назаримизда, «ашк фишок», «сарв қад», «йўл дурур», «дил жамълик» («Сайланма», 20, 24, 26, 29-бетлар) каби сўзлар қўшиб ёзилса, дуруст бўларди.

Кўпгина текстологик камчиликлар нашрга тайёрлаш жараёнида поэтика қонун-

қоидаларига риюя қилмаслик оқибатида келиб чиқади:

**Амонлик истасанг бу боғ аро, хомуш
бўл доим,**

**Ки офатдин эминдур сиррин айлар то
ниҳон ғунча.**

(«Сайланма», 44-бет).

Дастлаб, байтда ҳеч қандай нуқсон кўзга ташланмайди. Чунки, байтдаги мазмун тугал. Лекин ундаги яхлит оҳангни ташкил этиб турган аллитерация ҳодисаси мавжудлигини назарда тутиб, бу матнга танқидий ёндашадиган бўлсак, илк мисрадаги биринчи сўз «омонлик», иккинчи мисрадаги учинчи сўз ҳам «омонлик» тарзида ёзилиши лозимлигини англаймиз. Ислоҳ этиш билан бу сўзларнинг мазмуни ўзгармайди, лекин шеърдаги поэтик мусиқа мукаммаллашади. Бу мукаммалликка «о» унлисининг ўн марта такрорланиб келиши натижасида эришилган. Шу такрор икки марта камайса, шубҳасиз, байтнинг нафосатига зарар етлади.

Мунис илмий-педагогик манзумаси «Саводи таълим»да ёзувнинг қадри, аҳамиятини таърифлаб, шундай сатрлар битган:

Сўз маҳзанининг нишонаси ҳам,

Маъни дурининг ҳазонаси ҳам...

(«Танланган асарлар», 349-бет, «Сайланма», 334-бет).

Бу матн мазмунида ҳам камчилик сезилмайди. Лекин қофияда нимадир етишмайди. Ҳозирги «хазина» сўзи классик текстларда «хазина», «хазона» ва «хизона» шаклида ишлатилган. Бизнингча, Мунис мазкур ўринда «хизона» вариантини қўллаган. Чунки, «нишонаси» ва «хизона» тўлин, гўзал қофияни вужудга келтиради. Мазкур матнлар ҳақидаги фикрларимизни Муниснинг Шарқшунослик институтида сақланаётган 840-рақамли мукаммал қўлёзма девони ҳам тасдиқлайди.

«Танланган асарлар»да «Манга», «Шеър», «Сўз», «Адолат», «Хос ўлуб жоҳ аҳлиға», «Ғам бори», «Абас», «Бу замон ичра», «Рўза», «Рамазон», «Эй фалак» сарлавҳали асарлар, ижтимоий мазмундорлиги жиҳатидан бошқа шеърлардан кескин фарқ қилганлиги учун, алоҳида жойлаштирилган эди. «Сайланма»да эса бу асарлар ғазаллар билан бир қаторга тизилган. Чиндан ҳам, булар ғазал жанрига мансуб. Бироқ, ислоҳ ниҳоясига етказилмаган. Башарти мажмуа девон тартибида тузилдими, анъанага кўра, бу ғазаллар ҳам алифбо тартибида берилиши лозим эди. Мазкур шеърларнинг «Танланган асарлар»даги сарлавҳаси айнан қолдирилган. Одатда, шоирлар ғазалларига сарлавҳа қўйишмаган. Сарлавҳа қўйиш лозим деб топилган экан, ҳамма ғазалга сарлавҳа қўйиш ё бўлмаса, ҳамма ғазални сарлавҳасиз, чоп этиш тўғри бўларди. Бундан ташқари, ғазалларга сар-

лавҳа қўйишда ягона принципга амал қилинмаган. Сарлавҳа шеърнинг моҳиятидан келиб чиқиб қўйилади. Бу ғазалларга сарлавҳа қўйишда эса, айримларининг темаси ҳисобга олинган, баъзисининг радифи, яна бошқаларининг биринчи мисрадаги дастлабки сўзлари сарлавҳага чиқарилган.

«Сайланма» билан тўла танишиб чиққач, унинг муқоваси ва дастлабки саҳифаларига яна қайта бир назар ташлар эканмиз, шундай саволлар туғилади: «Китоб «Танланган асарлар»нинг ўзгинаси-ку, унинг номини «Сайланма» деб ўзгартришда қандай ҳикмат бор экан? Нима учун китобнинг қайта нашр эканлиги ҳеч ерда айтилмайди?»

Китобнинг биринчи бетига «Танланган асарлар»дагидай, «Шермуҳаммад Мунис» деб ёзиш билан кифояланмай, «Хоразмий» сўзини ҳам қўшиб қўйиш шартмиди? Аввало, Хоразмий Муниснинг тахаллуси эмас. Иккинчидан, илгари Хоразмий, Бухорий, Самарқандий қабилар жуда кўп бўлган. Бунинг ҳам ўз сабаблари бор. Сабабларидан бири маҳаллий ифтихор туйғусининг kuchлиги бўлса, бошқаси, бир хил Ҳофиз, Навоий, Мунис тахаллуси шоирларнинг кўплиги ва уларни бир-бирларидан ажратиш қийинлигидир. Бироқ, улар асрлар элагига эланиб, сараларигина сақланиб қолди. Муниснинг таниқли шоир, тарихчи, таржимон эканлиги ва Хоразм воҳасида яшаганлиги бугунда ҳаммага аён. Шунинг учун унинг «Хоразмий»лигини яна таъкидлашга зарурат йўқ эди. «Танланган асарлар»даги сўз боши «Сайланма»да айнан, ҳатто бир оз қисқартириб берилган. Бизнинг назаримизда сўз бошини тубдан янгилаш, мазмунан бойитиш — ўтган қарийб чорак аср давомида Мунисни ўрганиш борасида юзага келган фан янгиликларини имкон қадар унга сингдириш лозим эди. Илк нашр сўз бошисидаги имловий текстологик нуқсонлар янги нашрга ҳам кўчган. Яна бир ачинарли ҳол қиёсланаётган икки китобнинг ҳажмида ҳам ўзгариш йўқлигидир. «Танланган асарлар»га Мунис шеърятининг бир қисмигина жамланган эди. «Сайланма»да ҳам ўша асарлар мавжуд, холос. Ҳар қалай, йигирма уч йил кейинги китоб мукаммалроқ чиқиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов 1958 йилда Муниснинг «Танланган асарлар»ига тақриз ёзганида, унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатган ҳамда «китобхонларимиз Мунис каби йирик ўзбек классиклари асарларининг мумкин қадар тўла ва тўғри нашрларини кутмоқдалар», деган эди. Таассуфки, бу истақ ҳамон амалга ошмай қолаётир. Ҳолбуки, кенг омма ва илмий-адабий жамоатчилик Мунис асарларининг илмий-танқидий тексти ҳамда академик нашрига муҳтожлик сезмоқда.

Нусратулла ЖУМАЕВ.

ТАНҚИДЧИНИНГ ДАЛИЛЛАШ САНЪАТИ

Умарали НОРМАТОВ.
Насримиз анъаналари.
Гафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат наш-
риёти, Тошкент — 1979.

Умарали НОРМАТОВ.
Талант тарбияси. «Ёш
гвардия» нашриёти, Тош-
кент — 1980.

Социалистик реализм ме-
тодиниң муҳим назарий
хусусиятлари тўғрисида ада-
биётшунослар ўртасида ан-
чадан бери жиддий баҳслар
давом этмоқда. Чунки пай-
до бўлган янги концепция-
лар, анъаналар, принцип-
ларнинг замирида ётган қо-
нуниятларни ҳамма ҳам
бирдек кўра билмайди.
Кўрганда ҳам бир хил объ-
ектив баҳолай олмайди.
Бундай бахтга адабиёт ҳа-
қида ниҳоятда катта билим-
га эга бўлган, бағри кенг
адабиётшунос олимларгина
муяссар бўлади.

Адабий-танқидий мақола-
лар билан китобхонлар
меҳрини қозониб, уларнинг
бадий асардан олган эсте-
тик завқини янада мустаҳ-
камлаш борасида фаоллик
кўрсатаётган таниқли тан-
қидчи Умарали Норматов-
нинг «Насримиз анъанала-
ри», ва «Талант тарбияси»
китобларини ўқиб, бунга
яна бир қарра ишонч ҳо-
сил қилиш мумкин.

«Насримиз анъаналари»
китобининг асосида анъана
ва новаторлик масаласи ту-
ради. Бу масаланинг бадий
тараққиёт учун аҳамияти
шундаки, анъана ва нова-
торлик бадиият қонунлари-
нинг изчил ифодасидир.

Тўғри, адабиётшунослиги-
мизда бу масала ёритилган
илмий тадқиқотлар кўп.
Аммо «Насримиз анъанала-
ри» улар орасида муносиб
ўрин эгаллайди. Китобнинг

муҳим ютуғи шундаки анъ-
ана ва новаторлик унда, ав-
вало, яхлит система тарзи-
да олиб қаралади. Улар-
нинг ўзаро диалектик ало-
қаси (янгиликнинг анъанага,
анъананинг янгиликка айла-
ниши) ўзбек совет адабиёт-
тининг энг яхши намуна-
лари мисолида ёритилади,
бунда қайнаб турган ҳо-
зирги жараён асосий ўрини
эгаллайди. Танқидчи ҳо-
зирги ўзбек насридаги
анъана ва новаторликда
етук реализмнинг ифодаси-
ни изчил таҳлил асосида
равшан кўрсатади.

Танқидчи анъанавийликни
ҳам, новаторликни ҳам кон-
крет тушунади. Адабиётда-
ги новаторликни аниқ тари-
хий шароит, халқ ҳаётида-
ги, маънавиятидаги ўзга-
ришлар билан боғлайди.
Хусусан, чинакам ҳаётий
адабиётнинг тараққиёти да-
вомида муқаррар равишда
анъанага айланишини, ай-
ни чоқда анъана маълум
бир даврга келиб янги ша-
роит тақозоси билан ўзгача
сифатлар касб этишини,
яъни новаторлик ифодаси
бўлишини кўрсатади. Ума-
рали Норматов мавзудаги
анъанавийлик ва новатор-
лик хусусида сўз юритиб
шундай ёзади: «Сўз санъа-
тида анъанавийлик, мавзу
ва муаммоларнинг янгила-
ниб туриши учун муҳим
бир ҳаётий асос бор. Ҳа-
қиқий санъаткор «ишлан-
ган мавзу»га қайта қўл ур-
ганда ҳаммиша ўзи яшаётган
давр талаблари эҳтиёжидан
келиб чиқиб, халқнинг
маърифий, маънавий, сиёсий
тажрибаларига таяниб
иш кўради. Маълум тари-
хий шароитдагина эски мав-
зуга янги томондан ёнда-
шиш, бинобарин, ҳақиқий
новаторлик учун имконият

очилади». Мана шу тезис-
нинг исботини мунаққид
ҳаётимизнинг турли томон-
ларини ёритган ҳар хил
мавзуларда илгари яратил-
ган, пайдо бўлаётган асар-
лардаги муштарак ва фарқ-
ли кўринишларда кўради.

Умарали Норматов мақо-
лаларида адабий воқелик
мусаффо ва бетўхтов ҳа-
ракатда гавдаланади. Му-
наққиднинг новаторликнинг
аста-секин ривожланиб анъ-
анага айланиш ва ўз навба-
тида анъананинг бойиб, ян-
гилиниб, новаторлик касб
этиши ҳақидаги тадқиқот-
лари мароқ билан ўқилади.
У кутилмаган жойда янги,
кескин фикрлар айтади, шу
вақтгача ҳеч ким пайқама-
ган анъаналарни, янгилик-
ларни кашф этади. Қаҳра-
мон тақдири талқинида ўз-
бек адабиётида икки хил
анъана: қаҳрамон ҳаётининг
энг муҳим даврларини
(А. Қодирий) қаҳрамоннинг
узоқ ҳаётий йўлини (Сад-
риддин Айний) тасвирлаш
анъанаси борлигини, бадий
услубда эса реализм ва ро-
мантизм кўзга ташланиши-
ни ҳаётий мисоллар воси-
тасида гавдалантиради.
Анъана ва новаторлик ўр-
тасидаги диалектик алоқа-
дорлик хусусида муаллиф
ёзади: «анъаналарнинг,
анъанавий мавзу ва му-
аммоларнинг бетўхтов ян-
гилиниб туриши бадий
ижод ривожининг асосий
гаровидир».

Ўзбек адабиётидаги анъ-
ана ва янгиликлар диалек-
тикаси ҳақидаги қарашлар-
ни адабиётшунослик фани-
нинг янги ютуғи дейишга
ҳақлимиз. Чунки бу хулоса
адабиётшуносликда илгари
ҳам маълум бўлса-да, би-
роқ у кўпроқ ҳиссий асос-
га эга эди. Умарали Нор-

матов уларни илмий асослади.

Шунингдек, мунаққид конфликтлар типологиясига доир фикрларни ҳам ўртага ташлайди.

Совет адабиётидаги конфликтларнинг турлари хусусида муаллиф баъзи мунаққидлар билан баҳсга киришади. Адабиётшунослардан Бердиали Имомов ва Собир Мирвалиев совет ёзувчилари асарларида икки хил конфликт — характерлараро кураш ва характернинг ўз-ўзи билан кураши бор, деган фикрни илгари суришади ва асарларни шу хусусиятига кўра фарқлайдилар. Умарали

Норматов уларга эътироз билдириб, конфликт доим битта — характернинг характер билан ёки вазият билан курашидан иборат бўлади, характернинг ўз-ўзи билан ички кураши, ички коллизия ана шу курашнинг таркибий қисми, акс садоси, бир кўринишидир, дейди ва конфликтнинг ҳар иккала шакли илгари ҳам бўлганига мисоллар кўрсатади.

«Қишлоқ прозаси» деган термин шу вақтгача рус танқидчилигида қўлланар, рус адабиётига хос хусусият деб ҳисобланарди. «Очилган ва очилмаган кўриқлар» мақоласида Умарали Норматов бу иборани ўзбек адабиётида ҳам жойи этади. Бугунги қишлоқ одамларининг ҳаёти, меҳнати тасвирланган асарларни бир йўналишга бирлаштиради, уларнинг ўзига хослиги, ҳаёт ҳақиқатига мослигини аниқлашга интилади.

Мунозара — Умарали Норматов севган адабий усуллар. «Насримиз анъаналари»да ҳам биз кескин мунозараларнинг гувоҳи бўламиз. Бу баҳсларда мунаққидни фақат бир нарса — ҳақиқат қизиқтиради. Шунинг учун ҳам биринчи бўлиб ўзи гап кўзғайди, дадил мунозарага киради, олимларни ҳақиқатни излашга, фикрини очиқ илмий асослашга мажбур этади. Хато қилишдан, хато қилса, тан олишдан қўрқмайди. Чунки унинг сеvimли одати — фикр бериш, адабий танқидда

фикрни кўпайтириш, чуқурлаштиришдир.

У Пирмат Шермухамедовнинг: «Баҳор қайтмайди» қиссасида «худбинликнинг пайдо бўлиши, илдизлари етарли асосланмайди», — деган фикрига қарши чиқиб шундай ёзади: «Менимча, асарда худбинликнинг пайдо бўлиши етарли даражада асосланган, қаҳрамон табиатидаги бу сифатлар илдизини очишда ёш ёзувчи худди «Сароб»даги йўлни тутуди, ўтмишга экскурсия қилиш, қаҳрамон болагини, қаллоб амаки билан алоқасини эслатиш орқали бунга эришади». Фикрининг давомида муҳим кўшимча қилади: «Ёзувчининг асардан кузатган муддаоси худбинликнинг пайдо бўлишини кўрсатиш эмас, балки характердаги ана шу тайёр — маълум сифатларнинг маълум шароитдаги ҳаракатини таҳлил этишдан иборат». Биз бу фикрга тўла қўшилиамиз. Лекин қиссада худбинликнинг пайдо бўлиши, илдизлари етарли очилмаган деганда Пирмат Шермухамедов ҳақ, қаҳрамон ўтмишига экскурсиялар бу мураккаб вазифани ҳал қилиб беролгани йўқ, улар бор-йўғи айрим изоҳ характерига эга.

Кейинги йилларда мунаққидларимиз адабиётимизнинг умумий масалалари билан бир қаторда, айрим хусусий томонларига ҳам қизиқиб, конкрет проблемалар юзасидан ҳам иш олиб боришарди. Бу «ихтисослашув» бадий ижоднинг ҳар бир соҳасига янада чуқурроқ кириш, уни кенгроқ тадқиқ этиш имконини берса-да, бироқ адабий жараёнга фаол аралашман, адабий-бадий тафаккур тараққиётига ҳисса қўшман деган бугунги кун танқидчисини бир оз чегаралаб қўяди.

Умарали Норматов фаолиятига худди шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унинг ижодида адабий жараённинг барча соҳаларига фаол аралашуш хусусияти етакчилик қилади. Унинг навбатдаги «Талант тарбияси» китобига жам этилган мақолалари шу жиҳатдан характерлидир.

Китобни ўқир эканмиз, ўзбек совет адабиётининг бугунги камолига салмоқли ҳисса қўшаётган қатор адибларимиз ижоди, ижодкорларнинг «дахлсиз» дунёси билан танишибгина қолмасдан, балки Бутуниттифоқ адабий жараёнида юз бераётган муҳим ўзгаришлардан ҳам воқиф бўламиз.

Мунаққид ижод, маҳорат сирлари ҳақида бевосита ижодкорнинг ўзлари — турли авлодга мансуб ёзувчилар билан баҳс — суҳбат олиб боради, шу йўл билан адибларнинг «дахлсиз» дунёсига — ижод лабораториясига кириб боради, уларнинг тажрибаларини умумлаштиради, улардан ёш ижодкорлар учун ибратли сабоқ — ҳулосалар чиқаради.

Китобда Умарали Норматов ижодига хос етакчи хусусиятлар — ҳар бир ёзувчи ижодининг ўзига хос, такрорланмас фазилатларини нозик идрок этиш, ҳар бир адибнинг «дахлсиз» дунёсига муайян масалалар нуқтаи назаридан ёндашиш яққол кўзга ташланади. Ана шу фазилатлари эвазига мазкур китоб танқидчи билан ёзувчининг шунчаки савол-жавоби эмас, балки конкрет, муҳим проблема хусусидаги чинакам баҳсига айланган.

Баҳсларнинг мавзуига эътибор беринг: «Ҳаётини тажрибадан бадий ҳақиқатга» (Мирмуҳсин билан суҳбат), «Мавзу, қаҳрамон жозибаси» (Ҳамид Ғулом билан суҳбат), «Ижодкорнинг «дахлсиз» дунёси» (Асқад Мухтор билан суҳбат) «Рома табиати: талаб ва имкониятлари» (Одил Ёқубов билан суҳбат), «Талант тарбияси» (Эркин Воҳидов билан суҳбат), «Саргузашт ташвишлари» (Худойберди Тўтабоев билан суҳбат)... Бу баҳс — суҳбатларнинг ҳар бирида конкрет ижодкорнинг индивидуал бадий олами очилди. Уларнинг ўзига хос фикрлаш тарзи, асосий мавзулари, қаҳрамон муаммоси, жанрий изланишлар, ижодий лабораториялар, адабий жараёнда содир бўлаётган изланишлар ва уларга муносабат фик-

рий тугалликда намоён бўлади.

Ҳар бир баҳс — суҳбатга Бутуниттифоқ адабий жараёнида қизғин баҳслар туғдираётган муҳим, долзарб масалалар асос қилиб олинган.

«Пайти келиб қолди,— деб ёзади танқидчи Одил Ёкубов билан суҳбатда,— ёзувчининг бадий концепцияси муносабати билан бир чалкаш масалага аниқлик киритишга уриниб кўрсак. Романда, умуман бадий асарда масала кўтариш тушунчаси жуда жўнлашиб юборилляпти... Адабиётнинг, айниқса романнинг вазифаси долзарб ҳаётий масалаларни кўтариш, қайд этишдангина иборат эмас, балким масала моҳиятини бадий таҳлил этиш, ундан катта фалсафий, қолаверса энг муҳими, умуминсоний хулосалар чиқаришдан иборат. Бизда ҳозиржавоблик, актуаллик тушунчаси билан замонавийлик тушунчаси бир оз чалкаштирилиб юборилаётир... Биз асарларни, жумладан романларни баҳолаётганда

авторларнинг ҳозиржавоблигига маҳлиё бўлиб кетиб, асарда кўтарилган масалалар қай даражада санъатга айланган-айланмагани, асарнинг умумлаштирувчи кучи масаласи билан ишимиз бўлмай қолаётир».

Шу хилдаги дадиллик билан айтилган принципиал мулоҳазалар танқидчининг Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов билан бўлган баҳс-суҳбатда ҳам кўплаб учрайди.

Муҳими шундаки, танқидчи ҳар бир дадил мулоҳазани шунчаки ўртага ташлаш билан чекланмайди. Фикрини конкрет мисоллар билан асослайди. Адабий суҳбатлар билан танишиш жараёнида мунаққид ижодига хос бўлган яна бир хусусият далиллаш санъатини алоҳида таъкидлашни истардик.

Мунаққид бирор проблема хусусида баҳс юритадими, ёзувчи ижодидаги ютуқ ва нуқсонларни кўрсатадими, бари бир, изчил мантиққа суянади. Ўз фикрини

қизишмасдан, асосли мисоллар орқали далиллайди.

Мазкур адабий баҳсларда юқоридагидек пишиқ, мантиқан асосли фикрлар билан бирга, айрим бир томонлама баҳолар, янада чуқурлаштирилиши лозим бўлган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.

Бизнингча «Талант тарбияси»ни «Адабий ўйлар» эмас, балки «Адабий баҳслар» дейиш мақсадга мувофиқ эди. Бу жузъий нуқсонлар китобнинг қимматини туширмайди, албатта.

Энг муҳими шундаки Умарали Норматовнинг ҳарикала китоби ҳам адабий жараённинг муҳим муаммоларини тадқиқ этиши, адабиётимизнинг турли авлодига мансуб ижодкорларнинг «дахлсиз» дунёси — асарларнинг ёзилиш тарихи, қаҳрамонларнинг прототиплари, ҳар бирининг ижодий усуллари кенг ёритилганлиги билан катта аҳамият касб этади.

Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,

Урол УТАЕВ.

САМИМИЙ САТРАР

Ҳабиб САЪДУЛЛА МУЛОҚОТ. Шейрлар ва дoston. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979 йил.

Наманганлик шоир Ҳабиб Саъдулланинг «Мулоқот» номли тўплами билан танишар экансиз, кўз олдингизда содда, очиқ кўнгил, самимий суҳбатдош намоён бўлади. У ўзи таъсирланган ҳаётий таассуротларини сиз билан ўртоқлашади. Бунинг учун жимжимадор, ҳавойи сўзлар қидирмайди, балки кўнгил розини қандай бўлса шундайлигича айтади-қўяди.

Китоб «Яна остонангда турибман, дўстим...» сатрлари билан очилади. Лирик қаҳрамон сизнинг ҳузурингизга «ёруғ ният», «ёниқ дил», «даста гул» билан келади, келади-ю, самимийли-

ги, камтаринлиги боис остонангизда тўхтаб:

Аммо дилда жиндак
ҳаяжон, ғулув:
Бир дам суҳбатингга
ярармиканман,
Е вақтинг беҳуда
олармиканман,
Манзур бўлармикин
келтирган гулим,
Юрагимда жиндак
ҳаяжон, ғулув —

дея ўйларга толади. Шуниси қувончлики, мана шу самимийлик тўпламдаги кўп шейрларга хос.

Шоир ўзини она халқи билан пайваста деб билади, унинг меҳнатини, орзу-ўйларини юқори пардаларда куйлайди. Бу хислат гражданлик руҳи билан йўғрилган, халқимиз турмуши, меҳнатдаги фидокорлиги

тасвир этилган «Табрик», «Ширмоной», «Ипак мавсуми» шейрларида яққол кўринади. Унинг нозик кузатишлари дилни қувонтиради:

Ош пичоқни қистириб
белга тонг отар маҳал,
Барг дардида йўл олу
тутзор томонга жадал,
Не тонг, жондош дўстлар
ҳам барг деб қизаришса

сал,
Буюк мақсад йўлида бир-
бирин кечирмас ким?
Буюкликна дахлдор
менинг пиллакор халқим!

Кўриниб турибдики, белга «ош пичоқни қистириб» олган, «тутзор томонга жадал» кетаётган, барг устида жондош дўсти билан ҳам қизаришиб қоладиган, лекин бундан ранжймайдиган, «буюк мақсад йўлида»

бир-бирини кечирадиган пиллакор шоирнинг ҳаётни чуқур билишлиги туфайли тасаввурингизда намоён бўлади.

Шеърнинг муваффақияти фикрнинг оригиналлиги, ифоданинг жозибадорлиги билан бир қаторда шоир ўз қалб кечинмаларини, кўнгил туйғуларини қай даражада равшан баён этишига, китобхон юрагига нечоғли теран кириб бора олишига ҳам боғлиқ. Юқорида парча келтирилган «Яна остонангда».., шунингдек, «Она қўллари», «Дўстларимнинг китоблари», «Армон», каби шеърларнинг дилга яқинлиги шундандир. Айниқса, «Армон» шеърини дақиқ:

...Вир дардим етмасмиди.
найлайки, абгор
қолдим,
Фарзандларим бобосиз.
боз отага зор
қолдим.
Наҳот икки отадан
мен ёлғиз ёдгор
қолдим.
Икки тоғни кўтарган
қалбим мисли нор.
қолдим.
Катъамга айланди-ку
қабрингиз,
отажоним...

каби сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр шоирнинг ҳамдарад дўстига айланиб қоласиз. Бу — поэзиянинг асосий тасвир объекти инсон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, деган фикрга ҳам далилдир.

Ҳабиб Саъдулла кейинги йилларда аруз вазида ҳам ўз иқтидорини синаб кўрмоқда. Тўпلامдан жой олган «Менинг бахтим», «Гоҳ-гоҳ кўришиб...», «Этмиш» ғазаллари бу мураккаб жанр талабларига жавоб бериши, чиройли ташбеҳлари борлиги, шарқ шеърининг анъанавий санъатлари баҳоли қудрат қўлланилгани учун ўқувчи эътиборини тортади.

«Туғилган йилим» — шоирнинг илк достони. Асар Улуғ Ватан уруши қўрбонларига бағишланган бўлиб, ўша алангали йилларда ўз-лигини намоён этган турфа тақдирлар, фронт орқасидаги ҳаёт, айни вақтда бугунги кунлар ҳақида баҳс этади. Унда нуктадонлик билан битилган сатрлар, чиройли топилмалар анчагина. Хусусан, умр йўлдоши жангга кетган она тасвирланган саҳифалар нурли чиққан:

Ўн саккиз ёш... Аммо
жангда
Сенинг севгинг, имонинг.
Гарчи жисминг
Наманганда,
Жанггоҳда эди жонинг, —

дейди шоир у ҳақда. Ҳа она ўзини жангчи йўлдоши билан бирга ҳис қилади. Ундан «қора хат» келганида ҳам, бу қанчалик оғир мусибат бўлмасин, иродасини букмайди, балки севимли ёрининг нима йўлида қўрбон бўлганлигини англаб етади, унинг табаррук ёдини бир умр дилда сақлайди:

Кўзларингда селдай
ёш-у,
Дилда тоғдай бардошинг.
Қанот бўлди, нажот
бўлди
Муҳаббатинг —
қуёшинг...

Шунингдек, ўзбек йигити Мамашарфининг ҳалок бўлган қуролдош дўсти Михаил момини олиши ҳикоя қилинган «Митя дейдики», «Онам сўзлайди» боблари ҳам китобхонда илиқ таассурот қолдиради. Достон уруш доғи ўчмас бўлади, биз ҳам ўша урушнинг тирик қўрбонларимиз, деган мисралар билан тугайди:

Биз минглармиз,
миллионлармиз
Мангу азобда жони,

Уша қонли
қиргинларнинг
Тирик юрган қўрбони.

Бу достон, нима учундир, китобда қисқартиришлар билан босилган, натижада унинг композицион яхлитлигига путур етган. Уни журнал варианты («Шарқ юлдузи», 1976, № 11) билан таққослаб кўрилганда «Уша баҳор», «Хотира» каби бирмунча ҳаяжонли ёзилган боблари тушиб қолганлиги аён бўлади. Шу сингари, «Мулоқот», «Ранглар», «Нон қадри» шеърлари аввал матбуотда эълон қилинганидан фарқ қилади.

Китоб баъзи жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас, Чунончи, «Янги йил оқшомидаги ўйлар», «Қулоғим қизийди», «Нон қадри» каби шеърларида кўп сўзлик, баёнчилик аломатлари сезилади. Оқибатда:

Саховат рамзидир —
ёзиқ дастурхон,
Дастурхон қадрига
етайлик, дўстлар.
Дастурхон устида
синдирилса нон,
Ушоқ нон қадрига
етайлик, дўстлар —

каби умуман тўғри, лекин жўн, насихатомуз, эстетик завқ уйғотмайдиган сатрлар ҳам китобхонга ҳавола этилган.

Бундан ташқари «Ерга сиғмай кенг самога парвоз қилган офтобдай», «Мана ташриф этди оламга кўклам» каби ўйлаб кўриш лозим бўлган сатрлар ҳам учрайди. Лекин бу камчиликлар тўпلامнинг умумий қимматини пасайтира олмайди.

Ҳабиб Саъдулла ҳозир янги-янги асарлар устида ижодий иштиёқ билан ишламоқда. «Мулоқот» тўплами эса ундан янада ижтимоий салмоқдор асарлар кутишга ҳуқуқ беради.

Аҳмад ТОШХҲАЕВ.

ҚУВНОҚ ҚИССАЛАР

**Саъдулла СИЁЕВ. ЯХШИ-
ЛАРГА ЁНДАШДИМ.
«Ёш гвардия» нашриёти,
Тошкент,— 1979.**

Юморист ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг илк ҳикоялари, ҳажвиялари 60-йилларда эълон қилинган ва ўша даврдаёқ жамоатчилик эътиборини тортган эди. У оддий воқеа ва ҳодисалар замиридаги беозор кулгили моментларни нозик илғайдиган, уни асариде қайта яратиб китобхонни қулдирадиган ёзувчи сифатида кўринган эди.

Кейинги йилларда ёзувчи йирик асарларга ҳам қўл урди. У «Яхшиларга ёндашдим» қиссасида ҳаётда ҳали ўз ўрнини топа олмаган, ота-онасининг эркатои бўлган ўспирин йигит Шавкат характерининг шаклланиш жараёнини, унинг келажакда илғор кишилар қаторидан ўрин олишига сабаб бўлган омилларни ақс эттиради. Асар бошида Шавкат беқарор, бирор ишнинг этагини тутмаган йигит сифатида гавдаланади. Туямўйин қурилиши комсомол штабининг бошлиғи Темурга дуч келиши Шавкат ҳаётда ўзгариш ясади. Миллиция капитани ва лейтенантнинг таъна-дашномлари «Шарқ» меҳмонхонасидаги полвон хотин Малоҳатнинг аччиқ гаплари ҳам қаҳрамонни ўз ҳақида ўйлашга мажбур қилади. У яхшиларга ёндашиб, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашувчи йигитга айланади. Шавкат минг хил хаёллар билан мана шу қайноқ ҳаёт қўйнига — Туямўйинга келиб қолади.

С. Сиёев ҳаётни зийрак кўз билан кузатувчи ижодкор. У турмушдаги характерли нуқталарни тез илғаб олади ва уларни ўзига хос бўёқларда энгил ва бегубор юмор билан ақс эттиради. Муаллиф бу қиссасида ўз ғоявий мақсадида мувофиқ келган ҳаётнинг материал топган ва фалол, ҳаракатчан характер яратди олган. У характерларни жонли бўёқларда яратиб

воситасида одамдаги яшириниб ётган иқтидорни, маънавий қувватларни юзга чиқаришда меҳнат беқиёс роль ўйнашини бадий асослаб беришга интилган.

Қисса воқеалари табиий, ҳаёт оқимида монанд тарзда ривожланади. Ёзувчи Шавкат ҳаётига доир бир неча эпизодни кўрсатиш орқали унинг характери эволюциясини кўрсатишга муваффақ бўлади. Бир қараганда, унинг бошидан кечган воқеалар ғоят оддий, ҳар қадамда учраб туради. Адиб ҳаётдаги мана шу майда нарсаларни «деталь» қилиб олиб, ундан ижтимоий маъно чиқаришга ҳаракат қилади. Бу эса унинг асарлари борган сари ҳаётга яқинроқ бўлишида, воқеаликни умумий, юзаки шаклда эмас, балки конкрет, психологик планда экс эттиришда кўринади.

Асарда Шавкатнинг ҳам-хоналари Аҳмад билан Олланазар ўқимишли, одобли, камтар, масъулиятни чуқур ҳис этувчи йигитлар қиёфасида гавдаланса, зид қўйилган Исмаил билан Аваз қиссанинг бошидаёқ ўз хатти-ҳаракати, энгил табиати билан китобхон қалбида нафрат уйғотади.

«Биз одамларни кўрсатамиз. Уларга ўргатгандан кўра, ўзига-ўзини кўрсатиш яхши натижа беради»,—деган эди А. П. Чехов.

С. Сиёев ҳам асарларида шу приёмни қўллади. Муаллиф қаҳрамонларнинг нутқи орқали характер ва психологиясини очиб беради.

Адиб салбий қаҳрамоннинг кулгили хусусиятларини очишда мақоллар, иборалар ва халқ тилининг бошқа бой воситаларидан кенг фойдаланган. Хоразм шевасининг ўзига хос нафис оҳанги ҳар саҳифада сезилиб туриши ҳам қиссага табиийлик бағишлаган. Масалан, асардаги Арслон образини олайлик. У ҳамма нарсадан кўра қорин тўйдириб, мол-дунё тўплаб яшашни афзал кўради. Унинг одамлар билан муомаласи ўта паст, маънавий қашшоқ

шахс. Бунини ёзувчи қаҳрамоннинг ўзини сўзлатиш орқали асослайди:

«Авалло, хотин урма, урсанг баъзи нокасларга ўхшаб 32 тийинлик пиёла билан эмас, бизга ўхшаб 20 сўмлик қора лаган билан ур», «Хўжайин ёмон ётибди. Ҳар уҳ тортиши 10 сўмлик, инқиллаши 30 сўм».

«Манзил яқин» қиссасида муҳбир йигит Суҳбатилло Худоёров билан танишамиз. Ёзувчи бу образ орқали муҳим ижтимоий масалаларни асар марказига чиқаришга ҳаракат қилган. Суҳбатилло қишлоқ мактабининг ўқитувчиси. Шу билан бирга у Гулбоғ қишлоғининг штатсиз муҳбири. У район газетасига очерк ва танқидий мақолалар ёзиб туради. «Қариллик гаштини сураётган чол» очеркида уч урушни кўрган боғбон Тошмат ота ҳақида ҳикоя қилади. «Сигирлар... саҳнада» мақола-сида Гулбоғда ўн йилдан бери битмаётган никоҳ уйи қурилишининг суст бориши танқид қилинади. «Маҳкам ака» ҳақида очерк ёзиб, бунда тракторларга йўлнинг яхши-ёмонига қараб ҳақ тўланмаслигини айтиб, СМУ бошлиғи экономист Соли акани танқид қилади. Соли ака Районо мудирининг куёви эди. Шундан кейин унинг ҳаёти чигаллашиб боради. Бу ўринда Ж. Фаёзовнинг жамиятда тутган ўрни билан унинг асл қиёфаси ўртасидаги зиддият намоён бўлади. Унинг тили билан дили бошқа-бошқа эканлиги кўринади. Ж. Фаёзовнинг мунофиқлиги шу даражага бориб етадики, у Суҳбатиллони Уккашо қишлоғига «сургун» қилади. Унинг мактабига устама-уст комиссия юборади. Улар фақат С. Худоёровнинг дарсларини текширадilar.

Жамиятимизда ўз амалидан фойдаланиб, ҳоҳлаган ишларини қилаверадиган Ж. Фаёзов каби кишилар кўплаб учраб туради. Улар учун «айтилган сўз—отилган ўқ». Улар қайси йўл би-

лан бўлмасин бошлиқларга ўзларини яқин кўрсатишга, ҳурматини қозонишга интилишади. Бу ҳол Ж. Фаёзовга ўхшаган амалпараст бошлиқлар учун қўл келади. Ёзувчи Гулматов сингари «билими тиззасидан ҳам келмайдиган» мунофиқ лаганбардор кимсаларни фош қилади. Бу образ орқали ёзувчи мунофиқлик билан жон сақлайдиган одамлар характерини яртади.

Ж. Фаёзов кўролмаслик, ҳасадгўйлик касалига чалинган. У С. Худоёровнинг муваффақиятларидан эсанкираб, ўзининг ўта бефаросат, калтафаҳм одам эканини намоён қилади.

Ёзувчи ҳаётдаги ярамас, ифлос ҳодисаларни танқид қилиш орқали китобхонни гўзалликларни англашга, авайлашга чорлайди.

Мазкур қисса айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Ёзувчи баъзи ҳолларда ҳаётдаги майда гаплар, масалалар билан ўралашиб қолиб, қаҳрамон психологиясини, унинг руҳиятини етарлича очиб беролмаган. Масалан, асардаги колхоз раиси Тошбеков образи тайинли вазифани бажармайди. Унинг асарга нима сабабдан киритилганини англаш қийин.

Қиссадаги камчиликлар ҳақида танқидчи Матёқуб Қўшжонов ҳам матбуотда ўз фикрини билдирган эди.

Ёзувчининг ҳар иккала қиссасида ҳам кишилар ўртасидаги дўстлик, ахлоқий поклик, меҳнатни улўғлаш каби ғоялар куйланади. У замондошимиз қиёфасига хос асосий белгилар, хусусиятларни асарларида гав-

далантиради. Ёзувчи услубда ўзига хос йўлдан боради. У ҳар доим кулгили гап гапиришга интилади. Унинг жумлалари киноя, қочириқ, ҳазил-мутоибаларга бой.

Юморист ёзувчи фақат кулгили штрих ва иборалар қўллаш билан чекланмайди, асар сюжетини ҳам комик вазиятлар асосига қуришга интилади. Ёзувчи қиссаларининг тили ўткир, шўх, ширадор. У халқ юмори, халқ тили ва анъаналарини яхши билган ҳолда, ундан унумли фойдалана олган. Шу билан бирга уларга ижодий ёндашган.

С. Сиёевдан ўткир ҳажвий руҳли, ижтимоий мазмуни, салмоғи янада чуқур асарлар кутамиз.

Мастура АЗИМОВА.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 1980 ЙИЛ СОҢЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

РОМАН, ҚИССА, ПЬЕСА, ҲИКОЯЛАР

- Ч. Айтматов.** Эрта келган турналар. Қисса. 2—136
Э. Амит. Кийик булоқ. Қисса. 4—106, 5—153.
В. Архангельский. Тарихнинг ўттиз дақиқаси. Ҳужжатли қисса. 1—35.
А. Асилов. Райҳон иси. Ҳикоя. 8—211.
Ч. Бойбусинов. Мактуб. Эзгулик. Ҳикоялар. 10—33.
А. Дилмуродов. Сирли зина. Қисса. 2—106, 3—157.
С. Жамол. Чегарада. Ҳикоя. 7—39.
В. Канивец. Ульяновлар. Романдан боблар. 4—7, 5—93.
М. Мансуров. Устюрт воқеаси. Қисса. 4—42, 5—126, 6—179.
Ф. Мусаџонов. Кулгини севадиган одам. Ҳикоя. 10—17.
А. Мухтор. Бухоронинг жинкўчалари. Қисса. 3—3.
О. Мухторов. Учқур поездлар. Қисса. 10—58, 11—66.
Ҳ. Назир. Ота. Ҳикоя. 2—132.
М. Осим. Ибн Сино қиссаси. Тарихий қисса. 9—66.
С. Ражабов. Оғриқ. Ҳикоя. 12—139.
У. Рашид. Фарзанд деб... Драма. 9—186.
А. Раҳмат. Жанг суронлари. Ҳужжатли қисса. 5—24
Н. Сафаров. Момақалдироқ. Роман. 9—14, 10—106, 11—120.
С. Сиёев. Оғир вазнли жанжалкаш. Ҳикоя. 10—37.
С. Сотишев. Ингичка оёқли генерал. Ҳикоя. 7—47.
К. Тенякшев. Оддий операция. Қисса. Охири. 1—180.
З. Туманова. Хирмон фасли. Минг иккинчи кеча. Ҳикоялар. 10—23.
Ҳ. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши. Тарихий саргузашт роман. 11—7.
И. Тургенев. Тутун. Романдан боблар. 11—177.
А. Чаковский. Ғалаба. Сиёсий роман. 6—3, 7—63, 8—44, 9—112.
К. Яшин. Ҳамза. Роман. Давоми. 1—26, 2—3.
М. Шатров. Алвон яйловда кўк тулпорлар. Инқилобий лавҳа. 7—13, 8—118.
Х. Убаев. Дадажон, сизга ишонаман. Ҳикоя. 10—20
У. Усмонов. Яна келган бахт. Ҳикоя. 8—200.
Р. Файзибоева. Хотин. Қабрдаги гул. Ҳикоялар. 7—55.
З. Фатхуллин. Бахтнинг ҳам қаноти бор. Драма. 2—71.
Н. Фозиллов. Кенглик. Ҳикоя. 6—231.
Шухрат. Оқибатли кишилар. Қисса. 6—73, 7—119, 8—141.
Н. Қобул. Тубсиз осмон. Қисса. 6—125.

ШЕЪРЛАР, ҚУШИҚЛАР, ДОСТОНЛАР

- Р. Абдурашид.** Эტიқод. Шеърлар. 8—109.
Ҳ. Азимий. Ғазаллар. 6—172.
М. Али. Боқий дунё. Шеърлий роман. 6—63, 7—3, 8—89, 9—176, 10—92.
Н. Баракаев. Яйловда. Шеър. 10—53.
Р. Бекниёз. Умр дафтаридан. Шеър. 9—102.
Ҳ. Бобомуродова. Юлдузли кеча. Шеърлар. 4—99.
Б. Бойқобилов. Шуқуҳли карвон. Шеърлий роман. 3—104, 4—145, 5—145, 6—85.
О. Бўриев. Маъмура. Шеърлар. 7—118.
Э. Вохидов. Рухлар исёни. Достон. 1—83, 2—53.
Ёдгор бахши Исҳоқов. Дўмбирамда булбул нағоси. Шеърлар. 12—8.
Ж. Жабборов. Кўклам жилолари. Шеърлар. 1—77.
М. Жаббор. Тўртликлар. 5—22.
Г. Жўраева. Зухро юлдузи. Достон. 4—33.
А. Иванов. Ҳаёт томирида яшайди илҳом... Шеърлар. 3—153.
А. Йўлдошев. Юрагимда севги лиммолим. Шеърлар. 10—49.
Т. Йўлдош. Шудринг доналар. Шеърлар. 3—145.
Н. Куликов. Зафар. Шеърлар. 4—207.
С. Лоқи. Сарой шоирлари билан суҳбат. Шеърлар. 12—237
С. Мавленов. Куним менинг, гулим менинг... Шеърлар. 2—100.
С. Мадалиев. Соғинч. Шеърлар. 5—89.
Д. Матжон. Тўлқин бўлиб жўшгим бор. Шеърлар. 10—57.
Т. Муҳаммад. Таъзим. Шеър. 2—104.
Ж. Мўлдағалиев. Сел. Достон.. 8—26
Назармат. Хатинь нидоси. Шеър. 5—18.
Назармат. Икки томчи қон. Достон. 12—67.
Т. Норв. Қўлимга олиб тор... Шеърлар. 11—113.
Қ. Носирова. Солдат акам келяпти. Шеърлар. 7—116.
Е. Обидов. Суқунат сўзласин. Шеърлар. 12—15.
З. Обидов. Бахтномамиз таронаси. Шеърлар. 5—16.
З. Обидов. Умри. Достон. 9—57.
А. Орипов. Ҳаким ва ажал. Достон. 10—3
Ш. Орифий. Тошчаноқ. Шеърлар. 5—21.
Я. Оқилов. Ленин қуёши. Шеърлар. 4—209.
У. Пўлкан ўғли. Сенингдек гулбахор йўқдир. Шеърлар. 5—20.
О. Раббимова. Деразамдан мўралайди ой. Шеърлар. 11—118.
И. Санаев. Тол, Бўлмаса. Шеърлар. 2—105.
Х. Саъдулла. Қурбонлар. Достон. 10—154.

- Ж. Сейтназаров.** Октябрь шарофати. Шеърлар. 12—13.
- Э. Самандаров.** Муҳаббат гуллари сўлмас. Шеърлар. 12—10.
- Т. Сулаймон.** Сизни суйиб, суюндим сизга. Шеърлар. 7—60.
- О. Суюндиқова.** Туйғуларим. Шеърлар. 11—116.
- К. Ташманбетова.** Йўл бошидаги ўйлар. Шеърлар. 10—50.
- Б. Турובה.** Қадрдон гўша... Шеърлар. 3—153.
- Тўлқин.** Сенга атаганларим. Шеърлар. 4—102.
- А. Убайдулла.** Бир дарахтнинг икки шохи. Шеър. 10—54.
- Уйғун.** Абу Али ибн Сино. Драма. Давоми. 1—94.
- Уйғун.** Ленин ҳайкали ёнида. Шеър. 4—5.
- М. Ушаков.** Ғалаба машъали. Шеърлар. 5—18.
- Ш. Файзуллаев.** Бахт. Шеърлар. 12—17.
- О. Холдор.** Кучоқ очган арчалар. Баллада. 5—80.
- Холис.** Ватанимда. Фаза. 10—55.
- Ҳ. Худойбердиева.** Ёруғ йўллар кутмоқда мени. Шеърлар. 3—148.
- М. Худойқулов.** Масаллар. 9—110.
- Б. Қаипназаров.** Мен сенинг бир новдангман. Шеърлар. 11—114.
- Т. Қаҳҳоров.** Осмон кимники? Шеър. 7—117.
- Р. Қодирий.** Меҳр. Фахрия. Шеърлар. 11—3.
- Ҳ. Қорабоева.** Қайда у яшил майса? Шеърлар. 2—103.
- Ш. Қурбонов.** Лирик шеърлар. 8—115.
- О. Ҳақимов.** Ўқ илдиз. Достон. 8—137.
- Т. Ҳамид.** Гулоб. Достон. 11—59.
- Н. Ҳасанзода.** Шериклар. Шеърлар. 9—98.
- М. Ҳиравий.** Шуъла сочди гўё бир офтоб. 4—6.
- О. Ҳожиева.** Орзу боғларим менинг. Шеърлар. 6—176.
- А. Ҳожи.** Лирик шеърлар. 9—107.
- ПУБЛИЦИСТИКА, ОЧЕРК, САНЪАТ**
- М. Аббосова.** Ленинноманинг илк саҳифалари. 4—30.
- О. Абдуллаев, А. Асилев.** Йиллар ва йўллар. Очерк. 7—181.
- З. Аъламов.** Бинкент ҳақида ўйлар. 4—211.
- З. Аъламов.** Афшонанинг бугунги жамоли. 11—206.
- Х. Исроилов.** Жасорат. 8—3.
- М. Каримжонова.** Манзара жанрида сюжет. 3—216.
- М. Косих.** Ҳамшаҳар йигит. Очерк. 5—74.
- С. Маҳкамов.** Бахмаллик чўлқувар. Очерк. 2—200.
- Назғармат.** Генерал Норхўжаевнинг хотиралари. 10—169.
- М. Нишонов.** Афғонистон: революция давом этмоқда. 9—227.
- Ф. Норхўжаев.** Совет халқининг буюк ғалабаси. 5—3.
- М. Нурмуҳамедов.** Буржуа советшунсларининг маданиятимизни сохталаштиришига қарши. 7—187.

- Н. Раҳимжонов.** Олимнинг олами. Очерк. 12—197.
- Н. Раҳматов.** Чорвачилик зарбдор фронт. 12—202.
- Сайёр.** Трактор қўшиғи. Очерк. 4—215.
- О. Собиров.** Дийдор. 2—205.
- Р. Турсунов.** Ўзбек мусиқа фольклори. 12—211.
- Н. Фозилов.** Кони фойда гиёҳ. 12—203.
- Ш. Шомуҳамедов.** Ленин йўлланмаси самаралари. 9—218.
- В. Ғафуров.** Волгограднинг меҳр-оқибати. 5—84.
- Н. Қиличев.** Кўнгил мулки. Очерк. 5—216.
- М. Қодиров.** Шуқур Бурҳонов. 9—232.
- А. Қуронбоев.** Сув достони. 9—224, 10—171.
- Ҳ. Гулом, В. Тюриков.** Қорақалпоғистон ҳақида дostonлар. Очерклар. 6—224, 7—161.
- Н. Ҳайитқулов.** Дала дафтарида. 12—157.

ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА

- Б. Аҳмедов.** Олис асрлар садоси. 3—195.
- А. Ирисов.** Ибн Сино «поэтика»си 1—228.
- А. Ирисов.** Ибн Сино қиссалари. 7—217.
- С. Содиқов.** Ибн Сино ва табиий фанлар ривожини. 9—3.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

- О. Абдуллаев.** Ижод оламининг сеҳри. 10—211.
- Б. Бафоев.** Сўз сеҳргари. 2—224.
- ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУНГА 75 ЙИЛ ТўЛДИ**
- Л. Бать.** Тошкентлик дўстим ҳақида. 4—202.
- Н. С. Тихонов.** Адабиётимиз кўрки. 4—198.
- П. Шермуҳамедов.** Унутилмас дақиқалар. 4—206

УЙҒУН—75 ЕШДА

- А. Абборов.** Болаларнинг дил ардоғида. 6—163.
- С. Мамажонов.** Теранлик. 6—158.
- С. Шермуҳамедов, С. Мирзаев.** Уйғун— адабиётимиз оқсоқоли. 11—210.

НАЗИР САФАРОВ—75 ЕШДА

- Б. Имомов.** Талантнинг муҳим қирраси. 1—222.
- Н. Худойбергандов.** Ҳамиша жанговор. 1—225.

КОМИЛ ЯШИН—70 ЕШДА

- Ҳ. Абдусаматов.** Драматургиямиз сардорини. 1—4.
- М. Азимова.** Адабий алоқаларимиз камарбастаси. 1—22.
- Е. Аҳмедов.** Миннатдорлик. 1—21.
- Мирмуҳсин.** Қалби дарёлик ҳамда етуклик. 1—15.
- Э. Охунова.** Эҳтиром ҳисси. 1—19.
- М. Раҳмонов.** Ўзбек театрининг улкан муаллифи. 1—11.
- Тўроб Тўла.** Муҳаббат— айб эмас. 1—17.
- Л. Қаюмов.** Коммунист санъаткор. 1—10.

МИРТЕМИР ТУҒИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТўЛДИ

- С. Мамажонов.** Оқ қоядай абадий. 11—216.
- Ж. Жабборов.** Устод. 11—218.
- Б. Ақромов.** Қўшиғи алёр, ижоди сел санъаткор. 11—221.

САИД АХМАД — 60 ЕШДА

- Т. Азимов. Қалб эҳтироми. 6—170.
 Мирмуҳсин. Чеховона. 6—171.
 И. Фафуров. Прозанинг шоири. 6—166.

АСҚАД МУХТОР — 60 ЕШДА

- П. Қодиров. Зиёга йўғрилган ижод. 12—145.
 Мирмуҳсин. Қирқ йиллик дўст ҳақида сўз. 12—148.
 В. Смирно. Замондошлар васфи. 12—148.
 Ш. Бурҳонов. Адибнинг икболи. 12—151.
 Л. Торокопян. Одамийлик мадҳияси. 12—152.

ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ — 50 ЕШДА

- Мирмуҳсин. Жарроҳдек ҳаёт бағишлайди. 3—210.
 У. Норматов. Жўшқин ҳаёт, серкирра ижод. 3—205.
 М. Олимов. Бадиий тафаккур мевалари. 3—214.
 А. Орипов. Толмас ташвиқотчи. 3—212.
 К. Яшин. Истеъдод уфқлари. 3—201.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

- М. Алавия. Достончилик аънаналари. 7—223.
 Б. Аминов. Фожийлик таҳлили. 9—235.
 Г. Владимирров. Халқ типларининг ранг-баранглиги. 2—208, 3—225.
 В. Зоҳидов, М. Ҳамроев, Н. Шодиев. Хас-сослик ва қиёсий таҳлил. 8—219.
 Р. Иноғомов. Руставелидан илҳом олиб. 10—222.
 Р. Иноғомов. М. Горький асарлари ўзбек тилида. 12—216.
 С. Ирисхўжаева. Қанотли кўшиқлар. 1—233.
 У. Норматов. Социалистик реализм назарияси ва ҳозирги адабий жараённинг баъзи масалалари. 5—229.
СЪЕЗД ОЛДИ ГУРУНГИ: Ҳ. Ғулом, У. Норматов, Н. Худойберганов, Т. Сулаймон, С. Мирзаев, П. Шермухамедов, Г. Нуруллаева сўзлари. 10—196.
 Ф. Сулаймонова. Урта Осиё қадимги юнон адабиётида. 10—226.
 О. Тоғаев. Ижодда давр садоси. 10—218.
 Н. Худойберганов. Бир тану бир жон. 4—220.

- О. Шарафиддинов. Мунаққиднинг биринчи китоби. 8—224.
 П. Шермухамедов. 11—225.
 А. Эшонқулов. Ёшлар прозасига бир назар. 11—230.
ЎЗБЕК ТАРИХИЙ РОМАНЛАРИ МУҲОКАМАСИ: П. Шермухамедов, А. Ҳақимов, И. Л. Гринберг, А. Д. Коптяева, Л. И. Климович, Ю. Суровцев, Д. Молдавский, К. Степанян, О. Ёкубов сўзлари. 7—193.
 Д. Қамбарова. Шериятнинг олтин тахтида. 7—229.
 Ҳ. Қодирий. Абдулла Қодирий ижоди ҳақида баъзи қайдлар. 12—221.
 П. Қодиров, У. Норматов. Изланиш кувончи ва ташвишлари. 2—215.
 М. Қодирова. Дилшоднинг «Тарихи муҳожирон» асари ҳақида. 1—231.
 А. Ҳайитметов. Машраб лирикаси. 3—219.

- Ж. Хўжақулов. Изланиш куртаклари. 9—238.

ТАҚРИЗЛАР

- М. Азимова. Қувноқ қиссалар. 12—234.
 Б. Аҳмедов, О. Бўриев. Географик номлар маъноси. 3—236.
 Н. Бекмирзаев. Умид нишонаси. 5—239.
 Э. Бобоева, М. Иқбол Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири. 11—232.
 Н. Жумаев. Мунис шеърларининг янги наشري. 12—229.
 Б. Имомов. Серкирра ижод сарҳисоби. 4—239.
 Н. Комилов, Т. Жўра. «Лоларанг эртак». 4—239.
 М. Мадраҳимова. Бахшининг ижод йўли. 10—237.
 М. Мирражабов, Тиниқ туйғулар. 11—238.
 М. Назаров. Табаррук меросни ардоқлаб. 10—234.
 У. Норматов. «Тирик сайёралар»ни ўқиб. 6—237.
 Т. Норов, Н. Жумаева. «Қуёш зарралари»да ҳаёт жилоси. 3—238.
 А. Ортиқов, Э. Умаров. Нутқ санъати асослари. 11—235.
 Б. Саримсоқов. Мангулик мавзуси. 7—235.
 М. Тоиров. Қувончнинг жаранги. 11—237.
 А. Тошхўжаев. Самимий сатрлар. 12—236.
 С. Тошканов. Инсон қадрининг мадҳи. 7—233.
 Н. Холлиев, У. Утаев. Танқидчининг далиллаш санъати. 12—234.
 П. Шермухамедов, М. Маҳмудов, Т. Исқандаров. «Мен ҳақиқатни севардим». 1—238.
 Б. Қосимов. Порлоқ инсонга қасида. 7—237.
 М. Қўшчонов. Ҳаёт гирдобида инсон қисмати. 2—230.
 А. Ҳайитметов. Маҳорат сабоқлари. 2—236.
 Б. Назаров, Н. Раҳимжонов. Изланиш. 8—235.
 М. Юнусов. Жаҳон кезиб тўпланган куйлар. 8—237.

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

- Ҳ. Зайниддинов. Давр солномаси. 7—221.
 Г. Хўжаев. Бобирнома аънаналари. 11—228.
 А. Қаюмов. Устоз Беруний. 4—117, 5—197.

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

- В. Абдуллаев, Н. Шукуров, Н. Нарзуллаев. Танқидчининг толеи. 12—154.
 А. Орипов. Олижаноб туйғулар. 10—195.
 И. Отамуродов. Халқ виждонининг садоси. 8—214.
 М. Сафаров. Гўзаллик куйчиси. 10—190.
 С. Яхин. «Тонглар дostonига ёздинг отингни». 8—216.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

- А. Алимбеков. Демьян Бедный ва Ўзбекистон. 5—221.
 А. Алимбеков. Теран туйғулар куйчиси. 12—214.
 Қ. Сейдонов. Адабиётимизнинг қадрдон дўсти. 5—225.

10 ноябрда Ўзбекистон Ёзувчилари Союзи бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Партия ташкилоти бюросининг секретари **Туроб Тўла** 1979—1980 йилларда, ҳисобот давригача қилинган ишлар, коммунист ёзувчиларнинг келгусидаги вазифалари ҳақида гапирди.

Йиғилиш **Туроб Тўлани** партия ташкилоти бюросининг секретари қилиб тайинлади. **С. А. Азимов, Р. Файзий, Мирмуҳсин, Ю. Ковалев, Ш. Алядин, Ҳ. Ниёзов, Ж. Абдуллаҳонов, Г. Нуруллаева, А. М. Иванов, А. Ф. Бауэр** ўртоқлар бюро аъзолигига сайландилар.

* * *

18 ноябрда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов** раислик қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи таркибида мавжуд бўлган ижодий союзлар состави кенгайтирилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариат йиғилишида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг **Сарвар Азимов** (раис), **Рамз Бобожон, Борис Пармузин, Нормурод Нарзуллаев, Тўлепберген Қаипбергенов, Туроб Тўла** ўртоқлардан иборат бюроси тузилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариат йиғилишида проза Советига **Одил Ёқубов**, поэзия Советига **Мирмуҳсин**, драматургия Советига **Улмас Умарбеков**, рус адабиёти Советига **Михаил Швердин**, болалар ва ўсмирлар адабиёти Советига **Ҳаким Назир**, бадий таржима Советига **Асқад Мухтор**, танқид ва адабиётшунослик Советига **Воҳид Зоҳидов**, адабий мерос ва юбилейлар Советига **Туроб Тўла**, очерк ва публицистика Советига **Ҳамид Ғулом**, фольклор Советига **Юсуф Султонов**, татар адабиёти Советига **Шамил Алядин**, уйғур адабиёти Советига **Рўзи Қодирий**, ёшлар билан ишлаш Советига **Эркин Воҳидов**, бадий адабиётни пропаганда қилиш Советига **Ҳафиз Абдусаматов**, СССР Ёзувчилар союзи адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Советига **Ибро-**

ҳим Раҳим, Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйи Советига **Пиримқул Қодиров** ўртоқлар раис қилиб сайландилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари билан алоқа қилиш Ўзбекистон комитетининг раиси қилиб **Рамз Бобожон**, Пушкин кунлари комитети раислигига **Зулфия**, Ҳамза кунлари комитети раислигига **Комил Яшин** ўртоқлар сайландилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти Комиссиясига **Назир Сафаров**, қардош халқлар адабиёти билан алоқа қилиш Комиссиясига **Уйғун**, Ёзувчилар союзига қабул қилиш Комиссиясига **Раҳмат Файзий** ўртоқлар раис этиб сайландилар.

* * *

26 ноябрда Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли мақоласи босилиб чиққанлигининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари **Сарвар Азимов** кириш сўзи билан очди.

Тантанали кечада **А. Мухтор, М. Қўшжонов, Л. Қаюмов** ва **О. Шарафиддинов** ўртоқлар «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласи моҳияти, бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. **Т. Тўла, Р. Бобожон** ва **Р. Фарҳодий** Ленин ва партияга бағишланган шеърларини ўқиб беришди.

* * *

28 ноябрда Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театрида **Миртемир** туғилган кунга 70 йил тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди.

Кечани **Зулфия** очди.

Асқад Мухтор адибнинг ижоди ҳақида доклад қилди.

Қозоқ шоири **Абдилда Тожибоев, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов** ва **Омон Матчон** адиб ҳақидаги дил сўзларини изҳор этдилар.

Кеча сўнггида йиғилганлар эътиборига катта концерт қўйиб берилди.

Юбилейда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари **О. У. Салимов** иштирок этди.

Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

© Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)

№ 12.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1980.

Рассом Э. Рўзибоев.

Техредактор М. Мирражабов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 5.10. 1980 й. Босишга рухсат этилди 4. 12. 1980 й. Р—03395 Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Физ. листи 15. Қабарик босма. Шартли босма листи 21.

Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210.159 нусха. Заказ № 4131.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ № 1.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.
ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 330828.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,
ХАТЛАР БУЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОС-
ЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.